Ж. Р. ЗАЙНАЛОВ
Д. Х. АСЛАНОВА, Т. Б. ИМОМҚУЛОВ

САМАРҚАНД
ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИНИНГ
90-ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА
БАҒИШЛАНАДИ

ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институтининг
90-йиллик юбилейига
бағишланади

Ж. Р. ЗАЙНАЛОВ, Д. Х. АСЛАНОВА, Т. Б. ИМОМҚУЛОВ

ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 5111000 – Касб таълими, 5230600 - Молия таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК: 657/658(075.8)
КБК 65.268я7
Х 22

Ж. Р. Зайналов, Д. Х. Асланова, Т. Б. Имомқулов. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 684 бет.

ISBN 978–9943–7799–4–5

Мазкур дарсликда халқаро молия ташкилотлари фаолияти ривожланишининг умумназарий асослари, Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро молия ташкилотларининг маблағларини жалб этишнинг амалдаги ҳолати, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, Халқаро валюта фонди, унинг асосий вазифалари ва функциялари, халқаро капитал бозори, халқаро лизинг операциялари, Жаҳон банки гуруҳи, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки функция ва вазифалари, ҳамда халқаро молия муносабатларининг назарий асослари ёритилган.

Дарслик 5111000 – Касб таълими, 5230600 – “Молия” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

УЎК: 657/658(075.8)
КБК 65.268я7

Нашр учун масъул: и.ф.д., профессор – М.Қ.Пардаев

профессор Ж.Р. Зайналовнинг умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

М.М.Мухаммедов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Касб-ҳунар таълими” кафедраси профессори, и.ф.д.

О.Муртазаев – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти “Агро- иқтисодиёт ва маркетинг” кафедраси мудири, профессор, и.ф.д.

ISBN 978–9943–7799–4–5

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.

КИРИШ

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида эркин очиқ бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур бўлган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва ташкилий асосларни барпо этишда тарихий воқеликка айланиб бормоқда. Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида мамлакатимизда барқарор банк тизими яратилиши билан халқаро молиявий муносабатлар кўлами янада кенгайиб бормоқда, бу ҳолат ўз навбатида халқаро молия ташкилотлари ва молия институтлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз молия институтлари ҳамда халқаро молия ташкилотлари ўртасида бир қатор самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу эса республикамиз иқтисодиётини тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, бу борада Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда "Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия ташкилотлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлиб келмоқда. Улар томонидан халқаро стандартларга жавоб берадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, автомобиль йўллари участкаларида реконструкция ишларини ташкил этиш ва якунлаш, шунингдек, қатор кўприк ҳамда йўл ўтказгичларни барпо этиш, шу жумладан, халқаро молия ташкилотлари – Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт бан-

SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 64736

ки, Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг маблағларини йўналтириш кўзда тутилаётганлиги юқоридаги фикримиз исботидир.

Яқин истиқболда АҚШ, Россия Федерацияси, Хитой, Корея ва бошқа тараққий этган мамлакатларнинг молия институтлари томонидан мамлакатимиз иқтисодиётнинг реал сектори, шу жумдадан, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни экспортга чиқарилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2018-2030 йиллар давомида мамлакатимизга бир неча миллиард долларга тенг маблағлар жалб этилиши кўзда тутилмоқда. Хусусан, халқаро молиявий ташкилотларнинг амалий алоқаларига қисқача тўхталадиган бўлсак, улардан Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ), Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) каби йирик молиявий ташкилотлар билан жуда изчил ва фаол ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ташкилотлар биз танлаган йўл ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тўғри эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилганликлари учун ҳам яқин ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқдалар.

Халқаро молия ташкилотлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида иқтисодиётимизнинг реал секторига жалб этиладиган чет эл инвестициялари ҳажми ошиб бормоқда, уларнинг умумий капитал қўйилмалар ҳажмдаги улуши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши параллел равишда ўсиб бормоқда.

Молия институтлари ҳамда халқаро молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари асосан иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқ ва соҳаларига қаратилишида намоён бўлмоқда:

– қайта ишловчи саноат тармоқларини ривожлантиришда;
– аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда;
– таълим тизимидаги ислоҳотларни ривожлантиришда;
– соғлиқни-сақлаш тизимидаги ислоҳотларни яхшилашда;
– соғлиқни-сақлаш тизимидаги ислоҳотларни яхшилашга;
– банк-молия тизимининг самарадорлигини таъминлашга;

– ижтимоий инфратузилма тизимини ривожлантиришга;

– хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни тараққий эттиришга;

– ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш соҳа ва тармоқларини жадал модернизациялашга ва бошқалар.

Демак, Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро молия ташкилотларининг молиявий ресурсларини жалб этишни такомиллаштириш масалалари иқтисодий сиёсатимизнинг долзарб ва устувор вазифаларидан бири сифатида ўз ўрнига эга бўлиб қолаверади.

Мазкур фаннинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади.

– мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда халқаро молия ташкилотлари иштирокининг назарий асосларини ўрганиш;

– Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро молия ташкилотларининг кредит ресурсларини жалб этишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни кўриб чиқиш;

– мамлакатимиз тижорат банкларида халқаро молия ташкилотларининг ресурслари билан лойиҳаларни кредитлаш ҳолатини тадқиқ этиш;

– мамлакатимизда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

– мамлакатимиз тижорат банкларида халқаро молия ташкилотларининг ресурслари билан лойиҳаларни кредитлаш ҳолатига баҳо берилди;

– мамлакатимизда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда ОТМни ислоҳ қилиш, унга ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш орқали

халқаро молиявий муносабатларни ривожлантириш талабларига янги пед-технология асосида ўқув дарсларини замонавий ташкил этиш ва ўтказиш ишлари муҳим ҳисобланади.

Шу орқали талабаларнинг ушбу фан доирасида мустақил фикрлаш ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш таълим тизимининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳам ҳисобланади. Чунки, фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган мутахассис ўз муаммоларига ечим топа олади ва молия таъдим соҳасида ўз мавқеига эга бўлади.

Шундай экан, ҳар бир профессор-ўқитувчи талабаларга турли маслаҳат, тавсия, топшириқ ва янги маълумотларни бераётганда, маъруза ва амалий машғулотларни илғор технологиялар асосида ташкил этиш, текшириш ҳамда бажариш ишларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундай маъруза ва амалий машғулотларни халқаро молия муносабатлари фанидан ташкил этиш ва ўтказиш чуқур билим ҳамда юксак маҳоратни талаб этади.

Агар халқаро молия муносабатлари фанидан талабалар ўқув модулларини тизимини тўғри ажратиб олиш, фанларни тўғри баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда амалиётда қўллай олишга ўргатилса, шундагина маъруза ва амалий машғулотларнинг натижаси самарали бўлади, фан бўйича кўзланган мақсадга эришилиши таъминланади.

I боб. МИЛЛИЙ ХЎЖАЛИКНИ РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Ўзбекистон халқаро муносабатларининг субъекти сифатида. Миллий хўжаликнинг ривожланишида халқаро молия муносабатларининг роли ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасида инфляция жараёнларини ўсишига барҳам бериш, бозор талабларига жавоб берадиган халқаро муносабатлар тизимининг вужудга келтириш, халқаро валюта ва савдо тизимига интеграция қилинишга йўналтирилган макроиқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга оид мураккаб муаммолар юзага келди.

Ҳозирда ушбу кўрсаткичларга эришишни таъминлашда, Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий ва молиявий муносабатлари асосий омилларни ташкил этмоқда. Чунки, пул муомаласини тартибга солиш, кредит-банк соҳасини назорат қилиш, қатъий пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириш иқтисодий-молиявий муносабатларнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий муносабатлар, халқаро молия бозорлари, ривожланаётган ва саноати ривожланган мамлакатларда қабул қилинган молиявий муносабатларни бошқаришни услублари масалаларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Бундай ҳолат тезлашиши билан маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни каби ўзига хос бир ходисани бошидан кечираётган Ўзбекистон Республикаси учун катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган халқаро иқтисодий-молиявий сиёсати, бевосита ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотлар стратегиясига мувофиқ ҳолда

олиб борилмоқда. Ҳозирда давлат томонидан халқаро иқтисодий ва молиявий муносабатларни хос ҳуқуқий базани яратиш ва ривожлантирувчилар ҳуқуқларини ҳимоялашга доир мустаҳкам қонунчилик ва институционал асосни яратиш бўйича чора-тадбирларни курган ҳолда — давлат бош ислоҳотчи сифатида фаолият кўрсатмокда. Молия бозори инфратузилмасини яратишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган халқаро молиявий сиёсатнинг амалга оширилишида ҳам намоён бўлмоқда. Давлат ислоҳотларнинг мураккаб босқичларида ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган етакчи куч эканлигини кўрсатмокда. Бир қатор махсус давлат органларини ташкил этиш йўли билан давлатимиз ислоҳотларни тартибга солишни амалга оширмокда. Албатта, Марказий банк давлат банки ва халқаро-иқтисодий алоқалар вазирлиги каби молиявий институтлар давлат банки сифатида бу борада муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия муносабатлари иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисмидир. Лекин, уларнинг нисбатини белгилаш жуда мураккабдир. Классик иқтисодиётнинг замонавий иқтисодиётдан фарқларидан бири, замонавий иқтисодиётда халқаро молия муносабатларнинг иқтисодий ислоҳотларнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Шу туфайли, республика ҳукумати ушбу масалага жуда катта эътибор қаратиш лозим.

Халқаро молия муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит билан узвий боғликдир. Уларнинг ҳаммаси ҳам давлат иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмидир.

Иқтисодиётни жадаллашуви шароитида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Давлатнинг макроиқтисодий мақсадларининг устувор ўуналишларидан келиб чиққан ҳолда, валюта муносабатларни тартибга солиш ва валюта сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий асослар базасига босқичма-босқич хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида эга бўлиб бормоқда.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси хукумати, халқаро молия муносабатларини иқтисодий ислоҳотлар мобайнида кўрилган Ҳаракатлар стратегиясида давлат дастуридаги чора-тадбирларни амалиётда қўллаш орқали қуйидаги натижаларни қўлга киритишга имкон беради:

- замонавий халқаро молия муносабатларининг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш;
- самарали валюта назорати ва тартибга солиш тизимини ташкил этиш;
- иқтисодий агентлар ўртасида чет эл валютасини самарали қайта тақсимлаш механизмларини ташкил этиш;
- тўлов балансини тартибга солишнинг замонавий услубларини қўллаш;
- биржа ва биржадан ташқари валюта бозорлари фаолиятини янада такомиллаштириш;
- нақд ва нақд пулсиз тарзда валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини, валюта рисклари олдини олишнинг савдо ва носавдо операциялари механизмини белгилаш;
- чет эл инвестицияларининг жалб қилишнинг тактика ва стратегиясини белгилаш;
- давлатниинг олтин-валюта захираларини самарали бошқариш;
- халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш;
- валюта курсини самарали тартибга солиш;
- миллий валютанинг ички конвертацияланишини таъминлаш;
- республикамиз тўлов баланси жорий операциялари бўйича миллий валюта конвертацияланишини босқичма-босқич жорий этилиши бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириб бориш шулар жумласидандир.

Ушбулардан келиб чиқиб, республикамизда амалга оширилаётган халқаро молия шу жумладан, валюта сиёсатини умумлаштириш ва унга тавсиф беришда унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Молия-пул тизимини миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ташқи салбий омиллар таъсиридан ҳимояланиш ва иқтисодиётни мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш. Маълумки, давлатнинг иқтисодий ва молиявий асосига путур етганда, у иқтисодий инқирозларга дуч келиши муқаррардир. Ўзбекистон ҳимояланиш чора- тадбирларига қатъий амал қилган ҳолда, Жанубий-Шарқий Осиё, Россия Федерациясидаги глобал валюта-молиявий тангликлар таъсирини камайтиришга эришди. Ҳозирда ҳам халқаро молиявий иқтисодий инқироз омилларини таъсирини юмшатиш ва барқарор этиш борасида Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб бориладган амалий тадбирлар ўрнини ижобий натижасини ва барча соҳаларда талаб даражасида иқтисодий ўсишни таъминлаб келишга эришилмоқда.

2. Глобаллашув шароитида иқтисодиётни самарали ва тенг ҳуқуқли асосда жаҳон хўжалигига интеграция қилинишини таъминлаш йўлини кенгайтириш. Экспорт базаси анча суст бўлган шарт-шароитда ички валюта бозори эркинлаштирилишини сунъий тарзда тезлаштириш самарали интеграция жараёнларини ривожлантиришга салбий таъсир этиши мумкин эди. Бундай вазифани ҳал этиш, энг аввало ички ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш ва мамлакатимиздаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлиги ҳисобга олиниб, чуқур уйланган давлат стратегияси чора-тадбирларни амалда қўлланилишини янада кучайтириш унга асосан чет эл инвестицияларини кенг соҳаларга тақдим этишни талаб этади.

3. Иқтисодий ўсиш жараёнларини таъминлаш. Ушбу вазифани ҳал этишда, биринчи ўринда валюта маблағларидан фаолият юритувчи ишлаб чиқариш корхоналарини замонавийлаштириш ва маҳаллийлаштириш уларни тизимли, техникавий қайта ташкил этишда, қўшимча қийматнинг юқори улушини таъминлайдиган янги инновацион корхоналарни вужудга келтиришда фойдаланиш халқаро молия ва валюта сиёсатининг энг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Иқтисодий нуқтаи-назардан қараганда, ушбу вазифалар юқорида қайд

этилган иккита масалага нисбатан базис бўлиб ҳисобланмоғи лозим, чунки давлат ўзининг стратегик вазифалари нуқтаи назаридан илғор саноатлашган жамиятлар томонидан ишлаб чиқилган замонавий инновацион технологияларни импорт қилиши, қайта ишлаши ва ўз шарт-шароитига мослаштира олиши унинг иқтисодий тараққиёти таъминланишини белгилаб берувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Халқаро молиявий соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифаси унинг ҳуқуқий базасини янада ривожлантиришни, бозор талабларига мувофиқ равишда молиявий институтларнинг шу жумладан, банклар фаолиятининг барча жиҳатларини тартибга солувчи алоҳида қонунни ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистоннинг кучли халқаро молиявий муносабатларини шакллантиришда мамлакат ҳукумати молиявий институтларнинг бозор иқтисодиётида тутган ўрнини чуқур тушунган ҳолда ушбу соҳага эътиборни кучайтириш талаб этилада. 2017 йилдан Ҳаракатлар стратегияси дастур доирасида амалга оширилаётган мукаммал ишлаб чиқилган ва асосланган ислоҳотлар ҳамда уларнинг йўналишлари доирасида давлат молиявий операцияларга нисбатан солиқ механизмини қўллаш тартибини соддалаштиришга солиқлар бўйича иқтисод қилиб қолинган маблағларни халқаро молиявий соҳалар учун муҳим аҳамият касб этадиган ёки кадрларни тайёрлашга мақсадли сарфлаш лозим. Соликлардан озод этилган маблағлар халқаро аҳамиятга молик замонавий инфратузилмани шакллантиришга имконият яратди.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солишни такомиллаштириш бўйича қабул қилиинган ҳукумат фармонлари ва халқаро молиявий муносабатларда валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонуни қабул қилинишидан сўнг, Марказий банк валютани тартибга солиш масалалари бўйича янги меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишни зарурият қилиб қўйган.

Ҳозирда валюта операциялари бўйича қонуний базасини ташкил этиш ва амалга оширишда қисқа вақт мобайнида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Ҳозирда валютани тартибга солиш муҳити ҳуқуқий базасини ташкил этиш жорий иқтисодий аҳволини таҳлили натижаларида амалга оширилаётганлигини ўзига хос хусусияти ажралиб турмоқда.

Хорижий валютанинг олди-сотди операцияларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириш қоидалари; ички валюта бозорини механизмини ишлаб чиқиш; республикада чет эл капитал иштирокида хорижий банкларни ташкил қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш қоидалари; хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун тижорат банкларига лицензия бериш қоидалари; резидент ва норезидент – юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютада ҳисобварақларини очиш ва ишлаш қоидалари; ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга Ўзбекистондан ташқарида ҳисобварақларини очиш қоидалари; республикада валюта операцияси билан боғлиқ касса операцияларини янада такомиллаштиришни амалга ошириш қоидалари; банкларда валюта қимматликлари билан боғлиқ касса операцияларининг тартиби ва бошқа саволларни ўз ичига олган меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиш муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, уз валюта сиёсатини давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, валюта муносабатларини ва валюта бозорини эркинлаштиришга босқичма-босқич Ҳаракатлар стратегияси дастури доирасида амалга ошираётганлиги кўринади. Ҳозирги кунга келиб, мамлакатдаги иқтисодий жонланишни инобатга олган ҳолда, ва айниқса, мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб этиш жараёнини ривожлантириш мақсадида мавжуд валюта чекловларини камайтириш йўли билан валюта муносабатларини ва валюта бозорини эркинлаштириш лозим. Валюта бозорини эркинлаштириш ва ваколатли банкларни валюта муносабатларини ривожлантиришдаги амалга ошириладиган вазифаларини аниқ белгилаб олиш — миллий валютанинг тўла конвертацияланишига олиб келадиган асосий йўл ҳаракатлар стратегияси чора-тадбирлардан

биридир. Ҳаракатлар стратегияси чора-тадбирлари негизида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ташқи алоқалари доираси анча кенгайди, халқаро молия ташкилотлари ва йирик хорижий банклар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик янада ривожланди. Хусусан, ХВФ томонидан халқаро андозаларга мос равишда банк қонунчилигини яратиш, халқаро молиявий муносабатларни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, янги ҳисоб ва ҳисоботларни киритиш, шунингдек, тўлов тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

1.2.Очиқ бозор тузилишини аҳамияти ва афзалликлари

Халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг очиқлик бозорини ҳуқуқий, иқтисодий асосларини янада такомиллаштириш зарурати ҳам долзарб бўлиб, бу вазифа Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама асосланганлик муҳим масала бўлиб келмоқда. Жаҳон хўжалигига миллий иқтисодий интеграциялашувда илғор мамлакатларнинг бой тажрибаларига таълимни ва ушбу тажрибаларни миллий хусусиятлар билан энг оптимал тарзда уйғунлаштириш халқаро потенциалини ошиши билан изоҳланади.

Очиқ бозор тизимини ривожланиши натижасида жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айланиб бораётган мамлакатларнинг сони ортиб бориши билан бирга мамлакатлар ҳаётидаги халқаро молия муносабатлардаги молиявий хизматлар капитал ҳамда фонд бозорларидаги савдо ва сиёсатга доир тартибларнинг таборо эркинлашуви орқали намоён бўлмоқда.

Очиқ бозор тизимини эркинлаштираётган мамлакатлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Очиқ бозор шароитида жаҳон иқтисодий ва молиявий муҳитининг шаклланишига таъсир этган сезиларли ўзгаришлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Евродоллар бозорининг юзага келиши;

➢Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги (ЕИҲ) – ҳозирги Европа Иттифоқининг (ЕИ) ташкил топши;

➢Америка корпорациялари хорижий фаолиятларини кенгайтиришга интилши;

➢Жаҳон бозорида Европа ва Япония корпорациялари фаолиятининг сезиларли ўсиши, халқаро майдонда АҚШ корпорациялари билан ушбу мамлакатлар ўртасида рақобатнинг кучайиши;

➢Япония иқтисодиётини тез суръатлар билан ўсиши, Узоқ Шарқ бизнес фаолиятида янги имкониятларнинг ортиши;

➢Бреттонвуд тизимини қулашига олиб келган жаҳон молия инқирозлари, валютанинг белгиланган курси тизимидан сузувчи валюта курсларига ўтиш;

➢Инқирозлар ва уларнинг жаҳон иқтисодий тизимига босим ўтказиши;

➢Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзларга хизмат кўрсатиши билан боғлиқ жаҳон қарздорлик инқирозининг бошланиши;

➢Саноати ривожланган шу жумладан, Япониянинг халқаро молиявий куч ва жаҳон капиталининг манбаси сифатида етакчи мамлакатга айланиши;

➢Европа бозорини ташкил қилиши. Бунда мазкур ташкилотнинг Ғарбий Европа молиявий ва иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир этиши;

➢Шарқий Европа мамлакатлари ўз сиёсий йуналишларини ўзгартириши;

➢Марказдан режалаштириладиган иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтиши жаҳондаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ҳолатга чуқур таъсир этганлиги;

➢Европа бозорининг юзага келиши;

➢Эркин савдо бўйича Шимолий Америка битимининг кучга кириши XXI аср бошларида жаҳон иқтисодиётида тўртта асосий таркибий анъанани очиқ бозор тизимини ривожланганлигига таъсирини кузатилиши юз бериши муҳим аҳамият касб этди.

Бунда, хомашё экспортига асосланган ҳамда саноати ривожланган мамлакатлар ўртасидаги ўзгаришлар. Айтиш жоизки кўпгина хомашё етказиб берувчи мамлакатлар хомашё сотиш эвазига валюта тушумини ошириш мақсадида картелларга бирлашдилар. Аммо саноат технологияси ва қишлоқ хўжалик соҳасининг кескин ривожланиши хомашёга бўлган талабнинг қисқаришига таъсир кўрсатди ва натижада очиқ бозорда хом ашё баҳосининг пасайиши юз берди.

Очиқ бозор шароитида саноати ривожланган мамлакатларда қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришдан, билим ва малакага асосланган ишлаб чиқаришга ўтилиши натижасида бандлик таркибида юқори малака талаб қилувчи мутахассисларга эҳтиёж ортиб, нисбатан паст малакали мутахассисларга талаб пасайиб борди. Ахборот алмашувининг осонлиги тадбиркорлик фаолиятини, кичик бизнес ва шахсий ташаббусни рағбатлантирди.

Очиқ бозор тизимини амал қилиши илмий- техника прогресси ютуқларидан фойдаланиши, билимни ва юқори малакани талаб қилади, шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошликни ошириш учун инсон капиталига инвестиция қилиш муҳимлиги ошди.

Жаҳон савдосида халқаро капитал ҳаракати сезиларли даражада ортди. Ушбу ўзгариш халқаро савдога нисбатан халқаро капитал ҳаракатининг тез суръатда ўсиши билан юз берди.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) нинг қўшма корхоналарга ташкил этиш учун халқаро инвестициялари ва ҳамкорлик битимларида диверсификация даржасининг ортиши юз берди. Қўшма корхоналар эса халқаро бизнес интеграциясининг кенг тарқалган шаклига айланди. Шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув жараёнида халқаро ташкилотлар роли янада ошди. Очиқ бозор шароитида халқаро ташкилотлар орқали макроиқтисодий сиёсатнинг ягона мезонлари татбиқ этилди. Валюта-кредит, солиқ, ташқи иқти-

содий сиёсат, бандлик соҳаси бўйича қўйиладиган талабларнинг бир хиллашуви юз бермоқда, халқаро рақобат қоидалари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилина бошланди. Бу жараёнлар қанчалик жадал суръатларда амалга оширилмасин очиқ бозор шароитида замонавий жаҳон иқтисодиёти тўла глобал ҳолатда фаолият юритаётгани йўқ, балки у энди глобаллашув жараёнларининг дастлабки босқичларини бошдан кечирмоқда. Ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви узоқ муддатли жараён бўлиб қолди. Баъзи миллий бозорларнинг очиқ, баъзиларининг қаттиқ тартибга солинадиган бўлган ҳозирги ҳолати билан эркинлашув, бир-бирига номувофиқ бўлган кўринишни ҳосил қилмоқда.

Халқаро товарлар, хизматлар ва капиталлар алмашинувининг эркинлашуви кенгаяётган бир шароитда ҳар бир давлат экспорт ва импортни тартибга солишнинг маълум усулларини сақлаб қолмоқдалар. Уларнинг асосий мақсад – таркибий қайта қуриш ва инқироз даврининг қийинчиликларини енгиб ўтиш, такрор ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминловчи (энергетика, транспорт, алоқа ва ҳ.к) ва мамлакат мудофаа қобилияти каби стратегик соҳаларни молиявий таъминлаш, савдо шериклардан муносиб имтиёзлар олиш, шунингдек бюджет тушумларини оширишдан иборат бўлмоқда.

Халқаро иқтисодий муносабатларда глобализация билан бирга интеграция жараёнларининг яна бир шакли маълум географик жойлашувга асосланган интеграция юз бермоқда.

Ўсиб борувчи глобаллашув, иқтисодиётнинг трансмиллийлашуви ва интеграция натижасида эски давлатлараро тартибга солиш механизми тубдан ўзгарди. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар иккиёқлама муносабатлар чегарасидан чиқиб, кўпёқлама тус олмоқда. Ушбу ўзгаришларга қарамай “миллий хўжалик мажмуи”, “мамлакатнинг миллий иқтисодий манфаатлари” тушунчалари ўз маъносини сақлаб қолмоқда. Миллий хўжалик ҳамон ишлаб чиқариш, алмашув, тақсимот ва

истеъмол, шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг асосий маркази бўлиб келмоқда.

Очиқ бозор тизимини ривожлантириш шароитида илғор мамлакатларнинг бой тажрибаларига таҳлилий ёндашиш ва ушбу тажрибаларни миллий хусусиятлар билан энг оптимал тарзда уйғунлаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг очиқ бозор шароитида ўзининг мустақил ташқи иқтисодий сиёсати имкониятининг ошиб бориши Республиканинг ташқи иқтисодий сиёсати халқаро молиявий муносабатларда мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳолда амалга оширилмоқда ва у қуйидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи муносабатларда ошкоралик;
- тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- миллий-давлат манфаатлари устуворлигини таъминлаш;
- халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш;
- кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва уларни ривожлантириш.
- очиқ бозор тизимини афзаликлари ташқи иқтисодий соҳа тармоқлари мажмуини вужудга келишига;
- молия, банк-молия ташкилотлари, божхона хизмати ишини халқаро меъёрлар ва талаблар даражасида йўлга қўйишга халқаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга эришишда намоён бўлмоқда.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда қуйидаги йўналишлар афзал бўлиб ҳисобланади:

- республиканинг экспорт қудратини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантиришга эришилганлик;
- экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорига кириб бориш учун, аввало қиммат хомашёни қайта ишлаш

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VAZIRLIGI HUZURIDAGI IQTISODIYOT VAZIRLIGI AXBOROT RESURS MARKAZI № 64436

негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантиришга эришилмоқда;

- ташқи иқтисодий фаолиятни янади эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишда ўз маҳсулотларини чет элликларга сотишда кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий этиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказишни таъминланганлиги;
- хорижий сармояларни республика иқтисодиётига кенг кўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шароитларни яратилганлиги;
- халқаро молиявий муносабатларнинг таркибий мажмуини вужудга келтирилганлиги;
- халқаро ҳуқуқ ва халқаро молиявий муносаблар соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашни кенг йўлга қўйилганлиги.

Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда - дунё миқёсида интеграция жараёнларига қатнашишга муҳим қоидаларга амал қилишини, яъни бир давлат билан яқинлашиш бошқа бир давлат билан узоқлашиши ҳисобига бўлмасликка.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий жиҳатдан ривожланган очиқ бозор тизимига эга бўлган демократик давлат ҳақидаги ҳозирги замон тушунчаларига мос равишда жаҳон ҳамжамиятига киришишда илғор қадамлар қўймоқда. Бундай афзалликларнинг барчаси очиқ бозор тизимининг амал қилишида хўжалик субъектларини, молиявий институтларни ривожлантиришни яратиб берилган имкониятларда намоён бўлмоқда.

Глобаллашув жараёни вужудга келишининг негизи иккинчи жаҳон уруши даври ва урушдан кейинги биринчи ўн йилликларда яратилганлиги боис БМТ нинг ташаббуси билан (1940.й) да тартибга солиш халқаро институционал тизими яратилган эди: халқаро валюта ва ҳисоб-китоб муносабатларини барқарорлаштириш учун Халқаро валюта фонди

(ХВФ), ривожланишни молиялаштириш учун халқаро ривожланиш ва қайта таъмирлаш банки (МБРР), халқаро савдода эркинлаштириш ва нодискриминация ҳақида савдо ва тарифлар бўйича Бош битим (ГАТТ) имзоланган эди. Кейинчалик МБРР таркибида Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) ва инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлик (МАГИ) гуруҳи ташкил қилиниб, Осиё (ОРБ), Африка (АфРБ), Лотин Америкаси (МАБР) ва Европа (ЕБРР) минтақавий ривожланиш банклари билан тўлдирилди.

БМТ жаҳон иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ўз таркибига ихтисослашган муассасалар ва органлар тизимини, жумладан, иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС), Европа, Осиё ва Узоқ Шарқ, Африка, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси учун минтақавий иқтисодий комиссиялар, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО), Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ Конференцияси (ЮНКТАД), Халқаро меҳнат ташкилоти (МОТ), БМТ Ривожланиш дастурини (ПРООН) киритган эди.

Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиёти ва уларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини қайта тиклашда Маршалл режаси катта роль ўйнади, Европа иқтисодий ҳамжамиятининг (ЕИҲ.) ташкил топиши (1957 й) билан аъзо мамлакатларнинг ўзаро алоқа механизми яратилди, товар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг эркин ҳаракатланиш шароитларида уларнинг бир-бирига боғлиқлиги чуқурлашди.

ЕИҲда бошқарув институционал тизими шаклланган ва минтақавий мамлакатлар ўртасида интеграция жараёнини тартибга солиш орқали иқтисодиётини глобаллаштириш моделига асос солинган. Фан-техника революцияси (1950 й бошланган) ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланиши, миллий хўжаликлар ва жаҳон иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар, халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалик

алоқаларини диверсификациялаш асосида жаҳон бозорининг кенгайишига асос солди.

Глобаллашаётган иқтисодиётнинг шаклланиш жараёни вужудга келиши бевосита халқаро пул ва молия бозорларининг қайта тикланиши ва ривожланиши (1950 йилдан бошлаб) трансмиллий корпорация ва банклар сонининг ўсиши, хорижий фаолиятнинг глобаллашуви, диверсификация ва жадаллашув билан боғлиқ. Глобаллашув жараёнининг шаклланишига ўтган XX асрнинг 70-йиллари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган эди.

Интеграциянинг кучайиши кўплаб омиллар билан изоҳланади. Уларнинг энг муҳимлари ижтимоий-иқтисодий структурани қайта кўриш, оммавий хусусийлаштириш, молия инфратузилмасини яратиш, молия бозорларининг вужудга келиши ва ривожланиши, ташқи иқтисодий алоқаларии эркинлаштириш ҳисобланади. Европа Ҳамжамиятига аъзо бўлиб киришга тайёргарлик кўриш доирасида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидаги таркибий ўзгаришлар ва интеграция жараёнлари жадал суръатларда борди. Шунингдек, ўтиш босқичидаги мамлакатларнинг интеграцияси учун ҳам катта куч сарфланди ва сарфланмоқда.

Глобаллашиб бораётган жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омиллари миллий бозорларининг очиқлиги, миллий иқтисодиётларнинг бир-бирига боғлиқлиқ даражаси юқорилиги, уларнинг айниқса, валюта-молия соҳасида очиқлик даражасини ўсиши билан белгиланди.

Ҳозирда дунё хўжалик алоқаларининг жадал эркинлашуви ва кенгайиши, халқаро молия бозорларининг глобаллашуви, диверсификацияси ва интеграцияси билан ажралиб турмоқда. Валюта-молия соҳасини эркинлаштириш ва чекка мамлакатларга хусусий капитал оқимининг кенг кўламда бўлиши ривожланган ва ўтиш давридаги мамлакатларда шаклланаётган молия бозорининг вужудга келишини рағбатлантирди.

Глобаллашувга жаҳон хўжалик алоқалари ва ҳамкорлигининг тез ва кенг куламли ўсиши, товар ва хизматлар халқаро савдосининг кенгайиши ва диверсификацияси, халқаро капиталлар миграцияси, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси, халқаро илмий-техник ҳамкорлик ва айирбошлаш, ишчи кучи ва юқори малакали мутахассислар миграцияси хос. Уни халқаро иқтисодий алоқаларнинг ўзаро функционал алоқаси, уларнинг миллий иқтисодиётларга ўсиб бораётган таъсири, халқаро институционал ва бозор тартибга солишининг кучайишида давлатнинг иқтисодий мустақиллиги чекланиши ажратиб туради.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувини ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳисобланган халқаро молия ва ахборот инқилоби компьютерларнинг кенг тарқалиши ва такомиллашуви, интернет-технологияларнинг тез жорий қилиниши, глобал илмий тадқиқот тармоқларининг шаклланиши билан тавсифланади. Замонавий иқтисодиётда ташқи иқтисодий соҳанинг ривожланиши айниқса, унинг валюта-молия сегментининг ривожланиши ЯИМ ва ички ишлаб ўсиб бормоқда.

Глобаллашув бу – халқаро айирбошлашни эркинлаштириш асосида хўжалик ҳаётининг байналмилаллашувини кучайтириш, ривожламган миллий иқтисодиётларнинг очиқлик ва бир-бирига боғлиқлик сифат жиҳатидан янги босқичи сифатида эътироф этилди. Хўжалик субъектлари, шунингдек, улкан ресурсларга эга бўлган институционал инвесторлар хорижий фаолиятининг кенг миқёсдалиги ва фавқулодда жадаллашуви билан фарқланган бўлсаада, бу очиқ иқтисодиёт, халқаро молия бозорлари фаолият механизмларини такомиллаштириш шароитларида юз берди.

Очиқ иқтисодиёт стратегияси нафақат ривожланган, балки ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун ҳал қилувчи бўлади. Очиқ иқтисодиёт давлат протекционизм сиёсатининг сустлашуви, ички бозорларда рақобатнинг кучайиши, миллий иқтисодиётларнинг ташқи таъсирлар учун

очиқлиги ва заифлигининг ўсиб боришини англатади. Очиқлик тенденцияси иқтисодий интеграциянинг ривожланиши билан кучаяди. Минтақавий интеграция иттифоқлари доирасида товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларини ҳаракатлантириш йўлидаги тўсиқларнинг олиб ташланиши, илмий-техник ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг кучайиши асосидаги яқинлашув ва ўзаро алоқа жараёнлари жадал суръатларда ривожланмоқда ва ўз ортидан бошқа мамлакатларни ҳам эргаштирмоқда.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро бозорга кириши ва иқтисодий потенциалининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги шароитда жаҳон мамлакатлараро иқтисодий алоқаларнинг кенгайишини рағбатлантирувчи, унга ундовчи ва кўмаклашувчи бир қатор халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар фаолиятини юритиш орқали мамлакатимиз халқаро бозорга кириши орқали ўзининг иқтисодий истиқболини тобора ошириб боришга эришмоқда.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида иқтисодий алоқаларини кенгайишини рағбатлантирувчи, бир қатор халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар фаолият юритмоқда. Ушбу муассасаларни бошдан кечираётган республикамизнинг молиявий муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишдан, мақсадли кредитлар ажратишдан иборат.

Айтиш жоизки, табиий ресурслар сингари молиявий ресурслар билан таъминланишда ҳам ҳамма давлатлар бир хил имкониятларга эга эмас. Баъзи мамлакатларда вақтинча капитал пайдо бўлса, баъзиларида унга талаб бор. Жаҳон молия-кредит бозорлари эса жаҳон миқёсида молиявий ресурсларга талаб ва таклифнинг эркин иисбатини яратишга имкон беради.

Халқаро бозорга кириш аввало жаҳон капитал бозори миллий капитал, шу жумладан, ссуда капитали бозорларининг байналмилаллашуви давомида ривожланишини тақозо этади.

Халқаро бозорлар жаҳон хўжалиги, халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўғинидир.

Халқаро бозорга кириш вазиятини вужудга келишини нафақат товарлар ва хизматлар экспортининг улкан кўламлари, балки капитални олиб чиқиш, қимматли қоғозлар, банк депозитлари, қарз мажбуриятлари шаклидаги мулкчилик ҳуқуқлари савдоси намоён этмоқда. Халқаро молиявий бозорлардаги айланмаларидан ўн, баъзан юз марталаб ортиқдир.

Давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлар, банклар, хусусий компаниялар томонидан бериладиган халқаро кредитлар улкан ҳажмларда амалга оширилмоқда (1.1-*жалвал),*

1.1-жадвал.

2006 йилда халқаро кредит ресурслар ҳажми (млрд. долл»)

Кўрсаткичлар	Дунё	АҚШ	ЕИ
I Жаҳон ЯИМ	41255	11734	9616
2.Жаҳон валюта захиралари (олтиндан ташқари)	3866	175	281
3.Фонд бозорларининг капиталлашуви	37168	16324	9270
4.Қарз қоғозлари (давлат ва хусусий)	57843	22307	19261
5.Тижорат банклари активлари	57316	8497	27993
3,4,5 қаторларнинг йиғиндиси	152327	47127	56524

Манба: Cloba1 Finanscial Report, IMF, 2006.

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2006 йилда турли кредит ресурсларининг ҳажми катта миқдор — 152 трлн. долларга етди. Бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга капиталларнинг катта оқими айни вақтда уларнинг иқтисодий ривожланишининг ўзаро боғлиқлигини пайдо қилади.

Халқаро молия бозори жаҳон хўжалигида капитал ҳаракатини таъминловчи аксарият ташкилотларни қамраб олган. Буларга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби ташкилотларни келтириш мумкин.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётини янги давр даражасига кўтариш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ва халқаро бозорга жадал кириб бориш халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни ва уларнинг ресурсларидан фойдаланишни тақозо этади.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жаҳон бозорларини эгаллаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш каби вазифаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасини халқаро бозорга кириш кўп жиҳатдан капиталларни кафолатланиши билан боғлиқ бўлмоқда.

Шу боис инвестиция дастурини молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳукумат кафолати остида бериладиган чет эл давлатларининг кредитлари ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозирги кунда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тракқиёт банки ва бошқа халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик асосида чет эл кредитларини жалб қилинмоқда. Бундай ҳамкорлик нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий соҳаларда ҳам кенг ривожланмоқда. Бу эса молиявий муносабатларни ривожлантиришда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун мавжуд ички ресурслардан ташқари, халқаро молиявий ташкилотлар ресурсларидан фойдаланиш ва шу орқали мамлакатни иқтисодий-молиявий салоҳиятни ошиши ҳам асосий омиллардан ҳисобланади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар ва

халқаро молиявий ташкилотлар ўз инвестицияларини ривожланаётган ва хомашё ҳамда меҳнат ресурслари кўп бўлган мамлакатларга жойлаштириш истагини билдирмокдалар.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев «Халқаро валюта фондн, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари, ташкилотлари билан ҳамкорлик келгусида ҳам ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолаверади деб таъкидлаб ўтдилар. Юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ушбу ташкилотларнинг роли ва ўрни бениҳоя катта, эканлиги Республикамизни халқаро бозорга кириб бориш ва унга мустаҳкам ўрин олишга харакат қилмокда.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, асосан таркибий ўзгаришларни амалга оширишни, миллий бозорларни маҳсулотларимиз билан тўлдирган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, бунинг учун эса, чет эл инвестицияларни жалб қилишни талаб этмокда.

Ўзбекистонда халқаро молия ва кредит муносабатларни йўлга қўйишни кенгайтиришга, асосан молиявий барқарорликни таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш, кичик ва хусусий бизнес субъектларини, турли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиши натижасида молиявий ташкилотлар ресурсларидан самарали фойдаланишга эришилди.

Табийки, халқаро молиявий ташкилотлар билан муносабатларимизни ривожлантириш, ушбу ташкилотларнинг имтиёзли кредитларини кўпроқ жалб этиш мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи иқтисодий муносабатларини кучайтириш эга. Республиканинг ташқи иқтисодий сиёсати халқаро молиявий муносабатларда мамлакат миллий манфаатларини ҳимосида юқорида қайт этилган ҳолда иш тутиши муҳим аҳамиятга эга бўлмокда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-молиявий ҳамкорлик соҳасидаги кўпгина халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сафига кириб бормоқда. Республика Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро Молия корпорацияси, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби қатор йирик халқаро молиявий ташкилотларга қабул қилинди.

Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистонда миллий валютани мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тўлов балансини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ҳамда корхоналар даражасидаги ислоҳотларни амалга ошириш учун тикланиш қарзи бериш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ҳамда амалга оширилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган ПҚ-1455-сонли "2011 йил учун Давлат инвестиция дистури, 2010 йил 15 декабрда ПҚ-1442-сонли "2011-2015 йиллар учун Саноатни модернизациялаш дастури", 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сонли "2011-2015 йиллар учун инфратузилмани ривожлантиршп Дастури"га мувофиқ таълим, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, сув таъминоти, экология ва санитария, энергия самарадорлиги тизимини ривожлантириш, энергиянинг муқобил манбаларини ривожлантириш, 80 млн, доллардан кам бўлмаган транспорт коммуникациялари тизими каби соҳаларда устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш воситалари жалб қилинмокда. Бунда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни бажариш, энг муҳим соҳаларда лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли кредит ва грантларни жалб қилиш юзасидан мунтазам ишлар олиб борилмокда.

Ўзбекистоннинг инвеетициялар бўйича асосий ҳамкорлардан бири Осиё тараққиёт банки бўлди. У давлат ҳамда хусусий

сектордаги лойиҳалар учун қарийб 3,8 миллиард доллар ажратди.ОТБ билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам рағбатлаштирувчи аҳамиятга эга. Бу, айниқса, хусусий секторга инвестиция киритиш, нефть, газ ва нефть-кимё саноатини молиялаштиришда яққол намоён бўлмоқда.

Ҳамкорликдаги лойиҳалар транспорт инфратузилмалари, қишлоқ хўжалиги, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, коммунал хўжалик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, уй-жой қурилиши, шунингдек, энергия ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш каби йўналишларни қамраб олади.

Тошкентда 2012 йил 16 февраль куни Осиё тараққиёт банки билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида умумий қиймати 508 миллион АҚШ долларига тенг қуйидаги тўртта заём битими имзоланди:

– 2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури доирасида Мароканд-Қарши участкасида темир йулларни электрлаштириш учун 100 миллион долларлик заём;

– қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш дастури доирасида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича қиймати 200 миллион долларлик заём битими;

– Андижон шахрида сув таъминоти ва санитария хизматларини яхшилаш, жумладан, канализация тармоқларини реконструкция қилиш, Жиззах вилоятиниг Зафаробод ва Арнасой туманларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятининг қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини яхшилаш учун 58 миллион долларлик заём битимлари;

– электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жумладан, электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш учун 150 миллион долларлик заём битими, Ўзбекистонда айни

пайтда халқаро молия институтлари билан яқин ҳамкорликда электр энергетика соҳаси босқичма-босқич модернизация қилинмокда, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш базаси яратилмоқда. 2012 йил 16 февралда Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Қуёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатда ОТБ томонидан қуёш энергетикасни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун 200 миллион АКШ доллари ажратилиши кўзда тутилди.

Ҳозирда Ислом тараққиёт банки Ўзбекистоннинг иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ислом тараққиёт банки билан молиявий ва техник ҳамкорлик барқарор ривожланиб ижобий истиқболларга эга бўлди.

Ўзбекистонга Ислом тараққиёт банки томонидан соғликни сақлаш, таълим, ирригация ва мелиорация, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалик, йўл инфратузилмасини ривожлаитириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш каби соҳаларда 15 та лойиҳани амалга ошириш учун 463,8 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Фикримизча далил шуки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халк Республикаси Ҳукумати ва бошка хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмокда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки “Агробанк”, “Ўзсаноткурилишбанк”, “Асакабанк”, “Ипотека банк”, “Ипак Йўли банки”, “Ҳамкорбанк” томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари жалб қилин-

ган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда жами 200 млн. долларлик қуйидаги хорижий кредит линиялари мавжуд, шу жумладан:

- Ислом тараққиёт банки 15 млн. доллар;
- Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси - 18.2 млн. доллар;
- Хитой Тараққиёт банки - 75 млн. доллар;
- Корея ҳукумати кредит 58.6 млн. доллар;
- Германия Федератив Республикаси банклари: “Коммерцбанк” - 21.900 млн. доллар;
- “Хило Ферейне банк” - 6.4 млн. евро;
- “Лан- лесБанк Берлин АГ; КФВ банки.

XXI асрнинг бошларида тижорат банклари томонндан халқаро молия институтларининг 143,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1.4 баробар ошди. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар ҳисобидан 291 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ажратишга хизмат қилди.

Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси Ўзбекистонда ИТБ гуруҳи умумий фаолиятининг асосий қисми сифатида янги лизинг компаниясини ташкил этди. Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси яқинда Ўзбекистонда тижорат банклари ўртасида тақсимлаш учун 50 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Мазкур лойиҳа мамлакатда кичик бизнес-лойиҳалар, хусусий қишлоқларида амалга оширишни кўпайтиришга хизмат қилиши лозим.

Ўзбекистон халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини олиб боришда ижтимоий соҳани ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор бермоқда.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси, 2017-2021 йилларда аҳоли турмуш тарзи фаровонлигини ошириш стратегиясида қайд этилганидек, салмоқли

инвестициялар ва тузилмавий ислоҳотлар воситасида ушбу мақсадларга эришишга йўналтирилган.

Таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажми ўтган даврда 500 миллион доллардан ошиб кетди. Осиё тараққиёт банкининг 290 миллион доллар маблағи Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг "КфВ" банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдами шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда таълим секторини молиялаштиришда бюджет ва хусусий манбалар билан бир қаторда молия институтлари, хорижий, халқаро донорлар томонидан кўрсатилаётган ташқи ёрдам ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Ўқитувчилар малакасини ошириш йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳаси доирасида Абдулла Авлоний номидаги республика малака ошириш институти, 14 та ҳудудий малака ошириш институти ва 70 та (ҳар бир вилоятда 5 тадан) таянч мактаб қошида масофадан ўқитишнинг таълим-ресурс марказлари ташкил қилинди. 215 нафар тизимдаги мутахассис Германияда малака оширди.

Ўзбекистон кенг миқёсдаги ўз ривожланиш стратегиясига эга бўлиб (2017-2021 йил) ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли яшаш тарзининг фаравонлигини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий инвестицияларни кўпайтириш йўлидан халқаро молиявий муносабатларни ва алоқаларни қатъият билан ошириб боради. Бунинг учун очиқ, демократик жамият қуриш йўлига ўтишгина етарли бўлмайди. Халқаро ташкилотлар билан алоқаларни такомиллаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик имкониятларини топиш ва амалга ошириш зарур

бўлади. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистон халқаро молиявий муносабатларининг ривожланишига имконият яратади.

1.4. Халқаро молиявий муносабатларни турлари ва уларнинг ривожланиши

Глобаллашув шароитида давлатлараро ҳамкорликнинг ривожланиши халқаро ташкилотлар ўз фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштириш учун ўз фондларини ташкил этишига шарт-шароит ҳам яратиб берди.

Давлатлараро келишувлар асосида пул маблағларининг давлатлараро мақсадли фондлари тузилди. Бундай фондлар даромадларини шакллантириш усуллари ва молиялаштиришга кўра бир қанча турлар доирасида шакллантирилди.

Бундай турларга молия-кредит ташкилотларининг давлатлараро ва халқаро фондлари кирди. (Халқаро Инвестция банкини (ХИБ), Иқтисодий Ҳамкорлик Халқаро банкини (ИХХБ), ЕТТБ, ХВФ). Улар низом капиталида иштирок этувчиларга мақсадли кредитлар ажратадилар ва мақсадли фондларни ташкил этадилар. Бу ташкилотлар фаолияти давомида олган даромадларидан улушига кўра дивиденд тўлайдилар ҳамда турли мақсадлар учун захира фондларини шакллантирдилар. Бундай молиявий институтларининг маблағлари, халқаро ташкилотлар фонди, манфаатдор мамлакатларнинг валюта фондлари ва бюджет маблағлари тўланадиган бадалларнинг манбаси ҳисобланади.

Айтиш жоизки, ЕИида ҳам қатор Давлатлараро фондлар ҳам ташкил этилган, (ЕИининг бюджета, Европа Тараққиёт фонди, Европа Валюта Ҳамкорлик фонди ва бошқалар).

Давлатлараро фондланинг иккинчи турида ташкилотлар иштирокчиларнинг ҳар йиллик бадаллари эвазига бюджетлари ташкил этилади. Бундай ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи халқаро ва умумжаҳон институтлари киради. Уларга: БМТ, Халқаро вақт бюроси, Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик, Денгиз йўлдош алоқаси

бўйича халқаро ташкилот, Илмий хизматчиларнинг умумжаҳон федерацияси ва бошқалар.

Халқаро ташкилотларнинг учинчи турига вақтинчалик тусга эга бўлган илмий дастурлар ва конгрессларни кирди. Уларни молиялаштириш қатнашувчи иштирокчилар томонидан амалга оширилади. (Халқаро биология дастури (1964—1974 йй.), Халқаро геодинамик лойиҳа (1971—1980 йй.), Халқаро осойишта қуёш йили (1964—1965 йй.), 1957 йилдан бошлаб ҳар икки-уч йилда чақириладиган Халқаро тоғ конгресси ва бошқалар). Улар турли мамлакат олимлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб боради.

Тўртинчи турига халқаро ташкилотлар — (халқаро илмий лабораториялар, институтлар, иттифоқлар, яхлит ва соҳалар ассоциациялари, маълум илмий соҳалар бўйича бюролар) киради. Улар мамлакатларни, илмий тадқиқот институтларини, ассоцияларни, олимларни бирлаштиради. Ушбулар йиллик улушли бадаллар, конференцияларда иштирок этувчиларни бадаллари, хайрия маблағлари, даврий илмий нашрлардан даромадлар ҳисобидан ташкил этиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Уларга илмий дастурлар бўйича ишлайдиган кучли магнит майдонлари ва паст ҳарорат бўйича халқаро фонд, Халқаро математик марказ ва бошқалар киради.

Сўнги тур халқаро ташкилотларининг фаолияти маълум соҳаларга кўмаклашиш ва тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни йиғиш билан белгиланади. Ёввойи табиат халқаро фонди — давлат, жамоат ташкилотлари ва хусусий шахслардан ёввойи хайвонлар ва табиатни қўриқлаш учун маблағларни йиғувчи нодавлат ташкилотдир. Ушбу ташкилот бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда алоҳида аҳамиятга эга тадбирларни молиялаштиради. Фонд ўзининг нашрига эга, уни сотишдан олинадиган даромадлар фонд бюджетининг даромад манбалари бўлиб ҳам ҳисобланади. “Олимпия бирдамлиги” фонди ривожланаётган мамлакатларнинг миллий олимпия қўмиталарига молиявий ёрдам кўрсатиш учун тузилган.

Мазкур фонд миллий олимпия қўмиталарининг бадаллари, хусусий компания, фирмалар ва хусусий шахсларнинг хайриялари, Халқаро олимпия қўмитасининг инвестицион ва нашриётчилик фаолияти натижасида олинган даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Фондга олимпия ўйинларини телевизион ёритишдан олинган даромадларнинг 1/3 келиб тушади (маълумки, олимпия ўйинларини телевизион ёритишдан олинган даромадлар мос равишда Халқаро олимпия қўмитаси, "Олимпия бирдамлиги" фонди ва олимпия спорт турлари бўйича Халқаро федерация ўртасида тақсимланади). Фонднинг бюджети ҳар йили тасдиқланади. Асосий тадбирларни амалга оширишга йўналтириладиган маблағлар харажатларнинг 75-85 фоизини ташкил этади. Ушбу тадбирларга: йиғинлар ўтказиш, ҳакамлар мажлисини ўтказиш, спорт буюмларини сотиб олиш, миллий олимпия қўмиталарига молиявий ёрдамлар кўрсатиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Бошқа маблағлар нашриётчилик фаолиятига ва жорий харажатларни молиялаштиришга йўналтирилди[1].

Ушбу фондларни таркибий тузилиши, мақсади, вазифаларини янада чуқурроқ ўрганиш ва ривожлантириш ҳам долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Халқаро молиявий муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикасини халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш иқтисодиётни ривожлантиришни ҳаракатлар стратегиясини проритетли йўналишларига нисбатан ва ўзбек модели жиҳатларини жиддий назарий ишланмалар ҳам зарурдир. Бу борадаги муносабатларни муҳим йўналишларини ривожлантирмай туриб, халқаро инновацион молиявий муносабатларни ташкил қилиш ва уни модернизациялаш ҳақида гапириш мушкил бўлади. Ҳар қандай ривожланиш, шу жумладан, халқаро молиявий муносабатлар ва халқаро молиявий институтлар фаолиятининг асосини макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди.

[1] Вахобов ва бошқалар. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик(муал:А.Вахобов, Н.Жумаев,У.Бурхонов.- Т.: "Шарқ" 2003й -бет -21-23.

Макроиқтисодий кўрсаткичларни тахлил қилган ҳолда инновацион ривожланиши ҳар бир халқаро молиявий институтлар кесимида халқаро молияни ривожлантиришнинг асосий муаммоларини иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан аниқлаш мумкин бўлади.

Республикамизнинг халқаро молиявий муносабатларидаги иштирок этиши нуқтаи назаридан олиб борилаётган амалий ишлар мамлакатимизнинг халқаро молия муносабатларидаги ўрнини ва унинг ихтисослашувини чуқурлаштиришнинг таъсир йўналишларини яратишни тақозо этади.

Халқаро молиявий муносабатлар ва унда Республикамизнинг иштирокисиз истиқболда инновацион ўсишга эришиш мумкин эмас. Халқаро молия бозори ва унда молиявий институтларни иштироки доирасида фаолиятларини модернизациялашни молиялаштиришнинг туб манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда бу йўналишдаги муносабатларини ривожланиши кўп ҳолларда модернизациялаш ва инновацияларни жорий этиш. Масалаларини халқаро молиявий секторнинг ўрнида қамраб олишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Аслида бу соҳадаги асосий эътибор монетор сиёсатни такомиллаштириш масалаларига қаратилиши зарур. Чунки монетор сиёсат ё ишлаб чиқаришни ўсишини рағбатлантиришда, яъни ҳаддан ташқари қаттиқ пул оқимларини чеклаш билан молиявий институтларни молиявий маблағлардан, инвестициялаш имкониятларидан маҳрум қилади ва шу орқали таркибий силжишлар ҳамда халқаро молиявий муносабатлари модернизациялашни тўхтатиб қўяди. Шу боис, Ўзбекистон ўз ривожланиш стратегиясига асосланган ҳолда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни кўчайтириш ҳар томонлама мамлакатда макро-микро иқтисодий ўсишни таъминланишига замин яратади.

Таянч сўзлар

Молия, макро, микро, иқтисодиёт, монетар, солиқ, валюта, товар, капитал, инвестиция, валюта курсини, экспорт, импорт.

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлатлараро фондларнинг нечта тури бор?
2. Миллий ва халқаро молия-кредит институтларининг маблағлари қайси манбалар ҳисобидан шаклланади?
3. ХВФнинг ташкил этилиши ва фаолият йўналишини тушунтириб беринг.
4. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотларда иштирок этиш йўналишлари нимада намоён бўлмоқда?

II боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ

2.1. Глобаллашув – жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги босқичи сифатида, унинг институционал тизими, келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш босқичлари

Глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг бир бутун иқтисодий тизим сифатида ривожланишига олиб келди ва тараққиёт учун янги, мисли кўрилмаган катта имкониятларни очиб бермоқда.

Шу боис ҳам иқтисодий адабиётларда глобаллашув мураккаб, жаҳон ҳамжамияти ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олувчи жараён сифатида баҳоланиб келинмоқда.

Иқтисодий глобаллашув ҳозирда капиталнинг ҳаракати йўлидаги тўсиқларни йўқ қилиш билан боғлиқ мамлакатларнинг иқтисодиётларини ягона умумжаҳон тизимига қўшилиши сифатида қаралмоқда.

Глобаллашув тушунчаси энциклопедиядаги таърифга кўра, глобал[2] (фран. global – умумий, globus – шар) – 1) бутун Ер шарини қамраб олувчи; 2) ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал деган маъноларни англатади. Демак, глобаллашув (глобаллизация) икки маънода англашилар экан: а) бутун ер сайёрасига ёйилиш, қамраб олиш жараёни; б) ҳар томонлама, тўлиқ каби маъноларни англатади.

Айтиш жоизки, глобаллашувнинг давлат ривожланишига турлича таъсир этади. У бир томондан, глобаллашув “унинг суверенитетини камайтиради” ва “унинг ресурсларини

[2] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Гидрофелия Зебра. 3-том. – Т.: 2002

чеклайди”, иккинчи томондан – жаҳон иқтисодиётида рақобатнинг ҳамда дунёнинг назоратсизлиги ва бошқариб бўлмаслигидан келиб чиқаётган таҳдидларнинг кучайиши шароитида давлатларнинг ролини ошиб боришини англатади.

Глобаллашув ҳозирги вақтда умумий мазмунининг кенг тарқалган талқини юз бераётган жараёнлар хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётнинг байналмилаллашуви давридан глобаллашувга ўтишдан иборат узоқ муддатли жараённинг бир қисми сифатида қараш ташкил қилади.

Глобаллашув кенг қамровли мазмунга эга бўлиши билан ажралиб туради. Агар ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви иқтисодий ҳодиса бўлса, глобаллашув ижтимоий-иқтисодий ва маданий-ғоявий ҳодисадир. Аммо унинг асосида иқтисодиётнинг умумбашарий бўлиши ётади. Иқтисодиёт ижтимоий ҳаётнинг етакчи бўғини сифатида ҳар доим ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Шу сабабли, иқтисодиётдаги глобаллашув бошқа соҳаларга ҳам тарқалади. Аслида глобаллашув негизида халқаро меҳнат тақсимоти ётади, унинг чуқурлашув глобаллашув доирасини кенгайтиради.

Глобаллашув бир текис кечадиган ҳодиса эмас, балки жуда зиддиятли, нотекис, ўзининг амалга ошиш ва ифодаланиш шакли, усул ва механизмларини доимий равишда ўзгартириб турувчи жараёндир. Глобаллашувнинг нотекислиги уни ижтимоий ва хўжалик тизимларининг бирлашиш жараёни сифатида ҳам, уларнинг ажралиб кетиши сифатида ҳам қарайдиган нуқтаи назарни келтириб чиқаради.

Дунёда юз бераётган ва охирги ўн йилликларда кучайиб бораётган яна бир муҳим жараён – умумий глобаллашув жараёни тизимнинг ривожланиши, миллий давлат функцияларининг ўзгариши, трансмиллий нодавлат тузилмаларнинг фаоллашувини англатувчи объектив ва узлуксиз жараён бўлиб, у ёки бу даражада барча давлатларни қамраб олади. Глобаллашув жараёнларини иқтисодий, умумгуманитар, экологик, информацион ва бошқа жараёнларга ажратиш мумкин, шу боис ҳам, иқтисодий адабиётларда глобаллашув, бир

томондан, кўп асрлар давомида ривожланаётган тарихий жараён сифатида, дунёнинг уйғунлашуви, бир хил одатлар, умумий принциплар бўйича яшаши, умумий қадриятларга асосланиши, бир хил анъаналарга ва ахлоқ нормаларига бўйсуниши, қоидаларни бирхиллаштиришга интилишини англатса, иккинчи томондан, глобаллашув – ўзаро боғлиқликни тан олиш бўлиб, бунинг оқибатида миллий давлатчилик, давлат суверенитети, миллий суверенитетига трансмиллий бошқарув тузилмаларининг босими остида путур етишини акс эттиради, деб таъкидланади. Аммо охирги фикр анча тўлиқлиги билан ажралиб туради.

Айтиш жоизки, ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши миллий хусусиятлари, ушбу мамлакатнинг ўзига хос белгилари бўлган энг муҳим омилларининг сақланиб қолиши билан мақбул уйғунлигини топиши, жаҳон яхлитлигининг таркибий қисми бўлиши, шу билан бирга, унинг муҳим ва алоҳида қисми бўлиб қолиши керак. Давлат стратегияси интеграциясини чекламаган ҳолда, айни вақтда миллий давлатчилик, миллий суверенитетни ҳимоя қилишга хизмат қилиши керак.

Мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатига кўра, глобаллашув жараёни ўз ўрнини белгилаб олиши лозим. Чунки давлатларнинг иқтисодий ҳолати бевосита глобаллашув жараёнининг объекти ҳисобланади.

Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри эмас. Мазкур жараён ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Бир мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзалар муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам таъсирини ўтказиши шулардан биридир. Бу рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларида ўз ифодасини топмоқда.

Республикамиз Биринчи Президенти И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида

бугунги куннинг энг долзарб муаммоси 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат эканлигини таъкидлаб, бу инқирознинг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларини очиб берди. “Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»[3].

Молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий-иқтисодий инқироз ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсати натижаси эканлигини қайд этиб, унинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида “кўринмас қўл билан бошқариладиган бозор” ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг бюджет ресурслари орқали иқтисодиётга аралашуви асоссиз равишда чекланганлигини кўрсатмокдалар.

Буни инкор этмаган ҳолда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келишида бюджет ресурслари билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносиблик кескин бузилиши ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, пул муомаласи қонунлари иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомалага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилинишини талаб этади. Бироқ, жаҳон хўжалигида етакчи мавқега эга бўлган

[3] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 4 б.

айрим мамлакатларда, масалан, АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилиш заифлашди, кейин эса, уни умуман эътиборга олмасликка уриндилар.

Глобаллашув жараёни жадаллашуви таъсирида иқтисодий тараққиётни таъминлашда бюджет маблағларидан фойдаланишни янада ошириш талаб этилмоқда. Иқтисодиётни бюджет маблағлари билан таъминланмаганлигидан ва қарама-қарши зиддиятни пасайтириши учун катта имкониятлар яратди.

Иқтисодий нашрларда баён этилаётган илмий мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда асосан ривожланган етакчи мамлакатларда кузатилган ва бюджетга салбий таъсир этиб келаётган ҳолатлар ҳам бюджет тақчиллигининг вужудга келишига асосий сабаб, деб кўрсатилиши мумкин:

– норационал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаш ставкаси сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши, қарзга яшашнинг молиявий тизим орқали рағбатлантирилиши;

– молиявий институтларда мажбуриятлар билан ўз капитали ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;

– қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;

– молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларининг бузилиши ҳамда сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;

– молиявий аҳволни баҳолашда сифат кўрсаткичларига эмас, балки микдорий кўрсаткичларга асосланиш;

– хатар даражаси юқори ва кўп поғонали ҳосилавий қимматли қоғозларнинг вужудга келиши ва ҳоказо.

Ҳаммадан аввал, бу салбий оқибатларни таъсири экспортга қаратилган ва у билан боғлиқ бўлган аралаш асосий тармоқлар фаолияти якунида, уларни экспортга чиқараётган маҳсулотларга бўлган талабнинг кескин пасайиб кетиши ва мамлакатимиз томонидан экспорт қилинаётган муҳим товарлар баҳосини дунё бозорида тушиб кетиши билан намоён бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, мамлакатнинг

умумий иқтисодий балансига ва самарадорлигига салбий таъсир қилди, қўйилган мақсадга эришишда, кўзда тутилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда кўпгина муаммоларни ҳам келтириб чиқарди.

Шу билан бир қаторда, халқаро молиявий инқирознинг келиб чиқиш сабабларига тўхталиб, инқирознинг, авваламбор, АҚШда 2007-2008 йилларда ипотека кредитларининг кайтмаганлиги ва муаммоли кредитлар миқдори 700 млрд. доллардан ортиб кетганлиги билан боғлиқлиги қайд этилди. Бунинг оқибатида илғор банкларнинг, молиявий тузилмаларнинг, йирик компанияларни ликвидлиги пасайиб, халкаро фонд бозорида уларнинг акциялари бозор қиймати тушиб кетди. Бу, ўз навбатида, кўпгина йирик давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлиб, жуда йирик компанияларни, банкларни банкротликка учратмоқда, аҳолининг ишсизлик даражаси ортиб кетишига ва турмуш даражасининг пасайишига олиб келди.

Жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабабларидан яна биттаси, бу, АҚШ давлат бюджетидаги камомадни (дефицитни) тўлдириш ёки молиялаштириш учун Давлат ғазначилик идораси томонидан жуда катта миқдорда қимматли қоғозлар чиқарилиб, дунёдаги қатор давлатлар валюта ресурсларининг ишлатиб юборилишида деб қараш ҳам мумкин (2.1-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, молиявий бақувват қатор давлатлар Америка Қўшма Штатлари давлат бюджетининг жуда катта камомадини, яъни 2008 молия йилида 2,2 трлн. АҚШ доллари миқдоридан ошикроқ қисмини молиялаштиришга кўмаклашган.

Шу билан бир қаторда, юқорида қайд этилган облигациялардан ташқари, АҚШ ҳукумати томонидан чиқарилган барча турдаги қимматли қоғозларга чет давлатларнинг киритган сармоясини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда асосий лидер Япония давлати бўлиб, унинг сармояси 1,25 трлн. долларни ташкил этган. Хитой давлати иккинчи ўринда (1,2 трлн. доллар), Россия давлати эса бу рейтингда 17 ўринда (160 млрд.

доллар). АҚШ нинг ташқи қарзи бугунги кунда 11,3 трлн. Долларни ташкил этмоқда[4].

Ушбу келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, халқаро молиявий инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолатлардан бири АҚШ ҳукумати томонидан қимматли қоғозларни молия бозорига чиқариб, халқаро молия бозорида мавжуд ривожланган давлатларнинг эркин валюта захира ресурсларининг Америка миллий иқтисодиётини тиклашга сарфлаб юборилганлиги оқибатидир.

2.1-жадвал

АҚШ давлат ғазначилик идораси томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олган давлатлар рўйхати ва уларнинг улушлари[5]
(2008 йил охиридаги ҳолати)

№	ДАВЛАТЛАР	Сотиб олган сумма-си миқдори (млрд. долларда)	Улуши (фоизда)
1.	Хитой	727,4	33,0
2.	Япония	626,0	28,3
3.	Кариб ҳавзаси давлатлари (Багам, Бермуд, Кайман, Антил ва Виргин ороллари ҳамда Панама)	197,5	9,0
4.	Нефть экспорт қилувчи давлатлар (Эквадор, Венесуэла, Индонезия, Баҳрайн, Эрон, Ироқ, Қувайт, Уммон,Қатар, Саудия Арабистони, БАА, Жазоир, Габон, Ливия ва Нигерия)	186,2	8,4
5.	Англия	130,9	6,0
6.	Бразилия	127,0	5,7
7.	Россия	116,4	5,3
8.	Бошқа давлатлар	100,0 атрофида	4,5
	ЖАМИ:	2211,4	100,0

[4] Мир новостей № 24 от 2 апреля 2009 г. – С.8.
[5] Мир новостей № 24 от 2 апреля 2009 г. – С.8.

Айтиш жоизки, 2003-2006 йилларда АҚШда кўчмас мулкнинг нархлари 2002 йилга нисбатан қарийб икки маротаба ортганлиги, кредит ҳисобига яшашга ўрганган Америка аҳолиси хурсандчилик билан уйларни, мебель ва машиналарни янги, кўтарилган нархларда банклардан узоқ муддатга, яъни 25-30 йилга, имтиёзли, яъни йилига 4-6 фоиз кредит маблағлари эвазига сотиб олиши ва уларни ҳеч бир қийинчиликсиз расмийлаштирилиши инқирозий омилларни юзага келтириш сабаби сифатида қаралди.

Демак, мамлакатда ҳукумат раҳнамолигида фуқаролар томонидан ипотека кредити олишнинг жуда содда тизими жорий этилиши, яъни банклар уйжой харид қилиш учун фуқароларга кредитлар беради ва олинган кредит суммасининг таъминоти учун уй-жой қўйилиши ваъдасининг олиниши, бу билан кредитнинг асосий суммаси ва фоизини тўлаш мажбуриятини олганлиги, банклар эса, ўз навбатида, бу кафолат қийматини (ваъдасини) Freddie Mak ва Fannie Mae агентликларига сотиши, бу агентликлар ушбу ҳужжатлардан гаров қопламасини шакллантирган, ипотека қимматли қоғозларини сотувга чиқарган ва хатарсиз бўлганлиги учун уларни турли хил инвесторлар сотиб олишганлиги, уларнинг хатарсиз ҳисобланишига сабаб бўлиши, АҚШ ҳукумати эса Freddie Mak ва Fannie Mae агентликларига ҳомий бўлиб, бу агентликлар чиқарган ипотека қимматли қоғозлари бўйича бозорда бирон бир салбий ҳолат бўлиб қоладиган бўлса (шу жумладан, молиявий инқироз келиб чиқадиган бўлса ҳам) унинг ҳукумат томонидан қопланиши кафолатланганлиги инқирозий омил сифатида эътироф этилди. Уй-жойларнинг баҳоси жуда кўтарилиб кетганлиги учун ҳам банклар кредиторлардан фақат кредитнинг фоизини тўлашни талаб этишди, холос.

2007 йилга келиб эса, уй-жойларни баҳолари ҳаддан ташқари қимматлиги оқибатида, уларга нисбатан талаб тушиб кета бошлади. Бундан ташқари, вақт ўтиш билан кредиторлар олган кредитининг нафақат фоизини, балки асосий суммасини қайтариш қўплиги, ойлик тўлов суммаси жуда катталашиб

кетди. Бозордаги уй-жой баҳоси тушганлиги оқибатида унинг нархи сотиб олишга тўланган суммадан камайиб кетди, натижада, уй эгаларининг биронтаси ҳам олган ипотека кредитининг асосий суммасини ҳамда фоизларини ҳам тўлолмай қолишди.

Ўшанда, яъни 2009-2010 йилларда банклар Америкада 10 мингдан зиёд уйларнинг кредит суммаси тўланмагани учун уй эгаларидан қайтариб олишга киришди. Кейинги икки йилда яна 4 миллиондан зиёд уйларнинг банклар томонидан қайтиб олиниши ҳолати юзага ҳам келди. Бу ҳолат инвесторлар томонидан ипотека қимматли қоғозларига бўлган ишончни йўқотди десак муболаға бўлмайди. Инвесторлар олдин сотиб олган ипотека қимматли қоғозларини каттагина чегирма ёки йўқотиш билан сотганлиги учун янгиларини умуман сотиб олмай қўйишди. Ипотека қимматли қоғозларига инвестиция оқимининг тўхтаб қолиши, ўз навбатида, банкларда нақд пул ресурсларининг йўқолишига олиб келди ва банклар илгари берган пул ресурсларининг қайтмаганлиги оқибатида янги кредит маблағларини бера олмай қолишди.

Айтиш жоизки, Америкада йирик молиявий компаниялар банкротлик даражасига келиб қолгандан кейингина АҚШ ҳукумати содир бўлаётган хатарни англаб етди. Шундан кейин Федерал Резерв Бюроси (ФРБ) бошлиғи Бена Бернанке ва АҚШ Давлат Ғазначилик секретари Генри Паулсон бошчилигида инқироздан қутқариш режаси ишлаб чиқилди. Бу режага асосан, улар конгресдан 700 млрд. доллар ажратишни сўраб, бу суммага инвестор ва банклардан ипотека қимматли қоғозларини сотиб олиб, вазиятни барқарорлаштиришни мўлжаллаган эдилар.

Аммо Америка аҳолисининг банклар олдида жуда катта миқдорда йиғилиб қолган қарзларининг мавжудлиги ва унинг ўз муддатида қайтарилмаслиги нафақат банкларни банкротликка олиб келди, балки ипотека кредитидан кўрган зиёнларини қоплаш учун банклар томонидан суғурта компанияларига мурожаат этилиши, уларнинг ҳам ўз навбатида,

банкрот бўлишига олиб келди. Халқаро фонд бозорида йирик компания ва банкларнинг акциялари котировкаси тушиб кетди, инвесторлар ўз капиталини хавфли бўлган қимматли қоғозлар бозоридан тезда чиқариб олиш ташвишига тушиб қолдилар, халқаро валюта бозорида қатор валюталарнинг курслари беқарорлиги бошланиб, инқироз бутун дунё молия бозорига тарқалиб кетди. У бирин-кетин қатор давлатларнинг банклари ва йирик компанияларини ўз домига тортиб, молиявий тангликка учратиб, банкрот қилиб, синдира бошлади ҳамда иқтисодий тангликни, ишсизликни ва ижтимоий беқарорликни келтириб чиқарди.

Аммо иқтисодий-ижтимоий барқарорлик, уни ўсишини таъминлаш, аввало, ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келувчи инқироз ва уни иқтисодиётга таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш талаб этилади.

Мамлакат иқтисодиётини юқори ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, жаҳон бозорида миллий маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бугунги кундаги энг устувор вазифалардан ҳисобланади.Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш.М. Мирзиёев бу борада ўз маърузаларида қуйидаги фикрларни таъкидлайди, “Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бу ислоҳотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади”[6].

[6] Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январда ўтказилган мажлисдаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 й. 16.01.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аввало, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келувчи инқироз ва уни дунё мамлакатлари иқтисодиётида юз бераётган воқеа-ҳодисалар миллий иқтисодиётимизга ўз таъсирини ўтказишини тушуниш муҳимдир. Иқтисодий инқирозни, унинг келиб чиқиш сабабларини, уни юзага келишига замин ҳозирловчи омилларни чуқур таҳлил қилиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов айтганларидек, "...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади"[7].

Инқироз қайси кўринишда намоён бўлмасин, у жами талаб ва таклиф мувозанати, даромадлар ва ҳаражатлар мувозанати ҳамда истеъмол ва жамғариш мувозанатларининг бузилиши натижасида юзага келади ва цикллилик хусусиятга эга бўлади. Айтиш жоизки, биринчи классик инқироз рўй берганидан бери иқтисодий инқирозлар тахминан ҳар 15-20 йил оралиқ билан такрорланиб туриш хусусиятига ҳам эга. Инқирозларнинг бундай такрорланиб туриши иқтисодий инқирознинг категория сифатида унинг мазмун-моҳиятини асослаш ва у билан боғлиқ жараёнларни доимо таҳлил қилиб бориш муҳимдир.

А.Ваҳабов, Н.Жумаев ва Э.Ҳошимовларнинг таъкидлашича, "иқтисодий инқироз (рецессия) – иқтисодиётнинг шундай ҳолатики, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг мутлақ ҳажми камида икки чорак мобайнида кетма-кет қисқаради.

[7] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009, 11-бет.

Иқтисодий инқироз бозор иқтисодиётига хос ҳодиса бўлиб, маълум даврийлик билан такрорланиб туради”[8].

Ҳ.Абулқосимов ва М.Абулқосимовларнинг ёзишича, “инқироз (кризис) – ялпи талаб ва ялпи таклиф, ишлаб чиқариш билан истеъмол, истеъмол ва жамғариш ҳамда даромадлар билан ҳаражатлар ўртасидаги зиддият вужудга келганида ва бу зиддият кучайиб кетганида юзага келадиган танглик, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, товарларнинг сотилмай қолиши”, “иқтисодий цикл – ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқирозидан иккинчиси бошлангунига қадар такрорланиб турадиган ҳаркати. Иқтисодий цикл – иқтисодий ривожланишнинг бир ҳолатидан бошланиб, бирин-кетин тўрт фазани босиб ўтиб, ўзининг олдинги ҳолатига қайтиб келгунига қадар ўтган даврни ўз ичига олади”[9].

Иқтисодий инқироз тушунчасининг моҳиятини янада аниқроқ тушунишимиз учун уни ортиқча ишлаб чиқариш классик инқирози билан боғлаб ўрганиш зарур. Маълум бир даврда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларнинг истеъмолчилар томонидан харид қилинишининг имкони йўқ. Чунки истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти билан ишлаб чиқарувчиларнинг жами таклифининг оралиғида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг соф фойдаси ётади. Вақт ўтиши билан бундай номутаносиблик йиғилиб, жамғарилиб боради. Натижада харидорларнинг тўлов қобилиятидан ортиқча бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади ва таклиф ортади, асосий капитал ортиқча жамғарилади. Бу ҳолат эса ортиқча ишлаб чиқариш классик инқирозларининг юзага келишига сабаб бўлади.

Кейинроқ молиявий-иқтисодий инқирозларни классик инқирозлар билан биргаликда тадқиқ этиш асносида

---

[8] Ваҳабов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози:сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Т., 2009. 23-бет.

[9] Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. Т., 2017. 221,256-бетлар.

иқтисодий циклларнинг ҳаракати кун тартибидаги энг долзарб муаммолар қаторидан жой олади. Дастлаб иқтисодий цикллар борасида иқтисодчи олим Й.Шумпетер XX асрнинг биринчи ярмида илмий изланишлар олиб борган. Унинг илмий изланишлари натижаси ўлароқ, иқтисодий цикллар ривожланиши тўртта фазада ажратиб кўрсатилди. Булар юксалиш, рецессия, депрессия ва жонланиш фазаларидир.

Юксалиш босқичи, энг аввало, янги ғояларнинг пайдо бўлиши, янги товар ва хизматларнинг жорий этилиши, янги бозорларнинг кашф этилиши натижасида хўжалик субъектларининг даромадлари ҳажмини ортиши, ушбу орқали иқтисодий ўсишни таъминланишини кузатилишида намоён бўлади.

Рецессия фазасида қайд этилган ўсиш ҳолатидан иқтисодиёт турғунлик ҳолатига ўтишида намоён бўлади.

Депрессия иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари орқага қолишни, мувозанатни бузилишини ва шарт-шароитларни оқсашини эътироф этади.

Жонланиш фазаси товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларнинг ва давлатнинг бевосита аралашуви натижасида иқтисодий мувозанатни қайта тиклаш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида юзага келсаада, бунда инновацион инвестицияларни жалб этилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлади[10].

Маълумки, дунё шиддат билан ўзгариб, глобаллашув деган жараён тобора авж олмоқда. Унинг оқибатида нафақат инсониятнинг имкониятлари мислсиз равишда ортди. Шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий, молиявий ва бошқа соҳаларда халқаро зиддиятлар ҳам кескинлашди. Натижада илгари тасаввур қилиб бўлмаган ва ўз ҳаракат қамрови ҳамда кўламига биноан трансмиллий деб ном олган тинчлик ва барқарорликка янги хавф-хатарлар билан юзма-юз бўлмоқда. Демак, вужудга келган вазиятни таҳлил қилиш ва шу аснода ташқи сиёсий

[10] Шумпетер Й. Теория экономического развития. М., 1982. стр. 386.

фаолиятни янги халқаро муҳитга мослаб ташкил қилиш зарурияти пайдо бўлди.

Глобаллашув даврида жаҳон бозорлари очиқроқ ва унга кириб бориш мумкин бўлиб қолди. Бу эса кўпгина учинчи дунё мамлакатларига экспортни жадаллаштириш сиёсатини қўллаб, ҳайратланарли иқтисодий равнақка эришиш учун имкон очди. Ниҳоятда муҳим масала шуни, глобаллашув шароитида жамиятнинг ривожланиш даражасини баҳолаш концепцияси ўзгаради. Эндиликда рақобатбардошлик мамлакат иқтисодий ривожининг баланд суратини таъминлаш қобилияти билан чекланмайди. Унинг бош кўрсаткичи сифатида аҳолининг ҳаёт сифати ва иқтисодий тараққиёти даражаси гавдаланади.

Ҳозирда дунёда тарихнинг аввалги даврларига нисбатан фаровонликнинг пойдевори бўлмиш меҳнат унумдорлигини ўстириш, экологияни яхшилаш, таълим ва тиббий хизмат даражасини кўтариш учун керакли бўлган ресурс ва технологиялар мавжуд.

Глобаллашув жараёни шунча афзалликларга эга бўлса ҳам, нима учун “аксилглобалчилар” ҳаракати ҳам мавжуд ва улар ғояси кенг тарқалган ва шиддатли тус олмоқда, бу табиий ҳолдир. Улар фикрича, бу жараён трансмиллий корпорациялар ва индустриал Ғарбнинг ҳосиласидир. У ўз моҳиятига кўра, ғайридемократик, элита ва аксарият ҳолда емирувчи, вайрон қилувчи характерга эга бўлиб, алоҳида давлатларни, бутун инсониятни барқарор ривожланиш имкониятидан маҳрум қилади. Давлатлардан устун турган халқаро тузилмалар роли кўтарилиб, миллий давлатларни заифлаштиради ва халқларнинг суверен иродасини менсимасликка олиб келади. Қолаверса, бу риск ва таҳликалар келтирувчи жараёндир. У глобал ўсиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, назоратсиз миграция оқимлари юзага келиши, иш жойларининг йўқотилиши, анъанавий қадриятларнинг емирилиши каби муаммоларни келтириб чиқаради. Глобаллашувнинг мухолифлари эса халқаро эркинлаштиришининг асл маъноси шундан иборатки, ривожланаётган мамлакатлар томонидан савдо тўсиқлари бартараф

этилиб, саноати ривожланган давлатлар бозорларига кириш имконияти чекланганлигича қолади.

Шунинг учун бу жараён турли мамлакатлар ҳаёт даражасида жуда катта тафовут янада кенгайишига ва улар ўртасида "асимметрик боғлиқлик" пайдо бўлишига олиб келмоқда. Янги Шимол ёки саноати ривожланган дунё, глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, "менежери" бўлиб, қолган ҳудудлар эса кўпинча ушбу жараён субъектлари сифатида намоён бўлмоқда.

Аксилглобалчилар глобаллашув инсон тараққиёти учун имконият яратиши мумкин, аммо у муаммоларнинг илдизини йўқ қилмайди, деб ҳисоблайди. Боз устига, бу жараён илгари тасаввур қилиб бўлмаган таҳдидларни юзага келтиради, деб ҳам ҳисоблайдилар.

Ҳозирда энг катта муаммо ижтимоий йўналишдаги чуқур ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмоқда. Ғарбда иқтисодий глобаллашув ажралмас қисми сифатида қаралаётган ғоялар ва маданиятлар глобаллашуви анъанавий жамиятларда ўз турмуш тарзи, маънавий қадриятлари ва урф-одатларига таҳдид сифатида қабул қилинмоқда. Ўзга маданиятнинг тажовузи кескин равишда қабул қилинмаслиги ва оғир ботиши мумкинлиги ҳақида ўтган асрда инглиз олими Арнольд Тойнби огоҳлантирган эди. У ўз монументал "Тарихни англаш" асарида бу ҳақида шундай ёзган: "Маданиятнинг ўз заминида зарарсиз ва ҳатто фойдали бўлган унсурлари бегона ижтимоий муҳитда хавфли ва вайронкор бўлиб чиқиши мумкин"[11].

Ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоси иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши, шу жумладан, сиёсий, ҳуқуқий, ахборот тизимларининг халқаро андозаларига мослашувидир. Айни вақтда хорижий бизнес ўзини қулай ҳис этиши учун мамлакатда тегишли шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан инвестиция муҳитини ҳам вужудга келтириш зарур.

---

[11] Тойнби А. Постижение истории. – М.: Прогресс, 1991. – с. 557.

Иқтисодий соҳадаги глобаллашув, авваламбор, товарлар, капитал ва меҳнатнинг жаҳон миқёсидаги интеграциясидир.

Иқтисодий глобаллашувнинг муҳим хусусиятларидан бири хорижий сармоядорлар аҳамиятининг ортишидир. Эндиликда иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва иш жойлари ташкил этишда ҳукуматларнинг роли, олдинги даврлардан фарқли ўлароқ, асосан бошқа мамлакатлардан инвесторларни мумкин қадар кўпроқ жалб қилишдан иборат бўлиб қолмоқда. Сўнгги йигирма йил мобайнида ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар оқими юзлаб мартага ортди. Осиё мамлакатлари йилига 230 млрд. Доллардан ортиқ хорижий сармоялар жалб этадилар.

Марказий Осиёда янги мустақил давлатлар ташкил топиши ва жаҳон хўжалик алоқаларига уларнинг қўшилиши глобаллашув мисли кўрилмаган суръат касб этган пайтда рўй берди. Бу ҳолат жамият ва иқтисодиёт ҳаёт фаолияти институтлари нисбатан барқарор бўлган бошқа мамлакатлар учун ҳам жиддий муаммолар туғдирди. Боз устига, давлатлар иқтисодий муносабатларнинг мутлақо янги тамойилларига мослашишларига тўғри келди. Олдин йўлга қўйилган хўжалик алоқаларининг узилиши бу давлатларни бир-бири ва бошқа давлатлар билан ташқи алоқаларни жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитларида бутунлай бошидан ўрнатишга мажбур қилди. Марказий Осиё янги давлатларининг жаҳон иқтисодиётига қўшилишини ва мустақилликни қўлга киритган пайтдаги ноқулай иқтисодий шарт-шароитлар ҳам анча қийинлаштирди.

Бироқ, афсуски, глобаллашаётган ҳозирги дунёдаги муаммолар жаҳон иқтисодий алоқалар тизимига кириб бориш билан боғлиқ омиллар билан чекланмайди. Марказий Осиё бу ердан келиб чиқаётган ва тарқалаётган рисклар ҳамда таҳдидлар туфайли жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказидадир. Бугунги кунда жаҳонда трансмиллий таҳдидлар, яъни халқаро миқёсдаги рисклар, бир давлат билан чекланмайдиган беқарорлик омиллари билан тўқнаш келмаган бирорта ҳам минтақа бўлмаса керак. Марказий Осиёнинг муаммоси шундан

иборатки, бу ерда барча асосий рисклар мажмуаси юзага келди. Булар ичига, биринчи навбатда, халқаро терроризм, наркожиноят киради. Боз устига, улар ўзаро бир-бирини тўлдиради ва қўллаб-қувватлайди.

Ўз моҳиятига кўра, глобаллашув жараёни ҳамда ютуқлари – интернет, телекоммуникация тизимлари, молиявий муносабатларнинг эркинлашуви ва кўчиб юриш эркинлигидан фаол фойдаланиш учун имконият яратмоқда. Ютуқларнинг яшовчанлик қобилияти ҳам айнан глобаллашувни вужудга келтирган омиллар эвазига эришилмоқда. Бу мамлакатларда ТМК ўртасида рақобат кучайса, унда улар бошқа давлатга кўчиб ўтиш имкониятига ҳам эга бўлмоқдалар. Бундан хулоса шуки, ТМК ривожланиши бир мамлакат муаммоси эмас. У бой мамлакатларга ҳам, камбағал мамлакатларга ҳам, демократия ривожланган давлатларга ҳам, бу йўлга эндигина кираётган жамиятларга ҳам ташкил этилиши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Марказий Осиёда интеграция жараёнларига қўшилиш учун зарур бўлган шартлар ва салоҳиятга эгадир. Бу эса ТМК ташкил этиш, ўз навбатида, бу ерда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт учун ноёб имкониятлар яратиши мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ТМКларни ташкил этишнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, унинг асосий мақсади – давлат мустақиллигини мустаҳкамлашдан, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришдан, ривожланган демократик давлатлар сафидан ўрин олишидан, Ўзбекистонда барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишдан иборатдир. Бу мақсадга эришиш учун ТМК ташкил этишни оқилона йўлга қўйиш ва ҳимоя қилиш ҳамда уларга нисбатан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида қўшни давлатлар билан амалий ва яхши қўшничилик муносабатларини таркиб топтиришга қаратилган фаол ҳамда изчил ташқи иқтисодий сиёсат юритиш талаб этилади.

Умуман олганда, иқтисодий нашрларда бюджет тақчиллиги глобал тус олганлиги ва кўплаб мамлакатларда рецессия ва иқтисодий пасайиш, инвестицион фаоллик кўлами чекланиб бориши, талаб ва халқаро савдо ҳажми камайиши кузатилганлиги ҳамда жиддий ижтимоий талофотлар кўрилганлиги давлат бюджети ҳолати билан эътироф этилмокда.

Айтиш жоизки, 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20%гача пасайганлиги ва 2009 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳам, бевосита хорижий инвестициялар кўлами ҳам, халқаро савдо ҳажми ҳам сезиларли пасайиши кузатилди. Бу ҳолат эса ишсизлик даражаси ортиши билан боғлиқ жиддий бюджетни ташкил этиш муаммоларини юзага келтириб чиқарди.

Ривожланган мамлакатларда кейинги 3 йил мобайнида ишсизлик ўсиб бориши кузатилмокда. Ишсизлик даражаси 2009 йилда АҚШда 7,2%, Японияда 4,4%, Буюк Британияда 6,4%, Германияда 8,2% га ўсиши кутилганди ва шу атрофда бўлди. Бу, ўз-ўзидан ижтимоий тўловлар кўпайиши ҳисобига давлат харажатлари ўсишига олиб келади.

2005-2008 йиллар мобайнида, хусусан, АҚШ ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги айрим давлатларнинг (Қирғизистондан ташқари) ташқи қарзлари салмоғи ялпи ички маҳсулотларига нисбатан ортиб бориши кузатилган. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90%ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россияда 37%ни, Қозоғистонда 102%ни, Украинада 64%ни ташкил этган. Қирғизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб, бу борадаги кўрсаткич 2008 йилда 81% бўлган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда бу борада мамлакатнинг узоқ келажагини ўйлаган ҳолда бюджет сиёсати олиб борилиши натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2005 йилдаги 29% дан 2008 йилда 13,3% га қадар қисқарганлиги қайд этилган эди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобал тус олиши ва иқтисодий инқироз жараёнлари кучайиши оқибатида рецессия ва

иқтисодий пасайиш, инвестицион фаоллик кўлами чекланиб бориши, талаб ва халқаро савдо ҳажми камайиши ҳамда кўплаб мамлакатларга таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар кўрилиши мумкинлиги эътироф этилди.

Ўшанда «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим, деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз И.А. Каримов. Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»[12]. Демак, Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатлари маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатишига олиб келиши мумкин.

Молиявий-иқтисодий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилди. Бунинг сабаби, бизда бюджет-солиқ сиёсатини оқилона ташкил этилганлиги бўлиб ҳисобланади. Агар қатор мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизими издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналар ёпилиши орқали намоён бўлган бўлса, бизда жаҳон хомашё бозорларида талаб сусайиши туфайли нархлар кескин пасайиши, оқибатда экспорт даромадлар сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилияти пасайиши натижасида ташқи савдо айланмаси қисқариши орқали намоён бўлган бўлса, уларни олдини олиш имконияти юқори эди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон давлат бюджетига салбий таъсири қуйидаги омиллар туфайли жиддий тарзда юмшатилади:

---

[12] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 7 б.

– маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланганлиги;

– давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олганлиги;

– Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқлари барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базаси мавжудлиги;

– оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

– аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индекси асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар ижроси қатъий йўлга қўйилганлиги;

2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошганлиги, бу ҳолат иқтисодиётимизни юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган кулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқ бўлади.

Натижада 2008 йилда 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Уларнинг 70%и тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иқтисодиётимизнинг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларни модернизация қилишга йўналтирилди.

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 млрд. АҚШ долл.дан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истиқболда барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75% и тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади.

Дарҳақиқат, мустақилликка эришган дастлабки йилларда МДҲнинг бошқа мамлакатлари сингари Ўзбекистон олдида

ҳам, давлат ва жамият қурилишининг қандай тамойиллари ва усулларига асосланиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётини белгилашда қайси йўлдан бориш масаласи кўндаланг турар эди.

Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига кўра, мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётига инқироз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграциялашмаганлиги, мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капитални ушлаб турувчи компания ва молиявий институтлар йўқлиги, хусусийлаштириш механизми ва шарт-шароитлари натижасида деярли барча устав фондлари корхоналарнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги каби ҳолатлар туфайли инқирознинг салбий таъсири у қадар катта бўлмаслиги, аксинча, ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги босқични вужудга келтирди.

АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган молиявий ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланди. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўлларини қидириш йўлга қўйилди. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатди. Шундай мулоҳозалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25% ни ташкил этмокда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 44% дан ошмайди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг давлат бюджетини талаб даражасида шаклланти-рилмаганлигини ифодалайди.

Республикамизда доимо қисқа муддатли етишмовчиликдан воз кечилиб, узоқ муддатларга мос бюджет профицити юзага келтирилди, у ҳозирда 0,3 %ни ташкил этиб барқарор

иқтисодий ўсишни таъминлаб келмоқда ва инқироз омилларини юмшатишга имконият яратиб бермоқда.

Талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуидан иборат инқирозга қарши чоралар дастурини бюджетдан қўллаб-қувватлашни ҳозирда ҳам изчил давом эттирилмокда.

2.2. Трансмиллий корпорациялар ва банкларнинг глобаллашув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти

Глобал муаммоларнинг қандай тури бўлмасин уларни жаҳон хўжалиги миқёсида ривожланишининг замонавий босқичи, энг аввало интеграция либераллаштириш жараёнларининг кучайиши ва мамлакатлар иқтисодиётининг ташқи бозорларга йўналтирилган янада юқори очиқлик даражасининг етакчилик қилиши билан тавсифланади. Бу нафақат хомашё ресурслари ва моддий ишлаб чиқариш маҳсулотлари экспортини жадаллаштиришни, балки технологиялар, молиявий ресурслар, юқори технологик маҳсулотлар, малакали ишчи кучи, ахборотни фаол айирбошлашни ва бошқаларни шакллантиришни эътироф этади. Бу стратегия шунингдек, фаол ислоҳотлар амалга оширилаётган ва аста-секин янги саноатлашган мамлакатларга айланаётган ўтиш хўжалик тизимига эга мамлакатлар учун ҳам етакчилик қилади. Амалий даражада мазкур стратегия ташқи иқтисодий фаолиятнинг аниқ усуллари ва инструментлари орқали амалга оширилади[13]. Бу усуллар жаҳон бозорининг узок эволюцияси жараёнида ўзгариб ва оптималлашиб келган, ҳозирги вақтга келиб тузилманинг фаолият йўналишига, халқаро лойиҳа тавсифига ҳамда бозор шароитларига мослашувчан эгилувчан оптималлаштирилган технологиялар шаклини олган. Улар турли мамлакатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ташқи

[13] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.– Т.: Ўзбекистон, 2013 й.

иқтисодий фаолият (ТИФ)ни ташкиллаштириш учун фаол қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда халқаро профессионал бизнес-ҳамжамият ютуқларида ривожланаётган бозор мамлакатларининг жаҳон хўжалик тизимига турли шаклдаги интеграциясини, халқаро товар, молия ва ахборот бозорларига оптимал чиқишнинг амалий йўлларини ташкил қилиш, амал қилиши ва мослашиши борасида катта тажриба тўпланган. ТИФнинг интеграцион инструментларини оптималлаштириш бўйича доимий жараён кетмоқда ва бу шаклланаётган миллий бозор иқтисодиётларининг кучайишига ва бойитилишига олиб келмоқда.

Жаҳоннинг турли мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон бозори тизимига, энг аввало, ташқи савдони такомиллаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали интеграциялашув йўлини танлади. Таҳлил кўрсатишича, республика иқтисодиётига жалб қилинган турли шаклдаги хорижий инвестициялар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шу жараёнда ТМ корпорацияларни (ТМК) ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ТМКлар бўйича комиссияси ТМКларни таърифлаш учун бир қарор белги ва кўрсаткичларни белгилаб берди. Буларга қуйидагилар киради:

– йиллик савдо айланмаси 1 млрд. доллардан ортиқ;

– камида 6 та мамлакатда филиаллари булиши;

– хорижий активларнинг улуши компания активларининг 25-30 фоизини ташкил этиши;

– компания жами оборотининг 1/5 - 1/3 қисми ташқи операцияларга асосланиши, яъни мамлакатдан ташқарида бўлиши лозим.

ТМКлар ривожланиши давомида бир қанча босқичларни босиб ўтганлар. Илк корпорациялар вужудга келиш пайтлари (XIX асрнинг охирлари) дан бири, улар жиддий ўзгаришларга дучор бўлди. Дастлабки авлод ТМКлари ўз фаолиятларини собиқ мустамлакаларда хомашёни қайта ишлашга йўналтирилган эди ва шу сабабли улар “миллий-хомашёвий ТМКлар” сифатида таърифланади, ўз ташкилий кўринишига ва

фаолият юритиш механизмига кўра, улар картеллар, синдикатлар ҳамда илк трестлар кўринишига эга бўлган.

Шундан сўнг жаҳон аренасига ҳарбий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган трест туридаги ТМКлар иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам сақланиб қолди.

XX асрнинг 60-йилларида учинчи авлод ТМКлари ўзини кўпроқ намоён эта бошлади. Улар фан - техник тараққиёт ютуқларини кенг ишлата бошлаб, концеринлар ва конгломератлар шаклида фаолият олиб борганлар ва "техник- истеъмол компаниялари" деб юритилган.

XX асрнинг 60-80-йилларида ТМКлар фаолиятида миллий ва хорижий ишлаб чиқариш унсурлари аралашган ҳолда маҳсулотлар сотишда ҳам, ходимлар ишини ташкил этиш ва бошқаришда ҳам, илмий тадқиқот ишларида ҳам, маркетинг ва бошқа жабҳаларда намоён бўлганди. Учинчи авлод ТМКлари фан-техник тараққиёт ютуқларини жаҳон хўжалигининг периферия минтақаларида кенг тарқалишига асосий туртки бўлган. Лекин энг асосийси – улар ягона ахборот ва бозор муҳитига, халқаро капитал ва ишчи кучи бозорига эга бўлган халқаро ишлаб чиқариш учун замин яратдилар. Уларнинг асосий мақсади, янги бозорларни эгаллаш, янги хомашё манбалари, капитал орттирмалари соҳаларини эгаллашдан иборат эди.

Инновацион тадқиқотларни молиялаштириш сифатида кўриб чиқилади. Бунда ТИФ самарадорлигини оширишда уларнинг роли асослаб берилади. ТМК жаҳон иқтисодиётини халқаро ишлаб чиқаришга айлантиради. Илмий-техник тараққиётни эса унинг барча йўналишларида (маҳсулотнинг техник даражаси ва сифати, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, менежмент шаклларини, корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш каби йўналишларда) жадаллашишини таъминлайди.

ТМК инвестицион стратегиялари хорижий капиталнинг қўшимча оқимини таъминлаши мумкин. Сўнгги йилларда корпоратив стратегия глобал жараёнларга йўналтирилган бўл-

са унда тўғри хорижий инвестициялар эса унинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилмоқда. Бундан ташқари, янги технологиялардан фойдаланар экан, компаниялар хорижий бозорлардаги ўз ҳолатини кучайтириш ва капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш учун стратегик имкониятларни мустаҳкамлайди.

Иқтисодиётга шу жумладан ЭИЗ ларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасида эришилган натижалар Ўзбекистонда инвестицион иклимнинг янада яхшиланишини таъминлади, бу эса, иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятлари кенгайганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, инвестицион фаолият бутун миллий иқтисодиётга ва шунингдек, унинг ТИФ ривожланишига катта таъсир ўтказади. Давлатларнинг иқтисодий ривожланиш моделларини таҳлили кўрсатишича, иқтисодий ривожланишнинг исталган модели маълум бир ташқи муҳитда фаолият юритар экан, инвестицион сиёсатнинг таъсирига дуч келадики, улар ўз навбатида, мазкур сиёсатнинг амалга оширилишига таъсир кўрсатади.

Ўтган асрнинг 80 йиллардан тўртинчи авлод ТМКлари шаклланди ва ўз ўрнига эга бўла бошлади. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

•истеъмол бозорини дунё миқёсида кўра билиш ва рақобатга жаҳон миқёсида бардош бера олиш;

•жаҳон бозорини ўзига ўхшаш бир неча ТМКлар билан бўлиб олиш;

•ўз филиаллари фаолиятини янги ахборот технологиялар орқали мувофиқлаштириб бориш;

•ҳар бир алоҳида ишлаб чиқариш бўғинини ишини ташкил эта билиш, корпорация бухгалтерияси ва аудити ҳисоботини ягона тизимда шакллантириш;

•ўз филиаллари, заводлари ва кўшма корхоналари ягона халқаро бошқарув марказига бирлаштириш;

•ТМКлар жойлашган мамлакатларга сиёсий ва иқтисодий жихатдан таъсир ўтказа олиш.

Шундай қилиб, уларнинг стратегияси инновацион тусини олган, битта тармоқли структурадан воз кечиши билан ажралиб туради (корпорациясининг мамлакатимиздаги фаолиятини оладиган бўлсак: автомобиллар ишлаб чиқариш билан бирга унга ёрдамчи ишлаб чиқаришлар - ойна, буёқлар, эҳтиёт қисмларини чиқариш ва турли сервис хизматларини кўрсатиш хам йўлга қўйилган; бундан ташқари электр техникаси соҳасида, шунингдек, автобуслар ўтказиб бериш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш борасида ҳам анча олға юрилган).

Ҳозирги шароитда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси доирасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш ташқи савдони ривожлантириш учун экспорт салохиятини ошириш ҳам ўта муҳим вазифа бўлиб келмоқда. Ўзбекистонда қўшма корхоналар сармоялар жалб этиш тури сифатида технология ускуналари, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун ўз манбаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим устувор йўналишлари мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, инқироз омилларини юмшатиш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирозни омилларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларда оширишни таъминланганлиги қайд этилди. ТМКлар фаолиятининг ривожланиши янги иш ўринларининг пайдо бўлишига олиб келади, ижтимоий қатламлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни юмшатиш, рақобатни ривожланишига ва халқ фаровонликнинг ўсишини таъминлайди.

Ҳозирда мамлакатимизда кўплаб корпорация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташкилотлар хорижлик шериклар

билан ташқи савдо алоқалари ривожлантирилмокда. Хорижлик инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигини кенгайтириш ва шу кабилар кенгайтирилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ушбу шакллари мамлакат иқтисодиётни ҳам ривожлантиришга таъсир кўрсатиб келмоқда.

Бунда қабул қилинган қонуний-меъёрий ҳужжатлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Уларда илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш йўллари белгилаб қўйилган.

Глобаллашув шароитида трансмиллий корпорациялар бевосита халқаро банклар фаолияти билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Улар фаолиятини тартибга солишда халқаро банклар муҳим аҳамият касб этади. Қайт этиш жоизки, иқтисодиётининг маълум бир хусусиятлари халқаро фаолият билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳам шаклланган у табиий равишда бозор муносабатларини тартибга солиш объектини ўзида намоён қилади. Инқироз шароитида халқаро банкларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этган ташқилотлар фаолиятини мукаммал ўрганиш, халқаро банклар фаолиятини тартибга солишнинг туб моҳиятини билишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Халқаро банклар орқали ТМК фаолиятини тартибга солиш халқаро молиявий муносабатлар соҳасида (валюта, кредит, фонд, инвестиция) халқаро молиявий оқимларни тартибга солишга йўналтирилган комплекс усуллар ва чора-тадбирлар мажмуидир. Фикримизча, халқаро банкларнинг ТМК фаолиятини тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

– молия бозори ва барча хўжалик субъектларни молиявий барқарорлигига кўмаклашиш (фоиз ставкаларини, молиявий, инвестицион фаолиятидаги рискларни тартибга солиш);

– инфляциясиз иқтисодий ўсишни таъминлаш (таргетирланган инфляция, валюта курслари ва пул массасини тартибга солиш);

– тармоқлараро ва давлатлараро капитал ҳаракатини (пул оқимини) таъминлаш (валюта курслари ва тўлов балансини тартибга солиш);

– барча халқаро банклар орқали ТМК нинг молиявий хавфсизлик тизимини шакллантириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида халқаро муносабатларни ривожланишига қараб унинг иштирокчилари фаолиятини икки хил тартибга солиш амалиёти тараққий топган, яъни давлат ва бозор муносабатларига мос ёки бозор орқали тартибга солиш шакллари. Халқаро банклар томонидан ТМК бозор муносабатлари орқали тартибга солиш иқтисодиётнинг қиймат ва талаб-таклиф қонунига ҳам асосланади. Ушбу қонунларнинг амал қилиши рақобат муҳитида жаҳон иқтисодиёти эхтиёжларига мос равишда халқаро молиявий оқимларни таъминлаб беради. Иқтисодий агентлар алоҳида молиявий воситалар нархининг (курси ёки фоиз ставкаси) ўзгариши, шаклланиши орқали уларни сотиб олувчиларнинг талабларини ва уларга бўлган таклифни аниқлайдилар. Бунда халқаро банклар ўзини ўзи тартибга солувчи тизим сифатида кўзга ташланади (2.1-чизмага қаранг).



2.1-чизма. Халқаро банклар орқали ТМК фаолиятини тартибга солишнинг молиявий бозор механизми.

ТМК турли корхоналар каби ўз-ўзини тартибга солиш имкониятига қарамай; мутлақ барқарор тизим сифатида кўринмайди, турли шароитларда тизимнинг турли камчиликлари юзага келиши мумкин бўлади. ТМК кўплаб субъектив омиллар, яъни сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, хуқуқий информацион, техник маданий ва бошқа омиллар таъсирида ҳар доим хам ўз-ўзини тартибга солиш қобилиятига эга бўла олмайди. Бундай ҳолатда давлат аралашуви талаб этилади. Жахон тажрибасининг кўрсатишича, ТМКни ривожланишининг замонавий босқичида ҳам монетаризм ва кейнсчилик тамойилларидан биргаликда фойдаланиб жараёнларни тартибга солиш ҳам талаб этилади.

ТМК ни давлат ва бозор муносабатлари орқали тартибга солиниши ўзаро бир-бирини тўлдириб боради. Биринчидан, рақобат асосида бозорда ривожланиш учун рағбат уйғонади (монетарчилар ғояси), иккинчидан, молиявий муносабатларни бозор муносабатлари орқали тартибга солишда юзага келган зиддиятларнинг олдини олишда давлат турли чора-тадбирлари билан қатнашади (янги кейнсчилик ғояси). Иқтисодий инқирозлар, урушлар, сиёсий низолар, иқтисодиётнинг тўла беқарорлиги шароитида ТМКни давлат орқали тартибга солиш катта ўрин тутса, уларни молиявий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, модернизациялаш, инновацияларни яратиш учун молия бозорини эркинлаштириш, рақобатни кучайтиришга катта эътибор қаратилади, бу эса тартибга солишнинг молиявий механизми орқали таъминланади. Молиявий механизм орқали ТМК молиявий муносабатларини тартибга солиш бўйича ҳукумат доимо ўз назоратини олиб боради, зарур пайтда унга кўмаклашади, шароит яратади.

Молиявий муносабатларни давлат ва бозор муносабатлари орқали тартибга солиш усулларини қуйидаги мантиқий бирликларга бирлаштириш мумкин (2.2-чизма).

2.1-чизмада келтирилган барча усуллар молиявий муносабатларни синхрон тарзда, яъни бир-бирига мос ҳолда, ўзаро бир-бирини тўлдириб беради ва ТМК фаолиятига таъсир этади.



2.2-чизма. ТМК фаолиятини молиявий механизмлар орқали тартибга солиш усуллари тизими.

Глобаллашув шароитида халқаро молия бозоридаги инвестициялар оқимини тартибга солишда халқаро ТМК ташқилотлари, давлатлараро ташқилотлар ҳамда нодавлат институтлари муҳим ўрин тутади. Бундай ташкилотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– БМТнинг махсус ташкилотлари (ХВФ, Жаҳон банки гуруҳи, ЮНКТАД - БМТнинг савдо ва тараққиёт буйича конференцияси, ЮНИДО – саноат ривожланиши бўйича ташқилот, Халқаро савдо палатаси, Халқаро фонд биржалар федерацияси);

– Қимматли қоғозлар комиссияси буйича халқаро ташкилот;

– Молия бозори устидан назорат органларининг халқаро ташкилоти;

– кредиторларнинг Париж ва Лондон клублари;

– халқаро аудит ташкилотлар ва бошқалар.

Жаҳон биржалар федерацияси, турли хил минтақавий ассоциацияларни молиявий-инвестицион ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашувчи нодавлат халқаро ташкилотлар қаторига киритиш мумкин.

Глобаллашув шароитида ТМК ларни тартибга солишда ҳуқуқий асос халқаро конвенциялар ва кодекслар, халқаро инвестицион келишувлар ҳамда ХВФ, Жаҳон банки гуруҳи, ЮНКТАД, ҳужжатларида чет эл инвесторларининг маълум бир фаолият билан шуғулланиш қоидалари белгиланган турли йўриқномалари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатлараро молиявий-инвестицион битимларни тузиш жараёни ривожланишига қарамай, ТМКга қаратилган халқаро молиявий инвестицияларни тақдим этишни тартибга солиш кўп жиҳатдан ТМК томонидан капитални қабул қилиш тизимининг амалдаги ҳолатини аниқловчи миллий қонунчиликка боғлиқ.

Глобаллашув шароитида мамлакатларда ТМКларга тақдим этиладиган чет эл инвестицияларини бошқаришни тартибга солиш асосан миллий қонунчилик орқали амалга оширилади.

Бу ҳолат Халқаро савдо палатаси, ХВФ ва Жаҳон банки гуруҳининг бир қатор ҳужжатларида қайд этилган, уларда мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб этиш ва хорижий инвестиция иштирокидаги ТМК ва бошқа корхоналар фаолиятини миллий қонунчилик билан тартибга солишга алохида эътибор берилган. Ушбу халқаро ташқилотларга аъзо бир қатор мамлакатларда хорижий инвесторлар маҳаллий ишлаб чиқариш, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, уларга мамлакат доирасида маҳаллий имтиёзлардан фойдаланадиган миллий тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда хўжалик фаолиятини юритиш, ташқилий-ҳуқуқий шакли турлича корхоналар шу жумладан ТМК тузиш имконияти берилган.

ХВФ билан ХТТБ ҳамкорлигида ишлаб чиқилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакатда фаолият юритаётган ТМКларга жалб этиш миллий тизим, хорижий инвесторлар ҳақ-ҳуқуқини поймол қилмаслик, уларнинг ҳимояси ва кафолатлари каби тамойиллар орқали амалга оширилади. Кўрсатилган тамойиллар капитални қабул қилувчи давлатларни ТМК ва хорижий инвесторлар ўртасида молиявий-инвестицион низоларни тартибга солиш, чет эл капитал қуйилмалар эспроприациясига (мажбурий равишда тортиб олишга, ундан маҳрум бўлишига) йўл қўймаслик, тегишли ўтказиш имконини беради.

Жаҳон банки гуруҳи доирасида 1985 йили ташкил этилган Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (ИККА) халқаро молия бозоридаги инвестициялар ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Давлатлараро молиявий-инвестицион битимлар, одатда, қуйидаги мажбуриятларни ўзида акс эттиради:

– хорижий инвесторларга молиявий-инвестицион фаолият юритиши, капитал-қўйилмалар учун мақбул шарт-шароитларни яратиш;

– хорижий мулк ҳимоясини ташкил этиш;

– хорижий молиявий инвестициялардан олинган даромадларни қийинчиликсиз, осон ўтказиш кафолатлари ва ўз ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда инвесторларнинг чет элдаги мулкидан йўқотишлар кузатилганда тегишли қопламаларни олиш;

– манфаатдор бўлмаган ҳакамлар судида хорижий капитал қўйилмалар юзасидан низоларни кўриб чиқиш.

ИККА хорижий инвесторларга қуйидаги нотижорат рисклари доирасида узоқ муддатли кафолатларни таъминлаб беради:

– капитални ўзига жалб қилувчи мамлакатлар ҳукуматлари калитални бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш ва фаолият йўналишини ўзгартиришларига чекловларни киритиши билан боғлиқ рисклар;

– капитал қабул қилувчи-мамлакатда ўз инвестицияси устидаги назорат ва чет эл инвесторини мулк ҳуқуқидан махрум этувчи қонуний ёки маъмурий чора-тадбирлар қабул қилиниши натижасида хорижий инвесторлар даромадлари пасайиши билан боғлиқ рисклар;

– маҳаллий давлат институтлари билан тузилган асосий шартномаларнинг бекор қилиниши ва чел эл инвесторлар ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи маъмурий ва суд амалиётлари юритилиши билан боғлиқ рисклар.

ТМКни тартибга солишда янги монетаристик назарияни қўллаш билан бир қаторда кредит фондлар таклифига алоҳида эътибор берилди. Фоиз ставкаси кредит фондларининг талаб ва таклиф нисбатидаги баҳосидан ташқари, дебиторларнинг банкрот бўлиши, кредит бериши билан боғлиқ риск даражасини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Халқаро молия бозорини кредит ёрдамида тартибга солишнинг тезкор воситаси Марк азий банклар томонидан ўрнатилган Ҳисоб (дисконт) фоиз ставкаси ҳисобланади. Фоиз ставкасини ўзгартириш натижасида тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредитларни қисқартиришга ёки оширишга таъсир кўрсатиш, яъни халқаро молия бозори доирасини торайтириш ёки кенгайтириш мумкин. Тадқиқотлар кўрсатадики, барча мамлакатлар

марказий банклари ҳисоб ставкасидан миллий молия бозорини тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланишади.

ТМК да молиявий муносабатларни халқаро миқёсда тартибга солувчи янги монетар концепция ХВФни банк-кредит инсрументларига таяниб фаолият юритишга имконият яратиб беради. Охирги ўн йилликда ХВФ тавсиялари универсал хусусият касб этди, яъни 2002 йилдан институционал монетаризм даври бўлишига қарамай, турли мамлакатларга бир хил нисбат берилди. Айтиш жоизки 2008 йили жахон молиявий инқирози (2008 й) ХВФнинг халқаро аҳамиятга эга ТМК ларни ҳам тартибга солиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш заруратини кўрсатди.

ТМК ни тартибга солувчи усул сифатида замонавий монетаризм («янги монетаризм» концепцияси) ўзида куйидагиларни мужассамлайди:

– тартибга солиш механизмида асосий эътибор халқаро кредит бозорига қаратиш;

– кредитларни тақдим этишда банклар асосий аҳамияти ;

– иқтисодий пасайиш даврида молия-кредит фаолиятини тартибга солувчи ташқилотлар банк тизимидаги капиталнинг сақланишига катта эътибор қаратиш;

– кредит келиб чиқиши жиҳатидан ҳар хил хусусиятга эгалиги учун умумий ўлчамлар ҳақиқий-ҳолатни тўғри баҳолай олмайди, балки нотўғри хулоса чиқаришга олиб келади. Масалан, бир банкдаги ортиқча ликвидлик бошқа банкдаги ликвидлик муаммосини бартараф этмаслиги;

– янги тартибга солувчи чора-тадбирлар мамлакатларга капиталнинг оқиб келишини жадаллаштириши, бир хил чора-тадбирлар маълум бир молиявий ташкилотлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун уларни ХВФ орқали якка тартибда ёки алоҳида гуруҳларга ажратиб мувофиқлаштириш лозимлиги;

–молия бозорини тартибга солувчи янги сиёсат тўла аввалги монетар сиёсат каби банк фаолияти назариясига асосланганлиги;

–пул муомаласини тартибга солувчи органлар фоиз ставкасининг кескин ўзгариши натижасида юзага келадиган салбий ҳолатларнинг олдини олишга асосий эътиборларини қаратишган, айниқса, қатъий кредит сиёсати даврида жорий ҳолат ёмонлашса, молия бозорининг маълум бир гуруҳ, иштирокчилари ҳукуматдан кредит таклифи билан таъминлашни талаб қилишини инобатга олиш лозимлигини кўрсатишга.

Ҳозирги глобаллашув шароитида халқаро молиявий муносабатларни тартибга солиш усулларининг мантиқий изчил тизими амал қилмоқда. Халқаро молиявий муносабатларни асосий тартибга солувчи органлар сифатида ҳукумат ва халқаро молиявий институтларни, яъни ХВФ, Жаҳон банки гуруҳи, халқаро қарздорлик масалаларини ҳал этувчи клублар, минтақавий банклар, халқаро, ҳудудий, маҳаллий инвестицион ва суғурта компаниялари, фонд ва валюта биржалари, алоҳида мамлакатларнинг марказий банклари, даврий равишда ташкил этиладиган халқаро молиявий-иқтисодий анжуманлар ва конференцияларни кўрсатиш мумкин.

Халқаро молиявий муносабатларни тартибга солувчи усулнинг жорий давр учун энг мақбулини танлаб олиш бозор сегменти ва иқтисодий тизим турига, бекарорлик даражасига боғлиқ. Бозордаги ҳолатни аниқлаш учун халқаро молиявий ташқилотлар кундалик молиявий мониторинг олиб боришади. Ҳозирда молиявий муносабатларни тартибга солувчи у ёки бу усулни қўллаш электрон алоқа воситалари ёрдамида ўтказиладиган мониторинг натижаларига ҳам боғлиқ.

Ҳозирги глобаллашув шароитида молиявий воситалар орқали ТМК фаолиятини тартибга солиш ва барқарорлигини таъминлаш қуйидагиларда ўз аксини топиши лозим:

– инқироздан қутулиш мақсадида молиявий муносабатларни тартибга солувчи ва мустаҳкамлигини оширувчи иқтисодий ислоҳотларни олиб бориш. Беқарор ТМК фаолиятини тартибга солиш дастлаб маҳаллий органлар томонидан амалга оширилиши лозим. Пекин бозорнинг глобал миқёсга эгалиги

халқаро даражада тартибга солувчи ташқилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришни талаб этади. Бу эса халқаро молиявий муносабатлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Тартибга солиш чораларининг ўз-ўзини тартибга солувчи қоидаларига кўмаклашиши, бозорда янгилик ва рақобатни қўллаб-қувватлаши зарур. Қўллаб-қувватлашда мамлакатлар ўз манфаатларини кўзлаб турли меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши, бошқа мамлакатлардаги молия бозорларига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак;

– самарали тартибга солиш тизимини мустаҳкамлаш. Мамлакатлар молиявий муносабатларида олди-сотди воситалари ва иштирокчиларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, тартибга солиш ва назоратни йўлга қўйишлари зарур. Кредитлаш соҳасида фаолият юритувчи рейтинг агентликлари қаттиқ назоратга олиниб, молия бозорини тартибга солувчи ягона мезонлар шакллантирилиши лозим. Молиявий воситалар ва хизматлар савдосининг кенгайиши ҳамда янгиларининг яралишига тўсиқ бўлмайдиган иқтисодий циклнинг барча кўламларида тартибга солиш самарадорлигини ошириш керак. Халқаро даражада ТМК фаолиятини тартибга солиш тизимини мамлакатлараро ўзаро келишилган ҳолда ҳал этиш зарур;

– ТМКларни ташқи бозорда мувофиқлигини таъминлаш. Ҳуқуқий ҳамкорликнинг сустлиги оқибатида ноқонуний ҳаракатлардан огоҳлантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, истеъмолчилар ва инвесторлар ҳимоясини кучайтириш йўли билан жаҳон молия бозори бутунлигини сақлаб қолиш зарур.

2.3. Жаҳон хўжалигида структуравий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш структуравий ўзгартириш ёки реструктуризациялаш ва қайта ташкил этиш жараёнлари жадал

суръатларда олиб борилмоқда. Ушбу жараён долзарб вазифага айланган бир вақтда жаҳон хўжалигини корхоналарни структуравий (тузилмавий) жиҳатдан қайта ташкил этиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон миқёсида, аввало, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизациялаш унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат мамлакат иқтисодиётини инқирозларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Шундай экан, жаҳон хўжалигида структуравий ўзгаришлар амалга оширишни модернизациялаш техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий инновацион технологияларни кенг жорий этиш вазифаси ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар қандай хўжалик субъекти ўз фаолияти жараёнида бир неча босқичларни босиб ўтади. Биринчи босқич хўжалик субъектини ташкил этиш ва тиклаш жараёнидан иборат бўлиб, тегишли давлат идораларидан рўйхатдан ўтади. Бу эса янги хўжалик субъектининг юзага келганлигидан далолат беради. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида давлат рўйхатидан ўтган хўжалик субъектларининг аксарияти фаолиятининг илк даврида рақобатга бардош бериши қийин кечади. Шу сабабли, давлат иқтисодий жараёнларининг устувор йўналишларга ҳамда молиявий имкониятларига кўра йирик (ТМК), кичик, қўшма, хусусий ва бошқа хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлайди.

Баъзи бир хўжалик субъектлари, шу жумладан, ТМК эса ўз ўрнини топиш мақсадида ривожланиш жараёнларида янги ишлаб чиқариш ва функционал шўъбалар яратиш, самарадорликни ошириш учун хўжалик субъектларининг ўзаро қўшилиши ёки капиталлашув натижасида фойдани максималлаштиришга эришиш йўлларини қидиради. Шу ўринда, корхоналарни модернизациялаш, реструктуризациялаш орқали қайта ташкил этиш жараёни ҳам, бошқарувнинг ташкилий тизимини ўзгартириш киритиш ёки эскиларининг ёпилиши ва янгисини

рўйхатдан ўтказиш орқали очиш юз беради. Хўжалик субъектларини қайта ташкил этишнинг махсус шакли, мустақил рақобатбардош хўжалик юритувчи субъектларни структуравий (тузилмавий) қайта ташкил этиш ёки уларнинг мавжуд ҳуқуқий меъёрларига амал қилишдан иборат.

Структуравий (тузилмавий) қайта ташкил этишнинг моҳияти масаласида бир нечта нуқтаи назарлар мавжуд. Бозор иқтисодиётида реструктуризация бу – корхонанинг структуравий (тузилмавий) бўлинмаларини мустақил баланс ва ҳисобрақамига эга юридик шахс сифатида қайта ташкил этишдир, деб таърифланган.

Хўжалик субъектларини реструктуризациялаш, яъни уни структуравий (тузилмавий) қайта ташкил этиш, актив ва пассивларини реструктуризациялаш орқали хўжалик субъектларига зарурий инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун етарли шароит яратиш имкониятини беради.

Глобаллашув шароитида жаҳон миқёсида хўжалик субъектларини реструктуризациялаш қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши муҳим аҳамиятга эга, яъни:

– хўжалик субъектларининг умумий инвестицион жозибадорлигини оширишга;

– хўжалик субъектларининг рақобатда устунлигини ҳисобга олувчи (ноёб материаллар ёки номоддий активлар, мулкчилик ҳуқуқи ва ҳ.к.) инновацион лойиҳаларни инвестициялаш механизмини яратишга;

– инновацион лойиҳаларни самарали бошқаришга тўсқинлик қилувчи ташкилий тўсиқларни бартараф этиш кабиларга.

Жаҳон миқёсида хўжалик субъектларини реструктуризациялаш жараёни қайта тузилган фирманинг бозор қийматини оширсагина, у муваффақиятли кечиши мумкин. Ўз навбатида, бундай ҳолатга, агар фирмани реструктуризациялаш, унга рақобат устунлигини бера оладиган (ноёб материаллар ва номоддий активлар, мулкчилик ҳуқуқи ва ҳ.к.) инновацион лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида қулай молиявий имконият ва ташкилий шароит яратган тақдирдагина эришиш имкони бўлади.

Хўжалик субъектларининг бозор қийматини ошириш, ташқи капитални жалб этиш ва қарзларни реструктуризациялашни рағбатлантириши мумкин. Бу айниқса, молиявий инқирозга юз тутган хўжалик субъектлари учун ўта муҳим. Бундай ҳолатда кредиторлар "қотиб қолган" қарзларни ҳам реструктуризациялашга розилик билдиради.

Глобаллашув реструктуризациялаш кредитни ўтказиш бўйича ҳар икки томон келишувларини бажармаган ва ўз хоҳишларига кўра, расмий йўл билан қарзларни кечиктиришни, албатта, бундай кечиктиришни қўшимча фоизларини назарда тутган ҳолда сўраган қарздорларга мўлжалланган.

Ушбу юзага келган вазиятда кредитор, узоқ муддат "қотиб қолган" қарзни қўшимча фоиз билан қоплаш эвазига қарзнинг ёпилишини узоқ муддатгача кутишга ҳам тайёр бўлади.

Хўжалик субъектларини реструктуризациялаш унинг бозор қийматини ошириш усули муҳим аҳамиятга эга. Бундай усул қуйидагиларни назарда тутади (2.3-чизма):



2.3-чизма. Хўжалик субъектлари қарзларини реструктуризациялаш.

Хўжалик субъектларини реструктуризациялаш унинг активлари структуравий (тузилмавий) ўзгаришлар киритишни назарда тутиши лозим бўлади (2.4-чизма).



2.4-чизма. Хўжалик субъектлари активларини тузилмавий (структуравий) ўзгартиришлар киритиш тартиби.

Хўжалик субъектларини тузилмавий (структуравий) ўзгаришига санация ҳам муҳим молиявий восита бўлиб ҳисобланади. Санация – бу хўжалик субъектларида иқтисодий ночорлик риски пайдо бўлганда, уни молиявий соғломлаштиришдир. У мулк эгаси ёки кредиторлар ташаббуси билан ва бир неча йўл билан ўтказилади. Биринчидан, хўжалик субъектини ночор молиявий ҳолатга солиб қўйган раҳбарни ёки бошқарув ходимларини алмаштириш. Агар хўжалик субъекти потенциал банкрот бўлса, суд ёки суддан ташқари тартибда белгиланган ташқи бошқарув амалга оширилиши мумкин. Хўжалик субъектини инқироздан олиб чиқувчи (суд томонидан белгиланган) бошқарувчи кредиторлар йиғилишида тайинланиб, мулк эгаси билан шартнома асосида

ишлайди. У асосан ночор хўжалик субъектини молиявий соғломлаштиришни таъминлайди ёки уни ёпишга тайёрлайди.

Санациянинг иккинчи йўли – суд орқали ёки кредиторлар розилиги билан хўжалик субъектини сотиш.

Иқтисодий ночор хўжалик субъектини сотишда уни фаолият юритувчи субъект сифатида сақланмайди, балки мулк эгалиги алмашади. Учинчи йўли – қарзлар акцияларга алмаштирилади. Бунда ҳам мулк эгаларини алмашиши юз беради. Бироқ кредиторлар тўловга қобилиятсиз хўжалик субъектининг акцияларини қарзларга алмаштиришга, агар уларнинг хўжалик субъектини яна рентабелликка эришиши ва молиявий барқарор бўлишига ишончи бўлмаса, эҳтиёткорлик билан ёндашади. Тўртинчи йўли – инвестицияларни жалб этиш ва фирманинг истиқболдаги даромадларидан кредиторларга тўлаш. Бу ҳам кам учрайдиган вазият. Бешинчи йўли – учинчи шахс талабларига ён босиш, яъни ҳар бир келишувдан маълум фоиз олиш ҳисобига қайта сотиш учун қарзларни сотиб олиш. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, санацияни амалга ошириш учун бизнес-режа зарур, яъни иқтисодий вазиятни қисқа ва узоқ муддатларда истиқболли режалаш учун ҳам бизнес режа зарур бўлади.

Агар бундай йўналишлар ҳам кутилган натижани бермаса, хўжалик субъектини банкрот деб топиш тадбирлари ўтказилади. Банкротлик – тўлиқ ночорликдир. Бунда суд томонидан тасдиқланган хўжалик субъектининг молиявий қарз (мажбурият)ларини тўлай олмаслиги тўлиқ ўз исботини топади. Банкротликка қарздорликни ёпишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий тамойили, яъни унинг мол-мулкини сотиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тамойили сифатида қаралади.

Ҳар бир давлатнинг қарзларни ёпиш кетма-кетлиги амалдаги қонунчиликка асосан белгиланади. Молиявий мажбуриятларнинг тўлиқ қондирилиши банкрот хўжалик субъектининг мол-мулкини сотишдан тушган тушумни етарлигига боғлиқ бўлади.

Тажрибадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айрим ҳолатларда бюджет тўловлари, банк кредитлари, ходимлар иш ҳақи,

моддий таъминотчилар, акциядорларга дивидендлар бўйича молиявий мажбуриятларни бажариш учун молиявий маблағ етишмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли, бозор иқтисодиётида молиявий қийинчиликларни олдиндан кўра билиш ва огоҳлантирувчи тадбирларни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Уюштирилган қалбаки банкротлик вазияти бўлиши ҳам мумкин. Қалбаки банкротлик – бу хўжалик субъектининг ноқобиллиги ҳақида қалбаки ҳужжатларни тақдим этишдир. Уюштирилган бакротлик эса ўзининг молиявий ночорлигини яширишни англатади. Умуман олганда, хўжалик субъектини ёпиш – фаолиятни тўхтатиш ва давлат реестри рўйхатидан чиқариш ёки ўчиришни англатади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда бошланган таркибий тузилмавий (структуравий) ўзгаришларни ҳамда иқтисодиётимизни модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш – Ҳаракатлар стратегияси дастурининг энг муҳим, асосий устувор йўналишидир. Умуман, хўжалик субъектини реструктуризациялаш – бу, унинг фойда (даромад) олишга йўналтирилган ва ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантиришга қаратилган ҳамда самара келтирувчи молиявий ресурсларни оқилона жалб этиш жараёнидир.

Шундай қилиб, тузилмавий (структуравий) ўзгаришлар хўжалик субъектларини максимал фойда (даромад) олишда ва рақобат курашида фаолиятнинг юксак техник-иқтисодий кўрсаткичларига эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган бир вақтда хўжалик субъектларини модернизация ва реконструкция қилмай туриб, замонавий, илғор инновацион технологик ускуналар билан уларни жиҳозламай, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳам узлуксиз янгиламасдан иқтисодиётимиз истиқболини белгилаб олиш мумкин эмас.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инновацион ишланмаларни фан-техника тараққиёти сифатида ҳаётга татбиқ этилиш даражаси, нафақат мамлакатдаги илмий тадқиқотлар натижаларига, балки шу билан бирга, ресурсларни

самарали тақсимланишига, уларни йўналтиришга, ташқи бозорда маҳаллий товар ва хизматлар рақобатбардошлигини таъминлашга, ЯИМнинг ўсиш суръатларига ва мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, иқтисодиётни тузилмавий (структуравий) ўзгаришига ҳам боғлиқдир. Бу жараёнларни амалга оширишда республикада миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни 2017-2021 йилларда риожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди.

Ушбу стратегия ва унга асосан қабул қилинаётган дастурлар қисқа вақт ичида иқтисодий тараққиётни янги босқичга кўтариб чиқиши, бунда барча тўлқинли тебранишларни енгиб ўтиш, мавжуд капитални инновацион янгилаш, ресурс тежамкорлигига эга бўлишга хизмат қилишга қаратилган. Айтиш жоизки, амалда қўлланиб келинаётган дастур назарий аҳамиятга эга ишланма (кашфиёт)ларни ҳам узлуксиз ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишни кун тартибига чиқармоқда. Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида хорижий иқтисодчи олимларнинг назарий фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг назарий масалаларини тадқиқ қилиб, унинг қонуниятини изоҳлашда Н.Д.Кондратьев умумий ишлаб чиқаришда тўлқинли тебранишлар назариясини кашф этган бўлса, ушбу тўлқинли назарияни ривожлантира бориб, австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер умумий ишлаб чиқаришдаги инқирозли ҳолатларни енгиб ўтиш учун капитални инновацион янгилаш, унда техник, ташкилий, иқтисодий ва бошқарув янгиликларини жорий этиш заруриятини асослашга мувофиқ бўлди. Й.Шумпетер асарларида эса тўлқинли тебранишларнинг мултициклга эга назарияси, рақобат муҳити самаралилиги илгари сурилди. Инновацион фаолият инновацион жараёнлар билан биргаликда илмий жиҳатдан сермазмун бўлган ресурс тежовчи технологияларни амалиётга татбиқ этиш ишларини тезлаштиришга туртки бўлди.

Хўжалик субъектларини инновацион ривожланиши нафақат мустақил иқтисодий фаолиятга боғлиқ, балки уларнинг ўзаро алоқалари ва тузилмавий (структуравий) ўзгаришлари ҳам

муҳим ўрин тутади. Фан ва инновация хўжалик субъектларида структуравий ўзгаришларга замин яратди. Шу орқали инновацион структуравий ўзгаришларга янги истиқболли йўллар очилади.

Айтиш жоизки, ривожланган индустриал мамлакатларда илмий тадқиқотлар вв ишланмаларнинг асосий қисми ТМКлар томонидан амалга оширилади: Европа Иттифоқи мамлакатларида – 65%, Японияда – 71%, АҚШда – 75%. Миллий фан тузилмасида тадқиқотлар олиб борувчи олий ўқув юртларининг улуши ҳамон кам. Фанга қилинаётган харажатлар миқдори ҳам жуда оз: ЯИМга нисбатан 5%га яқин. Бу кўрсаткич ЕИ мамлакатларида 21%, Япония ва АҚШда 15%[14].

Мамлакатимизда хўжалик субъектларини инновацион фаолиятни тартибга солувчи қонунлар тизими ва миллий инновацион дастурларидан фойдаланишни вақтнинг ўзи белгилаб бермоқда. АҚШда, масалан, кичик бизнесда янгиликларни ишлаб чиқиш ҳақида қонун мавжуд. ЕИда технологияларни ривожлантириш дастури амал қилмоқда. Унга асосан инновацияларни кенг жорий этиш, инновация жараёнларида иштирок этувчи субъектлар кенг рағбатлантирилмоқда. Бу эса уларни инновацион ишлаб чиқаришдаги иштирокини жадаллаштирмоқда.

Ривожланган мамлакатлар инновацияни ривожланишнинг устувор йўналиши қилиб белгилаб олишганлиги сабабли, улар иқтисодиётини ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Проф.А.Қодиров ва доц.С.Севликянцларнинг фикрича[15], иқтисодиёт глобаллашуви шароитида миллий хўжаликларга жаҳон бозорларининг таъсири янада кучаяди, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланади. Уларнинг бозори жаҳон хўжалигининг муҳим ва салмоқли ҳиссасига айланади. Мамлакатлар ушбу жараённи жиловлашга ва етакчи ўринларни эгаллашга

---

[14] Юсупов А., Кабирова Н. Приоритетные направления стимулирования инновационной деятельности. // Бозор, пул ва кредит. № 6, 2006. – 38-б.

[15] Кадыров А., Севликянц С. интеграционные процессы в информационной сфере. // Бозор, пул ва кредит. № 11, 2007. – С. 60-63.

интилмоқдалар. Инновацион ривожланиш мамлакатларнинг бир неча поғона кўтарилишига, маҳсулот сифати яхшиланиб, миллий иқтисодиёт кучайишига, рақобатбардош маҳсулотларни кўпроқ ҳажмларда чиқаришга имкониятлар яратиши табиийдир.

Миллий иқтисодиётнинг индустриал-инновацион ривожланиши кўп мамлакатларда тизимли инновацион фаолият йўлга қўйилганлиги ва у давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши билан белгиланади. Иқтисодиётнинг реал секторига энг самарали амалий илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмаларни татбиқ этиш, шунингдек, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мамлакат иқтисодиётини структуравий ўзгаришига ва шу орқали юксалтиришга хизмат қилади. Давлатнинг қўлида илмий тадқиқот ва ишланмаларни рағбатлантирувчи ҳамда тартибга солувчи кучли воситалар мавжуд: давлат томонидан тўғридан-тўғри молиялаштириш, корпорацияларга ўз ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш учун қарз бериш, вақтинча молиялаштириш, бунда компанияларга ҳукумат кафолати остида маблағлар ажратиш ва ҳ.к.

Бунда хорижий инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Улар иқтисодиётнинг устувор тармоқлари модернизациясига йўналтирилиши миллий иқтисодиётда ўсиш суръатларини янада тезлаштиришга ва структуравий ўзгаришларни асосий йўналишларини белгилаб олишга тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодиётнинг структуравий (таркибий) тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг структуравий (таркибий) тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти рақобатбардошлиги орқали ифодаланади.

Ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик ўзаро жиддий фарқ қилиши мумкин. Чунки, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги – мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти тушунилса, унда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги – иқтисодиётнинг тўловга қодир талабга мос келувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш қобилияти тушунилади.

Бу бозорларда ички ва ташқи муҳитни ташкил этувчи омилларнинг турлича эканлиги, яъни тўловга қодир талаб ҳажми, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасидаги фарқ, олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати ва ҳ.к.лар билан белгиланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт структуравий (таркибий) тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислоҳотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Иқтисодиётнинг структуравий (таркибий) тузилиши – иқтисодиётниг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги пропорциялар ва ўзаро нисбатлар.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.

Миллий хўжаликнинг мақбул структураси (таркиби), алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожланганлиги ва балансланганлиги, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳар қандай давлат ривожланишининг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат хўжалигининг турли бўлак ёки қисмларга қандай белгилар асосида ажратилишига кўра иқтисодиёт структуравий (таркибий) тузилишининг турлари ўзаро фарқланади (2.5-чизма).

2.5-чизма



2.5-чизма. Мамлакат иқтисодиётининг структуравий (таркибий) тузилиши.

Мамлакат иқтисодиётининг структуравий (таркибий) тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик

жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Структуравий (таркибий) ўзгаришлар сиёсати – давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора- тадбирлар мажмуи.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида структуравий (таркибий) ўзгаришлар сиёсати:

– мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

– ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хомашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

– юқори технологиялар ва замонавий техника билан билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

– конъюнктура ўзгаришларига тез мосшлашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

Иқтисодиётнинг структуравий (таркибий) тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда олиб борилган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг структуравий (таркибий) тузилишида сифат силжишлари рўй берди. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни, 2010 йилда 24 фоизни ва 2017 йилда 34,1 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётда структуравий (таркибий) ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида аҳамиятга эга:

– корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

– мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдириш ва мутаносиблигини таъминлаш;

– аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш;

– кичик бизнесни жадал ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш;

– ташқи савдо айланмаси, шу жумладан экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган оптимал структураси (таркиби)ни шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

2.4. Молиянинг глобаллашуви шароитида жаҳон қарзи иқтисодиёти ва тақчиллик

Молиянинг глобаллашуви шароитида иқтисодий тараққиёт жараёнларининг ривожланиши жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи молиявий-иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг нафақат янада такомиллашувига, балки жаҳон инқирози ва молиявий тақчиллик ҳолатларининг ҳам юзага чиқишига сабаб бўлди. Молиянинг глобаллашуви натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй берди.

Молиявий глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб бермоқда.

Аммо молиявий глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз, унинг натижасида давлат қарзини ва тақчиллиги ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланмоқда.

Шунга кўра, глобаллашув шароитида энг долзарб муаммо – бу ҳали 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозининг салбий омиллари сақланиб келинаётганлиги уни барата раф этиш йўлларини излашдан иборатдир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланган эди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлилик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетган эди. Қайсиким, ҳозирги кунга қадар ўзига хос жиҳатларни, яъни қарз, тақчиллик, инфляциянинг ўсиши, қайта молиялаштириш ставкасининг ошиб бориши каби омилларни сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Молиявий инқироз таъсирида дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати тезлик билан тушиб кетди. Ўз навбатида, бу кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиши ишсизлик, ташқи ва ички қарзларнинг ошиб кетиши каби салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Айтиш жоизки, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган молиявий-иқтисодий инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берган эди.

Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобига бериладиган кредитлар бўлсаада, АҚШ бозорларида бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича "тўйинди" ва уларнинг нархлари кескин тушиб кетган эди. Бунинг устига, инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидаги янги молиявий "маҳсулот" ҳисобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларнинг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзуллик ҳолатлари эҳтимоллигини оширди.

АҚШда аҳоли томонидан кўчмас мулк гарови асосида олинган кредитлар ва уни қайтариш муаммога айланди. Аҳоли ипотека кредитлари бўйича тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати юзага келди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг гаровга қўйган кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайиши юз берди.

Молиявий-иқтисодий инқирознинг асосий сабабларидан бири саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсати эканлиги, яъни "ўз-ўзини бошқарувчи бозор" ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги бўлди.

Айтиш жоизки, ўша пайтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келишида асосий сабаблардан яна бири – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги тенгликнинг кескин бузилиши бўлиб ҳам ҳисобланиши. Миллий иқтисодиётларнинг интеграциялашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал қилишига ўз таъсирини кўрсатди. Дастлаб айрим мамлакатлар, масалан АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда пул муомаласи қонуниятларига риоя қилишнинг заифлашуви, кейин эса уни умуман эътиборга олмаслик ҳолати юз беради. Ўтган асрнинг 70-йилларига қадар амал қилиб келган жаҳон валюта тизимлари пулларнинг олтин ёки товар мазмунини таъминлаш орқали иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигига имконият яратди. Аммо ўтган XX асрнинг 70-йилларига қадар амал қилиб келган жаҳон валюта тизимлари пулларнинг олтин ёки товар мазмунини таъминлаш орқали иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигига имконият яратди. Аммо 1976 йилдан амал қилган ва сузиб юрувчи валюта тизимига ўтиш, сўнг пулнинг олтин мазмунини йўқотилиши АҚШ долларининг етакчи валютага айлантирди. Бироқ унинг муомалага чиқарилишини назорат қилиш ноль даражага тушди. Глобаллашув жараёнининг жадаллашуви таъсирида халқаро молия-иқтисодий муносабатларда қатъий валютага бўлган талабнинг янада кучайиши АҚШ томонидан ҳеч қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқарилиш жараёнини янада тезлатди. Муомаладаги пул массаси (накд, қарз-кредит пуллар ва турли тўлов воситалари)нинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажмидан тезлигини ҳам ҳисобга олинса, муомала учун зарур бўлган пул бир неча ўн баравар ошиб кетган эди.

Шу билан бир қаторда, саноати ривожланган ва етакчи мамлакатларда кузатилган айрим салбий ҳолатлар молиявий инқирознинг вужудга келишига ҳам асосий сабаб бўлди. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– норационал пул-кредит сиёсатини ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши орқали қарзга яшашни кундалик ҳолатга айланиши;

– молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;

– қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;

– молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;

– молиявий рағбатлантириш услуби сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;

– юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматли қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо[16].

Айтиш жоизки, инқирознинг бошланишига қадар уни юзага келишини таъминлашда дунёнинг айрим давлатларида ташқи савдо сальдосининг ўзгариши ҳам таъсир этди. Ўшанда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги ва салбий ташқи савдо сальдосининг кузатилаётганлиги жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келишининг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас эди.

2.2-жадвал

Дунёнинг айрим мамлакатлари ташқи савдо сальдосидаги ўзгаришлар[17] (млрд. АҚШ долл.)

Мамлакатлар	1996 йил	2007 йил
Ривожланган мамлакатлар, жами	**46,2**	**-798,8**
АҚШ	-120,2	-854,7
Япония	65,4	81,0
Европа Иттифоқи	88,5	-228,0
Бошқалар	12,5	202,2
Ривожланаётган мамлакатлар, жами	**-87,5**	**509,7**
Хитой	7,2	562,0
Яқин Шарқ ва Африка	5,9	311,0
Бошқалар	-100,6	-363,3

[16] Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. 15-бет.

[17] Ўша ерда.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 1996 йилда ривожланган мамлакатлар ҳиссасига 46,2 млрд. доллар ҳажмдаги ижобий ташқи савдо сальдоси тўғри келган бўлса, 2007 йилга келиб, бу кўрсаткич 798,8 млрд. доллар ҳажмдаги салбий сальдони, яъни тақчилликни ташкил қилган эди. Аксинча, бу даврда ривожланаётган мамлакатларда бутунлай тескари манзара кузатилиб, уларнинг 87,5 млрд. долл ҳажмдаги салбий ташқи савдо сальдоси 509,7 млрд. долл. ҳажмдаги ижобий ташқи савдо сальдосига айланган эди.

Айтиш жоизки, ривожланаётган мамлакатлар савдо балансида ижобий сальдо қайд этилган шароитда айрим ривожланган мамлакатлар ташқи савдо балансидаги тақчиллик валюта захираларининг ўзгаришига сабаб бўлди. Хусусан, саноати ривожланган давлатларда ташқи қарзи миқдорининг ўсиб борганлиги ва уни ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги юзага келган инқирознинг асосий омилларидан бири бўлди.

2005-2008 йиллар мобайнида, хусусан, АҚШ ва айрим Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари (Қирғизистондан ташқари) ташқи қарзларнинг ЯИМга нисбатан салмоғи ортди. Хусусан, АҚШ ташқи қарзларининг ЯИМга нисбатан салмоғи 2008 йилда қарийб 90 %ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўша вақтда Россияда 37 %ни, Қозоғистонда 102 фоизни, Украинада 64 %ни ташкил этган. Қирғизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб 2008 йилда 81 %ни ташкил қилди (2.6-чизмага қаралсин).

Ижобий тенденция Ўзбекистон Республикасида кузатилди. Яъни ташқи қарзларнинг ЯИМдаги салмоғи 2005 йилдаги 29 %дан 2008 йилда 13,3 %га қадар қисқарган эди. Ҳозирда эса унинг ўсиши юз бермоқда. Аммо ҳозирги шароитда ўсиши янги иқтисодий сиёсатни жадаллаштириш омиллари билан боғлиқ бўлиши ва жиддий ижтимоий талофатлар юзага келиши амалда бўлмаслиги экспертлар томонидан қайд этилмоқда.

Жаҳондаги айрим давлатлар ташқи қарзларининг ЯИМга нисбатан динамикаси, фоизда[18]



2.6-чизма.

Хусусан, жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 2008 йилда 20 %гача пасайганлиги кузатилган эди. Жаҳон ЯИМ 2009 йилда пасайиши, бевосита хорижий инвестициялар оқимининг ҳам пасайишига таъсир қилди.

Юқоридаги ҳолатлар молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини, шунга кўра, ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш орқали янги, соғлом молиявий тизимни шакллантириш зарурлигини ҳам тасдиқлади.

XX асрнинг охирларида бошланган ва ҳозиргача давом этиб келаётган бозорларнинг глобаллашуви, капиталлар халқаро ҳаракатининг эркинлаштирилиши натижасида АҚШ бозорларида вужудга келган инқироз дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам ёйилди. АҚШ банклари ва ипотека агентликларининг қимматли қоғозларига қўйилма қилинган хорижий инвесторлар молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида дунё мамлакатлари иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. АҚШ молия бозорларидаги инқироз жаҳоннинг йирик фонд бозорларидаги конъюнктурага

[18] Ўша ерда, 16-17-бет.

таъсир қилди ва бу ўз навбатида мазкур бозорлардаги фонд индексларида (S&P, Dow-Jones, Nasdaq, FTSE, CAC, DAX, Nikkei, Hang Seng, Shanhai composite, РТС, ММВБ ва б.) ўз аксини топди. Глобал молиявий бозорнинг асосий таркиби ва жаҳоннинг асосий молиявий марказлари ҳисобланган йирик фонд бозорларини ўз ичига олувчи мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди[19].

Шу ўринда айтиш лозимки, ўша йилларда ривожланиб борган молиявий инқироз инфляция, қатор банклар ва молиявий муассасаларнинг таназзулга юз тутиши таъсирида ишсизлик, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва бошқалар негизида иқтисодий инқироз шаклида кучайишига сабаб бўлган. Бундан кўринадики, жаҳон молиявий инқирозининг ўзига хос хусусияти унинг иқтисодиётнинг молиявий секторидан бошланиб, реал секторига ўтганлигида намоён бўлди.

Жаҳон молиявий инқирози аксарият ривожланган мамлакатлар молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг банк тизимларини инқироздан қутқариш учун йирик тижорат банкларининг акцияларини сотиб олиш ва уларни бюджет маблағлари ҳисобига ликвидли активлар билан таъмин-лашга киришдилар.

Европа Иттифоқи мамлакатлари инқироздан чиқиш бўйича тижорат банклари кредитлари учун давлат кафолатлари тизимидан фойдаланишга келишиб олинди. Бу ҳолатда кафолатлар банклараро кредитлар бўйича 5 йил муддатга тақдим этилади ва ҳукумат банкларининг имтиёзли акцияларини сотиб олиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш имкониятларига эга бўлди.

Масалан, АҚШда Федерал захира тизими қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали хусусий секторни тўғридан-тўғри молиялаштириш амалиётига ўтиш орқали ликвидлиликни таъминлашнинг янги усулига ўтди.

Банклар ва молиявий муассасалар акцияларига Буюк Британия ҳукумати 37 млрд. фунт стерлинг маблағларини

[19] Ўша ерда, 20-бет.

инвестиция қилишга эришди. Германия ҳукумати эса, банк тизимини қўллаб-қувватлаш учун капитал ва кредитлар бўйича кафолатлар шаклида 500 млрд. евро ажратишини эълон қилди. Австралия ҳукумати эса барча жамғармачилар пул жамғармаларини 3 йилга кафолатлашини эълон қилди ва ипотека қимматли қоғозларини сотиб олиш учун 2,6 млрд. доллар маблағ ажратди [20] . Европанинг йирик банклари миллийлаштирилди, яъни давлат томонидан сотиб олинди, шунингдек, инқирозга қарши курашиш мақсадида дунё бўйича 9400 млрд. долл. сарфланди (2.3-жадвал)[21].

2.3-жадвал

Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфланган молиявий харажатлари[22]

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. доллар	Мамлакат ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида (2008 йил)
Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Дунё бўйича жами сарфланган маблағларнинг ҳажми 9400 млрд. долларни ташкил қилган ҳолда, АҚШ ҳукумати сарфлаган маблағларининг ҳажми 3539 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25% ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 1020 млрд. Долларни (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 37%), Германияда 893 млрд.

[20] Ўша ерда, 23-бет.

[21] Ўша ерда, 23-бет.

[22] Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Тухлиэв Б.К. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2008. – 120 б.

долларни (23%) ташкил қилган. Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда инқироздан АҚШ, Буюк Британия, Германия нисбатан кўпроқ азият чеккан эди.

Инқироздан қутқариш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар тартибга солинмайдиган эркин бозор ҳақидаги идеологик догмани орқага ташлаб, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларидан кенг фойдалана бошладилар. Хуллас, иқтисодиётда капитал ҳаракатини кучайтириш учун замин яратилди.

Тижорат банкларини «миллийлаштириш»ни назарда тутувчи давлат бюджетидан ажратилган мазкур инвестиция ресурслари маълум бир даврга ўзининг ижобий натижасини бера бошлади.

Инқироз даврида дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши кураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилади. Уларнинг ҳажми ва ЯИМга нисбатан салмоғи инқирознинг таъсир кўлами ва ҳар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарши кураш бўйича ишлаб чиққан режалари ҳажмига асосланди.

Тараққий этган мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган инқирозни бартараф этиш чора-тадбирлар бўйича ажратиладиган маблағлар маълум мақсадли сарфланиш йўналишларига эга (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

Инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишлари

Мамлакат	**Кредит маблағларига давлат кафолати**		**Молиявий институтлар устав капиталларига қўйилмалар**		**Юқори рискли, шубҳали активларнинг хариди**		**Бошқалар**		**Жами**
	млрд. долл.	жамига нисб.%	млрд. долл.	Жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	млрд. долл.	жамига нисб. %	
Россия	–	–	185	84	11	5	25	11	222
Буюк Британия	393	39	79	8	–	–	549	54	1020
АҚШ	1769	50	714	20	663	19	394	11	3539

2.4-жадвалнинг давоми

Германия	539	60	177	20	–	–	176	20	893
Япония	303	53	–	–	–	–	237	47	576
Хитой	–	–	–	–	–	–	570	100	570
Жами	3004	44	1155	17	674	10	1951	29	6820

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, инқирозни бартараф этишга сарфланган жами маблағлар 6820 млрд. долларни ташкил қилди. Кредит маблағларига давлат кафолати учун 3004 млрд. доллар сарфланди, яъни жами ажратилган маблағлардаги салмоғи 44% ни ташкил қилди, молиявий институтлар устав капиталига мақсадли қўйилмалар 1155 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, уларнинг салмоғи 17% ни ташкил қилди. Юқори рискли шубҳали активларни харид қилиш учун сарфланган маблағлар ҳажми 674 млрд. долларни ташкил қилди, уларнинг жами ажратилган маблағлардаги салмоғи қарийб 10% ни ташкил қилди.

Юқорида келтирилган ҳолатларга таянган ҳолда таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

– маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;

– давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;

– Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

– оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

– аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

– давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Ўша вақтда Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этган эди, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмади. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро даражадаги тўлов қобилиятга эгалигини ифодалади.

Республикамизда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг ҳалқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсири юмшатилди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқ бўлган эди. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг

пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Устувор йўналишлар	Асосий вазифалар
1-устувор йўналиш. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш	Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш.
2-устувор йўналиш. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш	Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш: Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш; Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш; Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш ҳамда юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.
3-устувор йўналиш. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш	Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш; Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш; Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш; Ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
4-устувор йўналиш. Ижтимоий соҳани ривожлантириш	Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш; Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш; Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш. Таълим, фан соҳасини ривожлантириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.
5-устувор йўналиш. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат	Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат.

Ҳозирда ҳукуматимиз томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топди. Унга асосан 2030 йилга қадар иқтисодиётимизни юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилиши эътироф этилди.

Молиянинг глобаллашуви шароитида жаҳон қарзли иқтисодиётининг шаклланишини иқтисодчи олимлар томонидан турлича қабул қилинган. Жаҳон қарзларининг юзага келиши ва ҳаракати аксарият иқтисодчи олимларни давлат қарзларига нисбатан ўз қарашларини баён этишга урғу ҳам бўлган. Айтиш жоизки, аксарият ҳолларда классиклар давлат қарзларига нисбатан танқидий муносабатда бўлганлар. Бундай муносабат ҳозирги кунга қадар сақланиб келмоқда. Чунки ҳар қандай ҳукуматда деярли муқаррар қарз билан боғлиқ суиистеъмолликлар юз беради.

Адам Смитнинг қарз масаласига салбий муносабати ҳам антимеркантилистик фалсафага ва давлат ҳамда хусусий харажатлар самарадорлигини қиёсий баҳолашга асосланди. Адам Смит давлат бойликларни яратувчи ва шахслар эркинлиги кафолати сифатида самарасиз фаолият олиб боради, деб ҳисоблаган. Агар халқ бойлигини исроф қилувчи давлатнинг бюджет тақчиллигини саноатчилар ва савдогарлардан оладиган қарзи ҳисобига қоплашга йўл қўйиладиган бўлса, капитали кам бўлган жамоа даромадлардан маҳрум бўлади, чунки бу маблағлар унумли инвестициялардан чиқиб кетади. Давлат хусусий қарз олувчилардан фарқ қилган ҳолда “капиталнинг бирон-бир махсус қисмини тўғри бошқаришдан манфаатдор эмас” – бу фикрлар Адам Смитнинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот” (1776) асарида ёзилган.

Улар пулни ҳукуматга қарзга бериб, савдо ва ишлаб чиқариш билан шуғулланиш қобилиятларини бир он бўлса ҳам йўқотмайдилар, аксинча ўз машғулотларини кучайтирадилар. Савдогар ёки кредитор ҳукуматга пулни қарзга бериб, пулдан пул чиқаради ва бу билан ўз савдо капиталини камайтирмайди, балки кўпайтиради.

Давид Рикардо А.Смитнинг қарзга бўлган салбий муносабатига қўшилади ва қарзни "энг фожеали офатлардан бири" деб атайди. Аммо, у 1817 йилда ёзилган "Сиёсий иқтисод ва солиққа тортиш асослари" асарида "мамлакатни асло миллий қарз бўйича фоизлар тўлови хароб қилмайди ва бу тўловни бекор қилиш мамлакатга янгилик келтирмайди. Фақат даромадларни жамғариб ва харажатлардан тийилибгина миллий капитални кўпайтириш мумкин. Қарзни йўқотиш билан даромадлар кўпайиб қолмайди ва харажатлар қисқариб қолмайди" деган фикрни илгари сурди.

Рикардо фоиз чиқимлари ички трансфертлар бўлгани сабабли келажак авлодга юк бўлмайди деган меркантилистча ғояга қўшилади. Унинг фикрича, ҳозирги қарзларга боғлиқ келажакдаги солиқлар қарз пайдо бўлган пайтда фуқаролар томонидан бутунлай капиталлаштирилади. Шунда фоиз харажатлари ҳақиқатан ҳам трнасфертларга айланади ва қарз бюджет чиқимлари бўйича реал харажатларни вақт бўйича сурилишига сабаб бўлмайди. Бу маънода иқтисодиётга реал таъсир кўрсатиши жиҳатидан қарзлар солиқларга эквивалентдир. Лекин, Давид Рикардо қарз жамият манфаатларига хизмат қилади деган ғояни ёқламайди, бу ғояга тарафдор бўлганида меркантилистлар томонига ўтиб кетган бўлар эди. Хьюм, Смит, Рикардонинг қарз олишнинг оқибатларига муносабати бир хил бўлган, улар самарасиз сарфлар ва давлат харажатларининг унумсизлиги сабабли ҳақиқий офат қарзнинг ўзида эмас, балки унинг таъсирида юзга келадиган капиталнинг парчаланишида деб билади.

Солиқларни шундай йиғмоқ ва сарфламоқ керакки, ишлаб чиқариш тўлиқ бандлик ҳолида ва инфляцияга ўрин бўлмайдиган шароитларда ривожлансин (“даромадларни кўтариш” ёки “инфляцияни тугатиш” мақсадларида эмас).

Фақат кишиларнинг қўлида бўлган пул ва давлат қимматли қоғозлари нисбатини ўзгартириш учун қарзга пул олиш ва пул бериш (“маблағларни жалб этиш” ёки “қарзни узиш” мақсадларида эмас).

Биринчи ва иккинчи тамойилларни фақат ўзаро боғлаш мақсадларида пул босиб чиқариш ва уни йўқотиш.

Тақчиллик ва қарз иқтисодиёт учун жорий ёки келажакда кўриладиган зарарларсиз ортиб бориши мумкин. “Функционал молия” тамойилларига амал қилинадиган бўлса, узоқ истиқболда бюджетнинг мувозанатлашуви тенденцияси ўз-ўзидан ҳаракатга келади. Энг муҳими – харажатларни солиқлар ёрдамида молиялаштирмаслик. Солиқлардан фақат инфляция юз берган даврларда харажатларни қисқартириш учун фойдаланиш мумкин.

“Функционал молия” бюджетни катта тақчилликка йўлиқтирмасликни талаб қилмайди. У фақат бюджет сиёсати ва қарзни бошқаришни иқтисодий юксалишга эришиш воситаларига айлантиришни таклиф қилади. Асосий нарса – харажатлар, солиқлар, қарзлар ва пул эмиссияси тўғрисида “соғлом молия” каби анъанавий доктриналар нуқтаи назаридан эмас, балки улар иқтисодиётда қандай амал қилаётганига, қандай натижа бераётганига қараб хулоса чиқариш керак. Харажатлар ва солиқлар шундай бўлиши лозимки, ЯИМни тўлиқ бандликда жорий нархларда тўла реализация қилиш (сотиш) мумкин бўлсин. Агар бунинг учун қарз олиш ёки пул эмиссияси зарур бўлса, бу ҳолда уларни яхши ёки ёмон деб бўлмайди, улар фақат бандликни ошириш ва нархларни барқарорлаштириш воситаси бўлиб ҳисобланиши мумкин бўлади.

“Соғлом молия” тарафдорлари “функционал молия”чилар билан ягона бир масалада келиша олмайди: “функционал

молия” мувозанатланган бюджетни мақсадга эришиш воситаси эмас деб билади. Бундай ёндашувда, – дейди Лернер, – солиқлар ва қарзлар харажатларни молиялаштириш манбаи бўлишдан тўхтайди. Давлат солиқ йиғиш ва қарз олишни хусусий секторга тўлаш учун пул зарурлигидан амалга оширмайди. Пулни босиб чиқариш мумкин экан, солиқлар ва қарзлар давлатга пул келтиришининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Солиқларнинг ягона вазифаси – фуқаролар ва хусусий фирмалар фаолиятига таъсир кўрсатиши, қарзларнинг ягона мақсади – дефицитли бюджет шароитида банк резервларини ва пул бозорининг фоиз ставкаларини бошқаришдир.

Классик қарз назарияси икки марта юз берган Жаҳон уруши ва Буюк депрессия натижасида қулаган иқтисодий тизимнинг бир қисми эди. Уни қулашига Кейнс ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Олтин стандарт демократик йўл билан сайланган ҳукуматни қарз юкини енгиллаштириш мақсадларида пул босиш станогидан ўзи билганича фойдаланишини ман этиш билан интизомга солди. Олтин стандарт инқирозидан кейин 1930 йилларнинг биринчи ярмида буйруқбозлик бюджет сиёсати фақат викторианча ахлоқ қаршилигига дуч келди.

“Бир йиллик уруш харажатларини кўтариш учун 20 миллион қарз олинади, бу миллионлар миллатнинг унум берадиган капиталидан ажратилади, мусодара қилинади, – деб ёзади Рикардо ўзининг “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортиш асослари” асарининг 17-бобида, – Ҳукумат шу 20 миллионни солиқ шаклида бир йўла олиши ҳам мумкин эди, ундан кейин йиллик солиқларни миллионгача кўтаришга ҳожат қолмас эди. Аммо, бу пул олиш ва беришнинг моҳиятини ўзгартирмайди. Фуқаро ҳар йили солиққа 100 фунт стерлинг тўлаб юриши ўрнига бир йўла 2000 фунт стерлинг тўлаб бутунлай қутилган бўлар эди”.

Давлатнинг урушлар вақтидаги харажатлари ҳам фавқулодда харажатлар ҳисобланади. Бу ўринда икки ҳолат ҳақида гапириш мумкин. Биринчи ҳолат (классик) – ресурсларни

давлатга фойдаланиш учун ихтиёрий бериш. Бу тинчлик даврида бюджет мувозанатланган, сақлов фондини яратиш учун қисман профицитли; урушлар вақтида фавқулодда харажатлар қарзлар билан молиялаштирилади.

Иккинчиси – ноклассик ҳолат, фавқулодда харажатларни тижорат банклари томонидан мажбурий молиялаштирилиши. Давлат қимматли қоғозларини банк тизимида жойлаштириш яширин пул эмиссияси ҳисобланади. Классик назария, агар давлат қарзни даромадларни қайта тақсимлаш йўлида ишлатмайдиган ҳоллардагина пул беришни давом эттириш ва номинал давлат қимматли қоғозларини чиқармасликни маслаҳат беради.

Классик назарияга кўра депрессиялар вақтида харажатларни молиялаштиришнинг идеал манбаи пул эмиссиясидир. Янги пул ҳисобига "ишсиз" ресурсларни жалб этиб, давлат қарзга хизмат кўрсатиш харажатларига ўхшаган фискал юкини яратмайди. Пулни босиб чиқариш қиймати уларни тижорат банкларига сотишдан олинадиган тушумлардан жуда ҳам паст, яъни харажатлар сеньораж – пул ишлаб чиқаришга давлат монополиясидан олинадиган фойда билан қопланади.

Қарзлар пул эмиссиясининг муқобили бўлиши керак, улар пулнинг ёмон сунъий намунасига айланмаслиги лозим. Инфляция юқори бўлган вақтда қарзнинг ягона мақсади банк секторидаги ортиқча ликвидликни "камайтириш", кўпаймайдиган қилиш. Агар барқарорлаштириш мезонлари хусусий секторнинг харид қобилиятини қисқартириш мақсадга мувофиқлигидан дарак берса, классик назария давлат қимматли қоғозларини мусбат даромаддорлик билан сотишни маслаҳат беради.

Қарздор хусусий шахс, фирма бўлмай, балки давлат бўлса масъулиятсиз ҳаракатлар эҳтимоли юқори бўлади. Чунки фақат давлат солиқ йиғади ва пул босиб чиқаради. Фақат давлатгина дефолт юз берганда кредиторлар "боскини"га дош бериши мумкин. Мана, нима сабабдан классик назария давлат қарзига жуда қаттиқ чекловлар қўйишни талаб этади. Классик

назария қатъий чекловлар бўлмаса, давлат активлари ўсиши қарз ўсишига тенг қийматли бўлмай қолади деб таълим беради. Активлар ўрнига қарз ҳисобига меҳнатга қобилиятли аҳолининг келажак даромадлари шакллантирилади. Бундай сценарийда келажак авлод фискал юки билан тўқнаш келади, бу юк эса фақат ўтган авлодларнинг ва уларнинг бошида турган сиёсатчиларнинг исрофгарчилиги ва беҳуда сарфлари орқасида пайдо бўлади.

Кейнснинг кўпгина сафдошлари, шу жумладан Элвин Хансен ҳам, давомли тақчилликка қарши бўлганлар ва унинг тугатилишини "соғлом молия" руҳидаги мақтовга лойиқ сиёсий мақсад деб ҳисоблаганлар. Аммо Лернер фикрича, бюджет сиёсати "соғлом молия"га эмас, балки "функционал молия"га таяниши лозим.

Давлат қарзи назарияси биринчи навбатда қарзнинг иқтисодий оқибатларини ўрганиш билан шуғулланади. Биз ушбу оқибатларни икки нуқтаи назардан кўриб ўтамиз. Кенг тарқалган нуқтаи назарларга кўра қарз ёмон нарса, иқтисодиётга оғир юк. Бошқа бир қарашларга кўра давлат солиқларни оширадими ёки қарзга пул оладими иқтисодиётга "барибир", "иссиқ совуғи" йўқ. Бундай нуқтаи назар рикардоча эквивалентлик деб номланади.

Бу нуқтаи назарлар ўртасига асосий чегара қўядиган икки ғоя мавжуд. Биринчи ғоя – қарз юки тўғрисида. Қарз юки унга хизмат кўрсатиш учун давлатга солиқлар тўлаши лозим бўлган кишиларнинг турмуш даражасини пасайтиради. Бировлар давлатга қарз берганлари сабабли бошқа бировлар ўз ҳузур-ҳаловатидан, фаровонлигидан маҳрум бўлади. Иккинчи ғоя – давлат хусусий қарз олувчиларни кредит бозоридан сиқиб чиқаради (қисқалик учун уни фискал сиқиб чиқариш деб атаймиз). Қарз – бу ёмон дейилганда эътибор биринчи навбатда унинг фискал суриб чиқаришига қаратилади. Қарз олиш-бериш иқтисодиёт учун "барибир" дейилганда қарз келажак авлодга юк бўлмаслиги ва фискал сиқиб чиқариш юз бермаслиги назарда тутилади.

Қарз назарияси давлат молияси назариясининг бир қисми ҳисобланади, унинг яна бир номи – фискал (хазина, бюджет) назариясидир.

Қарз бюджет тақчиллиги (етишмаслиги) оқибати бўлгани сабабли бюджет сиёсатининг ҳосила маҳсулоти ҳисобланади. Агар тақчиллик қарзга олинган пул ҳисобидан молиялаштириладиган бўлса, бу пуллар йиғилиб қарзни ҳосил қилади. Аммо бюджет сиёсатининг қайси босқичида тақчиллик пайдо бўлади, ўз харажатларини қарз ҳисобидан молиялаштиришга давлатни нима мажбур қилади? Бюджет сиёсатиниг чалкаш йўлларида Ричард Масгрейвнинг "Жамоат молияси назарияси. Жамоат иқтисодиёти ўқувчилари" капитал асарида таклиф этилган уч қисмли ижтимоий сектор модели бизга асқотиши мумкин[23] (2.7-чизма).



2.7-чизма. Ричард Масгрейвнинг Фискал ишлари вазирлиги.

Агар классик қарз назарияси тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бу назария инглиз классиклари қаламига мансуб эмас. Адам Смит қарашлари "умумий назария" қиёфасини олгани

[23]Musgrave Richard. "The Theory of Public Finance. A Study in Public Economy", Mc Grow Hill Book Company 1959.

йўқ (гарчи бу қарашларни Жеймс Бюкенен “ҳақиқатга энг яқин” деб ҳисоблаган бўлсада), Давид Рикардо қарзларнинг солиқларга эквивалентлиги тўғрисида ғоят мавҳум ғояларни баён этди, Жон Милл эса қарз юкини айни бир пайтда ҳозир яшаб турган ва келажакдаги авлодлар зиммасига юклаб, муаммони ҳал қилиш йўлида ноилож адашиб қолди. Классик назария фақат XIX асрнинг охирги 20 йилида шаклланди. Бу вақтга келиб, давлат харажатларига қарашлардаги нуқтаи назарлар ўзгаришларга учради ҳамда холис ва батафсил таҳлил имкониятлари пайдо бўлди. Жаҳондаги иқтисодий вазият шундай ўзгардики, натижада меркантилистик сиёсат ўзининг ижтимоий ва илмий “жозибасини” йўқотди.

Биз классик назарияни америкалик Генри Адамс, инглиз Чарлз Бастебл ва француз Пер Пол Леруа-Больеларнинг асарларида кўришимиз мумкин. Таҳлил аниқлиги нуқтаи назаридан Бастебл асарлари Адамс асарларига қараганда, Леруа-Болье қарашлари Бастеблга қараганда анча мукаммалроқ. Шу сабабли, биз Бастебл ва Леруа-Болье асарларидан парчалар (иқтибослар) келтириш билан чекланамиз:

Бастебл қарз кейинги авлодларга юк бўлиб тушишига қатъий ишонгани сабабли, ушбу гипотезани батафсил кўриб чиқиш зарурати йўқ деб ҳисоблайди. “Қарз олиш ихтиёрий ҳаракат ва пулни ҳам хоҳиш бўлганда берадилар. Солиқларни эса хоҳлаган одам ҳам, хоҳламаган одам ҳам бараварига тўлайди. Ҳозирни келажак ҳисобига яхшилаш – ақлли ва узоқни кўра биладиган давлат арбобининг иши эмас”. У давом этади: “Барча энг муҳим пайтларда давлат қарзи билан хусусий қарз ўртасида ўхшашлик сақланиб қолади ва уни ҳеч қачон назардан қочирмаслик лозим. Давлат иқтисодиётининг алоҳида мавқеи ва давлат қарзларининг муҳимлиги бир ҳақиқатни – давлат кредити кредитнинг бир тури эканлиги ва уни ҳам худди шу асосий тамойилларни ҳисобга олиб тартибга солиш лозимлиги масалаларини пардалаб қўяди. Ва ниҳоят, Бестебл ташқи қарз билан ички қарз фарқлари ўз чегараларига эгали-

гини кўрсатиб ўтади. Хориждан кўп пулни қарзга олиш ҳодисаси қарз олиш сиёсатини баҳолашда аҳамиятга эга. Соф молиявий маънода ташқи қарзнинг ички қарздан фарқ қилиш муҳим эмас, бошқа мамлакатлар капиталидан фойдаланиш имкониятлари харажатларни ички манбалардан молиялаштиришда солиқларнинг ўрни ҳақидаги далилларни йўққа чиқариши муҳимдир. Соф молиявий нуқтаи назардан қарз олиш манбаи ҳақиқатан ҳам номоддий. Ҳар қандай ҳолда ҳам ташқи қарз – бу солиқ тўловчи учун келажакдаги мажбурият билан мувозанатланган ва дарҳол бериладиган янгилликдир”[5].

Қарзни энг тўлиқ ва энг батафсил тадқиқ этганлардан бири француз иқтисодчиси Леруа-Болье ҳисобланади. Тадқиқотларининг асосий қисми XVIII асрда яшаб ўтган машҳур француз олимларининг ғояларини танқид қилишга бағишланган. Леруа-Болье бу ғояларни хато дебгина қолмай, уларни зарарли ва хавфли ғоялар деб атайди. Уларни софистика (сафсатабозлик) дейиш мумкин – бу ғоялар фақат бир қарашда, сиртдан тўғри бўлиб кўринади, иқтисодиётдан хабари бўлмаган баъзи кимсалар уларни рад қила олмайди. “Давлат қарзларига нисбатан сафсаталар жуда хилма-хил, аммо уларни асосан иккига бўлиш мумкин: Волтер қарашларида давлат ўзига ўзи қарз бериб, камбағал бўлиб қолмайди; Мелон назарида давлат қарзи – бу ўнг қўл чап қўлга берадиган қарз: ўнг қўл – солиқ тўловчилар, чап қўл – ранте (қарзга бериладиган капиталдан фоизлар ёки қимматли қоғозлардан даромад ҳисобига яшайдиган шахс, судхўр), аммо давлатнинг гуллаб-яшнаши учун жами пулнинг кимга тегишли бўлиши – солиқ тўловчигами ёки рантегами муҳим аҳамиятга эга эмас; иккала ҳолда ҳам миллат бир хилда бойдир”[6]. Леруа-Болье софизмларнинг хатолигини қуйидагича исботлаб берди: “Тўғри, қарзнинг оқибатларидан бири фуқароларга солиқ солишда кўринади. Бу

[5] Bastable Charls. Public Finance. London: Macmillan and Co., Limited. 1917. Third edition. http://www.econlib.org/libray/bastable/bastab PF34. Htm1.

[6] Қаранг: Бучанан, Жамес. Публик Принкиплес оф Публик Дебт. А Дефенке анд рестатемент, Ричард, Ирвин, 1958, п. 103.

солиқ кейин рантье (судхўр)лар ўртасида фоизлар кўринишида баҳам кўрилади. Агар иш шу жойда якун топса, ижтимоий бойлик ўзгармайди: рантье деб номланадиган фуқаролар солиқ тўловчилар деб аталадиган бошқа фуқаролардан фоизлар оладилар". Солиқ тўловчиларга ачиниш мумкин, аммо миллат қарз юкидан қашшоқлашиб қолмаслиги табиийдир.

Шундай қилиб, қарз юки тўғрисидаги мунозарани қуйидаги хулосалар билан якунлашимиз мумкин:

– қарз солиққа тортишнинг ўлик юки кўринишида иқтисодиёт зиммасида туради;

– давлат қарзи хусусий қарздан яширин ортиқча солиқ юкининг бўлиши билан фарқ қилади;

– иқтисодиётга кўрсатадиган таъсирига кўра ички қарз ва ташқи қарз бир хил. Ҳар иккала қарз турида ортиқча солиқ юки бор ва шу сабабли, улар миллий бойликни қисқартиради – ички қарз камроқ ("ўзимиздан ўзимиз қарзмиз"), ташқи қарз кўпроқ ("биз чет элликларга қарзни тўлашимиз лозим").

2.5. Молиявий оқимларнинг эркинлашуви ва халқаро капитал ҳаракати назариялари

Мамлакатимиз охирги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг турли иқтисодий тадқиқот институтлари ва рейтинг агентликлари ҳисоботларининг натижаларига кўра тез суръатларда ривожанаётган мамлакатлар қаторига киритилган. Мамлакатимизга берилаётган бу натижалар бежизга эмас. Халқаро молиявий-иқтисодий инқирозларнинг тобора чуқурлашиш кўламини кенгайиб бориши натижасида, жаҳон молия бозорида капиталларнинг қимматлашуви ва уларнинг оқимлари барқарор иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар томонига сезиларли даражада ошган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги боис мамлакатимиз молиявий оқимларини эркинлаштиришга, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилишни жадал-

лаштиришга йўналтирилган фаол сиёсат олиб бормоқда. Миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациясининг таъминланиши ҳамда ислоҳотларни амалга ошириш стратегияси Ўзбекистонда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хорижий капитал иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай асосни шакллантирди. Республикамизда хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг қамровли тизими шакллантирилди. Бу тизим "Чет эл инвестициялар тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларнинг ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунларга асосланган[24]. Ушбу қонунлар хорижий инвесторларнинг тенг ҳуқуқли ва адолатли шарт-шароитда фаолият олиб боришини таъминлайди. Бундан ташқари, хорижий инвестициялар корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни ўз ичига олувчи қўшимча чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар фаолияти 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларнинг ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонуни билан кафолатланади[25].

Бу эса хорижий инвесторлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Аммо ҳозирги молиявий глобаллашув шароитида мамлакатимиз жалб қилаётган хорижий капиталлар ва инвестицияларни оқимига таъсир этувчи молиявий-иқтисодий инқирозлар чуқурлашаётганда ички сабабларни ўрганиш ва кенг маънода молиявий оқимларни эркинлашувини таъминлаш муҳим бўлмоқда.Қолаверса, молиявий оқимларни эркинлаштириш иқтисодий ислоҳотларни олиб боришда бир

[24] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 58-сонли қарори

[25] Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларнинг ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонуни, 1998 йил 30 апрел. www.lex.uz

қанча муаммоларни ҳал этилишини таъминлашда ҳам молиявий механизмларнинг модернизацияси, иқтисодий тартибга солиш бозор механизмларини эркинлаштириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Хусусан, ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир рағбатлантирувчи чора шундан иборатки, агар мамлакатдаги кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда хорижий инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатларини инвестициялаш вақтдан бошлаб маълум бир муддатга қўллаш кафолатланади. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, хорижий инвесторларга инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатларини инвестициялаш вақтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўллаш кафолати берилади. Хорижий инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир. Бу эса молиявий оқимларни янада эркинлашувига имконият яратиб бермоқда.

Молиявий оқимларни таъминлашда иштирок этувчи хорижий инвестор Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари унинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реинвестиция қилиш ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатиш имкониятига эга бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз эркин амалга оширилиши мумкин бўлади.

Хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини – Ўзбекистонда яратилган қулай эркин инвестиция оқим муҳити ҳамда мамлакат иқтисодиётига инвестиция сарфлашнинг потенциал имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилишни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестициялар ва

кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида давлат хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини аниқ-пухта мувофиқлаштиришни таъминлаш хорижий инвестиция оқимларини эркин ҳаракатини таъминлаш мамлакатда стратегик ва жорий вазифаларни ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ. Ушбу вазифалар ичида иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизациялаш, юқори технологик рақобатбардош тармоқларини яратиш, илғор хориж технологияси ноу-хау ва бошқарув тажрибаларини жалб этиш энг муҳимлари бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни эркин оқимининг жадал суръатларда ўсишини қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда:

– мамлакатдаги инвестиция муҳитининг барқарорлиги. Йирик инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилиши билан характерланади. Юқоридаги сабабларга кўра инвесторларга, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳити, ишонч керак;

– валюта курсини тартибга солишдаги ижобий ўзгаришлар. Миллий валютанинг диверсификациялашуви, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилинадиган товарларга нисбатан рақобат курашида маълум афзалликни беради.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни жадаллик билан самарали олиб борилаётгани молия ва банк тизимининг янги босқичга кўтариш ислоҳотларида янги молиялаш механизмларини амалиётга жорий этишга устуворлик берилмоқда. Халқаро молиявий-иқтисодий инқирозларнинг ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётининг айрим тармоқларининг тубдан янгилашга ва янги чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб қилиб қўяди:

– жаҳон товар бозорларидаги ижобий ҳолатлар ва миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга қулай нарх конъюнктураси йирик миллий экспортёрларнинг молиявий ресурс жалб этиш имкониятларини кенгайтирди. Бу эса инвестицион дастурларимизни молиялаштиришнинг фаоллаштирилишига имконият яратиб берди. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро боғлиқ тармоқлар маҳсулотига талабнинг ўсишига сабабчи бўлди ва мултипликатор самарасини ҳаракатга келтирди;

– давлат молияси ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳолатининг мўътадиллашуви, бюджет тақчиллигини бартараф этишга ва 2005 йилдан бошлаб бюджет профицитига чиқиш имконини берди.

Давлат инвестиция дастури доирасида жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг географик таркиби (2018 йил)



Манба: www.worldstatistics.com маълумотлари асосида тузилган.

2.8- чизма

Инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 2017-2018 йилларда иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. Халқаро молиявий-иқтисодий инқироз омилларини амал қилиб келишидан қатъий назар, ўтган йилда иқтисодиётимизга катта миқдорда ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2016 йилга нисбатан бир неча пунктга ўсишни таъминлади. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 74 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга тўғри келди.

Иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўринни сақлаб қолмоқда. Жалб этилаётган хорижий инвестициялар географик таркибида ривожланган ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётганлиги шу жумладан республикамиз иқтисодиётига 20 дан ортиқ хорижий давлатлар фаол иштирок этганлигини кўришимиз мумкин. Бу мамлакатларга ХХР, Россия, Германия, Сингапур, Буюк Британия, Нидерландия ва бошқа шу каби давлатларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари жалб қилинди. Шу билан бирга Осиё Тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом Тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси, Япония ва шу каби бошқа халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг имтиёзли кредит маблағлари жалб этилди. Инвестиция дастури доирасида йирик қўшма инвестицион лойиҳалар амалга оширилаётган Хитой – 32,3 фоиз, Россия – 28,8 фоиз, Корея Республикаси – 3,7 фоиз каби мамлакатлар улуши юқори ҳисобланади.

Давлат инвестиция дастури доирасида жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг тармоқ таркиби (2018 йил)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2.9-чизма

Инвестиция тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустриал минтақалар – Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ҳамда устувор, стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар молиялаштирилаётган Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг улуши камлигича қолмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида 2016 йилда 28 мингдан кўп лойиҳа амалга оширилди. 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан саноат маҳсулотларининг 80 дан ортиқ янги

тури ўзлаштирилди. 2016 йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 6145,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 2,1 млрд. долларни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат инвестиция дастурига мувофиқ, 2016 йилда иқтисодиётга 163 та инвестиция лойиҳалари бўйича 3,5 млрд. доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб этишга эришди. Жами жалб этилган маблағларнинг 78,2 фоизини (174 та лойиҳа) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 27,8 фоизни (153 та лойиҳа) ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар ташкил этганлиги эътироф этилди.

Мамлакатимизда бу дастур ва лойиҳаларни натижаларига қарайдиган бўлсак, 2016 йилда инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,2 млрд. долларлик 164 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Жумладан, Талимаржон ИЕСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси ва Ангрен ИЕСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 130-150 МВт қувватли энергия блоки қуриш, Жиззах вилоятидаги цемент заводи қувватини кенгайтириш, “Индорама Қўқон текстил” хорижий корхонаси ва “Фантекс” МЧЖда йигирув ишларини ташкил этиш, “GM Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида “Т-250” русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, шу билан бирга “Сирдарё вилоятидаги “Гулистон Мед Техника” қўшма корхонасида стериал шприцлар ишлаб чиқариш” ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Хорижий инвестиция оқимларининг ўсишида халқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларни қайд этиш тартибини соддалаштирилиши саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта таъминлаш, солиқ юкининг пасайтирилиши, маҳсулот тақсимлаш тўғрисидаги битимнинг қўлланиши, шунингдек, хорижий инвесторлар

билан инвестиция шартномаларини тузиш йўли орқали алоҳида имтиёзлар, преференциялар тақдим қилиш асосий омил бўлди. Молиявий оқимларни эркинлаштириш шароитида донор мамлакатлар билан истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаш борасида биргаликдаги ишлар йўлга қўйилди. Бунда, молиявий оқимлар, биринчи навбатда, асосий эътибор минтақалараро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, экин ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кадрлар тайёрлашнинг миллий таълим дастурини амалга оширишда кўмаклашиш, тиббиёт муассасаларини юқори технологиядаги ускуналар билан жиҳозлаш, молиявий ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш кабиларга қаратилди. Хусусан, дунёнинг қатор давлатлари, биринчи навбатда, бугунги кунда биз асосий ҳамкор сифатида қаралувчи, иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган, қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилаётган Россия, Хитой, Япония, Корея ва бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари барқарор суръатларда ривожланмоқда. Бу эса молиявий оқимларни эркинлаштирилаётганлигидан ҳам далолат беради. Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестцияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хоуларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

Юқорида келтирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизга хорижий инвестиция ва халқаро кредит кўринишида молиявий оқимларни жалб қилишга қаратилган тизимлар узоқ даврга мўлжалланган давлат дастурларини ишлаб чиқиш, халқаро бозорларни ўрганадиган тадқиқот марказларини ва департаментларини ҳар бир вазирлик, вилоят ва туман ҳокимликларининг таркибида очиш керак. Натижада жаҳонда шиддат

билан ўзгараётган молия бозорлари тизимини ўрганиш имкониятлари кенгаяди. Бу эса хорижий капитал ва уларнинг эгаси бўлган хорижий инвесторлар қарорларини ижобий томонга ўзгартириш ва мамлакатимизга уларнинг ишончини ортишига олиб келади. Инвесторларнинг ишончини қозониш орқали молиявий оқимларни эркинлашувига ва катта миқдорда капиталлар билан иқтисодиётимизни ривожлантиришга эришиш мумкин. Киритилган инвестициялар экспорт салоҳиятини ортиши билан янги иш ўринларини яратади, маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш турларини кўпайтиради, сифатли маҳсулотларимиз жаҳон бозоридан ўз ўрнига эга бўлади, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар кенгаяди.

Молиявий оқимларни эркинлашувини таъминлаш бозор мувозанатини таъминлашда ўта муҳимлиги Ғарб мамлакатларининг иқтисодчи олимларининг назарий қарашларида кенг ўрни олди. Айтиш жоизки, халқаро капитал эркин ҳаракатини таъминлаш бозор мувозанатини таъминлашда муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бозор мувозанати таъминланмаслиги ва унга эришиш юзасидан иқтисодий чоралар кўрилмаслиги мамлакатда кутилмаган инқирозлар вужудга келишига, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарасиз фойдаланишга ва аҳоли турмуш фаровонлигини, қарзларни ошишига, таркибий ўзгаришларни пасайишига олиб келади.

Шу ўринда айтиш жоизки, бозор муносабати шаклланишида иккита мактаб вакиллари Ж.Сэй, Л.Вальрас, А.Маршалл, С.Кузнец ва В.Леонтьевлар томонидан илгари сурилган иқтисодий таълимотлар муҳим ўрин тутади. Улар бозор мувозанатини таъминлашнинг микро ва макроиқтисодиёт даражадаги ягона моделини яратишга ўз диққатларини қаратишга муваффақ бўлишди.

Жан Батис Сэй (1767 – 1832) бозор мувозанатини таъминлашга устози А.Смит ғояларини ривожлантирди ва тўлдирди. У иқтисодчилардан биринчи бўлиб, бойликнинг меҳнат назариясини нафлиликка асосланган субъектив наза-

рия билан алмаштиришга уринди. Сэй умумий товарлар ортиқчалиги мавжуд бўлишини инкор қилади. У ишлаб чиқариш (таклиф) ўзига мос истеъмол (талаб)ни юзага келтиришига асосланган бозорлар назариясига асос солди[26]. Демак, унинг назариясига кўра, ишлаб чиқарувчилар томонидан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилмаслиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса истеъмолчисини топиши керак бўлганлиги қайд этилди.

Ушбу моделнинг ижобий жиҳати шундаки, унга кўра, чекланган ресурслардан ишлаб чиқарувчи (таклиф) истеъмолчи (талаб) учун зарур бўлган миқдорда товар ишлаб чиқариши ортиқча сарф-харажатнинг олдини олади. Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчи яратган маҳсулоти (таклиф)га истеъмолчи (талаб) мавжудлигини олдиндан аниқлаш имконияти мавжуд.

Фикримизча, Сэйнинг қонуни асосида иқтисодиётни бошқариш жуда мушкул бўлиб, ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматларни тўлиқ реализация қилиш имконияти йўқ. Шунингдек, бу қонунда товар ва пул бозори мувозанатлилигини таъминлаш масаласи ўз аксини топмаган. Пул бозоридаги мувозанатлиликнинг бузилиши товар бозори мувозанатлилигига таъсир қилади. Пул бозорида фоиз ставкаси ижобий ўзгариши натижасида даромаднинг асосий қисми жамғармага йўналтирилиши оқибатида истеъмол ҳажми камаяди. Худди шу жойда Сэй қонуни бузилади ва иқтисодиётда товарлар ҳамда хизматларнинг (таклиф) ортиқчалиги вужудга келади. Бу эса ҳар қандай хорижий молиявий оқимларни пасайтиради.

Сэй қонунига кўра, ишлаб чиқарилган товарлар тўлиғича истеъмолга сўрилиб, уларнинг ортиқчалиги вужудга келмаслиги учун ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмини мамлакат миқёсида марказдан режалаштириш зарур. Ана шунда Сэй назарияси амалиётда ўз ижобатини топиши мумкин. Лекин

[26] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-том. – Т.: 2004. – 191-б.

бундай тизимнинг амалиётга жорий этилиши бозор муносабатлари талабига зид бўлиб, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчини эркин танлов ҳуқуқидан маҳрум этади.

Мари Эспри Леон Вальрас (1834-1910) – сиёсий иқтисод математикаси мактабининг асосчиси ва вакили. У бозор мувозанатини таъминлашда иқтисодиётда рақобат эркинлиги, бозорда сотиб олувчиларнинг тенглиги, иқтисодий шароит ўзгармаслиги, ёпиқ иқтисодий тизим мавжудлиги назариясини илгари сурди[27]. Илгари сурилган бундай иқтисодий модель айрим ижобий жиҳатлар билан биргаликда айрим чекланишларга ҳам эга. Моделдаги ижобий жиҳатлар бу иқтисодиётда рақобат эркинлигини эътироф этиш орқали у эркин рақобат ишлаб чиқарувчиларга молиявий жиҳатдан самарали бўлган товарларни бозорга чиқариш имкониятини беришлигини кўрсатиб беради. Шу боис ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлар ҳажми, миқдори, ассортименти ва уларнинг баҳосини эркин равишда аниқлаш имкониятига эга бўлсаада, амалда сотиб олувчилар тенглигини таъминлашнинг имконияти йўқ. Чунки сотиб олувчиларнинг сотиб олиш қобилияти улар олаётган иш ҳақи миқдорига боғлиқ. Иш ҳақи иқтисодий-ижтимоий омилларга қараб, паст ёки юқори бўлиши мумкин. Бу эса сотиб олувчилар тенглиги моделини бузилишига олиб келади. Бундай ғоя иқтисодиёт глобаллашиб бораётган шароитда ижобий натижа бермайди. Шунингдек, жамиятдаги иқтисодий ресурслар нисбатан чекланиб бораётганлиги иқтисодий шароит ўзгаришини бевосита талаб этади.

Шунга қарамай, Л.Вальраснинг эркин рақобат муҳитида умумиқтисодий мувозанатнинг математик модели иқтисодиётга ижобий натижалар олиб келди. Унга кўра, ишлаб чиқариш кучларининг маълум бир ривожланганлик даражасида қиймат маълум миқдордаги товарларни ишлаб чиқаришга кетган энг юқори харажатлар ўртасидаги мувозанат нуқтасида аниқланади. Бу шарт бозор иқтисодиёти шароитида талаб

[27] Козырев В.М. Основы современной экономики. – М.: Финансы и статистика, 2001. – с. 274.

билан таклиф нафақат маълум бир товар бўйича, балки иқтисодиётдаги барча товарлар ва хизматлар бўйича тенглигини, яъни уларнинг мувозанатда эканлигини англатади[28].

Иқтисодиётдаги неоклассик йўналишнинг Кембриж мактаби асосчиси Альфред Маршалл (1842-1924) бозор мувозанатининг таъминланиши, хўжаликнинг идеал модели "мукаммал рақобат" туфайли вужудга келиши мумкинлигини кўрсатди. Бундай мувозанат кўп ҳолларда капитални тиниқ ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Акс ҳолда капитални ҳаракатсизи бўлмаса, талаб ва таклиф жараёнларини мувофиқлаштиришга имконият бўлмайди. Харажатлар, талаб ва таклиф, меҳнат унумдорлиги тўғрисидаги назарияларни X1X аср охирида кенг тарқалган меъёрий нафлилик назарияси билан қўшишга ҳаракат қилди. Унга кўра, бозор нархи энг юқори наф асосида аниқланадиган талаб нархи ва энг юқори харажатлар билан топиладиган таклиф нархи кесишиш нуқтасини яратди. Талаб ва таклиф чизиқлари кесишган жойда маҳсулот миқдори ва нарх ўртасидаги мувозанат, мўътадиллик ўрнатилади[29].

А.Маршаллнинг иқтисодий қарашларига кўра, бозор мувозанати: а) бир лаҳзалик; б) қисқа муддатли; в) узоқ муддатли; г) "жуда узоқ муддатли" даврларда таъминланади. Бозор мувозанатини таъминлашда иқтисодий таҳлилда вақт омили қўлланилиши Маршаллнинг иқтисодий назарияга қўшган катта ютуқларидан бири бўлиб, у иқтисодчилар учун жуда муҳим илмий аҳамият касб этади. Ушбу назария билан у хўжалик юритишнинг неоклассик моделини яратди. Унга кўра, иқтисодиёт сиёсий тазйиқларсиз ва давлатнинг аралашувисиз ривожланиши зарурлигини асослаб берди. Кейинчалик унинг шогирди Дж.Кейнс ушбу таълимотни танқид остига олди ва у тарихий иқтисодиёт шароитига мос келмаслигини кўрсатиб берди.

---

[28] Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W. Homewood, Richard D. Irwin, 1954.

[29] Ивашковский С.Н. Макроэкономика. – М.: Дело, 2002. – с. 42.

Саймон Смит Кузнец (1901-1985) бозор мувозанатини таъминлашда пировард маҳсулот ишлаб чиқариш, капитал ва жамғаришнинг шаклланиши, аҳолининг турли табақалари ўртасида даромаднинг тақсимланишини баҳолади. Унинг назариясида ишлаб чиқариш, капитал ва жамғариш ўзаро боғлиқликда ўсиб бориши бозор мувозанатини таъминлашда етарли иқтисодий манба ҳисобланмайди. Бунинг учун аҳоли олаётган даромадлар ҳам уларга мутаносиб равишда ўсиб бориши зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Унинг назарий ишланмалари кўпчилик мамлакатларда ялпи миллий даромад, ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблашда ягона услуб сифатида қўлланилди.

Америкалик рус иқтисодчи Василий Васильевич Леонтьев (1906-1999) “харажатлар – маҳсулот чиқариш” моделини асослаб берди [30]. Унга кўра, бозор мувозанатини таъминлашнинг тармоқлараро ўзаро тенглигини таъминлаш уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиб боришини тақозо этиши назариясини яратди. “Исследование американской экономики” (1958) асарида Ф.Кенэнинг бозор мувозанати ҳақидаги моделларини кенгайтирган ҳолда иқтисодий тизимнинг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатадиган математик моделлар яратди.

В.Леонтьевнинг ушбу моделлари асосида мамлакат иқтисодиётини прогнозлаш ва режалаштириш, солиқ ва инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш орқали бозори мувозанатини таъминлашнинг самарали йўллари кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг амалиётига жорий этилди.

Айтиш жоизки, капитал ҳаракати назарияси иқтисодий бўшлиқ жойда юзага келмаган. Номлари тилга олинган иқтисодчилар корхоналарни рақобатбардошлиги, фойда (даромад)ларни қўлга киритиш, молиявий бозорларнинг актив иштирокчиси сифатида фаолият юритиш заруриятидан келиб

[30] Козырев В.М. Основы современной экономики. – М.: Финансы и статистика, 2001. – с. 137.

чиқиб, бу жараёнларда капитал ҳаракатининг назарияси давлатлараро юзага келадиган молиявий мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Замонавий халқаро капитал ҳаракати назарияси бозор иқтисодиётини яратишга замин ҳозирловчи ҳамда жаҳон хўжалиги талабларига мос келувчи бозор мувозанатини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро капитал ҳаракати назарияси мамлакатлар иқтисодиётини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишини асослаш билан бирга йирик хўжалик тузилмаларини, уларнинг атрофида ўрта ва кичик бизнес корхоналарини капитал маблағларига бўлган талабларини қондиришга, улар ўртасида қарз ҳолатларини юзага келмаслигига иқтисодиётда тақчиликларни чеклашга қаратилган. Шу боис юқорида номлари келтирилган иқтисодчи олимларнинг турли кўринишда юзага келадиган капитал ҳаракати фақат барқарор ривожланиш имкониятини яратишга қаратилган деб фикр билдирилса муболаға бўлмайди.

Капитал ҳаракати назарияси капитал ҳаракати амалда қандай бўлса, уни шундай баҳолашга ҳаракат қилишади, сабий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган капитал ҳаракати ҳам қаралмайди. Халқаро капитал ҳаракати нималарга олиб келиши, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни сақлай олиши қандай бўлмоғи лозимлигини кўрсатиб беради. Мисол учун, давлат ўз капиталини фақат қарзлар ҳисобига молияштирганда корхоналар тиниқ ривожланиш имкониятига элга бўлган бўлар эди. Бу фикрда капитал ҳаракатини бошқариш билан шуғулланадиганлар учун норма (меъёр), қоида, йўл-йўриқ бўлиб эътироф этилади. Агар халқаро капитал ҳаракати давлатга қандай наф келтира олишини билишни истасак, унда назариядан норматив қоидаларни ажратиб олишга тўғри келади.

Масалан, “капитал ҳаракати” атамаси қандай маънони англатади? Бу тамойилдан, қоидалар ва уларга асосланган давлат харажатлари ҳамдамолиялаштириш манбалари тўғрисида

қарорлар. Ундан кейин давлат мансабдорлари бу нормаларга амал қилиш-қилмасликларини билиши зарур. Агар амал қилсалар, унда назария фойдали, акс ҳолда норма ё сохта ёки мансабдорлар пухта билимга эга эмаслар. “Халқаро капитал ҳаракати” бу оддий тушунча эмас. Бу ўта мураккаб ва самара келтирувчи сиёсат. Самарали капитал ҳаракати соғлом халқаро муносабатлардир. “Носоғлом капитал ҳаракати” соғлом капитал ҳаракатини юзага келтирмайди.

Мувозанатланган капитал ҳаракати соғлом ривожланаётган мамлакат учун муҳимдир. Акс ҳолда, уни истеъмолчи томонидан бошқариб бўлмайди. Капитал ҳаракати бир мамлакатни иккинчи мамлакатдан ёки турли мамлакатлардан қарз олишидир. Бу қарз фақат фойда (даромад) ва солиқ тушумлари ҳисобидан қопланиши мумкин бўлади. Лекин қарзни қарз билан ёпиш капитал оқимига муҳтож давлат учун қимматга тушиши мумкин. Чунки капитал ҳаракати капитал харажатларни қарзлар билан ёпилишини эътироф этади. Бу ҳолда харажатларнинг нафи ҳозирги авлодга тегишли бўлади, капитал ҳаракати билан боғлиқ қарзга хизмат кўрсатиш харажатларини келажак авлод тўлаши лозим бўлади. Ва аксинча, капитал ҳаракати билан боғлиқ харажатларни фақат солиқлар ҳисобига қоплаш давлатнинг инвестицияларга эътиборини сусайтирадиган қарорлар қабул қилишга шароит яратади ёки сабаб бўлади.

Шундай қилиб, мамлакат иқтисодиётига самарали хизмат қилувчи капитал ҳаракатини тезлаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш орқали халқаро капитал ҳаракати доирасида мувозанатни сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

3-боб. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ФОНДЛАРИ

3.1. Халқаро молия ташкилотлари ва давлат фондларининг мақсад ва турлари.

3.2. Жаҳон банки гуруҳи.

3.3. Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг ташкил топиши ва ривожланиши, кредит фаолияти, махсус фондлари, унинг халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солишдаги роли.

3.4. Европа тикланиш ва тараққиёт банкиниг тузилиши ва унинг асосий вазифалари .

3.1. Халқаро молия ташкилотлари ва давлат фондларининг мақсад ва турлари

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида, халқаро молия муносабатларининг институционал тузилиши ўз таркибидаги халқаро ташкилотларни қамраб олиш даражаси билан белгиланади. Уларни баъзилари юқори миқдордаги молиявий ресурсларга эга бўлганлиги боис халқаро молия муносабатларини тартибга солишни таъминлайди. Бошқалари эса, ўз диққатини ҳукуматлараро масалаларни муҳокама этиш учун форумлар ташкил этишга ҳамда валюта-кредит ва молия сиёсати бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муаммоларини ўрганишга қаратилади.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этилиши ҳар томонлама бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган ва ўзида жаҳон иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш учун молия ва валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадларида давлатлараро келишув асосида ташкил этилган халқаро ташкилотлар фаолиятини ифодалайди.

Халқаро молия ташкилотларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига молиявий ҳамда иқтисодий муносабатлар сабаб бўлган. Глобаллашув жараёнларининг ривожланиши ҳамда халқаро молия бозорларидаги ва жаҳон валюта тизимидаги беқарорлик ҳамда халқаро молия ташкилотларининг фаолиятини янада кескинлашуви сабаб бўлган. Халқаро молия ташкилотларининг фаолияти кескинлашуви иккинчи жаҳон урушидан кейин ташкил топган ва ҳозирги вақтда мамлакатларнинг валюта-кредит ва молия муносабатлари соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришда ҳамда ушбу муносабатларни давлатлараро даражада тартибга солишда муҳим роль ўйнамоқда.

Агарда, халқаро молия ташкилотлари вужудга келишининг биринчи босқичи биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари орасидаги даврга тўғри келса, унда халқаро молия ташкилотлари вужудга келишининг иккинчи босқичи ҳамда улар фаолиятининг кескинлашуви ва кучайиш жараёни иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакачилик тизимининг парчаланиши ва 1970 йиллардаги иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади. Шу билан биргаликда XX асрнинг 80-йилларининг бошларида халқаро молия ташкилотлари фаолиятида учинчи босқичнинг бошланганлиги қайд этилди. Чунки бу даврда дунё иқтисодиётининг байналмилаллашуви ва глобаллашув жараёнининг жадаллашуви валюта-кредит муносабатларини давлатлар томонидан тартибга солиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Дунёдаги бир қатор давлатларнинг ҳукумат органлари замонавий халқаро иқтисодий муносабатлардаги муаммоларни биргаликда ҳал этишга эҳтиёжни сезилиши натижасида халқаро ташкилотлар фаолиятига бўлган талаб янада ортиб борди.

Айтиш жоизки, халқаро ташкилотларнинг ривожланишида биринчи Жахон урушидан кейинги йиллар муҳим давр ҳисобланади. Аниқроқ қилиб айтганда, 1919 йилда Миллатлар Лигаси ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг бош мақсади дунёда тинчликни сақлаш ва юзага келиши мумкин бўлган

зиддият ва урушларни олидини олишдан иборат бўлган бўлсаада, ташкилот ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажара олмади. Натижада, Япония Хитойга, Италия ва Испания Эфиопияга, Германия ва Австрия Чехословакияга ҳужум қилди, бу эса иккинчи жаҳон урушини юзага келишига сабаб бўлди[31]. Дунёнинг янгиланиши иккинчи жахон урушидан сўнг юз бера бошлади. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва молиявий муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Бреттонвудс конференциясида ташкил этилган Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки дунёнинг дастлабки энг йирик молиявий ташкилотларига айланди. Улардан сўнг минтақавий, минтақалараро, қитъалараро янги молиявий ташкилотлар пайдо бўлди[32].

Улар қаторига Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Осиё, Америка, Африка минтақавий ривожланиш банклари ва бошқалар халқаро молия ташкилотлари деб эътироф этилган ҳолда, ушбу ташкилотлар таркибидан ўрин эгалладилар.

Ушбу институтларнинг фаолияти жаҳон хўжалигининг барқарорлигига эришишга ҳамда валюта-молия соҳасидаги муносабатларнинг узлуксизлигини таъминлашга ёрдам бера бошлади. Энг аввало, бунга бўлган зарурият давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар кўламининг ортиб бориши шунингдек, уларнинг ўзгарувчан хусусиятга эга эканлиги билан белгиланди ва улар мамлакатлар ҳамда давлатлар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш учун форум сифатида хизмат қила бошлади.

Улар зиммасига жаҳон хўжалигининг муҳим муаммолари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ривожланиш тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш, таҳлил этиш ҳамда ўрганиш кабилар юклатилди. Шу боис, халқаро

---

[31] Шарифходжаев У. Халқаро молиявий муносабатларнинг пайдо бўлиш зарурияти, таснифи ва гуруҳланиши // Молия 5-6 сон 2011 йил, 121-бет.

[32] Ўша манба.

валюта-молия ташкилотларнинг аҳамияти йил сайин ортиб борди ва бормоқда.

Халқаро молия ташкилотларининг вужудга келишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатган, яъни:

– валюта-кредит муносабатларининг давлатлар томонидан тартибга солиниши;

– хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг кучайиши;

– давлат чегарасидан ташқарига чиқувчи трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банкларнинг ташкил топиши;

– жаҳон хўжалигида молиявий муносабатларни халқаро тартибга солишга эҳтиёжи;

– жаҳон валюта тизими, халқаро валюта-кредит, қиммат-баҳо қоғозлар ва олтин бозорларидаги юзага келадиган муаммоларни ҳамкорликда тезлик билан ҳал этиш.

Халқаро молия институтлари (яъни халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари томонидан) бажариладиган асосий функцияларига қуйидагилар киради:

1. Ахборот функцияси.
2. Маслаҳатчи функцияси.
3. Тартибга солиш функцияси.
4. Башорат қилиш функцияси.

Ахборот функциясида халқаро молия ташкилотлари ахборот маркази ролини бажаради. Улар жаҳон хўжалиги ривожланишининг умумий тенденциялари, давлатларнинг иқтисодий ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш, халқаро валюта-кредит ташкилотлари ўтказадиган халқаро конференциялар, йиғилишлар, тадқиқотлар натижалари бўйича статистик материалларни нашр этиб боради.

2. Маслаҳатчи функциясида халқаро молия ташкилотлари мамлакатларнинг ҳукуматларига валюта-кредит ва молия сиёсатини ўтказиш бўйича маслаҳатлар беради.

3. Тартибга солиш функциясида эса халқаро молия ташкилотлари халқаро молия муносабатларини тартибга солиш функциясини ҳам бажаради.

4. Башорат қилиш функциясида халқаро молия ташкилотлари миллий ва жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг башоратини амалга оширади.

Халқаро молия ташкилотлари универсаллик даражасига кўра, жаҳон аҳамиятига эга бўлган жаҳон хўжалигининг маълум бир соҳасини қамраб олувчи ташкилотларга ҳам ажратилади.

Айтиш жоизки, халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шаклларини тартибга солувчи халқаро ташкилотларни ташкил этиш ғояси XX асрнинг 30 йилларидаги жаҳон иқтисодий инқирози таъсири натижасида юзага келди.

Улар жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш соҳасидаги муайян масалаларни ҳал этиш учун аъзо мамлакатларнинг молиявий ресурсларини бирлаштириш орқали ташкил этилади. Ушбу масалалар қуйидагилардан иборат бўлишлиги ҳам эътироф этилди:

– жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш ва мамлакатлар молиявий ресурсларини бошқаришни универсал даражасининг таркиби;

– халқаро савдони рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, жаҳон иқтисодиётини тартибга солиш ҳамда барқарорлаштириш мақсадида халқаро валюта ва фонд бозоридаги операциялар;

– бюджет дефицитини молиялаштириш ва давлат лойиҳаларини амалга оширишга кредитлар – давлатлараро кредитлар;

– халқаро лойиҳалар (лойиҳада тўғридан-тўғри, шунингдек резидент тижорат ташкилоти орқали иштирок этувчи бир нечта мамлакатлар манфаатларига дахлдор бўлган лойиҳалар) соҳасидаги кредитлаш ва инвестиция фаолияти;

– халқаро бизнесга ижобий таъсир кўрсатишга (масалан, инфратузилма лойиҳалари, информацион технологиялар соҳасидаги лойиҳалар, транспорт ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва бошқ.) ички лойиҳалар (битта мам-

лакатнинг ёки резидентнинг тижорат ташкилоти манфаатларига бевосита дахлдор бўлган лойиҳалар) соҳасидаги кредитлаш ва инвестиция фаолияти;

– фундаментал илмий тадқиқотларни молиялаштириш ва хайрия фаолияти (халқаро ёрдам дастурларини молиялаштириш).

Ўз функцияларини амалга ошириш учун инвестицион лойиҳани фундаментал ўрганишдан халқаро молия ташкилотлари рискларни бошқариш ҳамда молиявий ва инвестицион таҳлилнинг замонавий технологияларидан фойдаланади.

Шунингдек, улар қуйидаги мақсадларни кўзлаган ҳолда фаолият юритади:

– халқаро молияни барқарорлаштириш мақсадида жаҳон ҳамжамиятида ҳаракатларни бирлаштириш;

– халқаро молия-кредит муносабатларини тартибга солишни амалга ошириш;

– халқаро молия-кредит сиёсатининг стратегия ва тактикасини ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш.

Халқаро молия ташкилотларида қатнашиш даражаси уларнинг капиталдаги бўнагининг миқдори билан аниқланади.

Улар фаолиятининг самарадорлиги муайян даражада аъзо мамлакатларнинг ҳукумати ва давлат ташкилотлари билан бўладиган ўзаро муносабатга боғлиқ бўлади. Уларнинг инвестицион фаолияти йирик халқаро лойиҳалар бўйича рискларни бошқариш ва суғурталашни амалга оширувчи давлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда ҳам бўлишни тақозо этади.

3.2. Жаҳон банки гуруҳи

Жаҳон банки ривожланаётган мамлакатларга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги билан ажралиб туради. Шу боис, ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатувчи халқаро молия ташкилоти бўлиб ҳисобланади.

Ушбу банкининг бош мақсади – ривожланаётган мамлакатларни кредитлаш йўли билан уларни иқтисодиётини ўсиш даражасини ошириш бўлиб ҳисобланади. Бу эса, ушбу давлатда иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга ҳамда фуқароларнинг ҳаёт даражасини яхшиланишига хизмат қилади.

Жаҳон банки ўз фаолиятининг асосий вазифаларини минг йиллик Декларациясига мувофиқ белгилаб олган. Минг йилликдаги ривожланиш мақсадларига 2025 йилгача эришиш лозим бўлган қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутади:

– камбағаллик ва очликка барҳам бериш;
– умумий бошланғич таълимни таъминлаш;
– болалар ўлимини қисқартириш;
– оналик муҳофазасини яхшилаш;
– ВИЧ/СПИД, малария (безгак) ва бошқа касалликларга қарши курашиш;
– атроф-муҳитнинг барқарор ривожланишини таъминлаш;
– ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорликни шакллантириш.

Айтиш жоизки, Жахон банки ривожланаётган мамлакатларга узоқ муддатли ёрдам кўрсатади ва шу ислоҳоти билан ХВФдан фарқланади. Шу ўринда айтиш жоизки, ХВФ фаолияти эса мамлакатдаги вақтинчалик молиявий инқирозни бартараф қилишга йўналтирилган.

Ҳозирда Жаҳон банки стратегик вазифаларни бажариш учун БМТнинг ихтисослаштирилган молия институтининг энг қулай воситачи сифатида хизмат қилишга мўлжалланганидир.

Жаҳон банки томонидан кредитлашнинг йўналишлар бўйича тақсимотини кўрадиган бўлсак, унда 2014 йилда жами 40,8 млрд. АҚШ доллари ажратилган бўлиб 2013 йилга нисбатан 29,5 фоизга ошган, жумладан, 18,6 млрд.доллар ХТТБ заёмлари шаклида ҳамда 22,2 млрд. доллар ХРА томонидан ажратилган. Шундан юқори улушни, яъни жамига нисбатан 19,5 фоизни молиявий ва хусусий секторни

ривожлантиришга ажратилган кредитлар эгаллаган. Шунингдек, улушига кўра кейинги ўринларни қишлоқ жойларини ривожлантириш ва давлат секторини бошқаришга ажратилган кредитлар эгаллаган[33].

ХТТБ томонидан 38 та мамлакатда 95 та янги операциялар амалга оширилган, ХРА томонидан эса, 49 та мамлакатда 249 та янги лойиҳалар амалга оширилган[34].

"Жаҳон банки" атамаси таркибан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (International Bank for Reconstruction and Development) ва Халқаро ривожланиш ассоциациясини (International Development Association) қамраб олади. "Жаҳон банки гуруҳи" атамаси эса, 5 та ташкилотни, хусусан, ХТТБ, ХРА, Халқаро молия корпорацияси (International Financial Corporation), Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (Multilateral Investment Guarantee Agency), Халқаро инвестицион баҳсларни тартибга солиш марказини (International Center for Settlement of Investment Disputes) ўз ичига олади[35].

Унинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

– ривожланаётган мамлакатларга инвестиция фаолияти;

– иқтисодий масалалар бўйича маслаҳат ва таҳлилий фаолият;

– амалга ошириладиган дастурлар ва кўрсатиладиган хизматлар таркиби ва тузилмасини мунтазам тўғрилаб бориш;

– бой ва қашшоқ мамлакатлар ўртасида ресурсларни тақсимлашда воситачилик қилиш.

Айтиш жоизки, ҳар уч йилда Жаҳон банки гуруҳи томонидан "Жаҳон банки гуруҳи фаолиятининг стратегияси" номли ҳужжат ишлаб чиқилади, ушбу ҳужжатдан мамлакатлар билан бўладиган ҳамкорликда фойдаланилади. Стратегияга

[33] Annual report of World bank 2014 (http://siteresources.worldbank.org)
[34] Ўша манба.
[35] www.worldbankgroup.org

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусиятлари ва камбағаллик муаммоларини ҳал этиш бўйича дастур ҳамда лойиҳалар киритилади.

Жаҳон банки маълум тамойилларга ҳам амал қилиши эътироф этилган. Мисол учун:

– мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига ёрдам берувчи самарали капитал қўйилмалар учун ресурслар ажратиш;

– иқтисодий мулоҳазалардан келиб чиқиб инвестицион қарорларни ресурслар қайтиши эҳтимоллиги даражасини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш;

– битта иштирокчи мамлакат доирасида берилган ресурсларни ишлатишга чекловларнинг мавжуд эмаслиги;

– ходимлар фаолиятининг бошқа субъектларга, жумладан, мамлакатлар ҳукуматига эмас, балки фақатгина банк манфаатларига йўналтирилганлиги.

Шундай экан, у ўзиинг молиявий ресурсларини ночор мамлакатлардаги камбағаллик даражасини пасайтириш ҳамда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, шунингдек, ҳаёт сифатини яхшилашга сарфлайди.

Маълумки, ривожланаётган мамлакатлар учун Жаҳон банки ташкилотлари гуруҳи дунёдаги йирик молиявий маблағлар манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Банкнинг ресурслари шаклланишининг манбаси бўлиб, Америка бозорларида облигация қарзларини чиқариш ва уларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобланади. ХТТБ кредитларни, одатда 20 йил муддатга аъзо мамлакатда ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш учун ҳукумат кафолати остида беради. Шунингдек ХТТБ бошқа банкларнинг узоқ муддатли кредитлари бўйича кафолат ҳам беради. У ҳам ХВФ сингари, қарздор мамлакатнинг молиявий ҳолати, кредитланувчи объектлар ва ушбу объект бўйича банк миссияси томонидан ўрганилган маълумотларни талаб қилади.

ХТТБ дастур доирасида фаолият юритади. Унинг асосий хусусиятлари қуйидагича бўлиб ҳисобланади:

– иқтисодий бошқарув ва камбағаллик билан курашиш;

– экология ва ижтимоий ривожланиш;
– инфратузилма, хусусий сектор ва молия;
– инсон салоҳиятини ривожлантириш.

Ҳозирги пайтда ХТТБ фаолиятининг асосий йўналишлари:

– турли хилдаги инвестиция лойиҳаларини узоқ ва ўрта муддатли кредитлаш;

– лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий ва техник асосларини тайёрлаш;

– ривожланаётган мамлакатларда тузилмавий қайта қуриш дастурларини молиялаштириш бўлиб ҳисобланади.

3.3. Халқаро Валюта фонди (ХВФ)нинг ташкил топиши ва ривожланиши, кредит фаолияти, махсус фондлари, унинг халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солишдаги роли

Халқаро молия институтларини ривожланиши молиявий ва иқтисодий муносабатларни кучайишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида ХВФ фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Айтиш жоизки, Халқаро Валюта фонди, ХВФ (инг. International Monetary Fund, IMF) –БМТнинг ихтисослашган ташкилотларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг штаб – квартираси АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ХВФ 1944 йил 22 июлда БМТнинг валюта молия масалалари бўйича Бреттон Вудсдаги конференциясида ХВФ битимининг асоси ишлаб чиқилган эди. ХВФ ташкил топган расмий сана – 1945 йил 27 декабрь бўлиб, бунда битимнинг охирги варианти 29та давлат томонидан имзоланган. ХВФ ўз фаолиятини 1947 йил 1 мартдан Бреттон Вудс тизимининг бир қисми сифатида бошлади. Шу йили Франция биринчи кредитни олди. Ҳозирги кунда ХВФ 186 давлатни бирлаштириб, унинг тузилмасида 133 мамлакатдан 2500 мутахассис ишлайди.

ХВФ – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликларни олдини олишга қаратилган ташкилот бўлиб ҳисобланади ва чет эл валютасида қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилотдир.

ХВФ келишув асосларининг биринчи моддасига мувофиқ, унинг мақсадлари қаторига қуйидагилар киради:

– халқаро валютавий муаммоларни бартараф этиш борасида маслаҳатлар ва ҳамжиҳатлик механизмини таъминловчи доимий институт орқали халқаро валютавий ҳамкорликни рағбатлантириш;

– халқаро савдонинг кенгайиши ва мувозанатли ўсишини қўллаб қувватлаш ва шу орқали бандлик ва реал даромадларнинг етарлича юқори даражасини ушлаб туриш ва иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади сифатида барча аъзо давлатлар ресурсларининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиш;

– аъзо давлатлар ўртасида жорий битимларга доир кўп томонлама тўловлар тизимини ташкил этиш ва жаҳон савдоси ривожланишига тўсқинлик қилувчи валюта айирбошлашдаги чекловларни бекор қилишга кўмаклашиш;

– аъзоларнинг умумий ресурслари ҳисобидан етарлича хавфсиз асосда маблағ билан таъминлаш орқали уларнинг ишончини қозониш, ва шунинг асосида уларга тўлов балансидаги номувофиқликлар(тартибсизликлар)ни миллий ёки халқаро тараққиётга ғов бўладиган чора-тадбирларсиз тўғрилаш имконини бериш;

– юқоридагиларга мувофиқ аъзо давлатларнинг халқаро тўловлар балансларидаги номувофиқлик (мувозанатсизлик)ларнинг давомийлигини қисқартириш ва унинг даражасини пасайтириш.

ХВФ фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– жаҳон валюта тизимини назорат қилиш;

– пул сиёсатидаги халқаро ҳамкорликка ёрдам бериш;
– жаҳон савдосини кенгайтириш;
– ХВФ аъзоларини кредитлаш;
– валюта айирбошлаш курсларини барқарорлаштириш;
– дебитор мамлакатларга маслаҳатлар бериш;
– СДР чиқариш орқали ликвид маблағларни яратиш;
– иқтисодий сиёсат ва техник ёрдам соҳасида тавсиялар ишлаб чиқиш.
– халқаро молия статистикаси стандартларини ишлаб чиқиш;
– халқаро молия статистикаси тўпламларини эълон қилиш.

Устав капитали тахминан 217 млрд. СДРни ташкил этади (2008 йил январда 1 СДР 1,5 АҚШ долларига тенг бўлган). У аъзо – мамлакатларнинг бўнаклари ҳисобига шаклланади, одатда ўз квотасининг 25% СДРда ёки бошқа аъзоларнинг валютасида, қолган 75% ўзларининг миллий валютасида тўланади. Уларнинг квотаси ўлчамидан келиб чиқиб аъзо-мамлакатлар ўртасида овозлар тақсимланади.ХВФда юқори овоз миқдорини қуйидаги мамлакатлар эгаллаган (2011 йил ҳолати бўйича): АҚШ – 16,7%, Германия -5,82%, Япония – 6,24%, Буюк Британия – 4,30%, Франция – 4,30%, Саудия Арабистони – 2,81%, Хитой – 3,82%, Россия – 2,39%. Европа Иттифоқининг 27та аъзо мамлакатининг улуши – 32,07%, ХВФда 29 та саноати ривожланган давлатлар (ИҲТТга аъзо мамлакатлар) 60,35% миқдоридаги овозга эга. Фонд аъзолигини 84%дан ортиғини ташкил этувчи қолган мамлакатларнинг улуши атиги 39,65%га тўғри келади.

Айтиш жоизки, ҳозирда ҳам Халқаро Валюта Фондининг энг муҳим вазифаларидан бири аъзо мамлакатларнинг тўлов балансида қийинчиликлар юзага келганда кредитлар бериш орқали ёрдам кўрсатиш бўлиб ҳисобланади. Бу молиявий ёрдам мамлакатларга ўзининг халқаро захираларини тўлдиришга, миллий валютасини барқарорлаштиришга, импорт

тўловларини амалга оширишни давом эттиришга ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чоралар-тадбирлар қабул қилиш орқали фаол иқтисодий ўсиш учун шароитни тиклашга имкон яратади.

Мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда минтақавий ривожланиш ташкилотлари ҳам муҳим аҳамиятга. Минтақавий ривожланиш банклари ўз минтақаларига бошқа халқаро ташкилотларга нисбатан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уни ривожлантиришни назарда тутади. Бундай ривожланиш ташкилотларига Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Америка ривожланиш банки, Африка ривожланиш банки, Ислом тараққиёт банкларини киритишимиз мумкин.

XX асрнинг 60-йилларида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар ҳамкорлигини кенгайтириш ва ушбу минтақалардаги ўзига хос муаммоларни ечиш учун минтақавий ривожланиш банклари ташкил этилди.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотларининг мақсади бўлиб, минтақа мамлакатларида ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, қашшоқлик ва қарздорлик даражасини камайтириш ҳамда хусусий сектор ривожланишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотларининг ресурслари халқаро капитал бозорларидан ўзлаштириш орқали жалб этилган маблағлардан, устав капиталларидан, шунингдек, техник ёрдам кўрсатиш ва имтиёзли кредитлаш учун асосан аъзо мамлакатлар бадаллари ҳисобига ташкил топган махсус фондлар маблағларидан ташкил топади.

Ушбу ташкилотларнинг операциялари иқтисодий ривожланишнинг барча йўналишларини молиявий қўллаб-қувватлашга мўлжалланган, лекин устувор йўналиш бўлиб иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмалар (энергетика, транспорт, коммуникация ва бошқ.) ривожланишини молиялаштириш ҳисобланади. Банклар ресурсларининг сезиларли қисми саноатни кредитлашга йўналтирилади.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– ривожланиш лойиҳалари ва инвестиция дастурларига ўз маблағларини қўйиш ҳамда кредитлар ажратиш. Экспорт-импорт ва тижорат ташкилотлари билан биргаликдаги лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш. Бунда кредитлашнинг турли усулларидан фойдаланилади: аниқ лойиҳаларни молиялаштириш учун қарзлар, тузилмавий қайта қуришни ўтказиш учун қарзлар, тиклаш қарзлари, кредит линиялари ва бошқалар.

– аъзо мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида хусусий инвестицияларни оширишни рағбатлантириш;

– ривожланиш лойиҳалари ва минтақавий дастурларни тайёрлашда, шунингдек ушбу дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда техник ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш.

3.4. Европа тикланиш ва тараққиёт банкини тузилиши ва асосий вазифалари

Халқаро молиявий институтлар таркибида ЕТТБнинг роли тобора ошиб бормоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) 1990 йилда Лондонда ташкил қилинган. ЕТТБнинг асосий мақсади – Марказий ва Шарқий Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтишига ёрдам беришдан иборат бўлиб ҳисобланди. ЕТТБ фақатгина аниқ доирадаги лойиҳаларни кредитлайди. ЕТТБ ресурслари ХТТБга ўхшашлик бўйича шаклланади.

ЕТТБ ишлаб чиқаришни (лойиҳаларни молиялаштиришни ўз ичига олган ҳолда), инфратузилмани тараққий эттириш ва қайта тиклашга техник ёрдам кўрсатишни (экологик дастурларни ўз ичига олган ҳолда), акционерлик капиталига инвестициялари, айниқса хусусийлаштирилаётган корхоналарни кредитлашга ихтисослашган. Шу билан биргаликда ЕТТБнинг асосий диққати кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган. ЕТТБ бошқа халқаро молия институтлари сингари ЕТТБ

аниқ мақсадли инвестицияларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда маслаҳат бериш хизматини кўрсатади. ЕТТБнинг битта стратегик вазифаси – давлат корхоналарини хусусийлаштиришни қўллаб-қувватлаш, уларни модернизациялаш ва тузилмавий қайта қуриш, шунингдек, ушбу масалалар бўйича маслаҳатлар беришдан иборат.

ЕТТБнинг таъсисчилари бўлиб 40 мамлакат – Албаниядан ташқари ҳамма Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Мексика, Марокко, Миср, Исроил, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Корея, шунингдек, ЕИК ва Европа Инвестиция банки ҳисобланади. Банк ўз аъзоларига, тузилмавий ва тармоқ иқтисодини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришни ислоҳ қилиш, бу билан мамлакатларни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига уйғунлашувига кўмаклашади.

ЕТТБ кредитларининг муддати одатда 5-10 йилни кредитнинг минимал миқдори эса 5 млн. еврони ташкил этади. Агар лойиҳа мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлса, банк камроқ миқдорда кредит бериши мумкин. Кредитлаш хоҳлаган эркин алмашинувчи валютада амалга оширилади, амалда кўпроқ АҚШ доллари ва Евродан фойдаланилади. Лойиҳани молиялаштириш унинг қийматини 35%дан кўп бўлмаган миқдорини ташкил этади.

ЕТТБ тижорат асосида фаолият кўрсатади ва ўзининг кредитларини рискларни ҳисобга олган ҳолда бозор ставкалари бўйича беради. Тартибга кўра тижорат корхоналарини кредитлашда банк маблағларни қайтаришга доир ҳукумат кафолатини талаб этмайди, лекин бундай ҳолларда одатда лойиҳа активлари (масалан, гаровга оид асосий фондлар, гаровга оид мол-мулк ва бошқ.) билан кредитнинг гаров таъминоти қўлланилади. Кредитлар қаътий белгиланган ёки сузиб юрувчи ставкалар бўйича бўлиши мумкин, шунингдек, хеджирлашнинг турли инструментларидан ҳам фойдаланилади.

ЕТТБ ўз фаолияти доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

– ривожланган мамлакатларда қабул қилинган банк иши стандартлари асосида мосланувчан кредитлаш учун турли хил инструментлардан фойдаланади;

– хусусий сектор ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган секторлар бўйича кўзда тутилган ва тутилмаган операциялар стратегиясидаги вазифаларни амалга оширишни ўзида мужассамлаштиради;

– хусусий инвесторлар, уларнинг маслаҳатчилари ва тижорат банклари билан ҳамкорлик қилади;

– ҳукумат билан ривожланишнинг узоқ муддатли режаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилади;

– халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари билан ўзаро ҳаракатларни бажаради;

– давлатлараро ва минтақавий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ишлайди;

– атроф-муҳитни сақлашни ва яхшилашни таъминлашга ҳаракат қилади.

Европа иттифоқи, Европа инвестиция банки аъзо мамлакатлари ва Европа иттифоқининг ўзи ЕТТБ низом капиталида 51% квотасига эгадирлар, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари – 13%, қолган Европа мамлакатлари – 11%, ноевропа мамлакатлари –24%. Капиталда кўпроқ ҳисса билан АҚШ – 10%, Италия, ГФР, Франция, Буюк Британия ва Япония – 8,5%дан. Низом капиталининг ўлчами ҳар 5 йилда бир марта кўриб чиқилади[36].

Айтиш жоизки, ЕТТБ экспорт кредитлар бўйича кафолатлар бера олмайди ва суғурталаш билан шуғулланиш унинг вазифасига кирмайди. Бундан ташқари, ЕТТБ қуйидаги фаолият турларини молиялаштирмайди:

- мудофаа саноати;
- тамаки саноати;
- халқаро ҳуқуқий меъёрларда тақиқланган воситаларни ишлаб чиқариш;

[36] www.ebrd.com

• қимор бизнеси;

• атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва жараёнлар.

Банк тақдим этадиган кредитининг энг кам миқдори 5 млн. еврони ташкил этади. Фоиз ставкалари асосий бозор ставкаси (одатда, ЛИБОР) ва маржадан ташкил топади. Кредитлар бўйича фоиз сузиб юрувчи (своп операцияларини қўллаган ҳолда) ёки катъий ставкаларда белгиланади. Маржа миқдори кредит шартларидан келиб чикади.

ЕТТБ фаолиятининг молиявий натижалари, млрд. евро

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2009	2010	2011	2012	2013
1	Устав капитали	5,2	5,2	5,2	5,2	5,2
2	Бошқарув қарори бўйича қилинадиган ажратмалар-гача бўлган соф фойда (зарар)	0,4	1,5	2,4	1,9	0,6
3	Бошқарув кенгаши қарори бўйича қилинган ажрат-малар	-	-	-	-	0,1
4	Захиралар ва тақсимлан-маган фойда	1,7	4,7	7,0	8,7	6,6

ЕТТБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар сони 2009-2013 йилларда 265 тадан 302 тагача ортган. 2013 йилда ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 12,9 млрд.еврони ташкил этган.

4-БОБ. ЖАҲОН ВАЛЮТА ТИЗИМИ ВА УНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ

4.1. Валюта муносабатлари

Мана шу жиҳатни инобатга олиб, рус иқтисодчи олимларининг валюта операциялари тушунчасига берган илмий таърифларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш муҳимдир. Хусусан, проф.Л.Н.Красавина валюат операциялари ва тушунчаларига уларнинг иқтисодий моҳияти бўйича қуйидаги фикрни билдиради: “Международные валютные отношения – совокупность общественных отношений, складывающихся при функционировании валюты в мировом хозяйстве и обслуживающих взаимный обмен результатами деятельности национальных хозяйств”[37]. Ушбу мулоҳазани таҳлил қилиш натижасида олиманинг валюта муносабатларидаги фикрида иқтисодий манфаатдорлик ва валюта операцияларини хусусиятига бўлган алоҳида эътиборнинг четда қолдирилганлигини сезиш мумкин. У кишининг “обслуживающих взаимный обмен” деган фикрининг негизида банк операциялари ётганлигини тасаввур этади.

Проф Н.Ф.Самсонова эса ушбу иқтисодий категорияга бироз бошқачароқ ёндашиб, унга қуйидагича таъриф беради: “Международные валютные отношения – это необходимый элемент мировой экономики, совокупность общественных отношений, посредством которых осуществляется все расчетные, кредитные, денежные сделки между различными странами” [38] . Н.Ф.Самонованинг таърифида ҳам ушбу масала

---

[37] Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. М.: «Финансы и статистика» - 2000. 31-стр.

[38] Самсонова Н.Ф. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. М.: - «ИНФРА-

бўйича умумийлик тамойили эътироф этилади. Бу ерда ҳам банк операцияларини ҳисоб-китоблардаги жараён сифатида қараш орқали уларни валюта муносабатларининг таркибий қисми сифатида баҳолаб боради. Бу ерда ҳам банк операцияларини ҳисоб-китоблардаги жараён сифатида қараш орқали уларни валюта муносабатларининг таркибий қисми сифатида баҳолаб ўтади. Ваҳоланки, ҳозирги замонавий бозор муносабатлари шароитида фаолият юритаётган ҳар бир мустақил давлат ўзининг ташқи сиёсатида ва ташқи иқтисодий алоқаларида муайян иқтисодий манфаатдорлик нуқтаи назаридан иш кўриши муҳимдир. Шундай экан, валюта муносабатларини ўрганишда валюта операцияларини алоҳида ўзига хос жиҳатларига тўхталиб ўтиш муҳимдир. Ва ҳоказо, ушбу қарашларга ниҳоятда яқин бўлган бошқа бир қатор назарий қарашларни ҳам ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкин. Валюта муносабатлари – бу ташқи иқтисодий алоқаларда муайян даромад манбаига эга бўлишга йўналтирилган иқтисодий чора-тадбирлар тизимидир. Бошқача айтганда, валюта муносабатларининг субъектлари нафақат ўз шериклари олдида тўлов мажбуриятларини бажаришлари, балки ҳеч кандай тўлов мажбуриятларисиз ҳам валюта қимматликларини сотиш ёки сотиб олиш билан боғлиқ операцияларни амалга оширишлари мумкин, бу уларнинг муайян даромад манбаига эга бўлишга қаратилган хатти-ҳаракатларини тавсифлайди.

Валюта муносабатлари тизимида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга асосий омиллардаи (элементлардан) бири, бу валюта курсидир. Шу боис, тадқиқот ишида ушбу омил билан боғлиқ баъзи назарий ва амалий жиҳатлар тадқиқ этилди. Хусусан, валюта курсининг ўзгариши (ошиши ёки пасайиши) ташқи иқтисодий алоқаларда икки жиҳат бўйича: биринчиси, муайян импорт маҳсулотлари гуруҳига нисбатан барқарор

М» - 2001, 152 с.

талабнинг сақланиб қолинишида, иккинчиси, қиймат жиҳатидан бир хил даражада бўлган давлатлар валюта курси нисбатларининг мувозанатлашуви шароитида валюта курсига нисбатан бефарқлик эгри чизиғини юзага келтириб чиқариши илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди. Шу билан бир каторда, валюта курсининг ошиб бориши экспортни рағбатлантиришга ва импортни қисқартиришга олиб келиши борасидаги илмий-назарий қарашларнинг ўтиш даврига хос бўлган айрим мунозарали жиҳатлари мавжудлиги тадқиқ қилинди. Хусусан, 2015-2018 йиллар даври оралиғида республиканинг экспорт-импорт алоқаларида валюта курсининг ўсиб боришига қарамасдан, пасайиш тенденциясининг юз берганлиги қайд этилган. Бунга асосан валюта муиосабатларида кўлланилган бир қатор валютавий чеклов турларининг таъсири сезиларли роль ўйнади. Жумладан, хўжалик субъектларининг валюта айирбошлаш операциялари бўйича бир хилда ҳуқуққа эга бўлинмаганлиги, экспорт-импорт шартномаларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ жараёнлар, импорт тўлови юзасидан сўмда депозит сақлашнинг мажбурийлиги, импорт тўловлари бўйича муддатларнинг белгиланиши, ташқи банк кафолатининг талаб қилиниши, валюта тушумлари бўйича мажбурий сотув тўловларининг бозор курсларидан паст курсларда амалга оширилиши, нақд хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ расмий ҳамда миқдорий чеклов турлари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, бунга Республиканинг бошқа тармоқ ва соҳаларида, хусусан, пул-кредит, банк-молия тизимларида амалга оширилган кенг қамровли чуқур таркибий ўзгаришларнинг таъсири ҳам сезиларли бўлди. Натижада, таҳлил қилинган давр оралиғида мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг реал ҳолатида ўсиш тенденциялари кузатилмади. Мана шулардан келиб чиққан ҳолда, биз валюта курсининг ошиб бориши ҳамма вақт ҳам, айниқса, ўтиш даври иқтисодиёти шароитида экспортни рағбатлантиришга, импортни эса мақбуллаштиришга олиб келмаслиги муҳимдир.

4.2. Миллий валюта тизими ва валюта муносабатларининг иштирокчилари

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини мукаммаллаштиришда миллий валюта муносабатларининг самарали ишлашини таъминловчи омиллар шакллантирилиши уларнинг ҳуқуқий асосларини халқаро молия муносабатлари негизида ташкил этиш зарур бўлади. Бу эса барча молиявий институтларга, шу жумладан банкларнинг қонун асосида валюта операцияларини бажаришга имкон беради.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида банклар томонидан валюта операцияларини амалга оширишдан мақсад жаҳон валюта операцияларини амалга оширишни тартибга солишдир.

Банк-молия жаҳон валюта тизимисиз эмиссион банк, тижорат банклари валюта бозорлари (халқаро валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозори), инвестицион компаниялар, суғурта компаниялари ва бошқа халқаро молиявий институтларнинг фаолият кўрсатишига замин яратмоқда. Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган Қонуний ҳужжатларнинг асосий вазифаси валюта муносабатларида резидент ва норезидент, ваколатли банк, мамлакатда амалга ошириладиган операциялар каби тушунчаларни аниқлашдан иборат. Шулардан келиб чиқиб, қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси резидентлари қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари.
2. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.
3. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар.
4. Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари.

Ҳозирги кунга келиб, дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ҳар хил жаҳон молиявий жамғармалари ва жаҳон суғурта компаниялари фаолият олиб бормоқда, улардан бири бўлмиш “Ўзбекинвест” суғурта компанияси хорижий инвестицияларни суғурталаш билан шуғулланиш мақсадида ташкил қилинган. Бундай компаниялар ва жамғармаларни мамлакатимизда ташкил қилишдан асосий мақсад республикамизда чет эл инвесторлари учун ижобий инвестицион муҳитни яратиш бўлиб ҳисобланади.

Бунда халқаро молия институтларининг техникавий ва молиявий ёрдамлари жуда катта бўлди. Эндигина тикланиш босқичининг илк йиллари (1995 йил)да Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки ёрдамларини алоҳида кўрсатиши зарур бўлди. Ўшанда Халқаро Валюта Фонди томонидан 72,2 млн. АҚШ доллари миқдорида давлатнинг тизимли ислоҳотлар режасига асосан, кредит ажратилди ва кредит миллий валюта барқарорлигини ва тўлов балансини қўллаб-қувватлашга сафарбар қилинди. Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, миллий валюта қадрини ошириш учун Жаҳон банки томонидан 160 млн. АҚШ доллари миқдоридаги реабилитацион кредит ажратилди[39].

Бундай халқаро молиявий ёрдам таъсирида мамлакатимизда кўзга ташланадиган чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ва унинг натижасида ишлаб чиқариш жабҳалари, янги соҳалар ташкил қилинмоқда. Булар ўз навбатида, республикамиз учун зарур бўлган валюта тушумлари миқдорини оширишга ва хориждан импорт қилинадиган товар моддий бойликлар харидига сарф қилинадиган валюта захираларимизни иқтисод қилишга замин яратмоқда. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида нефть маҳсулотларига бўлган ички талабни ҳозирда тўлиқ ўзимизда

[39] Ачилов М.Ф., Безбородов А.Г., Газибеков Д.Г., Котов В.А. проблемы интеграции банковской интеграции банковской системы Узбекистана в мировое банковское сообщество. – Т.: Молия, 1999. – с.172.

ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотлари билан таъминлашга, республикамиз олтин-валюта захираларининг ушбу йўналиш бўйича иқтисод қилинаётган қисми, иқтисоди-мизнинг валютага талаби бўлган бошқа йўналишларига ишлатилаётгани ривожланиш учун катта имкониятлар яратиб бермоқда. Шундай имкониятлар негизида миллий валютани тартибга солиш ва валюта назоратини назарда тутувчи меъёрий ҳужжатларни мамлакатимизда олиб борилган валюта сиёсати талаблари асосида қайта кўриб чиқилди. Валюта сиёсатининг асосий талаблари бўлиб:

– валюта барқарорлигини таъминлаш ва мамлакатимизда ишлатиладиган валюта захираларини шакллантириш;

– валюта бозорини ривожлантириш ва валюта конвертациясига эришиш учун мамлакатимизда истиқболли замин тайёрлаш;

– экспорт ҳажмини ошириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш;

– валюта назорати самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Бу борада ўшанда иккиланмай хорижий давлатларнинг тажрибаси ва уларни мамлакатимизда қўллаш мумкинлиги нуқтаи назаридан чуқур асосланган тадбирлар қабул қилинди.

Булар босқичма-босқич валютани тартибга солиш тизимининг ташкил топиши (1991 й.), яъни “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” ва “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши учун замин яратди[40].

Ўша даврда “Дастлабки валюта айирбошлаш тўғрисида”ги Йўриқномага[41] асосан Марказий банк ва ТИФ Миллий банкигина валюта шохобчаларига эга бўлишлари тижорат

[40] Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунлари.

[41] Дастлабки валюта айирбошлаш тўғрисидаги Йўриқнома.

банкларига валюта операцияларни амалга ошириш учун лицензия бериш[42] тартиби жорий этилди.

Валюта бозорини ривожлантириш мақсадида Марказий банк Молия вазирлиги билан ҳамкорликда (1994 й. март) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига корхона (ташкилот ва муассаса)ларнинг хорижий валютадаги тушумларининг муайян қисмини мажбурий сотиш тартибига мувофиқ, хорижий валютадаги тушумнинг 15 фоизини солиққа тортиш билан бирга, 15 фоизини Марказий банкка сўм эвазига айирбошлаш шарти билан мажбурий сотиш белгилаб қўйилган эди.

Бу тартиб нисбатан бир қатор имтиёзларни кўзда тутган мақсад корхоналар томонидан ўз маҳсулотларини экспорт қилишларига қизиқишларини кучайтирди ва Марказий банки валюта фондининг шаклланишига шароит яратади. Олдин амал қилган тартиб бўйича эса валюта тушумининг 35 фоизи Республика валюта фондига ва ҳокимиятлар маҳаллий валюта фондларига қоплашсиз солиқ сифатида ундирилишга қаратилган эди. Кейинчалик хорижий валюта тушумига солиқ солишни бекор қилиш ва Марказий банкка валюта тушумининг 30 фоизини мажбурий сотиш тартиби амал қилди. Республиканинг олтин-валюта захираларини сақлаш ва бошқариш амалдаги қонунчиликка мувофиқ Марказий банкнинг функцияларидан бири бўлиб белгиланди[43].

Марказлашмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмини бевосита корхона (ташкилот)ларга хизмат кўрсатаётган ваколатли банкларга мажбурий сотиш амалга оширила бошланди. Кейинчалик эса марказлашмаган экспортдан мажбурий сотиш 50 фоиз миқдорида белгилаб қўйилди.

---

[42]Тижорат банкларига валюта операцияларни амалга ошириш учун лицензия бериш тартиби тўғрисидаги 1993 йил 26 майдаги 31-сон Марказий банки хати.

[43] Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни.

Марказий банк Давлат Солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда республика хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий шерикларидан валюта тушумининг тўлиқ тушишини таъминлашга йўналтирилган экспорт шартномаларини ҳисобга олиш тизими ишлаб чиқилди [44] ва такомиллаштирилиб келинмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар ва ваколатли банклар томонидан экспорт-импорт операцияларида валюта тушуми ва товарларнинг республика ҳудудига келишини кафолатлайдиган халқаро ҳисоб-китоб шаклларидан мамлакатимизда кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Экспорт-импорт операциялари бўйича назорат тўғрисидаги низом тасдиқланди, солиқ органлари, божхона хизмати ва ваколатли банк муассасалари ўзаро ҳамкорликда валюта назоратини амалга ошириш масалалари юзасидан тартиб ишлаб чиқилди[45].

1994 йил 15 октябрдан бошлаб республика, шу жумладан, хорижий фуқароларга эркин айирбошланадиган валютада савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш қатъиян ман этилиши миллий валютамизнинг тикланишига имконият берди[46]. Ўзбекистон Республикасида юридик шахс – резидент ва норезидент ўртасида барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валюта-сўмда амалга оширилиши учун кенг йўл очиб берилди.

1996 йилда эркин айирбошланадиган валютадаги инвестицион лойиҳаларни кредитлаш масалаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг амал қилиши, шундан сўнг ваколатли банклар томонидан кичик бизнес субъектларини хорижий валютада микрокредитлаш тартибини қабул қилишдан кейин корхоналар ва хусусий тадбиркорлар экспортга

---

[44] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги “Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 1995 йил 11 апрелдаги “Экспорт-импорт операцияларини тартиблаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари.

[45] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси – Т.: Адолат, 2009. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонуни. №474-I. 24 декабрь, 1998 й.

46 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги 499-сонли “Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантиришга қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида қўшимча валюта ресурсларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларига[47] мувофиқ жаҳон бозори талабига жавоб бермайдиган сифатсиз ва норақобатбардош маҳсулотлардан ички бозорни ҳимоя қилиш, маҳсулотлар импорти сифатини ошириш масалалари ижобий ҳал этилди. Ушбу орқали валютани тартибга солиш шартлари, шу жумладан, конвертация тартиб-қоидаси айнан шундай моддаларнинг кўплаб келтирилишига ва шу орқали ички бозорни ривожланишига тўсиқ бўлган омиллар имкон қадар бартараф этилди.

Республикада биржадан ташқари валюта бозорининг ривожланиши ва барқарор фаолият юритиши юзасидан кетма-кетликда зарурий чора-тадбирлар 1997 йилдан бошлаб жорий этилди. Бунда сўм маблағларини эркин айирбошланадиган валютага конвертациялаш бевосита ваколатли банклар томонидан амалга оширила бошланди.

Мамлакатимизда қабул қилинган чора-тадбирлар бўйича фармон ва ҳукуматнинг бошқа қарорларини бажариш мақсадида ички валюта бозорини эркинлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди[48]. Ушбу фармонга мувофиқ, ишлаб чиқилган тадбирлар мажмуи доирасида Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўм маблағларни хорижий валютага айирбошлашнинг сезиларли қисми биржадан ташқари валюта бозорига ҳам босқичма-босқич кўчирилди.

---

[47] "Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1996 йил 13 мартдаги 95-сонли ва "Халқ истеъмоли молларини импорт қилишда марказлашган валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 1996 йил 19 ноябрдаги 405-сонли Қарорлари.

[48] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

Валюта бозори иштирокчилари учун зарур бўлган ва 1998 йилнинг августигача амал қилиб келган Низом-йўриқномалар[49] давр талабини инобатга олган ҳолда қайта чоп этилди ва улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Ушбуларга асосан республикамиз тижорат банкларига валюта муносабатларини қай тартибда тузишлари кераклиги бўйича аниқ белгиланган техник ва малакавий талаблар жорий қилинди. Шу вақтнинг ўзида бир муҳим қоида йўналишида ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилиниши натижасида банкларга қуйидаги ишларни амалга ошириш бўйича лицензиялар берилиши кенг йўлга қўйилди. Энг муҳим банклар томонидан мижозларнинг валюта ҳисоб рақамларини юритишлари, нотижорат операциялар билан шуғулланишлари, чет эл банклари билан вакиллик муносабатларини ўрнатишлари, товар ва хизматлар экспорти ва импорти билан боғлиқ операциялари ҳамда бошқа талабларини техникавий ва малакавий нуқтаи назардан бажара олишларига муваффақ бўлинди. Шунингдек, тижорат банкларига валюта билан муомалаларни амалга оширишга айрим талаблар қўйилди, у ҳам бўлса талабга жавоб берадиган банкларга лицензиялар бериш бўлиб ҳисобланди.

Умуман, лицензия олгандан сўнг валюта операцияларини амалга ошираётиб, тижорат банклари баланс кўрсаткичлари асосида, ҳар бир валютада алоҳида амалга оширган операциялари бўйича ушбу валютада талаб ёки мажбуриятга эга бўлдилар. Тижорат банкида очиқ валюта ҳолатлари бўйича Марказий банкнинг “Очиқ валюта позициясининг юритилиши” қоидаларига таъаллуқли ва амалда учрайдиган атамалар (узун, қисқа, умумлашган позициялар, талаб ва мажбурият, валюта позицияси лимити, регулятив капитал ва бошқалар),

[49] 1998 йил 3 август 445-сон “Тижорат банкларига хорижий валютада операциялар ўтказишга лицензиялар бериш” қоидалари; 466-сон “Очиқ валюта позициясининг юритилиши” қоидалари; 467-сон “Валюта бозорида операциялар ўтказиш тартиби”; 468-сон “Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта қимматликлари билан касса ишини ташкил қилиш тўғрисида”ги Низом.

очиқ валюта позициясини ҳисоблаш усули, жорий пайтда амал қилаётган валюта позицияси лимити миқдори, ваколатли банкларнинг бу борада олиб борадиган ҳисоботи тартибларига нисбатан батафсил баёнлар ўз аксини топди.

Айтиш жоизки, 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонидан[50] келиб чиқиб, ваколатли банкларга фуқароларнинг валюта маблағларини жалб қилиш мақсадида, мижозларга жамғармаларни сақлаш ва қайтариш юзасидан кафолатлар, жамғарма бўйича ўсиб борувчи (прогресссив) шкаладаги фоиз ставкаларни киритиш, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги операциялари юзасидан банк сирига қатъий риоя этиш тавсия этилди. Шунингдек, ушбу Фармонга асосан Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки ва Марказий банкнинг махсус рухсатномасига эга бошқа ваколатли банкларга жисмоний шахсларга талаб қилиб олингунча валюта ҳисобрақамини очиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Ваколатли банклар томонидан ушбу фармонга мувофиқ жисмоний шахсларнинг маблағларини хорижий валютадаги ҳисобрақамларига ва омонатларга жалб қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар татбиқ этилди. Шунингдек, амалда бўлган турли валюта операцияларини амалга оширишда қўлланилган расмий курс, биржа курси ва биржадан ташқари айирбошлаш курслари 2000 йил 28 апрелдан бошлаб унификацияланди[51].

Ваколатли банкларга 2000 йил 1 июлдан биржадан ташқари валюта бозоридаги савдода хорижий валюталарни харид қилиш ва сотиш курсларини мустақил тарзда аниқлаш ҳуқуқи берилди[52]. Марказий банк лицензияси эгалари талаб ва таклиф

---

[50] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги "Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2079-сонли Фармони.

[51] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги 171-сонли Қарори.

[52] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли ва 2000 йил 30 июндаги 250-сонли қарорлари.

асосида ўрнатилаётган курс бўйича импортчиларга валюталарни сотиш, экспортёрларга бўш валюта маблағларини сотиб олиш ва айирбошлаш шохобчалари орқали нақд хорижий валюталар билан операцияларни амалга оширишга муяссар бўлишди.

Мамлакатимизда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлашга доир бир қанча аниқ чора-тадбирлар кўрилганлигини, унда тижорат банкларининг ролини анча ошганлиги таъминланди. Натижада валютани конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик субъектлари сонининг кўпайиши, миллий валютани алмаштириш шохобчалари сонининг кўпайиши хорижий вадютани сотиб олиш тартибини соддалаштириш каби имкониятларни юзага келтирди. Валюта сиёсатини янада чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва нақд пулсиз ҳамда нақд валютани конвертация қилиш кўламларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг банкларнинг биржадан ташқари валюта бозорини барқарор ривожлантириш имконияти юзага келди [53] . Ушбу қабул қилинган қарорларга асосан Марказий банк ва тижорат банкларининг биржадан ташқари валюта бозорини барқарор ривожлантириш учун эркин муомаладаги валютада “Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси” ташкил этилди.

Банкларараро ваюта савдоларида операцияларни соддалаштириш истеъмол товар ва хизматлар импортидан келиб тушадиган сўм маблағларини эркин конвертирланадиган валютага айирбошлаш банкларараро савдо сессияларида талаб ва таклифдан келиб чиқиб, белгиланган курс асосида 2003 йилнинг 11 июнидан бошлаб амалга оширилади[54].

---

[53] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2001 йил 22 июндаги 263-сон Қарори.

[54] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмашув курсларини бир хиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 11 июндаги 260-сонли Қарори.

Валюта операцияларида юзага келадиган рискдан сақланишда қўлланиладиган асосий меъёрий ҳужжат янгитдан таҳрир қилинди[55]. Унга кўра, алоҳида валюта бўйича бажарилган операцияларга аввал амал қилган меъёр, яъни 5 фоизли чеклов 10 фоизгача оширилди, барча валюталар бўйича операцияларга нисбатан 20 фоиз чеклов амал қилиш муддати узайтирилди.

Валюта муносабатлари иштирокчиларига қуйидагилар киради: давлат (ҳукумат, Марказий ва давлат банклари), халкаро ташкилотлар, юридик шахслар (тижорат банклари, корхоналар: импорт ва экспорт қилувчилар, биржалар) ва жисмоний шахслар (брокерлар, чайқовчилар ва сайёҳлар).

Замонавий ташқи иқтисодий алоқаларда, шу билан бирга валюта муносабатларида сиёсат ва иқтисодиёт, дипломатия ва тижорат, саноат ва савдо уйғунлашиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Халкаро валюта муносабатларининг давлат томонидан шакллантириладигаи ҳуқуқий-ташкилий шакли валюта тизими дейилади. Миллий, ҳудудий ва жаҳон валюта тизимларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Миллий валюта тизими деганда маълум давлатни, бошқа давлатлар билан пулли ҳисоб-китобларини амалга оширишда қўллайдиган усуллари, инструментлари ва миллий органларининг умумий йиғиндиси тушунилади. Миллий валюта тизими нисбатан мустақил ва фаолият доираси миллий чегаралардан чиқсада, у мамлакат пул-кредит тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий ва жаҳон валюталар тизимлари алоқаси ва ривожланиши, уларнинг элементларида намоён бўлади.

Ҳудудий валюта тизими – миллий ва жаҳон валюта тизимларининг оралиқ элементи ҳисобланиб, у мамлакатлар ҳудудий гуруҳи интеграциясига хизмат қилади. Бунга мисол қилиб, Европа валюта-иқтисодий иттифоқини келтириш мумкин.

Жаҳон валюта тизими – бу, алоҳида олинган миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалиги билан боғловчи механизмдир.

---

[55] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 28 майдаги “Очиқ валюта позициясини юритиш” Қоидалари.

4.3. Валюта муносабатларининг иштирокчилари

Валюта муносабатлари энг муҳим масалалардан бири бўлиб давлатнинг халқаро ҳисоблари бажарилишини ташкил этиш ва самарали бошқариш, мамлакатлараро валюта муносабатларини амалга ошириш, валютани тартибга солишни ҳуқуқий асослари ижро органлари орқали амалга ошириш, бунда молия, валюта ва кредит муносабатларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, валюта муносабатлари халқаро савдо, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик, хорижга қарзларни бериш ва олиш, валюта ва валюта активларини сотиб олиш каби битимларни шакллантириш ва улар билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидан иборатдир.

Валюта муносабатлари иштирокчилари таркибига қуйидагилар киради: давлат (ҳукумат, марказий ва давлат банклари), халқаро ташкилотлар, юридик шахслар (тижорат банклари, корхоналар: импорт ва экспорт қилувчилар, биржалар) ва жисмоний шахслар (брокерлар, чайқовчилар ва сайёҳлар). Ушбу таркибда сиёсатни, иқтисодиётни, дипломатия ва тижоратни, саноат ва савдони уйғунлашиб бораётганлигини ҳам гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам валюта тизими халқаро валюта муносабатларининг давлат томонидан шакллантириладиган ҳуқуқий-ташкилий шакли бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирда миллий валюта тизимининг миллий валюта ва миллий валютанинг алмашиш режими каби элементлари мавжуд.

Биринчиси алоҳида олинган давлатнинг валюта муносабатларини қонун асосида ташкил қилиш ва бошқариш муносабатлари йиғиндисидир. Унинг элементлари 4.1-чизмада келтирилган.



4.1-чизма. Миллий валюта тизимининг элементлари.

Мамлакат пул тизимининг асосий қисмини миллий валюта тизими ташкил қилади. Минтақавий валюта тизими элементлари тегишли битимлар шартлари асосида аниқланади ва жаҳон валюта тизими халқаро тўлов воситалари ва маълум элементларининг бир йиғиндисидир (4.2-чизма).



4.2-чизма. Минтақавий валюта тизимининг элементлари

Алоҳида олинган миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалиги билан боғловчи механизм жаҳон валюта тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади (4.1 - жадвал). Уларнинг асоси бўлиб халқаро меҳнат тақсимоти ва ташқи савдо ҳисобланади.

Жаҳон валюта тизими валюта инструментлари (воситалари)нинг амал қилишини таъминловчи халқаро кредит-молия муассасалари ва халқаро битим ва давлат ҳуқуқий номалари комплексларини ўз ичига олади.

Ривожланган давлатларнинг жаҳон валюта тизими чегарасида ташкил этилади минтақавий валюта тизими, яъни Европа валюта тизими – ЕВТ бир қатор Европа давлатларининг валюта соҳасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлари шакли сифатида ташкил этилади.

Давлатнинг ва халқаро валюта-молия муассасаларининг валюта, пул ва олтин бозорларига аралашиш даражаси иқтисодий ўсиш, давлатнинг ташқи иқтисодий стратегиясига валюта механизми самарадорлиги таъсир этади.

4.1-жадвал.

Жаҳон валюта тизимининг элементлари[56]

Жаҳон валюта тизими
Халқаро валюта ҳисоб-китоб бирликлари, валюта захираси
Турли давлатлар валюталарининг ўзаро конвертирланиш шартлари
Валюта паритетини бирхиллаштириш
Валюта курсининг регламентацияси тартиби
Валюта муносабатларини давлатлараро даражада тартибга солиш
Халқаро кредит айирбошлаш воситаларидан фойдаланишни яхлитлаштириш
Халқаро ҳисоб-китоблар шаклларини яхтилаштириш
Жаҳон валюта ва олтин бозорларининг тартиблари
Давлатлараро валютавий тартибга солишни амалга ошириш

[56] Международные валютные – кредитные отношения. Под. ред. А.И. Красавиной. – М.: Финансы и статистика, 1994 г. с – 9.

Ривожланган мамлакатларнинг миллий ва маҳаллий доирада валюта соҳасида давлат монополистик бошқарувининг янги усули ва воситаларини излашга валюта тизими аҳамиятининг ўсиши мажбур этмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, халқаро келишувлар, икки ёқлама ва кўпёқлама шартнома ва далолатномалар жаҳон валюта тизимининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Бундай тизимнинг асосий мақсади бу экспорт ва импорт учун тўловларни товар, капитал, хизматлар ва бошқаларни амалга оширишда халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш орқали самарали воситачилик қилиш ва халқаро молиявий муносабатлар учун ўзаро манфаатларни қондирувчи муҳитни яратишдан иборат.

Ушбу тизим ёрдамида иқтисодий ресурсларнинг миграцияси кенгайиши, иқтисодий муаммоларни (масалан, ишсизлик, инфляция) мамлакатлараро ҳаракатда “кўчиб ўтиши” мумкин. Амалда жаҳон валюта тизимини тартибга солиш жараёнлари алоҳида механизмларга эга ва жаҳон хўжалигининг мақсадларини кўзласаада, у миллий пул ва валюта тизимлари билан ўзаро боғланган.

Халқаро пул муносабатларини ташкил топишининг жаҳон валюта тизими тарихий шакли бўлиб, у давлатлараро битимлар орқали мустаҳкамланган. Дунё давлатлари ва миллий валюта тизимлари доирасида қуйидаги молиявий операциялар, яъни валюта конвертацияланиши ва валюта дилинги амалга оширилади. Бунда биринчиси, миллий валютани хорижий валютага алмаштиришни англатса, иккинчиси эса, тижорат банклари ва биржада валюта олди-сотди операцияларини англатади. Бошқа молиявий операцияларни 4.3-чизма орқали англаб олиш ва уларни ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўникмаларга эга бўлиш мумкин.

Халқаро молиявий институтларнинг глобаллашуви шароитида валюта тизими ўзига хос жиҳатларига эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– валюта курслари ва фоиз ставкаларининг кескин ўзгариши билан изоҳланадиган механизми;

– олдиндан кутилмаган воқеаларга тезда мослашишга зарурат;

– мамлакатлар ҳукуматининг инфляцион сиёсат юритиши;

– давлат қарздорлиги ўсиши сиёсатини кафолатловчи маълум халқаро тартибга солиш инструментларини яратилиши.

Жаҳон валюта тизими ҳар доим ўзгариб туради, бунинг сабабларидан бири халқаро ҳамкорликнинг кучайиши ва ички валюта бозорларини тартибга солиш механизмларининг доимий ўзгариши ва валюта тизимининг барқарорлигидир.



4.3-чизма

Халқаро валюта тизимларининг айрим шакллари халқаро алоқалар ва ривожланган мамлакатларнинг манфаатларига қараб белгиланишига эътибор қаратиб келинмоқда.

1922 йилда ўтказилган халқаро Генуя конференцияси Генуя жаҳон валюта тизимига асос солинди, бунда қабул қилинган ва тасдиқланган қарорнинг натижаси "олтин андозаси"га тааллуқли бўлган, унинг янги кўриниши "олтин қуйилма стандарти" ҳисобланади. "Олтин қуйилма стандарти" амал қилган шароитда муомаладаги пуллар қисман ёки тўлиқ қоғоз пуллар эди. Мазкур қоғоз пулларни хоҳлаган пайтда эмиссион банкдан олтинга алмаштириш мумкин эди. Амалда эса ушбу пулларнинг маълум қисмини шу йўл билан алмаштирилган. Эмиссион банк албатта, пулни тўлиқ таъминлаш учун зарур бўлган олтинни сақлаши шарт эмас эди. Белгиланган таъминот (олтин) қанчалик оз бўлса, давлатнинг қўшимча қоғоз пулларни чиқариш имконияти шунчалик кўп бўлган. Шу сабабли, муомаладаги қоғоз пул миқдори сақланадиган металл пул миқдоридан юқори бўлган. Олтинга алмашинадиган валюталар сифатида доллар, француз франки ва фунт стерлинг танланди.

Айтиш жоизки, ушбу тизим 1929 йилгача амал қилди, ушбу тизимнинг парокандаликка учраши урушдан кейинги инфляция таъсирида валюта паритети нореаллигининг ўсиб бориши сабаб бўлди. Аксарият мамлакатларда инфляция суръатларининг турли даражада бўлиши, халқаро нархларга боғлиқликда номутаносибликнинг кучайишига олиб келди. Кўпгина мамлакатларда иқтисодиётнинг ички ва ташқи соҳаларида доллар орқали мувофиқлаштириш сезиларли даражадаги инфляцияни келтириб чиқарди. Ҳаттоки битта валюта алмашинув курсининг пасайиши, бошқаларининг ҳам қайта баҳоланишига сабаб бўлади. Олдинги паритетни тиклаш мақсадида алмашув курси кўтарилган мамлакатларда инфляцияни ўсиши юз берди, натижада юзага келган девальвация таъсир этди.

Ўтган асрни ўрталарига қадар халқаро пул тизими барқарорлигини бузилишига инфляция ва девалвациядан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир эта бошлаган эди. 1931 йилдан бошлаб бутун жаҳон иқтисодиётини оғир аҳволга солиб қўйган инқироз туфайли валюта назорати жорий қилинди. Асосий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ жорий тўловларни амалга оширишга етарли хорижий валюта захирасини таъминлаш, назорат қилишнинг асосий вазифаси сифатида эътироф этилди. Бунинг учун ҳукуматлар хорижий валютанинг импорти ва экспорти устидан назоратни амалга оширишларига тўғри келди. Умуман шу вақтда ушбу тизим учта валюта блокига: доллар, фунт-стерлинг ва франк иқтисодий майдонларга ажралди ва иккинчи жаҳон урушига қадар амал қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, франк Африканинг француз тилида сўзлашувчи мамлакатларида евро муомалага чиққунига қадар амал қилди.

1976 йили Кингстонда (Ямайка) бўлиб ўтган ХВФнинг навбатдаги йиғилишида янги Ямайка жаҳон валюта тизимига асос солинди. Ямайка битимининг йўриқлари асосида халқаро валюта механизмини ташкил этиш тамойиллари белгилаб олинди, яъни олтиннинг қийматини ўлчаш сифатида ва валюта курсларини ҳисоблаш воситаси сифатидаги функциясига барҳам берилди. Олтин эркин нарх белгиланадиган оддий товарга айланди, бир вақтнинг ўзида у юқори ликвидли актив сифатида махсус товар бўлди. Зарурият туғилганда олтин сотиш ва ундан олинган валюта тушумидан тўлов сифатида фойдаланилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, муомалага СДР андозаси (Special drawing rights – SDR) – “махсус қарздорлик ҳуқуқи” киритилди. Бундан кўзланган мақсад ушбу валюталарни асосий захира сири қилиб бошқа захира валюталарини, биринчи навбатда АҚШ доллари ролини пасайтириш эди. Бир вақтни ўзида мамлакатларга валюта курси тартибини танлаш ҳуқуқи берилди. Мамлакатлар ўртасида амалдаги валюта муноса-

батлари, улар миллий пул бирликларининг сузиб юрувчи курсига асослана бошланди. Курсларнинг тебранишига биринчидан, валютанинг мамлакат ички бозоридаги харид қуввати, реал қиймат нисбатлари ва иккинчидан, халқаро бозорларда миллий пулга бўлган талаб ва таклиф таъсир кўрсатиб келинар эди.

XX асрнинг 90-йилларига келиб сузиб юрувчи курс омилларини татбиқ этиш натижасида халқаро валюта тизимини ташкил этишнинг элементларига асосланган мураккаб чизмаси пайдо бўлди, яъни:

– муносабатларни сақлаш керак бўлган алоҳида миллий валюталар асосий таянч бирликлар сифатида танланганлиги ўз валюта курсини бошқа валютага боғлашган;

– валюта курсларининг тебраниш даражаси бир хил эмаслиги, шунингдек, тебраниш оралиғини кенглиги валюта курсини айрим валюталарга нисбатан маълум ораликда ушлаб турилишига, бошқа валюталарга нисбатан эса эркин алмашинишига хос чизмаларни киритиш мумкин бўлди.

Миллий валюта паритети асосан СДРга нисбатан ушлаб турилди. Шунингдек, амалда мамлакатларнинг валюта тартибини эълон қилишлари турлича бўлиб қолди. Юқорида айтиб ўтилганидек, 1988 йилда 58 мамлакат ўз валюта курсини битта асосий ҳамкор мамлакат валютасига нисбатан ўрнатиши бўйича қарор қабул қилди. Америка долларига (39 мамлакат), француз франкига (14 франк ҳудуди мамлакатлари) ва бошқа валюталарга (5 та мамлакат) нисбатан ўрнатилди. Ямайка битимига асосан жамоа захира валюта бирлиги сифатида СДР тан олинди. СДРнинг қиймати дастлаб олтинга кўра белгиланган (СДР=0,888671 соф олтин) бўлса, 1974 йил 1 июндан бошлаб СДР курси “валюта савати”га нисбатан аниқлана бошланди. Аммо СДРнинг халқаро ҳисоб-китоблардаги улуши 6 фоизга яқин бўлди. СДРга захира валютаси сифатида эмас, балки кўпроқ даражада кредит сифатида қаралади, аммо СДР ҳам захира, ҳам кредит валютаси ҳисобланган.

4.4. Париж, Генуя, Бреттон-Вуд, Ямайка жаҳон валюта тизимларининг ўзига хос хусусиятлари

Халқаро валюта тизими ривожланган давлатларнинг жаҳон валюта тизими чегарасида ташкил этилишига имконият яратиб берди. Халқаро валюта тизимининг механизмалари давлатнинг ва халқаро валюта-молия институтларини валюта, пул ва олтин бозорларига аралашиш даражаси иқтисодий ўсиш, давлатнинг ташқи иқтисодий стратегиясини белгилаб келмоқда.

Халқаро валюта тизимининг аҳамиятининг ўсиши ривожланган мамлакатларнинг миллий ва маҳаллий доирада валюта соҳасида давлат монополистик бошқарувининг янги усули ва воситаларини юзага келишига ҳам замин яратиб келди.

Айтиш жоизки, валюта тизимини ривожланишига XIX асрда юзага келган, сўнгра босқичма-босқич ривожланиб борган жаҳон валюта тизими муҳим аҳамият касб этди. Улар ҳақида кўникмаларга эга бўлиш муҳимдир. Шундай қилиб, жаҳон валюта тизими XIX аср ўрталарида вужудга кела бошлади ва ҳозирги кунга қадар Париж, Генуя, Бреттон-Вуд, Ямайка валюта тизимлари амал қилди.

Давлатларнинг валюта тизими бир томондан, улар ўртасидаги пул ҳисоб-китоб муносабатларини ва ички пул муомаласининг катта қисмини ҳам ўз ичига олади. Иккинчи томондан, жаҳон валюта тизими олдин олтин стандартга асосланган тизимдан кейинчалик мақсадли босқичма-босқич бошқариладиган, қоғоз-кредит пулларига асосланадиган тизимга айланди. Унинг қисқа вақт ичида ривожланиши миллий пул тизимининг олтин танга стандартидан олтин қуйма ва олтин девиз, ундан эса кредит-қоғоз пул муомаласига ўтган бўлсаада, охирги босқичда кўпроқ эътибор кредит воситаларига қаратилади. Мисол учун, жаҳон валюта тизимининг биринчи босқичи Париж валюта тизими бўлиб, XIX асрда техникавий инқилобдан кейин вужудга келиб, 1867 йилда

Париж конференциясидан кейин расмий асосга эга бўлган. Биринчи жаҳон валюта тизимининг асосини олтин монометализм тизими ташкил қилди. Ўшанда Париж валюта тизимида олтин ягона жаҳон пули сифатида қабул қилинди. Унинг талабига асосан банклар миллий валюта бирлигига олтин андозаси берилди, яъни миллий валютани олтинга сотиш ва сотиб олиш мажбуриятини олди. Олтин стандарт 1880 йилдан 1914 йилгача ва 1925 йилдан 1931 йилгача сақлаб келинди.

Олтин стандарти асосида фаолият юритган олтин танга иттифоқи ҳисобланди. Айтиш жоизки, олтин стандарти расмий равишда 1867 йил Париж конференциясида тан олинди, шунингдек, дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакати томонидан халқаро битимга имзо қўйилди. Ушбу валюта тизими "Олтин стандарт", яъни олтин эталон металл сифатида қабул қилинишга асосланган 30 дан ортиқ мамлакатнинг миллий пул бирликларини бирлаштирди.

Париж валюта тизими олтин монета стандартини ўрнатиш, миллий валютага олтин миқдорини бериш, талаб ва таклифга қараб ўзгарувчан валюта курсларини жорий қилиш каби тамойилларга асосланади.

Миллий валютанинг олтин миқдори олтин паритети номини олган бўлсаада, биринчи жаҳон уруши Париж валюта тизимининг инқирозини юзага келишига сабаб бўлди. Олтин девиз стандарти олтин ва етакчи давлатларнинг олтинга эркин алмашадиган валютасига асосланган ҳолда фойдалана бошланди.

Париж валюта тизими "Олтин танга стандарти" деб юритила бошланди. Унга мувофиқ, жаҳон пули олтин тангалар ва олтинга конвертирланадиган пуллардан ташкил топган эди.

"Олтин танга стандарти" тартиби босқичма-босқич уч шаклни бошдан кечирди. 1914 йилгача олтин танга босқичи, 1922 йилдан 1929 йилгача олтин қуйилма стандартини, 1944 йилдан 1971 йилгача олтин девиз стандарти. Олтин танга стандарти даврида зарбхоналар олтин қуйилмалардан олтин тангалар ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга эдилар. Ўшанда қоғоз

пуллар худди олтин тангалар қатори муомалада бўлди ва улар олтинга тўла конвертирланган бўлсаада, қоғоз пуллар эмассияси чегараланган эди. Бу эса унга бўлган ишончни орттирди.

“Олтин танга стандарти” даврида олтин эвазига иккиёқлама функция амалга оширилди. Бу халқаро ҳисоб-китобларда тан олинган тўлов воситаси ягона қабул қилинган алмашув ва тўлов воситасида ўз аксини топди. Шунингдек, олтин ушбу функцияни таъминлаши учун бир томондан Марказий банк олтинни белгиланган курс бўйича, чегараланган миқдорда сотишни ва сотиб олишни кафолатлашни, иккинчи томондан олтин эгаси давлат зарбхонасида тайёрланган олтинни танга ва қуйма шаклда ҳар қандай миқдорда сақлаши, учинчи томондан эса олтиннинг импорт ва экспорти чегараланмаганлиги шарт қилиб қўйилди.

Барча валюталар ва олтин ўртасидаги яқин боғлиқлик, халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда маълум таъсирини ўтказди.

1922 йил Генуяда ўтказилган халқаро конференцияда иккинчи жаҳон валюта тизими – Генуя валюта тизими деб номланди. Ўшанда олтин ва девизлар жаҳон пули сифатида қабул қилинганлиги, олтин паритет сақлаб қолинганлиги, эркин ўзгарувчан валюта курслари режими тикланиши, валюта сиёсатини юритиш ва бошқаришнинг умумий қоидалари келишиб олинганлиги каби ҳолатлар Генуя валюта тизимининг тамойиллари қилиб белгиланди.

Энг муҳими, 1922-1928 йилларда ушбу валюта тизими энг барқарор валюта тизими сифатида эътироф этилди. Бу ҳолат жаҳон миқёсида махсус шаклларда олтин-танга стандарти мутлақо бўлмаган; олтин қуйма стандарти асрлар давомида мавжуд бўлган; олтин билан бир қаторда ёрдамчи кредит пуллари вексель; чек ва бошқа кўринишда намоён бўлди ва бу тизим XX аср бошига келиб, халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги шаклига жавоб бермай қолди. Бу даврнинг энг асосий белгиларидан бири капитални экспорт қилиш – Жаҳон

валюта тизимининг янги олтин стандарт шакллари билан қарама-қаршиликка учради. Давлатлар ўртасида шунинг учун ҳам янги бошқариладиган валюта тизими зарур эди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида олтин стандарт шакллари ўрнига қоғоз-кредит пул муомаласи келди. У давлатга эмиссия механизмидан иқтисодиётни бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш имконини бера бошлади.

Жаҳон валюта тизими ривожланишининг иккинчи босқичи Жаҳон урушидан кейин бошланган ҳолда олтин захираларининг янги тақсимотига сабаб бўлган ўшанда барча давлатларнинг деярли 80 фоизи олтин захиралари АҚШда тўпланди. Бундай ҳолат жаҳон валюта тизимида олтин девиз стандартининг олтин доллар шаклини олганлигидан далолат берган эди.

1944 йил июлда Бреттон-Вудсдаги (АҚШ) БМТ конференциясида ушбу ҳолат расмий кучга кирди ва шу орқали Жаҳон валюта тизимига асос солинди. Жаҳон валюта тизимининг ташкилий ва фаолият юритиш тамойиллари қилиб олтиннинг Жаҳон валюта тизимининг асоси сифатида тан олиниши, доллар ва фунт-стерлингга халқаро ҳисоб-китобларда ва чет эл валюта захираларида асосий ўрин берилганлиги ва уларни олтин ўрнига тақдим этилиш мумкинлигини тасдиқланиши, долларга нисбатан барча мамлакат валюталарининг қатъий паритети ўрнатилганлиги, доллар орқали эса олтиннинг ва чет эл валюталарининг бир-бирига нисбатан баҳоси аниқланадиган бўлиши, валюта курсининг доллар паритетига нисбатан тебраниши ±1 % даражасида белгиланиши қайд этилган эди.

Жаҳон валюта тизимини бошқариш мақсадида Халқаро Валюта Фонди ва Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки ташкил этилди. Шунингдек, валютавий чекланиш тизими бекор қилинди. Миллий валюта конвертацияси тикланди ва амал қилди.

Бреттон-Вудс конференциясида валюта тизимига асос солиниши ва доллар стандартининг жорий қилинишига кенг

йўл очиб берган эди. Сўнг АҚШ долларига асосий резерв валюта статуси берилди ва АҚШ давлати бошқа давлатлар Марказий банкларига 1934 йилда ўрнатилган расмий курсда (35 АҚШ доллари = 1 тройца унция олтинга алмаштирилган, 0-1 тройца унция = 31,1035 грамм олтин) долларни олтинга алмаштириб беришни таъминланган эди. Бу эса Иккинчи жаҳон урушидан кейинги халқаро валюта-молия муносабатларидаги тартибсизликни чеклашга имконият яратди.

Бреттон-Вудс тизимининг қарама-қаршилиги – тартибсиз бозор (олтинстандарт) ва бошқариладиган доллар тизими бўйича иш юритишга ўзгармас олтин нархи ва нарх ўсувчи товар ва хизматлар орасида фарқ юзага келишига, АҚШдан кўп миқдордаги капиталнинг бошқа давлатларга инвестиция кўринишида оқиб кетишига, чет эллардаги катта ҳарбий харажатларни юзага келишига, АҚШ тўлов балансининг дефицитли бўлишига, долларнинг реал курси ва унинг олтин паритети орасида узилишнинг юзага келишига сабаб бўлди. Шунингдек, 60-йилларнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа ва Япония АҚШдан ўз олтин захиралари ва экспорт ҳажми бўйича икки баравар ошди. Бу эса олтин девиз стандарти таянадиган умумиқтисодий асос ўз умрини тугатишига олиб келди. Олтин доллар стандартининг бузилиши валюта бозорларида долларнинг “тушиши”да ўз аксини топди ва ҳ.к.

Айтиш жоизки, 1970 йилда Халқаро Валюта Фонди чегарасида махсус ҳисоб ва тўлов бирлиги СДР (инг. Special Drawing Rights) киритилди ва у аъзо давлатларнинг валюта захираларини тўлдириш учун мўлжалланди. У Халқаро Валюта Фонди аъзоларининг квоталарига пропорционал тарзда тақсимланди. Унинг асосий қисми (70-75 фоизгача) ривожланган давлатларга, 25 фоизи ривожланаётган давлатларга тўғри келади. СДРнинг бошланғич курси АҚШ долларининг расмий олтин миқдорига тенглаштирилган. Кейинчалик унинг қобилияти 16 валюта савати бўйича, охирги йилларда эса 5 та асосий миллий валюталар бўйича аниқланди.

СДР Жаҳон валюта тизимининг асосий захира воситасига айланган.

АҚШ 1971 йил ва 1973 йилларда доллар девальвациясини ўтказди. Натижада олтиннинг расмий курси троя унцияси 42,22 долларгача қилиб белгилаб берилди. Бу даврда кўпчилик ривожланган давлатлар ўз валюта курсини маълум даражада ушлаб туриш (АҚШ долларига нисбатан) мажбуриятларидан воз кечиб, "сузувчи" курс режимига ўтишди. 1973 йилдан бошлаб олтин товар сифатида махсус олтин ва товар биржаларидаги нарх асосида сотиладиган ва сотиб олинадиган ва олтин нархи Жаҳон валюта тизимига бевосита таъсир ўтказмайдиган бўлди.

Бундай ҳолат халқаро валюта муносабатларини қайта ташкил қилиш муаммосини юзага келтирди. 1976 йил январда Халқаро Валюта Фондининг Вақтли Қўмитаси ХВФ Уставига бир қатор ўзгаришларни киритди. Бу ўзгаришлар Халқаро Валюта тизими фаолиятини расмий равишда қайта тақсимлашни билдирарди (Ямайка келишуви, 1976-1978й.). Валюта муносабатлари механизмидаги ўзгаришлар 1978 йил 1 апрелдан кучга кирди ва қуйидагилардан:

– олтиннинг расмий нархи бекор қилинганлигидан;

– СДР Жаҳон валюта тизимининг асосий захира активига расмий равишда айлантирилганлигида;

– валюта курсларининг "сузувчи" тизими қонунлаштирилганлигида ўз аксини топди.

Шундай қилиб, Халқаро валютани бошқариш соҳаси кенгайтирилди. Бунинг учун Халқаро Валюта Фонди қошида иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича аъзо – давлатлар вазирлари даражасида қўмита ташкил этилди.

Ташкил топган валюта тизими кўп жиҳатдан 70-йиллардаги жаҳон хўжалигининг ўзгарган шароитларига жавоб берарди.

4.5. Европа валюта тизими, унинг асосий элементлари ва ривожланиши

Миллий ва халқаро валюта муносабатининг айрим элементлари антик даврда – қадимги Юнонистон ва Римда қарзга пул тўлашга берилган тилхат ва пул алмаштириш шаклида пайдо бўлган. Кейинги босқич бўлиб Япон, Антверпен ва Ғарбий Европани бошқа савдо марказларида "вексель ярмаркалари" ривожланиши билан юзага чиққан. Ушбу даврда валюта ёрдамида ҳисоб-китоблар амалга оширилган, кейинчалик ишлаб чиқариш ривожланишида халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими банклар орқали ривожланди. Ўтган асрга келиб эса халқаро муносабатлар ўзининг мутлақо янги кўринишини бошдан кечирган.

Халқаро валюта муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши, жаҳон бозори ташкил этилиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон хўжалигининг таркибий тузилиши ҳамда хўжалик муносабатлари байналмилаллашувининг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Молиявий институтларнинг глобаллашуви шароитида валютавий интеграция кескинлашди. Айтиш жоизки, бундай интеграция элементлари Европа Иттифоқи (ЕИ) ташкил топмасдан олдин Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва 1947 йилдан Германия ғарбий аккупацион зоналари ўртасидаги кўп томонлама ваютавий компенсациялар тўғрисидаги келишув: 1948 ва 1949 йиллардаги Европа давлатлари ўртасидаги тўловлар ва ИХТТга аъзо 17 давлат ўртасидаги компенсациялар тўғрисидаги битимлар:

– Европа тўлов иттифоқи 1950-58 йиллардаги кўп томонлама клиринг;

– 1958-61 йиллардаги валюталар конвертацияланишини киритилиши каби ҳолатлар юзага келган эди.

1971 йилга келиб, Европа Иттифоқи аъзолари 1980 йилга қадар босқичма-босқич иқтисодий ва валюта иттифоқини тузиш дастурини қабул қилдилар.

Бу жараён қуйидагиларда ўз аксини топмоқда:

– аъзо мамлакатлар валюталарини интеграциялашув жараёнини жадаллаштиришида;

– ягона европа валюта тизими зонасини барпо этишда;

– АҚШ долларининг тебранишларидан кўриладиган зарарларнинг олдини олишда;

– АҚШ долларини таъсир доирасини чеклаш мақсадида Европа валюта тизимининг барқарор валюталарини киритишда.

Бундай интеграциянинг элементлари сифатида қуйидагилар эътироф этилган эди:

– биргаликда сузувчи валюта курслари тартиби;

– валюта интеграцияси, шу жумладан, марказий курсдан чеклашишларини белгиланган чегарада ушлаб туриш учун биргаликда амалга ошириладиган интеграция;

– валюта курсларини ушлаб туриш учун ўзаро кредитлаш қўшма фондлари;

– валюта ва кредит орқали тартибга солиб турувчи молия институтлари бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий ва валюта иттифоқини тузиш лойиҳасини ишлаб чиқишини анча мунозараларга ҳам сабаб бўлди. Энг аввало, “материалитлар” (Франция бошчилигидаги), улар олдин ўрнатилган курслар асосида валюта иттифоқини тузиш таклифи билан чиқишган бўлса, унда иккинчи гуруҳ намоёндалари “иқтисодчилар” (асосан ГФР вакиллари), олдин иқтисодий иттифоқни тузиш ва сузиб юрувчи валюталар курсини ўрнатишни илгари сурдилар. Юзага келган мунозарали таклифлар ҳукумат бошлиқларининг 1969 йил Гаагадаги учрашувида иқтисодий ва валюта иттифоқини параллел ташкил этиш тўғрисидаги қарори билан ҳал этилди. 1971 йил (22

март)да Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган “Вернер режаси” 10 йил муддатга (1971-80 йй.) мўлжалланган ҳолда уч босқични қамраб олди.

1971-1974 йиллар биринчи босқич бўлиб, унда валюта курсларини тебраниш чегараларини қисқартириш (±1,2 % гача, кейинчалик 0 гача) валюталарнинг тўлиқ икки томонлама алмаштирилишини таъминлаш, валюта сиёсатини уйғунлаштириш, иқтисодий, молиявий ва пул-кредит сиёсатини келишилган ҳолда олиб бориш кўзда тутилган эди. Бу тадбирларни тугатиш иккинчи босқичда кўзда тутилган эди. Учинчи босқичда (1977-1979 йй.) эса аъзо давлат ҳукуматларга тегишли баъзи ҳуқуқларни юқори муассасаларига бериш, Европа валютасини яратиш, ягона бюджет тизими, банклар ва банк қонунчилигини яратиш масалалари қўйилган эди. Ўшанда илк бор валюта молиявий муаммоларини ҳал қилиш учун умумий пул-кредит ва валюта сиёсатини уйғунлаштириш мақсадида марказ ташкил қилиш ва бу марказга банкларни бирлаштириш режалаштирилди. Интеграцион жараёндаги бир қанча силжишларга қарамай, “Вернер режаси” 1974 йилга келиб инқирозга юз тутди. Европа давлатларининг валюта-кредит сиёсати билан қўшиб олиб борилмагани туфайли кутилган самарасини бермади ва инқирозга юз тутди. Кўпгина мамлакатлар ўз валюталари курсларини белгиланган тор чегараларда ушлаб туриш учун валюта резервларини сақламасликка интилдилар.

Айтиш жоизки, Европа Иттифоқи мамлакатларини ягона Европа валюта тизимини жорий этиш борасидаги уринишлари ўз натижасини берди. Шу йўналишда Европа Иттифоқи мамлакатлари иқтисодини қисман назорат қилиш ва жаҳон валютасини эмиссия қилишининг амалга оширувчи марказий ташкилотни тузишга ҳаракатлари натижасида 1978 йил июнь ойида Бремин шаҳрида Франция ва Германия томонидан таклиф қилинган лойиҳа бир қанча қийин кечган музокаралардан сўнг 1979 йил 13 мартида Европа валюта тизими (ЕВТ) ташкил топди. Шунингдек, Европа Иттифоқи ягона

валютавий муносабатларни амалга ошириш тўғрисида келишувга 1998 йил 2 майда имзо чекди. Натижада ЕВТга аъзо давлатлар аниқланди, валюта паритети белгиланди ва валюта билан боғлиқ масалалар ниҳоясига етказилди.

Европа мамлакатлари Марказий банклари ва маҳаллий ҳукуматларнинг муносабатларида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш 5 тамойилларга асосланди (4.4-чизма).



4.4-чизма. Европа мамлакатлари, Марказий банклари ва маҳаллий ҳукуматларнинг муносабатларидаги муаммоларни ҳал этишда фойдаланиладиган тамойиллар.

Бунда биринчи тамойил, яъни Европа валютавий-сиёсий ҳамкорлик фонди ЕВФ номини олди. Бошқарув органлари эса миллий Марказий банкларнинг бошқарувчиларидан ташкил топган. Бу усул орқали ЕВФ томонидан амалга ошириладиган ўрта ва узоқ муддатли молиялаштириш жараёни кенг йўлга қўйилиши таъминланди.

Иккинчи тамойил эса ўзининг амалий фаолияти жиҳатлари бўйича биринчидан фарқланмайди.

Учинчи амалдаги бошқарув маркази эса ЕВФ бўлиб қолди ва ЕВФ ўзининг муддатли кредитлари орқали маъмурий бошқарувни (ЕМБ) ўрнатишга эришди ва шу орқали банкларнинг

валюта масалаларидаги фаолиятларини бирлаштиришга ва ўз бошқарув йўналишининг иккинчи поғонасига асос солди.

“Сун-генерис” базавий тамойилига ЕВФнинг асосланганлиги сабабли, Марказий банклар ва ҳукуматлар ўртасидаги бошқарув енгиллашди. Ушбу тамойил асосида уларга халқаро валюта бозорида воситачилик билан боғлиқ вазифалар, халқаро валюта бозорида воситачилик, ўрта ва қисқа муддатли молиялаштириш, аъзо давлатларнинг валютавий муносабатларини тартибга солиш вазифалари беркитилди.

Айтиш жоизки, Германия Бундесбанки ЕВТни боб бошқарувчиси номини олган ЕМБнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари доирасидаги масалаларни мукаммаллаштириш зарурлигини кўтариб чиқди. ЕМБнинг асосий вазифаси “Маастрихт шартномаси”га асосан нархлар барқарорлигини таъминлашга эришишдир. ЕМБнинг қолган бошқа барча вазифалари юқоридаги вазифани бажаришга қаратилди. Бунда нархлар барқарорлигини таъминлашда бозор иқтисодиётининг тамойилларига амал қилган ҳолда сиёсат юритиш ва уни рағбатлантиришга эришиш мумкин бўлади.

“Маастрихт шартномаси”га кўра ЕИ аъзо давлатлар барқарор нархлар даражаси, давлат молияси, валюта-кредит шарт-шароитлари ва тўлов баланси активлиги каби тамойилларга асосланиши муҳим деб топилмаган.

Европа Марказий банки (ЕМБ) фақат Европа Парламентининг (ЕП) комиссияси таклифларини қабул қилади. Унинг функцияларига:

– валюта операцияларини ташкил этиш;

– аъзо давлатларнинг махсус алмашинув ресурсларини сақлаш (бошқариш);

– ўзаро тўлов тизими устидан назорат ўтказиш;

– ЕИ ичида пул эмиссиясини ташкил қилиш кабилар киради.

ЕМБнинг Кенгашига ЕМБнинг дирекция ва 11та давлатнинг Марказий банклари киради. Кенгаш асосан пул

сиёсатини самарали ташкил этишни ва асосий фоиз ставкаларини тартибли бошқаришни таъминлайди, шунингдек, пул массаси устидан назорат қилади.

“Маастрихт шартномаси”нинг 7-моддасида ЕМБ ҳам, миллий Марказий банк ҳам, бошқарма органлари аъзолари ҳам ЕИнинг органлари тасарруфидаги муассасалардан ёки аъзо давлатларнинг ҳукуматлари томонидан таклиф қилинган йўриқномалар қабул қилиш ҳуқуқи берилмаган. “Маастрихт шартномаси” Евро валюта иттифоқи (ЕВИ)аъзолигига қабул қилиш шартларига амал қилишади, ЕВИ аъзолари бўлган давлатлар иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланган ва кучли бошқарув тизимига эга бўлган ҳамда белгиланган иқтисодий кўрсаткичларга эришган давлатлар бўлиши мумкин (4.5-чизма).



4.5-чизма. ЕВИ аъзо бўлиб ўтувчи барча Европа давлатлари учун мажбурий шартлар кўрсаткичлари.

Ушбу чизмада келтирилган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш ягона евро валютага ўтувчи барча Европа давлатлари учун мажбур эди. Бундай иқтисодий шартларни бажариш осон эмас. Бизга маълумки, бундай талабларга кўпчилик Европа мамлакатлари жавоб бера олмаганлар. Мисол учун, Греция, у Европа мамлакатлари валюта иттифоқига аъзо қилиб қабул қилинмаган. Шундай қилиб, юқорида келтирилган чизмада аъзолик шартларини бажариш кўрсаткичларини динамик таҳлил қилиб бориш муҳимдир.

Европа Иттифоқи иқтисодиёти, шу жумладан, ЕВТни тартибга солишнинг моддий асоси бўлиб махсус кредит механизми ҳисобланади:

Биринчидан, валюта-иқтисодий иттифоқи доирасида ташкил этилган Марказий банклар ва ЕИга аъзо мамлакатларнинг ўзаро кредитларидан актив фойдаланилмоқда. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

– Европа валюта ҳамкорлиги фондининг 45 кунлик, 3 ойга узайтириш ҳуқуқи билан, жуда қисқа муддатли кредитига;

– 3 ойлик. Икки баравар узайтириш ҳуқуқи билан, марказий банкларнинг қисқа муддатли кредитларига. Бундай хусусиятга эга бўлган иккала кредит шартсиз равишда тақдим этилади;

– Тўлов балансининг фундаментал тенгсизлигини йўқотиш учун ўрта муддатли (2-5 йилгача) кредитлар ҳам тақдим этилади. Бу давлатлараро кредитни аъзо мамлакат ЕИ Вазирлар Кенгашининг рухсати билан олишлари мумкин бўлади.

Иккинчидан, ЕВТ билан биргаликда ташкил этилган, аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланишидаги тенгсизликларни йўқотишга қаратилган ва тақдим этиладиган қўшимча кредит механизми. Бунда қуйидагилар эътиборга олинади:

– тўлов балансининг йирик дефицитга эга бўлган аъзо мамлакатларни кредитлашга мўлжалланган қўшимча қарзлари. Бу қарзлар лимити 1984 йилда 3 млрд. ЭКЮдан 8 млрд. ЭКЮга етказилди. Аммо ҳеч бир давлат ушбу сумманинг 50 фоизидан ортиғини олиши мумкин эмас;

– энергетика ва телекоммуникация соҳасидаги ҳамда кичик ва хусусий корхоналарга инвестицияларни кредитлашнинг янги инструменти 1979 йил 14 мартда ташкил этилди. ЕИнинг камроқ ривожланган мамлакатларга Европа инвестицион банкининг имтиёзлари, субсидиялари ва кредитлари берилган эди. Шунинг билан бир қаторда ЕВТнинг бу борадаги фаолликлари бир қатор камчиликлар юзага келганлиги қайд этилди, яъни:

– барча Европа валюталарини ЕВТ ўз ичига қамраб олмаганлиги;

– валютавий тебранишлар диапазони сезиларли равишда қисқарган бўлса ҳам (доллар, иена ва бошқа валюталардан фарқ қилиб), ЕВТда валюта курсларининг (1979-1993 йй. давомида 16 марта корректировка қилинди. Кучсиз валюталар (Дания кронаси, Италиян лираси, Ирландия фунти, Бельгия франки) девальвация қилинса, кучли валюталар (ГФР маркаси, Голландия гульдени) ревальвация қилиш даражасига кўтарилди.

Энг аввало, валюта бозорларида француз франки ҳужум объектига айланди. 1993 йил августида ЕВТ инқирозини олдини олиш мақсадида курсларни тебраниш чегараси ±15 % қилиб белгиланган эди.

ЕВТ аъзо мамлакатларида ЕВТнинг кучсизланишига инфляция, тўлов баланси ҳолатининг бир-биридан катта фарқланиши сабаб бўлганлиги эътироф этилган эди.

XX аср 90-йилларининг ўрталарида ЕВТни амал қилиши ташқи омиллар таъсири остида қолган эди. Жаҳон валюта тизими ва долларнинг нобарқарорлиги ЕВТга салбий таъсир кўрсатганлиги, АҚШ доллари курсининг тушиши натижасида ЕВТ мамлакатларининг валюталар курсининг ошганлиги, АҚШ доллари курсининг ошиши натижасида эса уларнинг қадрини тушиши ва бундай ҳолатлар эса валюта курсларининг солиштирилишини қайтадан кўриб чиқишга мажбурий шароит яратган эди. ЕВТ доллар таъсирини ҳозирги кунга қадар сезиш мумкин. Бунинг сабаби ЕИда халқаро ҳисоб-китобларнинг 50

%и АҚШ долларида амалга ошириб келиниши бўлиб ҳисобланмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро валюта бозорларида барқарорсизлик даво этаётган ҳозирги шароитда халқаро, шу жумладан Европа валюта тизимини ривожлантириш муҳим масала бўлиб ҳисобланади. ҳозирги кунга қадар Жаҳон ва Европа бозорида замонавий валюта муносабатларини юзага келиши Европа бозорида ягона ривожланишни кафолатловчи валютанинг вужудга келиши ва ривожланиши, пул бозорининг асосий принципи бўлиб қолмоқда. Кўпгина иқтисодчилар Европа валюта тизимининг тузилиши ва уларнинг ягона пул бирлиги бўлган евронинг муомалага киритилиши дунёда АҚШ долларининг етакчилик ролини оширишга имконият яратиб берди деб башорат қилмоқдалар. Уларнинг огоҳлантиришларига қараганда, долларга асосланган бир табақали валюта тизимидан, АҚШ доллари ва еврога ҳамкорликда асосланган икки табақали валюта тизимига ўтилиши дунё бозорида "кучли безовталанишларни" келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда.

Уларнинг таъкидлашича, ҳозир АҚШ дунёдаги кўпгина давлатларда эркин муомалада ишлатилмоқда. Келажакда Европа монетар сиёсатида барқарорликни ушлаб турувчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи, ишсизлик даражасини пасайтирувчи евронинг АҚШ доллари билан рақобат қилиши учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

– биринчидан, ЕИнинг валюта сиёсатини ишончсизлиги мустақил ЕМБ томонидан кафолатланган бўлиши лозим.

– иккинчидан, бу ҳолат "Маастрихт шартномаси" йўриқномаларининг қабул қилиниши ҳамда "иқтисодий барқарорлик битими"нинг асосини ташкил этувчи молия сиёсати билан узвий боғлиқлигини таъминлаши лозим.

– учинчидан, ҳар бир ЕИга аъзо давлатларда структуравий ислоҳотлар ўтказилишининг шартлиги. Ҳозирги кунда Европа қитъасидаги айрим мамлакатлар юқори даражадаги ишсизликни бошидан кечираётганлиги, ишсизлик даражаси

иқтисодиётни таназзулга етаклаши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда бундай омилларни бартараф этиш чорасини ишлаб чиқиш лозим.

– тўртинчидан, ҳозирда рақобатга эътиборни кучайтириш лозим. Евро валюта тизимидан олдинги тизим сиёсатида савдо баланси, тўлов баланси, халқаро валюта курси ва ҳоказолар устидан кучли назорат ўтказилган. Шу боис ҳозирда ҳам евро муомаласига мос келувчи иқтисодиётни ва индикаторларни ҳаракатга келтирувчи моделини яратиш лозим.

“Евро”нинг муваффақияти иқтисодий ўсиш, ишсизликни камайтириш, баҳоларни барқарорлаштириш орқали амалга оширилиши табиийдир. Евровалюта ўз сафини кенгайтириб бормоқда. Африка, Кариб ва Тинч океани ҳавзасининг 66 мамлакати ассоциация имзолашган бўлишса, Туркия, Кипр ва Мальтанинг ЕИга қабул қилиниши, кейинчалик эса Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларини қўшилиши ва бошқа давлатларни унга аъзо сифатида қўшилиши режалаштирилмоқда. Ўзбекистон билан ЕИ орасидаги муносабатлар ҳам ривожланиб бормоқда. Республика ТАСИС доирасида кўрсатилаётган ёрдамнинг аҳамияти сезиларли бўлиб бормоқда. Европа билан Марказий Осиё ўртасидаги транспорт йўлагини ривожлантиришга қаратилган Евроиттифоқнинг ҳаракатлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

ЕИ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1996 йил июнда имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро муносабатларда янги босқич бўлди. “Евро” пул бирлигидаги биринчи кредит Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Ўзбекистонга берилгани ҳам ЕИ томонидан Ўзбекистонни минтақадаги стратегик ҳамкор сифатида тан олинганлигидир. Ушбу кредит 15 млн. евро (30 млн. немис маркасига эквивалент) миқдорида 10,5 йил муддатда 3 йиллик имтиёзли давр мобайнида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий корхоналар лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди. Бундай иқтисодий алоқалар Ўзбекистоннинг бозор

иқтисодиёти тамойиллари асосида ҳар томонлама ривожланишига имкониятлар яратиб бермоқда.

4.6. Валюта паритети, валюта интервенцияси ва халқаро валюта муносабатларида олтиннинг тутган ўрни

Валюта бозорининг элементлари таркибида валюта паритети алоҳида аҳамиятга эга. Олтин стандарти юритилган даврда валюта курси монета паритети ёрдамида аниқланган. Бунда мамлакат пул бирликларининг олтин миқдорлари солиштирилиб, валюталар ўртасидаги нисбатан курс аниқланган. Олтин-доллар стандарти юритилган даврда барча валюталарнинг курслари олтинга ҳамда долларга нисбатан қайд этилган. XX асрнинг 70-йиллари бошларида олтинни демонетизация қилиш жараёни бутунлай тугаб, “сузиб юрувчи” валюта курсига ўтилиши билан ХВФ доирасида шундай валюта паритети қабул қилинадики, унда СДР (“Special Drawing Rights”) халқаро пул бирлиги олтин ва доллар ролини бажарган эди.

Олтин стандарти юритилган даврда валюталарнинг минимал ва максимал курслари белгиланар эди. Валютанинг минимал курси монета паритетидан олтинни ташиш билан боғлиқ харажатлар қиймати айирилганига тенглаштирилди. У қуйи ёки экспорт олтин нуқтаси деб эътироф этилди. Валютанинг максимал курси монета паритетига олтинни ташиш харажатларини қўшилганига тенг бўлганлиги боис у юқори ёки импорт олтин нуқтаси деб топилди.

Валюта савати – бу бир валютанинг бир бошқа тўпламга нисбатан ўртача ўлчанган курсини аниқлаш усулидир.

Валюта курсига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Инфляция даражаси.
2. Тўлов баланси ҳолати.
3. Турли мамлакатлардаги фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ.

4. Валюта бозорлари фаолияти ва чайқовчилик валюта операциялари.

5. Маълум валютанинг евробозор ва халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражаси.

6. “Лидз энд легз” (“Leads and legs”) тактикаси.

7. Миллий ва жаҳон бозорларидаги валютага бўлган ишонч даражаси.

8. Валюта сиёсати.

9. Сиёсий ҳолат ва кризислар шулар жумласидандир.

Кун давомида валюта бозорларида банклар жуда кўп операцияларни амалга оширишлари мумкин бўлади ва натижада банкнинг талаблари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбат унинг валюта позициясини белгиловчиси деб эътироф этилди.

Валюта позицияси очиқ ёки ёпиқ бўлади. Буни қуйидагича тасвирлаш мумкин (4.6-чизма).



4.6-чизма. Банкнинг валюта позицияси ҳолати.

Агар алоҳида олинган валюта бўйича актив (талаб)лар ва пассив (мажбурият)лар тенг бўлса, маълум валюта бўйича валюта позицияси ёпиқ, агар бу нисбат тенг бўлмаса очиқ дейилади. Агарда сотилган валюта бўйича пассив ва мажбуриятлар актив ҳамда талаблардан юқори бўлса, очиқ валюта позицияси қисқа ва агарда сотиб олинган валюта бўйича позицияси қисқа ва агарда сотиб олинган валюта бўйича актив ҳамда талаблар пассив ва мажбуриятлардан ортиқ бўлса,

валюта позицияси узун бўлиши мумкин. Очиқ валюта позицияси доимо риск билан боғлиқ бўлиб, у юқори фойда ёки зарар келтириши мумкин.

Очиқ валюта позицияси рисклар билан боғлиқ бўлганлиги учун ва очиқ позицияда юзага келиши мумкин бўлган риск банк фаолияти ва унинг ликвидлигига таъсир қилмаслиги учун очиқ валюта позиция бошқарилиб борилади.

Очиқ валюта позицияси бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарардан кўра фойданинг кўп бўлишини таъминлашга интилиш, очиқ валюта позицияси бўйича валюталарни сотиш ва сотиб олиш учун лимитлар ўрнатиш, очиқ валюта позицияси бўйича рискни камайтириш мақсадида хеджерлаш усулини қўллаш ва бошқа усуллар қўлланилиши мумкин.

Агар банкда қисқа очиқ валюта позицияси бўлса, у ҳолда мазкур валюта бўйича:

Пассивлар $\Longrightarrow$ Активлар $\Longrightarrow$ Мажбуриятлар

Талаблар

Валюта сотиш > сотиб олиш бўлади

Бу ҳолатни бошқариш учун банк очиқ валюта позицияси ёки валюта бўйича талаблар ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқни камайтириш учун валютани сотиши бўйича қарама-қарши битим тузиши лозим.

Валюта бозори ҳам бошқа бозорлар каби давлат томонидан тартибга солинади ва назорат қилиб турилади. Валютавий тартибга солиш – бу валюта операцияларини ўтказиш, мамлакат валюта захирасининг ва хўжалик фаолиятини юритаётган субъектлар валюта капиталларининг шаклланиши, валюта ҳамда экспорт назоратини амалга ошириш тартиби ва чора-тартибларини ўзида мужассамлаштиради. Валюта бозорини тартибга солиш одатда барча давлатларда Марказий банклар ва Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Миллий валюта курсининг тебранишини тартибга солишда Марказий банк валюта инвестициясидан фойдаланилади. Валютани тартибга солишнинг яна бир йўналиши – бу валюта назоратидир.

Валюта назоратининг мақсади – бу валюта қимматликлари билан операцияларни амалга ошираётганда валюта қонунчилигига амал қилишни таъминлашдир. Валюта назоратининг асосий йўналишлари бўлиб:

– бажарилаётган операцияларнинг амалдаги валюта қонунчилигига мослигини текшириш;

– керакли лицензияларнинг мавжудлигини текшириш;

– товарлар (хизматлар) экспортидан тушган валютани сотиш бўйича мажубриятларни бажарилганлигини текшириш;

– валюта операциялари бўйича ҳисоб, ҳисобот ва ҳужжатлаштиришнинг тўлиқ ҳамда объективлигини текшириш ва бошқалар ҳисобланади.

Олтин ва кумуш тарихан жаҳон пули функциясини бажариб келган бўлса-да, Париж валюта тизими (1867 йил) доирасида фақатгина олтин жаҳон пули сифатида қабул қилинган эди. Бироқ демонетизация натижасида олтиннинг аҳамияти бир- мунча камайди. Олтин демонетизацияси – бу олтиннинг пул функцияларини бажаришдан аста-секин маҳрум этишдир. Демонетизация жараёни узоқ муддатли жараён бўлиб, у қуйидаги объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқ бўлади:

– олтин пуллар замонавий товар ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермаслиги;

– кредит муносабатлари ривожланиши билан кредит пуллар – банкнота, вексель, чеклар аста-секин олтинни аввал ички пул муомаласидан кейин эса халқаро валюта муносабатларидан сиқиб чиқарилиши;

– олтин муомаласининг давлат томонидан тартибга солиниши – унинг демонетизациясини тезлаштирилиши;

– субъектив омиллар сифатида АҚШнинг валюта сиёсатининг юритилиши.

АҚШ валюта сиёсатининг стратегияси долларнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида олтинни жаҳон валюта тизимининг асоси сифатида дискредитация қилишга йўналтирилганлиги бўлиб ҳисобланган. АҚШ долларининг қадрсизланиши, олтиннинг реал захира активи сифатидаги мавқеи ўсишига имкон берган бўлса, унда ХВФ АҚШ таъсири остида АҚШ долларининг рақиби – олтин демонетизациясини тезлаштириш сиёсатини кучайтиришни назарда тутади.

Олтин демонетизациясининг икки жиҳати юридик ва ҳақиқий жиҳатдан фарқланади. Ямайка валюта ислоҳоти натижасида демонетизацияга юридик якун ясалди. ХВФнинг ўзгартирилган низомида валюта курси ва паритетини аниқлашда олтинга ихтиёрий таяниш истисно қилинган олтин паритети ва олтиннинг расмий баҳоси бекор қилинди. Олтиннинг расмий баҳоси бекор қилиниши муносабати билан марказий банкларга олтин захираларининг 31 август 1975 йил ҳолатига бўлган даражасини икки йил давомида ошириш тақиқлаб қўйилди. Аммо ХВФ низомида олтин халқаро захира активи сифатида сақланиб келинмокда ёки ҳозиргача олтин демонетизацияси якунланмаган. Олтиннинг аҳамияти тўғрисидаги масала қонуний актлар ва қатъий қарорлар билан эмас, балки товар ишлаб чиқариш, жаҳон хўжалиги ва валюта муносабатларининг реал шароитлари билан ифодаланади.

Олтин демонетизацияси жараёнининг давомлилиги ва қарама-қаршилиги, унинг баҳолар даражасида хилма-хилликни вужудга келтиради.

Шундай қилиб, валюта муҳитидаги олтиннинг аҳамияти:

Биринчидан, кредит пуллар олтинни ички ва халқаро муомаладан сиқиб чиқаришда олтиннинг тўғридан-тўғри товарларга айирбошланиши тўхтатилди, баҳоларни олтинда белгилаш бекор қилинди. У товар ишлаб чиқарувчилар иқтисодий алоқаларида тўлов ва муомала воситаси сифатида тўғридан-тўғри хизмат қила олмади. Аммо олтин иқтисодий айланмасидаги ўзининг муҳим аҳамиятини: фавқулодда жаҳон

пуллари, халқаро кредитлар таъминотини бойлик манбаи сифатида сақлаб қолмоқда.

Иккинчидан, олтиннинг муомаладан чиқиши билан пулнинг хазина функцияси янги ҳолатлар билан тавсифланишидир. Хазиналар вақтинчалик пул муомаласини тартибга солувчи сифатида ишлатилмай қўйди. Чунки олтин кредит пуллар каби автоматик тарзда хазинадан муомалага ва аксинча ҳаракатлана олмайди. Лекин бу ўзгаришларга қарамасдан, олтиннинг бу функцияси сўниб қолмади: муҳим ўзгаришларга қарамасдан, олтиннинг ички ва жаҳон бозори билан алоқаси сақланиб қолди.

Олтиннинг табиий хоссалари – бир хиллик, бўлинувчанлик, чидамлилик, узоқ сақланувчанлик – жаҳон пулларига қўйиладиган талабларга кўпроқ мос келади.

Олтиннинг жаҳон пули сифатидаги функциясида ҳам ўзгаришлар юз берди:

– олтин билан бўладиган халқаро ҳисоб-китобларни чеклаш жараёни унинг бу соҳада тўғридан-тўғри ишлатилиш зарурати йўқолишига олиб келди;

– олтин жаҳон пули сифатида унинг уч белгисини сақлаб келмоқда – умумий сотиб олувчи бўлиб хизмат қилиш, тўлов воситаси бўлиб хизмат қилиш, тўлов воситаси бўлиб хизмат қилиш ва умумхалқ бойлигининг моддийлашуви. Олтин ҳозир ҳам жаҳон бозорларида умумий товар бўлиб ҳисобланади. Олтинга эга бўлиб, олтин бозорларида зарур валютани сотиб олса бўлади, унга эса исталган товарни сотиб олиш ёки уни тўлаш орқали қарзни узиш мумкин. Танглик ҳолатида фавқулодда жаҳон пули сифатида олтиннинг аҳамияти ошади.

Олтиннинг юридик демонетизациясига қарамай, у халқаро валюта-кредит муносабатларида муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, олтин захираларининг аҳамиятини ҳисобга олган давлатлар иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қийинчиликлар учун олтин захираларини маълум бир даражада ушлаб туришга интилса, иккинчидан, ўзларининг олтин захираларидан “Своп” битимлари учун тўлов баланси тақчиллигини қоплаш мақсадида

халқаро кредитлар (1970 йиллар ўртасида Италия, Португалия, Уругвай, 1980 йилларда ривожланаётган мамлакатлар)ни таъминлаш ва ташқи қарзларни тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлди. Баъзи ҳолларда олтиннинг бир қисми валюта захираларини тўлдириш учун сотилди (масалан, Англия банки ХВФ XX асрнинг сўнгги йиллари ва XXI асрлар бўсағасида).

ЕВИга аъзо мамлакатларнинг 20 фоиз олтин захиралари ЭКЮ эмиссиясига қисман таъминот бўлиб хизмат қилди. Олтин евро эмиссиясини 1999 йилдан амалга ошираётган ЕМБнинг активлари (10-15 фоиз миқдори)да сақланиб қолди.

Учинчидан, демонетизация сиёсатига қарши олтиннинг марказий банклар (1994 йилдан), Европа валюта институти (1998 йилдан) ЕМБ ўртасида қисман ишлатилиши учун Европа валюта иттифоқи ташкил қилинди. Шу тарзда олтин металл валютанинг маълум сифатларини, яъни фавқулодда жаҳон пуллари вазифасини ҳозиргача сақлаб келмоқда.

Таянч сўз иборалар

Валюта, валюта позицияси, Европа валюта, Валюта курси, Валюта муносабатлари, валюта сиёсати, валюта операциялари.

Такрорлаш учун саволлари

1. Банкнинг валюта позициясига нималар киради.
2. Миллий валюта тизими нима?
3. Валюта муносабатларини изоҳлаб беринг.
4. Валюта интервенцияси нима?

5-боб. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

5.1. Валюта операциялари ва уларнинг иқтисодий моҳияти

Валюта операцияларини амалга ошириш йўлидаги дадил қадамлар халқаро валюта муносабатларига тўлиқ жавоб бера олиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки валюта операцияларининг вужудга келиши учун объектив асос бўлиб, ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати аниқ белгилаб олиниши жиддий масала бўлиб келмоқда. Халқаро даражада экспорт-импорт операцияларининг юзага келишига валюта операцияларининг асосий сабабларидан биридир. Валюта муносабатларини глобаллашуви ва валюта операцияларининг кенг кўламда ривожланиши банкларнинг ушбу шароитда эркин ҳаракат қилишга имконият яратиб беради.

Айтиш жоизки, миллий иқтисодиётни фақат шу мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан барча эҳтиёжларни қондириб бўлмайди. Шу боис, мамлакатлар ўртасида экспорт-импорт операцияларини амалга ошиши учун шароит мавжуд бўлиши лозим. Бунда валюта бозорларининг аҳамияти миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашиб бориши билан валюта операциялари ҳам тартибга солиб борилади.

Валюта операциялари тушунчасининг иқтисодий моҳияти, илмий-назарий асослари, валюта муносабатларининг ривожланиш босқичлари ва уларнинг ташқи иқтисодий алоқаларга таъсири методологик жиҳатдан таҳлил қилиниши муҳимдир. Валюта операциялари ва у билан боғлиқ бўлган жараёнлар масаланинг ўрганилганлик даражаси қайд этилганидан, бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Аммо уларнинг кўпчилиги (ғарб иқтисодчи-олимлар) ушбу масаланинг иқтисодий моҳиятига алоҳида эътибор қаратишмаган. Айниқса, ушбу валюта операцияларини Республикамиз олимлари томонидан ҳозирги кунга қадар нисбатан саёз тадқиқ этилганлиги унга нисбатан алоҳида изланиш олиб борилишини долзарб қилиб қўяди. Мана шуларни эътиборга олиб, ушбу масалага валюта операциялари тушунчасининг иқтисодий моҳиятини бугунги кун нуқтаи назаридан қиёсий баҳолаш муҳим бўлиб ҳисобланади. хусусан, валюта операциялари, валюта муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари бир қатор Ғарб классик иқтисодчи намоёндалари Ж.М.Кейнс, М.Фридман ва бошқаларнинг асарларида, кейинчалик эса ушбу мактаб вакиллари ҳисобланган Кемпбелл, Р.Макконел, Стенди Л.Брю, С. Фишер ва бошқа таниқли иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахобов, Н.Жумаев, Т.С.Расулов ва бошқалар ўзларининг асарларида ҳамда илмий изланишларида асосий эътиборни валюта муносабатларига ва валюта операцияларининг муҳим элементи ҳисобланган валюта курси ва у билан боғлиқ бўлган муносабатлар жараёнларига қаратадилар.

Айнан ушбу тушунчанинг иқтисодий моҳиятини ўрганишга қаратилган илмий ишланмалар, кўплаб рус иқтисодчи олимларининг, жумладан, О.И.Лаврушин, Л.Н.Красовина, Е.Ф.Жуков ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Валюта муносабатлари механизмининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган валюта операцияларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, унинг кассали, муддатли (форвард, фьючерс, опцион) ва своп турларини тадқиқ этиш, улардан валюта операциялари бўйича хатарлардан ҳимояланишнинг муқобил вариантлари сифатида фойдаланиш муҳимдир (5.1-чизма).

Бунда валюта операцияларининг объекти сифатида белгиланган экспорт-импорт алоқалари ҳамда капиталлар ва

кредитлар ҳаракати – валюта муносабатлари тизимининг ташқи иқтисодий алоқаларга таъсирини белгилашда бош мезон қилиб олиш муҳимдир. Ушбу мезонга асосланган ҳолда, валюта муносабатларининг экспорт-импорт алоқаларига таъсирининг таҳлили уч босқичга бўлиб ўрганилиши лозим.



5.1-чизма. Валюта операциялари бўйича муқобил валюта шартномаларини танлаш вариантлари.

Биринчи босқич даври (буни тайёргарлик босқич дейиш ҳам мумкин) 1990-1995 йиллар валюта муносабатлари тизимидаги ислоҳотлар жараёнлари ва кескин ўзгаришлар даври бўлди. Хусусан, миллий валютани тайёрлаш, уни сақлаш ва муомалага киритиш билан боғлиқ ташкилий-техникавий муаммолар билан боғлиқ қийинчиликлар даври бўлди. Ушбу

босқич даврида валюта муносабатларини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 апрелдаги 195-сонли қарорига кўра, 1994 йил 15 апрелдан бошлаб корхоналарнинг хорижий валютадан тушган тушумларига белгиланган 15 фоизли солиқ тўлаш тартиби бекор қилинди. Ўша йилнинг 1 майидан бошлаб собиқ иттифоқнинг хўжалик субъектлари ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар эркин айирбошланадиган валютада ёки клиринг тўловлари асосида амалга оширилиши белгиланди. 1994 йил 17 июнда "Корхоналар экспорт фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги №ПФ-872-сонли Президент Фармони мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналар учун, агар улар ишлаб чиқариш фаолиятларида экспорт маҳсулотларининг улуши 30%дан кам бўлмаса, ўша вақтда амалда бўлган даромад солиғига нисбатан 2 баравар кам ставкада даромад солиғи тўлашлари белгиланди.

Шунингдек, мазкур фармон ўз маҳсулотларини эркин айирбошланадиган валюталарга экспорт қилаётган барча ишлаб чиқариш субъектларига амалдаги божхона тўловларининг 50%гача пасайтирилган имтиёзли бож тўловларини амалга ошириш ҳуқуқини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги №ПФ-1193-сонли "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички конвертациясини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи, хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг марказлаштирилган экспорт маҳсулотлари рўйхати таркибига киритилган товарларни ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларига ўз маҳсулотларини реализация қилишдан олган валюта тушумларини ички валюта бозорида устувор айирбошлаш имкониятларини яратган эди.

Иккинчи босқич 1996-2000 йилларни ўз ичига олди. Валюта тушумларини ошириш ва тартибга солиш, ташқи савдони лицензиялаш, валюта бозорини эркинлаштириш, валюта билан савдо қилиш тартибларини қатъийлаштириш ноқонуний ваюлта операцияларини олдини олиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши билан боғлиқ бўлди. Ушбу чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадида қуйидаги Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 204 мартдаги №ПФ-1411-сонли "Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши ташқи иқтисодий алоқаларда экспортни кредитлаш, табақалаштирилган бож ставкаларидан фойдаланиш ва имтиёзли солиқ солиш механизмларининг сезиларли даражада рағбатлантирилишига имконият яратди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартдаги 95-сонли "Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш жараёнида хорижий валюталардан самарали фойдаланишнинг назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори импорт шартномаларини (битимларини, келишувларини) комплекс равишда ҳисобга олиш ва уларни мақбуллаштириш тизимини вужудга келтирди. 1997 йил 10 октябрда қабул қилинган №ПФ-1871-сонли "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган айрим товарлардан ташқари, бошқа барча товарлар (ишлар, хизматлар) учун лицензиялаш механизмига чек қўйди. 1998 йил 18 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони товарлар (ишлар, хизматлар) импортини бошқаришнинг тарифли тизимига асос солди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 июлда "Биржадан ташқари валюта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

Фармони тижорат банкларининг биржадан ташқари валюта бозоридага савдо операциялари бўйича қатьий белгиланган 12%ли банк маржасининг бекор қилинишини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги 174-сонли қарорига асосан, экспорт товарларини эркин айирбошланадиган валютага сотишнинг товар хомашё биржаси механизмига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори хорижий валюталарни биржадан ташқари валюта бозорида сотиш, хўжалик субъектларининг бўш валюта маблағларини эркин курс бўйича харид қилиш ҳамда махсус лицензия бўйича импорт истеъмол товарларини олиб келиб сотишдан олинган сўмдаги маблағларни эркин курс бўйича конвертация қилиш имкониятларини яратди. 2000 йил 30 июндаги 250-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори ваколатли банкларга биржадан ташқари валюта бозоридаги савдоларда хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш курсларини мустақил тарзда белгилаш ҳуқуқини берди.

Учинчи босқич даври 2001 йил ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олди. Бунда миллий валютамиз "Сўм"нинг жорий операциялар бўйича эркин конвертациясини таъминлаш бўйича чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилиши билан эътироф этилди. Бунда, валюта курсларининг бирхиллаштирилиши, валютавий чекловларнинг бекор қилиниши, валюта тушумларидан амалга ошириладиган мажбурий сотув тизимининг такомиллаштирилиши, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашда чет эл валютасидан фойдаланилиши, чет эл валютасида кредитлар ажратилиши, хорижий инвестицияларнинг рағбатлантирилиши, божхона режимининг эркинлаштирилиши ва экспорт-импорт шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимларининг соддалаштирилиши муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 17 январдаги 34-сонли “Валюта айирбошлаш операцияларини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ваколатли банкларга хорижий валюталарни ўзларининг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали эркин сотиш ва сотиб олиш имкониятларини кенгайтирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги “Божхона режимини янада эркинлаштириш тўғрисида”ги Фармонига асосан, 2001 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахсларнинг (шу жумладан, норезидентлар) улар олиб кирган нақд хорижий валютанинг 10000 АҚШ долларидан ортиқ бўлган қисмига нисбатан ўрнатилиб келинган 1%ли бож тўлови йиғими бекор қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил июнь ойидаги 263-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бўйича микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортидан тушган валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли “Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, биржадан ташқари валюта бозори савдоларини янада ривожлантириш, унда қатнашувчилар сонини кенгайтириш, банклараро савдо сессиялари ҳажмини ўстириш, валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, ташки савдо операциялари бўйича божхона тўловлари ва ҳисобларини ҳисоблаб чиқариш тартибини мақбуллаштирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги ПФ-3022-сонли Фармони хўжалик юритувчи субъектларга товарларни (ишларни, хизматларни) эркин айирбошланадиган валюталарга экспорт қилишда аккредитив очмасдан сотиб олувчи банкининг кафолатини ёки экспорт шартномасига олинган суғурта полисини тақдим этиш имкониятини яратди. Ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини жадаллаштириш ва Республикага импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва

сотиш тизимини янада такомиллаштиришнинг кенг чора-тадбирларини ўз ичига қамраб олган “Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2002 йил 20 август 295-сонли) ўша вақтгача амалда бўлган тайёр истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга сўмларни эркин айирбошланадиган валютага конвертация қилишнинг лицензияланган тартибига бутунлай чек қўйди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 260-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва айирбошлаш курсларининг бирхиллаштирилишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори импорт қилинаётган истеъмол товарлари ва хизматларнинг (шу жумладан, транспорт ва алоқа хизматларининг) реализация қилинишидан тушадиган сўмдаги тушумларни банкларараро савдо сессияларида шаклланадиган эркин курс бўйича конвертация қилинишига ва барча валюта курслари орасидаги нисбатларнинг мувозанатлашишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2002 йил 27 июндаги ПФ-3099-сонли Фармонининг қабул қилиниши муносабати билан ягона тўлов воситаси сифатида миллий валютани мустаҳкамлаш ҳамда унинг харид қобилиятини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валюта муомаласи тўғрисида амалдаги қонунчилик талабларини сўзсиз бажариш мақсадида 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик ҳамда жисмоний резидент ва норезидент шахслар томонидан барча турдаги товарлар, ишлар ва хизматлар ҳақини тўлашда нақд хорижий валюта билан ҳисоб-китоб ва тўловларни амалга оширишлари тасдиқланди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона

қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги юридик ва жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудида нақд хорижий валюта муомаласи тўғрисидаги амалдаги қонунчилик сўзсиз бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатди, қонунбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий чоралар қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши натижасида кейинги йилларда валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилгани қайд этилди.

Мақбул миқдорда ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган сиёсат Ўзбекистоннинг мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган ишончли, тўловга лаёқатли халқаро шерик сифатидаги имиджини таъминлади, кейинчалик валюта курсини либераллаштириш учун зарур олтин-валюта захирасини шакллантириш, валюта ресурсларини реал иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификация қилишнинг устувор соҳаларига йўналтириш, жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатиш имконини берди.

Шу билан бирга, валюта муомаласи соҳасининг ҳаддан зиёд маъмурий тартибга солиниши алоҳида тармоқлар ва хўжалик юритувчи субъектлар учун имтиёз ва преференцияларнинг асоссиз равишда кам самарали бўлган тизимини шакллантирди, бизнес юритишда тенг бўлмаган шарт-шароитларнинг вужудга келиши ва рақобатнинг бозор тамойиллари бузилишига олиб келди, хорижий инвестицияларни жалб

қилишда, товарлар ва хизматлар экспортини оширишда, умуман, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида тўсқинлик қилувчи омилга айланди.

2017-2021 ларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, республика экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

– биринчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш;

– иккинчидан, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш;

– учинчидан, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш;

– тўртинчидан, сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш;

– бешинчидан, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий қилиш;

– олтинчидан, монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш;

– еттинчидан, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни қўллаш ҳисобига ошириш;

– саккизинчидан, валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

– тўққизинчидан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасига валюта сиёсатини либераллаштиришнинг салбий оқибатларини камайтириш имконини берадиган ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ушбу фармон орқали 2017 йилнинг 5 сентябридан:

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар (товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характерига эга бўлмаган ўтказмалар) бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олишлари мумкин бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банкларининг

валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўлимларида сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича амалдаги тартибга асосан сотиб олиши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатишига имконият яратилди.

Истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобварақлар орқали сотиб олишга рухсат берилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди.

Чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликлари ўз банк ҳисобварақларидаги чет эл валютасини нақд кўринишида олиши учун шарт-шароит яратилди.

Бундан ташқари, 2017 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга асосан, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб:

жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 2 000 (икки минг) АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетишда ёзма равишда мажбурий декларация тақдим этиш тартиби енгиллаштирилди;

тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетишларига рухсатнома бериши бекор қилинди.

Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиши эквивалентда 5 000 (беш минг) АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган сумма доирасида ҳеч қандай рухсатномаларсиз амалга оширила бошланди.

Белгиланган суммадан ортиқча маблағни олиб чиқиб кетиш:

резидентлар томонидан — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси асосида;

норезидентлар томонидан — Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида тўлдирилган йўловчи божхона декларацияси асосида амалга оширилади, декларацияда нақд хорижий валюта суммаси олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий валюта суммасидан кам бўлмаган миқдорда кўрсатиладиган бўлди.

Норезидентлар — республикада белгиланган тартибда ташкил қилинган мусобақалар, танлов ва олимпиадаларнинг совриндорлари ёки қатнашчилари томонидан белгиланган суммадан ортиқча нақд хорижий валюта олиб чиқиб кетилаётганда нақд хорижий валюта олинганлигининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат улар томонидан ушбу нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетиш учун асос бўлди.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига нақд хорижий валютани олиб киришлари чекловларсиз амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 2 000 (икки минг) АҚШ долларидан ошадиган суммадаги нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш чоғида нақд хорижий валютанинг жами суммаси ёзма равишда декларация қилинди.

Валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта савдоларида операциялар ўтказилишини соддалаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг2003 йил 11 июнда “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 260-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан, 2003 йил 16 июндан бошлаб импорт истеъмол товарлари ва хизматларни (шу жумладан транспорт ва алоқа) сотишдан олинган сўмдаги тушумни эркин муомаладаги валютага конвертация қилиш шаклланаётган талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланган тартибда банкларараро савдо сессияларида белгиланадиган курс бўйича амалга оширила бошланди.

Кўп ўтмай, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш ва жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилинишини таъминлаш мақсадидаЎзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги “Ички валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 317-сон қарори қабул қилинди.

2005 йил 28 майда эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 610-сонли қарори билан “Очиқ валюта мавқеини юритиш” қоидалари тасдиқланди. Мазкур Қоидалар валюта хатари (риски) меъёрларини (очиқ валюта позициялари лимитларини), уларни ҳисоблаш, тартибга солиш ва Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларининг ўрнатилган очиқ валюта позициялари лимитларига риоя этишлари устидан назоратни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 379-сонли “Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ушбу қарорга асосан, 2013 йил 1 январдан бошлаб товарларни декларациялаш механизмини жорий этиш уларнинг амалда божхона ҳудудига олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки декларация тақдим этиш йўли билан амалга оширилиб, импорт контрактларни божхона органларида ҳисобга қўйиш бекор қилинди.

Энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 Январдаги “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1914-сон ҚарориЎзбекистон Республикаси ҳудудида бирдан-бир қонуний тўлов воситаси бўлмиш миллий валютанинг мақомини янада мустаҳкамлаш, нақд хорижий валютанинг муомала доирасини тартибга солиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни сўзсиз бажариш, шунингдек валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилди. Қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг 2013 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — жисмоний шахсларга ваколатли банклар томонидан хорижий валютани халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — жисмоний шахсларга нақдсиз хорижий валютани сотиш ваколатли банклар ва уларнинг филиаллари биноларида қуйидаги тартибда амалга оширила бошланди:

– Ўзбекистон Республикасининг резиденти — жисмоний шахс ваколатли банкда ўрнатилган тартибда халқаро тўлов картасини очиш;

– Ўзбекистон Республикасининг резиденти — жисмоний шахс хорижий валютани сотиб олиш учун ваколатли банкка шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, яшаш гувоҳномаси ёки ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий билет)ни, шунингдек валюта айирбошлаш операциясини амалга ошириш учун депозит ҳисобида миллий валютадаги зарур пул маблағлари мавжуд бўлган шахсий пластик банк картасини тақдим этиш;

– ваколатли банк шахсий пластик банк картасида миллий валютадаги пул маблағлари етарли эканлигини текширади, хорижий валютани операция амалга оширилган куни белгиланган айирбошлаш курси бўйича халқаро тўлов картасига

ўтказади ҳамда жисмоний шахсга хорижий валютани сотиб олганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги маълумотномани бериш орқали.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — жисмоний шахслардан ва норезидентлардан хорижий валютани сотиб олиш ваколатли банклар томонидан, қоида тариқасида, ваколатли банклар ва уларнинг филиаллари биноларида, аэропортларда, темир йўл вокзалларида, меҳмонхоналарда, ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқароликни белгилаш бошқармалари (бўлимлари)да, шунингдек божхона постларида жойлашган айирбошлаш шохобчалари орқали чекланмаган миқдорда амалга оширилиши қайд этилди.

Валюта муносабатларининг капиталлар ҳаракатига таъсирининг таҳлили ҳам амалга оширилиши зарурий шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида капиталлар ҳаракати асосан инвестициялар шаклида юз бергани учун, биз уларни шу нуқтаи назардан тадқиқ этишни муҳим деб ҳисоблашимиз мумкин. Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, Республикадаги инвестицион фаолликни рағбатлантириш мақсадида, инвестицион товарларни импорт қилувчи ишлаб чиқариш субъектларига расмий валюта бозорида яратилган имтиёзли шарт-шароитлар ушбу ишлаб чиқарувчилар фаолиятини 2005-2018 йиллар давомида маълум маънода субсидияланишига олиб келди. Бундай субсидиялар ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши, ўз навбатида, расмий айирбошлаш курсининг ҳам ошиб боришига ўз таъсирини кўрсатди. Миллий валюта айирбошлаш курсининг ўсиши ички инвестициялар ҳажмида давлат инвестицияларининг машинасозлик, енгил ва маҳаллий саноатда, нодавлат инвестицияларининг эса ёнилғи-энергетика комплексларида камайишига олиб келди. Ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган ялпи ички инвестициялар ҳажмида ҳам давлат инвестициялари бўйича худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Шу ўринда, айтиш лозимки, 2016-2018 йиллар республикамиз учун янги бурилиш даври бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига (2017 йил 7 февраль) мувофиқ, илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш, экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш каби масалаларни амалда қўллашга кенг имкониятлар яратиб берилди.

Валюта муносабатларининг кредитлар ҳаракатига таъсирининг асосий жиҳатлари қуйидагилар билан изоҳланади. Таҳлил қилинган даврларда ўзлаштирилаётган хорижий кредитларнинг асосий қисми Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ), Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК), Германиянинг “КФВ” банки, “Банкгезельшафт Берлин” банки, Эроннинг Тараққиёт Экспорт банки ҳамда Кроссроудз каби йирик компанияларнинг ҳиссасига тўғри келади. Ушбу банклар томонидан ажратилган кредитларнинг аксарияти иқтисодиётнинг қўшимча қиймат яратадиган ишлаб чиқариш тармокларига йўналтирилган.

5.1-жадвал

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби[57]

Кўрсаткичлар	2017 йил		Маълумот учун: жамига нисбатан %да		
	Млрд. сўм	Жамига нисбатан %да	2005 й.	2010 й.	2015 й.
Асосий капиталга инвестициялар	68423,9	100	100	100	100
Шу жумладан, маблағлар ҳисобидан молиялаштирилди:					
Республика бюджети	3474,5	5,1	12,3	5,6	4,5
Корхона ва аҳоли маблағлари	30430,8	44,5	57,5	49,0	52,9
Банк кредити ва бошқа қарз маблағлари	9127,0	13,3	3,8	9,7	11,8
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	17146,5	25,1	21,7	28,3	19,9
Бюджетдан ташқари жамғармалар, тикланиш ва тараққиёт ҳамда суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси қўшган ҳолда	-	-	4,8	7,4	-
Давлат мақсадли жамғармалари, болалар спортини ривожлантириш ва реконструкция қилиш жамғармасини қўшган ҳолда	8245,1	12,0	-	-	10,9

[57]Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида мамлакатимизда асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши жаминнинг тўртдан бир қисмидан ҳам ошиб борган.

Ўтган 2016 ва 2017 йиллар давомида алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмига эътибор берадиган бўлсак, ўсиш тоғ-кон саноати, ахборот ва алоқа, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда бошқа фаолият объектларида кузатилган (5.2-жадвал). Ишлаб чиқариш ва ташиш ҳамда сақлаш фаолиятларида эса сезиларли пасайиш кузатилган.

5.2-жадвал

Алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми

Кўрсаткичлар	2016 йил		2017 йил	
	Млрд. сўм	Жамига нисбатан %да	Млрд. сўм	Жамига нисбатан %да
Жами	10611,4	100	17146,5	100
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	171,8	1,6	189,8	1,1
Тоғ-кон саноати	3296,6	31,1	9735,5	56,8
Ишлаб чиқариш саноати	2905,4	27,4	2533,5	14,8
Электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво	1306,3	12,3	391,1	2,3
Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш	318,8	3,0	277,5	1,6
Ташиш ва сақлаш	1390,0	13,1	1463,8	8,5
Ахборот ва алоқа	761,3	7,2	1490,0	8,7

5.2-жадвалнинг давоми

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	182,9	1,7	515,4	3,0
Бошқа фаолият турлари	277,4	2,6	549,9	3,2

Умумий ташқи қарз асосий қарз ва фоизларни тўланиши талаб қилинадиган норезидентлар олдидаги резидентларнинг мажбуриятларини акс эттиради. Умумий ташқи қарз давлат ва хусусий секторнинг қарзларини ўз ичига олади.

Умумий ташқи қарз ўзгаришининг таҳлили 2012-2015 йиллар давомида ҳам давлат, ҳам хусусий секторда қарздорликнинг ўсиши кузатилганлигини кўрсатди. Бироқ 2016 йилдан бошлаб хусусий сектор томонидан ташқи қарзнинг сўндирилиши унинг жалб қилинишидан юқори бўлмоқда ҳамда дастлабки баҳоларга кўра ушбу ҳолат 2018 йилнинг охиригача ҳамда 2019 йилда сақланиб қолади. Айни вақтда ушбу ҳолат мамлакатнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатишида, ташқи қарз бўйича тўлов қобилиятида, ташқи қарзнинг экспорт билан қопланганлик даражасида ва ташқи қарзнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмида ортиб бораётганлигида яққол сезилади. Хусусан, 2018 йилда давлат ташқи қарзининг ўсиш суръатлари ўтган даврларга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди ва мавжуд маълумотларга асосан юқори ўсиш суръатлари кейинги йилда ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда. Ушбу ўсиш давлат мақсадли дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида янги ташқи қарзлар жалб қилиниши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг ҳажми 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 16,4 млрд. долларни ташкил қилиб, 2018 йилнинг бошига нисбатан 4,2% ёки 664,3 млн. долларга ўсди (5.3-жадвал).

5.1-диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг динамикавий қаторлари[58]

(Даврнинг охирига)

млрд. долл.



5.4-жадвалда жалб қилиш муддатлари бўйича ташқи қарзни таснифланиши келтирилмоқда.

2018 йилнинг 9 ойи учун жами қарздорликнинг ўсиши давлат секторига тўғри келмоқда (1,1 млрд. долл.), шу билан бирга хусусий секторнинг қарздорлиги 466,2 млн. долларга камайди. Шундай қилиб, давлат ташқи қарзи давлат лойиҳаларини молиялаштириш учун янги қарз олишларни жалб қилиш ҳисобига ўсиш тенденциясини сақлаб қолди.

[58]2018 йилнинг бошида ташқи қарзни ҳисоблаш методологияси қайта кўриб чиқилган эди ва 2018 йилдан бошлаб ташқи қарз олишлар бўйича қарздорликнинг қолдиғини ҳисоблашда ҳисоблаб чиқилган, аммо тўланмаган фоизлар ҳам ҳисобга олинмоқда.

5.3-жадвал

Умумий ташқи қарзнинг тузилмаси ва ўзгариши[59]

(иқтисодиёт секторлари бўйича, млн. долл.)

Иқтисодиёт сектори	Қуйидаги саналар ҳолатига кўра қарздорлик			Салмоғи	2018 йилнинг 9 ойи учун ўзгариш
	01.01. 2017 г.	01.01. 2018 г.	01.10. 2018 г.		
Жами	**14 623,6**	**15 776,4**	**16 440,7**	**100%**	**664,3**
Давлат ташқи қарзи	6 474,9	7 600,0	8 730,5	53%	1 130,5
Хусусий ташқи қарз	8 148,7	8 176,4	7 710,2	47%	-466,2
Бош компания-ларидан	*1 377,1*	*1 304,9*	*1170,3*	*15%*	*-134,6*
Хусусий ташқи қарздаги секторларнинг улушлари					
Нефть, газ ва энергетика сектори	6 097,0	6 149,7	5 614,5	73%	-535,2
Телекоммуникация сектори	1 152,8	965,6	750,3	10%	-215,3
Банк сектори	450,2	579,7	775,3	10%	195,7
Тўқимачилик сектори	112,4	119,9	127,0	2%	7,1
Бошқа секторлар	336,4	361,6	443,0	6%	81,5

[59]Давлат ташқи қарзи давлат томонидан жалб қилинган қарз ва давлат кафолати остида олинган қарздан иборат. Хусусий ташқи қарз хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан давлат корхоналарининг, давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарзидан иборат.

5.4-жадвал

Жалб қилиш муддатлари бўйича ташқи қарзнинг таснифланиши[60]

(2018 йилнинг 1 октябри ҳолатига кўра)

Қарзни жалб қилиш муддати	**Қарздорлик суммаси** *(млн. долл.)*	**Салмоғи** *(%)*
1 йилгача	127,0	0,8%
1 йилдан 5 йилгача	1 091,1	6,6%
5 йилдан 10 йилгача	1 075,0	6,5%
10 йилдан ортиқ	14 147,5	86,1%
ЖАМИ:	16 440,7	100 %

Таъкидлаш лозимки, 2018 йилнинг 9 ойи давомида хусусий сектор томонидан жами 536,3 млн. доллар миқдордаги ташқи қарз жалб қилинди. Қарзни жалб қилиш асосан банклар – 340,0 млн. долл., улардан 241,2 млн. долл. – давлат улушига эга банклар, 57,8 млн. долл. – нефть, газ ва энергетика сектори корхоналари, 25,3 млн. долл. – тўқимачилик соҳаси корхоналари ва 113,3 млн. долл. – иқтисодиётнинг бошқа секторлари корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек хусусий сектор қарзи бўйича 2018 йилнинг 9 ойи давомида 962,6 млн. долл. миқдордаги асосий қарз ва 225,9 млн. долл. миқдордаги фоизларнинг тўлови амалга оширилди. Давлат ташқи қарзи бўйича эса мос равишда 303,7 млн. долл. ва 122,8 млн. долл. тўлаб берилди.

Бунда асосий қарзни сўндиришнинг сезиларли ҳажми нефть, газ ва энергетика сектори (645,8 млн. долл.), шунингдек банк (151,4 млн. долл.) ва телекоммуникация сектори (118,8 млн. долл.)га тўғри келмоқда. Нефть, газ ва энергетика сектори корхоналари томонидан 187,4 млн. доллар миқдордаги фоизлар тўланган.

[60]Қарздорликни таснифлаш қарз олишларни сўндиришнинг бирламчи муддатларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган давр давомида Республиканинг ялпи ташқи қарздорлик кўрсаткичлари ўсиш тенденциясига эга. Ялпи ташқи қарзнинг ЯИМга нисбатан ошиб бориши расмий валюта курси ўзгариши бўйича аста-секин кечган бўлса, индикатив курс (расмий, тижорат ва қора бозор курсларининг ўртача олинган курси) бўйича кескин ошган.

Хорижий валюта захираларининг диверсификацияланиши ҳам ҳамон пастлигича қолмоқда. Валюта захираларининг сезиларли қисми АҚШ долларида шаклланганлиги бир томонлама қисқа ёки узун позицияларининг, айниқса, ҳозирги кунда қисқа валюта позицияларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг АҚШ доллари курсининг ўзгаришига боғлиқ баланс зарарларини юзага келтириб чиқариши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, валюта атамаси ҳар томонлама илмий асосланиб берилган бўлса-да, хорижий валютада амалга ошириладиган операцияларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш учун унинг нималардан ташкил топиши мумкинлиги ҳақида ҳам тушунчага эга бўлиш муҳимдир. Хорижий валютага “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида (1993 йил) аниқлик киритилган, яъни унга мувофиқ хорижий валюта хориж давлатларида муомалада юрувчи ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланадиган пул бирликлари, шунингдек, муомаладан олинаётган ёки олинган бўлса-да, республикамиз пул бирликларига айирбошланиши кўзда тутилган банкнотларни ва чет эл давлатларининг пул бирликлари ва халқаро пул бирликларининг ҳисобварақлардаги ва депозитлардаги маблағларини акс эттиради[61].

Ушбу қонунга мувофиқ, “валюта қимматликлари” ва “валюта операциялари” тушунчаларига ҳам аниқлик бериб

[61]Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни. 1993 йил 7 май.

ўтилган[62]. Қонунга мувофиқ, валюта қимматликларига қуйидагилар киради (5.2-чизма): Чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.



5.2-чизма. Валюта қимматликларини таркибий тузилиши.

Қонунда “Валюта операциялари”га қуйидагиларни киритиш белгилаб берилган (5.3-чизма):

Валюта операцияларини “ваколатли банклар” номини олган тижорат банклари амалга оширадилар. Ваколатли банкларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензиясини олган ҳиссадорлик-тижорат, тижорат, кооператив ва хусусий банклар, шу жумладан, чет эл иштирокидаги

[62]Ўша ерда.

қўшма банклар (филиаллар, ваколатхоналар) ҳам кириши мумкин.



5.3-чизма. Валюта операциялари таркиби.

5.2. Валюта операцияларининг турлари

Хорижий валютадаги операциялар икки турга, яъни жорий ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялардан ташкил топган, яъни жорий валюта операциялари ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари. Уларнинг ҳар бирига қонун доирасида аниқликлар бериб ўтилган.

Мисол учун, жорий валюта операциялари таркиби қуйидагича (5.4-чизма):



5.4-чизма. Валюта операциялари таркиби.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини эса қуйидаги чизмада келтириб ўтамиз (5.5-чизма):

Банкларнинг бўлим бошлиқлари ёки масъул ходими белгиланган тартибда чет эл валютаси бўйича ҳар куни эрталаб ўзининг ходимларини битимлар тузиш бўйича зарурий меъёрий ҳужжатлар ҳамда маълумотлар (янгиликлар) билан таъминлайди. Унинг ўзи йўналишни қайта кўриб чиқади (бозорни таҳлил қилади) ва ўз тактикасини қуйидаги омиллар асосида белгилаб олади:

– флоутинг тизимида айирбошлашни аниқловчи валюта ва фоиз ставкаларининг ўзгариши бўлиб ҳисобланади. бунда улар битимлар муддатини валюта курсининг тушиши билан ҳисоблашишмаса, акс ҳолда худди шу битимлар аввало валюта

курсининг ошиши билан ҳисоб-китоб қилишларига тўғри келади.



5.5-чизма. Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари таркиби.

Кейинги омил сиёсий омил бўлиб ҳисобланади. Бундай омил ижтимоий ҳолат, ҳукумат таркибининг ўзгариши билан валюта бозорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар билан белгиланади. Сиёсий омиллар бозор ҳолатини белгиловчи муҳим омил сирасига киради.

Охирги омил бу – банкнинг чет эл валютасидаги ўз позицияси билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Айтиш жоизки, саноати ривожланган мамлакатларда курс асосан кутилаётган талаб ва таклиф ўртасидаги фарққа боғлиқ ҳолда йирик банклар миллий ҳамда трансмиллий компания ва корпорацияларнинг маркет-мейкерлари томонидан белгиланади.

Турли валюталарни сотиб олиш ва сотиш курслари котировкасини доимий равишда амалга оширувчи молия муассасалари бўлиб маркет-мейкерлар ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, агарда бозорнинг пассив иштирокчилари ушбу

жараёнга паст даражадаги капитал билан қатнашса, унда улар бозор ҳолатига сезилмайдиган кучсиз даражада таъсир кўрсатиши ва уларнинг фаолиятини очиқ бозордаги курсларни профессионал иштирокчилар томонидан тартибга солиши мажбурий тус олиши мумкин бўлади. Маркет-мейкерлар чет эл валюталарини миллий валюта билан солиштириш билан чекланмайдилар. Улар миллий валютани четлаб, чет эл валюталарини котировкаларини ўзлари амалга оширишлари ҳам мумкин.

Айтиш жоизки, аниқ бир валюталарни эмитенти бўлган мамлакатларда шу валюта бўйича маркет-мейкерлар шу мамлакатда жойлашган бўлади. Евро Иттифоқи бўйича етакчи маркет-мейкерларни Германиядан, Швейцария франки бўйича эса, Швейцариядан топиш мумкин. Маркет-мейкерлар ўзи мутахассис бўлиб ҳисобланган валютани олди-сотди курси котировкасини амалга оширишга ҳақлидирлар. Ҳозирги вақтда Буюк Британиянинг клиринг банклари ўз мижозларига котировкаларни таклиф этишсада, валюта бозорида кам учрайдиган валюта операцияларини тижорат банкларидаги дилинг бўлими ходимлари эмас, балки қўшимча бўлимлар амалга оширадилар[63]. Бундай чекловлар мамлакатга валюта кириб келишини олдини олиш эмас, балки кўпроқ чиқиб кетишига имконият яратиб бериш мақсадида ушбу кам қўлланиладиган валюталар бўйича мижозларнинг талабларини банклар бажара олмаса, у ҳолда ўзларининг филиаллари ёки бошқа валюталарда пул қабул қилиш ёки тўловни амалга ошириш мақсадида вакиллик банклардан фойдаланишлари мумкин.

Умуман олганда, халқаро валюта бозорларида валюта операцияларини амалга оширилиши тижорат банкларининг даромад топиш манбасини вужудга келтиради.

---

[63]Кам учрайдиган валюталар асосан, валюта бозори ривожланмаган мамлакатларда ёки чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларга маълум бир чекловлар қуйилган мамлакатларга тааллуқли бўлиши мумкин.

5.3. Валюта операцияларини амалга оширишга доир чекловлар ва валютани назорат қилувчи органлар

Валюта операцияларини амалга оширишдаги чекловлар объектив асоси ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Валюта операциясидаги чекловлар халқаро меҳнат тақсимотининг ривожида, экспорт-импорт операцияларининг такомиллашишида асосий омил сифатида намоён бўлади.

Валюта операцияларини кенг кўламда амал қилиши банкларга молия бозорида эркин ҳаракат қилишга ва айни вақтда уларни маълум чегаралар доирасида тартибга солишни талаб этади.

Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга имкон берувчи бир қатор асослар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Марказий банкнинг етарли миқдорда олтин-валюта захираларига эга бўлиши.

Амалиётдан маълумки, кўпчилик ривожланган давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Австрия, Буюк Британияда давлатга тегишли барча олтин-валюта захиралари Марказий (Федерал Захира) банкнинг балансига ўтказилган. Марказий банкнинг вазифаси ушбу захиралардан оқилона фойдаланиш билан биргаликда уларнинг ҳажмини ошириб бориш ҳисобланади. Демак, у ўз балансида чет эл валюта захираларига суянган ҳолда, ҳукумат томонидан белгиланган валюта операциялари доирасидаги барча валюта муносабатларини амалга оширади. Масалан, валюта интервенциясини амалга ошириш учун валюта курсининг кескин тебранишларига барҳам бера оладиган миқдорда ликвидли маблағларга эга бўлиши лозим (Англия Марказий банки ана шу мақсадга хизмат қилувчи 40 млрд. АҚШ долларидаги захирага эга).

– Марказий банкнинг хорижий мамлакатларнинг банклари билан кенг тармоқли вакиллик муносабатларининг мавжудлиги.

Марказий банкнинг халқаро валюта бозорларидаги барча операциялари унинг ўз миллий ва хорижий валюталардаги вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Ҳар бир валюта турига биттадан вакиллик ҳисобварағи очилади ва Марказий банклар бошқа мамлакатларнинг Марказий банкларида ўз ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, эркин тарзда вакиллик счётларини юритишга ҳақлидирлар. Ушбу тартибга амал қилмаслик ёки чексиз муносабатлардан келиб чиқиб вакиллик счётларини яширишга йўл қўйилмайди.

Ҳозирги кунда, Марказий банклар халқаро валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Тижорат банклари, ҳар йили улкан миқдордаги маблағларни валюта курсининг ўзгаришини чамалаш, валюта рискларини бошқариш мақсадларига сарфлайдилар. Бунинг устига, Марказий банклар бевосита тижорат тизимлари билан кредит, ҳисобкитоб хизмати кўрсатиш операцияларини ривожлантириш имкониятини чеклайди. Бунга сабаб, улар тижорат тузилмаларига хизмат кўрсатмайдилар.

Марказий банкнинг дилерларига, одатда вакиллик ҳисобварақларининг қолдиғи минимал бўлиши керак, деган мажбурий чеклов шарти қўйилади. Юқорида келтирилган омилларнинг мавжудлиги ана шу чекланган шартлар бажарилишини тақозо этади.

– Марказий банкка валюта операцияларини амалга оширишни чегараловчи тартибини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги.

Республикада “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Экспортни давлат томонидан тартибга солиниши, товарларнинг чет элдаги бозорларини ўрганишдан бошлаб, уларни сотувдан кейинги хорижий хизматларини таъминлашни ҳам ўз ичига олмоқда. Экспортни рағбатлантириш усулларининг қўлланилиши тобора комплекс равишда тус олмоқда. Улар ўз таркибига валюта, кредит, молиявий-ташкилий кўринишда экспортни қўллаб-қувватлаш ва реклама, ахборот, кадрлар тайёрлаш кабиларни ҳам қамраб олади. Мазкур воситалар ёрдамида капитал олиб чиқиб кетишни чеклаш ҳамда товарлар экспортини рағбатлантиришда фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга импортни чеклашда таърифсиз чекловлар қўлланилиб келинаётган бўлиб, контрагентлар билан уларнинг ўз хоҳишларига биноан экспортни чегаралашга битим тузилади (масалан, АҚШ билан Япония, Испания, Мексика, Бразилия ўртасида XX асрнинг 80-йилларида тузилган битимлар).

Тўлов балансининг "кўринмас" операциялари бўйича тўловлар ва тушумлар билан боғлиқ бўлган операцияларни тартибга солиш ва чекловларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар қўлланилади:

– мазкур давлат сайёҳлари томонидан валюта олиб чиқиб кетиш меъёрларининг чегараланиши;

– хорижий сайёҳларни жалб қилиш мақсадида мамлакатда сайёҳликни йўлга қўйиш учун давлатнинг бевосита ёки билвосита аралашуви;

– "Транспорт" банди бўйича харажатларни камайтириш мақсадида;

– бюджет маблағлари орқали денгиз транспортини қуришга кўмаклашиш;

– илмий-техникавий битимлар, лицензиялар, савдо патентлари ва бошқалар савдоси орқали тушумни ривожлантириш мақсадида илмий изланиш ишларига давлат харажатларини ошириш;

– ишчи кучи кўчишини тартибга солиш, жамладан, хорижий ишчилар алмашинувини қисқартириш учун иммигрантлар чиқишини чеклаб қўйиш.

Ҳозирда капитал ҳаракатининг тартибга солиниши бир томонлама миллий монополияларнинг ташқи иқтисодий экспансиясини рағбатлантиришга, бошқа томонлама тўлов балансини мувозанат ҳолатига келтириш учун хорижий валюта оқими ва миллий капитални репатриация қилишни рағбатлантириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда ҳукумат чет эллик хусусий инвесторларга қулай инвестиция муҳитини ташкил этиш орқали капитал олиб кирувчилар ва товар олиб чиқиб кетувчиларни рағбатлантиришни тўғри йўлга қўйиши мумкин бўлади. Инвестициялар бўйича ҳукумат кафолатлари, тижорат ва сиёсий рискларни суғурталаш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, давлат капитал "қочиши"ни чегаралашга қаратилган чора-тадбирларни кўради. Булар таркибига: мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, миллий валюта ва ҳукуматга ишончни ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, "қора" бозор ва коррупцияга қарши курашиш киради.

Капиталнинг "қочиши"ни чегаралаш, пул капитал операцияларни ва хорижга инвестицияларни қонуний меъёрлар, маъмурий ва молиявий назорат қилишнинг биргаликда амалга ошириш орқали эришилади. Банклар назоратни амалга оширадилар ва чет эл банкларига ўтказилган шубҳали суммалар, ташқи иқтисодий сохта шартномалар бўйича бўнаклар ҳамда тўловлар юзасидан давлат органларига хабар берадилар. Экспорт битимлари субъектларининг ягона занжирини ҳосил қилиш (экспорт қилувчи-божхона-банк), ҳисоб-назорат механизми, ҳисоботларни бирхиллаштириш (хусусан, экспорт юклари ва уларни етказиб бериш тўғрисидаги) капитал "қочиши"ни чегаралашга кўмаклашади. Капиталнинг четга чиқиб кетишини чегараловчи яна муҳим бир восита, валюта ва экспорт назоратини самарали юритишдир. Бу ерда назорат органлари функцияларни, ваколат ва жавобгарликни аниқ бўлиб олиши муваффақият гарови ҳисобланади. капитал "қочиши"нинг олдини олувчи муҳим омил – ушбу капиталлар бориб жойлашадиган мамлакатлар билан валюта ва экспорт

назорати бўйича халқаро шартномалар тузиш ҳамда ҳамкорлик қилишдир.

Актив тўлов баланси мавжуд бўлганда, давлат томонидан тартибга солиш, асосан юзага келиши мумкин бўлган ўта актив қолдиққа барҳам беришдан иборат. Шу мақсадда юқорида кўриб ўтилган усуллар – молия, кредит, валюта ва бошқалар, шунингдек валютани ревальвацияси, импортни кенгайтириш, товарлар экспортини камайтириш, капитал экспортини ошириш (шунингдек ривожланаётган мамлакатларга ёрдамлар ва кредитлар) ва капитал импортини чеклаш қўлланилади.

Шундай қилиб, валюта операцияларини амалга оширишдаги чекловлар жараёни анча мураккаблашди. Қўлланиладиган инструментлар кенгайди, уларни иқтисодий сиёсатнинг бошқа шакллари билан уйғунлаштирилган ҳолда қўллаш тизимли тус олди. Одатда, валюта операцияларини барқарорлаштириш – иқтисодиётни соғломлаштириш, инфляцияни чеклаш, бюджетдаги тақчилликни қисқартириш ва бошқа тадбирлар билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда валюта операцияларини тартибга солиш учун, асосан ривожланган давлатлардан қарз олиш, экспортни рағбатлантириш, импортни ушлаб туриш, чет эл капиталини жалб қилиш, капитал чиқиб кетишини чеклашда валюта чекловлаш усулларидан фойдаланилади. Валюта операцияларини тартибга солиш одатда чет эл капиталлари оқиб келишига, уларнинг чиқиб кетишини чегаралашга ва фойдани ўтказишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам қўлланилади.

Ривожланаётган мамлакатларда валюта операцияларини тартибга солиш ХВФ орқали амалга оширилади. У макроиқтисодий агрегатлар чоракларга бўлинадиган миқдорий мўлжаллар шаклидаги барқарорлаштирувчи дастурлари ишлаб чиқилади. Миллий хусусиятларни инобатга олмайдиган Фонд чора-тадбирларини андозалаштириш, уларни сайланувчанлиги заифлигини оширади. Айрим ҳолатларда Фонд томонидан тавсия қилинадиган талабни чеклаш каби анъанавий дефляцион

чоралар, иқтисодий ўсиш имкониятларини пасайтиради. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг қатъий дастурлари, ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансининг капитал қуйилмалари сарфланишига мажбур қилади, бу эса иқтисодий ўсишни чегаралайди. Ривожланаётган мамлакатларда катта ташқи қарзлар мавжудлиги шароитида, кредитор давлатлар (Париж клуби) қарз олган мамлакат, фақатгина ХВФнинг барқарорлаштириш дастурини қабул қилган ҳолдагина қарзларни қайта кўриб чиқишга рози бўладилар.

Валюта операциялари ёмонлашишининг олдини олиш учун ривожланаётган мамлакатлар жорий ва молиявий операциялар бўйича валюта чеклашларда дефляцион сиёсат қўллайдилар. Лекин бу сиёсат, иқтисодий ўсиш учун зарур бўлган машина ва асбоб-ускуналар импорти чекланиши ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасининг тушиб кетишига олиб келувчи омилга айланади.

Айтиш жоизки, халқаро амалиётда, шунингдек валюта операцияларига нисбатан чекловлар бевосита валюта айирбошлашда юзага келиши ҳам мумкин. Халқаро валюта тизимида валюталарни айирбошлаш (конвертация) даражаси муҳим ўрин эгаллайди. Улар эркин айирбошланадиган, қисман айирбошланадиган ва айирбошланмайдиган валюталарга бўлинади. Ички ва ташқи конвертация бўлиб, ички конвертация мамлакат резидентларининг айирбошлаш операцияларида чекловлар бўлмаслигини англатса, унда ташқи конвертация норезидентларга нисбатан чекловларни қўлламасликда ўз аксини топади.

Валютавий чеклашлар деганда чет эл валютаси ҳамда валюта қимматликлари билан бўладиган операцияларга давлат томонидан чеклашлар тушунилади. Ҳозирда деярли барча ривожланган мамлакатларда валютавий чеклашлар мутлақо олиб ташланган, айримларида эса унинг заиф кўринишини кузатиш мумкин. Масалан, Буюк Британияда 1979 йилдан буён валютавий чеклашларга мутлақо амал қилмайди.

Валютавий чеклашлар мамлакатлардан олтин ва валюта қимматликлари чиқиб кетишининг олдини олишда, чет эл валюталарига бўлган талабни тартибга солиш мақсадида қўлланилади.

Шундай қилиб, валюта чекловлари – валюта қимматликлари билан операцияларнинг давлат меъёрлар тизими бўлса-да, амалда валюта чекловлари қўлланиш соҳаси, таркиби ва тузилмаси билан фарқланади. Ҳозирда тўлов баланси жорий операцияларининг қуйидаги чеклов шакллари мавжуд:

– муддатли битимларни тузиш бўйича чекловлар;

– чет элга маҳсулотларни миллий валютада сотишни тақиқлаш;

– баъзи маҳсулотлар импортини хорижий валютада сотишни тақиқлаш;

– экспорт-импорт операциялар бўйича тўлов муддатини тартибга солиш;

– кўп поғонали валюта курси тартибини қўллаш.

Айтиш жоизки, амалда тўлов балансининг дефицитли ҳолати юз берса, унда капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйича қуйидаги чекловлар қўлланилади:

– валюта қимматликларини олиб чиқиш, кредит беришни чеклаш;

– кредит ва молия бозорлари фаолиятини назорат қилиш;

– миллий банкларнинг хорижий валютада берилаётган кредитларининг иштирок этишини чеклаш;

– резидентларга тегишли қимматли қоғозларни мажбурий тортиб олиш.

Уларни эътиборга олиш валюта операцияларини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, қуйидагилар валюта назорати органлари ҳисобланади: Марказий банк, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмиталаридир. Уларнинг ҳар бири ўз

вазифа ва функцияларига эгадир. Ваколатли банклар эса валюта назорати агентлари ҳисобланади. Валюта назорати молиявий назоратнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади, аммо уларнинг нисбатини белгилаш жуда мураккабдир. Классик иқтисодиётнинг замонавий иқтисодиётдан фарқларидан бири, замонавий иқтисодиётда валюта назорати иқтисодий ислоҳотларнинг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. шу туфайли республика ҳукумати ушбу масалага жуда катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати билан валюта назоратини узвий боғликдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатнинг макроиқтисодий мақсадларининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда валюта назоратини тартибга солиш ва валюта сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун барча тегишли ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитларга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Марказий банк ва валюта назоратининг бошқа органлари томонидан иқтисодий ислоҳотлар мобайнида кўрилган чора-тадбирлар қуйидаги натижаларга эришиш имконини бериши мумкин:

– валюта сиёсатининг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш;

– самарали валюта назорати ва тартибга солиш тизимини ташкил этишга;

– иқтисодий агентлар ўртасида чет эл валютасини самарали қайта тақсимлаш механизмларини ташкил этишга;

– тўлов балансини тартибга солишнинг замонавий услубларини қўллашга;

– биржа ва биржадан ташқари валюта бозорлари фаолиятини янада такомиллаштиришга;

– нақд ва нақд пулсиз тарзда валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини, валюта рисклари олдини олишнинг савдо ва носавдо операциялари механизмини белгилашга;

– хориждан маблағ жалб қилишнинг тактика ва стратегиясини белгилашга;

– давлатнинг олтин-валюта захираларини самарали бошқаришга;

– халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга оширишга;

– валюта курсини самарали тартибга солишга;

– миллий валютанинг ички конвертирланишини таъминлашга;

– республикамиз тўлов баланси жорий операциялари бўйича миллий валюта конвертирланишини босқичма-босқич жорий этилиши бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга.

Республикамизда амалга оширилаётган валюта назорати ва унга тавсиф беришда унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ташқи салбий омиллар таъсиридан ҳимояланиш ва иқтисодиётни, шу жумладан, молия-пул тизимини миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш. Маълумки, давлатнинг иқтисодий ва молиявий асосига путур етганда у қулаб тушиши мумкин. М.Фридман ўзининг “Капитализм ва эркинлик” асарида ёзганидек, “умумий эътирофга кўра, пуллар устидан назорат қилиш, иқтисодиёт устидан назорат қилишнинг муҳим воситаси бўлиши мумкин”. Ўзбекистон ҳимояланиш чора-тадбирларига қатьий амал қилган ҳолда Жанубий-Шарқий Осиё, Россия Федерациясидаги глобал валюта-молиявий тангликлар таъсирини камайтиришга муваффақ бўлди.

2. Экспорт базаси анча суст бўлган шарт-шароитда ички валюта бозори эркинлаштирилишини сунъий тарзда тезлаштириш самарали интеграция жараёнларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Ушбу вазифани ҳал этиш, ички ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш ва мамлакатимиздаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлиги ҳисобга олиниб, чуқур ўйланган давлат стратегияси қабул қилинишини талаб этади.

Бизга маълумки, 1993 йил май ойида Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинишидан сўнг Марказий банк валютани тартибга солиш масалалари бўйича янги меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқди.

Валюта операциялари бўйича қонун базасини такомиллаштириш ва амалга оширишда қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Валютани тартибга солиш муҳитини ҳуқуқий базасини ташкил қилиш жорий иқтисодий аҳволини таҳлили натижаларида амалга оширилаётганлиги унинг ўзига хос хусусиятидир.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижий валютанинг олди-сотди операцияларини амалга ошириш қоидалари; ички валюта бозори механизмини ишлаб чиқиш; республика ҳудудида хорижий капитал иштирокида хорижий банкларни ташкил қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш қоидалари; хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун тижорат банкларига лицензия бериш қоидалари; резидент ва норезидент – юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютада ҳисобварақларини очиш ва ишлаш қоидалари; ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ҳисобварақларини очиш қоидалари; республика ҳудудида валюта операцияси билан боғлиқ касса операцияларини амалга ошириш қоидалари; банк ташкилотларида валюта қимматликлари билан боғлиқ касса операцияларининг тартиби ва бошқа саволларни ўз ичига олган меъёрий ҳужжатларни таҳлил этиш натижасида эканлигини таъкидлаш – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз валюта сиёсатини давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда валюта муносабатларини ва валюта бозорини эркинлаштиришга босқичма-босқич амалга ошираётганлиги кўринади. Ҳозирги кунга келиб, жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига нақд чет эл валютасини чекловларсиз олиб кириши мумкин бўлди.

Резидент жисмоний шахслар накд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатмасдан Қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишлари мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган микдордан ортиқ бўлган нақд чет эл валютасини резидент жисмоний шахслар томонидан олиб чиқилиши, уларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банклар томонидан берилади-ган, Ўзбекистон Республикасидан нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда амалга оширилади.

Норезидент жисмоний шахслар божхона декларациясига мувофиқ олиб кирилган нақд чет эл валютаси миқдоридаги валютани, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан бериладиган, уларнинг нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда эса олиб кирилган нақд чет эл валютасидан кўп бўлган микдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишлари мумкин.

Резидент ҳамда норезидент юридик шахслар томонидан нақд чет эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқиш бўйича операцияларни амалга ошириш қонун билан тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар бундан мустасно ҳисобланади.

Жумладан, жисмоний шахслар пул ўтказмалари орқали нақд валютани оладилар ва унинг бир қисмини қаттиқ валютада ушласалар, қолганини эҳтиёжлари учун сарфлайдилар. Мамлакат ҳудудида товар ва хизматлар хариди учун миллий валюта зарур бўлгани учун келиб тушган валюта алмаштириш шохобчалари орқали накд миллий валютага алмаштирилади. Бундай операцияларнинг кутилмаганда кўпайиб кетиши нақд миллий валютага бўлган талабнинг ошиб кетиши ва курснинг кўтарилишига олиб келади.

Маълумки, мамлакатимизда пул массасини тартибга солишда, асосан, банкдан ташқари нақд пулларга эътибор қаратилади. Нақд валюта билан (миллий валютага алмаштириш ёки сотиш) операциялар кўпайиб кетиши муомалада нақд пулларни кўпайтиради. Накд пуллар чекланган ҳолатда эса, алмаштириш эҳтиёжи қондирилмаган жисмоний шахслар параллел ноқонуний бозорга мурожаат этади. Бунда параллел ноқонуний бозорда хорижий валюта курсини расмий курсга нисбатан пасайиши кузатилади. Бу эса валюта муносабатларига ҳам таъсир этади.

5.4. Жорий халқаро операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари

Валюта сиёсати ўз шаклига кўра таркибий ва жорийга бўлинади. Таркибий валюта сиёсати – жаҳон валюта тизими таркибини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли тадбирлар мажмуи бўлса, унда жорий валюта сиёсати эса валюта курси, валюта операцияси, валюта бозорининг фаолияти ва олтин бозорини қисқа вақтда тезкорлик билан бошқаришдир. Айтиш жоизки, таркибий валюта сиёсати жорий валюта тизимига ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳозирда валюта сиёсатининг қуйидаги шакллари мавжуд: дисконт, девиз сиёсати ва унинг кўринишлари – валюта интервенцияси, валюта захираларини диверсификация қилиш, валютавий чеклашлар, валютанинг алмашув даражасини бошқариш, валюта курсининг тартиби, девальвация, револьвация.

Дисконт (фоиз ставкаси) сиёсати. Фоиз ставкаси – ссуда капиталининг йиллик даромадини унинг мутлақ катталигига нисбатидан келиб чиқади.

Фоиз – бу қўшимча қиймат бўлиб, у амалда ссуда капиталидан фойдаланганлик учун тўланади. Фоиз ставкалари фойда меъёри орқали аниқланади. амалиётда фоиз ставкаси даражаси ссуда капиталларига бўладиган талаб ва таклифдан келиб чиқади. Бу талаб ва таклиф бир қанча омилларга боғлиқ

(яъни давр босқичи, инфляция даражаси, иқтисодни давлат томонидан монопол бошқаруви, Марказий банк сиёсати ва бошқалар) билади.

Фоиз ставкаси бозордаги талаб ва таклиф (давлат бюджетининг тақчиллиги миқдори билан аниқланади) савдо, ишлаб чиқариш компаниялари, аҳоли ўртасидаги талаб ва таклиф бевосита унга таъсир этувчи ички омиллар сирасига киради.

Хорижий, миллий ва халқаро бозордаги ставкалар даражаси капиталлар ҳаракатини чеклашлар, тўлов балансини аҳволи кабилар ташқи омилларга киради. Чунки бундай омиллар ставкаларнинг ўсишига тезроқ таъсир этади. Фоиз ставкаларининг таркиби эгилувчан бўлади, чунки унинг таркибий асоси бўлиб пул бозори ставкаси ҳисобланади. Айтиш жоизки, амалда ликвидли қисқа муддатли операциялар ставкалари тижорат банклари томонидан ўз кредит фаолиятини қайта молиялаштиришда қўлланилади. Бунда расмий ҳисоб ставка курси валюта-пул бозорини тартибга солишнинг асосий йўлларидан биридир. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таяниб айтиш мумкинки, пул-валюта бозорининг ставкалар таркибини иккинчи элементи бўлиб хазина векселлари ставкалари ҳисобланади. Канада, Италия, Швеция, Японияда ушбу ставка расмий фоиз ставкасидан паст бўлади. Бунинг сабаби хазина векселларига ҳукумат кафолотловчи сифатида қатнашади. Шунинг учун ҳам у энг ликвидли активлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Банкларараро депозитлар, депозит сертификатлар ставкалари пул-валюта бозорининг учинчи элементлари бўлиб ҳисобланади. бу ставкалар расмий курс ставкасидан паст, хазина векселлари ставкасидан юқори бўлади.

Девиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли валюта интервенцияси ҳисобланади. Марказий банк валюта бозорида чет эл валюталарини сотиб олиш ёки сотиш орқали миллий валюта курсига таъсир этади ва шу валюта интервенциясига шарт-шароит яратади. Валюта интервенцияси валюта курсининг қисқа вақт оралиғида, кутилмаганда юзага келадиган

кескин тебранишларга барҳам беришда намоён бўлади. Марказий банклар валюта курсини исталган даражада ўзгартириш имкониятига эга эмас. Чунки улар валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Шу боис, валюта интервенциясидан кўзланган мақсад валюта курсининг кескин тебранишлари оқибатларини чеклаш ёки юмшатиш бўлиб ҳисобланади.

Ушбу интервенция расмий олтин-валюта захиралари ёки марказий банкларнинг банклараро "СВОП" битимлари ҳисобига амалга оширилади. Девиз сиёсатининг асосий кўринишларидан бири интервенция ҳисобланади, интервенция орқали Марказий банклар валюта курси барқарорлиги таъминлаб турилади. Қатъий ўрнатилган валюта курси режимида интервенцияга бўлган эътибор ортади. Бунда валюта курсини бир маромда ушлаб туриш учун Марказий банк олтин-валюта захираси ҳисобига хорижий валютани сотади (миллий валютанинг қадрини ошириш учун) ёки харид қилади (ревальвация шароитида). Валюта курси режими эркин сузиб юришга яқинлашган сайин интервенция қисқариб боради. Бу шароитда интервенция валюта курсининг кескин тебранишини қоплашга қаратилади.

Девиз сиёсатида девальвация бу миллий валюта қадрини тушириш демакдир. У шунингдек миллий экспортни рағбатлантиришга хизмат қилади. Шунга қарамай, ўзининг салбий томонларига ҳам эга, яъни у миллий валюта қадрини тушириш билан бирга мамлакатда инфляциянинг ошишига олиб келади. Девальвация инфляция даражасини юқорилаш орқали экспортчиларга қўшимча даромад олиш имкониятини яратади. Девальвациянинг акси бу ревальвациядир. У экспорт салоҳияти катта бўлган мамлакатларда кузатилади ва миллий валюта курсининг ошишида ўз аксини топади.

Ҳар қандай интервенциянинг охирги мақсади валюта бозоридаги вазиятни барқарор ушлаш ҳамда валюта курслари тез тебранишининг олдини олишдан иборат.

Миллий валютанинг чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрининг тушишига

девальвация деб аталади. У инфляциянинг кучайиши ва мамлакат тўлов балансининг салбий қолдиққа эга бўлиши сабабли келиб чиқади.

Девальвация сиёсати мамлакат тўлов баланси ёмонлашганда, импорт оқимини сезиларли даражада кўпайганда қўллаш мумкин бўлади. Чунки у иқтисодиётга ижобий таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. акс ҳолда сунъий равишда курснинг қатъий ушлаб турилиши, иқтисодиётга сезиларли даражада зарар етказиши мумкин.

Миллий валютанинг чет эл валюталарига ёки ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрини оширишга ревальвация деб аталади. Унинг қадри кучли валюталарга нисбатан қўлланилади. Ревальвацияни девальвацияга нисбатан жаҳон амалиётида қўлланилиши чеклангандир.

Бозорга катта миқдорда валюта чиқариш миллий валютага бўлган талаб ва таклифга, қолаверса валюта курсига таъсир этади. Ҳисоб ставкасининг доимий ўсиши ёки пасайиши бир томондан ҳисоб ставкасини оширишга олиб келса, унинг пасайиши эса уларни арзонлаштиради. Бу эса капитал ҳаракатига, шу жумладан, четдан инвестиция кўринишида келиши мумкин бўлган оқим миқдорига таъсир кўрсатади.

Бундай ҳолатда иқтисодий ўсишга таъсир этувчи восита бўлиб миллий валютани “девальвация” ёки “револьвация” бўлиб ҳисобланади. Девальвация агар миллий валюта баҳосининг жаҳон валютасига нисбатан камайтирилса, унда “девальвация” уни қийматини оширади. Бунда валюта курсини тартибга солиш воситаларидан бири валюта чекловлари бўлиб, бунинг сабаби мамлакатда молия ва пул бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳисобланади. Бундай ҳолатларнинг юзага келиши валюта алмаштирилувига нисбатан чекловларни, импорт ва экспорт доирасида эса савдо чекловларидан фойдаланишни назарда тутувчи давлат назорати кучайтирилади. Бундай чекловлар хорижий валютага нисбатан эҳтиёжни қондиришда мавжуд тўсиқлар пайдо қилган ҳолда миллий валюта курсига таъсир этади.

Шундай пайтда давлатнинг иқтисодий сиёсати “ички” ва “ташқи” мувозанатли тангликни юзага келтиришга қаратилади. Шу ўринда айтиш лозимки, мувозанатли ҳолатни юзага келтириш мақсадида асосий кучни экспортнинг ўсишига юкламаслик лозим. Чунки экспортнинг ўсиши импортни ҳам ошишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу ҳужжатга эга бўлган фикримиз кейнсчилик концепциясига катта зарба сифатида ҳам қабул қилиниши мумкин.

Шунинг билан бирга айтиш жоизки, миллий валютани девальвацияси экспортнинг ўсишига ва импортнинг пасайишига (5.6-чизмага қаралсин) SI ва FE эгри чизиқларини янги ҳолатга силжитади.

Агарда мамлакатнинг тўлов баланси тақчиллик ҳолатида бўлса, унда бундай ҳолат тезлик билан девальвацияни юзага келтиради. Бу эса ўз вақтида мамлакат экспортини оширади ва унинг импортини камайтиради. Аммо бу бир вақтнинг ўзида савдо балансини ёки тўлов балансини яхши ҳолатга олиб чиқаради. Ушбу ҳолат бир вақтнинг ўзида қисқа муддатли капиталнинг чиқиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат ўз вақтида эгри SI ва Fени яхши ҳолатга, яъни S'I'ва F'E'олиб чиқади. “Ташқи” тенгликни сақлаб қолиш Y_0 фоиз нормасини ошишига олиб келади. Шундай қилиб, эгри FEF'E' ҳолатига ўтади.



5.6-чизма.

Эгри Sіга келганда экспортни ўсиши ва импортни пасайиши талаб самарасини оширади, бунда SI бевосита S'I' ҳолатини олади.

Тенгликнинг янги ҳолати Y_1 $Г_1$ нуқтасида юзага келади ва у миллий даромадни юқори фоиз меъёри асосида ўсишини характерлайди. Бунда эгри LM ўзгармайди, бу эса пул бозорига девальвация таъсир этмайди.

Ҳозирда сузиб юрувчи курслар асосида барпо этилган замонавий валюта тизимида валюталарнинг бозор ревальвацияси татбиқ қилинмоқда.

Шундай қилиб, капитал ҳаракати қанчалик кучли бўлса, валюта операциялари ҳам шунга мувофиқ ўзгариб боради. Улар ўзаро боғиқликда ички ва ташқи бозорда ҳаракат қилади.

Мисол учун, ҳар бир битимнинг бажарилиш баҳоси (айирбошлаш курси) фунт стерлингда тузилса, унда унинг суммасида ҳар бир муддатига маълум миқдордаги фунт стерлинг ўлчамида котировка қилинади. Масалан, беш фунт стерлинг ўлчамида.

Биржа опционларининг камчилиги, уни тугаллаш ва керакли суммани аниқ “мослаш”ни иложи йўқлиги билан белгиланади.

Валюта опционларидан фойдаланиш борган сари кенгайиб бормоқда. Банклар ўз мижозларига уларни сотишда фаол қатнашишга ҳаракат қиладилар.

Амалда валюта опционлари қуйидаги камчиликлари билан ҳам ажралиб келади.

Биринчидан, уни баҳо билан боғлиқлигида намоён бўлади. Валюта опционлари компанияларни турли ҳолатлардан, шунингдек валюта рискларидан ҳам ҳимоя қилади ва уларга валюта курсларининг “ижобий” ўзгаришидан фойдаланиш имкониятини ҳам берсада, бундай хизмат қимматли бўлиб ҳисобланади.

Икинчидан, “Олдиндан” тўловнинг зарурлиги билан белгиланади. Бунда валюта опционлари унинг тузилиш вақтида тўланиши барча компанияларга ёқмайди, чунки улар

опционни амалга оширишни истасаларда, ҳар доим нақд пулга эга бўлмайдилар.

Учинчидан, савдо опционларини барча валюталарга нисбатан олиб бўлмаслиги. Шунга қарамай, биржадан ташқаридаги опционлар ҳар қандай эркин конвертирланадиган валютага эркин тарзда сотилади.

Тўртинчидан, биржадан ташқари опционларнинг муомаласини мавжуд эмаслигида намоён бўлади.

Шундай қилиб, муддатли операциялар тижорат банклари учун риск даражаси кам ҳисобланадиган операциялардан биридир. Улар мазкур операцияларни хеджирлаш (яъни суғурта қилиш) имконияти кўпроқдир.

Шундай қилиб, фьючерс ва форвард битимлари келажакда нархлар ўзгаришидан ҳосил бўлувчи рискни чеклашда хеджирлаш воситаси сифатида қўлланилиб, компаниялар улардан ўз прогнозлаштириш мақсадида фойдаланишади. Шундай экан, бундай битимларни амалга оширилиши уларнинг эгаларига қўшимча даромад топиш имкониятини яратади. Лекин бунда ушбу шартномаларнинг асосини ташкил этувчи активларнинг қийматини ҳисоблаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади.

5.5. Муддатли валюта операциялари ва уларни амалга ошириш турлари

Ҳозирги глобаллашув шароитида валюта операцияларини ривожлантириш жаҳон андозаларига мос келувчи банк хизматини йўлга қўйилишини талаб этади. Валюта бозорида амалга ошириладиган операцияларнинг кенгайиб бориши, хорижий валютага бўлган талабнинг қондирилиши валюта курсининг талаб ва таклифни ўзгариш таъсирида тебранишига олиб келмоқда. Одатда, бундай нотиниқ тебранишлар муддатли битимларни юзага келтириб чиқаради. Мазкур ҳолатда муддатли валюта операцияларига бўлган эҳтиёж эса валюта

курсининг қисқа ва узоқ муддатларда тебранишига бевосита боғлиқдир.

Айтиш жоизки, валюта курсининг бир текисда тебраниши юзага келмасдан туриб, муддатли валюта операцияларини оммага таклиф қилиш самарасиз кечиши мумкин. Бунинг учун валюта бозори ривожланган ва етарлича салоҳиятга эга бўлиши зарур. Валюта бозорининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омил эса мамлакатда амалга оширилаётган ташқи иқтисодий операциялар ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий операцияларни бажаришда мавжуд асосий муаммолар халқаро андозага мос келувчи, ягона валюта операцияларини амалга ошириш тизимининг шаклланмаганлигидадир. Ташқи савдода миллий валютани халқаро миқёсда айирбошлаш, экспорт ва импортдаги риск бевосита бошқа қийинчиликларни ҳам юзага келтиради. Мавжуд муаммолардан биринчидан бевосита ҳосилавий молия воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан бу воситаларни татбиқ этиш учун зарур валюта бозорини ривожлантириш билан боғлиқ бўлмоқда, яъни:

– банкларда ҳосилавий молия воситаларидан фойдалана оладиган малакали кадрларнинг етишмаслиги;

– мижозларнинг бу каби операцияларни ўтказиши ва уларнинг қулайлиги билан таниш эмаслиги;

– миллий валюта бозорида муддатли валюта операцияларини бажариш бўйича зарурий чораларни яхши ишлаб чиқилмаганлиги биринчи турдаги муаммолар сирасига кирса, унда иккинчи турдаги муаммоларнинг биринчиси валюта захираларини шакллантириш билан боғлиқ.

Бунда захирани шакллантиришнинг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу субъектларни ташқи иқтисодий фаолиятидан олган хорижий валютадаги тушумдан мажбурий тўлов сифатида эътироф этилади. Шунинг учун мажбурий валюта тўлови хўжалик субъектларига нисбатан оғир бўлмаслиги,

бундай валюта тушумларига нисбатан имтиёзли имкониятларни қўллаш орқали валюта тушумларини ошириб боришга эришмоқ лозим.

Бунда валюта айирбошлаш шохобчалари операцияларини соддалаштириш ва кўламини кенгайтириш алоҳида ўрин эгаллаши лозим. Ҳозирги кунда валюта айирбошлаш шохобчаларида фақат хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш операциялари амалга оширилиши уни таъминлаш орқали тижорат банклари валюта айирбошлаш шохобчаларини қўшимча даромад ва нақд валютанинг ички бозорини ривожлантириш имконини беради, шунингдек республика ичкарисида ҳали ҳам валютанинг "Қора бозор"ини чеклаш йўли билан хорижий валютага бўлган талабни бозор тамойилларига асосланган ҳолда қондирадиган механизмни шакллантириши ва ушбу механизм фаолиятининг эркин амалга ошиши учун шароитлар яратиб беради.

Айтиш жоизки, валютанинг биржадан ташқари ва "қора бозор" курси ўртасидаги фарқ катта бўлганда ҳамда турли валюта курслари режими шароитида валюта захираларининг нооқилона равишда тақсимланиши юз бериши мумкин.

Юқорида баён этилган барча муаммолар бевосита "сўм"ни эркин айирбошланадиган валютага айлантириш билан боғлиқ. Миллий валютани эркин айирбошланадиган валютага айлантириш муаммосининг ҳал этилиши мамлакат иқтисодий ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. Аммо ушбу масалани бир зумда ҳал этиб бўлмайди. Валюта чекловларини босқичма-босқич бекор қилиб борилиши, кўп муаммоларни ҳал этишни таъминлади. Бу муаммо шу орқали ечилди деб бўлмайди. Чунки бундай муаммо иқтисодий тизимнинг таркибий тузилишини ўзгартириш ва ташқи иқтисодий тизимнинг таркибий тузилишини ўзгартириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган бир қатор чора-тадбирларни 2021 йилга қадар амалга оширишни талаб этади. Миллий валютани эркин айирбошланадиган валютага айлантиришни босқичма-босқич ҳал этилиши хўжалик

субъектлари учун тенг шароит яратиб беришни ва экспортёрлар манфаатини кўзлашни тақозо этади. Бу эса банкларараро валюта бозорини ривожлантириш билан боғлиқдир.

5.6. Форвард, фьючерс ва опцион шартномаларининг иқтисодий моҳияти

Барча валюта операциялари муддатли битимлар билан боғлиқ ва икки иш кунидан кейин амалга ошириладиган операциялардир. Кўпинча бундай операциялар муддатли битимлар деб эътироф этилади. Амалиётда бундай битимларнинг қуйидаги турлари мавжуд (5.7-чизма):



5.7-чизма. Муддатли битимларнинг турлари.

Бундай муддатли битимлар томонларнинг мажбуриятларини ўзида акс эттиради.

Форвард валюта битими – бу валюта бўйича битим имзоланган санадан бошлаб, белгиланган муддатдан кейин амалга ошириладиган томонларнинг келишуви билан боғлиқ тўлов битимидир. Шартнома шартлари битимни тузиш пайтида келишиб олинади. Шартнома ана шу келишиб олинган шартлар бўйича белгиланган муддатларда амалга оширилади. Форвард шартномаси бажарилиши шарт ҳисобланади. Айтиш жоизки, форвард битими аниқ бир санада ёки икки сана

орасида амалга оширилиши назарда тутилади. Ушбу битимнинг ўзига хос хусусияти ундан воз кечиб бўлмаслиги ва мажбурий шартномалигидир ёки мижоз битимдан воз кеча олмайди ва мижоз шартномада кўрсатилган чет эл валютасини сотиб олиши ёки сотиши шарт бўлади. Бу битим чет эл валютасидаги аниқ бир суммани ташкил этади. Шу боис мижоз битимда кўрсатилган суммадан кўпроқ валютани сотиб олишга ва сотишга ҳақи бўлмайди. Битим келажакдаги аниқ бир санада бажарилиши шарт (агар опционли битимлар бўлса – иккита аниқ сананинг орасида). Мижозга бундай битимни бажарилиши санасини узайтиришга ёки қисқартиришга ваколат берилмайди. Бу битим тузилгандан сўнг, унинг бажарилиши фьючерс битимлари ва валюта опционларидан фарқли равишда мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Амалда банк мижози билан чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш ҳақида битим тузса, у фақат мижози билан эмас, балки ташқи валюта бозори билан ҳам муносабатда бўлади. Бунда банк мижози ёки бир қанча мижозлари билан тузган форвард битимлари учун, албатта валюта бозори орқали валютани сотиб олиши ёки сотилиши қопланишини таъминлаши лозим. Дилернинг “позиция”си ҳар қандай маълум кунниг ёки даврнинг охирида доимо сотиб олинаётган ва сотилаётган валюталар баланслаштирилади. Мижоз агарда қандайдир сабаб билан битим шартларини бажаролмай қолса, унда банк бозор билан тузган битимини бажариши шарт бўлиб ҳисобланади. шунинг учун банк мижозидан битимда келишилган барча шартларни сўзсиз бажарилишини талаб қилади. Шу орқали форвард валюта битимининг шартлари ва бажарилиши қатъий бўлиб ҳисобланади. Агар мижоз унинг шартларини бажармаса, унда банк мижознинг форвард валюта битимидаги мажбуриятларни бажармасдан кетиб қолишига ҳақли бўлмайди. Банк битимининг муддатини “узайтиради”ми ёки “сўндиради”ми. Форвард валюта битими бунда қатъий белгиланган ёки опционли бўлиб қолади. Умуман олганда, форвард валюта битими қатъий белгиланган ёки опционли

бўлади. Бунда қатъий белгиланган форвард валюта битими келажакдаги аниқ бир санада бажарилиш шартлигини англатувчи битимлиги билан ажралиб турса, унда опционли форвард битими мижознинг хоҳишига кўра ёки битим тузилган вақтдан унинг бажарилишигача бўлган даврнинг ичида хоҳлаган вақтда ёки иккита аниқ сана давомида амалга оширилишини таъминловчи битимдир.

Форвард валюта битими соф валюта опционларидан фарқланади. Валюта опциони мижозга келишилган битим шартларини бажариш ва бажармаслик ҳуқуқларини берса, унда форвардли опцион мижозга уни бажармаслик ҳуқуқини беришини инкор этади.

Форвард валюта битими – бу маълум санада аниқ миқдордаги валюталарни сотиб олиш ёки сотишнинг, ёки келажакда аниқ икки сана орасида бажарилиши қатъий мажбурият эканлиги маълум. Бироқ, агар мижоз форвард валюта битимини бажара олмай қолса, унда импорт қилувчи қуйидаги салбий ҳолатларга дуч келиши мумкин бўлади, яъни:

– товар (хомашё) етказиб берувчи товар (хомашё)ни талабга мувофиқ етказиб беришга имконияти йўқ, шунинг учун импорт қилувчи товарларни қабул қилишдан воз кечади ва шартномада белгиланган пул тўловларини тўлаб беришдан бош тортади;

– товар (хомашё) етказиб берувчи етказиб берилиши мумкин бўлган товарлар миқдорини қисқарган ҳолларда юзага келади. бунда етказиб берувчи кутилганидан камроқ товарларни жўнатади, бунда импорт қилувчи шахс келиб тушган товар миқдоридан келиб чиқиб, олдин шартномада белгиланган ҳақдан камроқ ҳақ тўлайди;

– товар етказиб берувчи белгиланган муддатда уни уддалай олмаса ёки кеч қолса, унда импорт қилувчи товарлар миқдоридан келиб чиқиб ҳақни бироз кечроқ тўлайди.

Бундай муносабатларнинг ҳар бирида импорт қилувчи банкдан чет эл валютасини сотиб олиш истаги бўлмайди. Лекин форвард валюта битими шартлари бўйича у сотиб

олишга келишган. Шу билан бирга экспорт қилувчи ҳам шундай ҳолатга тушиши мумкин: ё умуман тўловни зиммасига олмаслиги, ёки бир муддат кечикишлар билан катта ёки кичик суммада олиши мумкин бўлади. Бундай шароитда экспорт қилувчи форвард валюта битимида кўрсатилган шартларни бажара олмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда банк позицияси қуйидагичадир: агар мижоз форвард валюта битими шартларини бажара олмаса, унда банк уни мазкур шартларни бажаришга ундайди. Бу қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

– биринчидан, агар мижоз банк билан валютани сотиш ҳақида битим тузган ҳолда у белгиланган миқдордаги (сўмдаги) валютани банкка етказиб бера олмаса, унда банк валютани мижозга спот курс бўйича сотиши (битимнинг бажарилиш муддати келганда) ва форвард валюта битими шартлари бўйича қайтадан валютани сотиб олиши мумкин бўлади;

– иккинчидан, агар мижоз банк билан валютани сотиб олиш ҳақида битим тузган бўлса, у ҳолда банк кўрсатилган миқдордаги валютани "форвард" курси бўйича мижозга сотиши ва тезда зарур бўлмаган валютани қайтадан "спот" курс бўйича сотиб олиши мумкин бўлади.

Ниҳоят, банк мижозга етишмаётган валютани "спот" курс бўйича сотиб олиб ёки сотиб, форвард валюта битими бажарилишига имконият яратади. Бундай келишувлардан мақсад форвард валюта битимини сўндириш сифатида фойдаланиш ҳисобланади. форвард валюта битимини сўндиришда банк одатда мижознинг жорий ҳисобрақамида бир ёзув олиб боради, унда икки битим ўртасидаги фарқ акс этади. Бу ёзув дебитли ёки кредитли қолдиққа эга бўлиши мумкин, чунки унга "форвард" ва "спот" курси ўртасидаги фарқ, яъни зарар ёки даромад келтириши мумкин.

Умуман олганда, сўндириш – форвард валюта битимини ниҳоясига етказганликдир. Агар битимнинг бошқа қатнашчиси мазкур битим бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаса ёки бажаришни хоҳламаса амалга оширади. Сўндириш тўлиқ ёки қисман амалга оширилиши мумкин. Тўлиқ сўндириш

мижоз томонидан битим бўйича банкка сотиши керак бўлган валютани ололмай қолганда ва битим бўйича банкдан сотиб олиши шарт бўлган чет эл валютасига эҳтиёж бўлмаганда амалга оширилади.

Айтиш жоизки, амалда форвард битимларини узайтиришда қуйидаги ҳолат вужудга келиши мумкин: форвард валюта битими ўз ниҳоясига етказилаётганда мижоз харидордан ёки хорижий сотувчидан кутилаётган валютани ҳали олмаган бўлиши мумкин. Мижоз форвард валюта битимида келишилган миқдордаги валютани сотиб олиши ёки сотиш нияти мавжуд бўлганда, аммо у мазкур битимдаги валютанинг етказиб берилиш вақтини узайтириш ниятида бўлса, унда мижоз қуйидагиларни амалга ошириши мумкин бўлади. Бунда биринчидан, спот битимига мувофиқ, банкдан эски битимни сўндиришни сўраши ва ҳисобланган қўшимча даврнинг курси бўйича янги битим тузиши мумкин бўлса, унда иккинчидан, банкдан ушбу битимдаги сотиб олиш ва сотишнинг банк курсларини ўзгартириб, битимни узайтирилиши сўралади.

Аммо форвард валюта битимини узайтириш айрим бир оқибатларни юзага келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлади, яъни форвард валюта битимини сўндириш сингари банк ўзининг ташқи валюта бозоридаги позициясини ҳимоя қилиши кузатилса, унда:

– биринчидан, бирламчи форвард валюта битими агарда банк томонидан валютани сотишга йўналтирилса ва бунда у санани узайтирувчи ўзининг спот харид курсини қўллашга эга бўлиши;

– иккинчидан, агар бирламчи форвард битими банк томонидан валютани харид қилишга йўналтирилса, унда у санани узайтирувчи ўзининг спот курсини қўллаш орқали ўз позициясини ҳимоя қилиши мумкин бўлади.

Амалда банк битим муддатини узайтираётган вақтида мижознинг жорий ҳисобварағида “форвард” курси билан ёпилиш “спот” курси ўртасидаги фарқни миллий валютада қайд қилади. Шунингдек, мижознинг ҳисобварағи фойдали

бўлганда кредитланади ва зарарли ҳолат кузатилганда дебитланади.

Форвард валюта битимини узайтириш, сўндириш ҳолатлари ажралиб туради. Бу банк мижоз билан оддий форвард битимидан фарқли мижозга мақбул бўлган курс бўйича янги форвард битимини имзоланишида ўз аксини топади.

Форвард битими каби фьючерс битимларининг бажарилиши ҳам шарт бўлиб ҳисобланади. шу билан биргаликда фьючерс битимини форвард битимидан бир қатор муайян фарқли томонлари ҳам мавжуд (5.5-жадвал).

5.5-жадвал

Фьючерс ва форвард битимларининг фарқли томонлари

Фьючерс битими	**Форвард битими**
Битимлар биржа томонидан кафолатланади	Кафолат мавжуд эмас
Битим шартлари стандартлаштирилган	Битимнинг ҳар бир банди ўзаро музокараларни юзага келтириб чиқариши мумкин
Иштирокчи позицияси исталган пайтда қарама-қарши йўналишдаги битим (офсет) билан ёпилиши мумкин	Иштирокчи позицияси фақат иккинчи томон билан келишилган ҳолатда ёпилиши мумкин
Нархларнинг ўзгаришидан келадиган даромад (зарар)лар ҳар кунлик тўловлар ҳисобига амалга оширилади	Нархларнинг ўзгаришидан даромад фақат бухгалтерия ҳужжатларида ҳисобга олинади
Базавий активни ҳақиқатда етказиб бериш ҳолатлари кам учрайди	Базавий активлар асосан ҳақиқатда етказиб берилади
Кредит риски деярли йўқ	Кредит риски мавжуд
Кредит риски биржа зиммасида	Кредит риски

Фьючерс битимларининг асосини нафақат товарлар (хомашё), балки молиявий инструментлар ҳам ташкил этиши

мумкин. Базис активларини молиявий инструментлар, яъни қимматли қоғозлар, фонд индекслари, валюталар, банк депозитлари, ташкил этувчи битимлар молиявий фьючерс битимлари дейилади[64]. У ўтган асрнинг 70-йилларида халқаро валюта бозорида биринчи бор қўлланилган ва ўша вақтнинг ўзида кенг тарқалган. Унинг концепцияси ва озиқ-овқат маҳсулотларидан келадиган фойдага асосланади.

Фьючерслар биринчи бўлиб Чикагода пайдо бўлган кичик чайқовчиларга бозорга чиқишга инструмент бўлиб хизмат қилган ва йиллар ўтган сари унинг иштирокчилари сони ўсиш анъанасига эга бўлмоқда. Шунга қарамай, валюта фьючерслари тизими ҳисобида эгилувчанлик бўлмаса-да, улар жаҳон валюта бозорларида форвард битимларини иккинчи даражага тушира олмайди. Молия фьючерслари бўйича барча камчиликлар, ютуқлар ва кафолат мажбуриятлари юқорида қайд этилди.

Битта битим ёки бир қанча битимлар сони кўп битимларга нисбатан тезроқ сотилиши мумкин. Йирик бўлмаган операторларда яна бир устунлик бор. Бозор муносабатлари шароитида битта битим ёки кичик бир сумма ставкаси фарқ қилмайди.

Молиявий фьючерс шартномаси фоиз ставкаларига асосланган форвард шартномасига ўхшайди, модомики у молиявий инструментларни бир томондан иккинчи томонга, келажакда белгиланган муддатда етказиб берилишидан англатадиган бўлса, унда у форвард битимидан маълум бир томонлари билан фарқланади, жумладан фьючерс битимлари форвард бозоридаги дефолт ҳолатлари ва ликвидлилик билан боғлиқ муаммоларни енгиб ўта олади[65]. Ҳозирги кунда замонавий фьючерс бозорлари асосан молиявий фьючерс битимлари ҳисобига ривожланиб келмоқда.

---

[64] Дериватива (серия “Reuters для финансистов”) / Пер. С англ. – М.: Альпина Повлишер, 2002-52 с.

[65] Frederic S. Mishkin Stanley G. Eakins. Financial markets and institutions – USA: Prentice Hall, Pearson Education, 2012. – p.590-593.

Айтиб ўтганимиздек, форвард битимларини ижро этиш мажбурий ҳисобланишига қарамай, контрагентлар уни амалга ошмай қолишидан суғурталанмаган, бундай ҳолатларга томонлардан бирининг банкротлиги ёки инсофсизлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун битим имзолангунга қадар ҳамкорлар бир-бирларининг тўловга лаёқатликлари ва обрў эътиборлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим.

Айтиш жоизки, ҳозирги шароитда фаол бозорда алоҳида битимлар ёки битимларнинг кичик гуруҳлари оммага маълумот тариқасида етказилмайди, чунки ставкалар жуда ўзгарувчи тавсифга эга бўлади. Шу боис валюта курслари бўйича фьючерслар деганда келажакдаги маълум бир санага маълум ҳажмдаги валютани олди-сотди қилиш битимлари тушунилади. Бу жиҳатлари билан улар форвард валюта битимларига ўхшайдилар, бироқ форвард битимларидан фарқли ўлароқ, у жуда оддий тарзда бекор қилинади, валютани қатъий белгиланган суммасига тузилади ва расмий биржаларда сотилади. Шунингдек, фьючерс сотувчилари фьючерс мажбуриятлари бажарилишини кафолатлаш учун биржа дилерларига “пуллик маржа”ни тўлашни кўзда тутишади.

Битимни тартибга солишда ўзига мажбурият олувчи ва биржа томонидан бериладиган кафолат тизими мувофиқлашган ҳисоб-китоб кунида маржа тизими (кафолатга аъзолик бадали)ни амал қилишига ижобий таъсир этмоқда. Битимнинг тугалланишигача қайта баҳоланиш натижасида юзага келувчи тақчилликни қоплашга киритилиши лозим бўлган маржа тизими – кафолатнинг аъзолик бадали орқали таъминланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб амалий ёндашувларга диққатни қаратадиган бўлсак, унда фараз қилайлик халқаро валюта бозорида 50000 евро миқдорида битимни тузиш учун сотувчи томонидан ҳам (харидор томонидан ҳам битимни қайта амалга оширмаган ҳолда) 3000 АҚШ доллари миқдорида аъзолик бадалини кафолатга киритишди деб фараз қилайлик. Унда сотувчи ва харидор томонидан валюта фьючерси бўйича биржада маржа ўзгартиришлари юз беради.

Мисол. Агар биржа аъзоси ҳисобланган харидор декабрь ойида 50000 фунт стерлинг миқдоридаги фьючерс битимини 4 АҚШ доллари курсида бажарилишини сотиб олмоқда (иккинчи сешанба ёки кейинги биринчи иш куни). Демак, битим қиймати 200000 АҚШ долларини ташкил этганда харидор биржага биржанинг аъзоси ҳисобланаётган ўз агенти орқали 3000 АҚШ доллари миқдоридаги маржани киритди деб ҳисоблайлик. Унда биржа ҳар куни кечқурун барча бажарилмаган битимларни охирги курс бўйича қайта баҳолайди. Шу куни кечқурун агар фунт стерлинг курси 1,96 долларгача тушиб кетса, унда харидор 2000 АҚШ доллари миқдорида зарар кўради. Бундай ҳолатда биржада унинг зарарлари ҳажми киритилган маржадан ортиб кетмаганлиги боис ундан маржани ошириб юбориш талаб этилмайди. Бу ўтказма маржа дейилади: фунт стерлинг ҳолатида бу 2000 доллардир. Бироқ, агар фунт стерлинг 1,92 АҚШ долларигача қадрсизланса ва битим фақатгина 192000 доллар турса, харидор биржанинг кейинги очилиш кунига 2000 АҚШ доллари ҳажми даражасини тиклаши учун унинг устига яна 6000 доллар қўшиши керак бўлади. Тескари равишда, агар ҳар кунги қайта баҳолаш вақтида фойда (даромад) ташкил топса, унда 2000 АҚШ доллари ҳажмидаги минимал маржа сақланган ҳолда, ортиқчаси харидорга ўтказилиб берилади. Шу боис, ҳар кунлик асосда бажарилмаган битимларни қайта баҳолашда, маржа тизими, шу вақтнинг ўзида даромад олиш ва зарарларни қоплашни таъминлаш учун кафолат бадалининг ҳажми мослаштирилишини амалга оширади.

Биржада операцияларни амалга ошириш истагини билдирган ҳар қандай томон биржада битимларни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини билиши лозим. Айтиш жоизки, расмий ташкилот (ёки шахс) номидан биржада қатнашаётган биржа аъзоси ҳар куни маржага керак бўлган маблағни сўраб, ташкилотни безовта қилмаслиги учун ўзининг биржага биринчи киритган маржасидан кўпроқ маржани талаб этиши мумкин. Бунинг сабаби мазкур битимлар моҳиятини

қуйидаги мисол бўла олади. Брокер мижоздан 1 долл./4 евро нисбатида АҚШ долларига 4000 евро сотиб олиш учун уч ойлик фьючерс битимини тузишга буюртма олди. Брокер мижознинг маблағлари ҳисобига харид суммасига нисбатан 10 фоиз ҳажмда кафолат суммасини киритади. Бу сумма 4000 еврони ташкил этади. Брокер бошқа бир брокердан 1 сентябрда уч ойлик фьючерс битимини 1 декабрда бажарилиш муддати бўйича сотиб олади, яъни брокер позиция очади. Фьючерс битимлари фойда (ёки зарарлар) ҳисобини қуйидаги (1) формула орқали амалга оширилиши мумкин бўлади.

Валютани фьючерс битими бўйича харид қилиш:

$$\sum М = \sum Ф_Б (П_С – Ф_Б^{ЧК}) \quad (1)$$

Бу ерда,

$\sum М$ – маржанинг (фойда/зарар) ҳажми;

$\sum Ф_Б$ – фьючерсни битим ҳажми;

$П_С$– валюта биржасида позицияни сўндириш кунида котировка курси АҚШ долларида (фьючерсни сотиш);

$Ф_Б^{ЧК}$– валютани фьючерс битими бўйича АҚШ долларига чет эл валютасини харид қилиш курси.

Валютани фьючерс битими бўйича сотиш:

$$\sum М = \sum Ф_Б (П_С – Ф_Б^{ЧК}) \quad (2)$$

Бу ерда,

$Ф_Б^{2К}$– АҚШ долларини фьючерс битими бўйича чет эл валютанинг фьючерс курси бўйича сотиш.

Бунда долларнинг курси қуйидагини ташкил этди:

1.09.2018 й. долл./еврога спот курси = 4,0020 евро

Маржа = (4,0020-4,0000)*40000 = 80 евро, яъни 80 евро фойда

2.09.2018 й. долл./еврога спот курси = 4,0010 евро позицияни сўндириш куни

Маржа = (4,0010-4,0020)*40000 = - 40 евро, яъни 40 евро зарар

3.09.2018 й. долл./еврога спот курси = 4,0040 евро позицияни сўндириш куни

Маржа = (4,0040-4,0010)*40000 = 120 евро, яъни 120 евро зарар.

Айтиш жоизки, иш куни охирида позицияни сўндириш вақтида фьючерс битими унинг ҳажмига мос равишда қайта баҳоланади. Брокер фьючерсни бажарилиш кунигача ушлаб турди. Бажарилиши куни фьючерс банклараро валюта бозорида спот котировка курси бўйича сўндирилади:

АҚШ долл./евро 4,0200.

Бунда фьючерсни харид қилган брокернинг фойдаси қуйидагича аниқланади:

$$Ф_ф^X = (4,0200-4,0000)*40000 = 800 \text{ евро.}$$

Шу билан бирга, у ўзининг 800 евро ҳажмидаги кафолатланган аъзолик бадалини қайтадан олди.

Фьючерсни сотган брокернинг зарарлари қуйидагичадир:

$$Ф_З^C = (4,0000-4,0200)*40000 = - 800 \text{ евро.}$$

У кафолатланган аъзолик бадалини 3600 евродаги қисмини (4000-400) қайтадан олиш имкониятига эга бўлди.

Халқаро валюта муносабатларида шакллантириладиган битимларнинг яна бир тури валюта опционлари орқали шаклланди. Илк бор валюта опциони 1982 йил (март) Филадельфия биржасида амалга оширилди ва тезда жаҳоннинг кўплаб биржаларида амалга оширила бошланди. У бошқа битимлардан фарқли ўлароқ харидорга маълум бир ҳуқуқни беради, аммо унинг зиммасига келажакдаги маълум муддатда

белгиланган нарх бўйича хорижий валютанинг муайян миқдорини харид қилиш ёки сотиш мажбуриятини юкламайди. Опционни сотувчи харидор олдида келажакда муайян муддатда қатъий белгиланган нарх бўйича муайян миқдордаги хорижий валюталарини харид қилиш ва сотиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Опцион битимининг тузилиши сотувчи ва харидорнинг мавжуд бўлишини кўзда тутади. Опцион харидори (шу билан бирга, опцион эгаси) ушбу операцияни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун белгиланган миқдордаги воситачилик ҳақини тўлайди. Опцион олдиндан белгиланган муддат давомида амал қилади, бир муддат экспирация санаси ҳам деб айтилади. Опцион турли хил турдаги товарлар учун (ер, кўчмас мулк, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва фьючерс битимлари) тузилиши мумкин. Шунингдек, у товарни амалда етказиб берилишини кўзда тутмаслиги мумкин (бундай опционга "ҳисоб-китоб" опциони дейилади).

Опциондан инвестиция портфелининг муҳим элементи ва суғурталашнинг самарали усули сифатида унинг икки асосий тури ("Колл" опцион ёки харид қилиш учун опцион ва "Пут" опцион)дан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Айтиш жоизки, колл опционнинг харидори олдиндан белгиланган нарх бўйича муайян товарни сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса харидорга аниқ товарни сотиб олиш ёки сотишда фойда келтирмайдиган бўлса, у ҳолда ундан воз кечиш имкониятини беради. Масалан, колл-опционнинг харидори 1 АҚШ долларига 8020 сўм нисбатдаги курс бўйича 100 АҚШ долларини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Пут-опционнинг харидори эса, худди ўша шартларда олдиндан белгиланган муддатда, масалан 2018 йилнинг 31январь санасига қадар ушбу нархлар бўйича АҚШ доллари сотиб олиш ҳуқуқига эга. Опционнинг сотувчиси колл-опцион ҳолатида опционни сотиши лозим. Пут-опцион ҳолатида эса, опцион харидори буни талаб қилса, муайян товарни сотиб олиши

зарур. Бунда “ҳисоб-китоб”опциони бажарилган ҳолда фойда (зарарлар) пул шаклида ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолларда валюта опционлари валюта рискини камайтириш ёки олдини олиш мақсадида фойдаланиш муҳим бўлиб ҳисобланади, яъни:

– агарда валюта тушуми (тўлови)нинг вақти ва миқдори аниқ бўлмаганда. Агар битим амалга ошмаса, опцион бозорда сотилиши (агар унинг қандайдир бир қиймати бўлса) мумкин бўлса ёки даромад билан бажарилиши (агар бажарилиши нархи “спот” курсга нисбатан анча мувофиқ бўлса) мумкин бўлса;

– чет эл валютасида баҳоланган тижорат таклифи ҳисобланган хорижий битимни рағбатлантириш учун шарт-шароит яратилган бўлса;

– чет эл валютасида ўз маҳсулотларининг нарх-навосини чоп этишга тайёр бўлса;

– нархга нисбатан ўта сезгир бўлган экспорт ва импорт товарларини ҳимоя қилиш шароити ёки унинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса.

Амалда айирбошлаш курсининг яхши томонга ўзгариши юз берса, унда опцион-импорт қилувчи (экспорт қилувчи) ундан даромад олиш имкониятига эга бўлиши мумкин бўлади (бунда у форвард валюта битимларидан импорт қилувчи (экспорт қилувчи)нинг қатъий белгиланган курсга боғланиб қолишининг олдини олади). Бунда даромад импорт қилувчи (экспорт қилувчи)нинг мижозларига тайинланган нархларда акс этади.

Компания маълум бир белгиланган валютанинг ҳолатини (рискини) билмасдан туриб чет эл валютасини сотиш ҳақида форвард валюта битимини тузмайди. Масалан, Малибу компаниясига таъминича, битим 3700000 фунт стерлинг қийматида туради. Бу битимга таклифларнинг кўплиги ва рақобатнинг кучлилигини эътиборга олиб, компания бу битимни 4 млн. фунт стерлингга баҳолади. Битим вақтида 1 фунт стерлинг 5,60 еврони ташкил этишини ҳисобга олиб, 11200000 евро

миқдоридаги таклифни ўртага ташлайди. Бундай ҳолатда битим олти ой муддатдан олдин тузилмайди.

Айтиш жоизки, халқаро амалиётда опционларнинг америка ва европа турлари ҳам амал қилади.

Биринчиси опционни ҳаракат муддатини хоҳлаган вақтида бажарилишини англатади. Бунда опционни ҳаракат муддатини унинг биринчи ва охирги ҳисоб-китоб санаси орасида ўрнатилади.

Иккинчиси опционнинг фақат ҳисоб-китобнинг маълум бир охирги аниқ даврида бажарилишини англатади. Ушбу бўйича ҳисоб-китобни амалга ошириш учун икки иш куни асос қилиб олинади ва шунинг учун, валюта опциони унинг эгаси томонидан ҳисоб-китоб кўзда тутилган кундан икки кун олдин бажарилиши зарур бўлади.

Амалда валюта опционлари турли молия институтларида расмийлаштирилиши ҳам мумкин бўлади:

– биржадан ташқари опционлар – улар банкнинг мижозлари учун ёзилади;

– биржа опционлари – уларни опцион биржаларидан сотиб олиш мумкин бўлади.

Биринчи ҳолатда банк томонидан ишбилармон мижозга мос келувчи тижорат шартномасига ёзилади. Улар мижознинг талабидаги суммаси, баҳоси (яъни айирбошлаш курси) билан бирга, унинг бажарилиши санасига ҳам аниқ мослаштирилгандир.

Ушбу опционларнинг асосий камчилиги – улар муомаласининг йўқлиги билан изоҳланади. Мижоз опционни бажарилиши санасигача ушлаб туриши ёки уни бажариши ёки унинг муддатини ўтиб кетишига йўл қўйиши керак бўлади.

Иккинчи ҳолат опцион битимларининг жамланган валюта суммаси ва вақтнинг даврий йиғиндиси билан эътироф этилади.

5.7. СВОП шартномаси

Валюта бозоридаги халқаро битимлар, хусусан капиталнинг қисқа муддатли экспорти СВОП-битимларидан тез-тез фойдаланишга имконият яратади.

Айтиш жоизки, капитал экспорти агарда бошқа валютага боғланиши тахмин қилинса (кафолат асосида бажарилиши шарт бўлса), унда бу муносабат своп-битимдан фойдаланишни англатади.

Одатда, бир вақтнинг ўзида чет эл валютасини ҳар хил санага турли ҳисоб-китоблар шартида тенг суммада сотиб олиш ва сотишни кўзда тутган муносабатлар мажмуасига своп операцияси деб айтилади.

Умуман олганда, своп атамаси кенг маънолидир. У (“swap”, “swop”– алмашиниш, алмашиш каби мазмунни ўзида акс эттиради) операциялари турли муддатларда ҳисобланиш шартларида тенг суммаларда бир вақтнинг ўзида валютани сотиб олиш ва сотишни англатади. СВОПни – кейинчалик сотиш кафолати билан вақтинчалик сотиб олиш мазмунини ҳам англатади. Амалиётда СВОП валюта алмаштириш бўйича икки алоҳида шартнома бир вақтнинг ўзида ифодаланишини билдиради. Бундай шартномалар қарама-қарши йўналишга ва турли ҳисоблаш муддатларига эгадир. Биринчи шартнома бўйича валюта маълум муддатга етказиб бериш шартларида иккинчи валютага алмаштириш орқали сотиб олинади. Иккинчи шартнома бўйича, биринчи валюта бошқа муддатга етказиб бериш шартларида иккинчи валютага алмаштириш орқали сотилади. СВОП валютани келажакда сотиб юбориш гарови билан қандайдир вақтга сотиб олинишига кўра бир вақтнинг ўзида валюта алмашуви бўйича иккита алоҳида битим тузилишини қайд этади. Бу битимлар қарама-қарши йўналишга ва турли ҳисоб-китоб санасига эгадир. Бунда дастлаб биринчи битим бўйича биринчи валюта икинчисига сотиб олинади ва муайян белгиланган бир муддатга етказиб берилишини таъминлайди. Иккинчи битим бўйича биринчи

валюта иккинчи валютага сотилади ва бошқа бир муддатга етказиб берилиши таъминланади.

Бундай валюта операцияларини банклар ташкил этади. Бунда икки банк ўртасидаги битим муддати тугагач, бошланғич валюталарни бир-бирига қайтариш шартларида маълум муддатга икки валютани алмаштириш юз беради. Алмаштириш бир вақтда тузилган, аммо валюта етказиб бериш муддатлари турли, "спот" – бир битим бўйича, бўлган икки қарама-қарши битим шаклида ўтказилади ва икки банк муддатли битимлари бўйича валютани сотиш муддатигача "спот" битимларида сотиб олинган валютага эга бўлади.

СВОП операциялари қуйидаги мақсадларга ишлатилади:

– тижорат битимини амалга оширишда халқаро ҳисоботларни таъминлаш учун;

– банк томонидан зарур валютани рисксиз сотиб олишда;

– ўзаро банклараро икки валютада кредитлаш. Бу ўтган асрнинг 60-йилларида, Бреттон-Вудс валюта тизими инқирозга юз тутган пайтда, давлат валюта интервенциялари кенг тарқалганда СВОП операциялари Марказий банклар томонидан хорижий валютадаги ўз резервларини вақтинчалик мустаҳкамлаш учун фойдаланилган эди. Кейинчалик ўтган асрнинг 80-йилларида бундай операциялар тўхтатилган эди.

Форвард бозоридаги баҳолар ставкалари ўртасида юзага келадиган фарқига боғлиқдир. Форвард курси анъанавий формула орқали аниқланади (1-формула).

$$В_{ФК} = (1+Б_{Ф.СТ}) * В^{С.ПК} / 1+Л_{СТ}$$

Бунда:

$В_{ФК}$ – валютанинг форвард курси;

$Б_{Ф.СТ}$ – банклараро кредит бўйича фоиз ставкаси;

$В^{С.ПК}$ – валютанинг спот курси;

$Л_{СТ}$ – либор ставкаси (Лондон банклараро ставкаси). Форвард курси нобарқарор шароитда ҳисоб-китобларда қўлланилмайди.

5.8. Валюта ва фоиз арбитражи

Айтиш жоизки, турли вақтларда сотиб олинган ва сотилган валюталар ҳақиқатда тескари СВОПни ташкил этиб уни сотиши ва сотиб олиши ҳам мумкин. Қопланилган позиция фақатгина ҳисоблашиш вақтларини фарқланиши сабабли юзага келса, унда уни бутунлай қоплаш ёки камайтириш мумкин бўлади. Умуман олганда, СВОП жорий фоиз ставкалари таъсирида юз бераётган бир валюта форвард маржасининг ўзгариши бошқа валюта форвард маржасига қандай таъсир кўрсатиши доирасида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларда брокерларнинг ўзаро фикрлашидир (яъни своп операциялари) фоизлар бўйича амалга оширилиши ҳам мумкин.

Банклар ўзларининг чет эл валютасидаги мажбуриятларини қоплаш мақсадида своп операцияларидан фойдаланиладилар. Унинг ёрдамида банклар ўз валюта позицияларини мувофиқлаштиришлари ва валюта курсларининг тебранишнинг олдини оладилар. Своп операцияси икки банк томонидан амалга оширилганда бир банк иккинчисига бир валютани, иккинчиси иккинчи валютани алмашади ва маълум вақт ўтиши билан валюталар қайтариб олинади. Айирбошлаш бир вақтда икки қарама-қарши валюта битими шаклида амалга оширилади ва валюталарни етказиб бериш турлича муддатларда амалга оширилади. Битимларнинг бири – спот иккинчиси – форвард кўринишда бўлади. Натижада иккала банк форвард битими орқали сотгунча бўлган вақтга спот битими орқали харид қилинган валютага эга бўлади.

Энг муҳими бундай операцияларда спот ва форвард курсларнинг бир вақтда ўрнатилишидир. Аммо бу икки курс қиймат жиҳатидан фарқланади. Улар орасидаги фарқ своп бўйича маржа арбитражнинг асосий даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

Валюта арбитражи – фойда олиш учун валютани сотиб олиш ва сотиш бўйича операция бўлиб, бунда арбитраж валюта

ва фоиз арбитражларига ажратилади. Валюта арбитражи – бу валюта курслари фарқидан фойда олиш мақсадида валютани сотиб олиш ва бир вақтнинг ўзида сотиш. Валюта арбитражи оддий, мураккаб ва даврий кўринишда ҳам бўлади (5.8-чизма).



5.8-чизма. Валюта арбитражи турлари

Одатда арбитраж «спрэд» битимларини тез-тез тузиш шаклида ҳам амалга оширилади. «Спрэд» битимлари бир валютани сотиб олиш ва бошқа валютани бир вақтнинг ўзида сотишни англатади. Бу валюталар курси биргаликда, турли суръатларда кўтарилиши ва пасайиши мумкин. Бунда дилер бир операциясидан зарар кўриши ва иккинчисидан фойда олишни назарда тутади.

Айтиш жоизки, иқтисодиётни глобаллашуви шароитида халқаро бозорда, халқаро кредитлар олиш ва валюта олиб сотиш бўйича фоиз арбитражи кенг амал қилмоқда. Бундай ҳолат битим мазмунига эга бўлиб, у турли валюталар бўйича фоиз ставкалари ўртасидаги фарқдан фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар томонидан ўз қисқа муддатли актив ва пассивларни валюта таркибини тартибга солишга қаратилган валюта ва депозит операция-ларини ўзида мужассамлаштириши билан ажралиб туради.

Фоиз арбитражи пул бозорида пулларни бир фоиз бўйича қарзга олиш ва шу вақтнинг ўзида бошқа юқорироқ фоиз бўйича кредитга бериш шаклида жуда кенг қўлланилади (5.9-чизма).



5.9-чизма. Фоиз арбитражини субъектлар (арбитражёрлар) ўртасида қўлланиш шакллари ва амал қилиш хусусияти

Ушбу 5.9-чизмада келтирилган шаклларга амал қилган ҳолда форвард қопланишсиз фоиз арбитражини амалга ошириш қуйидаги механизмлар орқали шакллантирилади:

- арбитражёр томонидан АҚШ долларида депозит очилади;
- долларни «спот» курси бўйича еврога алмаштирилади;
- еврони депозитда сақлаш ва депозит муддати тугагач, уларни олиш режалаштирилади;
- еврони иккинчи «спот» курси бўйича долларга ўтказиш ва арбитражёр уни олиши лозим бўлади.

Форвард қопланишсиз фоиз арбитражи арбитражёр учун валюта риски билан боғлиқ бўлади, чунки валюталар бўйича фоиз ставкалар депозит муддати даврида валюта курсининг ўзгариши юз беради.

Валютакурслари сузиб юрувчи ҳолатида уларнинг тебраниши валюталар ўртасидаги фоиз ставкалари фарқини қисқартиради. Бунда арбитражёрлар форвард қопланишисиз фоиз арбитражини амалга ошираётганларида фоиз ставкалари ўлчамига диққатни қаратиш эмас, балки валюта курсларининг кутилаётган ўзгаришларига эътибор беришини талаб этади.

Таянч сўз ва иборалар

Фоиз, валюта, арбитраж, опцион, фьючерс, капитал, экспорт, кредит, форвард, кредит риски.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Форвард, фьючерс ва опцион шартномаларининг иқтисодий моҳияти нимидан иборат.
2. Фьючерс шартномаларининг муддатлари ҳақида нималар биласиз.
3. Валюта операцияларининг турларига нималар киради.

6-боб. ВАЛЮТА РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ

6.1. Валюта рисклар тушунчасининг иқтисодий моҳияти, турлари, юзага келиш сабаблари.

6.2. Валюта риск турлари, уларни самарали бошқариш ва тартибга солиш.

6.3. Очиқ валюта позицияси ва риск турлари.

6.4. Валюта чекловлари.

6.5. Валюта рискларини самарали бошқариш ва тартибга солишнинг замонавий йўллари.

6.1. Валюта рисклари тушунчасини иқтисодий моҳияти, турлари, юзага келиш сабаблари

Валюта риски деганда, валюта курсининг нохуш ўзгариши (тебраниши, беқарорлиги – volatility) натижасида юзага келадиган зарарлар эҳтимоли тушунилади. Халқаро муносабатларда валюта риски, айниқса ўтган XX асрнинг 70- йиллари ўрталаридан, Бреттон – Вудс валюта тизими тугатилишидан кейин юзага долзарб малака сифатида келди. Унинг ўрнига келган эркин сузиб юрувчи валюта курси тартиби халқаро савдода жуда катта кутилмаган вокеликларга сабаб бўлди. XX асрнинг 80- йилларида валюта курсининг йиллик тебраниши 31% ташкил этган эди. Россиялик иқтисодчи олим И.О.Лаврушиннинг “Банковское дело” (яъни Банк иши) дарслигида ушбу масалага диққатни қаратган ҳолда валюта рискларини туркумланишини тўрт гуруҳга бўлган ҳолда тизимли асослашга эришган (6.1-чизмага қаралсин).



6.1-чизма. Валюта рискларининг туркумланиши[66].

Унда асосий рисклар турли конверсион рисклар таркибига киритишга ва уларни ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиш зарурлигини эътироф этган. Улар устида тўхталиб ўтиш муҳимдир. Л.О.Лаврушин валюта рискларини тижорат, конверцион, трансляцион ва форвейтинглаш рискига ажратган ҳолда уларга изоҳ бериб ўтган. Биринчиси – қарздорнинг (ёки кафилнинг) ўз мажбуриятларини бажаришни истамаслиги ёки имконияти йўқлиги билан боғлиқ бўлса, унда иккинчиси (конверсион рисклар) аниқ операциялар бўйича валюта зарарлари риск сифатида юзага келади. Бу рисклар ўз навбатида: иқтисодий, ўтказма ва битим рискларига бўлинади.

Бунда иқтисодий риск шундай рискки, бунда валюта курсининг келажакда ўзгариши оқибатида банкнинг актив ва

[66] "Банковское дело" под ред. д.э.н., проф. И.О.Лаврушина, Москва. "Финансы и статистика", 2005.

пассив қийматининг кўпайиш ва камайиши (миллий валютада) юз бериши мумкин бўлади. Глобал шароитда банкларнинг чет эл активларига сармоя киритиши келажакда ўз миллий валюталари ифодаланган тўловлар оқими ҳажмига таъсир этиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу сўндирилаётган кредитлар бўйича тўловлар ҳажми кредитнинг чет эл валютаси миллий валюта эквивалентига ўтказилиши натижасида ўзгаради.

Чет эл валютасидаги актив ва пассивлар ҳисобининг фарқланиши ўтказма рисклар билан боғликдир. Амалда чет эл валютасида ифодаланган активлар курси пасайиши содир бўлса, унда активлар қиймати тушиб кетиши юз беради. Активлар ҳажмининг камайишида банкнинг капитал миқдори сўзсиз пасайиши юз беради. Валюта курсининг ўзгариши келажакдаги тўловлар оқимига фирма ёки банкнинг келажакдаги фойдасига таъсирини билдирган битим риски жозибадор бўлиб қолиши мумкин.

Аммо капитал ҳаракати молия бозорида турли тўсиқларга дуч келиши мумкин. Бундай ҳолат маълум йўқотишлар билан кузатилади. Йўқотишлардан ўзини сақлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш юзага келиши мумкин бўлган рисклардан ҳимояланишни талаб этади. Амалиётда рисклар таркибида валюта рисклари алоҳида ўрин эгаллайди. Бозор иқтисодиёти барча соҳа (тармоқлар)ларда капитал ресурсларини тинимсиз ҳаракатга келтиради. Капитал ҳаракати ўзига хос молиявий муносабатларни ўзида намоён этади.

Конверсион рисклар таркибида битим риски алоҳида хусусиятга эга, чунки у хорижий валютада тузилган битимда миллий валютанинг келажакдаги қийматининг ноаниқлигидан келиб чиқади. Компания даромадлилиги унинг кредитга лаёқатлилигини акс эттирар экан, унда банк мижознинг валюта битимлари тўғрисида доимо хабардор бўлиши лозим. Валюта курслари юқори даражада бекарор бўлган шароитда , валюта рискидан ҳимояланиш усулларидан бири – контрагентлар учун энг қулай шартнома валютасини танлаш ҳисобланади. Экс-

портчи ва кредитор учун нисбатан барқарор валютани танлаш зарур, чунки шу орқали экспортчи савдо ва кредит операциялар самарадорлигига сезиларли таъсир этишига эришиш мумкин бўлади. Бунда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади: яъни шартномани танлашда мазкур валюта курси шартнома тузилган пайтдан мажбуриятлар бажарилгунга қадар ўзгаришини олдиндан билиш; товар бозорида шаклланган анъаналар, савдонинг ташкил шакли (бир марталик битим, узоқ муддатли шартнома, давлатлараро келишув).

Айтиш жоизки, валюта конверсия рискини ҳимоя этишда олтин, валюта ва мультивалюта шарҳларини қўллаш билан камайтиришга эришиш мумкин.

Биринчиси, ҳимоя шарҳини қўллашда шартномани бажариш жараёнида унинг бирламчи шартларининг қайта кўрилиши ёки ўзгартирилиш эҳтимолини кўриб чиқишга эътибор қаратилади. Давлатлараро иқтисодий келишувларни ўз ичига олган, томонлар келишувини акс эттирган шартлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Иккинчиси, олтин шарҳи. Бу биринчи жаҳон уруши даврида ва унда кейин баъзи мамлакатларда кейинчалик эса бутунлай олтин стандартининг бекор қилиниши билан муҳим аҳамият касб этди.

Бу мамлакатлар валютасини олтин стандарти амал қилаётган бошқа мамлакатлар валютасига нисбатан қадрсизлана бошлади. Шарҳлар валютанинг олтин таркибини акс эттирувчи валюта паритетига асосланиб келар эди. Паритет асосида шарҳлар пул бирликларининг олтинга эркин айирбошлаш шартидаги каби, унинг чекланган (олтин – девиз ва олтин – доллар) стандартига амал қилган. Олтин шарҳлари ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари олтиннинг бозор баҳосини расмий даражада ушлаб туриш бўйича чораларни кўргунгача кенг амал қилади. “ Олтин пули” нинг 1868 йилда инқирозга учраши натижасида, олтиннинг расмий баҳосини ҳақиқий қийматидан узоқлаштирган ва олтин шарҳининг

қўлланилишига якун ясаган иккиланган олтин бозорини юзага келишига асос солинди.

Учинчиси, валюта шарҳи. Бу кредит ёки тижорат шартномасига қўшимча келишилган шартлар бўлиб, уларга кўра, келишилган тўлов суммаси товар (кредит) баҳоси акс этган валюта ва бошқа нисбатан барқарор валюталар курси ўртасидаги ўзгаришига боғлиқлигини англатади. Шартнома баҳо ва тўлов валюталарининг турлича белгиланиши, валюта шарҳининг энг содда кўринишларидан бири ҳисобланади. Баҳо валютаси бўлиб мазкур ҳолатда нисбатан барқарор валюта танланади. Одатдаги валюта шарҳи ҳолатидаги эса, тўловга тегишли бўлган сумма шарҳ валюта курсининг баҳо валютасига нисбатан ўзгаришигина боғлиқ бўлади. Иккала ҳолатда ҳам, тўлов суммаси шарҳ валюта курси ўзгарган даражада ўзгаради. Бунда валюта шарҳи бозор курси асосида валюта бозоридаги жорий котировкаси бўйича валюталар ўртасида муносабатни белгилашни кўзда тутади. Икки курс, яъни сотиш ва харид ўртасидаги фарқ даромад бўлиб, у банк маржасини англатади. Унинг ҳисобидан битим амалга ошириш бўйича харажатлар қопланади ва шу билан бирга валюта рискини суғурталаш учун ҳам маблағлар ажартилади.

Тўртинчиси, мультивалюта шарҳи, унинг валюта шарҳидан фарқи шундаки, пул мажбуриятлари суммаси эквивалентини аниқлашда битта эмас, балки бир нечта хорижий валютадан фойдаланилади. Бу усул бир валюта боғиқликни бартараф этади. Курс ўртача шартли кўрсаткич бўлганлиги боис, валюта миқдори, баҳоси ва тўлови валюталар жамланганидан кейин аниқланади. Шунингдек, СДР (аввалари ЭКЮ) каби махсус ҳисоб бирликларининг валюталар сифатида қўлланилиши, мультивалюта шарҳини ишлатиш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қилган эди.

Валюта рисклари таркибида форфейтинглаш риски алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у экспортёр риски бўлиб, бунда форфейтер (банк) ушбу рискни регресс ҳуқуқисиз ўзига олади.

Экспортчи риски – вексел қиймати акс этган валюта экспортчи ўз ҳисобини юритадиган валютадан фарқ қилганида ва форфейтер билан шартнома тузиш даврида (экспортчи молиялашни аввал ўрнатилган ставка бўйича қабул қилганида) ва импортчига маҳсулотни етказишда юзага келиши мумкин.

Трансляция (бухгалтерлик) риски актив ва пассивлар балансини ва чет эллик филиал мижозларининг, контрагентларнинг "Фойда ва зарарлар" ҳисобварағини қайта ҳисоблаганда пайдо бўлади. Ушбу риск, ўз навбатида, қайта ҳисоблаганда валютани танлаш, унинг барқарорлиги ва бир қатор бошқа омилларга боғлиқ. Қайта ҳисоблаш трансляция (қайта ҳисоблаш санасидаги жорий курс бўйича) ёки тарихий (аниқ операцияни амалга оширилган санадаги курс бўйича) услублар орқали амалга оширилиши мумкин.

Айтиш жоизки, кўрилаётган рисклардан бири, конверсион риск ҳисобланиб, қуйида валюта риски сифатида кўрилади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар иштирокчилари дуч келадиган тижорат рискининг бир қисми валюта рисклари бўлиб ҳисобланади.

Валюта риски ёки курс зарарлари риски, банк операциялар бозорининг байналмилаллашуви, трансмиллий (қўшма) корхона ва банк муассасаларининг ташкил этилиши ва улар фаолиятининг диверсификациялашуви билан боғлиқ бўлиб, валюта курси ўзгариши натижасида пул маблағларида зарар кўриш эҳтимоли акс этади.

Валюта курслари ўртасидаги муносабат бир қатор омиллар таъсирида юзага келади, масалан: валютанинг ички қийматининг ўзгариши пул оқимининг бир мамлакатдан бошқасига оқиб ўтиши ва бошқалар. Резидент ва норезидентларнинг бу валютага ишончи ҳар қандай валютани тавсифловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Валютага бўлган ишонч кўп омилли мезон ҳисобланиб, бир қанча кўрсаткичлардан иборат, жумладан: мамлакат очиқлик даражасининг сиёсий тартибига бўлган ишонч кўрсаткичи, иқтисодиётнинг эркинлашуви ва алмашиш

курси тартиби, мамлакат савдо баланси, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва инвесторларнинг мамлакатнинг келажакда барқарор ривожланишига ишонч боғлайди.

Аммо, бундай талқин баъзи бир валюта курси тартибига нисбатан аҳамиятлидир, яъни эркин сузиб юрувчи курсига юқорида батафсил изоҳланиб ўтилган валюта рискларининг ҳар бир турининг ўзига хос хусусиятлари уларни юзага келтириб чиқарувчи омилларга боғлиқдир. Чунки омил ёки муаммо юзага келган жойда рискни юзага келиши учун шарт-шароит яратилади. Уни эътиборга олмаслик катта йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин. Айтиш жоизки, рискларни юзага келишида тебранишлар беқарорлик ҳолатлари сабаб бўлса-да, уларни ҳис этиш ва оқилона бошқариш валюта операцияларини муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди. Лекин риск даражаларини тахминлаштириш сезиларли даражада оғир иш бўлиб ҳисобланади.

Шу боис валюта рискининг ҳажми, валютанинг сотиб олиш қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ бўлади. У битим имзоланган ва тўловни амалга ошириш муддати ўртасидаги вақт оралиғининг фарқига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Экспорт жараёнида курсдан йўқотишлар тўлов валютаси курсини тушишигача бўлган муддатда битим имзолаб қўйган бўлса юзага келади, чунки олинган тушум маблағларига экспорт қилувчи камроқ миллий пул маблағлари олиши мумкин. Импорт қилувчи (харидор) эса баҳо валюта курси ошишидан зарар кўриши мумкин, чунки харид қилиб олиши учун энди кўпроқ миллий валюта маблағларини харажат қилишига ҳам тўғри келади.

Юзага келадиган ҳар қандай риск экспорт қилувчи (сотувчи)нинг зиммасига тушади.

6.2. Валюта риски турлари ва уларни самарали бошқариш ҳамда тартибга солиш

Рискларни маълум бир сезиларли миқдорда ҳам тахмин бўлса-да, мамлакат ва халқаро молия бозорларида эса бундан фарқли ўлароқ, риск даражаларини тахминлаштириш сезиларли даражада оғир бўлади.

Халқаро амалиётда валюта риски уч турга бўлинади.

Биринчи риск тури. Пул ўтказишда юзага келадиган риск. Хорижий валютада ифодаланган фирма ёки банкнинг молиявий ҳисоботлари натижаларини миллий валютага ўтказишда юзага келади. Агарда миллий валютада ифодаланган хорижий валюта қимматлашса, у ҳолда фирма ёки банкнинг хорижий валютадаги активлари, мажбуриятлари ва мол-мулки ҳам миллий валютага нисбатан қиймат жиҳатдан ошади. Хорижий валюта айрибошлаш курсининг қадрсизланиши юқоридаги ҳолатнинг акси бўлиб чиқади.

Иккинчи риск тури. Транзакция (битимлар) риски. Тўловни келажакдаги бир санада амалга оширишда миллий валюта қийматининг ёки битим даромадлилигининг ноаниқлигини акс эттиради. Айрибошлаш курси транзакцион кўринишга тегишли равишда хеджерлаш (суғурталаш) орқали барҳам берилмагунга қадар, фирманинг даромадига, миллий валютада тўловларни қабул қилиш ва тўлаш ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Барқарор сиёсатни амалга ошириш мақсадида тижорат банклари доимий равишда ўз мижозларидан айрибошлаш курсининг кутилмаган ўзгаришларидан юзага келадиган зарарларнинг олдини олиш учун уларни хеджерлашни тавсия қиладилар.

Учинчи риск тури. Иқтисодий риск. Келажакда валюта айрибошлаш курсларининг ўзгариши натижасида хорижий валютада ифодаланган фирма актив ва мажбуриятларининг миллий валютадаги қийматининг ўзгаришидир. Бунга мисол қилиб фирманинг хорижий бўлинма ва филиалларининг активи ва мажбуриятларини кўрсатиши мумкин. Банклар ўз

мижозлари қатори рискларни минималлаштириш манфаатини кўзлайдилар. Фоиз рисклари ҳолатида халқаро банклар ва фирмалар одатда, айирбошлаш курсининг тахминлаштиришга жуда кўп вақтлари ва ҳаракатларини сарфлайдилар. Айирбошлаш курсларини тахминлаштириш миллий (ички) фоиз ставкаларини баҳолашдан анча мураккаб ҳодисадир. Бунга асосий сабаб бўлиб, ҳар қандай давлатда ички фоиз ставкаларига нисбатан, айрибошлаш курсларининг жуда кўп миқдордаги мураккаб ўзгарувчанлигидир.

Айирбошлаш курслари ва фоиз ставкаларини тахминлаштиришга қизиқиш ва ўз навбатида хорижий валюталар позициясини "очиқ" қолдириш (хеджерламаслик) корпоратив хазиначиликда юқори бўлиб турибди, бу эса баъзида салбий натижаларга олиб келади. Иқтисодий риск – мазкур валюта рискининг ўзига хос кўриниши бўлиб, мультимиллий фирма учун энг муҳим риск ҳисобланади ва фирманинг актив қийматига айирбошлаш курси ўзгаришининг узоқ муддатли таъсирини ўлчайди.

Валюта-иқтисодий таваккалчилигини амалга ошириш мушкул вазифа, чунки валюта курсининг ўзгариш самарасини бир вақтнинг ўзида нисбий инқироз суръатлари (унинг асосида ётган ва ҳар бир валюта билан боғлиқ) пул оқимларига таъсирининг олдини олиш тўлақонли таҳлилсиз мумкин эмас.

Фирмага валюта курслари ўзгаришларининг иқтисодий таъсири, инфляция суръатларидаги курс ўзгаришлари фарқларининг тўлиқ қопланганлигига боғлиқ. Агар нарх назоратига, тангар сиёсат ўзгаришига ва бошқ. ҳақиқий валюта курси (ўз навбатида нисбий нархлар) ўзгарса, у ҳолда нисбий нархлар ўзгариши охир-оқибатда фирманинг узоқ муддатли рақобатли рискини аниқлаб беради. Бунда қатъий белгиланган валюта курси тартиби, сузиб юрувчи курслар тартибига нисбатан валютанинг катта рақобатли рискига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, банклар ҳар бир алоҳида амалиёт бўйича (валюта келишуви, ҳимоя келишуви, олтин келишуви, мультивалюта келишуви, кафолатлар қўлланилиши, форвард битимлари ва своп битимлари) валюта рискларини тартибга солишда турли услубларни қўллаш йўли билан валюта амалиётларидан зарарлар рискини камайтиришга ҳаракат қилишлари зарур.

6.3. Очиқ валюта позицияси ва риск турлари

Ҳозирги шароитда дунё амалиётида ривожланган ва ривожланиш босқичидаги мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бир қанча валюта курсларини қўлланиб келинишига дуч келиш мумкин. Улардаги мавжуд хусусиятларидан келиб чиқиб валюта тизимини уч шаклга бўлиш мумкин:

– очиқ;

– ёпиқ;

– қатъий ўрнатилган.

Тижорат банкларидаги валютани айирбошлаш бўлинмалари ҳам одатда очиқ позицияларни ушлаб туришга ҳаракат қилишади: “узун” позицияни (хорижий валюта захираларини кўпайтириш) ёки “қисқа” позицияни (хорижий валюта захираларини камайтириш) қолдирадилар. Бу ҳолат, одатда, банк иқтисодчиси ёки бош валюта дилери томонидан тайёрланган ва юқори раҳбарият томонидан маъқулланган “боғлиқ” валюта тахминлаштиришга асосланган, мақсадли рискларни қабул қилишдир. Бу эса ўз навбатида, банк учун катта риск келтиради.

Шундай қилиб, банклар ҳар бир алоҳида амалиёт бўйича (валюта келишуви, ҳимоя келишуви, олтин келишуви, мультивалюта келишуви, кафолатлар қўлланилиши, форвард битимлари ва своп битимлари) валюта рискларини тартибга солишда турли услубларни қўллаш йўли билан, валюта амалиётларидан зарарлар рискини камайтиришга ҳаракат қилишлари зарур.

Валюта курслари ўзгаришларини аниқроқ прогнозлаштириш, валюта рискларини суғурталаш (хеджерлаш) дан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Хорижий валютада банклар барча актив ва мажбуриятларини қўллаш доирасини жахон тажрибасига мувофиқ кенгайтиришга ёрдам берадиган шарт-шароитларни тизимли ривожлантириб туришлари лозим. Ўзбекистон валюта бозорини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, манфаатдор идораларга халқаро валюта бозори фаолият юритиш услубларини диққат билан ўрганиш ҳамда мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирларга йўл қўймаслик мақсадида, валюта рискларини тартибга солиш инструментларини қўллашни кенгайтиришлари муҳим аҳамиятга эга.

Тижорат банкларининг валюта бозоридаги фаолиятини Марказий банк томонидан тартибга солиниши, банк тизимидаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш бўйича давлат органи бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида аксарият йирик ваколатли банклар активларининг асосий қисмини валюта соҳасига йўналтирилганлиги, яъни хорижий валютадаги активлардан иборатлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш тамойиллари ва валюта қимматликлари билан ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуни билан аниқланади. 1993 йил 7 майдаги ушбу қонун талабларига мувофиқ, Ўзбекистонда хорижий валюта билан боғлиқ барча ҳисоб-китоблар фақат ваколатли банклар орқали, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операцияларини ўтказишга рухсат берувчи лицензиясига эга бўлган тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Бундай лицензияга эга бўлган тижорат банклари ваколатли банклар ҳисобланади.

Бунда банкларнинг валюта фаолиятларини тартибга солишда очиқ валюта позициясининг юритилиши ҳақидаги ҳисобот муҳим ўрин тутади. Бу ҳисобот таҳлил қилинишининг зарурати, Марказий банк томонидан республикадаги мавжуд ваколатли банкларнинг валютавий рискларини камайтиришга қаратилган сиёсати билан изоҳланади. Чунки, Марказий банк томонидан ваколатли банкларга чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларга лимит ўрнатилади. Бу тартиб бўйича банкнинг ўз маблағларига нисбатан белгиланган миқдорда валюта сотиб олиши ва сотишига рухсат бор. Бир валюта тури бўйича бу кўрсаткич 5 фоиз қилиб белгиланган. Лимит (чеклов) ни ўрнатишнинг асосий сабаби, ваколатли банкларнинг валютавий рискларини камайтиришдир. Чунки, ваколатли банклар барча активларини чет эл валюталарига қўйса ва бу валюталарнинг курси жаҳон валюта бозорида тушиб кетса, банк активлари камайиши ва ҳатто банк банкрот бўлиши мумкин (бу ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётининг секин-асталик билан инқирозга юз тутишига олиб келади). Шунинг олдини олиш мақсадида, бу лимитли чеклов барча ваколатли банклар учун жорий қилинган.

Лимитли чеклов ҳар бир давлатда, унинг иқтисодиётининг ҳолати ва мамлакатнинг молиявий тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда амалда Марказий банк бошқарувининг 1998 йилнинг 28 мартида 392-сон билан қабул қилинган “Очиқ валюта позициясини юритилиши қоидалари” амал қилади.

Жорий валюта операциялари бўйича мавжуд чеклашлар олиб ташланса, банклар ушбу лимитни бузмаслик учун ҳисобот тузилиши санасида қисқа позиция қилишлари, ва аксинча, бошқа кунлар мобайнида позицияни узун қилиб лимитни бузишлари мумкин. Шу сабабли, мазкур ҳисоботни тақдим этилиши муддатини яна бир бор қайта кўриш керак.

Ушбу ҳолатни эътиборга олиниши орқали, ички валюта бозори анчагина ликвид маблағлардан маҳрум бўлиши ва

фақат ойнинг бир-икки куни давомида жуда катта миқдорда ликвид маблағларга эга бўлиши бу амалда талаб даражасидаги валюта бозорининг шаклланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади ҳамда меъёрий фаолият кўрсатиши бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар банкнинг мижози унинг учун валюта ресурсларини сотиб олишни талаб қилсада, 5 кун муддат ичида мазкур валютани сотиб олмаса, ушбу валюта ресурсларининг миқдори банк учун узун валюта позицияси ҳисобланиши зарур. Чунки, мижоз хорижий валютани ўз вақтида сотиб олмаса, риск тўғридан-тўғри банкнинг елкасига тушади. Бу эса, катта йўқотишларни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Валюта курсларининг кескин тебраниши иқтисодий, сиёсий, қисман спекулятив сабаблар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бозор барча иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши, экспертлар тахмини, сиёсий инқироз ва сиёсий шов-шувларга ўта таъсирчан бўлади.

Бирор-бир валютага нисбатан талаб ёки мажбуриятнинг бўлиши очиқ валюта позицияси дейилади. Уларнинг тенглиги ҳолатида валюта позицияси ёпиқ деб эътироф этилади. Валюта риски фақат позиция очиқ бўлганида юзага келади.

Очиқ валюта позицияси, ўз навбатида, узоқ ва қисқа турларга ҳамда умумлашган валюта позицияларига бўлинади.

Валюта позициясига таъсир этувчи асосий операция турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– хорижий валюта, қимматбаҳо металл ва номинали валюта бўлган қимматли қоғозлар билан нақд (касса) ва муддатли олди-сотди битимлари;

– валютада (қимматбаҳо металлда) талаб ва мажбуриятлар ҳосил бўладиган муддатли операциялар (форвард, фьючерс битимлари, своп битимлари, опцион ва бошқалар);

– хорижий валютада фоиз ва бошқа даромадларни олиш (тўлаш).

Соф баланс позицияси деб, битта хорижий валютада акс этган баланс активлари билан баланс пассивлари ўртасидаги фарққа айтилади.

Соф спот позицияси – битта валютада акс этган балансдан ташқари талаб ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқ. Соф спот позицияси tomorrow ва spot каби молиявий активлар (хорижий валюта) олди-сотди нақд битимлар каби мижоз билан тузилган битимларга ҳам тегишли ҳолат. Соф муддатли позиция – битта валюта акс этган балансдан ташқари талаб ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқни акс эттиради. Соф муддатли позиция молиявий активлар билан амалга оширилган (опцион ташқари) барча олди-сотди муддатли битимлар натижасида юзага келади. Бундай битимлар банклараро бозорда кредит ташкилотлари томонидан тузилгани каби, мижозлар билан ҳам ўтказилади.

Соф опцион позицияси – кредит ташкилотининг опцион шартномалари билан чегараланган банкнинг битта валютадаги балансдан ташқари талаб ва мажбуриятларининг муносабати акс этади.

Кафолатлар бўйича соф позиция битта хорижий валютада акс этган, олинган ва тақдим этилган чақириб олинмайдиган кафолатлар қиймати ўртасидаги фарқ.

Ёпиқ бозорга эга мамлакат қуйидаги хусусиятларга эга: иқтисодиёти ва иқтисодий ахборотларнинг ёпиқлик ҳолати, инвестор ва экспорт-импорт операциялар бўйича чекловларнинг бўлиши, иқтисодиётда давлат мулкининг устувор бўлиши, валюта курсини бевосита аниқлаш. Бундай мамлакатнинг валюта курси кутилмаган ўзгаришларга эга бўлиб, инвестор ва импортчилар бу валютада битим тузишдан сақланишади, ҳақиқий тўловлар ва товар айланмаси учинчи мамлакат валютаси орқали олиб борилади. Бундай валюта бозори жуда тор ёки умуман мавжуд бўлмайди.

Сезиларли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган, қатъий ўрнатилган курс устунлик қилган мамлакат. Бундай валюта курси “нуфузли” валютага нисбатан қатъий ўрнатилиб, экспорт-импорт операциялар ва инвестицияни амалга ошириш учун

қўлланилади. Бундай мамлакатлар валютасига макроиқтисодий кўрсаткичлар оз миқдорда ёки умуман таъсир этмайди.



6.2-чизма. Валюта позициясининг таркибий қисми.

6.4. Валюта чекловлари

Валюта операциялар муносабатлари – мамлакатнинг валюта-иқтисодий ҳолати, иқтисодиётни мамлакатлараро интеграциялашуви ва ҳоказолар билан изоҳланади. Тарихнинг ривожланишига назар соладиган бўлсак, биринчи навбатда ҳар қандай валютавий муносабатларнинг мақсадлари валютавий инқирозни бартараф этиш ва валюта қийматини таъминланганлиги, валютавий чеклашлар, валютани эркин алмашинуви, валюта операцияларини эркинлаштириш билан белгиланади. Валютавий чекловлар эса айни мамлакатлараро валютавий муносабатларни асосий жиҳатини ўзида акс эттиради.

Валютавий чеклашлар деганда, чет эл валютаси ҳамда валюта қимматликлари билан бўладиган операцияларга давлат томонидан чеклашларни жорий қилишга айтилади. Ҳозирги вақтда, деярли барча ривожланган мамлакатларда валютавий чеклашлар мутлақо олиб ташланган, айримларда эса, унинг заиф кўринишини кузатиш мумкин. Масалан, Буюк Британияда 1970 йилдан буён валютавий чеклашлар мутлақо йўқ.

Валютавий чеклашлар мамлакатлар ҳудудидан олтин ва валюта қимматликлари чиқиб кетишининг олдини олишди, шу асосда, чет эл валюталарига бўлган талабни тартибга солиш мақсадида қўлланилади.

Одатда, валюта рисклари банклар томонидан турлича бошқарилади. Банк тузилмаси ичида валюта рискларини бошқаришга қаратилган биринчи қадам – валюта операцияларига ўрнатилган чекловлар ҳисобланади. Масалан, чекловларнинг қуйидаги кўринишлари кенг тарқалган:

• хорижий давлатларга ўрнатилган чекловлар (алоҳида мамлакат мижозлари ва контрагентлари билан кун давомида ўтказиладиган операцияларга ўрнатилган чекловлар);

• контрагент ва мижозлар билан операцияларни бажаришга ўрнатилган чекловлар (ҳар бир контрҳамкор, мижоз ёки мижозлар гуруҳига кўрсатилаётган операцияларнинг максимал қиймати чекланади);

• воситалар чеклови (фойдаланилаётган восита ва валюталарнинг аниқ белгиланган ва савдога қўйилиши мумкин операциялар рўйҳатига қўйиладиган чекловлар);

• ҳар кунлик ва ҳар бир диллерга ўрнатилган чеклов (одатда савдо қилинаётган хорижий валюта бўйича энг катта очиқ позицияга чеклов белгиланади, аниқ диллер ва алоҳида восита учун кейинги кунга кўчириш имкони ҳам бўлиши мумкин);

• зарарларнинг чекланиши (кўрилиши мумкин бўлган энг катта зарар қиймати ўрнатилади, зарар унга етгач, барча очиқ позициялар зарар билан ёпилиши керак). Баъзи банкларда бундай чеклов ҳар бир иш кунига алоҳида давр учун ўрнатилади.

Бундан ташқари, жаҳон амалиётида валюта рискини пасайтиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

• актив ва пассив бўйича валюта олди-сотдисини ўзаро ҳисобга олиш. Бу усул “мэтчинг” деб номланиб, унинг ёрдамида келиб тушган валютанинг ҳажмини чиқариб кетаётган валюта ҳажмидан айириб ташлаб, банк раҳбарияти уларнинг ҳажмига таъсир кўрсатиш имкониятига эга, бу ўз навбатида, валюта риски натижасида зарар кўришни пасайтиради;

• бошқа трансмиллий (қўшма) банклар “неттинг” усулидан фойдаланиш, бунда валюта битимлари сони уларни катталаштириш орқали қисқаради. Бу мақсадда банклар хорижий валютаси олди-сотдисига келиб тушган аризаларни мувофиқлаштирувчи бўлинмалар тузишади;

• валюта курсининг ўзгариши бўйича он-лайн ахборотлар билан таъминлаб берувчи махсус дастурлардан фойдаланиш;

• ҳар кунлик валюта бозорини синчковлик билан ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Шу билан бирга, валюта рискини чеклаш учун хеджерлашдан фойдаланилади.

Хеджерлаш – бу эҳтимолий зарарлар рискини пасайтириш жараёни. Банк барча рискларини хеджерлаш, хеч бирини хеджерламаслик ёки танланган ҳолатларни хеджерлаш, ҳеч бирини хеджерламаслик ёки танланган ҳолатларни хеджерлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. У шунингдек, онгли ёки онгсиз равишда спекуляция билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Хеджерламасликка икки сабаб бўлиши мумкин. Биринчидан банк риск борлигидан бехабар бўлиши ёки уни пасайтириш имкони борлигини билмаслиги мумкин. Иккинчидан, у алмашув курси ёки фоиз ставкалари ўзгармасдан қолиши ёки унинг фойдасига ўзгаради деб тахмин қилганида. Натижада, банк спекуляция қилади: унинг тахминлари тўғри бўлиб чиқса, у ютади акс ҳолда зарар кўради.

Барча рискларни хеджерлаш – уларни мутлақ бартараф этишнинг ягона йўли. Аммо компанияларнинг молиявий директорлари танланган хеджерлашни маъқул кўришади. Улар валюта курслари ва фоиз ставкалари компанияга ноқулай йўналишда ўзгараётганини тахмин қилишса, молиявий директорлар рискни хеджерлашади, компания ҳисобига ўзгараётган бўлса, рискни таъминламасдан қолдиришади.

Умумий хеджерлашнинг (яъни барча рискларни пасайтириш) камчиликларидан бири, опционлар бўйича комиссия ва премияларга сарф бўладиган харажатлар ҳажмининг

катталигидир. Танланган хеджерлашга умумий харажатларни пасайтириш йўли сифатида қараш мумкин. Бошқа усули – курс ёки ставкалар маълум даражага ўзгарганда рискларни суғурталаш. Яъни компания курс ўзгаришидан кўрилган зарарларга маълум даражада дош бериши мумкин, аммо курснинг имкон даражасидан ўтиб ўзгариши компания молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиши табиий. Бундай ёндашув алмашув курси барқарор ёки қулай тарафга ўзгараётганида рискларни суғурталаш бўйича харажатларда иқтисод қилиш имконини беради.

6.5. Валюта рискларини самарали бошқариш ва тартибга солишнинг замонавий йўллари

Валюта рискларини бошқариш усуллари валюта курслари ҳаракатини таҳлил қилиш ҳисобланади. Бундай таҳлил фундаментал ва техник таҳлилларга бўлинади.

Валюта курслари ҳаракатининг фундаментал таҳлили курсларнинг асосий ўзгариши валюта эмитент мамлакати иқтисодиёти ривожланишидаги макроиқтисодий омиллар таъсирида юз бериши бўйича талқин асосида қурилган. Ўзининг фундаменталистларга тааллуқли эканлигини таъкидловчи таҳлилчилар доимий тарзда алоҳида мамлакатлар макроиқтисодий кўрсаткичларини кузатиб бориб, валюта курслари бўйича узоқ муддатли тахминларини ишлаб чиқишади.

Макроиқтисодий омиллар фақатгина 3 ва 4 турдаги валюталарга таъсир этиши мумкин. Бундай курслар ҳаракатини прогнозлашда, одатда, хорижий валюталарнинг асосий кўрсаткичлари ва курси таҳлил қилинади.

Техник таҳлил эса, макроиқтисодий кўрсаткичлар валюталар курси ҳаракатига ўрта ва қисқа муддатларда таъсири камлигига асосланади. Бундан ташқари, валюталар курсини мутлақ аниқлик билан прогноз қилишни математик тизимга асосланган техник таҳлил усули ёрдамида амалга ошириш мумкин. Техник таҳлил валюталар курси тебранишини кузатади ва олди-сотдига сигнал беради.

7-БОБ. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ-КИТОБ БАЛАНСЛАРИ

7.1. Халқаро тўлов баланси тушунчаси ва таркиби.
7.2. Тўлов балансининг кўрсаткичлари ва унинг моддаларини таснифлаш услублари.
7.3. Тўлов баланси сальдосини ўлчаш услублари.
7.4. Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар.
7.5. Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг асосий услублари.
7.6. Тўлов балансларини муқобиллаштириш услублари.

7.1. Халқаро тўлов баланси тушунчаси ва таркиби

Ҳозирги кунда жаҳон хўжалиги молиявий алоқаларининг эволюцион муҳити бўлиб, дунёнинг ривожланган мамлакатлари алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Халқаро молиявий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши мазкур давлатларнинг интеграциялашуви натижасида келиб чиқмоқда. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий-молиявий алоқалардан ташқари сиёсий, маданий ва бошқа турдаги алоқалар мавжуд бўлиб, улар натижасида пулли тўловлар ҳамда ҳисоб-китоблар юзага келади. Айтиш жоизки, замонавий жаҳон хўжалигининг иштирокчилари жаҳон хўжалигига интеграциялашганлик даражаси турли даражада бўлиб уларнинг ҳар бири ўз ҳамкорлари билан ташқи иқтисодий алоқалари, миллий иқтисодларни жаҳон хўжалигига бирлаштирадиган халқаро иқтисодий алоқаларни ўрнатишга интилади. Иқтисодий муносабатлардан ташқари, мамлакатлар ўртасида пул тўловлари ва тушумларини вужудга келтирувчи сиёсий, ҳарбий, маданий ва бошқа муносабатлар ҳам мавжуд бўлади.

Мамлакатнинг кўп қиррали халқаро муносабатларининг йиғиндисини унинг халқаро операциялари бўйича баланс ҳисобварағида намоён бўлади. Ушбу ҳужжат тўлов баланси деб номланади.

Тўлов баланси – бу, халқаро операцияларнинг баланс ҳисоб-варағидир. Яъни бу, мамлакатнинг товарлар, хизматлар, капиталларни олиб кириш ва олиб чиқиш кўрсаткичларининг нисбати шаклидаги халқаро-хўжалик алоқалари комплексининг қиймат ифодасидир[67].

Халқаро операцияларнинг баланс ҳисоб-варағи, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг масштаблари, таркиби ва характерини қиймат жиҳатидан миқдорий ва сифат кўриниши ҳамда унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини белгилайди. Амалиётда, "тўлов баланси" атамасидан фойдаланиш, барча операциялар бўйича валюта оқимларига кирувчи ва чиқувчи кўринишларда фарқлаш келишиб олинади. Шу боис валюта оқимларига тааллуқли кўрсаткичларни эса тўлов ва тушумлар сифатида белгилаш тартиби қабул қилинган.

Умуман амалдаги қоида-тартибларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тўлов баланси халқаро операцияларининг баланс ҳисобварағи, яъни бу давлатнинг товарлар, хизматлар, капиталларни мамлакатга олиб кириш ҳамда мамлакатдан олиб чиқиш кўрсаткичларининг нисбати кўринишдаги барча халқаро алоқалари мажмуининг пулдаги ифодасидир. Халқаро операцияларнинг баланс ҳисобварағи ўз моҳияти жиҳатдан мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ҳолатини тасвирлайди.

Тўлов балансларини нафақат амалга оширилган ёки маълум бир санага ижро этилиши керак бўлган тўлов ва тушумларни ўз ичига олади, балки халқаро талаблар ва мажбуриятлар бў-

---

[67] Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – М.: Финансы и статистика, 2004. – с. 544.

йича кўрсаткичларни ҳам қамраб олади. Бу эса кўплаб иқтисодий алоқалар, кредит асосида амалга оширилганлигидан ҳам далолат беради.

Тўлов балансларининг замонавий жадваллари барча қимматликларни, мамлакатлараро ҳаракати ҳақида маълумотларни тасвирлайди. Бунда мажбуриятларнинг жорий даврида тўланмайдиган ва келгуси даврга ўтказилиб юбориладиган қисми, капитал ёки кредитлар ҳаракатини акс эттирувчи тўлов баланси моддаларига киритилади.

Ҳозирги кунда тўлов балансига қўшимча равишда мамлакатнинг халқаро активлари ва пассивлари тўғрисидаги баланс ҳам махсус рўзнома ва ҳафтаномаларда, шунингдек ойномаларда нашр этилмоқда. Бу эса мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси қандай даражада эканлигини англатади. Бу ҳужжатда мамлакатнинг берган ва олган кредитлари, инвестициялари ва бошқа молиявий активларининг кўрсаткичлари нисбий кўринишларда акс эттирилади. Бу борада маълум бир мамлакатлар олган маблағлар юзасидан устунликка эга бўлса, бошқа бирлари эса берилган маблағлар юзасидан устунликка эга бўлиши мумкин. Айрим мамлакатларда эса ҳар иккала кўрсаткич ҳам бир хилда юқори даражада бўлиши мумкин.

Тўлов балансига қўшимча сифатида мамлакатлараро қимматликлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотга эга мамлакатнинг халқаро активлар ва пассивлар баланси ҳақида маълумотлар эълон қилинмоқда. Ушбу баланс мамлакатнинг захира категориясидаги халқаро молиявий ҳолатини акс эттиради ва мамлакатнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувини қандай босқичида (поғонасида) эканлигини англатади.

Мамлакат томонидан тақдим этилган ва олинган кредитлар, инвестициялар, бошқа молиявий активлар қийматининг нисбати мазкур балансда акс этади. Айрим давлатларда олинган ресурслар ҳажми, хориждаги активларига нисбатан катта бўлиши ҳам мумкин. Бошқа мамлакатларда бу иккала кўрсаткич катта ва турлича бўлиши ҳам мумкин. Айтиш

жоизки, хорижий молиявий ресурсларнинг нетто-импорт қилувчиси сифатида АҚШ юқори ўрин эгаллайди. Халқаро молиявий позиция ва тўлов баланси кўрсаткичлари ўзаро боғликдир.

Маълум бир санага бўлган тўлов баланси ва маълум бир давр тўлов баланси иқтисодий мазмунига кўра фарқланади. Маълум бир санага бўлган тўлов балансини статистик кўрсаткичлар шаклида қайд этилмайди, чунки ундаги ҳолат вақт сайин, тўловлар ва олинадиган тушумлар бўйича ўзгариб туради. Хуллас, ўз иқтисодий мазмунига кўра, маълум бир вақтга нисбатан ва маълум бир давр давомида тузилган тўлов балансларини ўзгарувчан бўлади ёки фарқланади.

Тўлов балансининг аҳволи, ушбу даврга миллий ва хорижий валютага бўлган талабни белгилаб беради ва валюта курсини шакллантирувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Тўлов балансини маълум бир вақтга нисбатан муҳим ҳолда акс эттириш қийин, чунки ундаги ҳолат вақт сайин, тўловлар ва олинадиган тушумлар бўйича ўзгарувчан бўлади.

Маълум бир давр учун тўлов баланси (ой, чорак, йил) ушбу давр мобайнида амалга оширилган шартномалар бўйича кўрсаткичлар асосида тузилади ва мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларида, содир бўлган ўзгаришларни таҳлил этиш ва хулосалар чиқариш имкониятини беради.

Тўлов балансининг кўрсаткичлари, маълум давр учун иқтисодий ривожланишнинг агрегат кўрсаткичлари билан боғликдир (ялпи ички маҳсулот, миллий даромад ва шу кабилар) ва давлат томонидан мувофиқлаштириш объекти бўлиб ҳисобланади.

Тўлов балансининг маълум даврдаги ҳолати миллий валюта курсининг ўзгариш характери билан узвий боғликдир.

Ҳар бир давлатнинг бухгалтерия ҳисоби ўз мазмун-моҳиятига кўра доимо мувозанатда бўлади. Аммо, ўзининг асосий бўлинмалари бўйича агар тушумлар тўловлардан кўп бўлса, актив сальдога, аксинча бўлганда пассив сальдога эга

бўладиган ҳолатлар юзага келади. Шу сабабли, тўлов балансини тузиш ҳамда қолдиқларини аниқлаш, яъни (сальдосини) услублари, мамлакат ташқи иқтисодий операцияларини характерловчи кўрсаткичларни тўғри таҳлил қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодида бўлаётган ўзгаришларга мувофиқ равишда тўлов балансини тузишнинг амалиёти ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Халқаро тўлов муносабатларида бир қатор тушунчаларни хусусан, баланс ҳисобварағи, сальдо ёки ҳисобварақ қолдиғи, ҳисобварақ аҳволи, мувозанат ва бошқаларни ифода этиш мақсадида ишлатилади. Шу сабабли, тўлов баланси – бу, нафақат икки томони бир-бирига тенг бўлган мамлакат халқаро операциялари ҳисоб-варағи, балки ўз ичига асосий элементларнинг сифат ва таркибий характеристикаларини олган, ушбу операцияларнинг маълум бир ҳолатидир. Тўлов балансини тузиш амалиёти глобаллашув шароитида юз бераётган ўзгаришларга монанд равишда ўзгариб бормоқда. Шу боис, у турли кўринишларда акс эттирилмоқда.

Тўлов балансининг таркибий тузилиши. Тўлов баланси қуйидаги асосий бўлимлардан ташкил топган:

– савдо баланси (товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш орасидаги нисбат);

– хизматлар ва нотижорат тўловлар баланси (“кўзга кўринмайдиган” операциялар баланси);

– ўз ичига товарлар, хизматлар ва бир томонлама ўтказмаларни олган жорий операциялар баланси;

– капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси;

– расмий валюта захиралари бўйича операциялар.

Савдо баланси. Ташқи савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг илк кўриниши бўлиб миллий хўжаликларнинг жаҳон ҳамжамиятига боғловчи бирламчи алоқасини ифодалаган ҳолда тарихан майдонга чиқади. Халқаро савдо ва бошқа халқаро иқтисодий муносабатлар орқали дунёда меҳнат тақси-

мотига биноан, мамлакат истиқболи белгилаб олинади. Натижада чуқурлашиб ва такомиллашиб бораётган халқаро меҳнат тақсимоти орқали халқаро савдо туфайли шаклланади.

Савдо баланси мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларининг бутун мажмуи асосида шаклланади ва ривожланади. Мамлакатимизда халқаро савдони тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро андозаларга мувофиқ келадиган тарзда ривожлантириш, халқаро шартномаларни миқдор жиҳатдан кўпайишини талаб қилиш боис, савдо баланси кўрсаткичларини шакллантириш ҳамда ҳаракатларини ривожлантириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Савдо баланси ва уни бошқариш мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларининг бутун мажмуи асосида шаклланиб туради.

Барча давлатларда хўжаликлар фаолияти доирасида ЯИМ яратилади. Моддий ишлаб чиқариш даражасида ишлаб чиқарилган миллий даромад тақсимлаш ва қайта тақсимлаш босқичларидан ўтади, аммо уни шакллантиришда ташқи савдо муҳим вазифани бажаради.

Ташқи савдо ҳам давлат олдида турган мақсад ва вазифаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мўлжалланган тадбирларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, иқтисодий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида ҳам халқаро савдо ва унинг кўрсаткичлари анъанавий равишда ЯИМ ва мамлакат тўлов балансида муҳим ўринни эгаллайди. Товарлар экспорти ва импортининг ўзаро нисбати савдо балансини ташкил этади. Халқаро савдонинг катта ҳажми кредит ҳисобига амалга оширилганлиги сабабли, ҳақиқатда шу даврда амалга оширилган савдо, тўловлар ва тушумлар кўрсаткичлари орасида тафовутлар мавжуд бўлади. Ушбу тафовутлар туфайли, турли сўндирилиш муддатларига эга, тааллуқли талаб ва мажбуриятларни вужудга келтирувчи умумий савдо балансидан фарқли ўлароқ, ўз даврида амалга оширилган пул

тўловлари ва ҳақиқатда олинган тушумларнинг нисбати сифатида, тўлов баланси тушунчаси пайдо бўлди. Бироқ, халқаро иқтисодий операциялар бўйича маълумот йиғувчи органлар ҳеч қачон ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар ва олинган тушумларни, умумий савдо кўрсаткичларидан ажратиш имкониятига эга бўлмаган. Улар, савдо балансига киритиладиган ташқи иқтисодий битимлар бўйича божхона маълумотларидан фойдаланадилар. Айнан шу маълумотлар, давлат иқтисодий сиёсатида асосий объекти бўлиб ҳисобланади. Улар реал тўловлар орасидаги фарқларни ва тўлов балансининг кредит операцияларини акс эттиради.

Ҳар бир мамлакатни савдо баланси уларнинг актив ёки пассив кўрсаткичларининг иқтисодий мазмуни аниқ мамлакатга нисбатан алоқадор ҳамда унинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, ҳамкорлари билан алоқаларининг характери ва умумий иқтисодий сиёсатига боғлиқ бўлади. Энди етакчи давлатлардан иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича орқада бўлган мамлакатлар учун актив савдо баланси, лицензиялар импортига, хорижий инвестициялар бўйича даромадларни тўлашга ва бошқа халқаро мажбуриятлар бўйича ҳақ тўлаш учун валюта маблағлари манбаси сифатида зарур бўлади. Бир қатор саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар (Япония, Германия ва бошқалар) учун савдо балансининг актив сальдоси, капиталлар экспорти, хорижда иккинчи иқтисодни барпо этиш учун ҳам ишлатилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг пассив савдо баланси кераксиздир. У мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнининг кучсизлигини англатади. Пассив савдо баланс ҳолати, асосан, валюта тушуми тақчиллигини сезаётган, ривожланиб бораётган мамлакатларга тааллуқлидир. Саноати ривожланган мамлакатлар учун айрим ҳолатларда бу бошқача маънога эга бўлади. Масалан, АҚШ савдо балансининг камомади (1991 йилдан бошлаб), АҚШ бозорига, интеллектуал товарларни ишлаб чиқарувчи, халқаро рақобатчиларни (Ғарбий

Европа, Япония, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар) кириб бориши билан характерланади. Халқаро меҳнат тақсимотининг бундай шаклланиб бориши оқибатида АҚШ ва жаҳон миқёсида ресурслар нисбатан самаралироқ ишлатилади. АҚШ ташқи савдосининг камомади, юқорида зикр этилган ҳамкор-мамлакатларнинг ушбу операциялар бўйича актив сальдосида ўз аксини топади. Ўз навбатида, ушбу ҳамкор-мамлакатлар ўзининг валюта тушумлари ҳисобига хорижий капитал қуйилмаларни, шу жумладан АҚШда ҳам амалга оширади.

Сўнгги йилларда хизматлар баланси ва уни тузилишига катта эътибор берилмоқда.

Хизматлар баланси, ўз ичига транспорт юк ташувлари, суғурта, электрон, телекосмик, телеграф, почта ва бошқа алоқа турлари, халқаро туризм, илмий-техник ва ишлаб чиқариш тажрибалари билан алмашиш, эксперт хизматлари, дипломатик, савдо ва хориждаги бошқа хизматлар харажатларини кўтариш, маълумотларни узатиш, маданий ва илмий алоқалар, турли воситачилик йиғимлари, реклама, ярмарка ва бошқа шу кабилар бўйича тўлов ва тушумларни олади.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда хизматлар халқаро иқтисодий алоқаларнинг бир маромда ривожланиб бораётган секторини ташкил этади. Хизматларнинг тўловлар ва тушумларнинг ҳажми ҳамда таркибий тузилишидаги роли ва уларга таъсири мунтазам равишда ўсиб бориш хусусиятига эга бўлиб келмоқда.

Муаммолардан яна бири анъанавий хизмат турлари (транспорт, суғурта), савдо бўйича товарларни етказиб беришнинг ҳажми ва турли-туманлигининг ўсиб бориши, уларнинг таркибида, халқаро кооперация ва ихтисослашувнинг ривожланиши туфайли, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар улушининг ортиб бориши билан, ўз бошидан катта қайта қуриш жараёни билан боғлиқ бўлмоқда.

Аҳолининг яшаш даражасини нисбатан ўсиб бориши замонавий ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви натижасида

таркибида катта улушга эга бўлган халқаро туризм кескин ўсиш имкониятига эга бўлди.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг ўсиши, илмий-техник инқилоб ва хўжалик ҳаёти глобаллашувининг бошқа омиллари, лицензиялар, ноу-хау, илмий-техник ва ишлаб чиқариш тажрибасининг бошқа турлари, лизинг опреациялари, маслаҳат хизматлари ва ишлаб чиқариш ҳамда алоҳида хусусиятга эга бошқа хизматлар билан савдо қилишни рағбатлантиришга ҳам имконият яратиб бермоқда.

Сўнгги йилларда жаҳон амалиётида қабул қилинган қоидаларга мувофиқ "хизматлар" таркибига инвестициялар ва халқаро кредитлар бўйича фоиз даромадларидан олинган тўлов ва тушумлар киради, зеро, ушбу иқтисодий мазмунига кўра улар капиталлар ҳаракатига яқинроқдир. Тўлов балансида қуйидаги моддалар ажратилиб кўрсатилади: хорижий давлатларга ҳарбий ёрдам кўрсатиш, хориждаги ҳарбий харажатлар. Ушбу харажатлар ҳам хизматлар операцияларига мансубдир.

Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) услубиётига мувофиқ, тўлов балансида, алоҳида позиция сифатида бир томонлама ўтказмаларни кўрсатиш эътироф этилган. Уларнинг таркибида: 1) давлат операциялари – бошқа мамлакатларга, иқтисодий ёрдам йўналиши бўйича, субсидиялар, давлат нафақалари, халқаро ташкилотларга бадаллар; 2) хусусий тусдаги операциялар–хориждаги ишчилар, мутахассислар, қариндош-уруғларнинг мамлакатга пул ўтказмалари. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, операцияларнинг ушбу тури улар иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки жамиятни табақаланиш жараёнининг кучайиши нафақат мулкий даражага, балки аҳолининг нисбий ва таълим даражасига ҳам боғлиқ бўлиши натижасида аксарият давлатларда, яъни мисол учун: Италия, Туркия, Испания, Греция, Португалия, Покистон, Миср ва бошқа давлатлар ўз фуқароларининг пул ишлаб келиш учун хорижга чиқиш масалаларини мувофиқлаштиришга катта эътибор

бериб келадилар. Ушбу давлатларда, мазкур валюта тушумлари манбасидан ўз иқтисодларини ривожлантириш мақсадида фойдаланадилар.

Меҳнат ресурсларини тақсимлашда жаҳон амалиётида қуйидагилар ҳам эътиборга олинади, яъни хорижий ишчилар ва мутахассисларни вақтинча жалб этадиган ГФР, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Швейцария, ЖАР ва бошқа мамлакатлар учун эса, аксинча ушбу пул ўтказмалари тўлов баланси ушбу моддасининг камомад манбаси сифатида ҳисобга олинади, чунки бу мамлакатларга хорижий ишчилар келиб, ўзлари билан ишлаб топган пул маблағларини олиб чиқиб кетадилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хизматлар бўйича операциялар, инвестициялар бўйича даромадлар ҳаракати, ҳарбий тусдаги келишувлар ва бир томонлама ўтказмалар, товарлар (сезиларли қимматликлар) импорти ва экспортига алоқаси бўлмаган ҳолда, "кўзга кўринмас" операциялар деб аталиб ҳам келинади. Уларнинг таркибида 3 тоифадаги келишувларни ажратиб кўрсатиш мумкин, яъни хизматлар, инвестициялардан олинган даромадлар, бир томонлама ўтказмалар. "Хизматлар ва нотижорат тўловлари" атамаси ҳам ишлатилади, чунки уларнинг моддий бойликлар ҳаракатига ҳеч қандай таъсири йўқ.

Жорий операциялар бўйича тўлов баланси ўз ичига савдо баланси ва "кўзга кўринмас" операцияларни олади. Сўнгги йиллар мобайнида тўлов баланси тузилишининг баъзи бир услублари бир томонлама давлат ўтказмаларини алоҳида моддага ажратиб кўрсатилишини ва уни жорий операциялар сальдосига қўшмаслиги билан эътироф этилмоқда. Жорий операциялар деб, ушбу операцияларнинг товарлар ва хизматлар билан жаҳон савдосини молиявий ресурсларнинг капитал ва кредитлар шаклидаги халқаро ҳаракатини ажратиб кўрсатиш демакдир.

Капитал ва кредитлар ҳаракати балансида давлат ва хусусий капиталларнинг олиб кетилиши олинган ёки берилган

халқаро кредитларнинг ўзаро нисбатини ифодалайди. У ўз иқтисодий мазмунига кўра, бу операциялар тадбиркорлик ва ссуда капиталларининг халқаро ҳаракати каби категорияларга ҳам бўлинади.

Тадбиркорлик капитали, уни тартибга келтириш усуллари иқтисодий адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинган. У доимо олимларда илмий қизиқиш ҳам уйғотиб келган, шу боис иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик капитали тўғри жойлаштириш, уларни халқаро молия фондларида иштирок этишини таъминлаш, узоқ муддатли капиталларни сотиб олиш, қарз мажбуриятлари каби масалалар ҳар томонлама тадқиқ этилиб келган. Ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда биз асосий диққатни тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар корхоналарни хорижда сотиб олиш ёки қуриш ва портфель инвестицияларни ўз олдига олиш ҳолатлари билан боғлиқ масалаларга қаратилишини муҳим деб топдик.

Тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (корхоналарни хорижда сотиб олиш ёки қуриш) ва портфель инвестицияларини (хорижий компанияларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш)ни ўз ичига олади. Бевосита инвестициялар узоқ муддатли капиталнни олиб чиқишнинг энг муҳим шаклларидан бири бўлиб, тўлов балансига таъсир кўрсатади. Улар мулк сотиб олиниши билан боғлиқ бўлган ҳолда, қарз мажбуриятларини вужудга келтирмайди. Ушбу инвестициялар таъсирида миллий иқтисодларнинг савдога нисбатан юқорироқ даражада ва мустаҳкамроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашувига кўмаклашувчи халқаро ишлаб чиқариш ривожланди. 1997 йилда, ҳар йилги қуйилмаларни қўшиб бориш ва қолдиғи кўпайиб борувчи услуби билан ҳисобланган мамлакатларнинг барча тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларининг тўпланган қиймати 3 трлн. АҚШ долларидан кўп суммани ташкил этди.[68] Тадбиркорлик капиталининг четга олиб чиқиб кетилиши, ишлаб чиқариш ва ташқи савдо ривожига ўсишига нисбатан ривожланиши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида унинг байналмилаллашуви ва глобаллашувида жараёнидаги ўрни анча юқори эканлигидан далолат беради. Ушбу инвестицияларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи ривожланган давлатларнинг ўзаро капитал қуйилмалари бўйича алмашинувидир. Бу эса уларнинг ўзаро алоқалари билан бўлган алоқаларига нисбатан юқорироқ даражада тус олиб бораётганлигини англатади.

Ссуда капиталининг халқаро ҳаракати тадбиркорлик капиталидан фарқли равишда муддатлилик аломатига кўра таснифланади. Улар қуйидагиларда ўз аксини топади:

Биринчидан, узоқ ва ўрта муддатли операцияларда, яъни бир йилдан зиёд муддатга тақдим этилган давлат ва хусусий заёмлар ҳамда кредитларни ўз ичига олишда ўз аксини топади. Ушбу орқали заёмлар ҳамда кредитлар уларни олувчилари бўлмиш иқтисодий ривожланиш бўйича илғор давлатлардан орқада қолган мамлакатлар тақдим этилади. Ривожланган давлатлар эса бу ерда кредиторлар сифатида майдонга чиқади. Бунда хусусий, узоқ муддатли заёмлар ва кредитлар бўйича ҳолат бошқача кўринишга эга бўлиши мумкин. Бунда ҳам, ривожланиб бораётган давлатлар ривожланган давлатларнинг хусусий молия-кредит институтларидан қарз оладилар. Бу ерда ривожланган давлатларда ҳам корпорациялар, узоқ муддатли қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ёки жаҳон бозоридан ресурсларни банк кредити шаклларида жалб этиш имкониятларига эга бўлиб қоладилар.

Иккинчидан, қисқа муддатли операциялар миллий банкларнинг хорижий банклардаги жорий ҳисобварақлари (авуарлар), пул капиталини банклар орасидаги ҳаракати каби бир йилгача муддатга бўлган халқаро кредитларни ўз ичига олади.

---

[68] Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – М.: Финансы и статистика, 2004. – с. 544.

Сўнгги йилларда жаҳон пул бозоридаги банкларарo қисқа муддатли операциялар ҳажми ортиб бормоқда. Агарда, XX асрнинг 60-70 йилларида, Бреттон-Вудс валюта тизими инқирозини кучайтириб юборувчи, капиталлар оқимида "қайноқ" пулларнинг стихияли оқими нисбатан катта улушга эга бўлган бўлса-да, ушбу асрнинг 80-90-йилларга келиб, қисқа муддатли пул капиталларининг асосий оқими евровалюта бозори орқали амалга ошадиган бўлди.

Тўлов баланси кўрсаткичларини тартибга келтириш ҳар бир давлатнинг асосланган макроиқтисодий сиёсатига, шу жумладан, монетар ва халқаро молия муносабатларини мақсад ва йўналишларига мувофиқ келиши лозим. Лекин эътироф этиш лозимки, ҳозирда тўлов баланси статистик кўрсаткичларини йиғиш ва қайта ишлаш услубини такомиллашишига қарамасдан, ушбу баланс кўрсаткичларида камчиликлар ва хатоликлар мавжуд ва улар сезиларли бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, статистик хатоликлар ва ҳисобга олинмаган операциялар бўйича маълумотлар киритиладиган "Хатолар ва ўтказиб юборишлар" моддаси ажратиб кўрсатилади. Қисқа муддатли пул капитали ҳаракатининг ҳисобини, айниқса иқтисодий инқироз пайтида, юритиш жуда қийин. Шу сабабли, "Хатолар ва ўтказиб юборишлар" моддаси тўлов балансини капиталлар ва кредитлар ҳаракатини акс эттирувчи бўлимига қўшилади, аммо инқироз даврида ва таъсирида унинг кўрсаткичлари кескин ошиб кетиши юз беради.

Тўлов балансининг якуний моддалари, давлат валюта органлари иштирок этувчи, ликвид валюта активлари билан операцияларни акс эттирса ҳам, бундай операциялар таъсирида марказлаштирилган расмий олтин-валюта захираларни ҳажми ва таркибини ўзгариши юз беради.

7.2.Тўлов балансининг кўрсаткичлари ва унинг моддаларини таснифлаш услублари

Бозор муносабатлари шароитида халқаро молия муносабатларини ривожлантириш мамлакат халқаро ҳисоб-китобларининг акси сифатида тўлов балансининг тузилиши, ўзаро яқин алоқада бўлган бир томондан ҳисоб юритишга ва иккинчи томондан таҳлилий жараёнларни ўрганишга ҳамда хулосалар чиқаришга қаратилгандир. Халқаро молиявий операциялар иштирокчиларининг давраси турли-туманлиги билан ажралиб туради. Уларга алоҳида мамлакатлар ва уларнинг гуруҳлари, хорижий ва трансмиллий корпорациялар, компаниялар ва банклар, турли миллий ва халқаро ташкилотлар (муассасалар), хусусий шахслар ва бошқа шу кабилар киради. Бу ўз навбатида нафақат миллий, балки хорижий манбалардан келиб тушадиган катта ҳажмдаги маълумотларни ҳисобини юритишни, қайта ишлаш заруратини, балки ўхшаш кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоб услублари ва мазмунининг яхлитлиги асосий талаб бўлиб қолишини тақозо этади. Қўлланилаётган кўрсаткичларга универсал тус берувчи ва уларни ўзаро солишитириш имконини берувчи яхлитликка эришишга Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) тўлов балансини тузиш бўйича қўлланмасидаги кўрсатмалар қаратилган. Шу ўринда айтиш жоизки, БМТ ҳужжати сифатида тўлов балансини тузиш шакллари ва тамойилларини ишлаб чиқишга асос бўлган эди. ХВФ “тўлов баланси бўйича қўлланма” чиқарган ҳолда уни ривожлантиришни таъминлаб келмоқда. Улар ўз схемаларини универсаллаштиришга ҳаракат этишди. Бундан кўзланган мақсад ривожланган ва ривожланаётган давлатлар балансларини солиштириш орқали натижага эришиш бўлиб ҳисобланади.

ХВФ жорий маълумотларни қайта ишланади ва унинг экспертлари томонидан аниқликлар киритилади, норасмий маълумотлардан фойдаланган ҳолда тўлов балансларини моддаларини қайта гуруҳлашади ва бошқа ишларни бажаришади.

Бу эса амалга оширилаётган ва текширилаётган жараёнларни кўлами тўғрисида фикр юритишга ва молиявий қарорлар қабул қилишга имкон беради.

Шу боис ҳозирги кунда ушбу кўрсатмалар ХВФ га аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тузиш ягона тартибга солингандир. Айрим мамлакатлар тўлов балансларини тузиш қоидаларига, жаҳондаги ташқи иқтисодий ўрни ҳамда мустақил ҳисоб юритишининг қабул қилинган хусусиятлари билан асосланган ўз элементларини киритмоқдалар. Алоҳида мамлакатлар тўлов баланслари кўрсаткичларини ўзаро солиштириш жараёни, қутулиб бўлмайдиган, маълум бир даражадаги шартлилик ва нотўғриликларга асосланганлик ҳолати ҳам юзага келган. Ушбу таққослашлардан келиб чиқадиган хулосалар, биринчи навбатда таҳлил этилаётган ҳодисаларнинг кўлами катталигига, бўлиб ўтаётган жараёнларнинг асосий йўналишлари ва оқибатларига ишора этади, аммо берилаётган баҳоларнинг мутлақ тўла ва тўғрилигини даъват эта олмайди.

Хорижий иқтисодий адабиётлардаги тўлов балансининг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирадиган таърифига мурожаат этадиган бўлсак, унда турли адабиётларда келтирилган таърифлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси тўлов балансини мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тақдим этилишининг шакли сифатидаги прагматик изоҳлашга айланган.

Тўлов баланси муаммолари бўйича америкалик иқтисодчилар Вассерман ва Уэйрларнинг фундаментал ишида қуйидаги таъриф эътироф этилган: “Тўлов балансини, муайян бир давлат резидентлари ва дунёнинг бошқа вакиллари (бошқа мамлакат, бир гуруҳ мамлакат ёки халқаро ташкилотлар) орасида ушбу даврда мавжуд бўлган иқтисодий операцияларнинг статистик кўриниши сифатида кўз олдига келтириш мумкин”.[69] ХВФ нинг услубий қўлланмаларида: “Тўлов баланси, маълум бир давр статистик кўрсаткичлар жадвалидан

[69] Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – М.: Финансы и статистика, 2004. – с. 544.

иборат, яъни: а) ривожланаётган муайян бир давлат ва дунёнинг бошқа мамлакатлари орасидаги товарлар, хизматлар ҳамда даромадлар билан операцияларини; б) мулк шаклининг ўзгариши ва ушбу мамлакатга тегишли бўлган монетар олтин ва қарз олишнинг махсус ҳуқуқларидаги (СДР) ҳамда дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан молиявий талаб ва мажбуриятлардаги бошқа ўзгаришларни; в) ўзаро ёпилмайдиган операция ва ўзгаришларни бухгалтерия нуқтаи назаридан баланслаштиришда зарур бўлган бир томонлама ўтказмалар ва қопловчи ёзувлар". Тўлов балансига бундай кўрсатмаларга мувофиқ нафақат амалга оширилган операциялар бўйича маълумотлар, балки ушбу операцияларни баланслаштириш мақсадида тузилган сунъий кўрсаткичлар ҳам киради.

Расмий матбуот нашрларида тўлов баланси қуйидагича эътироф этилган. Мисол учун француз расмий матбуотида: мамлакатнинг тўлов баланси мунтазам равишда ўзаро таққосланадиган статистик қайдномадан иборат бўлиб, унинг мазмуни маълум бир давр мобайнида резидент ва норезидент шахслар орасида реал ва молиявий оқимлар йиғиндиси ҳаракатининг ҳисобланган кўрсаткичлари кўринишида бўлади деб айтиб ўтилган бўлса, унда ГФР тўлов баланси таҳлилларидан бирида, унинг таърифи қуйидагича ёритилган: одатда тўлов баланси деганда маҳаллий ва хорижий субъектлар орасида маълум бир давр мобайнида амалга ошган барча иқтисодий келишувларнинг тизимлаштирилган, статистик кўринишининг алоҳида гуруҳларига бўлинган баланс шакли тушунилади.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни глобаллашуви шароитида халқаро молиявий муносабатларда тўлов балансини асослашда резидент атамасига алоҳида фикрлар билдирилади.

Резидент атамаси. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий операцияларини ички хўжалик операцияларидан фарқлаш зарурлиги билан эътироф этилади. Капиталлар ҳаракатидан келиб чиқиб, тўлов баланси тузилаётган пайтда резидент ва шартнома, ҳисобга олиниши зарур бўлган трансакциялар

тушунчалари ҳам алоҳида аҳамият касб эта бошлайди. Ташқи иқтсодий операциялар, халқаро тўлов муносабатлари нуқтаи назаридан ушбу мамлакатнинг резиденти ёки норезиденти сифатида майдонга чиқувчи, аниқ бир субъект (ташкилот, фирма ёки хусусий шахс) томонидан амалга оширилади. Замонавий капиталлар ҳаракати ва ишчи кучи миграцияси, иқтисодий жараёнлардаги глобаллашув ва трансмиллий корпорацияларнинг кучайишида оддийдек туюлган ушбу масала, мураккаблашди.

ХВФнинг раҳбарияти резидент тушунчасига қуйидагича таърифлайди: “Мамлакат иқтисоди, ушбу ҳудуд билан яқинроқ боғланган, хўжалик бирликларининг йиғиндиси сифатида кўрилади. Ушбу мамлакатнинг тўлов баланси, агарда бу хўжалик бирликлари ушбу мамлакатнинг резидентлари сифатида кўрилса, дунёнинг бошқа субъектлари билан мазкур хўжалик бирликларининг операцияларини акс эттиради. Ёки, агарда мазкур хўжалик субъектлари ушбу мамлакатга нисбатан норезидент шахслар деб қаралса, ушбу хўжалик бирликларининг мазкур давлат билан операциялари сифатида кўрилади”[70]. ХВФнинг қўлланмасида кўрсатилганидек, икки тарафлама ёзув тизимидан фойдаланганда, хатоликка йўл қуйилган пайтда баланс бузилмайди, аммо амалга оширилган операциялар бўйича нотўғри тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ҳолатга учрамаслик учун резидент тушунчасига, унинг барча жойларда тўғри ишлатилиши учун, универсал тушунча ишлаб чиқиш лозим[71].

Мамлакатда мунатазам равишда мавжуд бўлган барча ҳукумат ташкилотлари, миллий компаниялар ёки муқим яшовчи фуқаролар мисол учун АҚШда резидентлар деб эътироф этилади. Хорижда яшовчи АҚШ фуқароларининг (давлат хизматчиларидан ташқари) резидент шахсга мансублиги эса, уларнинг хорижда яшаш муддатлари ва бошқа омилларга боғликдир. АҚШ корпорацияларининг хорижий филиаллари

70

71

ва шуъба корхоналари АҚШ учун хорижий фирмалар бўлиб ҳисобланади. Худди шундай амалиёт бошқа ривожланган давлатларга ҳам мансубдир.

Ривожланган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаган ГФРда эса, тўлов баланси нуқтаи назаридан, резидент бўлиб, "субъектларнинг миллий тааллуқлигидан қатъи назар, хўжалик манфаатларининг маркази ушбу давлат бўлган, жисмоний ва юридик шахслар (корхоналар) ва шу кабилар ҳисобланади". Шу сабабли, ГФРда резидентларга нафақат келиб чиқиши германиялик бўлган шахслар, балки ушбу мамлакатда ўтириб қолган хорижлик тадбиркорлар ҳам киради. Бундай тартиб Европадаги йирик давлат бўлмиш Францияда қабул қилинган услубиётга асосан "резидент" термини, у ерда яшовчи ёки хорижда 2 йилдан кам вақт давомида яшаган француз миллатига мансуб шахсларни ҳамда Францияда 2 йилдан ортиқ вақт давомида яшаган хорижликларни (хорижлик хизматчилар бундан истисно) билдиради. Бундан ташқари, Францияда жойлашган юридик шахслар (Францияда ишлаётган дипломатик ва консуллик ваколатхоналаридан ташқари) ҳам резидент ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида 1993 йилнинг 7 майидан амалда бўлган ва 2004 йилда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунининг тўртинчи ва бешинчи моддаларига мувофиқ резидентлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва яшаш жойи бўлган фуқаролар, шу жумладан вақтинча хорижда бўлган фуқаролар;

б) Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган юридик шахслар;

в) Ўзбекистон Республикасида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган, юридик шахс бўлмаган корхона ва ташкилотлар;

г) Ўзбекистон Республикасининг хорижда жойлашган дипломатик ва бошқа ваколатхоналари;

д) юқоридаги кичик “б)” ва “в)” бандларда зикр этилган резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисида жойлашган филиаллари ва ваколатхоналари.

Ушбу тартибга ўзгартиришлар фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилиши мумкин, агарда резидент терминини мазмун-моҳияти янада такомиллашувига тобе бўлиш зарурияти юзага келса амалга оширилади.

Шартнома (битим) таърифи. Бу ерда таснифнинг мураккаб томонлари мавжуд. Халқаро шартномалар (битимлар), одатда, алмашувни кўзда тутади, деб ҳисобланади. Шаклланган анъана доирасида 4 кўринишдаги шартномалар (ёки операциялар) фарқланади: молиявий активларга қарата товарлар, хизматлар сотиб олиш ва сотиш (алмашиш); бартер, яъни ушбу мамлакат товар ва хизматларини бошқа мамлакатлар товар ва хизматларига бевосита алмаштириш; молиявий активларни бошқа молиявий активларга алмаштириш, яъни қимматли қоғозларни пулга сотиш, тижорат қарзларни тўлаш ва шу кабилар; бир томонлама ўтказмалар, яъни бир томонлама асосда, қопланишсиз товар ва хизматлар ёки молиявий активларни тақдим этиш ёки сотиб олиш ҳолатлари бир-биридан фарқланишини талаб этади.

Юқорида келтирилган таъриф, ташқи иқтисодий операцияларнинг кўпчилигини қамраб олса-да, бу борада кўп масалалар ечимсиз ҳолда очиқ қолмоқда. Миллий ҳисоб-варақларни тузиш бўйича услубиётга асосан, товарлар, хизматлар ва даромадлар борасидаги шартнома (битим) деб, иштирокчи бўлмиш бир субъектдан бошқа субъектга аниқ (мавжуд) ушбу ресурсларни бериш тушунилади. Аммо, ички ва халқаро алмашув иштирокчиси бўлмиш иккала тараф ҳам бир юридик шахс бўлиб чиқиши каби гумонли ҳолатлар вужудга келади. Бунда моддий қимматликларнинг бир қўлдан бошқа қўлга ўтишида юридик мулкдорлик ўзгармайди. Бундай тусдаги

операцияларни ТМКлар, ўз хорижий филиаллари билан йирик кўламларда амалга оширадилар. Шу билан биргаликда, шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, шартнома тусига эга бўлмаган операциялар оқибатида қандайдир ўзгаришлар шартномага хос иқтисодий самарани вужудга келтиради. Масалан, валюта курсларининг ўзгариши муносабати билан валюта захираларининг қайта баҳоланиши мамлакатнинг ташқи дунёга бўлган талабларининг қисқариши ёки ўсишига олиб келади.

Тўлов балансини тузилишига алоқадор бўлган, шартнома (битим) ёки операциянинг таърифи ХВФ экспертлари томонидан ҳам тавсия этилган. Экспертлар ушбу терминдан тўлов балансида акс этиши керак бўлган ҳар қандай операцияга нисбатан фойдаланиш мумкинлигини асослаб ўтадилар.

Тўлов баланси операциялар таърифларининг амалда номукаммаллиги ва олинаётган маълумотлардаги хатоликлар мавжудлиги тўлов балансининг кредит ва дебет тарафларидаги якуний кўрсаткичларида маълум бир номутаносибликни юзага келтириши мумкин. Бундай ҳолатга дуч келмаслик учун, тўлов баланси жадвалларини тузиш вақтида икки тарафлама бухгалтерия ёзуви тамойили асос қилиб олиниши лозим бўлади, яъни тўлов балансида қайд этиладиган ҳар қандай операция бўйича, ушбу ҳужжатга икки бир-бирига ўхшаш кўрсаткич киритилади: бири – кредит тарафида ижобий белги билан, иккинчиси – дебетли тарафида манфий белги билан. Бунда, биринчи кўрсаткич сотиб олинган ёки ушбу мамлакат резидентлари томонидан сотилган товарлар, хизматлар ва қимматли қоғозлар қийматини, иккинчиси эса ушбу операциянинг қандай қилиб молиялаштирилиши мумкинлигини англатади: нақдли тўловлар, молиявий активлар берилиши ёки (кам ҳолларда) бартер асосида.

Товарлар (хизматлар) экспорти хориждан тушумлар сифатида қайд этилади ва кредитли операциялар бўлимига киритилади; товарлар ва хизматлар импорти эса – дебетли операциялар бўлимига, тўловлар сифатида, киритилади. Бундай операцияларнинг ҳар бири учун қилинаётган иккинчи

ёзув, ушбу операцияни молиялаштирувчи нақд пуллар ёки молиявий активлар ҳаракат йўналишини очиб беради. Масалан, товарлар экспорти ҳолатида биринчи кўрсаткич тушумлар бўлимида унинг қийматини, иккинчиси эса – тўловлар бўлимида, хорижга нисбатан молиявий талабларнинг ортишини кўрсатади ёки ушбу малакат банкларида хорижликларга тегишли авуарларнинг тааллуқли қисқаришини кўрсатади.

Халқаро даражада тайёрлов ҳисобварақларнинг катта қисмини қайта ишланиши асосида, йиғма тўлов балансига, тушум ва тўловлар ёки мамлакатнинг ташқи дунё билан операцияларининг талаб ва мажбуриятларидаги ўзгаришларни акс эттирувчи якуний кўрсаткичлар киритилади. Тўлов балансининг тузилиш тамойилига асосан, унинг ижобий кўрсаткичлари якуний суммаси салбий кўрсаткичларининг якуний суммасига тенг бўлиши лозим. Бироқ, бундай ҳолатда ҳам услубиёт ва ҳисоб юритиш характеридаги ноаниқликлар ҳамда қўлдан бой берилган имкониятлар сақланиб қолади.

Халқаро амалиётда катта бир муаммонинг асосини ташқи иқтисодий характердаги шартномалар амалга ошадиган баҳоларнинг ҳисоби ташкил этмоқда. Тўлов балансларини тузишга алоқадор органлар ҳамма вақт ҳам тўғри маълумотлар олиш имкониятига эга бўлмайди. Аксинча, шартнома иштирокчиларининг тижорат кўрсаткичларини сир сақлашдан манфаатдорлиги туфайли, айрим ҳолларда ушбу маълумотларни олишнинг имконияти бўлмайди.

Ҳар бир товар учун турли бозорларда, турли баҳолар юзага келади: божхона ва бошқа солиқ йиғимлари олинадиган баҳолар; товарнинг эгаси ўз ҳисоб юритиш ҳужжатларида товарнинг ҳисобини юритадиган баҳолар; ички фирма ёки трансферт баҳолар ва бошқа шу кабилар. Кўпчилик баҳоларнинг ичидан, тўлов балансига шартнома (битим) ҳақида маълумот киритиш учун, кредитли ва дебетли ёзувлар учун ягона тамойил асосида белгиланадиган баҳо ишлатилиши зарур бўлади ёки аксинча бўлганда, операцияларнинг баланслашганлик тамойилига риоя қилинмайди. Шуниси характерлики,

баҳонинг танланиши нафақат, сўз юритилаётган мамлакатга, балки ўз операцияларини биргаликда амалга ошираётган унинг ҳамкорларига алоқадор эканлиги, бир хиллик ва статистик талабларни таъминлаш мақсадида савдо операцияларини бозор баҳосида ёки уларнинг эквивалентида баҳолаш зарур деб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ХВФ нинг қўлланмаси ва миллий услубий ишланмаларда тўлов балансида тааллуқли кўрсаткичларни акс эттириш учун баҳоларни қандай танлаш кераклиги тўғрисида батафсил кўрсатмалар келтирилади.

Шартнома (битим) пайтини қайд этиш. Бу икки томон келишуви билан боғлиқ операцияларни ўзида акс эттиради. Шартномада ўз аксини топиши мумкин бўлган маҳсулотларга эга бўлиш талаб этилади. Маълумотлари тўлов балансига киритиладиган операцияни амалга ошириш пайтини қайд этиш икки томон учун ҳам муҳим масала ҳисобланади. Операцияни амалга оширилиш санасини акс эттирувчи кўрсаткич сифатида қуйидаги саналар бўлиши мумкин: шартноманинг тузилиши (имзоланиши) ёки келишувга эришилиши санаси, товарнинг транспортга ортиб жўнатилиши, унинг етказилиши, божхонадан ўтиш тартиб-қоидалари, хизматларни бажариш, даромад ёки харажатнинг ҳисобланиши. ХВФ раҳбарияти шартномани амалга ошириш санасини шундай танлашни тавсия этадики, мулкнинг ҳаракати, яъни ўз ўрнидан кўчганлиги миллий ҳисоб юритишда ўз аксини топиши лозим бўлсин.

ХВФ томонидан тавсия этилган тўлов баланси жадвалининг таркибий тузилиши, нафақат юқорида қайд этилган йирик моддаларни, балки шу билан бирга 100 дан ортиқ кўринишдаги операцияларни ўз ичига олган. Ушбу тавсиялар ХВФ га аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тузиш ва уларни ўзаро таққослашдаги бир хилликка эришишга қаратилган. Бироқ, амалиётда ўзаро таққослашдаги бир хилликка эришиш анча мураккабдир. Халқаро операциялар бўйича маълумотларни йиғишдаги мураккаблик, уларнинг тўла эмаслиги, услубий фарқлар ва бошқа омиллар давлат органлари учун, халқаро

операцияларнинг ҳажми, таркибий тузилиши, ижро этилиш вақти ва бошқа тавсифларини аниқ ва муқобил акс эттирадиган, тўлов баланси ҳужжатларини шакллантиришни ва тузишни мураккаблаштиради.

Турли хилдаги хатоликлар тўлов балансига “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” ёки “статистик хатоликлар” моддасига киритилади. Агарда, тўлов баланси расмий доим мувозанатда бўлишлиги инобатга олинса, унда ҳақиқий маълумотлар бўйича тафовутлар ушбу модда таркибига киритилади. Амалда юзага келиши мумкин бўлган бир қатор ҳолатларда, ушбу моддага, қандайдир сабабаларга кўра, тўлов баланси моддаларининг мавжуд тавсифига тўғри келмайдиган ёки яширилиши билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар киритилади. Ушбу модда, нафақат услубиёт хатоликларини, балки ҳисобга олинмаган, шу жумладан контрабанда операцияларни ҳам акс эттиради. Шунинг учун ҳам, ушбу модда бўйича кўрсаткичларнинг ҳажми етарли даражада барқарорлиги билан ажралиб туради. Бунда шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, иқтисодий инқирозлар, ижтимоий ва сиёсий мувозанатсизликлар юз берганда “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддасининг ялпи кўрсаткичлар ҳажми ошади.

Тўлов баланси моддаларини таснифлаш услублари. Тўлов балансини тузиш услублари ва унинг сальдосини ўлчашни ўрганиш, халқаро ҳисоб-китоблар кўрсаткичларини тўғри қабул қилиш ва тушунишда муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий адабиётларда, кўп ҳолларда, тўлов баланси кўрсаткичлари, уларнинг иқтисодий мазмуни изоҳсиз келтирилади. Бундай ҳолат асосан тўлов балансининг сальдосига тааллуқлидир. Масалан, АҚШ тўлов балансининг 1958 ва 1978 йиллардаги камомад кўрсаткичлари бир-биридан фарқли, турлича иқтисодий мазмунга эгадир; улар турлича ўлчанади ва уларнинг матбуотда эълон қилиниши турли (бир-бирига ўхшамас) оқибатларга олиб келган. Шу сабабли, таҳлил ва таққослашларда тўлов баланси кўрсаткичларидан фойдаланиш, иқтисодий муҳит ва халқаро валюта-кредит ҳамда

молиявий муносабатлардаги ўзгаришларни шунингдек бир қатор янгиланишлар билан боғлиқ кўрсаткичларнинг ўлчаниш тамойиллари ва уларда мужассам бўлган иқтисодий ҳолатлар мазмунни билишни тақозо этади.

Халқаро тўлов муносабатлари билан тўлов балансларини тузиш ва таҳлил этиш услубиёти ривожланмоқда ва бир қатор ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Тўлов балансларининг замонавий шакллари тўлов баланси назариясининг узоқ даврдаги эволюцияси ва тузилиш амалиётининг натижасидир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар оқибатлари масштабларининг ҳисобини юритиш ва уларни баҳолашнинг дастлабки шакллантиришдаги уринишлар XIV асрнинг охирида Буюк Британияда юзага келган ва эрта меркантилизм иқтисодий қарашлари билан боғлиқ бўлган. Миллий бойлик рамзи бўлмиш олтинни ташқарига оқиб кетишини олдини олишга интилиш, ташқи савдо ҳамда бошқа ташқи иқтисодий операциялар табиатини, унинг мазмун-моҳиятини тушунишга ва кўламларини баҳолашга зарурат туғдирди. “Тўлов баланси” тушунчаси дастлаб 1767 йилда Жеймс Стюарт томонидан иқтисодий назарияга киритилган. Бироқ, XX асрнинг бошигача тўлов балансини тузиш ва унинг таркибига кирган операцияларни қамраб олиш турли давлатларда турлича бўлган.

Халқаро иқтисодий операциялар ҳисобини юритиш муаммоси ва уларни тўлиқ тўлов балансида акс эттиришга қизиқиш уйғотган, шунингдек, айрим давлатларнинг иқтисодий ва кредит инқирозлари даврида олтиннинг четга оқиб кетишини олдини олишга қаратилган ҳаракатлари билан, иқтисодчилар томонидан эса – умумий мувозанат иқтисодий назарияси доирасида тўлов мувозанатининг бузилиши ва тикланишини тушунтиришга интилиш билан асосланган. Ушбу даврда ҳали халқаро ҳисоб-китоблар тўғрисида, улар ҳақида маълумотлар йиғишдаги камчиликлар ҳамда уларни тушуниб етиши билан боғлиқ назарий ёндашувларидаги камчиликлар мавжудлиги сабабли ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш имконияти бўлмаган.

Иқтисодий фаннинг А. Смит ва Д. Рикардодан бошлаб кўзга курингган намоёндалари тўлов балансидаги мувозанатни сақлаш муаммосига тан бериб, тўлов балансларини тузиш жараёнига янги элементлар киритган ҳолда тўлов балансини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишга муваффақ бўлганлар.

Капитални четга олиб чиқилиши, бошқа халқаро молия операцияларнинг тез ривожланиши билан тўлов баланслари мазмунининг кенгайишига сабаб ҳам бўлган. Бир вақтнинг ўзида, тўлов балансларини шакллантириш ва мувофиқлаштиришда давлат ролини кучайтирилиши оқибатида халқаро ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш амалиёти такомиллашди ҳамда унга зарурат кучайди. Бунда фаолияти, халқаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва таҳлил этишни ўз ичига олган ғазначилик, бюджет ва кредит органлари, божхона ва бошқа ташкилотлар каби давлат муассасаларининг роли янада ортиб борди.

XX асрнинг бошларида АҚШ ва Буюк Британияда тўлов баланси тузишнинг услублари, ўзининг тўла ривожини топди. АҚШ тўлов балансининг 1922 йил кўрсаткичлари асосида биринчи расмий чоп этилиши Савдо вазирлиги томонидан, 1923 йилда эътироф этилган. Бундан олдинги чоп этилишлар тўлов баланси айрим, якка ҳолдаги изланувчиларга тегишли ва диққат марказида бўлиб, расмий тусга эга бўлмаган.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг АҚШнинг кредитор-давлатга сифатида, муқобил иқтисодий сиёсат ишлаб чиқишга йўналиш бўла оладиган ва етарли даражада аниқ бўлган халқаро иқтисодий операциялар балансини тузишга қизиқиши ошди. Натижада АҚШ Савдо вазирлиги биринчи расмий нашрнинг маълумотлари ва услубини тартибга келтириш мақсадида 1923 йил АҚШнинг тўлов балансини чоп этилди. Ушбу баланс маълумотларини таҳлил этиш мақсадида у қуйидаги 3 гуруҳга бўлинган эди: жорий операциялар, капиталлар ҳаракати, олтин ва кумуш билан операциялар. Бундай операциялар қуйидаги тамойилларга асосланилди: жорий операцияларга

(жорий йилда тугалланган деб ҳисобланган), тўловлар ёки тушумларни келтириб чиқармайдиган операцияларга. Ушбу тамойил қаторига савдо сингари "кўзга кўринмайдиган" операциялар ҳам киритилган. Олтин ва кумуш билан операцияларга катта аҳамият берилганлиги боис, улар махсус бўлимга ажратилди. Барқарор ва мувозанатлашган тўлов балансини тузишга бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида 1943 йилда америкалик иқтисодчи Х. Лэри 1919-1939 йилларга мўлжалланган АҚШ тўлов балансини тузди. Энг муҳими тўлов баланснинг шакли Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг АҚШ тўлов балансини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 1946 йилдан бошлаб тўлов баланси тўғрисидаги чорак ва йиллик ҳисоботлар АҚШ Савдо вазирлиги томонидан "Surwey if Current Business" журналида чоп этила бошланди. Худди шу сингари Буюк Британия ва бир қатор бошқа давлатларда ҳам тўлов балансларининг ишлаб чиқилиш ва кўрсаткичларини таҳлил этилиш жараёнларга эҳтиёж оша бошлади ва тўлов балансини тузишга киришилди.

Лэри томонидан 1919-1939 йилларга мўлжаллаб тузилган тўлов баланси ва ундан сўнг чоп этилган АҚШ ва бошқа давлатларининг тўлов балансларидан, бундан олдинги тўлов балансларидан шакл ва мазмун жиҳатидан фарқ қилар эди. Тўлов баланси, ташқи дунёга нисбатан мамлакат молиявий позициясини таҳлил қилиш учун, статистик жадвал сифатида тузилган эди. Ундан келиб чиққан ҳолда тўлов балансига фақат нақд пул тушуми билан амалга ошириладиган битимлар киритилди. Айтиш жоизки, ўша вақтда халқаро савдо ички иқтисодга таъсир этувчи омил сифатида баҳоланиб келинар эди, аммо экспортнинг импортдан ошиши ва ёки тескари бўлиши халқаро ҳисоб-китобларда мувозанатни автоматик равишда тиклашига кўмаклашувчи пул муомаласи ва баҳолар соҳасидаги ўзгаришларга имконият яратди.

Аммо ўша даврда иқтисодга давлат аралашувининг кучайиши энг аввало назариётчилар иқтисодни автоматик муво-

фиқлаштириш концепциясидан воз кечишни зарурият даражасига олиб чиқди. Хусусан бозорнинг стихияли кучлари ёрдамида тўлов балансини мувофиқлаштиришдан воз кечишга сабаб бўлди. Тўлов балансининг таркибини ва унинг мазмун-моҳиятини қайта кўриб чиқилишига миллий даромад ва ялпи ички маҳсулот билан боғлиқ ҳисоб-китоб услубларини ривожланиши ҳам сабаб бўлди. Замонавий иқтисодчилар тўлов балансида бошқа мамлакатларга товар (хизмат)лар сифатида олиб чиқиб кетилган миллий маҳсулот улушини, мамлакатга олиб кирилаётган товар (хизмат)лар ҳажмини ва экспорт ҳамда импорт орасидаги фарқни молиялаштириш услубларини акс эттиришнинг муҳимлигини кун тартибига чиқаришдилар. Уларнинг таклифларига кўра, замонавий тўлов баланси жорий операцияларининг қолдиғи одатда ички ялпи маҳсулот, миллий даромад, "харажатлар ва чиқариш" ҳисобварақлари ҳисоб-китобларининг жадвалларига киритилишининг муҳимлиги ўз аксини топди.

Жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланиши айрим давлатларда халқаро ҳисоб-китоблар кўрсаткичларини таққослашни талаб этди. Шу сабабли, айрим давлатларда тўлов балансларини тузишнинг тамойиллари босқичма-босқич соддалаштириб борилди. Халқаро ҳисоб-китоблар бўйича маълумотларни тақдим этиш ва маълум даражада бирхилликка эришишда Миллатлар Лигаси ва ХВФ нинг фаолияти муҳим аҳамият касб эта бошлади. Улар реал шароитдан келиб чиқиб давлатларга кўмаклаша бошладилар.

Бу эса Миллатлар Лигасининг экспертлари томонидан тўлов балансларини тузиш услубларини стандартлаштириш бўйича иш олиб борашга шарт-шароит яратиб берди. 1924 йилда Миллатлар Лигаси томонидан 13 мамлакатнинг 1922 йил тўлов балансларини тўғрисидаги маълумотларнинг чоп этилиши ушбу кўрсаткичларни халқаро таққосланишига ҳам имконият яратди. 1927 йилда Миллатлар Лигаси томонидан асосан намуна сифатида АҚШ ва Буюк Британия тўлов балансларини олинган схема ва бир қатор тавсияномалар берилди.

Шу билан бирга Миллатлар Лигаси экспертлари томонидан киритилган аниқликлар туфайли 1947 йилда БМТ ҳужжати сифатида чоп этилган тўлов баланси тузишнинг схемаси яратилди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу ҳужжатни Миллатлар Лигасининг айнан ушбу фаолият борасидаги якуни ва бир вақтнинг ўзида ХВФ томонидан тўлов балансини тузишнинг шакл ва тамойилларини ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Умуман олганда, ХВФ томонидан тўлов баланси схемасини соддалаштириш услубиётини ишлаб чиқишни давом эттириши натижасида натижасида мунтазам равишда қайта чоп этиб келинаётган тўлов баланси бўйича қўлланмада ўз аксини топмоқда. Ҳозирги кунда ХВФ аъзоси бўлмиш мамлакатлар тўлов балансларини чоп этилиши 1993 йил қўлланмасидаги қоидалар асосида амалга оширилмоқда.

ХВФ услубиётига асосан тўлов баланси моддаларини таснифи.

A. Жорий операциялар
Товарлар
Хизматлар
Инвестициялардан тушган даромадлар
Бошқа хизматлар ва даромадлар
Бир томонлама хусусий ўтказмалар
Расмий бир томонлама ўтказмалар
A.нинг якуни. Жорий операциялар баланси
B. Тўғридан-тўғри инвестициялар ва бошқа узоқ муддатли капитал
Тўғридан-тўғри инвестициялар
Портфель инвестициялари
Бошқа узоқ муддатли капитал
Жами: A+B (АҚШдаги базавий баланс концепциясига мувофиқдир)
C. қисқа муддатли капитал
D. Хатолар ва ўтказиб юборишлар

Жами: A+B+C+D (АҚШдаги ликвидлилик концепциясига мувофиқдир)

E. Ўрнини қопловчи моддалар

Олтин-валюта захираларини қайта баҳолаш, СДРнинг тақсимланиши ва ишлатилиши

F. Фавқулодда молиялаштириш

G. Хорижий расмий органларнинг валюта захираларини ташкил этувчи мажбуриятлар

Жами: A+B+C+D+F+G (АҚШдаги расмий ҳисоб-китоблар концепциясига мувофиқдир)

H. СДР захираларининг якуний ўзгариши

ХВФдаги захира позицияси

Хорижий валюта

Бошқа талаблар

ХВФ кредитлари[72]

ХВФда қабул қилинган тўлов баланси моддаларини таснифлаш тизими ушбу Фондга аъзо давлатлар томонидан қўлланилади. Бунда айрим мамлакатлар халқаро ҳисоб-китобларининг характери улар томонидан тузилаётган тўлов балансларини хусусиятли томонларини белгилайди. Шу боис саноатни ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлкатлар тўлов баланслари, мазмунига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Тўлов балансини схемаси олдинги параграфларда келтириб ўтилган тўлов балансининг таркибий қисмлари валюта харажати бўйича тўлов баланси валюта тушуми ва валюталар чиқими ёки харажати ифодаланишни кўрсатади. Шунингдек, валюта фондининг кўрсатмасига биноан, кўпгина давлатлар тўлов балансини икки асосий йўналиши бўйича баланснинг тузилиши, яъни:

– тижорат операциялар баланси;

– капитал билан молиявий операциялар (капитал ҳаракати) ва бу баланслари актив ва пассив операцияларини қолдиқ

72

билан якунланиши эътироф этилишининг мумкинлиги қайд этилади.

Айтиш жоизки, бундай жорий операциялар баланси – товарлар (хизматлар), жорий трансфертлар ва даромадлар бўйича, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича валюта тушуми ва харажати ўртасидаги нисбатни ташкил этади. Бу ерда балансниинг ижобий (актив) қолдиғи мамлакатнинг бошқа мамлакат учун кредитор эканлигини, пассив ёки салбий қолдиқ мамлакатларнинг бошқа мамлакатлардан қарздор эканлигини билдиради (7.1-жадвалга қаралсин).

Шундай қилиб, тўлов баланси – бу мамлакатнинг ҳар бир ташқи иқтисодий-молиявий муносабатлар бўйича четга тўлайдиган ва четдан келиб тушадиган валюталарнинг ҳақиқий нисбатни ўзида ифодаловчи ва йиғма балансдир.

7.1-жадвал

Жорий операциялар баланси

т/р	Тушум	т/р	Чиқим
1.	Товарлар (хизматлар) экспорти	1.	Товарлар (хизматлар) импорти
2.	Трансфертлар	2.	Трансфертлар
-	Чет элдаги инвестициялардан тушум	-	Мамлакатдаги чет эл инвестициясидан келган даромадларнинг тўланиши
-	Мазкур давлатдаги чет эл фуқароларга тўловлар (пенсия, алимент, совғалар, пул ўтказмалари ва бошқалар)	-	Чет элликларга трансферт тўловлари
		-	Резидентларнинг чет элдан активлар сотиб олиниши
3.	Чет элдан молиявий ёрдам	3.	Чет элга молиявий ёрдам
	Жорий операциялар қолдиғи +		Жорий операциялар қолдиғи –

Одатда, тўлов баланси 1 йилга тузилади ва шу муддат ичида мамлакатга ҳақиқатда келиб тушган барча валюта тушумлари ва барча валюта чиқимларини акс эттиради.

Ҳар бир мамлакатнинг тўлов баланси шу мамлакатни резидентларнинг бошқа мамлакат резидентлари билан маълум бир даврда амалга оширадиган иқтисодий битимларини натижаларини ўзида мужассамлаштиради.

Ташқи дунё билан мамлакат иқтисодий алоқаларини, кенгроқ маънода, тўлов балансининг жорий операциялар баланси акс эттиради (7.1-жадвалга қаралсин). Масалан, мамлакат лицензиялар сотуви ва туризмдан тушумлар, хорижда ишлаётган ишчилар пул ўтказмалари ҳисобига савдо баланси камомадини қоплаши мумкин. Тўлов балансининг жорий операциялар сальдоси кўп ҳолларда мамлакат ташқи иқтисодий ҳолатининг таснифлаш учун ишлатилади. Жорий операциялар баланси мамлакат томонидан хорижга чиқарилган ёхуд хориждан олган ва ялпи ички маҳсулотга қўшимча қилиб киритиладиган реал қимматликлар қийматини ифодалайди.

Жорий операциялар баланси ўзининг икки хусусияти билан фарқланади. Яъни, биринчидан, жорий операциялар ўзининг табиатига кўра, якунланган операциялардир (улар бўйича ҳисоб-китоблар, капиталлар билан операциялар сингари, жавоб сифатидаги қўшимча операцияларни келтириб чиқармайди). Иккинчидан, қисқа муддатли даврда жорий операциялар нисбатан мувозанат бўлиши уларнинг якуни нисбатан чуқурроқ иқтисодий тенденциялар таъсирини акс эттириши мумкин. Буларнинг таъсирида жорий операциялар баланси ҳозиргача катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич сифатида кўрилиши ҳам мумкин бўлади. Ушбу кўрсаткич мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти якунларини ҳамда ички иқтисодий жараёнлар билан ўзаро ҳаракатларини аниқлаш мақсадида миллий ҳисобварақларга, “харажатлар-чиқарувлар” ҳисоб-китоблари, бошқа макроиқтисодий агрегатларга киритилади.

7.3.Тўлов баланси сальдосини ўлчаш услублари

Тўлов баланси тузишнинг муҳим масалаларидан бири – бу, унинг сальдосини ўлчашдир. Ушбу масала кенг кўламдаги саволларни: алоҳида халқаро битимлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлашдан жадвал тузишнинг таркибий тузилишигача ҳамда тўлов баланси назарияси ва амалиётининг энг муҳим таркибий қисмларини қамраб олади. Тўлов балансининг камомади ёки актив сальдосининг аниқлаш услуби – бу, тўлов балансини асосий ва балансловчи моддаларга бўлишдир. Асосий моддаларнинг сальдосини "тўлов балансининг сальдоси" деб аташади. Ушбу миқдорнинг ижобий ёки салбий бўлишига қараб эса, тўлов балансининг активи ёки камомади белгиланади.

Тўлов балансининг сальдоси муҳим кўрсаткич бўлиб унинг миқдори ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад ҳисоб-китоби таркибига киритилади, тўлов баланси валютанинг ҳолатига, ички ва ташқи сиёсатни олиб боришга ҳам таъсир этади. Тўлов баланси сальдосини ўлчаш пайтидаги энг муҳим муаммоси бўлиб унинг моддаларни асосий ёки балансловчи моддаларга таснифлаш бўлиб ҳисобланади.

Тўлов баланси сальдоси тушунчаси тўлов операцияларнинг маълум бир тўпламининг баланс якунига боғлиқ ҳолда принципиал характерга эгадир. Умуман олганда, тўлов балансининг актив ёки пассив кўрсаткичлари, доимо мувозанатда бўлган ялпи тўлов балансининг таснифи сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Чунки тўлов баланси сальдосининг кўрсаткичи тузилмавий бўлиб ҳисобланади. Унинг катта-кичиклиги биринчи навбатда, ушбу моддалар якунини ифодаловчи ва танланувчи моддаларга боғликдир. Бундай танлов ўз ҳолича ёки ихтиёрий бўлмаслиги керак. У маълум бир мақсадга қаратилган ва ўзида тааллуқли таҳлилий ёндашувни акс эттирмоғи муҳимдир.

Шу билан бирга, тўлов баланси моддаларининг ХВФ услубиётига мувофиқ таснифи унинг сальдосини аниқлашнинг

эволюциясини кузатиб таҳлил этиш имконини беради. Ушбу схемадан фойдаланган ҳолда, маълум бир гуруҳга мансуб операциялар остига чизишнинг ўзи кифоя бўлиб ҳисобланади. Аммо бунда, ушбу чизиқнинг юқорисида жойлашган барча кўрсаткичларнинг якуний миқдори, бизга маълум бўлган бир концепцияга асосланган ва таянган тўлов баланси сальдосига мувофиқ ўз ифодасини топиши лозим. Ушбу кўрсаткич, чизиқдан пастда бўлган тескари ифода билан олинган барча кўрсаткичлар суммалари билан мувозанатлаштирилади. Мазкур таснифлашнинг таркибий тузилиши маълум бир меъёрда халқаро иқтисодий операциялар ривожи билан боғлиқ ҳолда ҳаракатда бўлади.

Жорий операциялар балансининг концепцияси. Халқаро айирбошланишининг энг ривожланган шакли бўлиб ташқи савдо ҳисобланади. Халқаро савдо бўйича ҳисоб-китоблар дастлабки тўлов балансларини моддаларининг асосий мазмунини ташкил этган. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши билан хизматлар халқаро муносабатларда ва айирбошлашда катта роль ўйнай бошлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо баланси ва хизматлар баланси мамлакат ривожланиши стратегиясида асосий йўналиш сифатида қаралади. Яқинда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг оқибатларини, шунингдек, ҳозирги вақтда жаҳонда глобаллашув жараёнларини чуқурлашиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, савдо баланси ва хизматлар балансини барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб ҳам қолмоқда.

Савдо баланси ва хизматлар баланси мамлакат ички иқтисодининг ҳолати ва жаҳон хўжалигида эгаллаган ўрни билан белгиланади. Ташқи савдонинг камомади ёки активлиги жаҳон бозорида ушбу мамлакат товарлари рақобатдошлигини, иқтисодининг кучли ёки кучсизлигини акс эттиради ва жиддий иқтисодий чоралар кўрилишига имконият яратади.

Базис балансининг концепцияси. Узоқ муддатли капитал ҳисоби юритилиши ва уни тўлов балансида акс

эттирилишини ҳамда унинг ривожланиши билан базис баланс концепцияси илгари сурилган эди. У иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, у тўлов баланси ҳолатини аниқлашда ишлатилган эди. Ушбу концепциянинг асл мазмуни асосий моддаларга киритиладиган, базавий барқарор битимларни ажратиб олишдир. Ушбу битимлар, вақт давридаги барқарорлик ва иқтисодий конъюнктура ўзгаришларига бўлган муносабатларда ёки уларга бефарқлик билан характерланиб келинмоқда. Бундайларга нафақат жорий операциялар, балки узоқ муддатли капитал ҳаракатлари ҳам киритилди. Қисқа муддатли капитал ва валюта заҳиралари ҳаракати балансловчи операцияларга киритилди. Базис балансининг сальдоси "А" ва "В" гуруҳлар операциялари бўйича сальдо суммаси ХВФнинг таснифи бўйича аниқланадиган бўлди. Ушбу сумма "В" гуруҳидан пастдаги операциялар баланси билан мувозанатлантирилиши лозимлиги эътироф этилди.

Базис баланси концепциясига мувофиқ жорий операциялар активи капитал ҳаракатини мувозанатлаштирибгина қолмай, балки ушбу мақсадга эришиш учун валютанинг оқиб келишини таъминланиши ва тўлов балансини баланслаштириш, маълум бир чегараларда валюта курслари, фоиз ставкалари ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа инструментларини ўзгартириш орқали бошқариладиган қисқа муддатли капитал ҳаракати орқали таъминланиши керак эди. Бундай ёндашувни амал қилиши маълум бир давргача қисқа муддатли капитал ҳаракатига мустақил жараён сифатида эътибор берилмаганлиги сабаб бўлганлигини эътироф этиш мумкин эди.

Ликвидлилик концепцияси. Ушбу концепция АҚШда 1958 йилда ишлаб чиқилди. Ўша даврларда АҚШ тўлов баланси ҳолатининг кескин ёмонлашуви ва долларнинг инқирози АҚШ Савдо вазирлиги томонидан тўлов баланси тузиш ва унинг камомадини ўлчаш услубларини танқидий қайта кўриб чиқишга мажбур этди. Шу вақтнинг ўзида қисқа муддатли капитал ҳаракатига нисбатан муносабат ҳам қайта кўриб

чиқилди ва бунда хорижий хусусий шахслар ва расмий органлар қўлидаги ликвид долларли активларга катта эътибор қаратилди. Бу эса ўз вақтида янги ёндашувнинг мазмуни ва номини белгилаб берди.

Ликвидлик концепцияси АҚШ долларининг заҳира валютаси эканлиги ҳамда халқаро тўлов ва захира воситаси сифатида ишлатилишидан келиб чиққан эди. Бундан, АҚШ ўз долларларидан чайқов мақсадида фойдаланилишига қарши курашга доим тайёр бўлишлигини эътироф этди. Бунинг учун эса, норезидент шахсларда қанча ликвидли долларли активлар борлигини билиш зарурияти туғилди. Ушбу сумманинг ўсишини эса тўлов балансининг сальдоси кўрсатиши керак эди. Шу сабабли, ликвидлилик концепциясига мувофиқ, негизли шартномалар тарафдорлари томонидан киритиладиган моддалардан ташқари, асосий моддалар қаторига яна 3 кўринишдаги шартномалар киритилди: қисқа муддатли хусусий миллий капитал ҳаракати; хорижий тижорат кредитлари ва “хатолар ҳамда ўтказиб юборишлар” моддаси бўйича сальдо.

АҚШ Савдо вазирлиги томонидан бажарилган фикрларга асосан халқаро ликвидли позициясидаги ўзгаришларни акс эттирувчи моддалар баланслаштирувчи сифатида эътироф этилди ва баланслаштирувчи моддаларга қуйидаги ўзгаришлар киритилди: Америка валюта захиралари (ХВФга бадални ҳисобга олган ҳолда); АҚШнинг хорижлик расмий ташкилотлари ва хусусий шахслар олдидаги ликвидли мажбуриятлари. Ушбу концепциянинг ўзига хослиги у АҚШ давлат валюта захиралари ва америка хусусий эгалар қўлидаги валюта активларини айирбошлаш имконини бериши билан ажралиб турди.

ХВФда қабул қилинган, тўлов баланси моддаларининг таснифига кўра ликвидлилик концепцияси бўйича сальдо бирмунча шартлашувлар билан (“С” гуруҳига алоқадор), асосий деб ҳисобланувчи, A+B+C+D гуруҳлари операциялари бўйича сальдоларининг суммасига тенг ёки мувофиқ деб эътироф этилди. Ушбу сальдо, E+F+G+H гуруҳлари бўйича

олинган ялпи сальдо ҳажми билан, тескари (манфий) ифода билан, баланслаштирилишини мумкинлиги қайд этилди.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИҲТТ) томонидан қабул қилинган таснифда ликвидлилик концепцияси яққол ўз аксини топган. У ўзида олдин бирмунча қарама-қаршиликларни мужассам этди. Қисқа муддатли капитал билан айрим операцияларнинг тўлов балансининг асосий моддалари қаторига киритилиши ўша даврда етарли даражада асосланмаган эди. Айтиш жоизки, америкалик хусусий шахслар қўлида турган хорижий валюталар активларини тўлов балансига киритилишининг асосий сабабли омили АҚШ қонунчилиги давлат молия органларига улардан, расмий захираларга қўшимча равишда, долларни ҳимоялашда фойдаланишни қийинлаштириб қўйилганлиги бўлди. “Хатолар ва ўтказиб юборишлар” моддаси бўйича сальдо қисқа муддатли капитал ҳаракати билан боғланмаган эди. Ушбу ҳол халқаро ҳисоб-китоблар ҳисобини юритишнинг камчиликлари билан изоҳланиб келинар эди.

Айтиб ўтилганидек, баланслаштирувчи моддалар қаторига АҚШ нинг хусусий қисқа муддатли мажбуриятлар ўзгаришини киритилиши ҳам ушбу мажбуриятларга, долларга бўлаётган яққол риск сифатида қаралишини эътироф этар эди. АҚШ долларларнинг қонунчиликка мувофиқ хорижлик эгалари уларни бевосита АҚШ Ғазнахонасида олтинга алмаштира олмас эди. Аммо, АҚШ долларига ишонч йўқолган пайтда хорижий хусусий банклар ўз долларлик активларини Марказий банкларга сотиш имкониятига эга эдилар, шунингдек Марказий банклар эса ўз навбатида ушбу долларларни АҚШ Ғазнахонасига олтинга алмаштиришга тақдим қилар эдилар.

АҚШ тўлов балансининг йирик камомади (1958 йил) ҳукумат ва молия доираларида катта безовталанишни келтириб чиқарди. Бу эса, ўз навбатида, камомадни ҳисоблаш ва ўлчаш услубларига бўлган ишончсизликни янада оширди. Ликвидлилик концепцияси, эндигина пайдо бўлган бўлса-да, ўша вақтда ҳам қаттиқ танқидга учраган эди. Аммо АҚШ

Савдо вазирлиги уни ҳимоя қилди ва амал қилиш учун шарт-шароит яратиб беришга муваффақ бўлди. Ликвидлилик концепцияси, доллар захира валютаси мақомига эга бўлганлиги туфайли, расмий концепция сифатида АҚШ тўлов балансига нисбатан фойдаланилди. Шу ўринда айтиш жоизки, АҚШ тўлов балансининг йирик камомадлари бошиданоқ ушбу концепцияни гумон остига қўйди.

Расмий захиралар баланси концепцияси. Ушбу концепция тўлов баланси сальдосини ўлчашда 1965 йилда навбатдаги қадам сифатида эътироф этилди. АҚШ томонидан олға сурилган ва кейинчалик ХВФ ва ИХТТ экспертлари томонидан асосий концепция сифатидан қабул қилинган, расмий ҳисоб-китоблар концепцияси муҳим аҳамиятга эга бўлди. АҚШ ва бошқа мамлакатлар расмий органлари учун ушбу услубиётнинг ёқимли томонлари, биринчидан, у камомадни нисбатан пастроқ кўрсаткичларини берган; иккинчидан тўлов баланси ҳолатини яхшилашда хорижий хусусий қисқа муддатли ва портфель капиталларини кенг жалб этиш амалиёти заминидаги назарий асосни яратган эди. Шундай қилиб АҚШ тўлов баланси сальдосини ўлчаш услубларининг танқидий таҳлили натижасида расмий ҳисоб-китоблар баланси концепцияси юзага келди.

Ушбу концепция ёки ХВФ нашрларида якуний баланс деб номланган эди. АҚШда 1965 йилдан бошлаб ишлатилган бўлса, кейинчалик эса бошқа мамлакатларга тарқалди ва ХВФ ва ИХТТ экспертлари томонидан ушбу концепция ҳам қўллаб-қувватланди.

Айтиш жоизки, кўп мамлакатлар томонидан ишлатилган расмий ҳисоб-китоблар балансининг, стандарт таърифи баланслаштирувчи моддалар қаторига қуйидагиларни киритилишини кўзда тутади: расмий валюта органларининг валюта захиралари билан операцияларини (олтин, хорижий валюта, ХВФ даги захира позицияси ва СДР даги активлар); расмий валюта органларини хорижлик расмий ташкилотлар олдидаги, халқаро ташкилотлар ва СДР тақсимотини ўз ичига олган

ҳолда, мажбуриятларининг ўзгариши. ХВФнинг таснифига кўра, тўлов баланси сальдоси расмий ҳисоб-китоблар концепциясига мувофиқ, асосий моддалар сифатида таснифланадиган A+B+C+D+E+F+G гуруҳлари бўйича якун сифатида майдонга чиқди ҳамда "H" гуруҳи бўйича операцияларнинг якуний суммаси, яъни мутлақ расмий валюта операциялари билан мувозанатлаштирилди.

Алоҳида мамлакатларда расмий ҳисоб-китоблар концепциясининг ишлатилиши ўз хусусиятларига эга бўлиб, ХВФ тавсиялари ва ИХТТ схемаларидан фарқланиб келди.

70-йиллар ўртасидаги, жаҳон иқтисоди ва валюта тизимидаги инқирозлар ва уларнинг таъсирини кучайиши халқаро тўлов муносабатлари таркибий тузилишидаги силжишлар ва бу билан боғлиқ капитал ҳаракатидаги барқарорсизлик тўлов баланси сальдосини аниқлаш услубларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Тўлов баланси сальдосини АҚШ да, 1976 йилдан бошлаб расмий асосда фақат жорий операциялар сальдоси сифатида, бошқа операциялар бўйича маълумотларни маълумотли кўрсаткичлар сифатида чоп этиб, ҳисоб-китоблар қила бошладилар.

7.4. Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар

Тўлов баланси турли омиллар таъсирида бўлади. Аввало тўлов баланси такрор ишлаб чиқариш билан узвий тўғри ва тескари алоқада бўлса-да, унинг таъсири каттадир. Чунки у бир томондан, такрор ишлаб чиқаришда рўй бераётган жараёнлар оқибатида шаклланса, бошқа томондан эса – унга қарши таъсир кўрсатади. Валюталар курси, олтин-валюта захиралари, валюта ҳолати, ташқи қарз, валюта ва иқтисодий сиёсат йўналишлари, жаҳон валюта тизими ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади.

Мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги иштироки, ташқи иқтисодий алоқаларининг масштаблари, таркиби ва характери

тўғрисида маълумотлари тўлов балансидан олиш мумкин. Тўлов балансида қуйидагилар акс эттирилади:

– экспортнинг турли имкониятларини ва товарлар, капиталлар, хизматлар импортига эҳтиёжни белгиловчи иқтисоднинг таркибий диспропорциялари;

– иқтисодни бозор ва давлат томонидан мувофиқлаштириш услубларининг ўзаро нисбатидаги ўзгаришлар;

– конъюнктура омиллари (халқаро рақобат, инфляция, валюта курси ва бошқаларнинг ўзгариш даражаси).

Ҳозирги шароитдан тўлов балансининг ҳолатига бир қатор омиллар таъсир ҳам кўрсатиш мумкин. Буларга:

Биринчидан, мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг нотекислиги, халқаро рақобат билан боғлиқ омиллар таъсир этади. Чунки тўлов баланси асосий моддаларининг эволюцияси жаҳон иқтисодидаги рақиб-марказлар кучларининг ўзаро нисбатидаги ўзгаришларни акс эттиради. Ўтган асрнинг 40-50 йилларида, яъни иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Ғарбий Европа ва Япония давлатлари тўлов балансларининг йирик камомадини юзага келиши шароитида АҚШнинг актив тўлов баланси 1950 йиллар охиригача моноцентрик ҳукмронлиги тизимида шаклланди ёки ўз аксини топди. XX асрнинг 1960 йилигача Ғарбий Европа ва Япония давлатларининг савдо балансларини одатда пассив деб эътироф этилган бўлса ҳам, шу даврлардаги АҚШ нинг савдо баланси эса, Америка монополияларининг жаҳон бозоридаги мавқеи ва долларнинг барқарорлиги туфайли, жуда катта актив сальдо билан якунланган эди (1947 йилда 10 млрд. АҚШ доллари). АҚШ нинг халқаро инвестор ва кредиторга айланиши, ушбу мамлакатга хориждан йирик миқдордаги дивидендлар ва фоизларни оқиб келишига сабаб бўлди. Бироқ, кейинчалик тўғридан-тўғри инвестицияларнинг йиллик ўсимидаги АҚШ нинг улуши, Ғарбий Европа ва Япония давлатлари улушининг ўсиши ҳисобига, 1967 йилда 50 фоиздан то 1980 йилда 4 фоизгача камайди. 1985 йилдан бошлаб эса АҚШ капиталнинг нетто-импортёрига айланди. АҚШ нинг жаҳон саноат ишлаб

чиқаришидаги улушини, ҳарбий харажатларининг ўсиши шароитида, 1948 йилда 54,6 фоиздан 1984 йилда 37,8 фоизгача пасайиши, товарлар экспортида 33 фоиздан 12,7 фоизгача, капиталлар экспортида 70-йиллар ичида 20 фоизга пасайиши мамлакат тўлов баланси жорий операцияларининг мунтазам камомадига олиб келган эди. АҚШ нинг 1990 йиллардаги узоқ муддатли иқтисодий кўтарилиши АҚШ га яна жаҳон иқтисоди ва халқаро молиядаги иқтисодий пешқадамликни қайтариб олиш имконини берди. Юқорида зикр этилган уч марказ, яъни АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония орасидаги қарама-қаршилик уларнинг тўлов балансларида ҳолатида ўз аксини топди.

Иккинчидан, иқтисоднинг циклли тебранишлари. Тўлов балансларда мамлакат хўжалик ҳаётидаги тебранишлар, кўтарилишлар ва тушкунликлар ўз аксини топиши мумкин. Чунки, ташқи иқтисодий операциялар мамлакат ички иқтисодининг ҳолатига боғлиқ. Саноат цикллари механизми билан боғлиқ тўлов балансининг тебранишлари, мамлакат ички иқтисодий циклли жараёнларининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатларга ўтиб кетишига кўмаклашади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ёқилғи, хомашё, жиҳозлар импортининг ўсишига, пасайиши эса товарлар олиб кириш ҳажмининг қисқаришига олиб келди. Товарлар, капиталлар, хизматлар экспорти жаҳон бозори шароитларининг ўзгаришига молик бўлди. Хўжалик ривожланишининг сустлигида капиталнинг четга чиқиши кўпаяди. Иқтисоднинг жадал ривожланишида, яъни фойдалар ўсган, мамлакатда кредит экспансияси кучайган, фоиз ставкаси кўтарилган пайтда капиталнинг четга чиқиши пасаяди. Замонавий иқтисодий циклнинг асинхронлиги сабабли унинг тебранишлари тўлов балансига бевосита эмас, балки билвосита таъсир этади. Шу боис жаҳон иқтисодий инқирозлари у ёки бу мамлакатлар тўлов балансларининг йирик масштабдаги камомадларини юзага келиб чиқишига сабаб бўлади.

Учинчидан, давлат хорижий харажатларининг ўсиши. Тўлов баланси учун оғир юк бўлиб, турли сиёсий ва иқтисодий

мақсадларга қаратилган, ҳукуматнинг ташқи харажатлари ҳисобланади.

Тўртинчидан, иқтисоднинг милитаризацияси ва ҳарбий харажатлар. АҚШ нинг, тўлов балансида акс этадиган, хориждаги харажатларининг асосий қисми ҳарбий мақсадларга мўлжалланган. Ҳарбий харажатларнинг тўлов балансига билвосита таъсири биринчи навбатда уларни ишлаб чиқариш шароитлари ва иқтисодий ўсишнинг суръатларига бўлган таъсирида, ҳарбий бўлмаган тармоқлардан юлиб олинаётган ресурсларда ўз аксини топади. Агар экспорт тармоқлари ҳарбий буюртмалар билан босиб юборилган, товарларни четга олиб чиқишни кенгайтиришга мўлжалланган маблағлар ҳарбий мақсадларга йўналтирилган бўлса, мамлакатнинг экспорт қобилияти қисқаради. Қуролларнинг ўсиши ҳарбий-стратегик товарлар, шу жумладан, тинчлик вақтидаги истеъмол меъёрларидан ортиқ бўлган ҳажмда кўп турдаги хомашёларнинг (нефть, каучук, рангли металлар) импортини оширади.

Бешинчидан, халқаро молиявий боғлиқликнинг кучайиши. Замонавий шароитларда молиявий оқимларнинг ҳаракати халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шаклларидан бирига айланди. Бу эса ўз навбатида четга капиталларни олиб чиқишнинг, ссуда капиталлари жаҳон бозорининг (евробозорларни ўз ичига олган ҳолда) ривожланишини, шартнома шартлари эркинлашиши шароитида молиявий бозорларнинг ўсиши билан асосланади. Натижада, мамлакатларнинг молиявий ўзаро боғлиқлиги уларнинг ўзаро тижорат боғлиқлигидан устунроқ бўлиб қолди. Бу эса, валюта ва кредит тавакалчиликларни, биринчи навбатида қарз олувчининг тўловга лаёқатсизлигини кучайтириб юборади. 1980-90-йиллардаги жаҳон қарзлар инқирози ва 1997-98-йиллардаги валюта-молия инқирозлари ушбу таваккалчиликлар хавфлилигини очиб ташлади.

Олтинчидан, халқаро савдодаги ўзгаришлар. Илмий-техник революция, хўжалик ривожланиши суръатларининг ўсиши, янги энергетика базасига ўтиш халқаро иқтисодий

алоқаларда таркибий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Тайёр маҳсулотлар билан, шу жумладан интеллектуал товарлар, нефть ва энергия ресурслари билан савдо қилиш суръати ошди. 1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларнинг бошида нефть баҳосининг тўсатдан 18 баробар ошиб кетиши нефть импортёри бўлмиш мамлакатлар тўлов баланси жорий операцияларининг камомадига олиб келган эди. Товарлар оқимининг географиясида ривожланган давлатлар орасидаги алмашуви, уларнинг ташқи савдосида ривожланиб бораётган мамлакатлар улушининг қисқариш ёки кенгайиш тарафига қараб ўсиш бўлади (жаҳон савдосининг 70%, Европа Иттифоқи мамлакатлари-38%). Ривожланган давлатларнинг ўзаро савдоси улар экспортининг 80 фоизини ўз ичига олади (Европа Иттифоқи мамлакатлари-58%), ривожланиб бораётган мамлакатлар орасидаги савдо эса уларнинг экспортининг 1/4 ташкил этади. Бундай ҳол жаҳон бозоридаги рақобат курашини кучайтириб юборади.

Еттинчидан, тўлов балансига валюта-молиявий омилларининг таъсири. Девальвация, одатда экспортни, ревальвация эса импортни рағбатлантиради. Жаҳон валюта тизимининг барқарорсизлиги халқаро савдо ва ҳисоб-китоблар шароитларини ёмонлаштиради. Миллий валюта курсининг пасайишини кутган ҳолда экспорт ва импорт бўйича тўлов муддатларининг ўрнидан силжиши рўй беради, яъни импортёрлар тўловларни тезлаштиришга, экспортёрлар эса аксинча хорижий валютадаги тушумни олишни кечиктиришга ҳаракат қиладилар (“лидз энд лэёз” сиёсати). Халқаро ҳисоб-китоблар муддатларидаги кичик ёки қисқа узилишлар, мамлакатдан капиталларнинг четга оқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Баҳо ва тўлов валютаси сифатида ишлатилаётган етакчи валюталар курсларининг тебраниши кўпчилик давлатлар тўлов балансларига таъсир этади.

Саккизинчидан, инфляциянинг тўлов балансига салбий таъсири. Бундай ҳолат, баҳоларнинг пасайиши миллий товар-

ларнинг экспортини қийинлаштириб, рақобатдошлигини пасайтирган, товарлар импортини рағбатлантирган ва капиталларни хорижга чиқиб кетишига имкон берган пайтда вужудга келади.

Тўққизинчидан, фавқулодда ҳолатлар – ҳосилнинг бўлмаслиги, табиий офатлар, халокатлар ва шу кабилар тўлов балансига салбий таъсир этади.

7.5. Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг асосий услублари

Тўлов баланси давлат томонидан мувофиқлаштирилувчи объектлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг сабаблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

Биринчидан, тўлов балансларга, баъзи мамлакатлардаги йирик ва узоқ муддатли камомад, баъзиларига эса ҳаддан ташқари актив сальдода акс этувчи мувозанатсизликни хослиги бўлиб ҳисобланади. Халқаро ҳисоб-китоблар балансининг мувозанатсизлиги эса валюта курси динамикасига, капиталлар миграциясига, иқтисоднинг ҳолатига таъсир этганлиги билан кузатилди. Масалан, тўлов баланси жорий операциялари камомадини миллий валюта билан қоплаган ҳолда, АҚШ бошқа мамлакатларга инфляциянинг экспортига, долларларнинг халқаро муомалада керагидан кўпайиб кетишига кўмаклашди. Бу эса, 1970 йилларда Бреттон-Вудс валюта тизими фаолиятини тўхтатилишига сабаб бўлганлиги билан кўринади.

Иккинчидан, олтин стандартининг (1930 йилларда) бекор қилинишидан сўнг, тўлов балансини баҳо ёрдамида мувофиқлаштириш орқали мувозанатлаштиришнинг стихияли механизми ниҳоятда кучсиз ҳаракатланадиган бўлиб қолди. Шу сабабли тўлов балансини мувозанатлаштириш давлатнинг мақсадли тадбирларига таянади.

Учинчидан, иқтисодни давлат томонидан мувофиқлаштириш тизимида, тўлов балансининг аҳамияти ошди. Уни

мувозанатлаштириш вазифаси, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, инфляция ва ишсизликни жиловлаш билан биргаликда, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари доирасига киритилди.

Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг моддий асоси бўлиб:

а) расмий олтин-валюта захиралари;

б) давлат бюджети орқали қайта тақсимланган миллий даромад;

в) капиталнинг экспортёри, кредитори, кафили, қарз олувчиси сифатида давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларда бевосита иштирок этиши;

г) меъёрий актлар ва давлат назорат органлари ёрдамида ташқи иқтисодий операцияларни чеклаш ҳисобланади.

Айтиш жоизки, тўлов балансини мувофиқлаштиришда муаммо юзага келади, у ҳам бўлса қандай мамлакатлар (актив сальдо ёки камомадга эга мамлакатлар) мувозанатлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши мумкинлиги билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ушбу масала бўйича иқтисодчи олимларнинг ва амалиёт ходимларининг фикрлари турлича бўлиб келмоқда. Одатда, ички ва ташқи омиллар тазйиқи остида тўлов балансини мувофиқлаштириш муаммоси камомадга эга мамлакатлар учун жуда долзарб масала бўлиб қолади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг актив балансига эга мамлакатлар юқорида зикр этилган давлатларга ўз уйларида тартибни қарор топтиришга ундайдилар, яъни: инфляцияни чеклаш, дефляцион сиёсатни амалга ошириш, экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини қисқартириш ва бошқа шу кабилар. Бундай талабларни, иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ тўлов балансини муттасил камомадига эга Ғарбий Европа давлатларига қуйган. 1960 йиллар ва 1980 йилларнинг биринчи ярмида вазият ўзгарди, Ғарбий Европа давлатлари ва биринчи навбатда Европа Иттифоқи аъзолари худди шундай талаблар билан АҚШ га мурожаат этдилар. Тўлов баланси

камомадига эга бўлган давлатлар, одатда, уларнинг ҳамкорлари бўлмиш актив сальдога эга бўлган давлатларни импортнинг божхона ва бошқа шу каби чекловларини бекор қилишга, капитални четга олиб чиқишни кенгайтиришга ундайдилар.

Давлат томонидан тўлов балансининг мувофиқлаштирилиши – бу, унинг асосий моддаларини шакллантиришга ҳамда шаклланган сальдони қоплашга йўналтирилган давлатнинг иқтисодий, шу жумладан валюта, молиявий, пул-кредит чора-тадбирларининг йиғиндисидир. Мамлакатни валюта-иқтисодий ва халқаро ҳисоб-китобларининг ҳолатига кўра, ташқи иқтисодий операцияларни рағбатлантиришга ёки чеклашга қаратилган тўлов балансини мувофиқлаштириш услубларининг турли хилдаги тўплами мавжуд бўлиб, ундан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Айтиш жоизки, камомадли тўлов балансига эга мамлакатлар томонидан, экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини чеклаш, хорижий капиталларни жалб этиш, капиталларни четга чиқиб кетишини чеклаш мақсадида одатда қуйидаги чора-тадбирлар қўлланилади.

1.**Дефляцион сиёсат.** Ушбу сиёсат ички талабни пасайтиришга қаратилган сиёсат фуқаролик мақсадлари, баҳолар ва иш ҳақларни музлатишга мўлжалланган бюджет харажатлари чекловини ўз ичига олади. Унинг муҳим инструментлари бўлиб молиявий ва пул-кредит чоралари ҳисобланади: бюджет камомадини камайтириш, Марказий банкнинг ҳисобни юритиш ставкасини ўзгартириш (дисконт сиёсати), кредит чекловлари, пул массаси ўсишининг чегараларини белгилаб олиш. Иқтисодий тушкунлик, юқори даражадаги ишсизлар армияси ва фойдаланилмаган ишлаб чиқариш қувватларининг захираларини мавжудлиги энг аввало дефляция сиёсатини ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини янада пасайишига сабаб бўлади.

2.**Девальвация.** Бу ҳар бир мамлакатнинг миллий валюта курсининг пасайиши экспортни рағбатлантиришга ва товарлар импортини пасайтиришга қаратилгандир. Бироқ, тўлов балан-

сини мувофиқлаштиришдаги девальвациянинг роли уни ўтказишнинг муайян бир шарт-шароитларига ҳамда ушбу жараён пайтидаги умумиқтисодий ва молиявий сиёсатга боғлиқ бўлади. Девальвация, фақатгина рақобатбардош товарлар ва хизматлар экспорти салоҳиятининг мавжудлиги ҳамда жаҳон бозорида ёқимли шароит бўлгандагина товарлар экспортини рағбатлантиради. Импортни пасайтириш омили сифатидаги девальвацияга келсак, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви ва халқаро ихтисослашувнинг ривожланиши шароитида, мамлакат товарларни олиб киришни тўсатдан қисқартира олмайди.

Девальвация нафақат импортни қимматлаштиради, балки маҳаллий товарлар ишлаб чиқарилишида харажатлар ва баҳоларнинг ўсишига ҳамда девальвация эвазига ташқи бозорларда эришилган рақобат имтиёзларидан фойдаланишни чегараланишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли, девальвация мамлакатга вақтинчалик имтиёзларни берсада, кўп ҳолларда тўлов баланси камомади сабабларини бартараф эта олмайди. Кутилаётган самарага эришиш учун девальвация етарлича миқдордаги ҳажмга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда у фақатгина валюта бозоридаги чайқов операцияларини кучайтириб юборади. Масалан, 1967 йил ноябрь ойидаги фунт стерлингларнинг 14,3 фоизга ва долларнинг 1971 йил декабрида 7,89 фоизга девальвацияси ушбу валюталарга бўлган чайқов босимини бартараф эта олмаганлиги сир эмас, албатта. Шу билан биргаликда, девальвациянинг ҳаддан ташқари катта ҳажми бошқа валюталар курслари пасайишининг занжирли реакциясини келтириб чиқаради. Бунда, ўз валютасини девальвация қилган мамлакат режалаштирган рақобат имтиёзларидан айрилиши мумкин бўлади. Баъзи мамлакатлар мунтазам равишда ёпиқ шаклдаги девальвация сифатида, баъзи пайтларда қўш-қатламли валюта бозори шаклида валюта курсининг кўп хиллигини қўлланилиши маъқул деб ҳисоблайди. Айтиш жоизки, валюталар эркин сузувчи курслар режимининг киритилиши тўлов балансларининг муқобиллашувига

олиб келмади. Кескин тебранувчан бўлмиш девальвацияларнинг тугатилиши билан маълум бир даражада чайқов капиталларнинг халқаро ҳисоб-китобларга бўлган босимини юмшатди. Бироқ, эркин сузувчи валюта курслари режими шароитида девальвацияни экспорт ва импорт қилинаётган товарлар баҳоларининг нисбатига таъсири деярли йўққа чиқарилди. Шу сабабли, девальвациянинг самарасини таъминлаш учун кўпчилик ривожланиб бораётган давлатлар, экспорт ва импортга табақалаштирилган божлар ва субсидияларни киритадилар.

3.**Валюта чекловлари**. Экспортёрлар валюта тушумини музлатиш, импортёрларга хорижий валютани сотишни лицензиялаш, валюта операцияларининг ваколатли банкларда тўпланиши, капитал экспортини чеклаш ва уни четдан оқиб келинишини рағбатлантириш ҳамда товарлар импортини чеклаш орқали тўлов баланси камомадини бартараф этишга қаратилгандир. 1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларнинг бошида жорий операцияларни эркинлаштирилишига қарамасдан, эркин муомалада юрадиган валютага эга мамлакатларнинг тахминан 90 фоизи капиталларнинг халқаро ҳаракати бўйича чекловларни қўллаган. Европа Иттифоқи мамлакатлари ушбу чекланишларни 1990 йилларни бошига келиб бекор қилишди.

4.**Молиявий ва пул-кредит сиёсати**. Ҳар қандай мамлакатда иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида молия ва пул-кредит сиёсати эътироф этилади. Айнан шундай сиёсат тўлов баланси камомадини пасайтириш мақсадида экспотёрларга бюджет субсидияларидан, импорт божларини протекционистик оширилишидан, мамлакатга капиталлар оқиб келиши мақсадида қимматли қоғозларнинг хорижлик эгаларига тўланадиган фоизлардан олинадиган солиқни бекор қилинишидан, пул-кредит сиёсатидан, айниқса ҳисобни юритиш сиёсати ва пул массасини таргетлашдан (пул массасини ҳар йиллик ўсишининг мақсадли йўналишларини белгилаш) фойдаланилади.

5.**Тўлов балансига – савдо балансини, "кўзга кўринмайдиган" операциялар, капитал ҳаракати балансига,**

унинг асосий моддаларини шаклланиши борасида, давлатнинг махсус таъсир чоралари. Савдо балансини мувофиқлаштиришнинг муҳим объекти бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида давлат томонидан мувофиқлаштириш нафақат муомала соҳасини, балки экспорт учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш соҳасини ҳам қамраб олади. Товарларнинг сотилиши босқичида экспортни рағбатлантириш, мазкур товарлар баҳоларга таъсир этиш орқали амалга оширилади (яъни экспортёрларга солиқ, кредит имтиёзларини бериш, валюта курсини ўзгариши ва бошқа шу кабилар орқали). Товарларни хорижга олиб чиқиш ва хорижий бозорларни ўзлаштиришда экспотёрларда узоқ муддатли қизиқишни яратиш учун, давлат уларга нафақат мақсадли экспорт кредитларини тақдим этади, балки шу билан бирга иқтисодий ва сиёсий рисклардан суғурта қилади, асосий капитал амортизациясининг имтиёзли режимини жорий этади ҳамда уларнинг маълум бир экспорт дастурини бажариш бўйича мажбуриятлари эвазига бошқа молия-кредит имтиёзларини ҳам тақдим этиши мумкин бўлади.

Энг муҳими, экспортни рағбатлантиришда бундай услубларининг қўлланилиши ҳозирда янада комплекслашиб бормоқда. Улар ўз ичига экспортёрларни валюта, кредит, молиявий қўллаб-қувватлаш шаклларини, шу жумладан, реклама, маълумотлар, кадрларни тайёрлашни олади. Айтиш жоизки, капитални четга олиб чиқиш азалдан товарлар экспортини рағбатлантириш учун ишлатилади. Бунда пассив тўлов балансида импортни мувофиқлаштириш, импорт ўрнини босувчи миллий товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва шу орқали импортни қисқартириш чоралари амалга оширилади.

Шунинг учун тўлов балансининг “кўзга кўринмас” операциялари бўйича тўлов ва тушумларни мувофиқлаштирилиши учун қуйидаги чоралар кўрилиши эътироф этилмоқда:

а) мамлакат туристлари томонидан валютани четга олиб чиқиш меъёрини чеклаш;

б) хорижлик туристларни жалб этишда ва туристик инфратузилмани ташкил қилишда давлатни бевосита ёки билвосита иштирокини таъминлаш;

в) ”Транспорт” моддаси бўйича харажатларни камайтириш мақсадида бюджет маблағлари ҳисобига денгиз кемаларини қуришга ёрдам бериш;

г) патентлар, лицензиялар, илмий-техник ғоялар ва бошқа шу кабилар билан савдодан тушумларни кўпайтириш мақсадида илмий-текшириш ишлари учун давлат бюджети харажатларини ошириш;

д) ишчи кучи миграциясини мувофиқлаштириш. Хусусан, хорижлик ишчилар пул ўтказмаларини қисқартириш мақсадида мамлакатга иммигрантлар киришини чеклаш.

Айтиш жоизки, ҳозирги шароитда ҳам капиталлар ҳаракатини мувофиқлаштириш нафақат миллий монополияларнинг ташқи иқтисодий экспансияларини рағбатлантиришга, балки шу билан бирга хорижий капиталларнинг оқиб келиши ва миллий капиталларни репатриация қилинишини рағбатлантириш орқали тўлов балансини муқобиллаштирилишига қаратилган. Ушбу мақсадга, давлатнинг хорижлик хусусий инвестициялар учун ва товарларни четга олиб чиқишга тиниқ ва ёқимли шароитлар яратиб берувчи капиталлар экспортёри сифатидаги фаолияти йўлга қўйилган. Инвестициялар бўйича ҳукумат кафолатлари тижорат ва сиёсий рискларни суғурталашни таъминлайди.

7.6. Тўлов балансларини муқобиллаштириш услублари

Жаҳон иқтисодиёти ўз тараққиётининг сўнгги 20 йилдаги энг мураккаб босқични бошдан кечирмоқда. АҚШ ипотека кредити тизимида бошланган инқироз кейинчалик ривожланган ва ривожланаётган кўплаб мамлакатларда нафақат банкмолия соҳаси, балки иқтисодиётнинг реал секторига ҳам жиддий салбий таъсир ўтказди.

Инқироз бошланганидан кейинги жаҳонда савдо ҳажми, кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари кескин пасайди. Экспертлар фикрича, бу кўрсаткичларни тиклаш учун бир неча йиллар керак бўлади.

Инқироз оқибатида АҚШнинг ўзида 2009 йил июнь ҳоатига 40 га яқин банклар ҳамда бутун дунёга машҳур америка автомобиль саноати етакчилари бўлган Крайслер ва Женерал Моторс компаниялари ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажара олмай банкрот деб эълон қилиниши инқироз оқибатлари нақадар оғирлигидан далолат беради.

Гувоҳ бўлиб турибмизки, иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган, халқаро молия институтлари томонидан иқтисодий ислоҳотлар суръати бўйича етакчи деб тан олинган мамлакатларнинг банк тизими инқироз сўровларига бардош бера олмади, айни пайтда ўз ҳудудида унинг кучайишига сабабчи ҳам бўлди. Эслатиб ўтиш керакки, ушбу ҳолат тўлов балансига уни муқобиллаштиришнинг харажатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айтиш жоизки, ҳозирда ушбу баланс муқобиллашган ёки расмий асосда тўлов баланси ҳар қандай баланс сингари муқобиллашган. Чунки, асосий ва балансловчи моддаларнинг якуний кўрсаткичлари бир-бирини сўндиради, яъни қоплайди. Агар жорий моддалар бўйича тўловлар тушумлардан кўп бўлса, унда тўлов баланси сальдосини мувофиқлаштиришнинг манбалари ва услубларини характерлайдиган балансловчи моддалар ҳисобига камомадни қоплаш муаммоси туғилади. Бунинг учун, анъанавий равишда, хорижий заёмлар ва капиталларни олиб кириш услублари ишлатилади. Бу ерда гап, тўлов балансини муваққат баланслаштириш услублари ҳақида кетмоқда, чунки қарздор мамлакатлар фоизлар ва дивидендлар ҳамда заёмлар суммасини тўлашга мажбурдир. Тўлов баланси камомадини қоплаш учун ХВФ захира (шартсиз) кредитларни тақдим этади. Уларнинг ҳажми катта бўлмасада, мамлакатлар орасида, квоталарининг (бадалларининг) 25 фоизи чегарасида нотекис тақсимланади. Ушбу захи-

ра позициясидан кўп бўлган кредитлар, ХВФ барқарорлаштириш дастурларининг қаттиқ талаблари билан изоҳланади.

Тўлов баланси камомадини қоплашнинг манбаларини қидиришда ривожланган давлатлар жаҳон капиталлари бозоридан маблағларни банк консорциумлари кредитлари, облигация заёмлари шаклида жалб этадилар. Шунинг учун ҳам унга асосан, тўлов баланси камомадини қоплашда тижорат банклари (айниқса евробанклар) актив иштирок этадилар. Айтиш жоизки, банк кредитларини, халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотларининг кредитларига нисбатан, имтиёзли томони ҳам мавжуд. Бундай имтиёз уларни олишлигини осонлигида намоён бўлади ва улар барқарорлаштириш дастурлари билан изоҳланмайди. Аммо, банк кредитлари нисбатан қимматроқ бўлади ва йирик ташқи қарзи бор давлатлар учун уларни олишда қийинчиликлар мавжуд бўлади. Масалан, Америка банклари мунтазам равишда баъзи мамлакатларни (асосан ривожланиб бораётган давлатларни) “қора рўйхатга” киритиб бориши мумкин. Шунга қарамасдан, хусусий банклар ва халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари фаолиятларини координация қилиниш тенденциялари мураккаблашган ҳолда кучайиб бориши эътироф этилмоқда.

Марказий банклар томонидан баланс пассив сальдосини қоплаш учун миллий валютада ўзаро тақдим этиладиган, “своп” шартномалари бўйича ҳам қисқа муддатли кредитлар тақдим этилиши мумкин бўлади.

Ривожланган давлатлар XX асрнинг 70-80-йилларнинг ўрталарида ўз тўлов балансларини камомадини қоплашда нефть долларлардан, нефть қазиб чиқарувчи мамлакатларнинг нефть экспортидан олинган валюта тушумини қайта тақсимлаш орқали актив фойдаланган.

Тўлов баланси камомадини қоплашнинг муваққат услубларига яна, мамлакатнинг хорижий давлатлардан олинган, имтиёзли кредитлар киради.

Тўлов балансини муқобиллаштиришга хорижий кредитларни актив жалб этилиши муносабати билан ташқи қарз (мажбурият) глобал муаммога айланди. Тўлов балансини муқобиллаштиришнинг якуний услуби бўлиб расмий валюта захираларидан фойдаланиш ҳисобланади. Тўлов балансини муқобиллаштиришнинг яна бир якуний услуби бўлиб, субсидиялар ва совға шаклидаги хорижий давлатларнинг ёрдами ҳам ҳисобланади.

Тўлов балансининг актив сальдоси давлат томонидан мамлакатнинг ташқи қарзини (шу жумладан муддатидан олдин) сўндириш, хорижий давлатларга кредит бериш, ўзининг расмий олтин-валюта захираларини кенгайтириш, хорижда иккинчи иқтисодни барпо этиш мақсадида капитални четга олиб чиқиш учун ишлатилади.

Замонавий, янги кўриниш 1970 йиллардан бошлаб эътироф этилди. Тўлов балансини давлатлараро мувофиқлаштириш бўлди. У, жаҳон хўжалиги глобаллашуви ва миллий мувофиқлаштиришнинг етарлича самарадорликка эга бўлмаганлиги оқибати пайдо бўлди. Такрор ишлаб чиқаришнинг ташқи омиллари ролининг ошиб бориши билан, тўлов балансининг узоқ муддатли мувозанатсизлиги, алоҳида мамлакатлар иқтисоди ва жаҳон хўжалигидаги қарама-қаршиликни кучайтириб юборади. Шу сабабли, етакчи давлатлар тўлов балансини жамоавий тарзда мувофиқлаштириш услублари ишлаб чиқилмоқда. Тўлов балансларини давлатлараро мувофиқлаштириш воситаларига қуйидагилар киради: экспортни давлат томонидан кредитлаш шартларини келишиб олиш; икки тарафлама ҳукумат кредитлари; марказий банкларнинг “своп” шартномалари бўйича миллий валюталардаги қисқа муддатли ўзаро кредитлари; халқаро молия институтларининг, биринчи навбатда ХВФ нинг кредитлари.

Европа Иттифоқида тўлов балансининг давлатлараро мувофиқлаштирилиши қуйидаги асосий услубларда амалга оширилади:

а) божхона божларининг бекор қилиниши, 1968 йил 1 июлдан божхона иттифоқини яратилиши ва учинчи давлатларга нисбатан ягона ташқи тарифнинг киритилиши;

б) солиқ тизимини соддалаштириш;

в) товарлар экспортини кредитлаш шартларини ўзаро келишиш.

Умуман, тўлов балансини мувофиқлаштириш жараёни анча мураккаблашди, десак муболаға бўлмайди. Чунки унинг инструментлари кўпайди, қўлланилиши эса, иқтисодий сиёсатнинг бошқа шакллари билан биргаликда мунтазам ривожланиб борилди.

Шундай қилиб, мақсадга (ташқи ҳамкорлар билан алоқани ривожлантириш ёки уни ташқи бозордан кўплаб шерик топиш) қараб ҳам турли имтиёзлар белгиланиши мумкин. Биринчи ҳолда экспорт кўпроқ рағбатлантирилса, иккинчи ҳолда четга товарларни сотиш ёки керакли бутловчи қисмларни сотиб олиш рағбатлантирилади. Бу эса тўлов балансини мувофиқлаштириш жараёнини янада кенгайтиради.

Таянч сўз ва иборалар

Тўлов баланси, тўлов, ташқи қарз, опцион, фьючерс, капитал, экспорт, кредит, форвард, кредит риски

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Форвард, фьючерс ва опцион шартномаларининг иқтисодий моҳияти нимадан иборат.
2. Фьючерс шартномаларининг муддатлари ҳақида нималар биласиз.
3. Валюта операцияларининг турларига нималар киради.

8-боб. ҲАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ

8.1. Халқаро валюта бозори

Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олган. Бу сўнгги йиллар давомида дунёнинг барча мамлакатларининг компаниялари билан тузган битимларини амалга оширишга имконият яратиб бермоқда. Чунки халқаро бозорга чиқувчи компаниялар сотиб олиш, кредит бериш ва қарз олиш бўйича турли давлат аҳамиятига молик битимларни амалга оширишга имконият яратмоқда. Бунда харидор учун маҳаллий бўлган валюта сотувчи учун хорижий валюта рағбатлантиришга киришади.

Бундай ҳолатларда:

– экспорт қилувчи давлатга унинг (маҳаллий) валютасидаги тўлов хариди учун ҳақ тўлаши лозим бўлса унда хорижий харидор экспорт қилувчи мамлакатнинг валютасини сотиб олади;

– экспорт қилувчи давлат харидорнинг маҳаллий валютасида ҳақ тўланишига рози бўлса, унда у олинган маблағларни ўз миллий валютасига конвертациялашга зарурияти туғилади;

– айрим халқаро савдо-сотиқнинг турлари бўйича харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам хорижий валюталарда ҳақ тўлашни маъқул деб биладилар, чунки нефть савдосида ҳисобкитоблар одатда, АҚШ долларида ёки евро валютада амалга оширилиши муҳим деб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда Европанинг товарларини сотиб олиш учун ўзбекистонлик импортчи Европанинг бошқа етказиб берувчи мамлакатига ҳақ тўлаш мақсадида еврони сотиб олиши муқаррар бўлади.

Бунда Форекс (Foreigh Exchange) деб номланган валюта операциялари учун эҳтиёж туғилади. Бу дегани бир валютани бошқа бир валютага айирбошлаш билан боғлиқ савдоси амалга оширилади. Ушбу жараён халқаро савдони амал қилиш шарти бўлиб ҳисобланади. Лойиҳавий молиялаштириш ва халқаро инвестициялар ҳам халқаро битимларни тузилишини талаб қилади. Айнан ушбу жараён халқаро валюта сотиб олиш ёки сотишни талаб этади. Мисол учун АҚШ хазинаси облигацияларига маблағ қўйиш истагидаги сармоядорлари облигацияларни сотиб олиш учун Германия маркаларини АҚШ долларини сотиб олишларига эҳтиёж туғилади. Айтиш жоизки, халқаро операциялар мақсадида, савдо-сотиқ ҳажмлари ўсишига халқаро савдонинг эркинлашуви (савдо тўсиқларининг камайтирилиши) ва валюта назоратининг бўшаштирилиши тенденцияси билан боғлиқ бўлди. Саноат ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида ҳозирда капиталнинг эркин ҳаракатланишига имконият яратилган шунинг учун ҳам юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани чек-ловларсиз харид қилишлари, сотишлари, қарз олишлари ёки кредит беришлари мумкин. Форекс битими- бу муайян санада етказиб бериш шарти билан, келишилган айирбошлаш курси бўйича бир ҳорижий валютани бошқасига алмаштириш эвазига сотиб олиш ёки сотиш контракти. Бу каби битимлар форекс бозорида амалга оширилади.Форекс бозори (FX) – бу тижорат банкларининг дилинг бўлимлари ҳамда бир-бирлари билан ва мижозлар телекоммуникация воситалари орқали боғланган брокерлардир.

Шундай қилиб, валюта бозорлари – бу талаб ва таклиф асосида турли хил валюталар олди-сотди қилинадиган расмий марказлардир. Валюта бозори – бу чет эл валютасини олди-сотдисини ва чет эл валютасидаги қимматбаҳо қоғозларни ҳамда валютавий капитални инвестиция қилиш муносабатларини амалга оширувчи иқтисодий муносабатларни намоён қилувчи марказ ҳисобланади. Ривожланган молия - кредит бозорисиз ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиётини тасаввур

этиб бўлмайди. Бу молия бозорларида сотувчи ва харидорлар пул-кредит маблағларини ва инвестицион қимматликларни молиявий муносабатлар орқали айирбошлашни шакллантиради. Инвестицион қимматликларнинг таннархини ва истеъмол қийматини акс эттиради. Молия бозорининг муҳим ва асосий қисмини валюта бозори ташкил этади. Шу боис ҳам у жаҳон хўжалигининг ажралмас бўлагидир. Валюта бозорларида молия институтлари, шу жумладан валюта операцияларини олди-сотдисини амалга оширадилар. Ташқи савдо бўйича халқаро ҳисоб - китоблар, халқаро туризм, капиталлар ва кредитларнинг давлатлараро ҳаракати хамда чет эл валютасини олди-сотди қилиш билан боғлиқ бошқа хисоб-китоб операциялари валюта бозорларида операцияларни асосини ташкил этади.

Айтиш жоизки, валюта бозорлари 1944 йилдан кейин Бреттон-Вудс валюта тизимидан кейин юзага келган бўлса-да, хозирда уларнинг ўзига хос хусусиятлари сақланиб қолган. Улар интернет тизими орқали бир-бири билан узвий боғлиқликда бўлиб қелмоқда. Уларни географик жойлашганликдан қатъи назар халқаро валюта бозорлари валюталарни олди-сотди қилиш жараёнида бир-бирига нисбатан доимий муносабатда бўлади. Жахон валюта бозорлари асосан валютавий чеклашлар бўлмаган ёки сайёз ҳаракатда мавжуд бўлмаган мамлакатларда жойлашган десак муболаға бўлмайди. Валюта бозорлари:

– миллий валюта бозори;

– мамлакат валюта бозори;

– жахон валюта бозорларидан ташкил топган.

Ушбу бозорларда сотиб олувчи ва сотувчиларнинг талаб ва таклифлари бир-бирига тўқнаш келади. Сотиб олувчи ёки сотувчи сифатида қатнашаётган ҳар бир субъект давлат, хўжалик субъекти ёки фуқаро ўзининг молиявий манфаатларига эга бўлади. Бу молиявий манфаатлар бир-бири билан мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Манфаатлар мос келган тақдирда, валюта қимматликларини олди-сотдиси хақида

битим тузилади. Шунинг учун, валюта бозори валюта қиммат-ликларини сотувчи ва харидорнинг қизиқишларини намоён қилувчи молиявий-иқтисодий инструмент ҳисобланади. Агар валюта бозорлари функционал нуқтаи назардан ўз вақтида халқаро ҳисоб-китобларни, валюта рискларини суғурталашни, валюта захираларини диверсификациялашни, валюта интер-венциясини амалга оширадиган ва валюта бозорида қатна-шувчиларнинг курслари ўртасидаги фарқ натижасида кела-диган даромадни ўзида акс эттирса, унда валюта бозорлари институтционал нуқтаи назардан ваколатли банкларнинг, инвестицион компанияларнинг, биржалар, брокерлик идора-лари, чет эл банклари томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларини ўзида акс эттиради. Ташкилий-техник нуқтаи назардан қараганда, валюта бозори жаҳоннинг турли мам-лакатлари билан халқаро ҳисоб-китоблар ва бошқа валюта операцияларини бир-бирини ўзаро боғловчи интернет ёки телефон, телекс каби алоқа воситалари ва шу каби комму-никация тизимлари йиғиндисини ўзида акс эттиради. Ҳозирги глобаллашув шароитида банклар валюта бозорида сотувчи ва харидор ўртасида чет эл валютасини олди-сотди қилишда даллол сифатида иштирок этмоқда. Валюта олди-сотдисини таъминлашдан мақсад мутасадди молия институтининг шу банклар мижозларга маълум бир валютадаги актив ва капиталларини бошқа бир хорижий валютага конвертирлашни таъминлаш ҳисобланади. Бу жараён “нақд битим”, яъни спот операцияси ёки “муддатли битим”, яъни уларнинг кенг тарқал-ган шакли – форвард операциялари шаклида бўлиши мумкин. Жаҳоннинг барча молия марказларида маълум бир валютага нархларнинг ўрнатилиш диапозони бир хил тартибда ўрнати-лиши анъанавий тус олганлиги, банклар фаолияти бу соҳага бирлашувининг ўрнатилишига олиб келади. Айни бир молия марказида маълум бир қисқа вақт оралиғида бозор ставкасида ўртача ставкадан сезиларли даражада фарқ қилса, у ҳолда турли нархлар натижасида фойда олиш мақсадида жараённи амалга оширувчи валюта арбитражи орқали тартибга

солинишида валюта бизнеси пул тизимини муҳим тартибга солувчиси сифатида ҳаракат қилади.

Форекс бозоридаги асосий иштирокчилар – йирик банклар бозорида мижозлари номидан ва ўз мижозлари учун ҳам, ўзлари олиб сотишлари учун ҳам битимларни амалга оширадилар. Форекс бозорининг бошқа қатнашчилари – брокерлар, инвестиция институтлари (жамғармалар), корпорациялар ва марказий банклар бозорида амалга ошириладиган битимларнинг жами ҳажмида банкларараро келишувларининг асосий қисмини эгаллайди. Валюта бозорларини ўз хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидагича туркумланади:

Валюта бозорларини кўламига кўра:

– Халқаро валюта бозорларига, яъни бир қанча мамлакат валюта бозорларини қамраб олиши билан характерланади. Бунда халқаро валюта бозорлари, кабел ва интернет тармоғи орқали бир-бирлари билан боғлиқ жаҳон валюта бозорларининг ҳалқасини ҳосил қилган холда маблағлар ҳаракати улар ўртасида амалга оширилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунлар доирасида ички валюта бозори ҳам мамлакат доирасида амал қилади.

Амал қиладиган валюта курсларига битта валюта курси режимига эга бозор шаклланади. Бу биржа савдоларида аниқланадиган эркин сузиб юрувчи курсга эга валюта бозори бўлиб ҳисобланади ва ички валюта бозорида битта курс шаклланадиган бўлса, унда икки ёки кўп поғонали валюта курси режимининг амал қилинишига кўра, унинг ўзи эркин бўлмаган валюта бозорини амал қилинишини англатади. Бунда валюта операцияларининг бир тури алоҳида курс бўйича ўтказилиб, бошқа турдаги операцияларига нисбатан ундан фарқли бўлган иккинчи курс қўлланилади. Ушбу валюта курси режимини капитал харакати бўйича чекловларга эга мамлакат қўллаши мумкин, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам.

Ташкилий жиҳатдан кўра валюта бозори :

– Валюта биржа бозорига, яъни расмий ташкил этилган, валюта қимматликлари бўйича савдо сессияси ўтказиладиган

биржадир. Бунда биржа тижорат корхонаси бўлиб ҳисобланмайди. Унинг асосий вазифаси вақтинча бўш пул маблағларини валюта қимматликларини сотиш орқали зарур йўналишга қаратиш ва валюта курсининг бозор қийматини аниқлашдан иборат бўлса, унда биржадан ташқари валюта бозори валюта биржасига аъзо бўлган ёки бўлмаган диллер томонидан ташкил этилган савдоларни телефон, телефакс, интернет орқали олиб борилишини англатади.

Валюта бозорларини туркумлашда евровалюта, еврооблигация, евродепозит, еврокредит бозорларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Евровалюта бозори – Ғарбий Европа мамлакатлари халқаро валюта бозори бўлиб, уларда валюталар айирбошланади. Унинг фаолият юритиши валютанинг эмитент мамлакатдан ташқарисида нақдсиз депозит ва ссуда операцияларида қатнашиши билан боғлиқ бўлса-да, улар давлат бозорлари ҳисобланмайди. Улар давлат эҳтиёжлари пайдо бўлиши билан вужудга келади. Евробозордаги операциялар мамлакат солиқ қонунчилигини четда қолдириб ўтади.

Қарз олувчининг облигацияси сифатида рамийлаштириладиган, евровалютада берилган узоқ муддатли қарз мажбуриятлари бўйича молиявий муносабатлар айнан Еврооблигация бозорида гавдаланади. Облигацияларида қарз миқдори, уни қайтариш шартлари ва муддати, фоизларни купонга мувофиқ олиш тартиби акс эттирилади. Евровалюта бозорларида айланадиган маблағлар ҳисобига хорижий тижорат банкларда валюта омонатларини шакллантириш бўйича барқарор молиявий муносабатлар евродепозит бозори асосини ташкил этади. Хорижий тижорат банкларининг евровалютада бериладиган халқаро қарзни тақдим этиш бўйича мустаҳкам кредит ва молиявий муносабатлари эса еврокредит бозорини акс эттиради.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХҲБ)нинг марказий банклар тадқиқотларига асосланган ҳисоботига мувофиқ Лондон, Нью - Йорк, Токио ва Сингапур битимлар ҳажми бўйича пасайиб бориш тартибига кўра валюта савдосининг асосий

марказлари бўлиб ҳисобланади. Лондон муҳим молиявий марказ сифатида бутун бозорнинг қарийб учдан бир қисмини қамраб олган. Катта марказлар, шунингдек бошқа мамлакатларда ҳам жойлашган, масалан, Германияда Швейцарияда, Гонгконг (Сянган)да ва Францияда.

8.2. Валюталар ва валюта курси

Бир валютани иккинчисига айирбошлаш нархи валюта курси деб аталади. Бу нархлар эркин бозорда талаб ва таклифга мувофиқ икки томонга, яъни юқорига ёки пастга ҳаракатланади. Бошқариладиган бозорда валюта курслари назорат воситаси бўлиб ҳисобланади. Валюта бозорлари асосий жаҳон валюталари учун қисман бошқарилади. Бу шунда акс этадики, айрим давлатлар ўз миллий валюталарини алмаштириш курсини бошқа асосий валюталарга қарши барқарорлаштиришга ҳаракат қиладилар.Учта асосий марказларнинг валюта савдоси билан боғлиқ иш вақти деярли 24 соатни ташкил этади.Лондон ва Нью-Йорк ўртасидаги беш соатли фарқ ҳамда Токио ва Лондон ўртасидаги тўққиз соатли фарқ амалда сутка давомида савдо- сотиқ қилишга имкон беради.

АҚШ доллари , йена ва евро ўртасидаги алмаштириш курси талаб ва таклифга мувофиқ равишда тебранади. FX бозорида АҚШ доллари асосий ўринда туради. Қуйидаги омиллар шундан далолат беради:

– энергетика ва қишлоқ хўжалиги товарлари савдосида афзал валюта сифатида долларни роли;

– АҚШнинг иқтисодий қудрати ва унинг жаҳон иқтисодиётидаги марказий роли;

– долларнинг анъанвий захира валютаси сифатидаги мақоми;

– 1999 йилда евровалютанинг амалга киритилиши унинг вақт ўтиши билан АҚШ долларининг устуворлигига барҳам бера олиши тўғрисида баҳсларни юзага келтирди. Ҳамма

валюталар одатда, АҚШ доллари (USD)га нисбатан котировка қилинади.

Форекс (FX) битимларининг катта қисми долларни таркибий валюталардан бири сифатида эътироф этилади. Ўз ичига АҚШ долларини олмайдиган битимларни, яъни кросс-битимларни бажариш учун иккита келишувни амалга ошириш лозим. Мисол учун, Швейцария франкининг Япония йенасига нисбатан кросс-битими икки келишув воситасида қопланиши мумкин: доллар швейцария франкига нисбатан ва доллар япон йенасига нисбатан кросс-битимларини ўтказиш йўли билан. Талаб ва таклифга таъсир этувчи ҳамда шу тарзда валюта бозорида алмаштириш курсларини харакатлантирувчи омиллар узоқ муддатли ва қисқа муддатли бўлади. Инвестиция мақсадларида сотиб олиш ёки сотиш учун талабни ҳосил қилувчи иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни узоқ муддатли омилларга киритилади. Таъкилдаш жоизки, бугунги кунда икки валюта ўртасидаги ўртача алмаштириш курси ва унинг муайян вақт оралиғидаги ўзгаришлари, бу валюталарнинг ҳар бир эмитенти мамлакатларидаги иқтисодий ҳолат фарқланишларини акс эттиради. Валюта бозорининг узоқ вақт сақланиб турмайдиган жорий шарт - шароитларидан келиб чиқувчи талаб ва таклифга бўлган таъсир қисқа муддатли омилларга киритилади. Бозорда бирор валютани сотувчилар сонининг вақтинчалик етишмаслиги унинг нархларини шу валюта сотувчилари учун мақбул бўлган даражагача ўсишига ёрдам беради. Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири валюта бозоридаги ҳар қандай тебранишлар валюта рискини келтириб чиқаради. Валюта курсидаги риск соотиб олаётган, сотаётган, қарз олаётган ёки кредит бераётган ҳар қандай шахснинг кутаётган маблағлари (дармадлари)ни камайтириши ёки кутилаётган сарф-харажатларини кўпайтириши мумкин бўлган валюта курсидаги ўзгаришлар рискидир. Экспозиция, яъни компаниянинг валюта рискига чалиниши кўлами унинг валюталардан ҳар биридаги даромадлари, сарфлари, қарз ва кредитларига боғлиқ. Ҳозирда давлат валюта сиёсатининг

мақсади ҳам миллий валюта курсини барқарорлаштириш бўлиб ҳисобланади. Валютанинг барқарорлиги валюта рискини пасайтиради ёки бартараф этади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, валюта курслари тебраниши, яъни ўзгарувчанлиги валюта чайқовчиларига валюта савдосидан фойда олиш учун шарт-шароит яратиб бериши мумкин. Аммо халқаро миқёсда савдо ва инвестициялаш билан шуғулланувчи компаниялар ҳолатида, алмашинув курсининг турғун эмаслиги валюта курсининг номаъқул ўзгаришлари ёки валюта экспозициясини хеджирлашдаги зарар кўриш риски фаолликни пасайтириши мумкин.

Чет эл валютасини бир хил нархда сотиш ва сотиб олиш ҳолати олдинги мавзуларда кўрсатиб ўтилган эди. Бундай таклиф товар ва хизмат кўрсатиш нархларини таҳлил қилишда қўлланилади. Лекин истеъмолчилар ҳар доим ҳам товарни уларни сотишдан келиши мумкин бўлган фойдадан кўра кўпроқ тўлашга тўғри келади. Умуман олганда, товарларни сотиш ва олиш нархларни ўртасидаги фарқ операция устамаси ёки маржани ташкил этади; худди шу тасниф улгуржи ва чакана савдони вужудга келтирувчи омил ҳисобланади. Чел эл валютасини алмаштириш вақтида шу ҳолат ҳам юзага келади. Банк ёки дилердан валюта сотиб олмоқчи бўлганда, айнан шу банк ёки дилерга валюта сотишимиз мумкин бўлган нархга нисбатан қимматроқ нархда сотиб оламиз.

Банкларда валютани алмаштиришда дилер харидор курслари – бу дилернинг чет эл валютаси учун тўлашга тайёр баҳосидир. Сотувчи курслари ёки таклиф курслари – бу дилернинг чет эл валютасини сотишга тайёр баҳосидир. Айнан шундай ҳисоб-китоб шакллари валюта алмаштирувчи банклар томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Агар дилер 1 долларни сотиш нархини 8040 деб белгилаган бўлса, унда биз ундан 1 долларни 8050 сўмга сотиб олишимиз мумкин бўлади. “Сотувчи курси” ёки “таклиф курси” атамалари синонимлардир. Биринчи атамани валюта бозорларида, айниқса Лондонда

қўллаш кенг тарқалган. Аммо атамаларнинг бундай аралаштириб қўлланиши айрим тараққий этган мамлакатларда, шу жумладан АҚШда тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки “таклиф” атамасини “ сотиб олиш таклифи “ деб тушунилади. Шунинг учун валюта сотиш учун таклиф қилинаётган нарх, фақат сотиш учун деб эътироф этилиши мақсадга мувофиқ. Валюта алмаштириш дилерлари ўз харидорларини валюта сотмоқчи ёки олмоқчи эканликларини олдиндан била олмаганликлари учун сотиш ва олиш жуфт ҳолатда белгиланади. Масалан, агар банк 1 АҚШ долларини 8040-8045 деб белгилаган бўлса, унда у 1 АҚШ доллари учун 8040 сўм тўламоқчи ва 8045 сўмга сотмоқчи. Бундан юқорисига бу дилернинг сотиш нархи , пастки эса, олиш нархи эканлиги кўриниб турибди.

Бу асосий мавзуни қараб чиқишда биз алмаштириш курсларига тааллуқли бир неча муҳим шартномаларни кўриб чиқамиз. Биринчи бўлиб чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги фарқни моҳиятини, бизнесмен ва сармоядорлар фаолиятига ушбу фарқларни таъсир этиш омиллари ўрганилади. Хулосада, валюта фьючерс бозор ва уларнинг функциялари моҳияти тушунтирилади.

8.3. Форвард курслари ва уларни ҳисоблаш йўллари. Форвард битимлари

Айтиш жоизки, форвард операцияларида икки томон келишилган вақтда маълум миқдорда валюта алмаштиришни ўз зиммаларига оладилар. **Агар спот алмаштириш курси – бу зудлик билан алмаштириш курси бўлса, форвард курси – бу тез орада алмаштириш курси ҳисобланади.** Қуйидаги таҳлил қилинган сабабларга кўра, спот курси бир хил валюталарга нисбатан форвард курсидан баланд ёки паст бўлиши мумкин. Форвард алмаштириш бозорлари, алмаштириш курслари олдиндан юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлардаги ноаниқликларни камайтиради. Америкалик

тадбиркорлар самолёт экспортёри дуч келиши мумкин бўлган ҳолатларини таҳлил қиладиган бўлсак, унда у Германияга 16 миллиард маркалик самолёт етказиб бериш учун шартнома зудлик билан амалга ошириш битими тузилган бўлса, экспортёр маркаларни долларга спот алмаштириш курси бўйича конвертация қилади. Агар шартнома тўловни 180 кундан кейин амалга оширишни назарда тутган бўлса, унда экспортёр сотган маҳсулотидан тушган пул қай ҳолатда бўлишини била олмайди, чунки охирги йил мобайнида Германия маркаси долларга нисбатан 6 ой ичида 30% га кўтарилиб ёки пасайиб турди. Бундай риск кўплаб экспортёрларни битимни рад этишга олиб келиши мумкин. Лекин улар бундай хавфни олдини олиб, асосий битим билан бирга 6 ойдан сўнг 16 миллион маркани форвард алмаштириш йўли билан сотишга шартнома тузадилар.

Одатда, банклар доллар билан бошқа асосий валюталар ўртасидаги спот ва форвард алмаштириш курсларининг белгиланган нархини беришга тайёр бўладилар. Қоида бўйича банклар 1 ой, 2 ой, 3 ой, 6 ой ва 1 йиллик битимлар учун форвард алмаштириш курсларини белгилайди. Кўпгина йирик банклар, унча тарқалмаган валюталар учун ҳам форвард битимлар тузади. Баъзи бир банклар 7 йилдан сўнг амалга ошириладиган битимларга ҳам форвард шартномалар тузадилар.

Банк ва дилерлар баъзан йиллик спот курсларидаги устама ва чегирмага қараб форвард алмаштиришларни белгилайдилар. Фараз қилайлик, Германия маркаси учун 0,90 доллар 60 кунлик форвард курси ва 0,85 доллар спот курси белгиланган. Форвард курси спот курсидан қанчагача ошганини қуйидагича аниқлашимиз мумкин.

{(Форвард курси) – (Спот курси) }\ (Спот курси) = (% ўзгариши);

Юқорида мисол учун эса:

(0,90) – (0,85) } \ (0,90) = 0,05 бу икки ойлик устамани ташкил этади**.** Йил 12 ойдан иборат бўлганлиги учун, йиллик

қўшимча 30 % га тенг. Агар спот курси форвард курсидан баланд бўлса, ҳисобланган улуш манфий бўлади ва чегирма дейилади. Баъзи бизнес турлари ва жисмоний шахслар учун форвард шартномалар ҳар доим ҳам тўғри келмайди. Самолёт сотувчи экспортёр мисолида Германия импортёрлари ўз вазифаларини бажармасликлари мумкин. Лекин шундай бўлишига қарамай, экспортёр валюта алмаштириш бўйича зиммасига олган вазифани бажариши шарт, буни бажариши учун эса битимдаги ишлар унда йўқ. Банк билан тузилган шартномадаги вазифани бажариш учун, экспортёр, спот курси бўйича марка сотиб олиб форвард курси бўйича банкка сотиши керак, бу ҳолда спот курси ва форвард орасидаги фарқи бўйича у кўпроқ доллар тўлаш риски юзага келиши мумкин. Банк ҳам рискли ҳолатда бўлади. Лекин банклар ютказган маблағларини бошқа форвард шартномалар қисқа муддатли маблағлар халқаро бозорларида хеджирлаш йўли билан тўлдиради. Бунинг натижасида банклар томонидан, агар у катта корпорация ёки барқарор кредит рейтинги банк бўлмаса форвард алмаштиришларига тузилган шартномаларни таъминлашни талаб қиладилар. Аксарият, кўп ҳолларда банклар жисмоний шахслар билан форвард алмаштиришларига таъминланмаган шартномалар тузишни рад қиладилар. Айнан шунинг учун бизнеснинг кўп турлари ва кўпчилик жисмоний шахслар форвард алмаштириш шартномаларига тўғри ёки тенг келадиган вариантларни қидиришларига тўғри келади.

Форвард алмаштириш шартномаларига тўғри келадиганлардан бири – валютали фрючерс шартномаларидир. Форвард шартномалари сингари фрючерсларда ҳам келгусида келишилган вақтда белгиланган миқдорда икки валютани алмаштириш амалга оширишни назарда тутилади. Бироқ валютали фьючерсларни кўп оширишни назарда тутилади. Бироқ валютали фьючерсларни кўп турдаги бизнес ва жисмоний шахслар сотиб олишлари ва сотишлари мумкин. Бундан ташқари, жисмоний шахслар ҳам, компаниялар ҳам ўзларининг фьючерли валюта шартномаларини фьючерс бозорларида осонгина сотишлари

мумкин ана шунинг учун бундай шартномаларни вақти тугагунча сақлашга зарурат бўлмайди.

АҚШ да сотилаётган валютали фьючерс шартномалари уларни эгалари белгиланган миқдордаги чет эл валюталарига кўрсатилган вақтда доллар баҳосида тўлашни кўзда тутади. Агар долларда ҳисобланган чет эл валютасининг нархи кўтарилаётган бўлса, фьючерс бозорида шартномалар нархи ҳам кўтарилиб боради, бу билан шартнома эгаси нархлар ўртасидаги фарқлар зарар кўрмайди. Масалан, агар шартнома эгаси 8040 минг сўмни, 1,0 долларда етказиб беришни кўзлаган бўлса, сўм нархи 1,001 долларга, кўтарилган бўлса, шартнома нархи ҳам (0,01)(8040) = 8040 долларга кўтарилади. Спот валюта курслари. Вақт ўтиши билан алмаштириш курслари ўзгариб туриши сабабли валюта алмаштириш шартномаларида алмаштириш куни ва вақти кўрсатиб қўйилади. Яқингача валюта алмаштириш зудлик билан амалга оширилмас эди, валюта операциясини ўтказиш учун камида икки иш куни талаб этилар эди. Ҳозирда кўплаб кўп миллий банклар ўзининг бой, йирик мижозларига, уларнинг хоҳишларига қараб, банк таъминотидаги электрон воситалар ёрдамида валюта конвертациясини алмаштириш курси амалга оширилмоқда Спот валюта курси деган тушунча – бу валютани зудлик билан алмаштириш нархига тегишлидир. Бундай битимлар нақд валюта бозорини ташкил этади.

8.4. Форвард курслари, валюта фьючерслари, своплар

Айтиш жоизки, қайсидир даражада Форвард алмаштириш курслари ва валютани фьючерс шартномалари ўртасидаги фарқ банк қарзи ва қисқа муддатли тижорат облигациялари (бунга векселларни ҳам киритиш мумкин) ўртасидаги фарққа ўхшашлик томони бор. Бу қарзга олувчи ва банк ўртасида музокара йўли билан аниқланган шартлар бўйича тузилган

шартномадир. Тўлов шартларини банк белгилаши ҳам мумкин, агарда қарзга олувчи белгиланган вақтдан олдин қарзни тўламоқчи бўлса, бундай шароитда Форвард алмаштириш курслари шартномалари учун ҳам қўлланилади. Банк розилиги билан шартлар ўзаро келишилади, лекин мижоз шартномани белгиланган муддати келгунга қадар бекор қилиши ҳам мумкин бўлади. Бошқа томонидан, агар қарз олувчи қисқа муддатли тижорат облигацияларни ёки векселларини сотса, қарз шартлари музокара предмети бўлиб ҳисобланмайди, чунки кредиторлар бу қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олишлари ҳам, сотиб олмасликлари ҳам мумкин. Ҳар бир томони иккиламчи бозорда қимматли қоғозларни олиш вақтида ёки сотаётган вақтда, ўз мажбуриятларини бажаришдан четлатишлари ҳам мумкин. Бунда фьючерслар «ҳимоялланган» «форвард шартномалари» ҳисобланади ёки бошқача қилиб айтганда, қимматли қоғозлар хусусиятига эга бўлган, яъни қисқа муддатли тижорат облигацияларига ёки векселларга ўхшаб қолади.

Айтиш жоизки, уларнинг шартлари музокара олиб боришни кун тартибига чиқармайди, томонларнинг ҳар бири шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармасликлари ва уларни иккиламчи бозорда сотишлари ёки сотиб олишлари мумкин.

Бу сармоядор ва компанияларга ўзларининг фьючерс шартномаларини бажариш муддати келгунча тезлик билан сотиш ёки олиш имкониятини яратиш учун қилинади. Айтиш жоизки, валютали фьючерслар[73] бозорининг муваффақиятли фаолияти шартномаларини стандартлаштириш ва уларни бажаришни кафолатлаш орқали таъминланади.Шундай қилиб, форвард ва фьючерс ўртасида маълум даражада фарқланиш ҳолати юзага келади, форвард шартномалари ҳар икки томон ўз мажбуриятларини қай даражада бажаришига қараб

[73] 1919 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Чикаго товар биржаси (ЧТБ), 1972 йили валютали фьючерс шартномалари бўйича халқаро валюта бозорини (ХВБ) ташкил этди.

баҳоланса, унда фрючерс шартномаларини иккала томон бажаришлари учун ЧТБ кафил бўлади. Фьючерс шартномаларини сотувчиси ва олувчиси бир - бирининг ишончлигигидан хавотирланишга йўл қўйилмайди. Уларни фикрича, улар фақат ЧТБ билан иш олиб боришмоқда. Бу ҳолда ЧТБ ўзини хавфдан сақлаш учун у, фьючерс шартномалари ҳам уларни сотувчилар ҳам иш давомида ўзларининг воситачилари билан минимал кафиллик бозорларига риоя қилишлари лозим бўлади. Чунки, бу мижозлар томонидан киритиладиган нақд депозитлардир. ЧТБ ҳар куни фьючерс контрактларининг бозор нархидаги фойда ва зарарини ҳисоблайди, қолаверса, унинг натижасига таяниб, ушбу депозитнинг миқдорини пасайтиради. Талаб этилаётган бадал миқдори агарда белгиланган даражадан паст бўлса, унда сармоядор шартномани сақлаб қолиш учун маълум суммани қўшиши лозим бўлади.

Бизнес турига кўра фьючерс шартномалари форвард шартномаларига қараганда ишончлироқ деган фикрни сармоядорлар эътироф этишади, чунки унда бошқа томонни мажбуриятни бажармаслик хавфи бўлмайди. Талаб қилинаётган кафиллик бадаллари, форвард шартномаларини тузаётган талаб қилинаётган суммани жуда оз қисмини ташкил этади. Фьючерс шартномаларининг ўзига хос камчилиги, кунлик зарар нақд пул тўлаб борилиши билан кузатилади, форвард шартномаларида эса зарарни қоплаш шартнома муддати тугагунга қадар сақланиб қолади. Фьючерсларни стандартлаштириш, узлуксиз улар билан савдо қилиш ва сармоядор, корхоналарни келишилган валюта миқдорини кўрсатилган кунга етказиб беришга тўғри келганда, бир хилда шартномалар миқдори қўл келади. Форвард шартномаларида эса, валюта миқдори ва етказиб бериш муддати якка тартибда тузиш кўзда тутилади.

Етарли миқдорда узлуксиз операцияларни бир хил шартномалар билан олиб боришни таъминлашда, ЧТБ фьючерс шартномаларини бажарилиш муддати бўйича ва чет эл валюталарини миқдорига қараб стандартлаштиришни талаб

этади. АҚШ даги барча фьючерс шартномаларини харидорлар фақат долларга сотиб олишга мажбур. Бу эса чет эл валютасини ўз вақтида етказиб беришга хизмат қилади. Валютали фрючерсларни ҳисоб - китоб қилиш март, июнь, сентябрь ва декабрь ойларининг учинчи чоршанбасига тўғри келади. Валюта миқдори унинг турига боғлиқ. Шу ўринда айтиш жоизки, форвард бозорларидаги сотувчи ва олувчилар ўртасидаги нарх комиссионга қараганда сезиларли даражада кўпроқ ва деярли фьючерс бозоридаги нархларга ўхшаш бўлади. Бунда фьючерс шартномаларини сотиб олишда тўғри келадиган нархлар ўртасидаги фарқ, шартнома муддатигача сотилган нархларда ҳам ўзгаришсиз қолади.Чунки амалда, жуда кам миқдорда шартномалар муддати тугагунга қадар сотилмай қолиши мумкин. Бунда форвард шартнома эгаси, шартномани бажариш муддатидан олдин сотмоқчи бўлса ёки бекор қилмоқчи бўлса катта спред тўлашга тўғри келади. Бу эса бундай шартномаларни одатда муддати тугагунга қадар сақлаб қолинишини эътироф этади. Фьючерс шартномалари фақат чет эл валюта савдоси (кодисотти) билан боғлиқ операцияларни акс эттиргани учун, сармоядор ва корхоналар билан савдо қилишни хоҳласалар, битимларда кўтарилиш ва (пасайиш) тушиш ўйинларидаги тезкор вазиятларни англаб билишлари лозим. Масалан, Сиз Фьючерс шартномасини сотиб олаётганингизда сиз кўтарилиш ўйинида содир бўладиган, тезкор вазиятни эгаллайсиз. Фьючерс шартномасини сотмоқчи бўлсангиз пасайиш ўйинидаги тезкор вазиятни эгаллайсиз.

Фьючерс биржаси бир кечада барча вазиятлар бўйича клирингни амалга оширади, унда ҳар иккала томон бир-бирига тўловларни ижро этади. Масалан, агар сиз савдо куни якунига 10 фьючерс шартнома сотиб олиб, 6 та сотган бўлсангиз, янги кунни 4 та шартнома бўйича кўтарилиши ўйини вазиятида бошлайсиз. Агар сотилган шартнома олинган шартномадан кўпроқ бўлса, янги кунни пасайиш ўйини вазиятидан бошлайсиз.

Валюта нархи кўтарилади деб ҳисобланган биржа ўйинчилари валютали фьючерсларни сотиб олиб, кўтарилиш ўйини вазиятида бўладилар, чунки валюта нархи кўтарилиши билан шартнома нархи ҳам кўтарилиб боради. Агар улар валюта нархи тушишини кутаётган бўлсалар, фьючерс шартномаларни сотиб, пасайиш ўйини вазиятида бўладилар.

Кўп сармоядорлар пасайиш ўйинини яхши тушунмаганликлари сабабли қуйидаги мисолда пасайиш ўйинидаги валютали фьючерс сотувчиларининг ҳолатини кўриб чиқамиз.

2002 йил январь ойи бошидаги сармоядор ҳаракатини кўриб чиқадиган бўлсак, унинг фикрича доллар ҳисобида 1 инглиз фунти келгуси 3 ой ичида 1,60 долларга тушади, «Уолл стрит джорнал» даги валютали фьючерслар таҳлили шуни кўрсатадики, март ойининг фьючерс шартномалари бир инглиз фунти учун 1,9050 доллар этиб белгиланган. Сармоядор воситачи мартнинг фьючерс шартномасини тушунтириб, 62500 инглиз фунтини мартнинг учинчи чоршанбасига етказиб беришни талаб этади. Сармоядордан талаб этилаётган кафиллик бадали 2000 долларни ташкил этади, шартномани қўшимча таъминлаш миқдори эса – 1500 долларга тенг.

Бизнинг сармоядор инглиз фунтини нархининг пасайишини назарда тутиб, фьючерс шартномаларини сотишда фойда олишни кутиши мумкин.

Агар у фунт нархини кўтарилиши деб ҳисобласа, у шартномаларни сотиб олар эди. Шунинг учун сармоядор 2000 доллар бошланғич кафиллик бадалини тўлаб, ўз воситачисини пастлаш ўйинида тезкор вазиятни эгаллаб 1 мартнинг фьючерс шартномасини 1 фунт учун, 1,9040 доллардан ва иложи бўлса ундан юқори нархда сотиш кераклигини уқтиради.

Чунки бу муддатда қоплашсиз сотиш, яъни сотиш пайтида сотувчи шартнома йўқлиги учун бир фунтни 1,9040 доллардан сотиш тушунчаси шуни англатадики; воситачи фьючерсни фақатгина фунт 1,9040 ёки ундан ортиқ нархга кирганда сотиши мумкин. Сармоядор валютачиси 15 доллар миқдорида комиссион олади ва ХВБ валютачисига битта

фьючерс шартномасини сотишни тушунтиради ва у шартномани баҳосини 1 фунт учун 1,9048 доллардан сотиб олишга тайёр харидорни топади.

Фараз қилайлик, кун охирида сўнгги фунт фьючерслари битими 1 фунт учун 1,9030 доллар нархда келишилади. ХВБ ҳисоб палатаси каби ҳаракат қилади ва барча фьючерс шартномаларини ўткинчи нархларга таянган ҳолда қайта баҳолаб чиқади.

Электрон воситалар ёрдамида сармоядорларнинг ҳамма шартномалари янги, 1,9030 доллар нархга ўзгартириб чиқилади. Бизнинг сармоядор пастлаш ўйинидаги эгаллаб турган вазиятни бир фунт 1,9048 доллар нарх, янги 1,9030 нархга ўзгарди ва ХВБ сармоядор ҳисобига ҳар бир 62500 инглиз фунтига 0,0018 доллардан қўшади ёки (0,0018) (62500) = 112,50 долларни ташкил қилади. Агар сармоядор хоҳласа, кейинги кунда тушган фойдани ўз ҳисобидан чиқариб олиши мумкин.

Кейинги кунда шартномалар 1 фунт учун 1,9030 доллар нархда сотила бошлайди. Фараз қилайлик, шу кун охирига нарх 1 фунт учун 1,9160 долларга кўтарилди. ХВБ яна барча шартномаларни ўткинчи нархлар бўйича қайта баҳолаб чиқади. Ҳар бир фунт учун йўқотиш (1,9160 – 1,9030) = 0,0130 долларни ёки (0,0130) х (62500) = 812,50 долларни ташкил этади ва бу миқдор сармоядор ҳисобидан чиқариб олинади. Бу унинг баланси (2112,50 – 812,50) = 1300 доллар бўлиб қолишига олиб келади, бу эса талаб этиладиган қўллаб - қувватлаш балансидан 1500 доллар пастдир. Бизнинг сармоядор қўшимча тарминотни тўлаш ҳақида талабнома олади ва бунга кўра у ўз балансини қўллаб-қувватлаш балансига етказиши, яъни 1500 долларга тенглашиши лозим, бунинг учун, у қўшимча 200 доллар қўйиши лозим. Агар у бу ишни қилмаса, унинг шартномаси олиб қўйилади ва унинг ҳисоби кейинги кунда бўладиган ҳар қандай йўқотишларга қарамай 1300 долларга кам бўлади.

Айтайлик, бизнинг сармоядор талабни бажариб, 200 доллар тўлади, лекин биржа ўйинига ишончни йўқотди ва у кейинги кунга вазиятни бекор қилмоқчи. У буни амалга ошириши учун 1 мартни фьючерс шартномасини инглиз фунтига сотиб олиши керак. Бунинг учун хеч қандай қўшимча маблағ тўлаш талаб қилинмайди. Кун охирида ХВФ бу мижоз ҳисобини кўриб чиқиб, кўтарилиш ва пастлаш ўйинларида вазиятларни таққослаб, ҳар иккала шартномани ҳам бекор қилади. Юқорида айтганимиздек, шу йўл билан кўплаб фьючерс шартномалари қайтарилади. Муддати тугагунча 1 % дан камроқ шартномалар етиб келади. Фойдани нақд пулга айлантириш учун биржада ўйинчилар чет эл валютасини келтиришлари шарт эмас.

Тунда ўтказиладиган клиринг операциялари, ҳар куни фьючерс аукцион эгалари кўрган фойда ва зарарларни **«тирик»** пулларга ўтказади.

8.5. Халқаро қарзли қимматли қоғозлар бозорлари. Халқаро акция бозорлари

Молиявий бозорларни глобаллашуви шароитида халқаро молия алоқаларининг ривожланиши, республика иқтисодиётига хорижий сармоялар кириб келишининг кенгайиши натижасида қарзли қимматли қоғозлар боорини жадаллаштиради. Қимматли қоғозлар бозорини халқаро молиявий стандартларига мослаштиришга, айниқса халқаро қарзли қимматли қоғозларнинг ташкилий масалаларини ҳал қилиш ва аудиторлик текширувларини ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг нуфузли халқаро ташкилотлар билан фаол иқтисодий алоқалар ўрнатиши, мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши жараёнида иқтисодий кўрсаткичларнинг хорижий мезонларга таққосланиши, ўз навбатида услубий тамойиллари жаҳон амалиётида қабул қилинган стандартлар талаблари даражасида бўлишни талаб

этади. Шундай экан қарзли қимматли қоғозлар бозорлари фаолиятини ҳуқуқий асосини такомиллаштириш тобора долзарб масаладир. Бинобарин, халқаро бозорларда фаолият юритаётган компания, корхона ва банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳамда молиявий муомалаларнинг вужудга келиши, шунингдек қарзли қимматли қоғозлар бозорининг янада ривожланиши ҳам айнан шуни тақозо этмоқда. Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида қарзли қимматли қоғозлар бозорини тартибга келтириш ҳамда республикамизда қарзли қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш бугунги кун заруриятидир. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига қарзли қимматли қоғозлар бозорини тартибга келтиришда инвестициялар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни жалб этишнинг турли усулларидан фойдаланиш мумкин. Капитал қўйилмалар қўйиш объектига фақат асосий воситалар кирса, инвестицияга айланма маблағлар, қимматли қоғозлар киради. Инвестиция икки турга бўлиниб, биринчиси, маблағларни тўғридан - тўғри инвестициялаш, яъни уни корхона ишига капитал сифатида қўйиш бўлса, иккинчиси, маблағни корхоналар акцияларини сотиб олишга сарфлаш бўлиб, улар портфелли инвестициялар дейилади. Инвестициянинг иккинчи тури бўйича турли фикрлар мавжуд бўлиб, уларда хўжалик субъектларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолияти юзасидан турлича талқин этилган. Масалан: Питер Роуз [74], у банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолияти воситаларини ўрганиб, уларни қуйидаги икки турга бўлган :

1) пул бозори инструментлари;
2) капитал бозори инструментлари.

У инвестиция фаолиятининг асосий йўналишига вексел ва облигациялар жалб этиш таклифини берган. Г.Н.Белоглазова [75] эса тўғридан - тўғри инвестициялар ва портфелли

[74] Питер Роуз. Банковский менеджмент. – М.:ИНФРА- М, 1995.-294 с

[75] Белаглазова Г.Н.,Кроливецкая Л.П. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка. – М.: Высшее образование, 2008.- 422 с

инвестицияларни ўрганиб чиқиб, қимматли қоғозлар орқали тўғридан - тўғри инвестицияларни жалб қилиш уларнинг инвестиция портфелини ташкил этишни тавсия этган. О.И. Лаврушин томонидан [76] тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича инвестиция банклари ташкил этишда икки йўлни қўллашни таклиф этган:

А) тўғридан - тўғри қарзли қимматли қоғозларни жойлаштириш ва сотиш;

Б) узоқ муддатли кредтилаш орқали инвестиция фаолиятини ташкил этиш.

Э.И.Носиров [77] томонидан хўжалик субъектларининг инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилиб, уларнинг энг муҳимлари инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши, тижорат банкларининг қарзли қимматли қоғозлар бозоридаги ролини ошириш тамойиллари етарлича шаклланмаганлиги, деб таъкидланган. Ф.А.Юлдашев томонидан [78] тижорат банкларининг қарзли қимматли қоғозлар бозори операцияларини ташкил этишни такомиллаштириш йўналишлари ҳам атрофлича кўриб ўтилган. Юқоридаги мулоҳазалар умумлаштирилган ҳолда, қарзли қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ, яъни узоқ муддатли истиқболда самарали фаолиятини таъминлашга хизмат қиладиган операциялар янги хўжалик субъектларининг қарзли қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини амалга оширишдан иборат. Берилган таърифнинг моҳияти шундаки, хўжалик субъектларининг асосий мақсади акциялардан даромад олиш бўлса,

---

[76] Лаврушин О.И.Основы банковского менеджмента .-М.:Финансы и статистика, 1998 – 612 с

[77] Насиров Э. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш масалалари// и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.- Т., 2006.-Б24

[78] Юлдашев Ф.М. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини фаоллаштириш масаласи // и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.- Т., 2006.-Б23

унинг даромадига доимий равишда катта рискнинг таъсир этиши муқаррар. Шундай экан, қарзли қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фаолияти ҳам хўжалик субъектларининг узоқ муддатли даромадини ошириш имконини беради ва шу билан бирга, рисклилик даражаси доимо юқори бўлади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Инвестиция жалб этишнинг яна бир йўли қарзли қимматли қоғозларни чиқариш ва уни сотиш орқали пул маблағларини жалб этишдир. Активларни бошқаришда асосий вазифа, рискларни бошқариш ва назорат қилиш усуллари ёрдамида қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг стратегик мақсадлари бажарилишини таъминлашдан иборатдир. Бу вазифани ҳал этиш учун қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларидан микро ва макро ўзгаришларга, шунингдек, мамлакат ва жаҳон молия тизимидаги макроиқтисодий вазият ўзгаришига тезкорлик билан мослаша билиш, айрим ҳолларда ноандозавий қарорлар қабул қилишга ҳам тайёр туриш талаб этилади. Қарз муаммосини ечишнинг бозор механизмлари қарз мажбуриятларини “отличения” ..... келтириш назарда тутарди. Бундай механизмлар мамлакатга имтиёзлар беради. Шундай бўлса-да, қайси усулни танлаш кредитор ихтиёрига қолади. Биринчи усул сузиб юрувчи фоиз ставкасини сақлаб қолишган ҳолда қарз мажбуриятларини облигациялар номиналига нисбатан чегирма билан алмаштириш бўлса, иккинчи усул облигацияларга алмаштириш улардаги номинал бўйича амалга оширилади, аммо пасайтирилган баҳоларда қарз мажбуриятлари сотиб олиш ҳуқуқи қарздор мамлакатларига берилиши мумкин. Ҳозирда хусусийлаштириш ҳам бу усул ривожига ҳисса қўшиши мумкин. Бу усул XX асрнинг 80-йиллари ўртасида қарз мажбуриятларини иккиламчи бозори фаолият юрита бошлади. Бу бозорда қарзлар чегирма билан сотилади, чегирмалар учун юқорилиги қарздор. Мамлакатнинг тўловга қобиллик даражаси билан ўлчанади. Иккиламчи бозордаги қарз мажбуриятларини тегишли мамлакатга инвестиция

қилмоқчи бўлган фирмалар оладилар. Шу боис ҳам бундай қарз мажбуриятлари чайқовчилик объекти ҳам бўлиши мумкин. Ташқи қарз муаммосини ҳал этишда ривожланаётган мамлакатлар бир томонлама тўловга ноқобилликни эълон қилишдан узоқроқ юришга ҳаракат қиладилар. Акс ҳолда, бу муаммо ҳал этилгач, қарздор мамлакат жаҳон ссуда капитали бозорида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Бунда мамлакатнинг ташқи қарзини тўлашга қобиллиги уни ички қарзига хизмат қилишга сарфланаётган маблағига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.



8.1-чизма. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра амал қилиш ҳуқуқи мавжуд қимматли қоғозлар.

8.6. Халқаро акциялар бозори

Облигациялар қимматли қоғозларнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Қарзли қимматли қоғозлар моҳиятини аниқ

тушуниш учун уларнинг турлари бўйича қисқача тўхталиб ўтиши муҳимдир. Қимматли қоғозларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

– даромадлилиги қатъий белгиланган қимматли қоғозлар. Буларга облигациялар, депозит сертификатлари, векселлар киради;

– аралаш шаклдаги қимматли қоғозлар. Буларга опцион қарзлари, конверцион қарз мажбуриятлари киради.

Облигациялар – унинг эгаси пул маблағлари тўлаганлигини билдирадиган ва унга қатъий фоиз тўлаган ҳолда белгиланган муддатда ўз номинал қийматини қоплаш мажбуриятини тасдиқлайдиган қимматли қоғозлардир.

Депозит сертификатлари – бу омонатчи томонидан пул маблағларининг омонатга қўйилганлиги ҳақидаги банкнинг (кредит муассасасининг) гувоҳномаси бўлиб, у омонатчи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг депозит суммасини ва у бўйича фоизларини белгиланган муддатда олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган қимматли қоғоздир.

Купон – қимматли қоғозларнинг қирқилган талон шаклидаги қисми бўлиб, унинг эгасига белгиланган муддатда фоизлар бўйича суммани олиш ҳуқуқини беради. Одатда, купон облигацияларга бириктирилади.

Вексель – қарз мажбурияти бўлиб, вексель берувчининг ушбу векселда кўрсатилган муддатда тақдим этилганда вексель эгасига унинг номинал қийматини тўлаб бериш гувоҳини берувчи қимматли қоғоз ва тўлов воситасидир.

Давлат қимматли қоғозларига хазина векселлари, хазина мажбуриятлари ва хазина облигациялари киради. Қарз векселлари – қисқа муддатли давлат қарз мажбуриятлари бўлиб, одатда чиқарилган вақтдан бошлаб, бир йил мобайнида узилади ва дисконт тарзда, яъни улар узиладиган номиналидан паст нархда сотилади. Биринчи маротаба қарз векселлари ҳозир векселлари кўринишида 1877 йил Буюк Британияда чиқарилган. Қарз мажбуриятлари – ўрта муддатли давлат мажбуриятлари ҳисобланиб, бир йилдан ўн йилгача муддатда

чиқарилади. Қарз векселларидан фарқи унинг номиналидан паст нархда сотилмайди.

Облигациялар – узоқ муддатли қарз мажбурияти ҳисобланади ва ўн йилдан ўттиз йилгача бўлган муддатда чиқарилади. Улар бўйича купон фоизлари тўланади.

Акция – амал қилиш муддати белгиланмаган, юридик ёки жисмоний шахс томонидан акциядорлик жамиятининг устав фондига муайян улуш қўшганлиги, акция эгасининг ушбу жамият мулкида иштирокини тасдиқлайдиган ҳамда унга дивиденд олиш ва шу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоздир.

Ҳозирги кунда, акциялар индексига асосланган фьючерс шартномалари тез суръатда ривожланиб бормоқда. Инвесторлар бундай шартнома орқали ўз акция портфелини суғурталайдилар. Индекслар бўйича биринчи маротаба 1982 йил Канзас Сити Борд оф Трейдда битим тузилган жуда кенг тарқалган.

– Доу - Джонс индекси;
– NYSE Composite индекси;
– Standart & Poor’s 500

Доу - Джонс индекси. “ Доу- Джонс энд компани” фирмаси томонидан 1896 йилдан бери эълон қилиб келинмоқда. 1884 йили биринчи маротаба Чарльз Генри Доу ўн битта компания акциялари баҳоси бўйича ўртача арифметик қийматини ҳисоблаган. 1896 йилга келиб, бу кўрсаткич ўн иккита компания акциялари бўйича ҳисобланилган ва “Доу - Джонснинг ўртача саноат индекси” деб номланган. 1928 йилда индекс ўз ичига ўттизта энг йирик компаниялар акцияларини олди. Индекс биржа ёпилиши вақтидаги ҳар кунги акциялар баҳосини ўртача арифметик қиймати сифатида аниқланилади. Ҳозирги пайтда саноат компаниялари учун ўттизта йирик корпорациялар акциялари асосида, транспорт компаниялари учун йигирмата фирма акциялари асосида, коммунал хўжалик корхоналари учун ўн бешта компания акциялари асосида индекс ҳисобланади. Бу индекслар ҳар куни эълон қилинади ва

шулар асосида Доу-Джонс бўйича умумий индекс ҳисобланади.

Нью-Йорк фонд биржаси индекси (NYSE Composite) 1500 оддий акциялар баҳоси бўйича ўрта арифметик усулда ҳисобланилади. 1966 йилдан бери эълон қилиб келинмоқда.

Standart & Poor's индекси – 500 та америка компанияларининг акциялари бўйича ўртача тортилган арифметик усулда ҳисобланилади. Бу индекс ўз ичига тўрт юзта саноат, йигирмата транспорт , қирқта молиявий ва қирқта коммунал компаниялар акцияларини олади.

8.7. Форвард ва Фьючерс битимлари

Молиявий капиталарни эркин ҳаркатланишида халқаро алоқаларининг ривожланиши, хорижий сармояларни кириб келиш оқимини оширишга ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ўзига ҳос аҳамият касб этади. Шу боис валюта алмаштиришда қўлланиладиган уч асосий контракт тури спот, форвард ва фьючерс валюта опцион контрактларини мазмуни ва фойдаланишга хос хусусиятларини ҳам кўриб чиқиши талаб этилади. Опционлар валюта алмаштиришни бошқариш мураккаб шакл бўлиб ҳисобланади. Опцион битимлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши учун опционлар нархини баҳолаш асосида ётадиган принциплар ҳақида тушунчага эга бўлиш зарур бўлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, форвард ва фьючерс битимларида келишилган вақтда маълум миқдордаги битта валютани иккинчисига алмаштириш мажбуриятини инвесторга юклашни кўзда тутади. Бунда битим натижасини инвесторга фойдасиз бўлса ҳам шундай алмаштириш амалга оширилади. Аммо, кўпчилик ҳолатларда инвесторлар валюта алмаштиришни мажбуриятини эмас, балки ҳуқуқ бўлиб ҳисобланишини исташадилар. Агар режалаштирилаётган битим фойда келтирса, уни амалга ошириш, агар тескари

ҳолат бўлса, яъни фойда олиб келмаса, валюта алмаштиришдан воз кечишга тўғри келади.

Бундай шартлар кўзда тутилган битимларни фақат опцион орқали амалга ошириш мумкин. Бундай турдаги битим орқали инвестор валюта алмаштириш ҳуқуқига (мажбуриятига эмас) эга. Опцион битимини камчилиги шундан иборатки, бундай битимни иккинчи томон имзолаши учун инвестор катта устама тўлашлиги билан боғликдир.

Фараз қилайлик, масалан, 6 ойдан кейин фунт учун 2 доллар тўлаб 200 инглиз фунт стерлингини сотиб олиш шарти билан опцион муомалага қиритган бўлсин. Унда 6 ойдан кейин опцион сотувчисидан 200 инглиз фунтини сотиб олиш ҳуқуқини опционни сотиб олган шахсга тақдим этади. Бу ҳуқуқ ҳар бир сотиб олинган фунт учун 2 доллар тўлаш шарти билан чегараланган. Унда, опцион эгаси опционни бажарилиш нархи деб аталмиш фунт учун 2 доллар нархда тўламасдан фунтларга тўлаш ҳуқуқларидан фойдалана олмайди. Чегараланган вақт (берилган мисолдаги 3 ой) опционни тўлаш муддати дейилади. Бундай муддат 1 ой, 2 ой, 3 ой, 6 ой ва ҳоказо бўлиши мумкин. Шундай қилиб, опционни ички қиймати – бу опционсиз валютага (бозор алмаштириш курси) берилиши керак бўлган қиймат билан опцион валютага бажарилиш нархи (шарти билан) берилиши керак бўлган қиймат ўртасидаги фарқ. Мисол учун, фараз қилайлик ҳозирги вақтда 1 инглиз фунти 3 долларга сотиляпти. Опционни ички қиймати фунт учун (3,00-2,80) 0,20 долларга тенг. Опционни бажариш шарти бўлмаганлиги сабабли, уни ички қиймати манфий бўлиши мумкин эмас. Агар инглиз фунтини бозор нархи 2,80 доллардан паст бўлса, унда опцион “0”га тенглашади. Келишувга асосан валюта миқдори тўланиш вақти ва бажарилиш нархи аниқланган валюта опцион ҳар қандай икки томон битимини тузишлари мумкин. Баъзи банклар ўзларини энг яхши мижоз корпорациялари учун опцион битимларни буюртмага тайёрлашга тайёр. Бунда иккала томон ҳам мазкур битимни тугаш муддатига қадар қабул қилинган шартларга

амал этиш шарт бўлади. Айтиш жоизки, фьючерс битимлари билан содир этиладиган келишувга ўхшаган опцион битимлар орқали иккиламчи савдо-сотиқ бозорини ташкил этиш имконияти буюртмачилар миқдори кўпайганда туғилади. АҚШда Чикаго товар биржаси (ЧТБ) акционер опционларни сотишни, Филаделфия қимматли қоғозлар биржаси валюта опционларини сотишни амалга оширади. Уларга яқин валюта фьючерс битимларига тегишли опционлар Халқаро валюта бозорида сотилади. Бу турдаги опцион валютага тегишли бўлмасдан, валюта фьючерсга тегишли бўлса ҳам опцион битимларини амалга оширувчилар учун буни фарқи бўлмайди.

Ҳозирда фақат Лондонда, Европа опционлари деб номланган валюта опционлари бозори мавжуд. У фақат белгиланган муддат етиб келганда амалга оширилиши мумкин бўлади. Аммо муддатдан олдин бажарилиши мумкин бўлган америка опционларидан фарқланади. Европа ва Америка акционер опционлари ўз қийматларини турлича аниқлашса ҳам, европа ва америка валюта опционларини қиймати аниқланганда юзага келиши мумкин фарқ катта бўлмайди. Фьючерс битимларига ўхшаб биржада савдо-сотиқ қилинаётган опционлар битимни стандартлашган формасини ва уни бажарилишини кафолатланганлигини талаб қилади.

Валюта опционларини фаолият кўрсатиш муддати. Ҳар бир опциондаги валюта микдори фьючерс битимлар учун белгиланган валюта микдорини ярмига тенг. Валюта опционларини бажарилиш кафолатини Опцион клиринг корпорацияси ўз зиммасига олган. Фьючерс битимларини характеристикасига валюта фьючерс опционларини келтириб, уларни бажарилишини кафолатлаш Халқаро валюта бозори орқали амалга оширилади.

Амалда опцион битимларни асосий тури мавжуд, яъни колл ва пут опционлари. **Колл** опционлари ўз эгаларига келажакда белгиланган кунда белгиланган нархда маълум миқдордаги хорижий валютани сотиб олиш ҳуқуқини берса,

Пут опционлари ўз эгаларига келажакда келишилган кунда белгиланган нархда маълум миқдордаги хорижий валютани сотиш ҳуқуқини беради.

Агар опцион эгаси колл опционига тегишли ҳуқуқини амалга оширса, унда бажарилиш нархини тўлайди, пут опциони бўйича эса бажарилиш нархини олади. Опцион эгаси талаби билан шартларни бажариши шарт бўлган опционни иккинчи томони, опцион дейилади.

Олдинги ойларга нисбатан кейинги 6 ой ичида инглиз фунтини нархи 2,10 доллардан 2,35 долларга кўтарилади деган башоротни илгари сурувчи инвесторни фаолиятини баҳолашда инвесторни молиявий имкониятларига диққатни қаратиш лозим бўлади. Лекин инвестор фунт қиймати тушиб кетиш эҳтимоли мавжудлигини ҳам билади. Инвесторни молиявий имкониятлари чегараланган бўлганлиги сабабали у фьюячерс битимини фунтга олаётганда хавф - хатарга йўлиқишни хоҳламайди. У ўз брокерига телефон қилиб инглиз фунтига колл опционлари ҳақидаги маълумотни олади. Мазкур опционни бажарилиш муддати июнга тўғри келади. (Агар бу инвестор фунт қийматини пасайишини билганда, у пут опционларига қизиққан бўлар эди). Брокер уни ҳозирги кунда бажарилиш нархи 2,05 доллар бўлган колл опционини 0,0500 доллар устама билан сотилаётгани ҳақида маълумот беради. Бажарилиш нархи ва устама долларда ҳисобланган учун, инвестор брокерга битта колл опционини (42340)*(0,0500) = 2117,00 доллар плюс комиссион 20 долларга сотиб олиш ҳақидаги буйруқни беради.

Амалда опционни бажарилиш муддати етиб келганда фунтни спот нархи ошса, унда опционни ҳам нархи ошади. Кўрсатилган нарх пасайса опцион қиймати ҳам пасаяди. Лекин бу вазиятда фьючерс битимларидан фарқи ўлароқ ҳеч қачон қўшимча маблағ керак бўлмайди. Инвестор шу опционга илгари кетган харажатларга ўхшаб ҳозирги кунда уларни йўқотмайди. Ноаниқ йўқотишлар хавф хатарига учрайди-ганлар бўлиб фақат опцион сотувчилари ҳисобланади ва фақат

ўшалар кафолатли бадал шартини бажарилишини ва гаров маркасини таъминлашлари зарур бўлади. Айтиш жоизки, валюта опционларини уларни бажарилиш муддати келгунга қадар сақлаш, кейин сотиш мумкин бўлса ҳам, одатда эгалари уларни ҳар эҳтимолга қарши ошди деб фараз қилса, эртароқ сотишга киришади. Масалан, инглиз фунтини қиймати июлда 2,35 долларгача ошди. Аммо, инвестор шу опционни муддати тугагунгача ўз ҳуқуқини амалга оширолмайди. Опционни ички қиймати юқоридаги мисолда аниқланганидек фунтни бозор қиймати билан бажариш нархи ўртасидаги фарққа тенг бўлади, яъни (2,35–2,25) = 0,10 доллар фунт учун ёки (0,10)*(42340) = 4234 долларга тенг бўлади. Одатда опционлар ўз ички қийматига нисбатан кўпроқ нархда сотилади, шунинг учун бизнинг инвесторимиз бажарилиш муддати келгунга қадар ўз опционини сотиши мумкин бўлади.

8.8. Евровалюта бозори

Дунёда энг катта аҳамият касб этиб келаётган валютадан бири евровалюта бўлиб келмоқда.Еровалюта – ушбу валютанинг чиқарилиши мамлакат ташқарисида жойлашган чет эл банкларида депозит кўринишида жойлаштирилган валютадир.

"Евро" префикси бу валютанинг Европада эканлигини, европаликларга тегишли эканлигини ёки у Европа банкига жойлаштирилганлигини англатмайди. Бу фақатгина инвестицияларни қабул қилган банкнинг ҳудудий жойлашуви валюта чиқарилган майдонга тўғри келмайди ва тўловнинг ҳуқуқий воситаси эканлигига ишора қилади. Шундай қилиб, евродоллар Америка Қўшма Штатларидан ташқарида жойлашган банкда, масалан, Бразилия ёки Япон банкидаги долларларда жойлаштирилган доллардир.

Евродоллар билан тузилган битим Америка Қўшма Штатлари (валютани чиқарувчи мамлакат) томонидан тартибга солинмаган. "Евро" префикси валютанинг миллий валюта ҳокимиятларининг, хусусан, марказий банкни

бошқарувчи банкларнинг назоратидан ташқарида эканлигини кўрсатади.

Депозиторнинг фуқаролиги ёки доимий яшаш жойи валютанинг "евро" га эга бўлишини аниқлашга таъсир қилмайди. Кўпинча, инвестициялар кўрсатилган валютанинг эмиссия қилаётган мамлакат резиденти томонидан амалга оширилади (масалан, америкалик Россияда доллар депозити очилади). Аксинча, АҚШда немис, ҳатто хорижий банкда (масалан, немис банкининг филиалида) жойлаштирилган бир доллар Евродоллар деб аталмайди. Бундай операция АҚШ қонунларига тобе бўлган ички инвестиция ҳисобланади.

Евро валютасида банк ўз мижозлари учун банклар жойлашган мамлакат валютасидан фарқ қилувчи валютада тўпланган маблағларни ҳам ўз ичига олади.

Энг кенг тарқалган еврокурренки – евродоллар. Уларга қўшимча равишда Евро-франк, Евро-поунд ва бошқалар бор.

Еврокурренки ва евробондларнинг валютани чиқарадиган мамлакат қонунчилигини, шу жумладан, фоиз ставкаси ва захира талабларини ўлчамларини камайтириш афзалроқ.

Пул бир мамлакатнинг миллий валютасига эмас, балки Европа мамлакатига жойлаштирилган. Мисол учун, Швейцария банкида сақланган долларлар "евродолларлар" (евродолларс) деб номланади, Германияда сақланадиган юанларга "евро" (евроён) деб ном берилади. Евро валюталари кредитлар ва қарзларни олиш ва олишда қўлланилади; Евро валюта бозорида кўпинча халқаро савдо ва хорижий инвестицияларни молиялаштириш учун арзон ва қулай ликвидлик шаклига эга бўлиш имконияти мавжуд.

Асосий қарз олувчилар ва кредиторлар тижорат банклари, йирик компаниялар ва марказий банклар бўлиб ҳисобланади. Евро валютасида пул маблағларини жалб қилиш, кўпроқ қулай шарт-шароитлар ва фоиз ставкаларига эришиш мумкин, баъзан - миллий тартибга солиш ва солиққа тортилишдан қочиш мумкин. Аксарият ҳолларда депозитлар ва кредитлар қисқа муддатли бўлиб, бироқ, Еврокурренкининг оммалашуви ўрта

муддатли кредитларга айланди, айниқса, Евробондлар шаклида. Еврокурренки бозори муайян даражада банкларнинг кредит операциялари хавфини бўлишиш учун гуруҳларга бирлаштирилган синдикатлашган капитал бозорини алмаштирди. Евромаркет 1950 йилларда пайдо бўлди.

8.9. Халқаро молия бозорларини тартибга солиш ва уни ривожлантириш борасидаги назариялар

Халқаро молия бозорини тартибга солишда ҳуқуқий асос бўлиб, халқаро конвенциялар ва кодекслар, халқаро инвестиция келишувлари ҳамда ХВФ, Жаҳон банки гуруҳи, ЮНКТАД ҳужжатларида чет эл инвесторларининг маълум бир фаолият билан шуғулланиш коидалари белгиланган турли йўриқномалар ҳисобланади.

Халқаро молия бозорларидаги инвестицияларни тартибга солиш бўйича кўп томонлама халқаро конвенцияларнинг асосийлари сифатида “Баҳс-мунозараларни бартараф этиш бўйича Вашингтон конвенцияси” (1965), “Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик таъсис этиш тўғрисидаги Сеул конвенцияси” (1985) кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Халқаро молиявий-инвестиция келишувлардан асосий мақсад, давлатларнинг миллий сиёсатини икки ёки кўп томонлама мувофиқлаштириш, халқаро инвестицияларни тартибга солишнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Халқаро молиявий инвестиция келишувлари, унинг қатнашчилари таркибига боғлиқ равишда икки томонлама, минтақавий ва кўп томонлама бўлиши мумкин. Бугунги кунга келиб, икки томонлама молиявий инвестиция келишувларнинг имзоланишида асосий улуш ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Улар асосан, бундай шартномаларни ривожланган давлатлар билан ўзаро амалга оширмоқдалар. Молия бозорларини ривожлантириш бўйича орттирилган тажриба ва ривожланган ҳамда ривожланаётган

мамлакатларда бозор муносабатларининг шаклланишидан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, молия бозорларини тартибга солишнинг миллий моделлари тобора иқтисодий ривожланиш талабларига мослашиб бормоқда. Молия бозорларини тартибга солишнинг турли-туманлиги ва ўз-ўзини тартибга солувчи органлар ваколатларининг ҳажми, нафақат маданият, анъаналар ва фуқароларнинг менталитетидан келиб чиқиши, балки юридик тизимлар назариясига ҳам боғлиқ бўлиши ўрганилди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, халқаро молия бозори ривожланишининг замонавий босқичда ҳам монетаризм ва кейнсчилик тамойилларидан биргаликда фойдаланиб, жараёнларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўлиб бормоқда. Ушбуларга таянган ҳолда иқтисодиётни глобаллашув шароитида молия бозорларини тартибга солиш ва меъёрий асосларни ислоҳ этиш бўйича олим ва мутахассислар ўртасида аниқ бир тўхтам мавжуд эмас.

Инқирознинг глобал хусусиятларидан келиб чиқиб, G20 катта йигирматалик томонидан келишилган глобал тартибга солиш чоралари кўрилди ва керакли натижага эришиш мақсадида халқаро агентликларнинг таркиби ва мажбуриятларида бир қанча ўзгаришлар амалга оширилиши орқали такомиллаштирилади. Ривожланган мамлакатлардан тортиб, тез суръатларда ривожланган мамлакатлар тартибга солишдаги ўзгаришлар молия соҳаларидаги муаммоларга ўхшашлик томонлари ҳанузгача сақланиб келинмоқда.

Глобал ривожланиш шароитида давлатнинг аралашувини қўллаб-қувватловчилар сафи кенгайиб бормоқда. Халқаро молия бозорини тартибга солиш молиявий муносабатлар соҳасида бозордаги капитал оқимларни тартибга солишга йўналтирилган яхлит усуллар ва чора-тадбирлар мажмуи сифатида қаралиб келинмоқда. Умуман, тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад қуйидагилардан иборат:[79]

[79] Aggarwal R. Demutualization and Public Offerings of Financial Exchanges/ R. Aggarwal, S. Dahiya //: http://ssrn.com/abstract=859305.

– молия бозори барча секторларининг барқарорлигига кўмаклашиш (фоиз даражаларини, молиявий, инвестиция ва суғурта фаолиятидаги таваккалчиликларни тартибга солиш);

– иқтисодий ўсишни таъминлашда инфляция даражасини жиловлаш (инфляцияни таргетлаш, валюта курслари ва пул массасини тартибга солиш);

– ички ва халқаро пул оқими (капитал) ҳаракатини таъминлаш, валюта курслари ва пул массасини тартибга солиш;

– молия бозорида шаффофлик ва молиявий хавфсизликни таъминлаш.

Ривожланишига қараб, молия бозори сегментларининг иштирокчилари фаолиятини икки хил тартибга солиш, яъни давлат ва бозор муносабатларига мос (ёки ўз-ўзини тартибга солиш) усуллари орқали амалга оширилишини кузатиш мумкин. Бозор усуллари орқали тартибга солиш иқтисодиётнинг қиймат ва талаб-таклиф қонунига асосланади[80]. Молия бозорида ушбу қонунларнинг амал қилиши рақобат муҳитида жаҳон иқтисодиёти эҳтиёжларига мос равишда халқаро молиявий оқимларни таъминлаш имконини беради. Иқтисодий агентлар алоҳида молиявий воситалар баҳосининг (курси ёки фоиз даражаси) ўзгариши, шаклланиши орқали уларни сотиб олувчиларни талабларини ва уларга бўлган таклифни аниқлайдилар. Бунда халқаро молия бозори ўз-ўзини тартибга солувчи тизим сифатида кўзга ташланади.

Иқтисодиёт секторларидаги турли бозорлар сингари молия бозори ҳам, ўз-ўзини тартибга солиш имкониятига қарамай, мутлақ барқарор тизим сифатида кўринмайди ва турли иқтисодий шароитларда тизимнинг турли камчиликлари намоён бўла-

---

Arthur T. Does Britain Need a Financial Regulator?/ Statutory Regulation, Private Regulation and Financial Markets.2010. August. 167 p.

[80] Э.Алимардонов, М.Султонбоева, С.Абдуллаев. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида молия бозори барқарорлигини таъминлаш: назарий концептуал ва амалий жиҳатлари. Т. Академнашр, 2012. 320-бет.

ди. Молия бозори кўплаб субъектив омиллар, яъни сиёсий, ижтимоий, ахборот, маданий ва бошқа омиллар таъсирида ҳар доим ҳам ўз-ўзини тартибга солиш қобилиятига эга эмас. Бундай ҳолатда давлатнинг аралашувини талаб этилиши яққол кузатилмоқда [81].

Замонавий тартибга солиш назариялари таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда молия бозорининг давлат ва бозор орқали тартибга солиниши ўзаро бир-бирини тўлдириб борувчи тизим сифатида шаклланмоқда. Бунда, биринчидан, рақобат асосида бозорда ривожланиш учун рағбат юзага келади, иккинчидан, молия бозорини бозор воситалари орқали тартибга солишда юзага келган зиддиятларнинг олдини олишда давлат турли чора-тадбирлари билан иштирок этади. Иқтисодий инқирозлар, сиёсий низолар, иқтисодиётнинг тўла беқарорлиги шароитида давлат орқали тартибга солиш катта ўрин тутса, молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, модернизациялаш, инновацияларни яратиш учун молия бозорини эркинлаштириш рақобатни кучайтиришга катта эътибор қаратилади, бу эса тартибга солишнинг бозор механизми орқали таъминланади. Бозор механизми орқали молия тизимини тартибга солиш бўйича ҳукумат доимо ўз назоратини олиб боради, зарур пайтда унга кўмаклашади, шароит яратади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, молия бозорларини самарали фаолияти ва тартибга солишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан, мавжуд бозор инфратузилмаларининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Замонавий молия бозорларини тартибга солиш

---

[81] И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.5;

Aggarwal R. Demutualization and Public Offerings of Financial Exchanges/ R. Aggarwal, S. Dahiya //: http://ssrn.com/abstract=859305.

Э.Алимардонов, М.Султонбоева, С.Абдуллаев. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида молия бозори барқарорлигини таъминлаш: назарий концептуал ва амалий жиҳатлари. Т. Академнашр, 2012. 320-бет.

ва мониторинг қилиш инфратузилмаларининг муҳим ташкилий элементлари қаторига қуйидагилар киради[82]:

– мулкчилик ҳуқуқини, шартнома ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилишни таъминловчи суд-ҳуқуқ инстанциялари;

– банк назорати органлари ва қимматли қоғозлар бозори фаолияти бўйича комиссияси;

– мустақил ва самарали аудиторлик назоратини амалга ошириш тизими;

– хусусий таҳлилни амалга оширувчи фирмалар, масалан, рейтинг агентликлари ва консалтинг фирмалари;

– тегишли фаолият доирасида стандартлар ва хатти-ҳаракат меъёрларини белгиловчи ҳаваскор ёки профессионал ташкилотлар.

Тартибга солишнинг асосий тизимлари

Ривожланган мамлакатлари тарихида тартибга солишнинг турли шакллари ривожланиб, улар ўзларига хос тарзда ўз-ўзини тартибга солиш механизмларини мослаштириб олганлар[83]. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда тартибга солишнинг учта шакли мавжуд[84]. Ушбу тизимларнинг бир-биридан фарқланиши давлат идоралари билан ўз-ўзини тартибга солувчилар ўртасида ваколатларнинг тақсимланишига асосланган. 8.1-жадвалда тартибга солишнинг асосий тизимлари акс этган бўлиб, мазкур уч тизими ҳам ўзига хос объектив хусусиятларига қарамасдан, ягона тамойилга таянади, яъни ўз-ўзини тартибга солиш функцияси, регулятор томонидан тўлдирилади. Мавжуд ваколатлар мамлакатлар ўртасида миллий қонунчилик билан фарқланади. Масалан, Франциядаги ўз-ўзини тартибга солувчи Euronext биржаси қимматли қоғозларни жойлаштириш проспектлари бўйича

---

[82] Абрамов А., Радыгин А. Регулирование финансовых рынков: модели, эволюция, эффективность. Вопросы экономики. №2, 2014.

[83] Carson J. W. Self–Regulation in Securities Markets/ J. W. Carson // World Bank Policy Research Working Paper Series. Vol.5542. 2011. 75p.

[84] Gadinis S. Markets as regulators: a survey. / S. Gadinis, H. E. Jackson // Southern California Law Review. – 2007. – September. – 70 p.

давлат регулятори ҳисобланган AMFга қараганда қўшимча ваколатларга эга, АҚШда эса, бу ягона регулятор SEC томонидан амалга оширилади[85].

Бугунги кунда тартибга солишнинг энг қаттиқ тартиби Германияда шаклланган бўлса, энг юмшоқ тартибга солиш Гонконгда амал қилади. Амалда тартибнинг юмшоқлиги меъёрларнинг юмшоқлигини билдирмайди. Масалан, Лондон биржасининг халқаро молия маркази сифатидаги машҳурлиги, айнан тартибга солишнинг эгилувчанлиги сабабли ўсган. Шундай бўлса-да, тартибга солиш ваколатларининг тақсимланиши нуқтаи назаридан, Буюк Британия энг қаттиқ тартиблардан саналади [86].

8.1-жадвал.

Ривожланган мамлакатларда молия бозорларини тартибга солиш тизими

Тартибга солиш шакллари	Тартибга солишнинг асосий хусусиятлари
Давлат томонидан тартибга солиш (Германия, Франция, Япония)	– тартибга солишнинг асосий ваколатлари ҳукумат ёки махсус давлат органлари ихтиёрида; – қонунчилик тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ҳукуматнинг доимий иштирокини назарда тутади; – ўз-ўзини тартибга солиш ваколати сезиларли даражада чегараланган, фақатгина зарурий ҳолларда қўлланилади (масалан, савдо қоидаларини ишлаб чиқиш кабиларда); – ўз-ўзини тартибга солиш органлари томонидан ишлаб чиқиладиган меъёрлар давлат органлари билан албатта келишилиши шарт; – тартибга солишнинг бошқа шакллари мавжуд мамлакатлардан фарқли равишда, ушбу тизимда ҳуқуқий жазолаш механизмлари заиф.

[85] Karmel S. Securities Industry Self-Regulation – Tested by the Crash./ Wash. & Lee L. Rev. № 1297. 1988. 24 p.

[86] Arthur T. Does Britain Need a Financial Regulator?/ Statutory Regulation, Private Regulation and Financial Markets.2010. August. 167 p.

8.1-жадвалнинг давоми

Тартибга солишнинг эгилувчан шакли (Австралия, Гонконг, Буюк Британия)	– молиявий бозор иштирокчиларига ўз фаолиятини тартибга солишда ва тартибга солиш мажбуриятларини амалга оширишда катта эркинлик берилган; – бозор иштирокчилари ўзлари ҳам тартибга солиш бўйича қарорлар чиқаришлари мумкин. Бунда, агар талаб этилса, ушбу қарорлар давлат регулятори ёки бозорнинг инфратузилма институтлари билан мувофиқлаштирилади. Мавжуд қонунлардан ташқари, тартибга солиш тизими қаттиқ қоидалар эмас, балки "юмшоқ" тавсияномалар ишлаб чиқади ва шу йўл билан эгилувчанликка эришилади. Агар, юзага келган масалани ҳеч қанақасига ҳал этиш имкони бўлмаса, тавсияномалар қоидаларнинг ягона манбаси бўлиб хизмат қилади; – иштирокчиларга танлаш имкони берилади: ўз хоҳишига қараб йўл тутиш (агар қарор инвестор ҳуқуқларини бузса, зарур бўлганда, ваколатли орган олдида ўз қарорини исботлаб бериш) ёки тавсиянома асосида ҳаракат қилиш; – амалда бундай ёндашув тартибга солиш аниқлигини ва жазо қўллашни пасайтирмайди; – қоидалар бузилганда жазо қўллаш олдинги тизимга нисбатан қатъий ва кўпроқ тарзда амалга оширилади.
Регулятор билан ҳамкорлик қилишга асосланган шакл (АҚШ, Канада).	– ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар катта ваколатларга эга; – ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар давлат регулятори билан доимий ва яқин алоқада ҳамда молия бозорларини самарали ишлаши ва ҳуқуқийлигини таъминлашда биргаликда жавобгардирлар;

8.1-жадвалнинг давоми

	– ўзаро мулоқот давомида ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот билан давлат регулятори вазиятдан келиб чиқиб, масъулиятлар чегарасини белгилаб оладилар; – ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар молия бозорини тартибга солишнинг деярли барча масалаларида иштирок этадилар, регулятор ташаббусларини мунозара қилади ва ўзлари ҳам янги таклифлар билан чиқадилар; – молия бозорини тартибга солишда ҳукуматнинг иштирок этиш ваколати анча чегараланган; – соҳани назорат қилиш регулятор билан ўз-ўзини тартибга солувчи орган ўртасида тенг тақсимланган. Молия бозорида жазолаш амалиёти кенг тарқалган ва бунда ўз-ўзини тартибга солувчи органлар ҳам тўлақонли иштирок этадилар.

Молия бозорларини тартибга солишнинг турли-туманлиги ва ўз-ўзини тартибга солувчи органлар ваколатларининг ҳажми, нафақат маданият, анъаналар ва фуқароларнинг менталитетидан келиб чиқади[87], балки юридик тизимлар назарияси (legal origins theory)га ҳам боғлиқ бўлади[88]. Юқорида келтирилган жадвалдан ҳам кузатиш мумкинки, иштирокчиларнинг мустақиллиги билан боғлиқ ўз-ўзини тартибга солиш кўпроқ, юридик жиҳатдан прецедент ҳуқуқи тизимига асосланган мамлакатларда мавжуд. Европа ва континентал ҳуқуқий тизимга асосланган мамлакатларда ўз-ўзини тартибга солиш механизмларини қабул қилиш мураккаброқ эканлигини кўриш мумкин[89]. Ушбу назариядан келиб чиқадики, ўз-ўзини

[87] IOSCO. Regulatory issues arising from exchange evolution final report. 2006. 42p. http://www.cnmv.es/publicaciones/IOSCOPD225.pdf.

[88] La Porta R. Investor Protection and Corporate Valuation/ // Journal of Finance, American Finance Association.— 2002.— vol. 57(3).— pp. 1147-1170.

[89] Marek M. T. Stock Exchange M&A, FDI & Demutualization: industrial organization changes to the better or to the worse? / Paper for presentation at the 8th Global Conference on Business and Economics, Florence, Italy. 2008. 51 p.

бошқаришга асос бўлиб хизмат қилувчи миллий ҳуқуқий тизим (фуқаролик ёки прецедент), мамлакатнинг молия бозорларининг узоқ муддатли ривожланишини ва уларни тартибга солиш тизимни белгилаб беради [90] . Тартибга солишнинг турли тизимларини шаклланишига, шунингдек, миноритар акциядорларни ҳимоя қилиш ва марказлашмаган тарзда улушли эгалик қилиш институтларининг қай даражада ривожланганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказади[91]. Кўриб ўтилган юрисдикциялар ичида шундай ҳолатлар ҳам борки, масалан, ҳуқуқнинг прецедент тизимига асосланган Буюк Британияда ташкилий ўз-ўзини тартибга солишдан воз кечилди ва 1997 йилда барча ўз-ўзини тартибга солувчи органлар ягона FSA мегарегулятор шаклида қайта тузилди. Шунинг билан бир вақтда, бозорнинг барча иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ислоҳотлар давомида ўзгармаган ҳолда сақланиб қолди (8.1-жадвал). Бу дегани, ўз-ўзини бошқариш тамойили қонуний даражада сақланиб қолганлигини кўрсатади. Ўз-ўзини тартибга солишнинг тарихий ва ҳудудий йўналишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўз-ўзини тартибга солиш механизмлари ўз ютуғи ҳамда чегараларига эга ва у, юрисдикциянинг институционал ўзига хослигидан келиб чиқиб, молия бозорининг ривожланишининг турли босқичларида турли шаклларда намоён бўлади.

Тадқиқотлар натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, молия бозорларини тартибга солиш бўйича зарурат мавжудлиги тан олинган бўлса-да, уни қай кўламда ва даражада амалга ошириш юзасидан мутахассислар етарлича аниқ тўхтамга эга эмаслар.

Молия бозорларини тартибга солиш шакллари ўзгаргани билан унинг тарихий мақсадлари бозор иштирокчиларини фаолиятини барқарорлигига кўмаклашиш, иқтисодий ривожланишни таъминлашда инфляция даражасини жиловлаш, ички

---

[90] Shleifer A. Understanding Regulation. // European Financial Management. Vol. 11.No. 4. 2005.p.439-451.

[91] Coffee J. C. The Rise of Dispersed Ownership: The Roles of Law and the State in the Separation of Ownership and Control / J. C. Coffee //Yale Law J. — 2001. Vol.111.Issue 1. P. 1-82.

ва халқаро пул оқимини самарли ҳаракатини таъминлаш ҳамда молия бозорида шаффофлик ва молиявий хавфсизликни таъминлаш кабилар сифатида деярли ўзгармасдан қолмоқда.

Изланиш натижалари шунингдек, глобал молиявий инқирознинг чуқурлашуви шароитида, молия бозорларини тартибга солишда давлатнинг аралашувини қўллаб-қувватловчилар сафи кенгайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Бозор талабларига жавоб берадиган молиявий тизимни вужудга келтириш, халқаро валюта ва савдо тизимига интеграция қилинишга йўналтирилган макроиқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш мураккаб каби масалалар юзага келди. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган молия бозорини тартибга солиш бевосита ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотлар стратегиясига мувофиқ ҳолда олиб борилмоқда. Давлат томонидан молия бозорларини ҳуқуқини ҳимоялашга доир мустаҳкам қонунчилик ва институционал асосни яратиш бўйича чора-тадбирларни кўрган ҳолда – давлат бош ислоҳотчи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу шунингдек, молия бозори инфратузилмасини яратишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатнинг амалга оширилишида ҳам намоён бўлмоқда. Шу тарзда давлат ислоҳотларининг мураккаб босқичларида ислоҳотларни тартибга солишни амалга оширмоқда. Албатта, Марказий банк – давлат банки банки сифатида, бу борада муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида“ ги Қонунига мувофиқ, қуйидагилар валюта назорати органлари ҳисобланади: жумладан, Марказий банк, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат Солиқ Қўмитаси, Давлат Божхона Қўмиталаридир. Уларни ҳар бири ўз вазифа ва функцияларга эгадир. Ваколатли банклар эса валюта назорати агентлари ҳисобланади. Молия бозорини тартибга солиш сиёсати иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмидир, лекин уларнинг нисбатини белгилаш жуда мураккабдир. Классик иқтисодиётнинг замонавий иқтисодиётдан фарқлари сифатида, замонавий иқтисодиётда

молия бозорини тартибга солиш сиёсати билан узвий боғлиқдир. Улар давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатни макроиқтисодий мақсадларини устувор йўналишларидан келиб чиққан молия бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун барча тегишли ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитларга эгадир. Умуман Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Марказий банк ва валюта назоратининг бошқа органлари томонидан иқтисодий ислоҳотлар мобайнида кўрилган чора-тадбирлар қуйидаги натижаларга эришиш имконини берди:

– валюта сиёсатини ҳуқуқий асосини янада халқаро молия бозорлари талабларига мос ривожлантириш;

– самарали валюта ва молия бозори сигментлари устидан назорат ўрнатиш ва тартибга солиш тизимини ривожлантириш ;

– иқтисодий агентлар ўртасида чет эл валютасини самарали қайта тақсимлаш механизмларини такомиллаштириш;

– тўлов балансини тартибга солишнинг замонавий услубларини қўллаш;

– биржа ва биржадан ташқари молия ва валюта бозорларининг фаолиятини янада такомиллаштириш;

– хориждан маблағ жалб қилишнинг тактика ва стратегиясини белгилаш;

– халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга ошириш;

– валюта курсини самарали тартибга солиш.

Республикамизда амалга оширилаётган молия бозорини тартибга солишнинг халқаро молия бозорини тартибга солиш умумлаштириш ва унга тавсиф беришда қуйидаги ўзига хос жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1.Ташқи салбий омиллар таъсиридан ҳимояланишни ва иқтисодиётда, шу жумладан, молия-пул тизимини миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда мустаҳкамлаш юзасидан чора- тадбирлар кўриш.

2.Иқтисодиётнинг самарали ва тенг ҳуқуқли асосда жаҳон хўжалигига интеграция қилинишини таъминлаш йўлини танлаш. Ушбу вазифани ҳал этиш, ички ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш ва мамлкатимиздаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ҳисобга олиб, чуқур ўйланган давлат стратегиясини қабул қилинишини талаб этади.

3.Иқтисодий ўсиш жараёнларини таъминлаш. Ушбу вазифани ҳал этишда, биринчи ўринда валюта маблағларидан фаолият юритувчи ишлаб чиқариш корхоналарини замонавийлаштириш ва техникавий қайта ташкил этишда қўшимча қийматнинг юқори улушини таъминлайдиган янги илғор корхоналарни вужудга келтиришда фойдаланиш валюта сиёсатининг энг асосий вазифасидир. Иқтисодий нуқтаи назардан қаралганда, ушбу вазифалар юқорида қайд этилган иккита масалага нисбатан басиз вазифадир. Чунки давлат ўзининг стратегик вазифалари доирасида илғор саноатлашган жамиятлар томонидан ишлаб чиқилган замонавий технологияларни импорт қилиши, қайта ишлаши ва ўз шарт-шароитга мослаштира олиши, унинг иқтисодий тараққиёти таъминланишини белгилаб берувчи муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар

Молия, молия бозори, валюта, тўлов баланси, Евровалюта бозори.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Молия бозорининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат.
2. Молия бозорини тартибга солиш сиёсатининг иқтисодий моҳияти нима.
3. Ривожланган мамлакатларда молия бозорларини тартибга солиш тизими нималардан иборат.

9-БОБ. ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

9.1. Халқаро капитал ҳаракати. Чет эл инвестицияларининг моҳияти, зарурлиги ва аҳамияти

Мамлакатимиз охирги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг турли иқтисодий тадқиқот институтлари ва рейтинг агентлари ҳисоботларининг натижаларига, тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлари қаторига киритилган. Мамлакатимизга берилаётган бу натижалар бежизга эмас. Халқаро молиявий иқтисодий инқирозларнинг тобора чуқурлашиш кўламини кенгайиб бориши натижасида, жаҳон молия бозорида капиталларнинг қимматлашуви ва уларнинг оқимлари барқарор иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар томонига сезиларли даражада ошган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш тенденциясига эга, бўлганлиги боис мамлакатимиз молиявий оқимларини эркинлаштиришга, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол сиёсат олиб борилмоқда. Миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациясининг таъминланиши ҳамда ислоҳотларни амалга ошириш стратегиси Ўзбекистонда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хорижий капитал иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароитни шакллантирди. Республикамизда хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг қамровли тизими шакллантирилди. Бу тизим “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларнинг ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунларга

асосланган[92]. Ушбу қонунлар хорижий инвесторларнинг тенг ҳуқуқли ва адолатли шарт-шароитда фаолият олиб боришини таъминлайди. Бундан ташқари, хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлар ва преференцияларни ўз ичига олувчи қўшимча чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар фаолияти 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Чет эллик инвесторлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан кафолатланади[93]. Бу эса хорижий инвесторлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Аммо ҳозирги молиявий глобаллашув шароитида мамлакатимиз жалб қилаётган капиталлар ва инвестицияларни оқимига таъсир этувчи молиявий иқтисодий-инқирозлар чуқурлашаётганда ички сабабларни ўрганиш ва кенг мақсадда оқимларни эркинлашувини таъминлаш муҳим бўлмоқда. Қолаверса молиявий оқимларни эркинлаштиришни иқтисодий ислохатларни олиб боришда бир қанча муаммоларни ҳал этилишини таъминлашда ҳам молиявий механизмларнинг модернизацияси, иқтисодий тартибга солиш бозор механизмларини эркинлаштириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Хусусан ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир рағбатлантирувчи чора шундан иборатки, агар мамлакатлардаги кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда хорижий инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатларини инвестициялаш вақтдан бошлаб маълум бир муддатга қўллаш кафолатланади. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз аксини топган бўлиб хорижий инвесторларга инвестициялаш санасида амал қилган қонун

---

[92]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 2 майдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимол қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора- тадбирлар тўғрисидаги 58-сонли қарори.

[93]Ўзбекистон Республикасиинг "Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларнинг ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги Қонуни, 1998-йил. www.Lex.uz

ҳужжатларини инвестициялаш вақтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўллаш кафолати берилади. Хорижий инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир. Бу эса молиявий оқимларни янада эркинлашувига имконият яратиб бермоқда. Молиявий оқимларни таъминлашда иштирок этувчи хорижий инвестор Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари унинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реинвестиция қилиш ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатиш имкониятига эга булди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни реинвестиция қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз эркин амалга оширилиши мумкин бўлади.

Хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини - Ўзбекистонда яратилган қулай эркин инвестиция оқим муҳити ҳамда мамлакат иқтисодиётига инвестиция сарфлашнинг потенциал имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилишни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини аниқ-пухта мувофиқлаштиришни таъминлаш хорижий инвестиция оқимларини эркин ҳаракатини таъминлаш мамлакатлар стратегик ва жорий вазифаларни ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ. Ушбу вазифалар ичида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизациялаш, юқори технологик рақобатбардош тармоқларни яратиш, илғор хорижий технологияси ноу-хау ва бошқарув тажрибаларни жалб этиш энг муҳимлари бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни эркин оқимининг жадал суръатларда ўсишини қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда:

– мамлакатдаги инвестиция муҳитининг барқарорлиги. Йирик инвестицион лойиҳалар узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилиши билан характерланади.

Давлат инвестиция дастури доирасида жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг географик ва тармоқ таркиби 2018 й



Манба:*www.word/statistics.com маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Юқоридаги сабабларга кўра инвесторларга, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга бизнес олиб бориш учун қулай инвестиция муҳити, ишонч керак;

– валюта курсини тартибга солишдаги ижобий ўзгаришлар. Миллий валютанинг диверсификациялашуви, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилинадиган товарларга нисбатан рақобат курашида маълум афзалликни беради.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни жадаллик билан самарали олиб борилаётгани молия ва банк тизимининг янги босқичга кўтариш ислоҳотларида янги молиялаш механизмларини амалиётга жорий этишга устуворлик берилмоқда. Халқаро молиявий-иқтисодий инқирозларнинг ривожланаётган мамлакатларни иқтисодиётининг айрим тармоқларини тубдан янгилашга ва янги чора- тадбирларни ишлаб чиқишни талаб қилиб қўйди;



Манба: *Ўзбекистон Республикаси Давлат статитика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

– жаҳон товар бозорларидаги ижобий ҳолатлар ва миллий экспорт таркибидаги асосий товарларга қулай нарх конъюнктураси йирик миллий экспортёрларнинг молиявий ресурс жалб этиш имкониятларини кенгайтирди.

Бу эса инвестицион дастурларимизни молиялаштиришнинг фаоллаштирилишига, имконият яратиб берди. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро боғлиқ тармоқлар маҳсулотига талабнинг

ўсишига сабабчи бўлди ва мультипликатор самарасини ҳаракатга келтирди;

– давлат молияси ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш ҳолатининг мўтаъдиллашуви, бюджет тақчиллигини бартараф этишга ва 2005 йилдан бошлаб бюджет профицитига чиқиш имконини берди.

Инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 2017-2018 йилларда иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. Халқаро молиявий-иқтисодий инқироз омилларини амал қилиб келишидан қаъти назар ўтган йилда иқтисодиётимизга катта миқдорда ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2016 йилга нисбатан бир неча пунктга ўсишини таъминлашлари жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 74 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга тўғри келди.

Иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибида жилдий ўзгаришларга олиб келди. Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўринни сақлаб қолмоқда. Жалб этилаётган хорижий инвестициялар географик таркибида ривожланган ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётганлиги шу жумладан республикамиз иқтисодиётига 20 дан ортиқ хорижий давлатлар фаол иштрок этганлигини кўришимиз мумкин. Бу мамлакатларга, ХХР, Россия, Германия, Сингапур, Буюк Британия, Нидерландия ва бошқа шу каби давлатларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари жалб қилинди. Шу билан бирга Осиё Тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом Тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси, Япония ва шу каби бошқа халқаро молиявий институтлар ва донор-мамлакатларнинг имтиёзли кредит маблағлари жалб этилди. Инвестиция дастури доирасида йирик қўшма инвестицион

лойиҳалар амалга оширилаётган Хитой 32,3 фоиз, Россия - 28,8 фоиз, Корея Республикаси -3.7 фоиз каби мамлакатлар улуши юқори ҳисобланади.

Инвестицияларни тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустриал минтақалар - Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ҳамда устувор, стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар молиялаштирилаётган Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг улуши озлигича қолмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида 2016 йилда 28 мингдан кўп лойиҳа амалга оширилди. 2018 йилга давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширилди [94] . Бу кўрсаткичнинг 2016 йилга нисбатан, 2018 йил 36.8 фоиздан ортиқроқ ўсганлигидан далолат беради.

Охирги йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан саноат маҳсулотларининг 80 дан ортиқ янги тури ўзлаштирилди. 2018 йилда 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди.

Мамлакатимизда бу дастур ва лойҳаларни натижаларига қарайдиган бўлсак, бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, Талимаржон ИЕСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси ва Ангрен ИЕСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 130-150 МВт

[94] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

қувватли энергия блоки қуриш, Жиззах вилоятидаги цемент заводи қувватини кенгайтириш, “Индорама Қўқон текстил” хорижий корхонаси ва “Фантекс” МЧЖда йиғирув ишларини ташкил этиш, “GM. Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида Т-250” русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, шу билан бирга Сирдарё вилоятидаги “Гулистон Мед Техника” қўшма корхонасида стераил шприцлар ишлаб чиқариш" ва бошқа лойҳалар шулар жумласидандир.

Хорижий инвестиция оқимларининг ошишида халқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларни қайд этиш тартибининг соддалаштирилиши саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта таъминлаш, солиқ юкининг пасайтирилиши, маҳсулот тақсимлаш тўғрисидаги битимнинг қўлланиши, шунингдек, хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномаларини тузиш йўли орқали алоҳида имтиёзлар, преференциялар тақдим этиш асосий омил бўлди. Молиявий оқимларни эркинлаштириш шароитида донор мамлакатлар билан истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаш борасида биргаликдаги ишлар йўлга қўйилди. Бунда, молиявий оқимлар биринчи навбатда, асосий эътибор минтақалараро ҳамкорлик лойҳаларини амалга ошириш, коммунал тармоқда ислоҳотларни, чуқурлаштириш, экин ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кадрлар тайёрлашнинг миллий таълим дастурини амалга оширишга кўмаклашиш, тиббиёт муассасаларини юқори технологиядаги ускуналар билан жиҳозлаш, молиявий ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш кабиларга қаратилди. Хусусан, дунёниг қатор давлатлари, биринчи навбатда, бугунги кунда бизда асосий ҳамкор сифатида қаралувчи, иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган, қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилаётган Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари барқарор суръатларда ривож-

ланмоқда. Бу эса молиявий оқимларни эркинлаштирилаётганлигидан ҳам далолат бермоқда. Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ҳамда ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

Юқорида келтирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизга хорижий инвестиция ва халқаро кредит кўринишида молиявий оқимларни жалб қилишга қаратилган тизимлар узоқ даврга мўлжалланган давлат дастурларини ишлаб чиқиш, халқаро бозорларни ўрганадиган тадқиқот марказларини ва департаментларини ҳар бир вазирлик, вилоят ва туман ҳокимликларининг таркибида очиш керак.

Натижада жаҳонда шиддат билан ўзгараётган молия бозорлари тизимини ўрганиш имкониятлари кенгайди. Бу эса хорижий капитал ва уларнинг эгаси бўлган хорижий инвесторлар қарорларини ижобий томонга ўзгартириш ва мамлакатимизга уларнинг ишончини ортишига олиб келди. Инвесторларнинг ишончини қозониш орқали молиявий оқимларни эркинлашувига ва катта миқдорда капитал билан иқтисодиётимизни ривожлантиришга эришиш мумкин. Киритилган инвестициялар экспорт салоҳияти салоҳиятини ортиши билан янги иш ўринларини яратади маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш турларини кўпайтиради, сифатли маҳсулотларимиз жаҳон ўз ўрнига эга бўлади иқтисодиётда структуравий (таркибий) ўзгаришлар кенгаяди.

Молиявий оқимларни эркинлашувини таъминлаш бозор мувозанатини таъминлашда ўта муҳимлиги ғарб мамлакатларининг иқтисодчи олимларининг назарий қарашларида кенг ўрин олди. Айтиш жоизки, халқаро капитални эркин ҳаракатини таъминлашнинг бири бўлиб ҳисобланади. Бозор мувозанати таъминланмаслиги ва унга эришиш юзасидан иқтисодий чоралар кўрилмаслиги мамлакатда кутилмаган

инқирозлар вужудга келишига, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарасиз фойдаланишга ва аҳоли турмуш фаравонлигини қарзларни ошишига, структуравий ўзгаришларни пасайишига олиб келади. Шу ўринда айтиш жоизки, бозор муносабати шаклланишида иккита мактаб вакиллари Ж.Сэй, Л.Вальрас, А.Маршалл, С. Кузнец ва В. Леонтьевлар томонидан илгари сурилган иқтисодий таълимотлар муҳим ўрин тутади. Улар бозор мувозанатини таъминлашнинг микро ва макроиқтисодиёт даражасидаги ягона моделини яратишга мувофиқ бўлишди.

Жан Батис Сэй (1767-1832) бозор мувозанатини таъминлашда устози А.Смит ғояларини ривожлантирди ва тўлдирди. У иқтисодчилардан биринчи бўлиб, бойликнинг меҳнат назариясини нафлиликка асосланган субъектив назария билан алмаштиришга уринди. Сэй умумий товарлар ортиқчалиги мавжуд бўлишини инкор қилади. У ишлаб чиқариш (таклиф) ўзига мос истеъмол (талаб)ни юзага келтириши асосланган бозорлар назариясига асос солди[95]. Демак, унинг назариясига кўра, ишлаб чиқарувчилар томонидан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқармаслиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса истеъмолчисини топиши керак бўлганлиги қайд этилди.

Ушбу моделнинг ижобий жиҳати шундаки, унга кўра, чекланган ресурслардан ишлаб чиқарувчи (таклиф) истеъмолчи (талаб) учун зарур бўлган миқдорда товар ишлаб чиқариши ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олади. Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчи яратган маҳсулоти (таклиф) га истеъмолчи (талаб) мавжудлигини олдиндан аниқлаш имконияти мавжуд.

Фикримизча, Сэйнинг қонуни асосида иқтисодиётни бошқариш жуда мушкул бўлиб, ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматларни тўлиқ реализация қилиш имконияти йўқ. Шунингдек, бу қонунда товар ва пул бозори мувозанатлилигини таъминлаш масаласи ўз аксини топмаган. Пул

[95]Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.: 2004, 8-том. -191-бет.

бозоридаги мувозанатлиликнинг бузилиши товар бозори мувозанатлилигига таъсир қилади. Пул бозорида фоиз ставкаси ижобий ўзгариши натижасида даромаднинг асосий қисми жамғармага йўналтирилиши оқибатида истеъмол ҳажми камаяди; Худди шу жойда Сэй қонуни бузилади ва иқтисодиётда товарлар ҳамда хизматларнинг (таклиф) ортиқчалиги вужудга келади. Бу эса ҳар қандай хорижий молиявий оқимларни пасайтиради.

Сэй қонунига кўра, ишлаб чиқарилган товарлар тўлиғича истеъмолга сўрилиб, уларнинг ортиқчалиги вужудга келмаслиги учун ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмини мамлакат миқёсида марказдан режалаштириш зарур. Ана шунда Сэй назарияси амалиётда ўз ижобатини топиши мумкин. Лекин бундай тизимнинг амалиётга жорий этилиши бозор муносабатлари талабига зид бўлиб, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчини эркин танлов ҳуқуқидан маҳрум этади.

Мари Эспри Леон Вальрас (1834-1910) – сиёсий иқтисод математикаси мактабининг асосчиси ва вакили. У бозор мувозанатини таъминлашда иқтисодиётда рақобат эркинлиги, бозорда сотиб олувчиларнинг тенглиги, иқтисодий шароит ўзгармаслиги, ёпиқ иқтисодий тизим мавжудлиги назариясини илгари сурди[96]. Илгари сурилган бундай иқтисодий мақсад ижобий жиҳатлар билан биргаликда айрим чекланишларга ҳам эга. Моделдаги ижобий жиҳатлар бу иқтисодиётда рақобат эркинлигини эътироф этиш орқали у эркин ракобат ишлаб чиқарувчиларга молиявий жиҳатдан самарали бўлган товарларни бозорга чиқариш имкониятини берилиши кўрсатиб беради. Шу боис ишлаб чиқаришда товар ва хизматлар ҳажми, микдори, ассортименти ва уларнинг баҳосини эркин равишда аниқлаш имкониятига эга бўлса-да, амалда сотиб олувчилар тенглигининг имконияти йўқ. Чунки сотиб олиш қобилияти улар олаётган иш ҳақи миқдорига боғлиқ. Иш ҳақи иқтисодий-ижтимоий омилларига қараб, паст ёки юқори бўлиши мумкин.

[96] В.М.Козырев. Осоновы совеременной экономики. – М.: «ФиС», 2001.-С.274.

Бу эса сотиб олувчилар тенглиги моделни бузилишига олиб келади. Бундай ғоя иқтисодиёт глобаллашиб бораётган шароитда ижобий натижа бермайди. Шунингдек, жамиятдаги иқтисодий ресурслар нисбатан чекланиб бораётганлиги иқтисодий шароит ўзгаришини бевосита талаб этади. Л.Вальраснинг эркин рақобат муҳитида умумиқтисодий мувозанатнинг математик модели иқтисодиётга жуда катта ижобий натижалар олиб келди. Унга кўра, ишлаб чиқариш кучларининг маълум бир ривожланганлик даражасида қиймат маълум миқдордаги товарнинг ижтимоий юқори нафлилиги билан шу миқдордаги товарларни ишлаб чиқаришга кетган энг юқори харажатлар ўртасидаги мувозанат нуқтасида аниқланади. Бу шарт бозор иқтисодиёти шароитида талаб билан таклиф нафақат маълум бир товар бўйича, балки иқтисодиётдаги барча товарлар ва хизматлар бўйича тенглигини, яъни уларнинг мувозанатда эканлигини англатади[97].

Иқтисодиётдаги неоклассик йўналишнинг Кембриж мактаби асосчиси Альфред Маршалл (1842- 1924) бозор мувозанатининг таъминланиши, хўжаликнинг идеал модели "мукаммал рақобат" туфайли вужудга келиши мумкинлигини кўрсатади. Бундай мувозанат кўп халқаро капитални тўлиқ ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Акс ҳолда капитал ҳаракатсиз бўлмаса талаб ва таклиф жараёнларини мувофиқлаштиришга имконият бўлмайди. Харажатлар, талаб ва таклиф, меҳнат унумдорлиги тўғрисидаги назарияларни XIX аср охирида кенг тарқалган меъёрий нафлилик назарияси билан қўшишга ҳаракат қилди. Унга кўра, бозор нархи энг юқори наф асосида аниқланадиган талаб нархи ва энг юқори харажатлар билан топиладиган таклиф нархи кесишиш нуқтасини яратди. Талаб ва таклиф чизиқлари кесишган жойда маҳсулот миқдори ва нарх орасидаги мувозанат, мўътадиллик ўрнатилади[98].

---

[97] Walras L. Elements of pure Econoics. Translated by Jaffe W.Homewood. Richard D.Ir win, 1954.

[98] С.Н.Ивашковский. Макроэкономика. –М.:Дело, 2002.-С.42

А.Маршаллнинг иқтисодий қарашларига кўра, бозор мувозанати; а) бир лаҳзалик; б) қисқа муддатли; в) узоқ муддатли; г) “жуда узоқ муддатли” даврларда таъминланади. Бозор мувозанатини таъминлашда иқтисодий таҳлилда вақт омили қўлланилиши Маршаллнинг иқтисодий назарияга қўшган катта ютуғларидан бири бўлиб, у иқтисодчилар учун жуда муҳим илмий аҳамият касб этади. Ушбу назарияси билан у хўжалик юритишнинг неоклассик моделини яратди. Унга кўра, иқтисодиёт ва давлатнинг аралашувисиз ривожланиши зарурлигини асослаб берди. Кейинчалик унинг шогирди Дж. Кейнс ушбу таълимотни танқид остига олди ва у тарихий иқтисодиёт шароитига мос келмаслигини кўрсатиб берди.

Саймон Смит Кузнец (1901-1985) бозор мувозанатини таъминлашда пировард маҳсулот ишлаб чиқариш, капитал ва жамғаришнинг шаклланиши, аҳолининг турли табақалари ўртасида даромаднинг тақсимланишини баҳолади. Унинг назариясида ишлаб чиқариш, капитал ва жамғариш ўзаро боғлиқликда ўсиб бориши бозор мувозанатини таъминлашда етарли иқтисодий манба хисобланмайди. Бунинг учун аҳоли олаётган даромадлар ҳам уларга мутаносиб равишда ўсиб бориши, зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Унинг назарий ишланмалари кўпчилик мамлакатларда ялпи миллий даромад, ялпи миллий маҳсулотни хисоблашда ягона услуб сифатида қўлланилди.

Америкалик рус иқтисодчи Василий Васильевич Леонтьев (190(6—1999) «харажатлар – маҳсулот чиқариш» моделини асослаб берди [99]. Унга кўра, бозор мувозанатини таъминлашнинг тармоқлараро ўзаро тенглигини таъминлаш уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда; ривожланиб боришини тақозо этиш назариясини яратди. “Исследовние амерканской экономики” (1958) асарида Ф. Кенэнинг бозор мувозанати ҳақидаги моделларини кенгайтирган ҳолда иқтисодий тизимнинг турли

[99] В.М.Козырев. Осоновы совеременной экономики. – М.: «ФиС», 2001.-С.137.

қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатадиган математик моделлар яратди.

В. Леонтьевнинг ушбу моделлари асосида мамлакат иқтисодиётини прогнозлаш ва режалаштириш, солиқ ва инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш орқали бозор мувозанатини таъминлашнинг самарали йўллари кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг амалиётига жорий этилди. *

Айтиш жоизки, капитал ҳаракати назарияси иқтисодий бўшлиқ жойда юзага келмайди. Номлари тилга олинган иқтисодчилар корхоналарни рақобатбардошлиги, фойда (даромад)-ларни қўлга киритиш, молиявий бозорларнинг актив иштирокчиси сифатида фаолият юритиш зарурлигидан келиб чиқиб, бу жараёнларда капитал ҳаракатининг назарияси давлатлараро юзага келадиган молиявий мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Замонавий халқаро капитал ҳаракати назарияси бозор иқтисодиётини яратишга замин ҳозирловчи ҳамда жаҳон хўжалиги талабларига мос келувчи бозор мувозанатининг шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро капитал ҳаракати назарияси мамлакатимиз иқтисодиётини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишини асослаш билан бирга йирик хўжалик тармоқлари уларнинг атрофида ўрта ва кичик бизнес корхоналарини капитал маблағларига бўлган талабларини қондиришга, улар ўртасида қарз ҳолатларини юзага келмаслиги иқтисодиётда тахчиликларни чеклашга қаратилган. Шу боис юқорида номлари келтирилган иқтисодчи олимларнинг турли кўринишда юзага келадиган капитал харакати фақат барқарор ривожланиш имкониятини яратишга қаратилган деб фикр билдирилса муболоға бўлмайди.

Капитал ҳаракати назарияси капитал ҳаракати амалда қандай бўлса, уни шундай баҳолашга ҳаракат қилишади, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган капитал ҳаракати ҳам қаралмайди. Халқаро капитал ҳаракати нималарга олиб келиши талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни сақлай олиши қандай бўлмоғи лозимлини кўрсатиб беради.

Мисол учун давлат ўз капиталини фақат қарзлар ҳисобига молиялаштирганда корхоналар тўлиқ ривожланиш имкониятига эга бўлган булар эди. Бу фикрда капитал ҳаракатини бошқариш билан шуғулланувчилар учун норма (меъёр), қандай, йўл-йўриқ бўлиши эътироф этилади. Агар халқаро капитал ҳаракати давлатга қандай наф келтирса, олишини унда назариядан норматив қийматни ажратиб олишга тўғри келади. Масалан, "капитал ҳаракати" атамаси қандай маънони англатади. Бу принципиал қоидалар ва уларга асосланган давлат харажатлари ва уларни молиялаштириш манбалари тўғрисида қарорлар. Ундан кейин давлат мансабдорлари бу нормаларга амал қилиш-қилмасликларини билиш зарур. Агар амал қилсалар, унда назария фойдали акс ҳолда норма сохта ёки мансабдорлар пухта билишга эга эмаслар. "Халқаро капитал ҳаракати" бу оддий тушунча эмас. Бу ўта мураккаб воситаларни келтирувчи сиёсат. Самарали капитал ҳаракати соғлом халқаро муносабатлардир. "Соғломсиз капитал ҳаракати" соғлом халқаро капитал ҳаракатини юзага келтирмайди. Мувозанатланган капитал ҳаракати соғлом ривожланувчи мамлакат учун муҳимдир. Акс ҳолда уни истеъмолчи томонидан бошқариб бўлмайди. Капитал ҳаракати бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатдан ёки турли мамлакатлардан қарз олишидир. Бу қарз фақат фойда (даромад) ва солиқ тушумлари ҳисобидан қопланиши мумкин бўлади. Лекин қарзни қарз билан ёпиш капитал оқимига муҳтож давлат учун қимматга тушиши мумкин. Чунки капитал ҳаракати капитал харажатларни қарзлар билан ёпилишини эътироф этади. Бу ҳолда харажатларнинг нафи ҳозирги авлодга тегишли бўлади, капитал ҳаракати билан боғлиқ қарзга хизмат кўрсатиши харажатларни келажак авлод тўлаши лозим бўлади. Ва аксинча, капитал ҳаракати билан боғлиқ ҳаражатларни фақат солиқлар ҳисобига қоплаш давлатнинг инвестицияларга эътиборини сусайтирадиган қарорлар қабул қилишга шароит яратади ёки сабаб бўлади. Шундай қилиб мамлакат иқтисодиётига самарали хизмат қилувчи капитал

ҳаракатини тезлаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш орқали халқаро копитал ҳаракати доирасида мувозанатни сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган айни дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро капитал оқимларини мамлакатимиз иқтисодиётига қаратиш ва талаб даражасида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, шу жумладан, хорижий манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

2019-2021 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси билан боғлиқ чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишлардан бўлиб ҳисобланган йўналиш, яъни “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш чоралари»га қаратилган бўлиб, биргина 2019 йилнинг ўзидаёк дастурни ижросини таъминлаш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун қарийб 20,0 млрд. АҚШ долл. инвестицион капитал ажратилди.

Катта миқдорда капитал оқимни таъминлашга ички ресурсларни жалб қилиш Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағларидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бунда инфратузилма объектларини ривожлантириш учун ажратилиши белгиланаётган инвестицияларга урғу берилаётганлигининг асосий сабаби – инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш,

турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадига эришишдан иборатдир. Бугунги кунда фақатгина мазкур жамғарма маблағлари эмас, балки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш йўли билан иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Ҳаракатлар стратегияси чоралар дастурида етакчи ўрин тутади. Қуйидаги рақамлар бу тўғрида энг ишончли маълумотларни беради: 2017-2021 йилларда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган муҳим инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 20 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 100 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланмоқда.

Бу шериклар орасида Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Жахон банки (ЖБ), Ислом Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида ўрин тутади. Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Умуман айтганда, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос хусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам. Ҳаракатлар стратегиясида изчил амалга ошириш орқали паст технологияли ва самарасиз иқтисодий тузилманинг диверсификациялашга, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуқсон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб, долзарб масалалар, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, унинг изчил иқтисодий ривожланишини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича амалий ташаббусларни илгари сурмоқда.

Бугунги кунда жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳозиргача давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг айрим омиллари ва уларнинг таъсири натижасида дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини намоён этмоқда. Шундай экан, глобал иқтисодиётда юзага келаётган халқаро капитал ҳаракатига таянган ҳолда юз бераётган иқтисодий ўзгаришларга реал баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро капитал ҳаракати сифатида мамлакатлар ўртасидаги молиявий ресурслар оқими миллий инвестиция ва жамғарма ўртасидаги номутаносиблик оқибатида юзага келади. Молиявий глобаллашув шароитида халқаро капиталлар ҳаракати қуйидагилар таъсирида намоён бўлади:

– мамлакатлараро капиталнинг нотекис жойлашишида;

– аксарият мамлакатларда жамғарма ва инвестициянинг номутаносиблигини мавжудлигида;

– яратилган инвестицион муҳитидаги, шунингдек, капитал қўйилмалар учун шароитлардаги фарқланишларда;

–капиталдан фойдаланиш самарадорлигидагини таъминлашда юзага келадиган фарқланишларда;

– капиталнинг юқори даражада сафарбар этилишида.

Халқаро капитал ҳаракати охирги ўн йилликда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2008 йилда содир бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози унга салбий таъсир кўрсатган. Натижада унинг ҳажми 101 трлн. АҚШ долларидан 99 трлн. АҚШ долларига, яъни 2 фоизга пасайган. Ҳозирги кунда, жаҳонда халқаро инвестиция активлари 135 трлн. АҚШ долларидан ортиқ бўлиб, 2020 йилга келиб, 200 трлн. АҚШ долларига етишини ҳисоб-китоблар натижасида аниқлаш мумкин[100].

Охирги ўн йилликда халқаро капитал ҳаракати таркибида жиддий ўзгариш юз берди. Тўғридан-тўғри инвестициялар миқдорга нисбатан жадал суръатларда портфель инвестициялари миқдорини ўсиши кузатилди. Капитални ссуда шаклида чиқариш миқдори 2004 йилдан бошлаб портфель инвестициялар ҳажмидан ортиб кетди. 2008 йилда содир бўлган инқирознинг салбий таъсиридан кўпроқ халқаро ссуда капиталлар (бошқа инвестициялар) азият чекди (жадвалга қаранг).

Жаҳонда тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялардан кўра, ссуда капитали миқдорининг кўпайишига асосий сабаб халқаро молия бозорида арзон кредитларга асосланувчи трансмиллий жараёнларнинг бўлишидир.

[100]IMF Committee on Balance of Payments Statistics. 2014 Annual report. May 20, 2015 (http://www.imf.org/external/pubs/ft/bop/2015)

9.1-жадвал

Жаҳон тўлов балансида халқаро инвестициялар ҳаракати (млрд. АҚШ доллари)[101]

Жаҳон тўлов балансикўрсаткичлари	Йиллар						
	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция активлари	2800,0	2423,0	1451,5	1713,1	2184,3	1813,9	1855,9
Портфель инвестиция активлари	2563,4	-72,3	1835,7	1366,3	53,1	1495,6	1616,2
Молиявий деривативларнинг активлари	-328,6	-796,4	-978,0	-1148,7	-1432,4	-1305,6	-1389,3
Бошқа инвестиция активлари (асосан, банк кредитлари ва депозитлари)	5802,5	-1067,6	-2156,8	2168,8	2392,4	338,6	261,7
Захиралар	1275,0	827,6	1035,7	1181,3	1103,4	734,5	713,6

Халқаро капиталнинг асосий шакллари мамлакат молия бозорини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топиши лозим. Халқаро инвесторлар унга мос равишда ўз қарорларини қабул қиладилар ва инвестицияларини ҳаракатга келтирадилар. Халқаро капиталнинг асосий шакллари сифатида расмий капитал, хусусий капитал, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли, тадбиркорлик капитали, ссуда капитали, тўғридан-тўғри инвестициялар, портфель инвестицияларни келтириб ўтиш мумкин.

[101] http://www.imf.org/external/pubs/ft/bop/2015 – сайти маълумотлари ва муаллиф ишланмаси.

Халқаро капиталнинг асосий шакллари сифатида расмий капитал – давлатлараро ташкилотлар ва ҳукумат қарорлари асосида давлат бюджети маблағларини чет элдан қабул қилиш ёки чет элда жойлаштиришдир. Хусусий капитал – хусусий юридик шахслар (фирма, корхона, ташкилот, банклар ва бошқалар)нинг маблағларини уларнинг бошқарув органларининг қарорлари асосида чет элларда жойлаштиришдир[102].

Халқаро капитал ҳаракатида худди шу шакллардан келиб чиққан ҳолда чет элга хусусий, давлат ва халқаро ташкилотлар капиталлари кўринишида олиб чиқилади. Жаҳон капитал экспортида хусусий капитал етакчи бўлиб, ўз навбатида давлат капитали, сўнгра халқаро ташкилотларнинг капитали ўрин олган.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларнинг ноаниқлиги ортганлиги ҳисобига халқаро капитал ҳаракати секинлашган. Халқаро капитал таркибида қарз капитали ҳаракатининг устунлиги сақланиб қолмоқда. Мамлакатнинг молия бозорини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) оқимида беқарорлик кузатилмоқда. 2014 йилда жаҳондаги ТТХИни мамлакатларга кириб келиш ҳажми 2013 йилга нисбатан 16 фоизга пасайиб, 1,23 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. ЮНКТАД маълумотларига кўра, 2015 йилда ТТХИ оқими 1,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2017 йилгача уларнинг ҳажми 1,7 трлн. АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда[103].

Ривожланаётган мамлакатлар ТТХИ ҳаракатида асосий роль ўйнамоқда. Хусусан, ривожланаётган мамлакатлар 2014 йилда ТТХИ жалб этиш бўйича энг юқори кўрсаткичга, яъни уларнинг миқдори 681 млрд. АҚШ долларига етган ҳолда

---

[102] Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. - Ч. I. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебноепособиедлявузов. – М.: 1997, 416 с., С. 292-293

[103] UNCTAD, World Investment Report 2015: Reforming international investment governance. 17/253 pp.

жаҳондаги инвестициялар ҳаракатининг 55 фоизни ташкил этган. Ҳозирги кунда ТТХИни жалб этувчи йирик 10 та мамлакатнинг қарийб ярмини ривожланаётган мамлакатлар ташкил этмоқда.

Мамлакатларнинг минтақавий гуруҳлари, хусусан, Транс-Тинч океани ҳамкорлиги (Trans-Pacific Partnership, TPP), Трансатлантика Савдо ва Инвестиция бўйича ҳамкорлиги (Transatlantic Trade and Investment Partnership, TTIP), Минтақавий кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик (Regional comprehensive economic partnership, RCEP), Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (Association of Southeast Asian Nations, ASEAN) жаҳондаги ТТХИларнинг оқимини шакллантирмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларнинг ноаниқлиги ортганлиги ҳисобига халқаро капитал ҳаракати секинлашган. Халқаро капитал таркибида қарз капитали ҳаракатининг устунлиги сақланиб қолмоқда. Мамлакатнинг молия бозорини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

9.2. Миллий иқтисодиётни саноатлаштиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти

Сўнгги йилларда ишлаб чиқаришнинг технологик омилларига анча кенг кириб бориш зарурияти барча давлатларда, шу жумладан, ривожланаётган давлатлар учун ҳаётий муҳим жараён бўлиб ҳисобланмоқда. Бу билан ривожланаётган давлатларнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги силжишлари, уларнинг шакл ва механизмдаги эволюцияси хўжалик ривожланишининг муҳим бўғинига айланмоқда юқорида таърифлаб ўтилганидек дунёда халқаро капитал ҳаракати, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳаракати кенгайиб бормоқда. Бозор муносабатлари шароитида саноатлаштиришни янада жадаллаштириш ҳамда саноат корхоналари

фаолиятини яхшилашда хорижий инвестицияларни жалб этиш аҳамияти тобора ошиб бормоқда, натижада саноатнинг етакчи тармоқларидаги корхоналарнинг замонавий техника билан қайта жиҳозлаш имконияти пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилингач, хорижий инвестициялар киритиш учун янада кенг имкониятлар яратилди.

Инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг энг асосий устунлиги бўлиб экспорт потенциалини мустахкамлаш, импорт ўрнини босишни ташкил этиш, базавий тармоқларни фаолият юритиши учун қўллаб-қувватлаш, илм талаб ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобланади. Сўнгги йилларда чет эл инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши натижасида кўпгина саноат тармоқларида капитал қўйилмаларнинг улуши икки мартадан кўпроққа кўпайди. Халқаро молия институтларининг қарз маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган импорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларининг соддалаштирилиши, нефть-газ сохасидаги лойиҳалар бўйича “маҳсулотларни ҳамкорликда тақсимлаш” механизмининг жорий этилиши, саноат корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширилиши хорижий инвестициялар ҳажми ўсишининг асосий омилларидан бўлди.

Халқаро миқёсда чет эл инвестициялар, асосан, саноатнинг ёқилғи-энергетика, енгил саноат, машинасозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати тармоқларига ажратилмоқда. Бу эса саноат ишлаб чиқаришга чет эл инвестиция маблағларини йўналтириш самарадорлигини оширишга олиб келмоқда. Давлат иктисодиётини тартибга солишнинг бозор механизмларини ривожланиши, иқтисодиётнинг институционал таркибини такомиллаштирилиши ва қонунчилик

ҳужжатларининг қабул қилиниши мамлакатларнинг географик жойлашуви, энергетика ресурсларининг мавжудлиги, табиий ва иқлим шароитлари, минтақадаги демографик аҳвол, давлат ва бошқа бошқарув субъектларининг бошқариш фаолияти билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий қарорларининг қабул қилиниши хорижий инвесторларнинг фаолиятини фаоллаштирилиши табиийдир.

Ўзбекстонда миллий иқтисодиётни саноатлаштиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш мақсадида беш йил давомида 30 миллиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилади. Бу эса энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамла-катимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имконини яратди. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётини модернезация қилишнинг ҳозирги босқичида инвестицион фаолиятини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштирилганидан далолат бермоқда.

Чет эл инвестициялари мамлакат ичига бошқа мамлакатдан капитал олиб келишдан ташқари, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига кўмак берувчи билим ва малакани кириб келишига ҳам таъсир кўрсатади. Шу сабабли, мамлакатимизда чет эл инвестицияларни жалб этиш бўйича кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жахон банки, Ислом тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жалб этиш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш бўйича фармоннинг чиқарилиши республикада инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестициялар жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш заруриятини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда чет эл инвестицияларни жалб этиш бўйича кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, чет эл инвестицияларнинг энг катта қисми ёқилғи-энергетика тармоғига тўғри келмоқда. Машинасозлик ва метални қайта ишлаш, металлургия ҳамда озиқ-овқат саноатига жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳиссаси жуда камдир. Бу соҳаларда ҳам чет эл инвестицияларни кенг кўламда жалб этган ҳолда иннавацион техника ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, бу билан янги ғояларни амалиётга татбиқ этган ҳолда саноатни юксалтириш ва шу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтиришга муҳим эътибор қаратиш лозимдир.

Чет эллик инвеститорлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Бу, ўз навбатида, инқирознинг нафақат салбий оқибатларини юмшатишга, балки мамлакатда иқтисодиётини янада кучли ва бардошли иқтисодиётга айлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларнинг кенг миқёсли комплекс дастурини

ишлаб чиқиш ҳамда уни тезроқ амалга ошириш имконини беради. Бунда эса энг ҳал қилувчи вазифа-хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли инвестициявий кредитларни жалб этиш эвазига иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш асосини тубдан модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатидан қайта жихозлашдан иборат.

Маълумки, молиявий мақсадларни мамлактимиз иқтисодиётига жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юқори ликвидли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чирақиш, иқтисодиётининг реал секторини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун ўтган 2016-2018 йилларда Президентимиз қарорлари асосида республикада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилди.

1) Инфратузилма – иқтисодий тизим умумий тузилишининг ёрдамчи тавсифга эга бўлган ҳамда ушбу тизим умумий бир маромда боришини таъминловчи таркибий қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали амалга оширилиши режалаштирилган. Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт маблағлари ҳисобига 2019 йилда жами инвестицион маблағларнинг 25,0 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўламини ошириш ҳамда бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техника ва технологик қувватларини модернизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, буларнинг оқибатида эса, мамлакат фаровонлигини юксалтириш мақсад этиб қўйилди.

Республикамизда хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш схемаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилиб келмоқда.

Республикамизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси



Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги 578-сонли қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш "Ўзинфоинвест" агентлиги хорижий инвесторларга ахборот билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар тарафлама кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Агентлик ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассаса сифатида самарали фаолият юритиб келмоқда.

"Ўзинфоинвест" агентлиги 3та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этишга*

1) Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни:

– Давлат инвестиция дастури йиғма рўйхати лойиҳалари доирасида;

– Ҳудудий инвестиция дастури лойиҳалари доирасида;

– Давлат кафолати остида имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш йиғма рўйхати бўйича;

– грант маблағлари доирасида;

2) корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторлар таклиф этишни;

3) кимошди савдоларига мулкий мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этишни.

Шунинг билан бирга "Ўзинфоинвест" агентлиги маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий инвес-торларни топиш, уларни Ўзбекистонга таклиф қилиб музокаралар ташкил этишга кўмаклашиш, инвесторларга республика инвестицион салоҳияти, шунингдек солиқ ва қонунчиликдаги бошқа имтиёзлар тўғрисида маълумот бериб келмоқда.

9.3.Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ссуда капиталининг ҳаракат қилиш шакллари

Одатда давлат ва халқаро ташкилотлар четга капитални ссуда шаклида, кредит ва қарз кўринишида ҳамда моддий ёрдам кўринишида чиқаради. Расмий ва хусусий капитал халқаро капиталнинг икки хил: тадбиркорлик ва ссуда капитали шаклида намоён бўлади.

Ссуда капитали эса муддатлилик, қайтаришлилик, тўловлилик шартлари асосида устама фоиз олиш учун чет элларда қўйилган капиталдир[104]. Ссуда капитали чет эл валютасидаги депозитлар ёки чет элга банк депозитлари ва бошқа қўйилмалар, шунингдек кредит ва қарзлар кўринишида бўлиши мумкин. Бундай кредитларни одатда турлича кўринишлари мавжуд (масалан, экспорт, импорт кредитлари). Халқаро амалиётда ссуда капитали кўринишидаги инвестицияларни "бошқа инвестициялар" сифатида акс этишини ҳам кузатиш мумкин.

Тадбиркорлик капитали тадбиркорлик фойдасини олиш учун чет элларда бевосита ва билвосита ишлаб чиқаришга қўйилган маблағлар ҳисобланади.

Расмий капитални халқаро миқёсда ссуда капитали тарзида ташкиллаштиришнинг мамлакат иқтисодиёти учун афзаллик тарафлари каттадир. Ссуда капиталининг афзаллиги фойда меъёри ва унинг қайтарилишида иқтисодий риск даражаси камлигидир.

Халқаро капитал ҳаракатида ссуда капитали икки хил кўринишда: ўрта, узоқ муддатли ҳамда қисқа муддатли халқаро капитал қўйилмалар шаклида намоён бўлади. Халқаро капитал ҳаракатида ссуда капиталининг қисқа муддатлиси афзал ҳисобланади. Ссуда капиталининг шартлари ўзгарувчанликка мойиллиги камлиги учун мамлак атда иқтисодий муҳит ўзгара бошласа, ушбу капиталнинг иқтисодий риск даражасининг

[104]Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник / под. ред. проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. – М.: Магистр, 2008.- с.490

ошиши, уни қисқа муддатли бўлишини маъқул қилиб қўрсатади.

9.4.Тадбиркорлик капиталининг четга чиқарилиши

Хусусий капиталнинг тадбиркорлик капитали сифатида қўйишнинг афзаллиги уни юқори даражада фойда олишни таъминлашида ва фойда олиш мақсадида тадбиркорлик капитали маблағлари эластиклиги юқорилигида намоён бўлади. Тадбиркорлик капитали инвесторга ўз мулкидан тўғридан-тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялар шаклида фойда олишни таъминлайди. Тадбиркорлик капитали ўз навбатида, тўрт хил: тўғридан-тўғри инвестициялар, портфель инвестициялар, ўрта, узоқ муддатли ҳамда қисқа муддатли халқаро капитал қўйилмалар шаклида намоён бўлади.

Халқаро табдиркорлик капиталини мамлакатлар миллий иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар шаклида жалб этишнинг афзаллиги катта. Тўғридан-тўғри инвестициялар мамлакатда ЯИМни яратишда, аҳоли бандлигини оширишда, хорижий мамлакатлардан янги техника-технологияларни жалб этишда, импорт маҳсулотлари ўрнини босадиган экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ошишида бевосита иштирок этади. Тўғридан-тўғри инвестициялардан ўрта ва узоқ муддатли фойдаланиш яхши самара беради. Қисқа муддат ичида тўғридан-тўғри инвестициялар иқтисодий самарасининг кам бўлишига инвестицион фаолиятни мамлакатдаги бозор муҳитига мослашиш жараёнини, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозордан ўрин олиши, сотилиши, ижтимоий муҳит, аҳоли даромадлари ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

9.5. Халқаро интеграцияда ҳамкорликдаги тадбиркорлик тушунчаси, унинг роли ва аҳамияти

Мамлакатда амал қилиб келаётган чет эл инвестицияларни жалб қилишнинг қонуний-ҳуқуқий базаси чет эллик ҳамкорлар билан ташқи иқтисодий алоқаларнинг истиқболлиги, узоқ муддатлилиги ва барқорорлигини, хорижий каритал жалб қилишнинг ишончлилиги ва унинг ҳимояланганлигини кафолатлайди. Чет эл инвестицияларнинг республикада фаолият олиб боришлари учун қулай шароитлар яратади. Уларга кўра, хорижий юридик шахс республикада қонунчилик билан тақиқланмаган хўжалик фаолиятини олиб бориш учун ўз мулкига эга бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, яратилган қонунчиликка кўра ташкил этиладиган чет эл инвесторлар иштирокидаги корхоналарга дифференциялашган ёндашувда имтиёзлар ва преференциялар берилади. Бунда мамлакат халқ хўжалиги стратегик тармоқлари объектлари ривожланиши учун ўз капиталларини йўналтирадиган инвесторларга кенг имтиёзлар берилади. Республикада “Хорижий инвесторлар тўғрисида”ги ҳамда “Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунларининг қабул қилиниши иқтисодиётга инвестициялаш соҳасидаги инвесторлар фаолиятини эркинлаштириш қонунчилик асосларига чет эллик ишбилармонлар ишончининг ортишида муҳим босқич бўлди. “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги қонун орқали мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни киритиш шакллари анча кенгайтирилди. Масалан, чет эллик ишбилармонлар ўз капитал қўйилмаларини интеллектуал мулк концессия шартномалари йўли билан киритишлари мумкин. Шунингдек, бу қонунга кўра (аввалги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган ҳолда), хорижий инвестиция иштирокида ташкил этиладиган қўшма корхона устав фондида хорижий ҳамкор улуши 30 фоиздан кам бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, қонунда хорижий

ҳамкорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам анча кенгайтирилди. Жумладан, хорижий инвесторлар республика ичида ва ташқарисида ўзларига тегишли янги моделлар, саноат намуналари патенлаш тўғрисида мустақил қарор қабул қилиниши, ўз даромадларидан эркин ва мустақил равишда фойдаланиши республикага кредитлар ва заёмлар кўринишида маблағларни жалб этиши, реквизитция натижасида кўрилган зарарлар бўйича компенсация олиши мумкин. Қонунга кўра чет эл инвесторларининг ўз эҳтиёжлари учун республикага олиб кирадиган мол-мулкидан божхона божи ундирилмайди, уларнинг республика бўйича эркин ҳаракатланиши таъминланади. Хорижий инвестициялар тўғрисида"ги қонун республика иқтисодиёти ривожланиши, унинг хорижий инвестициялар оқимини мувофиқлаштириш орқали жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, хорижий молиявий, моддий интеллектуал ҳамда бошқа ресурсларни жалб этиш ва улардан рационал фойдаланишга қаратилгандир.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг меъёрий ва ҳуқуқий базаси, жумладан, хорижий капитални жалб қилиш соҳаси чет эл инвесторлар учун қулай қонуний муҳит яратади. Республикадаги қонунчилик ҳужжатлари давлат томонидан минимал даражадаги назорат ва текширувларда тенг ҳуқуқли рақобатни кафолатлайди. Ўзбекистон Республикасининг чет эл инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида" ги қонуни хорижий инвесторлар ва уларнинг инвестицияларини ҳимоя қилишни кафолатловчи комплекс чораларни ўз ичига олади. Ушбу қонунга кўра, барқарор иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда прогрессив таркибий ўзгаришларга эришишни таъминловчи, республика экспорт имкониятларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган, кичик ҳамда ўрта бизнес субъектларининг маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш аҳолини иш билан таъминлашга мўлжалланган устувор инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириладиган инвестициялар ҳимояланиши кафолатланади. Улар

миллийлаштирилмайди, маблағлар ҳаракатланиши бўйича кафолатлар берилади.

Республикада ишбилармонлик ва инвестицион фаолият меъёрий-ҳуқуқий базасини эркинлаштиришнинг яна бир исботи сифатида солиқ ва божхона кодексларида кўрсатиб ўтилган қатор енгилликлар ва имтиёзларни келтириш мумкин. Буларга мисол қилиб, айрим маҳсулотларнинг квоталаштирилиши ва лицензияланишида қабул қилинган ўзгаришларни кўрсатиш мумкин. Бунга кўра, республикамизда квоталаштириш ва лицензиялашнинг ягона режими ўрнатилди. Уларнинг асоси қилиб, лицензияланадиган маҳсулотлар ягона рўйхати, экспорт квоталари ўрнатилиши ва тақсимланиши, ягона лицензиялар бериш тизими қабул қилинди. Шунингдек, Республика солиқ кодесининг 31-моддасига асосан, экспортга мослаштирилган ва импорт ўрнини ихтисослаштирилган, хорижий инвесторлар капитали иштирокида янгидан ташкил қилинадиган корхоналар фойда солиғини тўлашдан озод қилинади.

Юқорида номлари санаб ўтилган қатор қонунчилик ҳужжатларининг Республика ҳукумати томонидан қабул қилинишига қарамай, иқтисодиётга чет эл капиталини жалб этиш кўламини кенгайтириш, эркинлаштиришни чуқурлаштириш зарурияти мамлакатда амал қилиб келаётган қонуний ҳуқуқий базани доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этади. Хусусан чет эл капитал иштирокида инвестицион лойиҳаларни ташкил этиш ва молиялаштиришда ўз ечимини кутаётган масалалар бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, жойларда пахтани қайта ишлаш, нефть-газни қазиб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги, бу соҳаларда хорижий инвесторлар иштирокида юқори даромад келтирадиган корхоналарни ташкил этиш имкониятлари мавжудлиги, уларнинг ўзлаштирилмаётганлиги фикримиз далилидир.

Ўзбекистонда ҳар мавсумда 40 фоизгача полиз, мева, сабзавот маҳсулотлари истеъмолчиларга етиб бормайди. Бу маҳсулотлар қайта ишланмаганлиги туфайли исроф бўлади. Янги, илғор, замонавий технологияларни республикага жалб этиб, уларни ўз вақтида қайта ишлаш, савдога чиқаришни йўлга қўйиш жуда катта фойда келтирган бўлар эди.

Мамлакатдаги инвестицион жараённи секинлаштираётган воситалар, чет эл инвесторларини иқтисодиётга жалб этиш ва улар иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда муаммолар мавжуд.

Юқорида айтиб ўтилганидек чет эл инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналарни аксарияти Тошкент шаҳрига тўғри келиши. Кўпгина вилоят туманларида қўшма корхоналар ташкил этилмаяпти. Республикамизда ҳар бир туманида хорижий сармоя жалб қилинган ҳолда, маҳаллий хом-ашё асосида ишлайдиган, янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятини берадиган қўшма корхоналар очиш дастурида кўзда тутилган ишлар ниҳоятда секин ва қийинчилик билан кечмоқда, чет эл инвестиция иштирокидаги инвестиция лойиҳаларни, уларнинг барча ҳужжатлари техник иқтисодий асосини сифатли ва талаб даражасида ишлаб чиқувчи профессионал лойиҳа инжиниринг компанияларининг саноқли эканлиги ва яхши ривожланмаганлиги, уларнинг малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди.

Ҳозирги пайтда республикамизда инвестицион лойиҳаларни дастлабки ғоядан асосланган ҳолатдаги ҳужжатга айлантириш, зарур ҳужжатларни тайёрлашга ихтисослашган маслаҳат-инжиниринг компаниялари сони жуда кам. Уларнинг аксарияти давлат тасарруфидаги лойиҳа инжиниринг компанияларидир. Улар компаниялари томонидан кўрсатилаётган хизматлар талаб даражасида эмас. Улар хорижий молиявий институтлар шартларига мос келмайди, уларнинг экспертизасида лойиҳанинг асосланмаган томонлари-камчиликлари кўзга ташланиб қолмоқда. Бу лойиҳа ҳужжатларининг

асосли равишда тайёрланмаганлиги, ҳисоб-китобларда ноаниқликлар мавжудлиги билан изоҳланмоқда.

Маълум бир компания хизматларининг ҳамма учун мажбурий қилиб қўйилиши бозор муносабатлари шартларининг бузилиши, рақобат муҳитига путур етиши, энг асосий кўрсатиладиган хизматлар сифатини пасайишига олиб келади. Ушбу соҳада нодавлат ташкилотлари хусусий сектор улушининг ортишига йўл бериш нафақат юқорида айтиб ўтилган муаммоларнинг ечилишига, балки тадбиркорлар учун ҳозирги замон илғор технологияларни излаб топиш, ташқи бозорга чиқиш, хорижий инвесторлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш учун янги имкониятлар яратилишига олиб келади.

Ҳозирда маҳсулот бозори, нуфузли рақобатчиларнинг нарх ва ишлаб чиқариш сиёсати, хомашё ва материалларга бўлган имкониятлар, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган экологик ҳолатни баҳолаш бўйича маълумотларнинг етишмаслиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Мамлакатда қулай инвестицион фаолиятни яратиш бўйича амал қилиб келаётган қонуний-ҳуқуқий база, хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликларни тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари суст кечмоқда.

Жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари томонидан республикада инвестицион фаолиятни тартибга солиш ва ҳимоя қилиш қонуний базасининг тўғри амалга оширилишини суст назорат қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида қонун устуворлигига тўла риоя этиш талаб этилади. Жумладан, чет эл инвесторлар фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқий базасига риоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилмаслик ва ҳимоя қилиш ўзаро келишувлар ва шартларнинг бажарилишига олиб келади.

Аҳоли иқтисодий саводхонлик даражаси талаб даражасида эмаслиги, жамиятнинг хорижий инвесторларга бўлган муносабатининг етарли даражада шаклланмаганлиги аҳолида,

маҳаллий ишбилармонларда хорижий инвесторларга бўлган жиддий муносабатнинг шаклланмаслигига сабаб бўлмоқда.

Кўпгина ишбилармонлар, хорижий капитал иштирокида маълум бир лойиҳани амалга оширмоқчи ва ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган маҳаллий тадбиркорларда хорижий инвесторларга бўлган эскича муносабат ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Яъни кишиларда чет давлатдан келган шахслар (жумладан инвесторлар) ҳар томонлама юқори даражада ривожланган ва айниқса иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкам, деган фикр сақланиб келмоқда. Хорижий инвесторлардан маблағларни иложи борича кўпроқ жалб этиш, инвестиция қайтишига катта аҳамият бермасликка интилиш кучли бўлмоқда.

Чет эл инвесторлар маблағлари бу кичик ва ўрта бизнес субъектларига бериладиган беғараз инсонпарварлик ёрдами эмас. Шунинг учун ҳар бир тадбиркор лойиҳанинг молиявий режасини тузишда хорижий инвестор ўрнида ўзини ҳис этиши ва шунга яраша маблағлар ҳаракати прогнозини тўғри ҳисоблаб чиқиши зарур. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, чет эл инвестор ҳам маҳаллий ҳамкорга ўхшаб маълум вақтдан сўнг фойда олиш мақсадида маблағларини маълум бир соҳага жойлаштиради. Агар у инвестиция рентабеллигига эришмаса, лойиҳадан кўзланган фойдани олмаса хорижий инвесторнинг лойиҳага бўлган қизиқиши сусаяди. Бу бошқа инвесторларнинг республикамизда кичик ва ўрта бизнес соҳасига бўлган фикри, муносабатига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунингдек, республикамизда ўз иш фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган хорижий инвесторларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Чет эл инвесторларининг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаслиги, жумладан, қўшма корхона устав фондига ўз вақтида бадалларни киритмаслиги, бадал киритиш ва асбоб-ускуна етказиб бериш бўйича кафолатларни ўз вақтида тақдим этмаслиги, асбоб-ускунани етказиб бериш ва монтаж қилишда камчилик ва хатоларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд.

Республикамизда чет эл инвесторлар иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг барча босқичларининг муваффақиятли рўёбга чиқиши чет эл инвесторлар ва уларнинг инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилиш ва улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш истиқболларига боғлиқ. Республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам мамлакатда узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолади.

9.6.Ўзбекистонда қўшма корхоналарнинг тузилиши ва ривожланиши

Республикамизда халқаро интеграцияни ривожлантиришда иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга жуда катта аҳамият берилаётгани қувончли ҳол. Ўзбекистон чет эл капиталини жалб этиш тадбирларини амалга оширишда бизнингча, қуйидаги тамойилларга (принципларга) асосланмоғи лозим:

Биринчидан, чет эл инвестицияларини жалб этишни давлатнинг иқтисодий ва социал сиёсатига ижобий таъсирини таъминлашга эришиш керак. Яъни давлатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, чет эл капиталини жалб қилинган соҳаларда бозорбоб, рақобатбардош товар ишлаб чиқариш ва вақтида сотиш туфайли юқори унумдорликка эришиш ҳамда харажатларни пасайтириш имкониятларига эга бўлиш, шу билан бирга, ишлаб чиқариш рентабеллик даражасини ошириш имконияти яратилишини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита чет эл инвестицияларини жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларнинг тобора яхшиланишига асосланиш лозим.

Учинчидан, халқаро инвестицияларни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ, мақсадни кўзлаб сиёсат юритишга эътибор берилиши, яъни Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига кенг қўшилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши тақозо этилади.

Тўртинчидан, чет эл инвестицияларини жалб қилиш халқ фаровонлигини оширишни таъминлашга қаратилган бўлмоғи, чет эл капиталини жалб қилинган соҳаларда ишчи-хизматчиларни даромадлилик даражасини юқори бўлишини таъминлашга эришиш талаб этилади.

Бешинчидан, чет эл капиталини жалб қилиш борасидаги ишларда ресурслардан (тикланадиган ва тикланмайдиган тўғри ва оқилона фойдаланишни таъминлашга эришиш даркор. Ўзбекистон ноёб хомашё, ер ости ва ер усти бойликларига, улкан минерал хомашё захиралари, стратегик материаллар ва қишлоқ хўжалик хомашёсининг каттагина захираларига эга мамлакат хисобланади «Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ликвидлик даражаси юқори бўлган фойдали қазилмаларни ўзлаштиришга қаратилган инвестициялар катта-катта даромадлар келтиради». Дунёдаги етак-чи чет эл компаниялари ва фирмалари бу йўналишда фаол қатнашмоқдалар. Ўзбекистонда ҳам табиий хомашё ресурсларини қайта ишлаш ва уларни хўжалик оборотига киритиш мақсадида ўзаро иқтисодий манфаатлар асосида бир қанча қўшма корхоналар барпо килинган.

Шу билан бирга, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган фосфор ва калий туз конларининг захираларини Ўзбекистон ҳудудида ўта бойлиги ва бу имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилаётганлиги йўқ. Демак, қишлоқ хўжалик соҳасининг ривожланишида беқиёс ўринга эга бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга катта эътибор берилиб, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилган ҳолда бу соҳада чет эл капиталидан фойдаланишни янада жонлантиришга эришиш даркор. Тикланмайдиган ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий бойликларимизни сақлаб қолиш

доимо диққат-марказимизда бўлмоғи, бу фаолият эса, қатъий давлат назоратида бўлиши шарт.

Олтинчидан, республикага жаҳон даражасидаги техника-технологияларни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган чет эл капиталларига нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш зарур. Чунки, иқтисодиётнинг барча соҳаларини фан-техника ютуқларининг энг сўнгги натижалари асосида яратилган технологиялар билан таъминлаш республикамизнинг жаҳон бозоридаги мавқеини юксалтириш, экспорт салоҳиятини, янада ошириши лозим.

Еттинчидан, чет эл маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш талаб этилади. Яна шуни таъкидлаш керакки, жалб қилинган капитал қўйилмаларидан нафақат бир марта фонда олишни, балки «занжир самараси», деб аталадиган самарадорликка эришишни режалаштириш механизмини йўлга қўйиш. У шуни билдирадики, муайян корхона ёки цехнинг капитал жалб қилиш натижасида яратилган маҳсулотлари нафақат ушбу тармоқда самра бериши лозим (яъни фойдаланишнинг биринчи айланмасида), балки халқ хўжалигининг у билан боғлиқ барча соҳаларида самара келтириши лозим.

Саккизинчидан, чет эл капиталини жалб қилишда давлатнинг хавфсизлигини сақлаш, яъни миллий иқтисодиёни ҳимоя этиш зарурият касб этади. Миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш деганда, чет эл капиталлари ёки инвесторлари улар учун зарарли деган гап эмас. Гап шундаки, тадбиркорларнинг ўзига хос манфаатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди, Чет эл инвесторларининг асосий қисми иқтисодиётнинг ўтиш даврида бўлган мамлакатларга қўйиладиган капитал фақатгина дивиденд ва фоизлар кўринишидаги пул ишлаш йўли деб қарамайдилар. Улар бундай капиталларни ўзларининг умумий стратегиясининг бир қисми деб ҳисоблайдилар. Чет эл тадбиркорларининг асосий мақсади келажаги

бўлган бозорда мустаҳкам жойлашиш, молиявий оқимлар устидан назорат ўринатиш, импорт ва валюта чеклашларни четлаб ўтиб ҳамда баъзан рақобатчи корхоналарни бозордан сиқиб чиқаришдан иборат мақсадларни ўз олдига қўяди. Шу сабабли, чет эл инвесторларга иқтисодиётни кўтаришдаги асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида қараш мумкин эмас. Чет эл капиталларидан миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш деганда, бу капиталлар туфайли вужудга келадиган айрим зарарли таъсирларни камайтириш тушунилиши керак. Буларнинг жумласига табиий ресурсларни талон-торож қилишдан сақлаш, миллий иқтисодиётдан валюта ресурсларини олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш, талаб ва таклифнинг кескин ўзгаришидан сақлаш кабиларни киртишимиз мумкин. Ўзбекистонга капитални жалб этишда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш консепциясини ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Тўққизинчидан, чет эл капиталини жалб қилишда давлатнинг сиёсий манфаатдорлигига ҳам эътибор қаратишда чет эл капиталларини жалб этиш ва чет эл инвесторларига имтиёзлар яратишлар, авваламбор, мамлакат манфаатларидан келиб чиқиши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини янада юксалтириш кўп жиҳатдан интеграция жараёнлар тадбиркорлар капиталини четга чиқиши хорижий корхоналар билан ҳамкорликда фаолият юритишини ташкил этишга ва ривожлантиришга боғлиқ. Чунки ишлаб чиқариш самараси бевосита бир қатор ички ва ташқи омиллар интеграция ҳамда ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳолатларга уйғунлашиб кетади.

Сир эмас, эндиликда корхоналар якка тартибдаги ишлаб чиқаришни ривожлантирсалар, бозор шароитида бу жараён узоқ давом этмайди. Масалан, Японияда “Тойота” автомобилини тайёрлаш ҳамда бутлаш учун ўн учта давлатдан зарур деталлару бутловчи қисмлар олинади. Бу мамлакат ва корхона иқтисодиётининг келгуси тараққиёти учун ўзаро

интеграцияни ҳамкорликдаги тадбиркорликни ривожлан--тириш даркорлигини кўрсатади.

Халқаро иқтисодий интеграция ҳозирга қадар атрофлича ўрганилган ва илмий адабиётларда у ҳақда анчагина тушунчалар баён этилган бўлса-да, халқаро интеграцияда ҳамкорликдаги тадбиркорлик тушунчаси, унинг роли ва ахамиятини янада ойдинлаштириш муҳим масалалардан бири бўлиб хисобланади.

“Халқаро интеграция” аслида лотинча сўз бўлиб, кенг маънода қўлланилади. Жумладан, давлатлар, регионлар, компания, корхоналар ва тадбиркорлар ўртасида ташкилий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорликни мустаҳкамлашни ифодалайди. Маъно-моҳиятига кўра, бир неча турга бўлинади. Улар орасида халқаро иқтисодий интеграция айни жабҳада давлатлараро алоқаларни ўрнатиши, ҳар бир мамлакатда тузилмавий ўзгаришлар негизида халқаро ва миллий хўжаликларни технологик модернизациялаш ва унинг рақобатбардошлигини таъминланиши билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, ҳозирги даврда жаҳон хўжалигини ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда экзоген омил таъсири остида халқаро ва миллий иқтисодиётнинг келгуси тараққиёти ҳамда барқарорлигини таъминлаб, самарадорлигини ошириш учун пухта замин яратади.

Маълумки, юртимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди[105]. Уларда мамлакатдаги интеграция жараёнларини ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

---

[105] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февраль.

Ҳаракатлар стратегияси дастури доирасида ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган концепция Ўзбекистон иқтисодиётини, чунончи, вертикал интеграцияни ташкил этиш ва ривожлантириш борасида дастуриламал ҳужжат вазифасини ўтайди. Концепцияда интеграциянинг янги модели таклиф этилган. У иқтисодий адабиётларда “савдо” ёки “конъюнктура” деб номланади.

Янги концепциянинг асосий мақсади ташқи иқтисодий сиёсатда марказий ўрин эгаллаш учун ўзбек экспортини янги босқичга кўтаришдан, яъни халқаро ишлаб чиқаришнинг прогрессив шаклларини ва илмий-техник кооперацияни ривожлантириш учун инвестицион ҳамкорлик ҳамда инновацион лойиҳаларни биргаликда амалга оширишдан иборатдир.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан аён бўлишича, улар турли шароитларда интеграция жараёнларини либераллаштириш ишларини муваффақиятли олиб борганлар. Шу боис халқаро интеграция жараёнларини ривожлантириш орқали иқтисодий зиддиятларни камайтиришга эришиб ва иқтисодий ривожланиш суръатлари оширилган.

Халқаро интеграция жараёнларини мамлакатимизда эркинлаштириш экспорт ва импорт тузилишини ўзгартирди. Масалан, 2017 йили экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар 72 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо айланмаси эса 26907,6 миллион АҚШ долларига етди. Интеграция жараёнларини давлат томонидан тартибга солишдан мақсад эса унинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароитлар яратишдир. Давлат бу жараённинг стратегик мақсадларини белгилаб бориши лозим. Айниқса, экспортни ривожлантириш, ўзбек экспорти тузилишини такомиллаштириш, экспорт қилинаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини ошириш, экспортнинг товар ва географик тузилишини ривожлантириш, халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг илғор шаклларидан фойдаланиш,

бошқа ишларни ташкиллаштириш ва кадрлар тайёрлашни яхшилаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, халқаро интеграция жараёнида экспорт-импорт операциялари ишлаб чиқаришни кооперациялаш, инвестициявий ҳамкорликни ва тадбиркорлик муносабатларини кучайтириш режалари билан бойитилиши лозим. Бундан ташқари, хорижий капитал, янги технологиялар, лизинг бўйича жиҳозлар ва ҳоказолардан қайта ишлаб чиқаришнинг барча поғоналарида унумли фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон халқаро интеграция жараёнларини янада ривожлантириш учун халқаро амалиётга боғлиқ муайян масалаларни ижобий ҳал этиши лозим. Биринчидан, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши, иккинчидан, ўзга давлатлар билан халқаро интеграция келишувларини амалга оширишда савдо оқимлари тузилиши ва динамикаси ҳуқуқлараро комиссияларда ҳал қилинишига эришиши, учинчидан, иккиламчи солиққа тортиш ва инвестициялар ҳимояланиши масалаларини чуқур ўрганиб чиқиши талаб этилади.

Айтиш мумкинки, яқин ва қўшни давлатлар билан халқаро интеграцияни тезлаштириш келгусида мамлакат иқтисодиётини кўтариш учун янада қулай имкониятлар яратади. Ҳозир Ўзбекистон Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон, Марказий Осиё мамлакатлари билан яхши савдо-сиёсий алоқалар ўрнатган. Шунинг шарофати ўлароқ, юртимизда кўплаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Биз келгусида МДҲ мамлакатлари билан бир қатор муаммоларни, жумладан, давлатлараро ўзаро мажбуриятларни бажариш, товарларни сотиш бўйича қарздорликни бартараф этиш, диёримизда ишлаб чиқарилган товарлар ҳамдўст давлатлар ҳудудида эркин сотилишини таъминлаш масалаларини ижобий ҳал этиш чораларини кўришимиз шарт.

Халқаро интеграция жараёнларини ривожланишида капитал қўйилмаларнинг кўпайиши, яъни капитал кириши ва чиқиши муҳим аҳамият касб этади. Масалан, XX асрнинг 90-

йиллари бошида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўсиш суръатлари 4-5 бараварга ошиб, жаҳон ЯИМ қийматига нисбатан тезлашган бўлса, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яхши инвестициявий муҳит яратилиши натижасида охирги йиллар мобайнида иқтисодиётга 200 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдорда инвестиция киритилди. Шундан 70 миллиард доллари хорижий инвестициялардан иборат бўлди[106].

Айтиш жоизки, инвестиция қонунчилигимизда халқаро инвестициявий ҳуқуқнинг барча жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда қабул қилинган. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этиш ишлари ҳуқуқий жиҳатдан “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги , “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади.

Миллий иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларни киритиш ва уларни сарфлаш учун қулай шароитлар мавжудлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- сиёсий ва иқтисодий барқарорлик;
- меъёрий-ҳуқуқий база яратилгани;
- бизнесга солиқ ва божхона преференциялари тўғри ташкил этилгани;
- тадбиркорлик билан шуғулланиш қоидаларининг либераллашуви;
- эркин иқтисодий зоналар яратилиши.

Халқаро интеграцияни кучайтиришнинг асосий йўналишларидан бири эркин индустриал иқтисодий ва кичик махсус саноатлашган индустриал зоналар барпо этиб, замонавий ишлаб чиқаришини кенгайтиришдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, охирги 1,5-2 йил ичида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ва логистикани кенгайтириш ишлари тез ривожланди. Ҳозир турли шаҳар-вилоятларимизда иқтисодий,

[106]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил маълумотлари.

индустриал зоналар фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий мақсадларидан бири хорижий инвестициялардан фойдаланган ҳолда, эркин зоналар ва логистик марказлар фаолияти самарадорлиги халқаро интеграция жараёнлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

9.7.Чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий соҳалари, уларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни

Бунда чет эл капитали иштирокидаги лойиҳада иштирок этаётган барча томонларнинг манфаатлари мутаносиблиги ҳам эътиборга олинади. Миллий, сиёсий ва иқтисодий манфаатларни ҳисобга олиш мажбуриятига риоя этилган ҳолда хорижий инвестициялар окими учун етарли даражада шарт-шароит мавжуд бўлиши назардан қочирилмайди,

Республикага хорижий инвестицияларни молиялаштиришга минтақавий мутаносибликка эришиш талаб этилади. Агар Ўзбекистонда қўшма корхоналарни ташкил қилишнинг 2019 йил 1 январь ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, фаолият кўрсатаётган энг кўп қўшма корхоналар кетма-кетлигида Тошкент шахрига, Тошкент вилоятига, Самарқандга, Андижонга, Қашқадарёга, Сирдарёга, Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Энди ушбу қўшма корхоналарнинг экспортга ишлаб чиқараётган маҳсулотлари жами маҳсулотда улар улушларини қараб чиқадиган бўлсак, қуйидаги кетма-кетликда жойлашган: Тошкент шахри-16%, Навоий-31,7%, Андижон-23%, Тошкент вилояти- 14,5%ни ташкил этади. Шунингдек, Наманган-0,55%, Сирдарё-0,35%, Бухоро ва Қашқадарё-0,05%ни ташкил этиши, албатта, буни ташкил қилишда вилоятларда жойлашган қўшма корхоналарнинг сони, ишлаб чиқариш қуввати, уларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари тури, хусусиятлари, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг қайси соҳада фаолият кўрсатаётганлиги ҳам муҳим омиллардан саналади. Масалан, Навоий вилоятида олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон-Ньюмонт»

қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган (мамлакат бўйича қўшма корхоналар экспортида унинг улуши 6%ни ташкил этади) маҳсулот турини, унинг ҳажми ва нархида Шаҳрисабздаги «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси маҳсулотлари билан таққослаб бўлмайди. Шундай бўлса-да, юқоридаги рақамлар ҳам мамлакатда чет эл капиталларининг ҳудудлар бўйича бир маромда ривожланишини ташкил этиш масаласида жиддий амалий ишлар қилиш тақозо этилади. Бу борада бизнингча, аввало, Халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ажратилаётган маблағларни кредит линиялар орқали тўлиқ ўзлаштириш масаласи муҳимдир. Бунинг учун, биринчидан, хар бир вилоят, маҳаллий шарт-шароити синчиклаб ўрганилган, иқтисодий жиҳатдан пухта ва асосли техник-иқтисодий асоснома, бизнес-режа тақдим этилиши; иккинчидан, капитал жалб қилиш фаолияти учун самарали бозор инфратузилмасини ташкил этиш; учинчидан, чет эл инвесторлари тез ва мукаммал қарор қабул қилишлари учун ихчам ва пухта маълумотларга асосланган ҳисоб-китоб тизими самарадорлигини ошириш тақозо этилади.

Ҳозир бизда хорижий инвестициялар учун, киритилган сармоялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддат учун имтиёзлар белгиланган. Жумладан:

– 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар 3 йил муддатга;

– 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар 5 йил муддатга;

– 5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар 7 йил муддатга;

– 10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилдаги жорий ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи тўлови ставкалари қўлланилган ҳолда 10 йил муддатга берилади.

Халқаро интеграция жараёнини амалга оширишда имтиёзли шарт-шароитларни яратиш аввало, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ҳамкорликда

йўлга қўйиш, маҳсулотлар жаҳон стандартларига жавоб бериши ҳамкорликда қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ривожлантирилишни таъминлашда муҳим мезон бўлиб ҳисобланади.

Бу йўналишда аниқ мақсадли иш олиб бориш нафақат инвестицияларни, балки энг аввало, илғор технология ва ноу-хауларни жалб этишни кўзда тутади. Улар эса Ўзбекистонга жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Айтиш керакки, жиддий хорижий инвесторлар учун яратилаётган кенг истиқболлар ва имкониятлар хамда аниқ баён этилган тараққиёт устуворликлари етакчи трансмиллий компаниялар ва корпорацияларнинг мамлакатимизга ўз инвестицияларини олиб киришига юқори даражада интилишини таъминлайди. Сўнгги йилларда жалб этилган ҳамда изчил ва барқарор иқтисодий ўсиш, янги юқори технологияли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромади даражасини кўтаришнинг ишончли манбаига айланган узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 35 миллиард доллардан ошди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянииг «Петронас», Кореянинг «Лотте», «LGinternational», «SK» корпорациялари, Корея миллий нефть корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ни «Лукойл», Америкаиинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени» корпорациялари, машинасозлик соҳасида - Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида - Кореянинг «Кореям Эйр» ва Япониянинг «Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида- Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида - Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида — Кореянинг «ДЭУ иитернэйшил», Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб

хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal BankofScotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади, Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди.

Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши келгуси 2019 йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни камида 5,4 фоиз даражасида белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради. Бундай мақсадларнинг асосли эканлиги энг обрўли халқаро молиявий институтлар томонидан бир неча бор тасдиқланган.

Шу ўринда ички инвестициялардан фойдалиниш борасида ҳам мамлакатимизда талай ишлар амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларига янада жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва улар ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра акцияларни камида 10 фоизига эгалик қилиш.

Бугунги кунда ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича:

– тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;

– аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй -жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);

– ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуриши жадаллаштириш мақсадида кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;

– инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларидан бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

– инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

9.8.Кўчмас мулкка жалб қилинган хорижий сармоялар

Портфель инвестициялар қисқа муддатда юқори фойда олишни мақсад қилади. Бунда энг самарали йўл мамлакат фонд бозорида инвесторнинг қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришидир. Инвестор қимматли қоғозлар портфелини бошқариш, яъни портфелнинг фойдасини максималлаштириш ҳамда ушбу портфелнинг риск даражасини камайтириш орқали ўзига максимал фойдани таъминлайди. Жаҳонда портфель инвестициялар ҳаракати халқаро қимматли қоғозлар бозорида ўз аксини топади. Халқаро қимматли қоғозлар эркин конвертация қилинадиган валюталарда номинал нархи ўрнатиладиган, халқаро фонд бозори қоидалари асосида халқаро андеррайтерлар орқали ушбу бозорга жойлаштириладиган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Халқаро қарз қимматли қоғозлар халқаро фонд бозорида капитални жалб этишнинг ва операцияларнинг асосини

(қарийб 90-95%ни) ташкил этади. Уларнинг таркибида халқаро облигациялар ва ноталарни, турли компаниялар (корпоратив), молиявий институтлар ва давлатларнинг халқаро қарз қимматли қоғозларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Охирги ўн йилликда уларнинг ҳажми 2 баробардан кўпроққа ошди, чунончи, халқаро қарз қимматли қоғозлари 2004 йилдаги 11,5 трлн. АҚШ долларидан 2014 йилга келиб қарийб 21,8 трлн. АҚШ долларига етган ва 2009 йилдан бошлаб ҳозиргача улар ҳажмининг ўсиши молиявий инқироз натижасида секинлашган.

Чет эл облигациялари ва еврооблигациялар кўринишида қарз қимматли қоғозлари халқаро қимматли қоғозларнинг асосий шаклларидан биридир.

Еврооблигациялар халқаро андеррайтер орқали бир мамлакат эмитенти томонидан чиқарилган, дастлабки давлат рўйхатидан ўтказилмаган, бир вақтнинг ўзида бир қанча мамлакатларга жойлаштириладиган облигациялар ҳисобланади. Еврооблигацияларнинг номинал қиймати эркин конвертация қилинадиган валюталарда ифодаланади. Еврооблигациялар жойлаштирилаётганда жаҳоннинг ҳеч қайси бир мамлакатида рўйхатга олинмайди. Еврооблигациялар ҳалқаро қарз қимматли қоғозларнинг асосини ташкил этади. Бунга сабаб, ҳалқаро қарз қимматли қоғозларининг эмитентлари, инвесторлари ва муомаласининг асоси (охирги 10 йилда қарийб 60 фоиз) Европа ҳудудида жойлашиши ҳамда уларнинг асосий қисми (охирги 10 йилда қарийб 40 фоиз ортиғи) евро валютасида чиқарилиши ҳисобланади[107]. Шунингдек, дастлабки еврооблигациялар Европа давлатлари ҳудудида пайдо бўлган.

Номинал қиймати облигация жойлаштириладиган мамлакатнинг миллий пул бирлигида бўлган, яъни облигация эмитенти учун хорижий валютадаги облигациялар – чет эл облигациялари ҳисобланади. Чет эл облигациялари маълум

[107]Международный финансовый рынок: учеб. пособие / под ред. проф. В. А. Слепова, Е. А. Звоновой. – М. Магистр, 2009. – 180/543 с.

бир мамлакатга ушбу давлат қонун-қоидалари асосида жойлаштирилади. Чет эл облигацияларидан фойдаланиш амалиётда 500 йилдан бери мавжуд бўлса, еврооблигациялар пайдо бўлганига ҳозирда атиги 30 йил бўлди[108].

Шунингдек, халқаро қимматли қоғозларнинг глобал акциялар кўринишидаги халқаро акциялар ва Америка депозитар тилхатлари (акциялари) каби шакллари ҳам мавжуд. Депозитар тилхатлар халқаро акцияларнинг асосини ташкил этган ҳолда, уларга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми жаҳон бўйича охирги йилларда ўртача 1 трлн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Депозитар тилхатларнинг асосий инвестори, яъни қарийб 20 фоиз АҚШ ҳисобланади. Чиқарилаётган депозитар тилхатлар базасидаги акциялар асосини Европа, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари (Europe, Middle East and Africa, EMEA) эмитентларининг акциялари ҳисобланади[109].

Банк ва нобанк ташкилотларнинг ташқи кредитлари ва депозитлари халқаро ссуда капитал ҳаракатининг асосий элементларидан биридир. Ҳозирда бу каби ташқи кредитлар ва депозитларнинг ҳажми бўйича ривожланган мамлакатлар етакчилик қилиб келмоқда. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози уларнинг ҳажмини ўзгаришига салбий таъсир кўрсатган. 2010 йилдан бошлаб банкларнинг депозит ва кредит операциялари ҳажмида бироз ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса-да, бироқ улар умумий ҳолда камайиб бормоқда. 2007 йилда банкларнинг халқаро кредитлари ва депозитлари 24,3 ва 26,7 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб, уларнинг ҳажми мос равишда 19,7 ва 20,7 трлн. АҚШ долларига тенг бўлган. 2010 йилдан нобанк кредит ташкилотларининг депозит ва кредит операциялари кўпаймоқда ва ҳозирда уларнинг ҳажми 7 трлн. АҚШ долларига етган.

---

[108]www.bis.org - Халқаро ҳисоб-китоблар банки маълумотлари.

[109]Depositary Receipts. Year in Review 2014, JP Morgan, Corporate & Investment bank, 6/20 pp.

9.9.Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳитнинг барпо қилиниши ва унинг муҳим омиллари

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатда инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди. Ўзбекистон раҳбариятининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш сари тутган изчил йўли бевосита ва портфель инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун реал шарт-шароит яратмоқда.

Ҳозирги пайтда бевосита инвестициялар асосий қисми маҳсулот экспортига мўлжалланган соҳаларга, ёқилғи-энергетика мажмуасига, нефть-кимё, олтин қазиб олиш, пахтани қайта ишлаш саноатига, қопланиш муддатлари қисқа бўлган ва катта маблағ талаб қилмайдиган юқори самарали инвестиция лойихаларига йўналтирилмоқда. Чет эл инвестицияларнинг ана шундай тармоқларга тақсимланиши тарихий омиллар ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркиб топган тузилмаси билан боғликдир. Ҳозир мамлакат иқтисодиёти тармоқлари тузилмаси такомиллашиб бораётганлиги янги ишлаб чиқариш соҳаларидаги бевосита чет эл инвестицияларнинг ўсиш тамойилини кучайтирмоқда. Автомобилсозлик, электроника саноати ривожланди, қурилиш индустрияси, алоқа корхоналари ва қишлоқ хўжалигида янги технологиялар жорий қилинмоқда.

Ҳар йили мамлакатда қабул қилинадиган инвестиция дастурини амалга ошириш орқали тармоқларда ва ҳудудларда тизимий қайта қуриш вазифасини ҳал этиш, хорижий инвестициялар самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Дастурнинг асосий хусусияти айрим тармоқларда ва

минтақаларда хорижий инвесторлар учун реал амал қилувчи имтиёзлар тизимини яратиш, юридик шахслар, юқори идоралар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш, барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш, солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштиришдан иборат.

2018 йил натижаларига назар соладиган бўлсак, мўлжалланган инвестиция дастурининг тўлиқ амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан иқтисодиётимизга катта миқдорда сармоя киритилди. Жами сармояларнинг 55 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Енгил саноат, транспорт ва алоқа тармоқларига, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қурилишларга йўналтирилган инвестициялар салмоғи ортди. Йил мобайнида нометалл қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «HOBAS TAPO» қўшма корхонаси, сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи «O‘zSmanta Santexnika» қўшма корхонаси, Самарқанд вилоятидаги полиэтилин қувурлар ишлаб чиқарувчи цех, Тошкент вилоятидаги универсал фосфорли-азотли ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхона, Андижон вилоятидаги чарм маҳсулотлар тайёрлайдиган «Oltin deri» қўшма корхонаси, ўқув дафтарлари тайёрлайдиган «ISHK» қўшма корхонаси ва бошқа объектлар ишга туширилди. Шунингдек, Шўртан газ кимё комплекси, Янгийўл целлюлоза - қоғоз фабрикаси, Тошкент шаҳридаги вагонларни таъминлаш корхонаси, Фарғона фуранли қоришмалар заводи, Шаҳрихон туманидаги «ANTEKS» ҳиссадорлик тўқув фабрикаси, Бухоро вилоятида «QORAKO’LTEKS» қўшма корхонаси қурилиши ниҳоясига етказилиб, ишга туширилди.

Мустақиллик йилларида Республика Олий Мажлиси, Президенти ва Ҳукумати томонидан иқтисодиётни ислоҳ қилишга қаратилган стратегик вазифаларни бажаришга, қулай инвестиция муҳити яратишга қаратилган қатор қонунлар,

фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қонуний-ҳуқуқий асоси яратилди. Мамлакатда хорижий инвестицияларни жалб қилишни бошқариш тизими ўзида комплекс қонунлар, меъёрлар, тартиблар, расмий фармойишларни мужассамлаштиради. Бундай тизим икки йўналиш: хорижий инвесторлар фаолиятини регламентация қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича амал қилади. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этишни ҳуқуқий бошқариш, асосан, жаҳон амалиёти илғор тажрибаларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Конституциясига кўра амалга оширилади. Унда, жумладан, бошқа мулкчилик шакллари қаторида, хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат тамонидан ҳимоя қилиниши кафолатланган. Унга кўра, республикада хўжалик суъбектлари, жумладан, хорижий инвесторлар иқтисодий фаолияти эркинлигини кафолатловчи барча хўжалик-ҳуқуқий меъёрлари, қатор қонунчилик актлари қабул қилинди ва амалга оширилди.

Айтиш жоизки, халқаро миқёсда қулай инвестицион муҳитни яратилиши мамлакатларда инвестиция фаолиятни ривожлантириш ва амалга оширишнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Халқаро миқёсда инвестицион муҳитини яратиш ва унинг молиявий жиҳатларидан келиб чиқиб инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўналишларидан биридир. Инвестицион муҳитни яхшилашнинг иқтисодий моҳиятини ўрганиш ва уни иқтисодиётга жалб қилиниши бевосита инвестиция фаолияти самара-дорлигини оширишга, чет эл инвестициялар ҳажми кўпайишига хизмат қилади. Бу эса, ўз-ўзидан инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг янги манбаларини аниқлаш, назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан бирга халқаро инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг молиявий асослари яхшиланишини талаб этади. Бу эса инвестицияларни дастлаб, ички манбаларини сафарбар этиш ҳисобидан давлатлар иқтисодиётининг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш

бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига диққатни қаратади. Шу боис иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион муҳит, уни молиялаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Ушбуни ҳал этишда халқаро инвестиция муҳитини яхшилаш ва уни жозибадорлигини оширишни молиявий асосларини такомиллаштириш ҳам ўз вақтида долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётда «инвестиция муҳити» тушунчаси ва унга таъсир этувчи омиллар турлича талқин этилади. Масалан, 2005 йилда Жаҳон тараққиёти маърузасида инвестиция муҳити тушунчаси компаниялар имкониятларини аниқловчи ва уларда ҳар бир жойнинг ўзига хос ва уларда самарадор инвестицияларни амалга оширишга, иш жойлари барпо этишга ва ўз фаолиятини кенгайтиришга рағбатлантирувчи кучни шакллантирувчи омиллар мажмуаси деб таъриф берилган[110].

Иқтисодчи олимлардан Г.Е. Игольников, Е.С. Патрушевалар фикрича, инвестиция муҳити молиявий ёки моддий маблағларнинг иқтисодий жалб этувчанлиги, ижти-моий-сиёсий тавсифга эга хавфларнинг йўқлиги, меъёрий-ҳуқуқий негизнинг барқарорлиги ва такомиллаштирилишидан шаклланади[111]-деб таърифлайди. Д.Ғ. Ғозибеков, Т.М. Қоралиевлар фикрича, инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқти-содиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади»[112] -деб ҳисоблайди.

---

[110] Доклад о мировом развитии - 2005. Обзор «Улучшение инвестиционного климата в интересах всех слоев населения». - Вашингтон, 2005. - С. 18.

[111] Игольников Г.Е., Патрушева Е.С. Что понимать под конкурентоспособностью, инвестиционной конкурентоспособностью, инвестиционной привлекательностью и экономичностью производства // Российский экономический журнал. – Москва. 1995. - № 11. - С. 33.

[112] Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Молия, 1993. - Б 46.

Инвестицион муҳит – муайян мамлакатга чет эл инвестицияларини киритишнинг импорт қилинганлигининг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар мавжудлигининг ижобий ёки салбий томонларини англатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, киритилиши назарда тутилган инвестициялардан келадиган даромадларни йўқотиш эҳтимолига боғлиқ бўлган мажбурий тўловлар, солиқлар, кредит фоизи ва шу каби харажатлардан ташқари ўзига боғлиқ бўлмаган депозитарийлар, банк ва молия муассасалари, инфратузилма институтлари, брокерлар, рўйхатдан ўтказувчилар, шартнома мажбуриятларини бажармаслик каби бошқалар айби билан йўқотишдан кўрилган зарарларни қоплашдаги барча харажатларнинг йиғиндисини ҳам ҳисобга олишимиз лозим.

Инвестициялар ва инвестиция муҳитининг моҳиятини очиб бериш, уларнинг муҳим сифат тафсифларини аниқлаш билан белгиланади. Кўпгина ҳолларда «инвестиция» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади.

Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг лауреати бўлган У.Ф. Шарпнинг «Инвестиция» дарслигида «Инвестициялар келгусида (эҳтимол номуайян) қийматга эга бўлиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматдан воз кечишдир», [113] -деб таърифланади. Р. Кэмпбелл инвестиция тушунчасини қуйидагича шарҳлайди, яъни «инвестиция» – бу, моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир»[114]. Ушбу таъриф ўз мазмунига кўра, кўпроқ «капитал қўйилмалар» тушунчасини ўзида акс эттирса, унда иқтисодиёт глобаллашув шароитида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси

[113]Шарп У.Ф., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. Пер. с. англ. – М.: ИНФРА, 2000. - С. 16.

[114]Кэмпбелл Р., Макконелл К., Стэнли Л. Брю. Экономикс. Принципм, проблемм и политика. 2-том, - М.: Изд-во «Республика», 1992. - С. 388.

инвестициянинг фаоллиги, иқтисодиётни тиниқ тараққий этишини белгиловчи инвестиция муҳитига боғлиқ бўлади.

Инвестиция муҳити муайянлигини бу борада фаолиятнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларни умумлаштирувчи хусусиятлари белгилаб беради. Инвестиция фаолиятига таъсир кўрсатувчи бу омилларнинг ўзаро боғлиқ мажмуи у ёки бу мамлакат иқтисодиётидаги ҳал қилувчи инвестиция муҳити ҳисобланади. Шу боис ҳам инвестиция муҳити тушунчасини ҳаддан ташқари кўп ўлчовли, мураккаб ва сермаъно тушунчадир.

Инвестиция муҳити — инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қулайликлар мажмуини акс эттирувчи воқеликдир. Инвестиция муҳити — бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуасидир.

Хориждан капитал қабул қилувчи томонидан инвестиция муҳитининг моделини ишлаб чиқиш ҳар томонлама асосланган ташқи иқтисодий алоқаларни аниқлаб берувчи воситадир. У орқали хорижий инвесторга таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўлиши, хорижлик инвесторларнинг хулқ-атворини ҳар томонлама англаш ва мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни чуқурроқ баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бу жараёнларнинг барчаси республикамизнинг бошқа давлатлар билан дастлабки иқтисодий муносабатларини йўлга қўйиш жараёнида четдан капиталнни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Инвестиция муҳити тушунчаси ўзининг мураккаблиги ва мукаммаллиги жиҳатидан макро ва микроиқтисодиёт даражаларини ўз ичига олади. Макроиқтисодиёт даражасида у капитални қабул қилувчи мамлакатдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатларни ўз ичига олади.

Микроиқтисодиёт даражасида инвестиция муҳити, бир томондан, инвестор-фирмаси ва иккинчи томондан, хорижий

инвестицияни қабул қилувчи хўжалик субектлари, яъни сотувчилар, сотиб олувчилар, банклар ҳамда касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги иккиёқлама муносабатларни акс эттиради.

Давлат сиёсати, халқаро шартномаларнинг шартларини бажариш, хорижий мулкни миллийлаштириш, халқаро шартномалар тизимида иштирок этиш, давлат бошқарув тизимиларининг мустаҳкамлиги, сиёсий барқарорлик, давлатнинг иқтисодиётга аралашиш даражаси, иқтисодий сиёсатнинг мукаммаллиги, давлат аппаратининг иш самарадорлиги, банклар тизимининг такомиллашув даражаси, пул муомаласи ва давлат бюджетининг барқарорлиги, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари миқдори ва х.з.

Макро ва микроиқтисодиёт даражалари биргаликда ягона инвестиция муҳитини ташкил этади ва потенсиал инвесторлар ҳамда капитални қабул қилувчи томонларнинг бўлажак муносабатларини белгилаб беради.

Ҳар бир капитал жалб қилувчи мамлакат маълум бир инвестиция тизимига эгалигини таъкидлаш мумкин. Бу тизим ҳуқуқий меъёрлар ва муассасалардан иборат хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими ва инвестиция муҳитини ўз ичига олади. Хорижий капитални қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг компоненти бўлиб хизмат қилади ва унга нисбатан мустақил равишда ташкил этилади. Хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими қабул қилувчи томонни хорижий капитални миллий иқтисодиётга қулай равишда кириб келишини намоён этади, инвестиция муҳити кириб келган капитални мамлакат ичида оптимал равишда ўсиб бориш вазиятига баҳо берилиши лозим.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали саноатни янги замонавий технологиялар билан қишлоқ хўжалигида қайта ишловчи саноат мажмуини ва бошқа соҳаларда туб ўзгаришлар ясаш мумкин. Бу даражада инвестиция иқлими умумлаштирилган баҳолар иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий жабҳаларда яққол кўринади.

Инвестиция муҳити ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниши асосида инвестиция риски аниқланади. Инвестиция муҳити ва риск даражалари бир-бирларига тескари нисбатдадир. Инвестиция муҳити қанчалик қулай бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик риски шунчалик паст даражада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини кўпайтиради. Аксинча, инвестиция муҳити ноқулай бўлса, риск даражаси юқори бўлади. Инвестиция муҳитининг ҳолати фақат инвестор учун эмас, балки инвестиция қабул қилувчи учун ҳам муҳимдир. Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, инвестиция муҳитини баҳолашнинг объективлик даражасини ошириш учун замонавий иқтисод фани томонидан ишлаб чиқилган бир қатор муҳим услубий қоидаларни ҳисобга олиш зарур.

Бундай муҳим қоидалар қуйидагиларни назарда тутади:

1. Барча турдаги инвестициялар учун маълум инвестиция муҳити зарур. Амалда қарз капитали қисқа вақт ичида максимум фойда олишга қаратилган бўлиши молиявий инвестициялар орқали, саноат капитали узоқ муддат давомида корхона фаолиятига барқарор таъсир ўтказишга интилиб ҳаракат қилиши лозим.

2. Инвестиция муҳити манфаатлар мувозанатига асосланган бўлиши керак, чунки инвестицияларни қабул қилувчи ҳам, етказиб берувчи ўз мақсадларини кўзлайди (биринчиси минимум маблағлар асосида максимум мақсадларни кўзласа, иккинчиси – максимум фойда олиш ва маҳаллий бозорларни мумкин қадар тезроқ эгаллашга интилади.

3. Инвестиция муҳити, узоқ вақт барқарор ва етарли даражада уддабурон тадбиркор, мамлакатда юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга ола биладиган бўлиши лозим.

4. Инвестициялар инсон капитали ривожи билан аниқ боғланган бўлиши лозим.

5. Инвестиция муҳити мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига хавф солмаслиги лозим ва ҳ.к.



9.1-чизма. **Инвестиция оқимига таъсир этувчи ижобий ва салбий омиллар.**

Инвестиция қабул қилувчи мамлакат ички бозор сиғимининг катталиги чет эл инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистоннинг ички бозори истеъмол товарлари билан ҳали тўлиқ тўйинтирилмаган, шу боис аҳоли ялпи талабининг сезиларли қисми импорт ҳисобига қондирилади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам берадиган омил хорижий тадбиркорларга инвестициялаш учун қулай муҳитни шакллантиришга кўмаклашадиган рақбатлар тизимини таклиф қилишдир. Республика қонунчилиги томонидан мустақиллик йилларида қабул қилинган имтиёзлар инвесторлар фаолиятининг ҳамма жиҳатларини ўзида гавдалантиради.

Юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган ривожланган саноат ва илмий-техникавий салоҳиятга эга, кўп тармоқли саноат салоҳияти мавжудлиги автомобиллар, самолётлар, турли электротехника буюмлари, электроника, лифтлар, гидронасослар, тракторлар, пахта териш комбайнларининг янги модификациялари каби илмий тараққиётга асосланган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш имкониятига эга давлатларда инвестицион муҳитнинг мавжудлигидан далолат беради. Бунда айнан шундай муҳит мавжуд.

Айтиш жоизки Республиканинг хорижий инвесторларни жалб этишнинг муҳим омилларидан бири бу бой ресурс базасига эга эканлигидир. Бу эса қисқа муддатда йирик хорижий инвесторлар билан кенг кўламли инвестициялар бўйича шартномалар имзоланишига шароит яратиб беради. Ушбу шартномалар асосида автомобилсозлик нефть-кимё, электроника тармоқлари вужудга келди. Темир йўл вагонлари ишлаб чиқарадиган ва вертолётларни таъмирлайдиган, техник ойна, ип-газлама, турли хил тикувчилик буюмлари ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар барпо этилди.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида инвестиция муҳитини шаклланиш омиллари

Омиллар	Мавжуд ҳолат
Иқтисодий ҳолат	1.Мамлакат тўлов балансининг ҳолати; 2.валюта-пул тизими барқарорлиги. 3.Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, 4.Ички бозор сиғимииинг катталиги. 5.Инфляция даражаси. 6.ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини эътироф этилиши. 7.Рақобат муҳитининг мавжудлиги.
Хуқуқий база	1.Янги шароитларга мос келадиган, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқарадиган фармонлар, қарорлар, низомлар, йўриқномаларнинг мавжудлиги.
Табиий хомашё ресурслари	1.Минериал, хомашё, ёқилғи-энергетика ва сув ресурслари захираларини мавжудлиги, 2.Қишлоқ хўжалиги хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмларини етарлиги.
Меҳнат ресурслари ва бандлик	1.Иқтисодий фаол аҳоли сони мавжудлиги. 2.Банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси. 3.Хизматчилар даромади даражаси. 4.Кадрларнинг малака даражасини етарлиги.
Ишлаб чиқариш-нинг техник базаси	1.Асосий ишлаб чиқариш фондлари. 2.Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси. 3.Ускуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби. 4.Асосий фондларининг эскириши даражаси.
Илмий-техника сало ҳияти	1.Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвести-циялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари. 2.Инвестиция таваккалчилик даражаси.

	3.Ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиши 4.Фан-техника ютуқларидан фойдалаиш 5. ИТТКИ соҳасини ривожлантириш ҳолати 6.Маҳсулотнинг фан сиғимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш.
Молия-кредит тизими	1.Солик ва кредит сиёсати; 2.Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси. 3.Нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати.
Инфрату-зилма	1.Банк тизими ривожланиши ҳолати. 2.Транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳаларини мавжудлиги. 3.Товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматларини мавжудлиги. 4.Суғурта соҳаси тармоғининг ишончлилиги.
Экологик вазият	1.Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси. 2.Радиацион фон. 3.Зарарли чиқиндилар.

Ушбу жадвалида келтирилган омилларда ташқарида бошқа омиллар мавжудки, уларни амал қилиши самарали инвестиция муҳитини юзага келтирмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон юқори инвестициявий салоҳиятга эга бўлиб, уни позитив ташкил этувчилари жамлама йиғиндиси мавжуд инвестициявий муҳитнинг кучсиз, томонларидан бир неча маротаба устун эканлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон бир қатор сабабларга кўра, ҳам ташқи, ҳам ички инвесторлар учун жозибадор. Унинг инвестициявий жозибадорлигини таъминловчи омиллар республикамиздаги кўплаб иқтисодчилар, олимлар ва тадқиқодчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидаги омиллар гурухини кўрсатиш мумкин:

1.Сиёсий омиллар. Мамлакатдаги ички ва ташқи сиёсий барқарорлик. Ҳукумат томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли мавжуд конституциявий тузум ва хавфсизликка жиддий тахдид соладиган кучларнинг ва улар келтириб чиқарадиган оғир оқибатлар хавфининг пастлиги, аҳолининг ҳокимият органларига ишонч даражаси юқорилиги, ижтимоий барқарорлик ва бошқалар.

2.Иқтисодий омиллар:

– мамлакатнинг улкан табиий бойликлари, минерал хомашё ва бошқа табиий ресурсларнинг хилма-хиллиги. Булар инвесторлар учун асосий шартлардан биридир;

– дунё индустриясида ҳам етакчи саналадиган тармоқлар бўйича қудратли ишлаб чиқариш салоҳиятининг мавжудлиги. Масалан, саноатда рангли металлургия, энергетика, кимё, машинасозлик, тўқимачилик, қишлоқ хўжалигида пахта, ипак, қоракўлчилик ва бошқалар;

– ишлаб чиқариш ва экспорт таркибида хомашё ва ярим-фабрикат маҳсулотлардан (мис, қўрғошин, вольфрам, молибден, минерал ўғитлар, ип-калава, газламалар, қуруқ мевалар ва бошқалар) ташқари юқори технологияли маҳсулотларнинг (автомобиллар, авиация техникалари, кимёвий тола ва ҳ.к.) хам мавжудлиги;

– иқтисодиётда кўп тармоқли, доимий кенгайтирилаётган ва модернизацияланиб борилаётган ифратузилмаларнинг мавжудлиги. Мамлакат темир йўл, автомобиль йўллари, алоқа тармоқларининг зичлиги, шунингдек, бозор инфратузилмаларидан биржа, банк-молия ва бошқа муассасаларнинг тараққий этганлиги билан Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллайди;

– республикада ички ва ташқи иқтисодий фаолият изчил эркинлаштириб борилаётганлиги ва бу борада сезиларли ижобий натижалар қўлга киритилаётганлиги, сўнгги йилларда ЯИМнинг муттасил ўсиб бориши шароитида ўтиш даври учун мақбул бўлган бюджет тақчиллиги, инфляция даражаси ва

бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар инвестициявий фаолият учун қулай муҳитни таъминламоқда;

– хорижий банкларда сақланаётган йирик олтин-валюта захиралари инвесторлар учун мамлакатнинг молиявий имкониятларига ишонч туғдиради;

– Марказий Осиёда сиғими бўйича энг йирик бозорнинг мавжудлиги. Яъни мамлакатимизда 33 млн нафардан кўпроқ киши истиқомат қилиши уларнинг харид қобилияти ошиб бориши билан ҳам маҳаллий, ҳам хорижий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар истеъмоли ҳажми ошиб боришига олиб келади,

3.Ижтимоий ва маданий омиллар:

– иқтисодиётда банд бўлганларнинг юқори интеллектуал даражаси, юз фоизи саводли ва 25 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотга эга эканлиги, шунингдек, олимлар, илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик муассасалари ходимлари етарли даражада фаолият кўрсатиши;

– ишловчиларнинг меҳнат менталитетидаги ўзига хос ижобий хусусиятлари: меҳнаткашлиги, ижрочилиги ва раҳбариятга нисбатан хайрихоҳлиги меҳнат жамоалари ва бир бутун жамиятдаги ижтимоий уйғунликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– аҳоли ҳаёт даражаси, маиший-яшаш шароитлари, тиббий хизмат ривожланганлиги, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва шунга ўхшаш салбий одатлар кам тарқалганлиги.

4.Ташкилий-ҳуқуқий омиллар:

– жойлардаги ҳокимият органларининг инвестицияга доир қонун ва меъёрларга амал қилиши;

– хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар ва имтиёзлар жорий килинганлиги;

– ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тадбиркорлик тузилмаларини давлат, рўйхатидан ўтказишнинг содда, тезкор ва арзон тизими жорий этилганлиги ва бошқалар.

Ушбу омиллардан инвесторларни мумкин қадар тўлиқ хабардор қилиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилиши

ўтиш даврида Ўзбекистон учун ҳаётий зарур бўлган инвестиция оқими яна ҳам кўчайишига олиб келади.

Инвеститция муҳитини шакллантиришда инфратузилма бўғинларининг ривожланганлик даражаси, яъни хорижий капиталнинг оқиб келишига хизмат қилувчи, қўллаб-қувватловчи ташкилотларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инвестиция муҳитининг такомиллашиб бораётганлигини таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида инвестицияларни жалб этиш инвестиция муҳитининг янада яхшиланишига, бу эса, ўз навбатида иқтисодиётнинг муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятининг кенгайтиришга замин яратади.

10-БОБ. ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ

10.1. Ички иқтисодиётда баҳолаш, солиқ имтиёзи қийматини ҳисоблаш, рискли ва рисксиз пул оқимларини қийматини ҳисоблаш

Ички иқтисодиётда баҳолаш, солиқ имтиёзи қийматини ҳисоблаш миллий валюта муносабатларини тартибга солиш, бошқариш ва такомиллаштириш масалалари, нафақат ҳозирги замон иқтисодиётининг, шу билан бирга, узоқ тарих иқтисодиётининг ҳам ўта муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлиб келган. Шу сабабли, ҳар бир тарихан шаклланган давлатнинг мустаҳкам иқтисодиётини самарали шакллантирилган миллий валюта муносабатлари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Айниқса, ушбу омилнинг таъсирчанлиги мамлакатнинг ички ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда пул оқимларини баҳолашда, солиқ имтиёзи қийматии ҳисоблашда ва ҳ.к. яққол сезилади. Шу боис, валюта муносабатлари тизимининг аҳволи мамлакат иқтисодий ривожига, унинг баҳоланишига, пул оқимларини мукаммаллашувига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатар экан, у билан боғлиқ масалаларни иқтисодиётнинг ҳар бир босқичига мос равишда хорижий ривожланган мамлакатлар тажрибасини мукаммал ўрганган ҳолда такомиллаштириб бориш тақозо этилади.

Шундай экан, бугунги кунда ички иқтисодиётни ислоҳ қилиш унинг ниҳоятда муҳим таркибий бўғини ҳисобланган халқаро молия муносабатлари тизимини ҳам замон талаблари даражасида такомиллаштириш заруриятини юзага чиқаради. Ривожланган бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда халқаро молия муносабатлари тизимини шакллантириш ва унинг негизида рискли ва рисксиз пул оқимларини чет эл

валютасида қийматини ҳисоблаш мамлакат риск премиуми, халқаро инвестицияларни амалга оширишда тўсиқлар, халқаро инвестицияларни амалга оширишдан келадиган фойда, халқаро портфель диверсификацияси, хорижий қимматли қоғозларнинг хорижий валютадаги ва хорижий валютани АҚШ доллари қийматига ўтказиш баҳолаш усуллари, солиштирма (multiples) модели, дисконтланган пул оқимларига асосланган (DCF-based) баҳолаш моделлари, иқтисодий қўшилган қиймат (EVA), тузатиш киритилган жорий қиймат (APV), ўзлик маблағи (капитали)нинг оқими (ECF – Equity Cash Flow), компаниянинг дисконтланган пул оқими (DCF) ва ҳ.к.ларни барқарорлигини таъминлашда энг зарур ва муҳим омиллардан ҳисобланади.

Айни вақтда, ички иқтисодиётда халқаро баҳолаш амалиётини илмий-услубий асосларида бир қатор муаммоларнинг ҳамон сақланиб қолинаётганлигини таъкидлаш билан бирга, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

– валюта курсини, рискли ва рисксиз пул оқимларини қийматини ҳисоблаш, халқаро инвестицияларни амалга оширишдаги тўсиқлар ва ундан келадиган фойда ёки зарар ички иқтисодиётни баҳолашга таъсирини илмий-назарий жиҳатлардаги муаммолар;

– имтиёз қийматини ҳисоблаш, портфель диверсификацияси, хорижий қимматли қоғозларнинг хорижий валютадаги қийматини ва хорижий валютани доллар қийматига ўтказиш тартибга солишдаги муаммолар ва бошқалар.

Мазкур муаммоларнинг таъсирчанлигини энг муқобил даражагача пасайтириш, айрим ҳолларда эса уларни батамом тугатиш, иқтисодий ислоҳотлар янги босқичининг ҳал қилувчи мезонининг вужудга келтиришга, миллий молиявий муносабатлар тизимини эса халқаро молия муносабатлари тизимига илғор суръатларда интеграциялашишига замин яратади.

Ҳар бир компания ўзининг инвестициялаш стратегияси, рақобат курашидаги ўз ўрнидан келиб чиққан ҳолда, инвестиция таваккалчилиги мажмуини мустақил баҳолайди ва у ёки бу мамлакатга инвестиция киритади. Кейинги ўн йилларда ривожланган мамлакатлардаги компаниялар билан саноат жиҳатидан жадал ривожланаётган мамлакатларнинг компаниялари ўртасидаги фарқлар яққол кўзга ташлана бошлади.

Ривожланган мамлакатлардаги компаниялар ғоят синчков ва пишиқлиги билан ажралиб турадилар.Улар мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий вазиятни узоқ ўрганади, таҳлил этади ва шундан кейингина бу мамлакатга инвестициялар киритиш ёки киритмаслик ҳақида бир қарорга келади. Янги саноати ривожланган мамлакатлардаги компаниялар уларга қараганда фаолроқ. Уларнинг стратегияси ҳужумкорлиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Бу компаниялар учун янги бозорларга тез кириш ҳамда у ерда етакчи мавқени эгаллаш асосий масала ҳисобланади.

Бозорга киришнинг ҳам биринчи, ҳам иккинчи стратегиясига кўплаб мисоллар киритиш мумкин. Аммо уларнинг қайси бири яхши, қайси бири ёмон деган саволга жавоб бериш қийин. Бу стратегиялар умуман бошқа-бошқа, ҳар бири мазкур мамлакатларнинг тарихий тажрибаси, бизнес олами анъаналарини, кишиларнинг менталитети (дунёқараши) асосида шаклланган.

Инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисми давлатнинг қонунчилик базасидир. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қарор топган нисбатан қисқа давр мобайнида инвестиция соҳасида ишончли меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими кўп сонли қонунчилик-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: қонунлар ва мамлакат, Президентининг фармонлари; қарорлари; республика ҳукумати қарорлари ва дастурлари; ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланишнинг

комплекс ва давлат дастурлари; ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар; вазирлик ва идораларнинг низомлари, йўриқномалари, стандартлари, қоидалари ва ҳоказо; ҳудудий бўғинлар ва хўжалик субъектлари доирасида амал қиладиган низомлар ҳамда уставлар.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида корпоратив тузилмалар фаолиятини молиялаштиришни тўғри йўлга қўйиш, пул оқимларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Пул оқимларини оқилона бошқариш асосида компанияларнинг барқарор ўсишини таъминлаш, компанияларда пул маблағларидан фойдаланиш манба ва йўналишлари, молиялаштиришнинг ташқи манбаларига боғлиқликни пасайтирувчи соф пул оқимини максималлаштириш, корхоналар пул оқимларини тартибга солиш механизми шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Пул оқимларини бошқариш муаммосига катта эътибор қаратилганига қарамай, пул оқимлари устида изланиш ишлари олиб бориш тадқиқот ўтказиш даражаси етарли бўлмаслиги пул оқимларини бошқаришнинг назарий асослари ва принципларини ўрганиш, пул оқимларини прогнозлаш ва режалаштиришни талаб этади.

Пул оқимлари муайян давр билан боғлиқ ва вақтнинг маълум моменти мобайнида пул маблағларининг жами чиқими ва кирими ўртасидаги тафовутини ўзида ифодалайди. Балки пул оқимлари пул фондларини шаклланиши жараёнининг моддий асосини ташкил қилади.

Пул оқими – бу унинг муайян вақт мобайнидаги молия-хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида жамланадиган, тақсимланадиган пул маблағлари оқимлари мажмуаси ва фаолият натижасидир.

Шу сабабли пул оқими молиявий мувозанат ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим бошқарув объектларидан бири ҳисобланади.

Шу боис, рискли ва рисксиз пул оқимларини мувозанатлаштиришга қаратилган молиявий бошқарувнинг ташкилий

тузилмаси элементлари ва уларни вақт бўйича синхронлаш молиявий бошқарув самарадорлигининг асосий омили ҳисобланади.

Пул оқимларини самарали бошқариш ТМКнинг стратегик ривожланиши жараёнида унинг молиявий барқарорлигини таъминлайди. Бундай ривожланишнинг суръатлари, ТМКнинг молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан турли кўринишдаги пул маблағларининг чиқими ва кириминиг қанчалик ўзаро синхронлашганлиги билан белгиланади.

Бу, ўз навбатида, истиқболда уларни ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий имкониятларидан бири сифатида хўжалик субъектларининг пул маблағларини самарали бошқариш орқали ички молиявий салоҳиятни оширишни талаб қилади.

Муҳим жиҳати шундаки, Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан иқтисодиёт реал сектори корхоналари зиммасига муайян вазифалар юкланади. Хусусан, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга қаратилган иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва интенсив ривожлантириш, рақобатбардошликни оширишга таъсир кўрсатмоғи лозим[115].

Пул маблағлари чекланган ва зарур ҳаётий ресурс ҳисобланган боис ТМКларда пул маблағлари чиқими ва кирими жараёнини бошқаришнинг оптимал механизмини барпо этиш муҳимдир. Бу механизм хўжалик жараёнларини зарур ҳажмда ва миқдорда пул маблағлари билан таъминлаш ва молиявий мувозанатни бошқариш йўли билан пул активларининг оптимал қолдиғини таъминлашга хизмат қилади.

---

[115] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

ТМКлар пул оқимларини бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши бу – пул оқимларини режалаштириш ва прогнозлашнинг замонавий метод ва шаклларини жорий этиш ҳисобланади. Бу ўринда пул оқимларини бошқаришнинг асосий вазифаси сифатида пул маблағларининг турлари, ҳажмлари, вақт интервалларибўйича балансланганлигини таъминлашга ва бошқа муҳим тафсилотларнинг эътироф этилишини талаб этади.

ТМКларда пул маблағлари оқимини бюджетлаштириш тизими қуйидаги бир қатор имкониятларга эгадир:

– пул активларига ялпи талаб борлиги тўғрисида адекват тасаввур ва ахборотга эга бўлиш;

– пул оқимларининг бюджет моддалари бўйича сезиларли даражада четга оғиш амплитудаси миқёсини таҳлил этиш ва аниқлаш ҳамда уларни акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигига эҳтимолий таъсирини баҳолаш;

– турли манбалардан қарз маблағларини жалб этишнинг вақт кесимида ҳажмлар ва интервалларда молиявий-эксплуатацион хусусиятдаги эҳтиёжлари тўғрисидаги ахборот;

– мажбуриятларни имкон қадар бажариш учун етарли даражада таъминланишни доимо талаб қиладиган пул оқимлари ҳажмининг хаотик ўзгаришлари доимий мониторингини ташкил қилиш.

Молиявий оқимларни таҳлил қилиш технологияси пул оқимларини бошқариш самарадорлигини оширишнинг бош омили ҳисобланади. Шунга мувофиқ ҳолда молиявий оқимларнинг босқичма-босқич таҳлили алгоритмига асосланувчи пул маблағлари ҳаракатининг дефицитсиз амал қилиши муҳимдир.

Замонавий шароитда ишлаб чиқариш технологиясининг тобора такомиллашиб бориши, кескин рақобат шароитида янги ички ва ташқи бозорларни ўзлаштиришга кундалик эҳтиёжнинг ортиши ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этишни талаб қилади. Бу ўз навбатида молиявий ресурсларни жалб қилиш, қайта

тақсимлаш ва активларга инвестициялаш жараёнига оид стратегик қарорлар қабул қилиш заруратини белгилайди.

Ривожланган мамлакатларда шаклланган молиянинг неоклассик назариясида ТМКлар капиталлари таркибини оптималлаштиришга оид анъанавий концепцияси мавжуддир. Россиялик иқтисодчилар О.А.Кузнецова ва В.Н. Лившицларнинг таъкидлашича, ушбу ёндашувга мувофиқ маълум бир станционар шароитда ТМК қийматини максималлаштириш имкониятига эга бўладиган қандайдир оптимал капиталлар таркибига эга бўлган [116]. 1958-1963 йилларда Франко Модильяни ва Мертон Миллерлар фирмаларнинг бозор қийматига молиялаштириш усуллари таъсирининг самарадорлигини тадқиқ қилганлар. Уларнинг капиталлар таркибига оид илмий қарашлари бир неча қоидаларга асосланган. Модильяни-Миллернинг назариясида кераклигича қатъий талаблар мавжуд бўлиб, ушбу талаблар асосидаги шарт-шароитларга асосланган. М.Франк ва В.Гоял [117] акциядорлик жамиятлари иқтисодий ночорлигининг улар қийматига таъсирида 2 асосий омил сифатида капиталлар таркиби ва молиявий ночорликни бошдан ўтказаётган компанияни регламентация қилувчи қонунчиликни эътироф этиб ўтишган.

Анъанавий ёндашув тарафдорлари таъкидлашича, нисбатан сезиларсиз бўлган қарз маблағлари акциянинг даромадига жиддий таъсир этмайди. Акцияларнинг даромадлилиги, яъни хусусий капиталнинг рентабеллиги қарз маблағлари қийматидан сезиларли фарқ қилмайди.

Ушбу назариянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, фирма капиталининг ўртача қиймати унинг таркибига сезиларли боғлиқдир. Капиталлар таркибининг ҳар қайси элементлари ҳисобига уни оптималлаштириш имкониятлари

---

[116] Кузнецова О.А., Лившиц В.Н. Структура капитала. Анализ методов ее учета при оценке инвестиционных проектов.// Экономика и мат. методы. 1994, Т 31, Вып. 4

[117] Frank, M. & Goyal, V. (2005). Trade-off and pecking order theories of debt.The Handbook of Empirical Corporate Finance, Elsevier Science, Chapter 12, pp.135-1999

мавжуд бўлиб, қарз капитали қийматини минималлаштириш ва уни хусусий капитал қийматидан паст даражасини таъминлаш оптималлаштиришнинг бош мезони сифатида қаралади.

Фикримизча, анъанавий назарияда хусусий ва қарз капиталидан фойдаланиш билан боғлиқ шарт-шароитлар, хатарлар қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

– қарз капиталининг барча шаклларида фиксирланган фоизлар, маълум қайтариш муддатидаги пул оқимларининг аниқ миқдори мавжуд. Хусусий капитал бўйича кутиладиган даромад меъёри стохастик тавсифга эга ва келгуси даврдаги хўжалик фаолияти натижасида олинадиган молиявий натижалар асосида молиявий ноаниклик шароитларида шакллантирилади;

– қарз капиталини жалб қилишда уни таъминланганлигини шакллантириш зарурлиги;

– акциядорларнинг қолдиқ принципи бўйича даромад олиш имкониятига нисбатан кредиторларнинг қарз маблағларини биринчи даражадаги қайтариб олиш ҳуқуқининг мавжудлиги.

Капиталлар таркибида қарз капиталларнинг салмоғини ортиб бориши молиявий дастак самараси ҳисобига хусусий капитал қийматига ижобий таъсир этади. Лекин, ликвидлилик билан боғлиқ хатарни ҳам ортиб боришининг кузатилиши эътироф этиб ўтилади.

Анъанавий назарияга мувофиқ қарз капиталининг хусусий капиталга нисбатан паст даражадаги қиймати шундай хулоса қилишга олиб келиши мумкинки, капиталнинг ўртача қийматини пасайиши қарз капиталининг салмоғини ортиши билан таъминланиб, улар томонидан капиталларни оптимал таркибини шакллантириш бўйича илмий тавсиялар тизимининг асосини ташкил этади.

Ушбу назариянинг афзаллик жиҳати шундан иборатки, унда капиталнинг молиявий таркиби, капитал қиймати ва

ТМКларнинг бозор қиймати ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

$$V = \frac{\overline{X}}{\left(\frac{D}{D+E}\right)*r_d+\left(\frac{E}{D+E}\right)*r_e} = \frac{\overline{X}}{WACC} \quad (1)$$

Демак юқоридагилардан кўриниб турибдики, фирманинг бозор қийматини максималлаштириш (V) капиталларнинг ўртача тортилган қийматини (WACC) минималлаштириш орқали эришиш мумкин.

ТМК даромадининг математик кутилиши эса $\overline{X}$ t вақт интервалидаги X(1), X(2), ... X(t) даромадларининг эҳтимолли миқдорига тенгдир. Капиталларнинг ўртача тортилган қиймати эса қарз капиталининг капиталдаги улушини (D/(D+E)) унинг қийматига(r_d) кўпайтмаси ва хусусий капиталининг капиталдаги улушини (E/(D+E)) унинг қийматига (r_e) кўпайтмасининг йиғиндисидан иборат.

Демак, анъанавий назарияда капиталлар таркибини оптималлаштириш қарз капиталини салмоғини оширилиши ҳисобига таъминланиб, оптималлаштиришнинг ягона омили сифатида қарз капитали ҳисобланиши эътироф этилади. Бундай хулоса капиталлар қийматида молиявий рискларни ҳисобга олишга оид назарий постулат ва амалий усулларга нисбатан зид ҳисобланади. Чунки, капиталлар таркибида қарз капиталининг капиталлар таркибидаги юқори салмоғи капиталлар ўртача тортилган қийматини ортиши ҳисобига ликвидлилик ва тўлов қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ молиявий рискларни ҳам ортишига олиб келади. Қарз капиталидан фойдаланишни максималлаштириш молиявий барқарорликни йўқолишига ва банкротлик рискини туғдириши мумкин.

Анъанавий назария тарафдорларининг илмий қарашлари интуитив тавсифга эга бўлиб, хусусий ва қарз капитали қийматига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олишмаган. Замонавий шароитларда қарз олиб ишлаш

аксарият тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий ночорликни эмас, балки тадбиркорликнинг бир тури ҳисобланса-да, қарз маблағларини жалб килиш имконияти иқтисодий рентабеллик чегараси билан белгиланади.

Замонавий капиталлар таркиби назариясининг асосини Модильяни-Миллер теоремаси ташкил қилиб, ушбу теорема молиявий менежментни фан сифатида шаклланишидаги фундаментал асослардан биридир. Ушбу теореманинг методологияси биринчидан, мукаммал фонд бозорларига ва капитал таркиби учун нейтрал солиқ тизимига асосланиб, ҳар қандай акциядорлик жамияти бозор қийматига унинг капиталлари таркиби таъсир этмаслиги эътироф этилади. Ушбу теорема идеал молиявий бозорлар ва нейтрал солиқ тизими каби гипотетик шароитга асосланганлиги капиталлар таркибини оптималлаштириш соҳасидаги изланишлар учун асос бўлиб ҳизмат қилади. Чунки, хусусий капитал ёки қарз капитални жалб қилиш билан боғлиқ трансакцион харажатлар, дифференциал солиқ режими ҳар қайси манбанинг қийматига турлича таъсир этади.

Модильяни-Миллернинг назариясига кўра ўзига хос қатъий талаблар қўйилган бўлиб ва бундай талаблар асосидаги шарт-шароитларга асосланган ҳолда қуйидаги хулоса ўз аксини топган:

Биринчи. Инвесторлар бозорда бир хил хулқ-атворга эга бўлиб, активлардан нисбатан тенг даромад кутиш.

Иккинчи. Мукаммал капиталлар бозорига асосланган модель жисмоний ва юридик шахслар томонидан бир хил шароитда қарз олиш имконияти.

Учинчи. Моделда ишлатиладиган қарз маблағлар қиймати доимий ва рисксиз фоиз ставкадаги даромадлар билан таъминланиши.

Тўртинчи. Моделда қамраб олинадиган барча юридик шахслар ноллик ўсиш даражасига эга ва яъни йиллик даромад доимий ва вақт бўйича чексиз бўлиши. Бунда барча даромадлар дивиденд шаклида тўланиши кўзда тутилади.

Бешинчи. Моделда қарз ва хусусий капитал қийматига нисбатан солиқ тизимининг таъсири нейтрал позицияда қаралиши.

Умуман қайд этилган шартларда Модильяни-Миллер назарияси қуйидаги қоидаларни кўтариб чиқадилар[118]:

Биринчи қоида: ҳар қандай хўжалик субъектининг (ТМК, фирма ва ҳ.к.) қиймати ва уни молиялаштириш стратегиясига боғлиқ бўлмайди (2-формулага қаралсин).

$$V_t = V_1 \qquad (2)$$

Бундай шартнинг бажарилиши алоҳида шарт-шароитлари талаб этади. Умуман олганда, ҳар қайси манбадан капиталлар шакллантирилар экан, унинг комбинацион варианти капиталнинг қийматини ўзгартира олмайди. Бундай шароитда қарз капитали ва ўзлик (хусусий) капитални жалб қилсада, уларнинг қиймати бир хил ўзгармай қолади.

Ушбу модель капиталлар таркиби назариясини кейинги ривожланишида, агар реал шарт-шароит яратилса, “Эталон” ролини ўйнаши мумкин бўлади. Аммо реал шарт-шароитни яратилиш жараёни ўта мураккаб бўлиб ҳисобланади, аксарият ҳолларда уни реал ҳаётда таъминлаб бўлмайди.

Иккинчи қоида: Капиталларни қарз маблағлари ҳисобига шакллантирувчи хўжалик субъектида (r_E , L) акциялар бўйича кутиладиган даромад меъёри фақат ўзлик (хусусий) капитал ҳисобига капиталларни шакллантирган юридик шахс (rE ,U) акциялари бўйича кутиладиган даромад меъёри билан юридик шахснинг жами қарзига хусусий капиталнинг нисбатини акциялар бўйича кутиладиган ва қарз бўйича кутиладиган даромад ўртасидаги фарқ кўпайтмасининг йиғиндисига тенг бўлади. Буни қуйидаги 3-формула орқали ифодалаш мумкин, яъни:

---

[118] Mike Dempsey. The Modigliani and Miller Propositions: The History of a Failed Foundation for Corporate finance // A Journal of Accounting, Finance and Business Studies, №3, 2014, pp.279-295

Кўриниб турибдики, активларнинг даромадлилиги (рентабеллиги) операцион фойдани жами активларга нисбатига тенглиги билан изоҳланади.

$$\text{Активлар даромадлилиги} = \frac{\text{Кутиладиган операцион фойда}}{\text{Активларнинг ўртача киймати}} \quad (3)$$

Бунда ўзлик (хусусий) капитал ҳисобига активларни шакллантиришга асос қилиб олинган бўлса, унда активларнинг рентабеллиги ўзлик (хусусий) капиталлар рентабеллигига тенг бўлади.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида идеал капиталлар бозори шароитида эса қарз маблағлари ҳисобига капиталларни шакллантириш операцион фойданинг миқдорига ва ўзлик (хусусий) капитал рентабеллигига таъсир қилмайди. Бунда қуйидаги тенглама шартлари бажарилади:

$$r = \left(\frac{D}{D+E}\right) * r_d + \left(\frac{E}{D+E}\right) * r_e = r_{E\,L} \quad (4)$$

Ушбу тенгламадан $r_{E,L}$ни аниқлаш қуйидаги ифодани шакллантириш мумкин бўлади:

$$r_{E,L} = (r_{E,U} - \frac{D}{D+E} \times r_d) \times \frac{D+E}{E} = \frac{r_{E,U} \times D}{E} - \frac{D}{E} \times r_d + r_{E,U} =$$

$$= r_{E,U} + (r_{E,U} - r_d) \times \frac{D}{E}$$

Йиллик фиксирланган даромад келтирувчи активнинг жорий қийматини ҳисоблашда икки усулдан фойдаланиш мумкин бўлади. Биринчиси, маълум даврларда C_1 кутиладиган пул оқимларини жорий қийматини аниқлаш учун дисконтлашда активлардан кутиладиган даромад меъёрига таяниш. Бу қуйидагича ифодаланади (5-формула):

$$PV_a = \frac{C_n}{1+r} \quad (5)$$

Ушбу 5-формулада фоиз меъёри фақат ушбу активларнинг иқтисодий рентабеллик даражаси олинади.

Бундан ташқари, инвестициялашнинг муқобил даромад меъёри ёки ишончли минимал рисксиз ставка r_f бўйича дисконтлаш мумкин бўлади.

Бу қуйидагича ифодаланади:

$$PV_a = \frac{C_n}{1+r_f} \quad (6)$$

Активлар бўйича кутиладиган даромадлиликни ҳисоблашда Г.Марковицнинг моделидан фойдаланиш мумкин (7-формула):

$$r = r_f + \beta\,(r_m - r_f) \quad (7)$$

(6) ва (7) формулаларни бирлаштириб қуйидаги 8-формула кўринишидаги ифодани олиш мумкин бўлади:

$$\frac{C_1}{PV_a} = 1 + r_f + \beta\,(r_m - r_f) \quad (8)$$

Бунда, β (бета) коэффициент актив даромадлилигининг ўртача бозор даромадлилиги ковариацияси ҳисобланиб, бозор даромадлилигининг дисперсиясига нисбати орқали аниқланади (9-формула):

$$\beta = \frac{\operatorname{cov}(\tilde{r}, \tilde{r}_m)}{\sigma_m^2} = \frac{\operatorname{cov}(\tilde{C}_1 / PV - 1, \tilde{r}_m)}{\sigma_m^2} \quad (9)$$

Унга асосан, актив даромадлилигининг жорий қиймати (PV_a) ҳам перспектив баҳолаш натижаси сифатида номаълум ўзгарувчан кўрсаткич ҳисобланади. Уни қуйидаги формула асосида ифодалаш мумкин бўлади:

$$\beta = \frac{\text{cov}\,(\tilde{C}_1, \tilde{r}_m)}{PV \times \sigma_m^2} \qquad (10)$$

Бунда (10) формулани (8) формулага қўйиш орқали ва у дисперсиянинг ҳар бир бирлигига тўғри келадиган риск учун кутиладиган натижа, яъни: - $(r_m - r_f) / \sigma_m^2$ тенгламани λ коэффициент билан ифодаланса унда қуйидаги 11-формулани олиш мумкин бўлади:

$$\frac{C_1}{PV} = 1 + r_f + \frac{\lambda \times \text{cov}\,(\tilde{C}_1, \tilde{r}_m)}{PV} \qquad (11)$$

(11) тенглама учун PV ни аниқлаш мақсадида қуйидаги 12-формула ҳосил бўлади:

$$PV = \frac{C_1 - \lambda \times \text{cov}\,(\tilde{C}_1, \tilde{r}_m)}{1 + r_f} \qquad (12)$$

Шакллантирилган формулаларга асосланиб, ўзлик (хусусий) капитал ҳисобига молиялаштириладиган хўжалик субъектини кўриб ўтадиган бўлсак, унда хўжалик субъектининг кутиладиган даромадлилиги давр охирида V_1 га тенг бўлиб, давр бошидан барча операцион фойдани ўзида мужассамлаштирган ҳолда Модильяни-Миллер назариясига таянган ҳолда (12) формуладан фойдаланиб қуйидаги тенгламани шакллантириш мумкин бўлади, яъни:

$$V = E + D = E = \frac{V_1 - \lambda \times cov\,(\tilde{V}_1, \tilde{r}_m)}{1 + r_f} \qquad (13)$$

Мисол учун, хўжалик субъекти r_f рисксиз фоиз ставкада D миқдорда қарз олсин. Кейинги даврда ушбу қарз бўйича харажатлар $(1 + r_f)$ D миқдорда хўжалик субъектига қўшимча молиявий юк бўлади. Хусусан, кейинги даврда хўжалик

субъекти V_1 - (1 + r_f) D миқдорда даромад олиши мумкин бўлади. Унда қарз маблағлари ҳисобига капитални шакллантирувчи хўжалик субъекти капиталининг қийматини қуйидаги 14-формула орқали аниқлаш мумкин бўлади:

$$E = \frac{V_1 - (1+r_f)D - \lambda \times \mathrm{cov}\left[\tilde{V}_1 - (1+r_f)D, \tilde{r}_m\right]}{1+r_f} = \frac{V_1 - \lambda \times \mathrm{cov}(\tilde{V}_1, \tilde{r}_m)}{1+r_f} - D \quad (14)$$

Қарз маблағлари ҳисобига капиталларни шакллантирувчи хўжалик субъектининг қийматини ҳисоблаш учун (14) формулада кўрсатилганидек, D қарз қийматини қўшиш орқали қуйидаги 15-формулани ифодалаш мумкин бўлади:

$$V = \frac{V_1 - \lambda \times \mathrm{cov}\,(\tilde{V}_1, \tilde{r}_m)}{1+r_f} \quad (15)$$

Демак, идеал капиталлар бозори шароитида капиталлар таркибини ўзлик (хусусий) ва қарз маблағлар ҳисобига шакллантириш бир хил трансакцион харажатлар мавжудлиги ҳамда солиқлар мавжуд бўлмаган шароитда унинг қийматига таъсир этмайди.

Капитал таркиби ва унинг алоҳида элементлари қийматига таъсир этувчи омиллардан бири солиқ тизими ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ тизимида қарзли молиялаштириш тизимида маълум имтиёзлар мавжуддир. Хусусан, жалб қилинган қарз капитали бўйича фоизлар фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани аниқлашда чегириб ташланади. Шу билан бир қаторда дивидендлар солиққа тортилади. Агар капиталнинг ҳар бир элементига солиқ омилининг таъсирини инобатга оладиган бўлсак, Модильяни-Миллернинг иккинчи қоидасини қуйидагича ифодалаш мумкин бўлади:

$$r_{E,L} = r_{E,U} + (1 - T_c) \times (r_{E,U} - r_d) \times \frac{D}{E}. \quad (16)$$

Ўзбекстон Республикаси Солиқ кодекси[119]га асосан қарз маблағлари бўйича фоизлар солиққа тортиладиган фойда ҳисобига амалга оширилиб, фойда солиғи базасини ҳисоблашда харажатлар сифатида олинган кредитлар бўйича фоизлар, кредит шартномасида назарда тутилган ставкалар доирасида муддати ўтган ва узайтирилган кредитлар бўйича фоизлар даромадлардан чегирилади. Инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестициялар учун олинган кредитлар ва заёмлар бўйича фоизлар, инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестициялар учун олинган, лекин муддати ўтган кредитлар ва заёмлар бўйича фоизлар чегирилмаслиги белгилаб қўйилган.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, жалб қилинган кредит ресурсларининг мақсадига қараб ҳам ўзига хос равишдаги солиқ режими амал қилади. Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 147-моддасида чегирилмайдиган харажатлар келтирилган бўлиб, унга кўра, кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар ҳам чегирилмайдиган харажатлар туркумига киритилади[120].

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими амалиётига асосланган ҳолда акциядорлик жамиятларида капиталларни ўртача тортилган қийматини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин бўлади:

$$WACC = r_д * (1 - k * T_с) \frac{D}{D+E} + r_с * \frac{E}{D+E}, \quad (17)$$

Бу ерда, δ – кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар

[119] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2016 йил, 20-боб, 145-модда
[120] Ўша ерда, 147-модда

ҳисобланиб, у шартли равишда қуйидаги ҳолатларда капиталларнинг ўртача тортилган қийматига таъсир этади.

$$k = \begin{cases} 1, & \text{агар } k_{e\%} \geq k_{\%} \\ [0,1), & \text{агар } k_{e\%} \leq k_{\%} \end{cases} \qquad (18)$$

Бу ерда, $k_{e\%}$ – тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар, $k_{\%}$ – кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалар.

Ҳозирги шароитда, пассивлар таркибида муддати ўтган кредитлар мавжудлиги кузатилаётган бўлиб, ушбу кредитлар бўйича муддатидан ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ 0,033% пеня тўланиши белгиланган. Ушбу пеняни йиллик йиғиндиси 12,045 %ни ташкил этади.

Бизга маълумки, соф фойда ҳисобига акциядорлар дивиденд олиш имкониятига эгадир. Дивиденд шаклидаги даромадлар ҳам амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортилади. Дивиденд тўлаш учун шакллантирилган тақсимланмаган фойдани қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$P_n = (EBIT - r_d * D(1 - T_D)) * (1 - T_C), \qquad (19)$$

Бу ерда, EBIT – фоизлар ва солиқлар тўлангунгача бўлган даромаддир. Агар акциядорлик жамияти қарз мажбуриятларига эга бўлмаса, бунда юқоридаги формулани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$P_n = \mathbf{EBIT} * (1 - T_C), \qquad (20)$$

Лекин ушбу формула ҳам акциядорларга тегадиган реал фойдани ўзида ифодаламайди. Акциядорлар олинган

дивидендлардан солиқ тўлашини инобатга олиб, уларга тегишли мумкин бўлган дивидендни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$P_D = (EBIT - r_d * D(1 - T_D)) * (1 - T_C) * (1 - T_S) \quad (21)$$

Бу ерда, $(1-T_C)$ тўланадиган фойда солиғи бўлса, $(1-T_S)$-акциядорлар дивидендлардан тўлайдиган соликдир.

Яратиладиган қўшилган қийматнинг тақсимланиши жараёнидаги пул оқимларидан давлат солиқлар ҳисобига манфаатдор бўлса, фойданинг маълум бир қисми эвазига акциядорлар ва кредиторлар манфаатдор ҳисобланади. Яратилган қийматни тақсимланиши билан боғлиқ пул оқимларини қуйидагича моделлаштириш мумкин:

$$CF_T = (EBIT - r_d * D) * (1 - T_C) * (1 - T_S) + r_D * D * (1 - T_D), \quad (22.)$$

Ушбу моделни пул оқимларининг ҳар бир туркумлари бўйича, яъни акциядорлар учун дивиденд манбаи бўлган тақсимланмаган фойда ва кредиторлар учун тўланган молиявий натижалар бўйича пул оқимларини туркумлайдиган бўлсак, қуйидаги ифодани олишимиз мумкин:

$$CF_T = EBIT * (1 - T_C) * (1 - T_S) + r_d * (1 - T_D) * D * \left[1 - \frac{(1 - T_C) * (1 - T_S)}{(1 - T_D)}\right]$$

Хусусий ва қарз мажбуриятларидан иборат капиталлар таркибига эга акциядорлик жамиятининг реал жорий қиймати мавжуд пул оқимларини дисконлаш йўли билан аниқланади:

$$V_L = \frac{EBIT * (1 - T_C) * (1 - T_S)}{r} + \frac{r_d * D * (1 - T_D)}{r_d * (1 - T_D)}\left[1 - \frac{(1 - T_C) * (1 - T_S)}{(1 - T_D)}\right] =$$

$$= V_U + D * \left[1 - \frac{(1 - T_C) * (1 - T_S)}{(1 - T_D)}\right]$$

Ушбу модель асосида дивидендлар, қарз инструментларидан олинадиган даромадлар ва фойдани солиққа тортиш тизимининг ўзига хос режимлари шароитида уни акциядорлик жамиятлари капиталлари қийматига таъсири бўйича қуйидаги хулосаларни тизимлаштириш мумкин:

1. Агар фойда, дивиденд ва қарз капиталларидан олинадиган даромадлар солиққа тортилмаган шароитда ($T_C=T_S=T_D=0$) капиталларни хусусий ва қарз инструментлари ҳисобига шакллантириш сиёсатига солиқ тизимининг таъсири нейтрал бўлади: $V_U = V_L$.

2. Дивиденд ва қарз инструменти учун солиқ имтиёзлари мавжудлиги шароитида ($T_S=T_D=0$) ва фақат фойдадан тўланадиган солиқлар мавжудлиги шароитида Модильяни–Миллернинг модели асосида қуйидаги ифодани олишимиз мумкин: $V_L = V_U + T_C*D$.

3. Агар дивидендлар ва қарз маблағларидан олинадиган даромадлар учун бир хил солик юки амал қилган шароитда, яъни инвестор учун акция ёки қарз инструментларини бир хил манфаат келтирганда ($T_S=T_d$) Модильяни–Миллер моделини қуйидагича ифодалаш мумкин: $V_L = V_U + T_C*D$.

Буни тенгламалар системаси орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\begin{cases} V_L = V_U, \text{ агар } T_C = T_S = T_D = 0 \\ V_L = V_U + T_c * D, \text{агар } T_S = T_D = 0 \\ V_L = V_U + T_c * D, \text{ агар } T_S = T_D \end{cases} \qquad (23)$$

Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятлари бир қатор солиқлар ва йиғимларни тўлайдилар. Ушбу солиқлар ва йиғимлардан капиталлар таркибига таъсир этувчи солиқлар сифатида фойда солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлайдилар. Жисмоний шахслар акциялар сотиб олиш эвазига дивидендли шаклдаги даромадларидан солиқ тўлайдилар.

Қайд этилган моделга мувофиқ қўшимча қарз мажбуриятларини жалб қиладиган бўлса, жамият бозор қийматининг ўзгариши қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta V = D * (1 - \frac{(1 - \rho * 0{,}07) * (1 - 0{,}15)}{(1 - 0)}) \quad (24)$$

Чунки, амалдаги солиқ қонунчилигига кўра облигациялар бўйича даромадлар солиқлардан озод қилинган ва кредит бўйича фоизлар фойда солиғи базасини аниқлашда харажат сифатида чегириб ташланади. ρ - акциядорлик жамиятлари учун солиқ ҳимоясининг тўғриланган коэффициенти ҳисобланади.

ТМКлар молиявий-хўжалик фаолиятининг ёмонлашуви уларнинг мажбуриятларини қайтара олмаслик билан боғлиқ муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Айниқса қарз мажбуриятларининг капиталлар таркибида ўсиб бориши акциядорлик жамиятлари учун иқтисодий ночорликнинг эҳтимолли ҳолатларини кўпайтиради. Иқтисодий ночорлик эса Ўзбекистон Республикаси "Банкротлик тўғрисида"ги қонунига мувофиқ — хўжалик суди томонидан эътироф этилган ёки қарздор ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи эълон қилган қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги[121] ҳисобланади.

Қарз мажбуриятларининг капиталлар таркибида кўпайиб бориши акциядорларнинг манфаатларига зид ҳолда бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам амалдаги қонунчиликка мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг соф активлари орқали уларнинг устав фонди миқдорига чекловлар қўйилган. Хусусан, агар

[121] Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонуни, 2-модда, Тошкент ш.,1998 йил, 28 август,668-I-сон

иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорларга тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати устав фондининг энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзини тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт [122] лиги белгиланган. Соф активлар кўрсаткичи, ривожланган мамлакатлар амалиётида ҳам тижорат ташкилотларининг барқарорлигини таъминлашда асосий кўрсаткичлардан бири сифатида эътиборга олинади. Соф активлар ҳеч бўлмаганда ижобий бўлиши, соф активларнинг кўрсаткичини салбий бўлиши ташкилотнинг нобарқарорлиги, яъни акциядорлик жамиятининг хусусий капиталини йўқлиги ҳамда тўлиқ кредиторларга боғлиқлигини ифодалайди. Шунинг учун ҳам соф активлар нафақат ижобий бўлиши, балки устав фондидан кам бўлмаслиги лозим.

Модильяни-Миллернинг капиталлар таркибига оид таклиф қилинган назариясида (1958 ва 1963 йилларда) компания қийматини аниқлашга таъсир этувчи барча омиллар инобатга олинмаган. Масалан, қарз капиталининг ўзига хос негатив хусусиятли жиҳатларидан бири шуки, қарз капитали бўйича қарз амортизацияси ва у бўйича ҳисобланган фоизлар акциядорлик жамиятининг молиявий хўжалик фаолияти натижаларига бевосита боғлиқ эмас. Яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам, ушбу туркум мажбуриятлар бажарилиши зарур. Ушбу ҳолат молиявий ночорлик рискини кучайтириши мумкин. Шунинг учун ҳам акциядорлик жамиятлари учун захира жамғармасини шакллантириш зарурий реквизит сифатида қабул қилинган.

---

[122] Ўзбекистон Республикасининг“ Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни. 34-модда. 20014 йил. (Қонун Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли қонуни).

10.2. Рискли ва рисксиз пул оқимлари

Риск даражасини аниқлаш хўжалик субъектларини молиявий бошқарувида муҳим аҳамият касб этади. Молиявий рискларни баҳолаш учун риск билан боғлиқ маълумотларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай маълумотлар қанчалик кўп бўлиши риск даражасини аниқроқ аниқлаш имконини беради. Рискларни пасайтиришнинг асосий усулларидан бири ахборотлаштиришдир. Молиявий менежер молиявий риск даражасини ўрганган ҳолда молиявий рискларни пасайтириш, молиявий рисклар натижасида юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларни олдини олиш орқали камайтириш ва молиявий ресурслардан фойдаланиш бўйича ишончли қарорлар қабул қилиши мумкин бўлади. Ушбу тартибда юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни баҳолаш молиявий барқарорликни ва рақобатбардошликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Корпоратив корхоналарда фаолияти давомида фойда олишни мақсад қилиб олинар экан, ушбу мақсадга эришиш йўлида улар турли даражадаги рискли ва рисксиз вазиятларда бўлишади ёки айнан шундай вазиятларга дуч келишади. Корпоратив молиянинг асосий канцепцияларидан бири бўлиб, кенг маънода риск ва даромадлилик концепцияси ҳисобланади. Яъни, риск ва даромадлилик ҳар доим ёнма-ён юради ҳамда бир-бирини такрорлайди. Айтиш жоизки, даромадлилик юқори соҳаларда риск ҳам юқори ва аксинча даромадлилик паст соҳаларда риск даражаси ҳам паст бўлади. Лекин рисксиз ҳолатларда даромадни олиш имконияти саёз бўлади. Демак, ТМКлар қандай фаолият билан шуғулланмасин ва қандай даромадлиликка эришишга ҳаракат қилмасин маълум бир даражадаги рискли ва рисксиз ҳолатларга дуч келади. ТМКлар фаолиятида рискларни баҳолаш, риск даражасини пасайтириш, шунингдек риск натижасида юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишлар миқдорини камайтириш бугунги куннинг энг асосий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу боис, ТМКлар фаолиятида рискларни баҳолаш усуллари ва уларни камайтириш ёки рисксиз фаолият юритишга эришиш муҳим бўлганлиги боис диққатни қуйидагиларга қаратиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

ТМКлар фаолиятида бошқариладиган риск ва даромадлилик бир-бирига яқин тартибга солинувчи молиявий объектлар бўлиб ҳисобланади. Ушбу иккита кўрсаткичнинг келгусидаги қийматларини аниқлаш ва баҳолаш асосий масала ҳисобланади. Маълумки, келгусида корхоналар фаолиятида даромадлилик ва риск даражасини олдиндан тўлиқ билиш ўта мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Аммо хорижий тажрибалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, келгусида эришилиши мумкин бўлган натижаларни маълум бир эҳтимоллик доирасида баҳолаш мумкин. Бугунги кунда иқтисодчи олимлар томонидан корхоналарда рискларни баҳолаш бўйича кўплаб усуллар ишлаб чиқилган, уларнинг ҳар бири диққатга молик бўлиб қолмоқда. Амалдаги усулларни иккита гуруҳга ажратиш орқали кўриб чиқиш мумкин[123]:

– рискларни баҳолашнинг статистик усуллари: даромадлиликнинг стандарт четланиши (σ); Value at Risk усули; CVaR усули.

– рискларни баҳолашнинг эксперт усуллари: рейтинг усуллари; баллик усуллар; Дельфи усули.

Рискларни баҳолашнинг усулларидан исталган биридан фойдаланиши мумкин. Ҳар бир усул асосида аниқланган молиявий риск даражаси турли хил бўлса-да, аммо миқдорий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлади. Даромадлиликнинг стандарт четланиши усули амалиётда рискларни баҳолашнинг муҳим ва тез-тез учрайдиган усуллари бўлиб ҳисобланади. Бундай усул рискларни баҳолашнинг Value at Risk усули таркибида ҳам қўлланилиб келинади. Демак, Value at Risk усули кенгроқ ва нисбатан рискларни баҳолашда аниқлилик даражаси юқори бўлади. Шу сабабли, қуйида Value at Risk

[123] Бланк И.А. Управление финансовыми рисками. М.: Ника-Центр, 2005. С. 259-261.

усулининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Value at Risk усули айрим ҳолатларда Монте Карло усули деб ҳам юритилади. Ушбу усул моҳиятини тўлароқ очиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз. Жадвалда шартли равишда қимматли қоғознинг 11 кунлик нархи ва 10 кунлик даромадлилик даражаси олинган (10.1- жадвал).

10.1-жадвал

Қимматли қоғоз сотиб олиш бўйича рискни баҳолаш[124]

№	Сана	Қимматли қоғознинг бозор баҳоси (сўм)	Даромадлилик (%)	Рискни баҳолаш
	A	B	C	D
1	24.12.2015	200	-	-
2	31.12.2015	210	5,00%	-
3	07.01.2016	215	2,38%	-
4	14.01.2016	200	-6,98%	-
5	21.01.2016	210	5,00%	-
6	28.01.2016	220	4,76%	-
7	04.02.2016	215	-2,27%	-
8	11.02.2016	225	4,65%	-
9	18.02.2016	230	2,22%	-
10	25.02.2016	220	-4,35%	-
11	03.03.2016	230	4,55%	-
12	Ўртача даромадлилик			1,50%
13	Даромадлиликнинг стандарт четланиши			± 4,42%
14	Квантил (quantile)			-0,08789
15	04.03.2016	Pt+1=210	Риск 1 кун = 20	8,8%
16	09.03.2016	Pt+5=185	Риск 5 кун = 45	19,7%

Ҳозирги шароитда қимматли қоғоз (ҚҚ)ни маълум бир миқдорда сотиб олинганда, бир ёки бир неча кундан кейин ушбу ҚҚнинг бозор қиймати энг кўпи билан қанча миқдорга

[124] Ўша ерда

арзонлашиб кетиши мумкинлигини, бунда корхона ушбу ҚҚ учун қўлланиши мумкин бўлган риск миқдори ифодаланади.

Value at Risk усули асосида аниқланадиган риск даражаси ҳақиқатга қанчалик яқин бўлиши, маълумотларнинг ишончлилиги ва кўплиги билан боғлиқдир. ҚҚ бўйича риск даражасини аниқлаш учун ўтган даврлардаги шу қимматли қоғоз бўйича камида 250 кунлик маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [125] деб айрим иқтисодчи олимлар фикр билдирадилар.

10.1-жадвал маълумотлардан келиб чиқиб қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

– ҚҚ бўйича ўртача даромадлилик $E(X)=\sum_{i=1}^{i=n} x_i p_i$=1,5%га тенг бўлган[126];

– қимматли қоғозлар бўйича ўртача даромадлиликнинг стандарт четланиши миқдори VAR(X)= $\sum_{i=1}^{i=n} p_i(x_i - E(X))^2$=± 4,42% га тенг[127]. Яъни ҚҚ даромадлилиги ҳисобот йилидан кейинги даврларда ўртача ± 4,42% атрофида фарқланиши мумкин бўлади. Ушбу миқдор рискларни баҳолашнинг стандарт четланиш усулига мувофиқ риск даражаси миқдорини англатади[128];

– квантил миқдори -0,08789 га тенг. Яъни, квантил бу риск даражасини билдиради. Квантил – бу даромадлиликнинг ўртача миқдори ва даромадлиликнинг стандарт четланиш миқдори 99% эҳтимоллик билан тўғри, 1% эҳтимоллик билан хатолик деб қабул қилинганда юзага келадиган молиявий йўқотишлар даражаси тушунилади[129].

---

[125] Jorion P. Financial risk manager (FRM) instruction manual. 3rd ed. – N.Y.: Carli Management Corporation, 2006.

[126] Финансовый менеджмент: учебник/И.Я.Лукасевич. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Эксмо, 2010. – 768 с.

[127] Ўша ерда

[128] Ушбу миқдор кўрсаткични шунингдек Microsoft Excel дастурида ячейка ичига ёки юқоридаги жадвал бўйича D13 ячейка ичига =СТАНДОТКЛОН(C2:C11) ни киритиш орқали аниқлаш мумкин.

[129] Ушбу миқдорни Microsoft Excel дастурида ячейка ичига ёки юқоридаги жадвал бўйича D14 ячейка ичига =НОРМОБР(1%;D12;D13) ни киритиш орқали аниқлаш мумкин.

Сотиб олган ҚҚнинг бир кундан кейин кутилиши мумкин бўлган минимал қиймати квантил орқали қуйидагича аниқланади:

$$P_{t+1} = (q + 1) \times P_t \qquad (25)$$

Бу ерда, P_t – қимматли қоғознинг t даврдаги қиймати; P_{t+1} – қимматли қоғознинг t+1 даврдаги квантилни ҳисобга олган ҳолда кутилиши мумкин бўлган минимал қиймати;

Сотиб олган қимматли қоғозларининг k кундан кейин кутилиши мумкин бўлган минимал қиймати квантил орқали қуйидагича аниқланади:

$$P_{t+1} = (q\sqrt{k} + 1) \times P_t \qquad (26)$$

Бу ерда, k – риск аниқланадиган давр (қисқа муддатли давр олинади), P_{t+k} – қимматли қоғознинг t+k даврдаги квантилни ҳисобга олган ҳолда кутилиши мумкин бўлган минимал қиймати;

Мисол учун, агарда корхона 03.03.2016 йилда молия бозоридан ҚҚни 230 сўмга сотиб олса (10.1-жадвал), ушбу ҚҚнинг бир кундан кейин 04.03.2016 да бозордаги баҳоси энг кўпи билан 210 сўмга тушиб кетиши, бунда риск 20 сўм ёки 8,8% бўлиши, 5 кундан кейин 09.02.2016 да эса ушбу ҚҚнинг бозордаги баҳоси энг кўпи билан 185 сўмга тушиши, бунда риск 45 сўм ёки 19,7%ни қайд этиши мумкин.

Рискни баҳолаш ҳар бир тадбиркорнинг вазиятни идрок этишига бевосита боғлиқдир. Риск даражасини тўғри танлашнинг муваффақиятлигини ёки муваффақиятсизлигини асословчи молиявий қарори билан белгиланади. Одатда янгиликларга ҳаддан ташқари интилмасдан, ҳар қандай рискдан қочиб қутилишга айрим хўжалик субъектлари ҳаракат қилиш ҳолатлари юз беради, яъни рисксиз фаолият юритишга. Бошқа бир хўжалик субъекти эса, риск юқори бўлган молиявий

қарорларни қабул қилиш йўлини маъқуллайди. Шу билан биргаликда, улар агар рискни бошқариш имкони чекланган бўлса рискдан қочишга ҳаракат қиладилар. Шу тоифадаги тадбиркорлар маҳоратларига тўла ишонсалар, улар энг қийин ёки мураккаб ҳолатларда ҳам рискли қарорларни қабул қиладилар. Рискли молиявий қарор қабул қилиш, кўп жиҳатдан, ноаниқлилик шароитида қабул қилинди, шунга ўхшаш қарорларнинг амалга оширилиши натижалари таъсири туфайли шаклланади. Агар шунга ўхшаш қарор қабул қилиш натижасида ўтган даврда зарар кўрилган бўлса, унда эҳтиёткорлик фаолият юритишга, аксинча, муваффақиятга эришилган бўлса яна риск қилишга ундайди.

Кўпчилик ҳолатларда хўжалик субъектлари рисксиз лойиҳаларни танлашига интиладилар. Лекин шу билан бирга, рискка бўлган муносабат кўп жиҳатдан инвестиция ҳажмига боғлиқ бўлади. Мисол учун хўжалик субъектининг инвестицияси 1500 млн. сўмга тенг бўлса, у учун 450 млн. сўмлик зарар жуда катта қийматдаги зарардир. Агар тадбиркор 50 млрд. сўмлик инвестицияга эга бўлса, у ҳолда 450 млн. сўм билан риск қилиш мумкин. Кўриниб турибдики, риск даражаси белгилашда кутилаётган зарарнинг қиймати билан аниқлайдилар ва риск муайян қиймат чегарасидан ўтгунга қадар қўрқмасдан риск қиладилар.

Молиявий қарорларнинг муқобил вариантларини баҳолаш жараёнида хўжалик субъекти раҳбари учун мумкин бўлган молиявий натижаларнинг истиқболини белгилаши лозим бўлади.

Агар хўжалик субъекти раҳбари ҳар бир муқобил вариант молиявий қарорларининг натижаларини аниқ билса, молиявий қарор аниқлилик тартибида қабул қилинган ҳисобланади. Депозит сертификатлари ва давлат облигацияларига қўйилган инвестицияларни бунга мисол бўла олади. Чунки бундай ҳолларда қўйилган маблағларга йиллик, масалан, 80 фоиз даромад олиниши олдиндан маълум бўлади.

Ҳозирги рискли шароитда қабул қилинган молиявий қарорларга ҳар бир олиниши мумкин бўлган молиявий натижаларнинг эҳтимоли маълум бўлган қарорлар киради. Бу ҳолда эҳтимоллик маълум воқеликлар содир бўлиши имкониятининг даражаси сифатида аниқланади ва у “0” дан “1”гача ўлчанади. Ҳамма муқобиллар эҳтимолларининг йиғиндиси “1” га тенг бўлиши лозим.

Агар амалда содир бўлиши лозим бўлган молиявий натижалар эҳтимолини баҳолашнинг имконияти бўлмаса, молиявий қарор ноаниқлилик шароитида қабул қилинган саналади. Масалан, шундай бўлиши мумкинки, ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллар шунчалик мураккаб ва янги бўлиб, улар тўғрисида етарли даражада маълумотлар бўлмаслиги ёки улар ҳаддан зиёд қиммат бўлиши мумкин. Бундай ҳолда у ёки бу натижанинг эҳтимолини етарли даражадаги ҳаққонийлик билан олдиндан айтиб беришнинг имкони бўлмай қолади. Тез-тез ўзгариб турувчи ҳолатлардан қабул қилинадиган кўпгина молиявий қарорлар учун ҳам худди шундай ноаниқлилик мансубдир.

Шундай қилиб, рискни таҳлил этишда дастлаб унинг манбалари ва сабабларини англаш лозим бўлади. Шу ўринда, қайси манбалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш ва уларга нисбатан таҳлилни мужассамлаштириш муҳимдир.

Хўжалик субъектлари фаолиятини узоқ муддатли башоратлашда ташқи рискларни таҳлил қилишга, хусусан, рақобатлик устунлигини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қиладилар. Барча хўжалик субъектлари фаолияти рақобатлилик тамойилига асосланган. Дунёда рақобат муҳити давлат томонидан тартибга солинади ва бу миллий иқтисодиёт ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун шароит яратади. Бунда, рақобат муҳитида хўжалик субъектининг фаолияти самарасиз бўлганда ундан чиқиб кетишга улар учун зарур бўлади.

Молиявий қарор бу бошқарув асосидир. Унга кўра, хўжалик субъект раҳбари бир қанча имкониятдан энг мақбулини танлайди. Риск икки қарама-қарши бўлган манфий ва мусбат натижаларнинг нисбати билан аниқланиб, хўжалик субъекти фаолиятини батафсил таҳлил қилиш асосида оқилона ишлаб чиқариш ва молиявий сиёсат бир томондан ноқулай ҳолатлар эҳтимолини камайтирса, иккинчи томондан, бундай ҳолатларнинг салбий оқибатларини камайтиради. Бундай шароитда қабул қилинган молиявий қарор хўжалик субъектининг муваффақияти рискни камайтиради ва юқори молиявий натижага эришиш имконини яратади.

Қарзли ва ҳиссали молиявий инструментларнинг сифат тавсифларидан маълумки, ТМКларнинг кредиторлари одатда фиксирланган даромад оладилар. Бунда даромадлар дивиденд шаклида бўлиб, ТМКнинг соф фойдасига боғлиқдир.

Акциядорлар юқори фойда келтирувчи рискли лойиҳаларни ҳам реализация қилишни кўзлайдилар. Фойдани максималлаштириш стратегияси дивиденд шаклидаги даромадни кўпайтириш имониятини беради. Кредиторлар эса бундай стратегия натижасида вужудга келадиган рисклар ҳисобига ўзларининг даромадларини эҳтимолли йўқотиш билан боғлиқ фаолиятни чеклашга ҳаракат қиладилар. Чунки, фойдани максималлаштириш улар даромадларининг кўпайишини таъминламайди.

Асосланмаган рисклардан қочишни таъминлаш мақсадида кредиторлар ТМКга чекловлар белгилайдилар. Бундай чекловлар одатда кредит шартномасида белгиланиб, менежерларнинг рискли лойиҳаларни реализация қилиш имкониятларини йўқотади.

Шу билан бирга, менежерлар ва акциядорлар ўртасида ҳам зиддиятлар мавжуд бўлиб, менежерлар айниқса, ТМКда ўзининг улуши жуда кам бўлган менежерлар ТМКлар ёки унинг акциядорлари манфаатлари учун ҳаракат қилмайдилар. Натижада акциядорлар томонидан менежерларнинг фаолиятини чегараловчи айрим чекловлар қўйилиши мумкин.

Бундай ҳолатда менежерлар ТМК фаолиятини ривожлантириш учун потенциал имкониятларидан фойдалана олмайдилар. ТМК капиталлари таркибида хусусий капиталнинг қарз маблағларга нисбатан салмоғини пасайиши акциядорларнинг таъсир кучини нисбатан нейтраллашувига олиб келади.

Демак, акциядорлар, кредиторлар ва менежерлар ўртасидаги зиддиятлар ҳам жамиятнинг капиталлар таркибига таъсир кўрсатади. Акциядорларнинг таъсир даражасини нейтраллаштириш мақсадида қарзли молиялаштириш стратегиясини кучайтирилиши кредиторлар томонидан чекловларнинг кучайишига олиб келади. Бу ерда акциядорлар ва кредиторларнинг акциядорлик жамияти фаолияти юзасидан чегаралаш имкониятлари бир-бирига нисбатан асимметрик тавсифга эгадир. Буни қуйидаги расмдан кўришимиз мумкин.

Акциядорлар, кредиторлар ва менежерлар ўртасидаги зиддиятларнинг ТМК қийматига таъсири ўртасида аниқ функционал боғлиқлик мавжуд бўлмаса-да, юқорида тилга олинган асимметрик ўзгаришлар ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуддир.



10.1-чизма. Акциядорлар ва кредиторларни чегаралаш билан боғлиқ харажатларни ўзаро боғлиқлиги.

Расмдан кўриниб турибдики, қарз маблағларининг капиталлар таркибидаги улуши D/A ҳисобланиб, ушбу расмда шартли равишда $0 \leq D/A \leq 1$ интервал олинган. Акциядорлар ва кредиторларни чегаралаш билан боғлиқ харажатлар D/A* нуқтада тенг бўлиб (Ss = Sc) жами харажатлар St минимал даражага тушади.

Ушбу нуқта шартли равишда капиталлар таркибининг оптимал нуқтаси ҳисобланади. $D/A \leq D/A^*$ бўлганда капиталлар таркибида хусусий капиталнинг салмоғи юқори бўлиб ($Ss \geq Sc$) бунда ТМК фаолиятини бошқаришдаги таъсир кучи юқори бўлади.

Акциядорлар ва кредиторларни чегаралаш билан боғлиқ харажатларни инобатга олган ҳолда Ф. Модильяни ва М.Миллер моделини қуйидагича кўринишда шакллантиришимиз мумкин:

$$V_L = V_U + T_C*D - VP_{bc} - S_t \qquad (27)$$

Демак, қарз маблағларини жалб қилиш ҳисобига молиялаштириш стратегиясини танлаган акциядорлик жамиятининг бозор қийматига солиқлар, банкротлик риски ва акциядорлар ҳамда кредиторлар ваколатларини чегаралаш билан боғлиқ харажатлар каби омиллар таъсир этади.

Ф.Модильяни ва М.Миллер томонидан ишлаб чиқилган моделнинг Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятлари фаолияти реал иқтисодий шарт-шароитидаги тўғри-ланган модификациясини қуйидаги модель орқали ифодалаш мумкин:

$$V_L = V_U + \sum_{i=1}^{i=5} W_i, \qquad (28)$$

Бу ерда, V_L – хусусий ва қарз капиталларидан фойдаланиш ҳисобига капиталларни шакллантирувчи акциядорлик жамиятининг қиймати; V_U – хусусий капитал

ҳисобига капиталларни шакллантирувчи акциядорлик жамиятининг қиймати; W_1 – солиқ ҳимоясининг жорий қиймати; W_2 – молиявий ночорлик харажатларининг жорий қиймати; W_3 – акциядорлар ва кредиторлар чегаралаш билан боғлиқ харажатларнинг жорий қиймати.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда мавжуд корпоратив молиялаштириш тизими ўзига хос равишдаги “Банк тизимига асосланган модель” ҳамон устуворлик қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлар “Молиявий бозорларга асосланган модель”га хос тарзда тараққий этиб бориши ва аксарият акциядорлик жамиятлари капиталларини шакллантиришда анъанавий усуллардан фойдаланилмасдан инновацион усулларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида ТМКлар учун хусусий ва қарз капиталларини жалб қилиш бизнеснинг фаолият ва тармоқ хусусиятига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда улар капиталлари таркибига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Капитал таркиби самарадорлигининг бош мезони хусусий капитал рентабеллигини ошириш ҳисобига бозор қийматини максималлаштириши лозим.

2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинаётган бир қанча фармон ва қарорлар асосида акциядорлик жамиятлари капиталлари таркибида қарз капиталларининг юқори салмоғи улар қийматининг иқтисодий рентабелликдан паст даражасида акциядорлик жамияти учун самара келтириши муҳим аҳамият касб этади.

3. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ТМКларга тенглаштирилаётган акциядорлик жамиятлари капиталлари таркиби бугунги кундаги молиявий бозорлар ва унинг инфратузилмасига ҳамда молиявий инструментларнинг қай даражада ривожланганлигига боғлиқдир.

4. Корпоратив корхоналар фаолиятини молиялаштириш тизими ўзига хос равишда “Банк тизимига асосланган

модел”дан “Молиявий бозорларга асосланган модел”ига хос тарзда тараққий этиб бораётганлигига қарамасдан ҳамон иқтисодиётнинг кимё саноатида қарз маблағларини шакллантиришда кредит инструментлари устувор аҳамият касб этмоқда.

10.3. Халқаро инвестицияларни амалга оширишдаги тўсиқлар ва ундан келадиган фойда

Инвестициянинг мақбуллигини баҳолаш танлаб олинган ва асосланган мезонга нисбатан амалга оширилади. Бундан мақсад функция f(x) экстремал қийматга эришувчи X_{jk} ўзгарувчиларнинг қийматини топиш талаб этилади, яъни:

$$f(x) = \sum_{k-1}^{K} \sum_{j=1}^{J} C_{jk} X_{jk} \rightarrow max \qquad (29)$$

Қуйидаги чегаравий шартларни инобатга олган ҳолда:

1) k-инчи объектда мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш бўйича шарт:

$$\sum_{j=1}^{J} a_{ijk} X_{jk} \leq b_{ik} \quad (i \in J_1) \qquad (30)$$

2) Инвестицион жараённинг таркибида бўлган талабга риоя қилиш бўйича мутаносиблик:

$$\sum_{j=1}^{j} X_{ijk} - \sum_{j=1}^{j} P_{ijk} X_{jk} = 0 \quad (i \ni J_2) \qquad (31)$$

3) K-кичик объектда i-чи турдаги инвестициянинг шаклланиши ва фойдаланиш бўйича шарт:

$$\sum_{j=1}^{J_1} \bar{a}_{ijk} X_{jk} + \sum_{j=1}^{J_2} P_{ijk} X_{jk} \leq 0 \quad (i \ni J_3) \qquad (32)$$

4) Ҳар бир объектда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича шарт:

$$\sum_{j=1}^{J} v_{ijk} X_{jk} - X_{jk} = 0 \quad (i \ni J_4) \tag{33}$$

5) Барча объектлар бўйича і-чи турдаги маҳсулотнинг кафолатланган ҳажмини ишлаб чиқариш бўйича шарт:

$$\sum_{R=1}^{K} \sum_{j=1}^{j_3} q_{ijk} X_{jk} \geq Q_i \quad (i \in J_5) \tag{34}$$

6) Инвестицияларни тақсимлаш бўйича шарт:

$$\sum_{k=1}^{K} \sum_{j=1}^{j_4} w_{ijk} X_{jk} \geq E_i \quad (i \in J_6) \tag{35}$$

7) Ўзгарувчан миқдорларни мусбат бўлиши бўйича шарт:

$$X_{jk} \geq 0 \qquad (\bar{X}_{jk} \geq 0) \tag{36}$$

Ушбу математик миқдорни ишлаб чиқишда қуйидаги шартли белгилардан фойдаланилди:

j-ўзгарувчилар индекси, і-чегаравий шартлар индекси, K-объектлар рақами, Xjk-k-инчи объект учун j-инчи ўзгарувчининг қиймати, X_{ik} – k-инчи объект учун і-инчи ўзгарувчининг ҳисобланган қиймати, G_{jk} – оптималлик мезонига мос келувчи j-инчи ўзгарувчининг k-объект бўйича баҳоси, Q_{ijk} – k-инчи объект учун j-инчи ўзгарувчининг бир бирлиги ҳисобига і-инчи турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш меъёри, B_{ik} – k-инчи объектни і-инчи ресурсини миқдори, P_{ijk} – k-инчи объектда j-инчи турдаги инвестициянинг і-инчи усул бўйича улуши, q_{ijk} – k-инчи объект учун j-инчи ўзгарувчининг бир бирлиги ҳисобига j-инчи турдаги товар маҳсулотнинг чиқиш коэффициенти, V_{ijk} – k-инчи объектда j-инчи ўзгарувчининг бир бирлиги бўйича і-инчи иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи қиймати, Q_i – иқтисодиётнинг барча субъектлари бўйича і-инчи турдаги маҳсулотнинг кафолатланган ҳажмини

ишлаб чиқариш қиймати, W_{ijk} – инвестиция миқдорини k объект учун ифодалайдиган j-инчи ўзгарувчининг коэффициенти, E_i – минтақанинг i-инчи турдаги маҳаллий инвестиция ҳажми, J_1 – ҳар бир объект учун масалага киритиладиган ўзгарувчилар тўплами, J_2-J_6-k-инчи объект инвестиция турларининг тўплами, J_1-J_4-инвестиция сарфланадиган объектлар ва соҳалар тўплами.

Мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари ривожланиш даражасини баҳолаш услубини амалиётда кенг қўллашнинг бозор тамойиллари ҳисобга олиниши, уларни такомиллаштиришнинг ва амалиётда қўллашнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Аммо назарий жиҳатдан қараганда, инвестицияларни амалга оширишда тўсиқлар ва салбий таъсир кўрсатувчи омиллар, қолаверса шарт-шароитлар мавжуд. Улар алоҳида олинган мамлакатда турли даражада намоён бўлади.

Шу сабабли уларни гуруҳларга ажратиш орқали таҳлил этиш муҳимдир.

Қулай инвестиция муҳити инвесторнинг у ёки бу давлат иқтисодиётига маблағ сарфлаши мақсадида шарт-шароитларнинг қулайлигини, яъни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларнинг яратилганлигини ўз ичига олади. «Ҳар бир мамлакатдаги инвестицияни амалга ошириш, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлигидадир. Худди ана шу омил чет эллик инвесторларнинг бошқа мамлакатга узоқ муддатли шартномалар асосида ресурсларни киритиш имкониятини беради»[130].

Демак, тадбиркор нуқтаи назаридан, у ўз капиталини иқтисодиётга жойлаштирмоқчи бўлган мамлакатдаги вазият инвестицион муҳит биринчи ҳолда ижобий мамлакатнинг инвестицияни амалга оширишдаги тўсиқлар ёки фойда

[130] Jo'rayev A.S. va boshq. Investitsiya loyihalari tahlili. O'quv qo'llanma — T: «Sharq» - 2003, 30-bet.

келтирадиган манфаатларни, яъни фойдани келтирса, иккинчи бир ҳолатда шундай омиллар юзага келадики, улар инвестицияни амалга оширишда тўсиқ бўлиб қолади.

Ўзбекистон юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган етарлича ривожланган саноат ва илмий-техника салоҳиятига эга. Республикада кўп тармоқли саноат салоҳияти мавжудлиги туфайли автомобиллар, самолётлар, трансформаторлар ва аккумуляторлар, турли электротехника буюмлари, электроника, лифтлар, гидронасослар, тракторлар, пахта териш комбайнларининг янги модификациялари каби илмий тараққиётга асосланган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишга эришилди. Республиканинг хорижий инвесторлар учун юқори жозибадор лигининг бошқа муҳим омили етарлича турли-туман ресурс базасининг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитининг яратилгани боис қисқа тарихий муддатда йирик хорижий инвесторлар билан кенг кўламли инвестициялар бўйича битимларга эришилган. Мазкур келишувлар асосида автомобилсозлик, нефть-кимё, электроника тармоқлари пайдо бўлди, темир йўл вагонлари ишлаб чиқарадиган ва вертолётларни таъмирлайдиган, техник ойна, ип-газлама, турли хил тикувчилик буюмлари ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар барпо этилди. Энергетика, қора ва рангли металлургия, ёнилғи ва тўқимачилик саноати ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари каби иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини техник модернизациялаш амалга оширилди.

Халқаро инвестицияларни амалга ошириш гўшт-сут маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни қайта ишлашнинг моддий-техника базасини кескин янгилашга ёрдам берди.

Маҳаллий хомашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, қайта ишловчи тармоқларнинг мамлакат саноат мажмуасидаги

солиштирма ҳажмини кўпайтириш экспортнинг янги тузилмасини шакллантиради, унда салмоқли ўрин тайёр буюмлар ва чуқур қайта ишлаш даражасига етказилган маҳсулотларга тегишлидир.

Халқаро инвестицияни амалга оширишдан келадиган фойда истиқболда миллий инвестиция муҳитини шакллантиришда инфратузилма бўғинларининг ривожланганлик даражаси, яъни хорижий капиталнинг оқиб келишига кўмаклашадиган ташкилотларнинг активлигини оширишда анча муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Бундай омилларга ишчи кучи, банклар ва молия тузилмалари томондан кўрсатиладиган хизматлар, давлат тузилмаларидаги расмиятчиликлар, ишбилармонлик муҳити, яшаш сифати ва бошқалар.

Кўпинча хорижий инвестицияларни киритишнинг асосий сабаби қилиб, қабул қилувчи мамлакатда иш кучининг арзонлиги кўрсатилади. Лекин инвестицияларни амалга оширишда саводхонлик, ишчи кучининг малака даражаси, меҳнат қилиш этикаси, меҳнат унумдорлиги даражаси, турли ижтимоий ҳаракатларнинг ишлаб чиқариш жараёнига тўсиқ бўлмаслиги лозим.

Мамлакатда жаҳон савдоси ва инвестиция соҳасида фойдаланиладиган барча молиявий инструментлар мавжудлиги ушбу соҳадаги хизматлар сифатини англатади. Инвесторлар учун мамлакатда етарли миқдорда фаолият кўрсатувчи молия институтлари ва жаҳондаги йирик банкларга тегишли филиалларнинг мавжудлиги муҳимдир. Мамлакатда жаҳоннинг йирик савдо ва инвестиция компаниялари филиалларининг фаолият кўрсатиши инвесторлар учун ишончлилик даражасини оширади.

Ҳукумат ўз инвестиция сиёсатини қандай баҳолаши муҳим эмас. Бунда катта тажрибага эга бўлган тадбиркорлар

берган баҳо муҳимдир. Инвесторлар расмиятчилик, қоғозбозлик авж олган муҳитга камдан-кам ўз маблағларини сарфлайдилар. Ҳукумат учун энг муҳими, расмиятчилик сабаб бўлиб амалга оширилиши тўхтаб қолган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, йўл қўйилган хатоликларни тузатишдир.

Инвестицияни амалга оширишда мамлакатдаги ишбилармонлик ҳаёти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу тушунча жуда кенг қиррали бўлиб, унга: адвокат, маслаҳатчиларнинг кўплиги, малакали иш юритувчилар, бухгалтерлар, меъморлар ва конструкторларнинг мавжудлиги киради. Бундан ташқари, қўшма корхона очишда маҳаллий ҳамкорнинг тажрибаси, алоқалари, меҳнатсеварлиги ва ишончлилиги ҳам ҳисобга олинади. Улардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш инвестицияларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларнинг олдини олади.

Хорижий инвесторга таклиф қилинаётган барча нарсаларда аҳолининг яшаш сифати ўз аксини топади. Аҳоли турмуш тарзи ва даромадларининг даражаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хилма-хиллиги ва меҳнат учун қилинадиган харажатлар ҳажмида инвестицияни амалга оширишдан кўриладиган фойдада намоён бўлади. Хорижий инвестор ўзи учун ишлаш, яшаш, банк ва бошқа хизмат турларидан фойдаланишда комфорт талаб қилади. Қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб қолиши лозим. Очиқ эшиклар сиёсати, қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва афзалликлар тизимини яратиш орқали инвестицияларни амалга ошириш ва ундан фойда олишга эришиш мумкин бўлади.

Инвестицияни амалга оширишдаги тўсиқларни бартараф этиш, унинг жозибадорлигини ошириш истиқболлари юзага келтирса ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бунинг учун миллий валютани тартибга солишни такомиллаштирилишига қаратилган қуйидаги чораларни амалга ошириш лозим:

– Ўзбекистон ҳудудига хорижий капитал киритишни лицензиялашни бекор қилиш, бунинг учун «Валютани тартибга солиш ва валюта назорати тўғрисида»ги қонунга тузатишлар киритиш;

– хорижий инвестицияларни (жумладан, капитал ҳаракатланиши билан боғлиқ валюта операциялари) рўйхатдан ўтказишда хабардор қилиш тартибини жорий қилиш, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

– қонун бўйича шу ҳуқуққа эга бўлган инвесторларга солиқ кредитлари ва эркинликлари беришни соддалаштириш.

Инвестицион муҳитни давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг молиявий-иқтисодий масалаларини аниқлашда валютани тартибга солишдаги мавжуд вазиятни ҳисобга олиб такомиллаштириб бориш зарур.

Ўзбекистонда экспорт ва импортни амалга ошириш операцияларини такомиллаштириш инвестицияни сезиларли амалга оширишдан далолат беради, шу боис хорижий инвестициялар жалб қилиш ва жозибадорлигини ошириш нафақат валюта захиралари миқдорининг ошишига, балки шу билан бирга манфаатдор мамлакатларни фойда ошишини ҳам таъминлайди (10.2-жадвал). Амалда Ўзбекистонда экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда айрим қийинчилик ва ортиқча харажатлар эвазига амалга оширилади. Бу борада жаҳон амалиётидаги ютуқларни ҳисобга олиб, амалиётга татбиқ этиш самарали натижалар беради.

10.2-жадвал

Ўзбекистон ҳамда айрим давлатларда экспорт ва импортни амалга ошириш хусусиятлари[131]

Мамлакатлар	Экспортни амалга ошириш учун ҳужжатлар сони	Экспортни амалга ошириш кунлар сони	Экспортни амалга ошириш учун қилинадиган сарфлар (ҳар бир контейнер учун АҚШ доллари)	Импортни амалга ошириш учун ҳужжатлар сони	Импортни амалга ошириш кунлар сони	Импортни амалга ошириш учун қилинадиган сарфлар (ҳар бир контейнер учун АҚШ доллари)
Дания	-	5	-	-	-	-
Франция	2	-	-	2	-	-
Малайзия	-	-	450	-	-	-
Сингапур	-	-	-	-	3	439
Ўзбекистон	7	80	3100	11	104	4600
Қозоғистон	11	89	3005	13	76	3055
Қирғизистон	13	64	3000	13	75	3250
Тожикистон	10	82	3150	10	83	4550
Россия	8	36	2150	13	36	2150
Молдова	6	32	1775	7	35	1895

[131] 1п1егпа1юпа1 Ғшапсе Согрогайоп. Викшекк 2009. СоиПгу ргой1е ШЪеЙ81ап. -40 Р.

10.2-жадвал маълумотлари кўрсатишича, Малайзияда товарларни экспорт қилишда бир контейнер учун 450 АҚШ доллари тўланади. Сингапурда импортни амалга ошириш учун эса ҳар бир контейнерга 439 АҚШ доллари тўланади. Мазкур кўрсаткичлар бўйича МДҲ мамлакатлари ичида, Тожикистонни ҳисобга олмаганда, Ўзбекистон юқори кўрсаткичларга эга бўлиб турибди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқаро молия корпорациясининг статистик маълумотларига қараганда [132], ҳозирда Ўзбекистонда экспортни амалга ошириш учун 80 кун талаб этилади. Товарларни экспорт қилишда бир контейнер учун 3100 АҚШ долларини сарфлаш лозим.

Экспортни амалга ошириш учун талаб этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш ва экспортни амалга ошириш харажатларини йилдан-йилга камайтириб бориш лозим. Ушбу муаммоларни ҳал қилинмаслиги, яъни талаб этиладиган ҳужжатлар сонининг кўплиги ва сарф-харажатларнинг юқорилиги экспортни амалга оширишдаги жиддий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолат республикамиздаги инвестицион муҳитга ва хорижий валюта захиралари миқдорининг ошишига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви ва жаҳон бозорига ўз маҳсулоти билан чиқишида жиддий муаммолардан бўлиб қолаверади.

Халқаро инвестицияни амалга ошириш ва ҳар бир мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш ва уни жозибадорлигини оширишни молиявий асосларини такомиллаштириш муҳимдир:

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини амалдаги 12 фоиз ставкасини тушириб бориш йўли билан эмас, балки инвестицияни қабул қилувчи субъектнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб халқаро битимларда белгилаб қўйишга эришиш, шу билан бирга, банкларни капиталлашувини ўз даромадлари ҳисобидан ҳам амалга

[132] Шегпайопа! Ғшапсе Согрогайоп. Викшекк 2009. СоиПгу ргой1е ШЪеЙ81ап. -38 Р.

ошириш мақсадида банклар учун амалдаги 22 фоизли фойда солиғини дифференциациялаштирилган ҳолда тартибга солиб бориш зарур.

2. Маълумки, ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун амалда белгиланган фойда солиғи ставкаси, сотишнинг умумий ҳажмида 15 %дан 30 %гачани ташкил этганда 30 %га, сотишнинг умумий ҳажмида 30 %дан ортиқ фоизни ташкил этганда 50 %га пасайтирилади. Мазкур корхоналар учун амалда белгиланган фойда солиқ ставкасини уларнинг ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг ҳажмидаги улуши (экспорт потенциали)га қараб 100 %га пасайтириш. Бунда тушган валюта маблағларини экспортининг ҳажмидаги улушига қараб, Ўзбекистон Марказий банки томонидан ўрнатилган курслар бўйича Республика валюта фондига мажбурий сотишдаги мажбуриятини 60 фоизга кўтариш лозим.

3.Корхоналарни қўшимча маблағлар билан таъминланишини амалга ошириш мақсадида аҳолининг бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш ва қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (масалан, уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари)да дивиденд шаклидаги оладиган даромадлардан олинадиган фойда солиғи ставкасини ҳам табақалаштиришга эришиш муҳим.

4. Миллий валютани хорижий валюталарга нисбатан конвертациясининг барқарорлигини таъминлаш ва ундаги чекловларни олиб ташлаш, валюта сиёсатини эркинлаштириш, бунда реал сектор учун жорий операцияларини ва молия сектори учун капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларини эркинлаштириш босқичларида амалга ошириш. Бунда бирламчи, жорий операциялар эркинлиги мустаҳкамлангач, молия секторини эркинлаштиришга ўтиш лозим.

5. Миллий валюта курси девальвациясини амалга оширишда ўз - ўзидан хорижий валюта курсини кўтариб қўйиш билан эмас, балки параллел равишда экспортни ривожлантиришни йўлга қўйиш ҳисобидан бажариш зарур. Экспортни ривожлантириш мақсадида, уни амалга ошириш учун талаб этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш ва экспортни амалга ошириш харажатларини йилдан-йилга камайтириб бориш билан хўжалик субъектларига максимал имконият ва имтиёзлар яратиш лозим.

6. Халқаро инвестицияларни амалга оширишда уларни жозибадорлигини ошириш мақсадида, компенсация фондларини яратиш лозим. Бу уларни маблағларини фаолияти давомида ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолларда, яъни амалиётда кўп учрайдиган (брокерлар, рўйхатдан ўтказувчилар, депозитарийлар айниқса, шартнома мажбуриятларини бажармаслик натижасида ҳамда банк ва инфратузилма институтлари) айби билан йўқотишдан кўрилган зарарларини қоплаш учун зарур бўлади.

7. Инвестицион фаолиятни ташкил қилиш бўйича жараёнларни соддалаштириш лозим. Ҳозирги пайтда мустақил ва турли жойларда жойлаштирилган резолюция ҳамда кўплаб рухсат берувчи ҳужжатлар талаб қилинади. Шунинг учун «Битта ойна» тамойилига асосланган технология яратиш лозим бўлиб, бунда тадбиркорнинг битта инстанцияга мурожаат этиши кифоя бўлиб, у нисбатан қисқа вақт (бир неча кун) ичида рухсат ёки далиллар билан изоҳланган рад жавобини олиши мумкин. Шунингдек, апелляциялар (даъво) учун мустақил институт ташкил этиш талаб қилинади.

8. Жиддий ва узоқ муддатли инвестор учун ерга эгалик қилиш масаласи принципиал ҳисобланади. Агар, инвесторга корхона қуришни режалаштираётган ер майдони тегишли бўлмаса, ушбу ер майдонидан фойдаланишни тўхтатиш хатари юқори даражада қабул қилинади. Албатта, бу ерда ер майдонлари узоқ йилга ижарага берилиши назарда тутилмоқда. Шу сабабли, ерга хусусий мулк ҳуқуқини, яъни узоқ муддатга ижарага берилишини жорий қилиш ҳақида

қарор қабул қилинишини ҳар томонлама рағбатлантириш зарур.

10.4. Капитални ўртача тортилган қиймати (WACC) ва молиявий активларни баҳолаш модели (CAPM)

Бугунги кунда ТМКлар ўз капиталида давлат улушига эга. Бундан ташкари, давлат иштирокида ҳам давлат корхоналари ташкил этилган. Шу билан бирга, бундай ТМКлар фаолиятини баҳолаш конунчиликда батафсил тартибга солинмаган, бундай баҳолаш учун аниқ мезонлар ҳам белгиланмаган. Ички иқтисодиётда баҳолаш ва уни амал қилиши учун мезонлар рўйхатини белгилаб берадиган махсус конун хужжати устав капиталида давлат улуши бўлган ТМКларнинг ошкоралигини ошириш имконини беради.

Асосий кўрсаткичлар миқдорий ўлчанадиган, улар менежменти ва ходимлари фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш учун кўлланиладиган баҳолаш мезонларидир.

Асосий кўрсаткичлардан фойдаланиш ТМКни таҳлил қилишнинг ажралмас қисми бўлиб, улардан тўғри фойдаланиш ва таърифлаш самарадорликни назорат қилишнинг ошкора механизмини таъминлайди. KPIни қўллашнинг дастлабки шарт шароитлари менежерни баҳолаш бўлиб, у бозор иқтисодиёти шароитида малакали тайёргарлик даражасига, компанияни ривожлантириш стратегиясини (ишлаб чиқариш ҳажми, фойда, рентабеллик, меҳнат унумдорлиги фонд қайтими, ва ҳ.к.) амалга оширишга қаратилган ваколатлар ва масъулиятга эга бўлиши керак. Шу муносабатда, KPI – бу шундай бахолаш тизимики, у бизнес эгаларига ва раҳбарларига унумдорлик ҳақида муҳим маълумотларни беради, ТМКларга ва манфаатдор тарафларга ўз стратегик мақсадлари ва вазифаларига қанчалик эришганликларини, ривожланиш динамикасини аниқлашга кўмаклашади.

Ўз моҳиятига кўра, KPI тизими қўйилган мақсадларни ўлчаш воситасидир. Бугунги кунда KPIни қўллаш соҳаси барча ТМКларни қамраб олади.

Ҳозирги пайтда ТМКлар фаолиятининг иктисодий самарадорлигини баҳолашда куйидаги асосий KPI энг кўп таркалган:

EBITDA (Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization) = Солиқ, солинишидан олдинги фойда + Тўланадиган фоизлар + Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

NPL (Non-Performing Loan) = 90 кундан ортик, кечиктирилган карздорлик / Кредит портфели;

ROE (Return On Equity) = Соф фойда / Ўртача йиллик акциядорлик капитали;

TSR (Total Shareholders Return) = (Акциянинг давр охиридаги нархи - Акциянинг давр бошидаги нархи + Давр давомида тўланган дивидендлар) / Акциянинг давр бошидаги нархи;

CIR (Cost Income Ratio) = Операцион харажатлар / Тушум;

ROIC (Return On Invested Capital) = Солиқлар чегирилгандан кейинги соф операцион фойда/Жами инвестицияланган капитал;

Net Debt (Соф карз) = Компаниянинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлари ва қарзлари суммаси - Пул маблағлари;

® ROCE (Return on Capital Employed) = Жалб килинган капиталнинг рентабеллиги;

WACC (Weighted Average Cost of Capital) = Жалб қилинган капиталнинг ўртача ҳисобланган қиймати.

Бундан ташқари, KPI тизимидан моддий жиҳатларга (масалан, такрорий харидлар сони билан ўлчанадиган мижозларнинг хайрихохлиги, уларга хизмат кўрсатиш сифати ва ҳ.к.) хам мухим аҳамият берилади.

Кўпчилик компанияларда барча KPI натижалари ходимлар иши самарадорлигини баҳолаш учун асос сифатида қабул қилинади.

KPI қуйидаги асосий вазифаларга мос келиши муҳимдир:

• стратегик вазифаларнинг аниқлигини таъминлаш;

• фаолият кўрсаткичларининг яхшиланиши (ёмонлашиши) ҳақида тезкор маълумот бериш;

• эътиборни талаб қиладиган критик омилларни аниқлаштиради;

• натижаларга эришишни тегишлича рағбатлантириш учун аниқ асосни таъминлаш шулар жумласидандир.

Баҳолаш мақсадлари учун молиявий кўрсаткичлар хизмат қилади.

Молиявий кўрсаткичлар ўз ичига, тушум ва соф ҳажмлари билан бир қаторда, кенг тарқалган коэффициентлар (рентабеллик, ликвидлилик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ҳ.к. коэффициентлар) тўпламини ҳам олади. Шу боис молиявий кўрсаткичларни баҳолаш фаолият самарадорлигини баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга

Амалиётда устав капиталида давлат иштирок этган кўпчилик корхоналар давлат дастурларини (маҳаллийлаштириш, инвестиция дастурлари, янги иш ўринларини яратиш ва ҳ.к.) амалга оширишга жалб этилади. Шу боис, бундай корхоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун корхонанинг давлат дастурларини бажариш бўйича иш самарадорлигини акс эттирувчи тегишли кўрсаткичларни бундай баҳолашга киритиш ўринли бўлади.

Умуман олганда, самарадорликни баҳолашда ҳар бир кўрсаткичнинг муҳимлилик даражасини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Самарадорликни баҳолашда қўлланилиши мумкин бўлган ҳар бир кўрсаткич бўйича натижаларни ўлчаш учун мақсадли (прогноз) қийматни - корхона нимага интилиши кераклигини ҳамда олинган ҳақиқий қийматни аниқлаш зарур бўлади (одатда фоиз ифодасида кўрсатилади).

Баҳолаш механизмларини самарали жорий этиш мақсадида баҳолаш кўрсаткичларини бизнес-режа таркибига киритиш мақсадга мувофиқ.

Умуман, KPI тизими оркали компания жорий фаолияти ҳақида ишончли, тезкор, долзарб ва зиддиятсиз ахборотни

қўлга киритиш ва бундай ахборот қўйилган максадларга эришилиш даражасини баҳолаш имконини беради.

Давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари устидан жавобгарликни ўз зиммасига олмайди ва рискнинг оқибатлари уларнинг зиммасига тушади.

Рисксиз бизнес бўлиш мумкин эмас. Риск ТМКнинг фаолият юритиш бўйича қарор қабул қилиш маҳсулидир.

Айтиш жоизки, рискка нуқтаи назардан таъриф бериш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Рискни талқин қилиш, унинг синоними адабиётларда турлича талқин қилинмоқда. Айтиш жоизки, "риск" сўзи испанча – португалча сўздан олиниб, "сув остидаги қоя" деган маънони билдиради. В.Кузнецов "риск" бу "кутилган молиявий даромад хавф-хатари" деб таъриф беради, В.Черкасов томонидан "риск – ишлаб чиқарувчининг муаяйн ҳолати" деб таъриф билдирилади. Умуман олганда риск – бу иқтисодий, молиявий жиҳатдан зарар кўриш, кўзланган даромадни (фойдани) йўқотиш эҳтимолидир.

Рақобат муҳитига бардош бериш учун ишлаб чиқариш жараёнига техникавий янгиликларни жорий этиш заруриятини туғдиради. Бу эса рискни кўпайтиради.

Бундай ҳолда рискни баҳолаш ва унинг натижасида кутилаётган зарарларни олдини олиш муҳим ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида рискларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

– ишлаб чиқариш риски;

– тижорат риски;

– молиявий риск.

Биринчи риск тури ишлаб чиқариш риски маҳсулотлар, товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш билан ёки ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳар қандай турини амалга ошириш билан вужудга келиш сабабларининг энг муҳимлари:

– ишлаб чиқариш ҳажмининг кўзда тутилган даражасидан пасайиши;

– моддий ёки бошқа харажатларнинг ўсиши;

– юқори даражадаги (орттирилган) солиқларни ва бошқа ажратмаларни тўлаш ва ҳ.к. бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи риск тури ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган товарлар, маҳсулотлар ва хизматларни сотиш жараёнида вужудга келади. Бундай риск – тижорат риски деб ҳам аталади. Бу рискнинг сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) бозор конъюнктурасинннг ўзгариши натижасида савдо ҳажмининг камайиши;

б) маҳсулотларни сотиш баҳосининг кўтарилиши;

в) сотиб олиш ҳажмининг кўзда тутилмаган ҳолда пасайиши;

г) муомала жараёнида маҳсулотларнинг кўпайиб кетиши ва бошқалар.

Учинчи риск тури молиявий риск – бу молиявий институтлар ўртасида муносабатларда вужудга келадиган рисклардир. Молиявий риск, аксарият ҳолларда, у қарз маблағларининг ўз маблағларига муносабати (нисбати) билан баҳоланади. Масалан, қарз маблағларининг ўз маблағларига нисбати қанча юқори бўлса, шу даражада ўз фаолияти давомида кредиторларга боғлиқ бўлиб қолади. Шунга мос равишда молиявий риск ҳам шунча юқори бўлади, чунки кредитлашнинг тўхтатилиши ишлаб чиқариш жараёнини тўхтаб қолишига сабаб бўлади.

Ҳозирги шароитда ички иқтисодиётда баҳолаш, солиқ ва имтиёз қийматини ҳисоблашни тизимли моделлаштириш орқали узоқ муддатларга прогноз қилишнинг илмий асосланган стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш иқтисодиётни ривожлантириш учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифани қанчалик тўғри ва аниқ бажариш иқтисодиётни ривожлантиришнинг прогнозли баҳолаш талабларига боғлиқ. Прогнозли баҳолаш талабларини бошқариш, асосланганлик мақсадлари учун керакли ва белгиланган муддатларини аниқлашдан иборат.

Мамлакат иқтисодиётининг оқилона ички тузилмавий таркибини ташкил қилиш унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини,

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа ривожланишини тартибга солишнинг ташкилий ва иқтисодий механизмларини такомил-лаштиришни назарда тутади.

Мана шу муаммоларни ҳисобга олиб, ички иқтисодиётда баҳолашни моделлаштиришнинг аниқ вазиятли таҳлил ва муҳокама қилиш имитация туридан фойдаланишни талаб этади. Чунки имитацион модель – бу, ўрганилаётган тизимнинг машина имитацияси жараёнида фойдаланишга мўлжалланган миқдорий моделидир (10.2-чизма).



10.2-чизма. Ички иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ҳолатини аниқ вазиятли таҳлил ва прогноз қилиш схемаси.

Иқтисодиётда баҳолаш мавжуд ресурслар таркибини прогноз қилиш иқтисодий ривожланиш субъектлари солиқ ва имтиёз тақдим этиш суръатига мос келиши ёки келмаслигини билиш учун қўлланилади.

$$C_{tn}=\sum_{v=1}^{n} C_{tv}^{n} \qquad (37)$$

Бу ерда, C_{tn} – солиқларнинг t-йилда v ставкаси, n – турлари бўйича сони. Солиқларнинг ставкаси бўйича ҳисобга олиш, уни ўрганиш кўп тадбирларни, жумладан, корхоналарда пул оқимини ва инвестицияларни жалб этиш, рискли ва рисксиз пул оқимларини режалаштириш, нафақаларни белгилаш, истеъмол буюмларини уларнинг турлари бўйича ишлаб чиқариш, молиявий ресурслар ҳажмини аниқлаш ва ҳ.к.лар учун зарур.

Ресурсларни прогноз қилиш корхоналарнинг молиявий потенциали иқтисодиёт тармоқларида самарали жалб этилганлигини билиш учун муҳим.

$$P_t^{mr}=P^m + (N+\sigma\sigma) + ИЧ \qquad (38)$$

Бу ерда, P_t^{mr} – молиявий ресурслар манбалари; P^m – жалб этилган ресурслар ҳажми; $N+\sigma\sigma$ – мавжуд ресурсларнинг ишлатилмай қолган қисми ва имтиёзлар; ИЧ – ишлаб чиқаришга жалб этилган маблағлар.

Корхоналарни молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжига қараб ишлаб чиқариш ташкил қилинади. Ишлаб чиқаришнинг муқобил усулларини танлаш учун, бозор шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозор хизматлари, нобозор хизматлар соҳаларига эътибор қаратиш зарур.

Бу соҳалар молиявий бозор, истеъмол бозори, ишлаб чиқариш ресурслари бозори ва меҳнат бозори билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш, шу жумладан, молиявий ресурслар ҳаракати моделини ташкил қилади:

$\frac{dX}{dt} = F_x$ (X, U, C_u, C, t) – ишлаб чиқариш ресурслари, шу жумладан, молиявий ресурслар ҳаракатининг дифференциал тенгламаси;

Бунда: $Y = F_y$ (X, C_u, C, t) – кузатиш кўрсаткичлари;

$U=F_U$ (X, U, C_u, C, t) – субъектнинг стратегик хатти-ҳаракати кўрсаткичлари; $C_u = F_c(t)$ – вазиятли ҳолат шартлари; $X(0)=X_0$ – бошланғич шартлар (ахборотлар базаси).

Бу ерда, X-координатанинг фазовий вектори, ҳудуднинг ресурс ҳолатини характерлайди;

Y– ривожланиш кўрсаткичлари вектори;

V– ривожланишнинг вазиятли ҳолати тузилишини бошқарувчи кўрсаткичлари;

(β_1, β_2, ..., β_m) ва (α_1, α_2, …, α_m) – ресурсларнинг тақсимланиши;

C_u – вазиятдан келиб чиққан ҳолатнинг тузилиши; C – ўзгармас модель.

Бунда ишлаб чиқариш функциясидаги омилларнинг самарадорлиги функциянинг ҳар бир ўзгарувчи бўйича биринчи тартибли ҳосила функцияси билан аниқланади.

$$\frac{dAt}{dt} = U_{(t)} - K_{(t)} \qquad (8)$$

Бу ерда, $U_{(t)}=U_1(t)+ \ldots+U_m(t)$ – ишлаб чиқариш ресурслари, шу жумладан, молиявий ресурслар фонди;

$K_{(t)}=K_1(t)+ \ldots+K_n(t)$ – ресурсларнинг вақт бирлиги бўйича сарфланиши ўз навбатида $K_i(t)= \alpha_i(t)$ A(t)га тенг.

$\alpha_i(t=1,2\ldots,n)$ – вақт бўйича ўзгариш коэффициентлари.

Иқтисодий ривожланиш фаолиятини босқичма-босқич даврларда (ой, чорак, ярим йиллик, йиллик) кўриниши қуйидагича ифодаланган:

$$Y_T=\int_{to}^{10+T} y(t)dt \qquad (39)$$

Интеграл кўрсаткич ҳудуд миқёсидаги кўрсаткич бўлиб, айрим ҳудудларнинг самарадорлик даражаси бўйича рейтингларини аниқлаш имконини беради.

Халқаро молиявий тузилмаларнинг халқаро бозорлардаги кучли рақобат муҳитига мослаша олиши ва бозорларда ўз ўрнига эга бўлиши бугунги кунда мураккаб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундай масалаларни ҳал этиш халқаро молиявий тузилмаларнинг харажатларини минималлаштириш ва рақобатбардошликни оширишга бевосита боғликдир. Халқаро молиявий институтларда капиталдан фойдаланганлик

учун амалга ошириладиган харажатлар энг муҳим омилларидан биридир. Бундай харажатларнинг миқдори уларнинг келгусида жалб қиладиган молиявий ресурслар миқдорига ва кўрсаткичларига тўғридан-тўғри таъсир этади. Капитални жалб қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар тўғридан-тўғри капитал баҳосига боғлиқ. Шундай экан, капитал баҳосини минималлаштириш халқаро молиявий институтларнинг иқтисодий барқарорлигининг ошишига ва бу эса бизнес қийматнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Бундай ҳолда, ҳар бир халқаро молиявий институтларда капитал баҳоси ва ундан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис капитал баҳосининг иқтисодий моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Капитал баҳоси аниқ халқаро молиявий институтда бир бирлик капиталдан маълум бир муддатда фойдаланганлик учун амалга оширилган харажатлар бирлиги тушунилади. Капитал баҳосининг бирлиги бўлиб, коэффициент ёки фоизлар бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида ҳеч бир нарса йўқки, конкрет субъект учун текинга тушса. Ҳар бир нарса ва буюмнинг ўз қиймати борки, агарда бундай субъектлар ундан фойдаланса, унинг эгасига белгиланган миқдорда ҳақ тўлайди. Шундай экан, капиталнинг ҳам баҳоси мавжудки, ТМК молиявий директори ёки молиявий менежери капиталдан фойдаланганлик учун капитал эгаларига белгиланган меъёрда ва муддатларда ҳақ тўлаб туради. Демак, шу ўринда айтиш лозимки, капитал баҳоси ТМК фаолиятида фойдаланилаётган капиталнинг молиявий менежер учун қанчага тушаёт-ганлигини ўзида ифодалайди.

Узоқ муддатли активларни баҳолаш модели CAPM (Capital Asset Pricing Model) қимматли қоғозларни унинг риск даражасига асосланиб, оқилона қийматини аниқлаш имконини беради. Ушбу модель ўтган асрнинг 50-йилларида Гарри Марковиц томонидан яратилган бўлиб, унинг асосий моҳияти молиявий воситаларнинг диромадлилик даражасини унинг

риск даражаси билан бевосита боғлиқлигини намойиш қилиш билан белгиланади. Риск қанча юқори бўлса, даромадлилик ҳам шунча юқори бўлади. Ўз навбатида, агар қимматли қоғознинг риск даражаси аниқ бўлса, унинг даромадлилик меъёрини прогноз қилса бўлади ва бунинг акси, агар бизга даромадлилик маълум бўлса, унда рискни ҳам аниқлаш имкони бўлади. Ана шундай ҳисоб-китобларнинг барчаси узоқ муддатли активларни баҳолаш модели орқали аниқланади.

Мисол учун, тасаввур қилинг, Х акция Ү акцияга нисбатан юқори рискка эга. Шунингдек, агар Ү акция йиллик 40 фоиз даромад келтирадиган бўлса, ўз-ўзидан маълум бўладики, Х акция бундан кўпроқ даромад келтириши лозим. Агар Х акция 40 фоиздан кўпроқ даромад келтирмаса, унда бу акциядан бемалол воз кечса бўлади, яъни бундай юқори риск юқори даромадга эга эмас.

Ривожланган капитал бозори шароитида *CAPM* моделини қўллаш юқори даражада асосли натижани беради. Бунинг учун ТМК акциялари фонд биржасида муомалада бўлиши лозим.

ТМКларда молиявий активларни баҳолашда САРМ модели муҳим аҳамият касб этиб, бунда алоҳида активнинг бозор портфели рискига (қайсида фақат тизимли риск мавжуд) муносабати рискини баҳолаш воситаси сифатида Стэнфорд университети профессори Уильям Шарп таклиф қилган бета-коэффициент ўрганилади. САРМ – бир омилли модель, у аниқлайдиган ягона омил диверсификация билан бартараф этиб бўлмайдиган рискка мукофот – бозор риски. Назарияда бозор даромадлилиги ва бозор рисклари бозорнинг барча рискли активларини ўзида мужассамлаштирган портфель орқали баҳоланади. Амалиётда бозор портфели фонд бозори(локал ёки глобал) активлари орқали тузилади ва фонд индекслари динамикасида таҳлил қилинади. У.Шарп атамасига кўра, тизимли риск катта миқдордаги инвестицияга, тизимсиз риск эса фақат берилган активга таъсир этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, амалиётда рисклар диффе-ренциацияси бир маъноли эмас, бир ҳодисанинг ўзи ҳам

специфик ҳам умумий таъсир этиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, диверсификацияланмаган инвесторларга ҳам САРМ моделинини фақат модификацияланган кўринишда, аниқ инвестицион вариант риски назарда тутилаётганда, қўллаш мумкин. Шуни унутмаслик керакки, бета-коэффициент рискни ўлчашнинг қулай усули бўлиб, марказлашган бозорларда капитални диверсификация қилиш имконига эга. Акциядан кутилаётган даромаддан умумий стандарт четланиши, бозорларнинг диверсификацияланмаган ва оз диверсификацияланган инвесторларга сегментация-ланганда мақбулдир. Шундай қилиб, кумулятив капитал қурилиши диверсификацияланмаган инвестор ёки капитални диверсификация қилиш имконига эга бўлмаган мамлакатлар учун ягона ҳисобланмайди.

CAPM моделига мувофиқ оддий акциялар бўйича рисклар тизимли ва тизимсиз рискларга бўлинади. Тизимли рискларга шартли равишда молия бозорларидаги қочиб бўлмайдиган рисклар киритилади. Акциялар бўйича тизимсиз рисклар эса унинг эмитенти фаолият хусусиятлари ва вазиятидан келиб чиқади. Уларни диверсификациялаш йўли билан камайтириш мумкин.

*CAPM*да тизимли риск β деб номланувчи коэффициент ёрдамида баҳоланади. Бу коэффициент қиймати баҳоланаётган қимматли қоғоз билан боғлиқ бозор рискини ўлчашга хизмат қилади.

Шунда оддий акциялар ёрдамида капитал жалб қилишнинг қиймати *кС CAPM* модели ёрдамида қуйидаги формула билан аниқланади:

$$k_S = R_F + \beta_S(R_M - R_F)$$

Бу ерда, R_F – рисксиз фоиз ставка (масалан, давлат облигациялари бўйича)

R_M – даромадлиликнинг ўртача бозор ставкаси (масалан, фонд индекси даромадлилиги);

β_C – қимматли қоғоз билан боғлиқ тизимли бозор риски.

β коэффициент –1 дан +1гача ораликда фонд бозорида котировкаланувчи корхоналар акциялари учун статистик таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. Улар биржа бюллетенларида, ахборот агентликлари ва инвестицион компаниялар таҳлилий шарҳларида, бизнесга доир нашрларда ва бошқаларда чоп этилади.

Муомалага янги чиқарилган акциялар қийматини баҳолашда эмиссион харажатларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Шуни айтиш лозимки, агарда β >1 бўлганда ТМК капитал баҳосининг келаётган даврда ошиши кутилади, агарда β =1 бўлганда ТМК капитал баҳоси келаётган даврда жорий даврдаги каби ўзгаришсиз қолади, агарда β <1 бўлса, ТМК капитали баҳоси жорий даврдагига қараганда камайиши кутилади.

10.5. Капиталнинг ўртача тортилган қиймати (WACC) орқали ички пул оқимларини қийматини ҳисоблаш ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар хусусияти

Маълумки, корпоратив тузилмаларда капитал хусусий капитал ва қарз капиталига ажратилади. Хусусий капиталининг ўзи ҳам капитал баҳосини ҳисоблаш нуқтаи назардан оддий акция ва имтиёзли акция эмиссияси ҳисобига шаклланадиган хусусий капиталга ажратилади. Қарз капитали ҳам капитал баҳоси нуқтаи назардан банк кредитлари, облигациялар, кредиторлик қарзлари каби капиталларга бўлинади. Ҳар бир капиталнинг ўз баҳоси бўлиб, корпоратив тузилмаларда ушбу капиталлар баҳосидан келиб чиққан ҳолда капитал баҳосининг ўртача тортилган қиймати – WACC (Weighted average cost of capital)ни аниқлаш талаб этилади. WACCни аниқлаш учун ТМКдаги ҳар бир капиталнинг баҳосини аниқлаш лозим бўлади.

Имтиёзли акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси, деб бир бирлик имтиёзли акция бўйича жалб қилинган

капиталдан фойдаланганлик учун тўланаётган дивиденд суммасига айтилади. Маълумки, имтиёзли акция учун қатъий фоизларда ҳар йиллик ўзгармас миқдорда дивидендлар тўланади. Шунинг учун ушбу акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Rps = D_{ps} / P_0 – F$$

Бу ерда,

R_{ps} – имтиёзли акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси,

D_{ps} – имтиёзли акция бўйича дивиденд суммаси,

P_0 – имтиёзли акциянинг жорий даврдаги бозор баҳоси,

F – акцияни эмиссия қилиш билан боғлиқ харажатлар, агарда имтиёзли акциялар эмиссияси бир йилдан ортиқ бўлган давр олдин қилинган бўлса, F = 0 бўлади.

Оддий акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси ҳам бир бирлик оддий акция бўйича жалб қилинган капиталдан фойдаланганлик учун тўланаётган дивиденд суммасига айтилади. Аммо оддий акция бўйича дивиденд суммаси миқдори имтиёзли акцияники каби қатъий миқдорда бўлмайди, яъни бунда дивиденд суммаси ТМКнинг йиллик соф фойдаси миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. ТМКнинг йил охирида қанча миқдорда соф фойдага эришишини олдиндан 100 фоиз аниқ билиб бўлмаганидек, акция бўйича дивиденд миқдорини ҳам аниқ билиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда оддий акция бўйича хусусий капиталнинг баҳосини аниқлашнинг бир қанча моделлари мавжуд. Биринчи модель дивидендларнинг ўзгармас модели ҳисобланади. Яъни оддий акция бўйича ҳар йиллик дивиденд миқдори бир хил бўлади, деб қабул қилинади ва $D_0=D_1=D_2=D_n=const$ (D - дивиденд) бўлади. Бундай ҳолатда оддий акция бўйича хусусий капитал баҳоси худди имтиёзли акция бўйича хусусий капитал баҳоси каби аниқланади.

$$Re = D_0 / P_0 – F$$

Бу ерда, R_e – оддий акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси, D_0 – оддий акция бўйича дивиденд суммаси, P_0 – оддий акциянинг жорий даврдаги бозор баҳоси, F – акцияни эмиссия қилиш билан боғлиқ харажатлар, агарда оддий акциялар эмиссияси бир йилдан ортиқ бўлган давр олдин қилинган бўлса, F = 0 бўлади.

Иккинчи модель дивидендларнинг бир хил миқдорда ўсиш модели бўлиб ҳисобланади. Яъни оддий акция бўйича ҳар йиллик дивиденд миқдори бир хил g миқдорда ўсиб боради, деб қабул қилинади ва $D_1=D_0\times(1+g)$, $D_2=D_0\times(1+g)2$, $D_n=D0\times(1+g)n$ ёки $D_t+1=D_t\times(1+g)$ бўлади. Бундай ҳолда оддий акция бўйича хусусий капитал баҳоси қуйидагича аниқланади.

$$Re = D_0 \times (1+g) / P_0 – F +g$$

Бу ерда, g – дивидендларнинг ҳар йилги ўсиш суръати.

Учинчи модель капитал активларни баҳолаш модели бўлиб ҳисобланади, яъни CAPM (Capital Asset Pricing Model). Ушбу модель асосан инвесторлар активларини молия бозоридан акциялар сотиб олишга йўналтирганда унинг акциялар бўйича кутилаётган даромадлиликни баҳолашда фойдаланилади. Бунда ушбу модель бир томондан, акция бўйича даромадлиликни ифодаласа, бошқа томондан капитал баҳосини ифодалайди ва қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$R_e = R_f + \beta \times (R_m – R_f)$$

Бу ерда, Re – инвестор эгалик қилаётган оддий акциянинг даромадлилик даражаси ёки инвестор инвестиция киритган ТМКнинг оддий акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси, Rf – таваккалчиликсиз даромадлилик даражаси, β – тизимсиз риск даражаси, Rm – молия бозоридаги

ўртача даромадлилик даражаси (ёки жорий даврда корпоратив тузилма акциясининг даромадлилик даражаси).

Шуни айтиш лозимки, агарда β >1 бўлганда ТМК капитал баҳосининг келаётган даврда ошиши кутилади, агарда β =1 бўлганда корпоратив тузилма капитал баҳоси келаётган даврда жорий даврдаги каби ўзгаришсиз қолади, агарда β<1 бўлса, ТМК капитали баҳоси жорий даврдагига қараганда камайиши кутилади.

ТМКда бир бирлик қарз капиталидан фойдаланганлик учун амалга ошириладиган харажатларни аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Буни қарз капитали баҳосида кўришимиз мумкин ва бу қуйидаги формула асосида аниқланади:

Қарз капитали баҳоси = Қарз капиталидан фойдаланганлик учун харажатлар миқдори / Қарз капитали миқдори – қарз олиш билан боғлиқ харажатлар миқдори × (1– Фойда солиғи ставкаси)

Қарз капитали баҳосини аниқлашда фойда солиғи ставкасининг таъсирини ҳисобга олишнинг мазмуни шундан иборатки, қарз капитали бўйича ҳисобланадига фоиз суммаси фойда солиғи базасини камайтиради ва бу, ўз навбатида, корпоратив тузилма зиммасига тушаётган солиқ юки даражасини пасайтиради. Шундай экан, корпоратив тузилма айнан қарз капиталидан фойдаланганлиги учун фойда солиғи базаси фоизлар суммаси миқдорида камайтирилади ва бунинг натижасида қарз капитали баҳоси ҳам солиқ ставкаси миқдорида камайтирилади. Демак, фойда солиғи ставкасининг миқдори қарз капитали баҳосининг ўсишига тескари пропорционал боғланишга эга. Шу сабабли ҳам хорижий иқтисодчи олимлар томонидан қарз капитали хусусий капиталга нисбатан арзон тушади, деган фикрлар юритилади. Шу ўринда айтиш жоизки, қарз капиталининг хусусий капиталга нисбатан арзон тушиши қарз капиталининг молиявий ричаг самарадорлигига ҳам боғлиқдир.

ТМКлар фаолиятида турли шаклдаги қарз маблағлари шаклланиши мумкин экан, бунда ҳар бир шаклдаги қарз

капиталининг баҳоси ҳам турлича бўлиши мумкин. Масалан, кредиторлик қарзлари ҳисобидан шаклланган капиталнинг баҳоси пастроқ бўлади, яъни ТМК фаолияти учун энг арзон маблағлар бўлиб ҳисобланади.

ТМКларда шаклланган умумий капиталнинг баҳосини аниқлашда юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, WACCдан фойдаланамиз.

Капитал баҳосининг ўртача тортилган қиймати (WACC) корпоратив тузилмаларда умумий капиталнинг бир бирлигидан фойдаланиш учун сарфланадиган харажатлар миқдорини ўзида ифодалайди. Демак, ТМК молиявий менежерининг олдидаги асосий вазифалардан бири капитал баҳосини минималлаштиришдир. Капитал баҳоси қанча паст бўлса, корпоратив тузилманинг келгуси ривожи учун шунча ижобий аҳамиятга эга.

10.3-жадвал

Капитал баҳосининг ўртача тортилган қийматини аниқлаш тартиби*

№	Кўрсаткичлар	Капитал миқдори (млн. сўм)	Капитал баҳоси (%)	Капитал улуши (%)	Капитал баҳосининг ўртача тортилган қиймати (%)
		-	R_i	K_i	$WACC = R_i \times K_i$
1	Оддий акция эмиссияси ҳисобига шаклланган капитал	100	25	40	10
2	Имтиёзли акция эмиссияси ҳисобига шаклланган капитал	20	20	8	1,6

10.3-жадвалнинг давоми

3	Узоқ муддатли қарзлар ҳисобига шаклланган капитал	70	20	28	5,6
4	Қисқа муддатли қарзлар ҳисобига шаклланган капитал	35	25	14	3,5
5	Кредиторлик қарзлари ҳисобига шаклланган капитал	25	5	10	0,5
Капитал баҳосининг ўртача тортилган қиймати, WACC (%)					21,2

* Манба: шартли мисол сифатида олинди.

Капитал баҳосининг ўртача тортилган қиймати моҳиятини масалани ишлаш орқали ёритиш мумкин бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда ТМКларда капитал баҳосининг ўртача тортилган қийматини аниқлашга доир масалани кўриб чиқамиз (10.3-жадвал). Жадвалда келтирилган маълумотларга мувофиқ, капитал баҳосининг ўртача тортилган миқдорини 7-формулага мувофиқ қуйидагича аниқлаймиз:

$$WACC = \sum R_i \times K_i = 25\% \times 40\% + 20\% \times 8 \text{ фоиз} + 20 \text{ фоиз} \times 28 \text{ фоиз} + 25\% \times 14\% + 5\% \times 10 \text{ фоиз} = 21{,}2 \text{ фоиз}.$$

Капитал баҳосининг ўртача тортилган қийматини аниқлаш ТМК раҳбарлари, шунингдек, молиявий менежер учун қуйидагиларда муҳим аҳамият касб этади:

– ТМКларда келгуси даврларда режалаштираётган умумий рентабеллик даражасининг минимал миқдори WACC миқдоридан кам бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим. Акс

ҳолатда корпоратив тузилмаларнинг харажатлари даромадларидан ошиб кетиши мумкин;

– ТМКларда капитал баҳосининг ошиб кетишига таъсир кўрсатувчи молиялаштириш манбаларидан молиявий ресурслар жалб қилишни камайтириш ва аксинча капитал баҳосини камайишига таъсир кўрсатувчи молиявий ресурслардан кўпроқ жалб қилишга катта эътибор қаратиш лозим;

– ТМКларда ҳисоблаб чиқилган WACC миқдори инвестицион лойиҳалар рентабеллик (ёки фойдалилик) кўрсаткичи билан таққослаш мақсадга мувофиқдир. Агарда инвестицион лойиҳанинг рентабеллиги WACC миқдоридан юқори бўлса, ТМК ўз капиталини ушбу инвестицион лойиҳага йўналтириши мумкин ва бу орқали корпоратив тузилма нисбатан кўпроқ фойдага эришади;

– ТМКларда ҳисоблаб чиқилган WACC миқдор кўрсаткичидан айрим ҳолатларда молиявий менежер томонидан бошқа лойиҳаларнинг келгусидаги даромадлари ва харажатларини жорий даврга дисконтлаш ҳамда ТМКларнинг бизнес қийматини аниқлаш мақсадида ҳам дисконт ставка сифатида фойдаланиши мумкин.

Бугунги кунда ТМКларнинг бизнес қийматини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. ТМКнинг бизнес қиймати деганда, ТМКлардаги мавжуд активлар миқдори билан эмас, балки ТМК фаолиятининг келгусида амалга оширадиган харажатлар ва улар бўйича олинадиган даромадларнинг жами суммасини жорий даврга дисконтлаш орқали аниқланиши тушунилади.

ТМКнинг бизнес қиймати шундай қийматки, ушбу қийматда ТМК молия бозорида сотилса, ТМК таъсисчилари фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди. Демак, ТМК таъсисчилари бундай ТМКни сотиши учун ТМК бизнес қийматидан юқорироқ нархга сотишга ҳаракат қилади. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда акциядорлик жамиятлари томонидан чет эл инвестицияларини жалб қилиш шароитида уларнинг капитал баҳоси минимал бўлиши ва бизнес

қийматининг юқори бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ТМКларга чет эл инвестицияларининг кириб келишига муҳим ижобий аҳамият касб этади.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, ТМК капитал баҳосини аниқлаш бизнес самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. ТМК молиявий менежери ТМК капитал тузилмасини шундай шакллантириш керакки, унинг натижасида капитал баҳоси минималлашиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, ТМКлар бизнес қийматини максималлаштиришга хизмат қилади.

11-БОБ. ХАЛҚАРО СУҒУРТА БОЗОРИ ВА СУҒУРТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

11.1. Халқаро суғурта операцияларининг иқтисодий моҳияти ва халқаро бозордаги ўрни

Халқаро муносабатларни, шу жумладан, халқаро молиявий муносабатларни ривожланиши, барқарор молия ва валюта операцияларни барқарор топишини таъминлашда, халқаро молиявий институтларни интеграциялашувида халқаро суғуртанинг аҳамияти беқиёс каттадир. Чунки халқаро молия муносабатлар негизида юзага келадиган операцияларни муваффақиятли якунланишига суғурталаш жараёнлари асосий ўрин эгаллайди. Шунингдек, халқаро иқтисодиётнинг интеграциялашув жараёнларида халқаро ташкилотлар, шу жумладан, суғурта компанияларининг ролини алоҳида эътироф этиш аҳамиятлидир.

Халқаро савдо ташкилоти, халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Халқаро савдо ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Халқаро Меҳнат ташкилоти ва шу каби халқаро молия институтлари ҳамда етакчи мамлакатлар раҳбарлари ва молия вазирларининг ҳар йили бўлиб ўтиладиган учрашувларининг халқаро муносабатларни, шу жумладан, халқаро суғурта муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Халқаро суғурта компаниялари орқали макроиқтисодий сиёсатнинг ягона мезонлари ҳар томонлама ҳимояланиб борилмоқда. Валюта-кредит, солиқ, ташқи иқтисодий фаолият, бандлик соҳаси бўйича қўйиладиган талабларнинг бирхиллашуви юз беришини таъминланишида, халқаро рақобат қоидаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда суғурта компанияларининг иштироки ва роли ошиб бормоқда.

Бу жараёнлар қанчалик жадал суръатларда амалга оширилган, замонавий жаҳон иқтисодиёти тўлов глобал ҳолатда фаолият юритмаслиги бу жараёнларда содир бўлиши мумкин бўлган рисклар билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган рисклар билан боғлиқ бўлиши, суғурта компанияларини бундай рисклардан уларни ҳимояланишини таъминланишини зарурият даражасига кўтармоқда. Тўғри халқаро суғурта компаниялари глобаллашув жараёнларида содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни уларни ҳимоялашни дастлабки босқичларини бошдан кечирмоқда.

Бундай ҳолатнинг мавжудлиги суғурта компанияларини ҳам жаҳон бозорига интеграциялашуви агарда ўтиш босқичидаги давлатлар эътиборга олинса, у узоқ муддатли жараён бўлиб ҳисобланади.

Халқаро молиявий операцияларни барқарорлигини таъминлаш бундай операциялардан йўқотишларни олдини олиш, халқаро молия бозори иштирокчиларининг даромадларини равон ўсишини таъминлашда халқаро суғурта компанияларининг роли тобора ошиб бормоқда.

Халқаро суғурта компаниялари, биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини амалга ошириш мақсадида ҳамкорликда иш тутиши, уларни миллий бозорларга ҳам киришига имконият яратиб бермоқда. Масалан, 1992 йилдаги Маастрихт шартномасига асосан, Европа мамлакатларида хорижий капитални чеклаш бўйича тўсиқларни олиб ташланиши ва Европада ягона суғурта бозорини шакллантиришга қаратилган тадбирлар фикримиз далилидир. Шундай бўлса-да, миллий суғурта бозорлари ўз қонуниятлари негизида ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолмоқда. Ўзига хос бундай хусусиятлар биринчидан, суғурта соҳасининг таркиби ва таклиф этилган суғурта ҳимоясининг турларини шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқдир. Масалан, ҳаётни суғурталаш, суғурта бўйича йиғиладиган бадалларнинг 4/5 қисмини ташкил этса, бу кўрсаткич Европада 1/5 қисмини

ташкил этиб келмоқда[133]. Бундай нисбий фарқланишнинг асосий сабаби давлат томонидан ижтимоий ҳимоя паст бўлган мамлакатларда, аҳолининг пенсия таъминотини миллий қонуниятлар асосида ҳар бир мамлакатнинг ўзи ҳал этиши билан боғлиқ бўлмоқда.

Айтиш жоизки, XX1 асрнинг илк йилларида фақат АҚШда 9130 дан ортиқ суғурта компаниялари фаолият юритиб, уларнинг суғурта тўловлари аҳоли жон бошига 2334 ЭКЮни ташкил қилган эди[134].

Мамлакатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий, молиявий, суғурта ва кредит муносабатлардаги алоқалар ҳар томонлама муносабатлар тизимига ўтиши кенг тус олмоқда.

Халқаро суғурта муносабатлари – бу суғурталашнинг жаҳон хўжалиги ва миллий хўжаликда амал қилиш ҳамда хўжаликлар фаолияти натижаларининг узлуксиз суғурталаниши орқали уларни ҳар қандай салбий ҳолатлардан ҳимоялаш билан боғлиқ бўлган муносабатлардир.

Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, жаҳон бозорининг пайдо бўлиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, хўжалик юритишнинг халқаро тизими шаклланиши ва хўжалик алоқаларининг мустаҳкамланиши ва ҳимояланиши кенг асоси бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий-молиявий ҳамкорлик тизимида қабул қилинишича, суғурта ташкилотлари ихтисослашган ва ихтисослашмаган асосда ўз фаолиятларини ташкил этишлари мумкин. Ихтисослашмаган суғурта ташкилотлари суғуртанинг бир неча турлари бўйича ўз фаолиятларини олиб борадилар. Ихтисослашган суғурта ташкилотлари иккитадан ортиқ бўлмаган йўналишларда ихтисослашган ҳолда фаолият олиб борадилар. Халқаро суғурта гуруҳлари қуйидаги икки хилга бўлинади: узоқ ва қисқа муддатли умумий суғурта турлари.

---

[133]Ваҳобов А. ва бошқ. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик /Муал. А. Ваҳобов, Н.Жумаев, У.Бурхонов. – Т.: Шарқ, 2003. – 347-б.

[134]Ўша ерда, 347-б.

Узоқ муддатли суғурта турлари етти хил суғурта йўналишларини қамраб олади (11.1-чизма).



11.1-чизма. Узоқ муддатли суғурта турлари

Юқоридаги узоқ муддатли суғурта турларидан бошқа халқаро амалиётда ўзига хос суғурта йўналишлари мавжуд (11.2-чизма).

Энг анъанавий суғурта турларидан бўлган ҳаётнинг аралаш суғуртасининг бундай номланишига сабаб, унда 3 хил суғурта жавобгарлиги мужассамлаштирилганлиги бўлиб ҳисобланади. Мазкур суғурта турида шартномада кўрсатилган ёшга етиб, охирги бадал тўлангандан кейин суғурта компанияси қоплама пулини тўлайди. Қоплама ишсизлик ва вафот ҳодисаларини четлаб ўтмайди. Ҳаётнинг аралаш суғурта шартномаси эса 1 ойдан 6 ойгача, 1 йилга, 3 йилга, 5 йилга, 10, 15 ва 20 йилга тузилади.



11.2-чизма. Узоқ муддатли суғурта туларидан бошқа халқаро суғурталашнинг асосий йўналишлари

Юқоридаги 11.1-11.2-чизмаларда келтирилган суғурта турлари моҳиятини очиб бериш учун уларнинг қўлланиш соҳалари билан танишиш муҳим аҳамиятга эга.

Болалар ва никоҳ тўйи суғуртаси бўйича шартнома тузилган кунда боланинг ёш 15 дан ошмаган бўлиши керак. Боланинг ота-онаси, бошқа қариндош-уруғлари, фарзандликка

олган шахслар бундай шартномалар тузиши мумкин. Касаллиги туфайли 1 гуруҳ ногиронлари билан суғурта шартномаси тузилмайди. Никоҳ суғуртасининг асосий мақсади никоҳ тўйига қадар шартномада кўрсатилган суғурта маблағи йиғилиб, тўй арафасида уни суғурталанувчига топшириш ва унга бу тантанали тадбирни амалга оширишда ёрдам кўрсатишдир. Бадал миқдори суғурта пулига мос равишда бўлади ва пулнинг суғурта муддатидаги ойларга тақсимлаш йўли билан аниқланади. Агар 21 йилдан кейин никоҳ тўйи ўтказилмаса, ўтган ҳар қандай тўлиқ йил учун суғурта пулининг 3 фоиз ҳар бир тўлиқ ой учун эса 0,25 фоиз миқдорида тўланади.

Тиббий суғурта тури суғурта ҳодисаси рўй берганда даволаниш харажатларини қоплаш мақсадида суғурталанувчилардан олинадиган бадаллар ҳисобидан шакллантирилган фойда маблағларидан моддий ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилади. Шу боис тиббий суғурта мажбурий ва ихтиёрий кўринишларга эгадир.

Бунда фуқароларни пенсияга суғурта қилиш – суғуртачи билан суғурталанувчи ўртасида шартнома тузишдан бошланади. Бундай шартномалар 25 йилдан 60 йилгача эркаклар ва 20 дан 55 йилгача бўлган аёллар билан фақат уларнинг фойдасини кўзлаб тузилиши мумкин. Шунингдек, қўшимча пенсияга суғурталанган фуқаро эса фақат суғурта муддати давомида ҳамда қўшимча пенсия олиш даврида бахтсизлик ҳодисаларидан ҳам суғурталанган ҳисобланади. Пенсияга чиққангача ўтган давр суғурта муддати деб эътироф этилсада, бу муддат тугагач (агар суғурта шартномаси бўйича ҳамма бадаллар тўланган бўлса), суғурталанувчи пенсия ёшига тўлгандан сўнг, уларга умрлари охиригача қўшимча пенсия тўланиши таъминланади.

Халқаро суғурта муносабатларида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, нафақат ҳаётни аралаш суғурталаш қоидалари асосида амалга оширилади, балки алоҳида суғурта сифатида ҳам амалга оширилади. Суғурта шартномаси амал қилган

даврда суғурта ҳодисаси содир бўлиб қолса, у ҳолда текшириш ўтказилади ва ҳужжатлар асосида суғурта қопламасининг миқдори аниқланади. Суғурта битимининг муддати тугаса, бахтсиз ҳодиса содир бўлиши муносабати билан суғурта қопламаси тўланса, суғурталанган шахс вафот этса, суғурталанган шахс доимий ишлаш учун чет элга кўчиб кетса, суғурта битими бекор қилинади. Шу боис халқаро амалиётда суғурта компаниялари бахтсизлик ҳодисалари сабабини чуқур ўрганиш ва уни аниқлаш мақсадида суғурталанувчининг мутахассис шифокор ҳузурига бўлиб тиббий кўрикдан ўтиши зарур бўлади.

Халқаро ҳаракатда бўлиши мумкин бўлган юкларни суғурта қилиш учун суғурта компаниялари юридик ва жисмоний шахслар, юкни жўнатувчилар, юкни қабул қилиб олувчилар билан битим тузиши ва суғурталашга доир асосий кўрсаткичлар келтирилиши шартдир. Уларни содир этилиши мумкин бўлган барча ҳодисалардан суғурталаниши ҳам зарур бўлади. Суғурта битимлари юзасидан жавобгарлик юк омбордан жўнатиш учун олингандан бошланади ва бутун йил давомида юкларни ортиш ва уни тушириб, қайтадан ортиш, омборда сақлаш, юк қабул қилувчининг омборига ёки суғурта гувоҳномасида кўрсатилган охирги пунктдаги белгиланган манзилга етказиб берилгунга қадар амал қилади.

Амалдаги анъаналарга кўра халқаро тажрибаларга таянилган ҳолда транспорт воситаларнинг ихтиёрий суғуртаси ўзининг 4 хил объектга эгадир (11.3-чизма).

Зарурий маълумотлар аҳолига тегишли мол-мулкни, яъни иморатлар, уй-жойлар, квартиралар, ҳайвонларни суғурта қилиш учун аниқланади. Бунда солиқ идоралари маълумотларидан ажратилган ер участкаларини хусусийлаштирилган турар-жой фондини аниқлашда фойдаланилади. Суғурта қопламасини тўлашда иморатнинг шикастланиш даражаси тўлиқ аниқланиши лозим. Унда нафақат 1-қаватда уни таъмирлаш харажатлари қопланади, балки иморатни сақлаб қолиш учун кетган харажатлар ҳам бевосита қопламага қўшиб тўланади.



11.3-чизма. Транспорт воситаларининг ихтиёрий суғуртаси.

Шунинг билан бирга айтиш жоизки, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида суғурталовчиларнинг фаолияти турли хил ташкилий шаклларда бўлади (11.4-чизма). Турли давлатларда суғурта жамиятларини тузишда турли хил ташкилий-ҳуқуқий шакллардан амалиётда фойдаланилади. АҚШ ва Германияда ҳиссадорлик жамиятлари, Францияда ўзаро суғурта жамиятлари, Буюк Британияда эса суғурта ассоциациялари иш олиб бормоқда.

Италия ва Испанияда кооператив суғурталаш амалиётда кенг қўлланилмоқда, Германия, Буюк Британия, Франция ва Японияда давлат капитали иштирокидаги суғурта компаниялари фаолият юритмоқда.

Айтиш жоизки, бундай суғурта тузилмалари халқаро соҳада майдонга чиқадилар. Мисол учун, Германиянинг “Гермес”, Францияниг “Кофасе” компаниялари шулар жумласидандир. Уларнинг шаклланиши ва фаолияти маълум меъёрий далолатномалар ва махсус давлат суғурта назорати органлари томонидан тартибга солиниб борилади.

Бунда диққатга молик томони шундаки, Германиянинг “Гермес”компанияси давлат суғурта компанияси бўлиб, турли мамлакатлар билан тузиладиган битимларда компанияларнинг рискларини суғурталаш алоҳида ўрин тутади.



11.4-чизма. Суғурталовчиларнинг фаолият турлари ташкилий шакллари.

Франциянинг “Кофасе” компанияси давлат суғурта компанияси бўлиб, Франциядан экспорт жўнатмаларини амалга оширишга йўналтирилган кредитларни суғурталашни назарда тутади.

Шунингдек, халқаро суғурта бозори бир неча суғурта ташкилоти ташаббуси билан шаклланиб, бир шаҳар, мамлакат миқёсида эмас, балки бир неча мамлакат доирасида, халқаро суғурта бозори сифатида шаклланади ва қайта суғурталаш тадбирларини амалга оширишга ёрдам беради. Суғурталовчининг қайта суғурталашга бўлган эҳтиёжлари жуда катта бўлганлиги учун ўзига катта рискни олувчиси бўлса-да, етарли даражадаги захира фондлари бўлмаган суғурта ташкилотларига объектив ёндошган ҳолда уларга қайта суғурталашни ривожлантириш учун нафақат шарт-шароит, шу йўл билан уларнинг молиявий аҳволларини барқарорлаштиришга имконият яратиб берадилар.

Айтиш жоизки, кенг ҳажмдаги қайта суғурталаш – бу ўзлари қабул қилган рискнинг маълум бир қисмини суғурталаш томонидан бошқа суғуртачилар – қайта суғуртачиларга топширилишидир.

Бунда бир рискнинг ўзи бир неча қайта суғуртачиларга топширилиши мумкин. Қайта суғурталашга қабул қилинган рискни қайта суғуртачи ҳам бошқа қайта суғуртачига топшириши мумкин. Бу операция ретроциссия қайта суғурталовчи эса — ретноцеспер деб юритилади.

Шунингдек, суғуртачига қабул қилинган рискларини бошқа ихтиёрий суғурта компанияга қайта суғурталашга бериш эса факультатив қайта суғурталаш усули деб айтилади. Бунда рискни қайта суғурталашга бериш орқали суғуртачи ўз фойдасига комиссион пулдан бир қисмини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Факультатив қайта суғурталашдан фарқли ўлароқ, облигаторли қайта суғурталаш усули мавжуд бўлиб, бундай усулда қайта суғуртачи ва қайта суғурталанувчилар орасида битимли муносабатларнинг бўлиши назарда тутилади. Қайта суғурталаш битими юридик ҳужжат бўлиб, томонлараро муносабатларни ва ўрнатилган шарт-мажбуриятларни аниқ ифодалайди.

Халқаро амалиётда бундай битимлар нисбий ва тескари нисбий гуруҳга бўлинади. Биринчиси, квота ва экспидент ўз ичига олса, унда иккинчиси жиддий зарарлари битимли ва экспидент зарарли битимларни ўз ичига олади.

Халқаро суғурта амалиётида бу усуллардан аралаш ҳолда фойдаланиш ҳам мумкин.

Ҳозирда халқаро суғурта муносабатларида энг содда ва оддий қайта суғурталаш битими турларидан бири квота битими бўлиб ҳисобланади. Ушбу қайта суғурталаш усулида суғурталовчи рискни қайта суғурталашга, топширилаётган аниқ ёки аралаш турдаги рискларни қабул қилинган квота асосида топширади. Бунда битимлар қайта суғурталовчининг

квота миқдори, зарарларни қоплашдаги иштироки, лимити ва шу каби ҳолатлар кўрсатиб ўтилади.

Қайта суғуртачи рискни қайта суғурталашга топшириришда, ўзига маълум бир миқдордаги пул маблағини сақлаб қолса, унда бундай жараён эксидент битими деб эътироф этилади. Қайта суғурталаш суммаси эса суғуртанинг йирик риск турига қараб белгилаб олинади.

Суғурта портфелини катта зарар ва кутилмаган зарарлардан ҳимоя қилишнинг энг кенг тарқалган усули бўлиб эксцедент зарари битими ҳисобланади. Бундай суғурта ҳодисаси юз бергандан кейин амалга оширилади. Бунда аниқланган зарар суммаси суғурталанган суммадан кўп бўлиши лозим.

Агар компания ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, цедентнинг ортишига молиявий зарарларни келтириб чиқармаслигини таъминлайдиган бўлса, унда ушбу битим эксцедент зарарли битими ёки стоп лосс усули деб эътироф этилади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида суғурта инсоният тарихининг тадрижий ривожланиши босқичларида молиявий муносабатларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳозирда суғурта бозорининг инновацион ривожланиши жадал ўзгаришлар қамровида кечаётганлиги суғурта компаниялари фаолияти ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг асосий сегменти ҳисобланади. Айни вақтда, бевосита суғурта компаниялари халқаро молия муносабатларининг равнақига ҳам хизмат қилмоқда. Шу билан биргаликда қайд этиш лозимки, суғурта фаолияти ўзига хос тарзда шаклланган, барқарорлик омил сифатида намоён бўлмоқда. Шу боис ҳам ҳозирда дунё суғурта бозорининг ривожланиши анъаналари ва истиқболи билан боғлиқ муаммоли омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбулардан келиб чиқиб, халқаро суғурталаш тизимининг моҳиятини тушуниб етиш ва илмий-амалий кўникмаларга эга бўлиш муҳим масалалар сирасига киради.

Дунё суғурта бозори ривожланишида 2021-2030 йиллар мобайнида мўътадил ўсиш башорат қилинмоқда, АҚШнинг реал ялпи ички маҳсулоти эса, евро ҳудуди ва Буюк Британияга қараганда бироз жадал ўсиши кутилмоқда.

Ривожланаётган бозорларда иқтисодий ўсиш прогнози эътиборга олинган ҳолда умумий суғурта маҳсулотларига бўлган талаб ошишига омил бўлмоқда. Шу билан биргаликда ҳаёт суғуртасида қатор муаммоларга дуч келиш мумкинлиги ҳам қайд этилмоқда. Бу ҳолатнинг юзага келишига асосий омили сифатида одатда паст фоиз ставкалари қўлланилиши сабаб бўлганлиги таъкидланмоқда. Шунга қарамасдан, кейинги икки йил давомида глобал бозорда ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари 4% га ошиши ва ушбу анъана ривожланаётган бозорларга хос эканлиги намоён бўлмоқда[135].

2021 йилга қадар дунё иқтисодиётининг ўртача даражада мўътадил ривожланиши кутилмоқда. Ривожланаётган давлатлар ялпи ички маҳсулоти келгуси икки йил мобайнида тахминан 5% га ўсиши тахмин қилинмоқда, бу ҳозирги 4% даражасидаги кўрсаткичдан яхшироқдир.

Истиқболда глобал иқтисодиётнинг қуйидаги асосий муаммолари мавжудлиги кузатилмоқда:

– Хитойда иқтисодий ўсишининг пасайиши:

– нархларнинг бозор баҳоси тушиши;

– Forex (инг. Foreign Exchange) фонд бозорларида валюта курсининг кўтарилиши.

Муаммолар асосий прогнозлар ўз исботини топишига таҳдид солиши мумкин, аммо ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмайди. Иқтисодий прогнозни такомиллаштириш ва пул-кредит сиёсатида кутилаётган ҳажм ўзгариши АҚШ ва Буюк

[135] Seifert C. Insurance Predictions for 2016.//Market intelligence. -2016. URL: http://marketintelligence.spglobal.com/our-thinking/ideas/insurance-predictions-for2016

Британияда давлат заёмларининг рентабеллигини ошириши мумкин[136].

11.1-жадвал

Дунёнинг асосий бозорлари ва ҳудудларида тўғридан-тўғри суғурта мукофотларининг ўсиш динамикаси[137]

Мамлакатлар ва минтақалар	йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
АҚШ	3,2	3,0	3,8	1,8	1,3
Канада	2,7	1,9	2,7	0,8	2,3
Япония	7,7	0,3	2,5	2,8	1,0
Австралия	5,7	1,0	-0,1	0,7	2,1
Буюк Британия	-1,8	1,9	2,3	1,3	2,2
Германия	2,5	2,9	2,6	1,7	0,
Франция	0,1	0,3	0,7	1,0	1,4
Италия	-6,1	-3,0	-3,0	-1,8	1,5
Ривожланган бозорлар	2,1	2,0	1,7 (2)	1,8	1,7
Ривожланаётган бозорлар	8,0	6,3	5,6	7,9	8,7
Бутун дунё бўйича	3,2	2,8	2,5 (2)	3,0	3,2

Дунё суғурта бозорида кейинги йилларда умумий суғурта маҳсулотларига бўлган талабни ўсиши кутилади. Ривожланган бозорлар кўрсаткичларининг ўсиши нархлар эгилувчанлиги ва иқтисодий ўсиш заиф-сезиларли эмаслиги туфайли секинлашиши кутилмоқда.

Шунга қарамай, рисклар трансформацияси (қайта суғурталаш) баҳосидаги пасайиш кейинги икки йил давомида ишлаб чиқариш рискларини қайта суғурталашдан олинадиган даромадларнинг камайишига олиб келди. Кўчмас мулк

[136] Insurance Market Outlook // Munich Re Economic Research. - 2016. URL:https://www.munichre.com/site/corporate/get/params_E1754367884_Dattachment/1189728/Insurance-Market-Outlook-2016-2017_en.pdf

[137] Seifert C. Insurance Predictions for 2016.//Market intelligence. -2016. URL: http://marketintelligence.spglobal.com/our-thinking/ideas/insurance-predictions-for2016

рискларини қайта суғурта қилиш ставкалари ҳозирги кунда энг паст нуқтага яқинлашмоқда, бизнеснинг аксарият йўналишларида мўътадил нарх пасайиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса, нарх-наво самарасиз бўлиб қолади. Бахтсиз ҳодисалардан ҳамда муайян рисклардан суғурталаш бўйича ёндашувларда бозор, ва ҳатто ишбилармонлик тармоғига боғлиқ равишда сезиларли фарқ бўлиши мумкин[138].

Ҳаётни суғурталовчилар дунё иқтисодий ўсиш прогнозлари шуни кўрсатмоқдаки, кузатилаётган барқарор паст фоиз ставкалари, молиявий бозорлардаги ўзгарувчанлик ва уни тартибга солишдаги ўзгаришлари туфайли қисқа ва ўрта муддат давомида бизнеснинг сезиларли даражада қисқариши тахмин этилмоқда. Шунга қарамай, ривожланган бозорларда суғурта мукофотларининг ўсиши юз беради. Бундай ўсишлар қисман мобил қурилмалар ва булутли технологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилди.

Глобал суғурта гуруҳлари фаолият фаоллашуви орқали энг қулай амалиётлар жорий этилиши суғурта бизнесининг сифати ҳамда қамрови яхшиланишига омил бўлиши мумкин.

Жаҳон суғурта бозори ривожланишининг узоқ муддатли истиқболига тўхталадиган бўлсак, кейинги ўн йил ичида фундаментал ўзгаришларга дуч келиши кутилмоқда. Замонавий технологиялар, катта ҳажмдаги маълумотлар, паст фоиз ставкалари, шубҳасиз, ўз изларини қолдирадиган омиллардандир.

Рисклар трансфери ва трансформацияси бўйича янги суғурта маҳсулотлари ҳамда бизнес жараёнларининг такомиллашган моделлари тақдим этилиши сўнгги йилларда дунё суғурта бозорида мўътадил ўсиш анъанаси юзага келишига омил бўлмоқда.

XXI асрнинг учинчи ўн йилларида суғурта хизматларига бўлган талаб ривожланаётган мамлакатлар бозорларида,

---

[138] Окорокова О.А., Улыбина Л.К. Зарубежный и отечественный опыт развития страхового рынка //Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. –2012.– № –С. 667-675.

айниқса, бу кўрсаткич Осиё бозорида юқори даражада сақланиб қолиши кутилмоқда, чунки бу минтақа мамлакатларида даромад ва хавфсизлик даражаси ўсиши прогноз қилинмоқда. Айирбошлаш курси талабларини инобатга олган ҳолда, статистик маълумотлардан фойдаланиш натижасида суғурта бозорининг ўртача йиллик ўсиши таъминланади.

11.2. Ўзбекистон суғурта бозорини дунё суғурта бозоридаги ўрни

Ўзбекистон суғурта бозори дунё суғурта бозорида сезиларли ўринни эгалламасада, жадал ва барқарор ривожланиш анъанасига эга эканлиги билан ажралиб туришини билган ҳолда кўникмаларга эга бўлиш муҳимдир. Ҳозирда суғурта молиявий хизматлар бозорида инвестицияларни ривожлантиришга қаратилган муҳим институтлардан бири саналади ва бутун мамлакат иқтисодиётини молиялаштиришнинг омили сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёни дунё миқёсида жадал ривожланиш анъанаси кузатилаётган қатор мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро боғлиқлиги умумий халқаро иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини оширди. Умуман, мавжуд корпоратив иқтисодий тузилмалар ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнларининг халқаро даражадаги интеграцияси иқтисодий ривожланиш жадаллашуви учун қулай шарт-шароит яратди.

Жаҳон суғурта бозори глобаллашуви жараёни унинг ривожланишида асосий йўналишларини ўзида намоён этмоқда. Хусусан, XXI асрнинг дастлабки йилларида қуйидагиларни кузатилаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин:

– суғурта капиталларини бирлашиши бу жараёнда суғуртачилар ва қайта суғуртачилар ўзаро бирлашиб кетиши ва кўп миллий суғурта компанияларининг ўзаро қўшилишлари натижасида глобал суғурта бозорининг кенгайиб бораётганлигини;

– халқаро суғурта, банк ва молия капиталининг ҳамкорлиги ва трансмиллий суғурта компаниялари шаклланишини;

– суғурта рискини бошқаришнинг муҳим омили сифатида рисклар тадқиқига эътибор ортишини;

– суғурта хизматларини истеъмолчиларга сотишда интернет тармоғининг ролини ортиб бораётганлигини;

– хорижий суғуртачилар фаоллашуви натижасида Европа, Лотин Америкаси ва Осиё бозорлари кескин сиёсий ўзгаришлар таъсири остида қолди, дунё савдо ташкилоти етакчилигида суғурта назорати бўйича халқаро Ассоциация фаолият кўрсата бошлашини ва ҳ.к[139].

Шунга қарамай, 2008 йилда кузатилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози қатор мамлакатларда суғурта мукофотлари ҳажмини камайишига сабаб бўлди. Хусусан, суғурта бозорини баҳолайдиган бўлсак, суғурта мукофотлари ҳажми Европа суғурта бозорида - 39,6%; Шимолий Америка ва Осиё бозорларида эса - 30,4% ни ташкил этганлиги кузатилди.

Охирги уч йил давомида миллий суғурта бозорларининг ўзига хос аҳамияти эса уларда суғурта хизматлари турли даражада кўрсатилиши ва суғурта ҳимояси мукаммаллиги хилма-хил эканлиги билан ажралиб туради[140].

Дунё суғурта бозорининг ривожланиш истиқболи нисбатан янада яхшиланиши анъанаси кузатилмоқда. Шу ўринда қайд этиш лозимки, Европа ва Америка иқтисодиётининг ривожланиш анъанаси тикланмоқда. Осиё ва Лотин Америкасининг суғурта бозорларида ўсиш суръатлари барқарорлиги кузатилмоқда. Шу билан биргаликда, келтириб ўтиш лозимки, қатор мамлакатларнинг суғурта компанияларида ҳал этилмаган муаммолар мавжудлиги ҳам кўзга кўриниб қолди. Масалан, инвестицияларнинг кам даромадлилиги,

---

[139] Окорокова О.А., Улыбина Л.К. Зарубежный и отечественный опыт развития страхового рынка //Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. –2012.– № –С. 667-675.

[140] Окорокова О.А., Улыбина Л.К. Зарубежный опыт инвестиционной деятельности страховых компаний //В сборнике: Научное обеспечение агропромышленного комплекса.– С. 665-666.

суғурта бозорларини тартибга солишнинг мураккаблиги ва ҳоказо ҳолатларга дуч келинмоқда[141].

Шундай қилиб, жаҳон миқёсида турли суғурталаш усулларидан фойдаланган ҳолда суғурталанувчиларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларда юзага келган нохуш ҳолатлардан йўқотишларини қоплаб бериш суғурта компанияларини нуфузини молиявий институтлар ичида тобора ошиб боришига имконият яратмоқда. Суғурталаш компанияларининг самарали фаолиятини ташкил этишда улар томонидан қўлланиши мумкин бўлган ва суғурталанувчилар учун муқобил бўлган суғурталаш усуллари йўқотишларни қоплаб бериш ва шу орқали суғурталанувчи субъектларни молиявий барқарорлигини рақобатбардошлигини таъминлаб бермоқда. Суғурта компаниялари ўз фаолияти доирасида ҳозирда ўз суғурталанувчи мижозларини турли хил ҳолатлардан ҳимоя этишда алоҳида аҳамият касб этиши билан бирга, улар фаолиятида йўқотилиши даражаси паст бўлган рискларни ҳам суғурталашда турли инновацион хизмат кўрсатиш турларидан фойдаланишлари ҳам мумкин бўлмоқда. Бу эса суғурта компанияларини дунё миқёсида ҳимоячи сифатида нуфузини тобора ошиб боришига имконият яратиб бермоқда.

Шундай қилиб, молия бозорининг ажралмас қисми саналадиган суғурта бозорида субъектларнинг, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш орқали суғурта бозорини кенгайтириш истиқболда суғурта бозорида ўсишни таъминлаш мумкин бўлади. Энг муҳими истиқболда ҳаёт суғурта мукофотлари ва ривожланаётган бозорларда ҳаётни суғурталашга бўлган талаб ўсиши, хизматлар нархи барқарор бўлиши кутилмоқда.

Глобал суғурта бозорида истиқболда ижобий силжишлар замирида ички бозорнинг бу жараёнга мослашуви, етакчи

---

[141] Окорокова О.А Формирование и оценка инвестиционной деятельности страховых организаций //Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Ин-т экономики, права и гуманитарных специальностей. – Краснодар, 2012

мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ўзлаштириш зарур эканлигини шарт қилиб қўяди. Бу ўринда инвестиция лойиҳаларини мақсадли молиялаштириш масалалари, маблағларни узоқ муддатли хавфсизлик воситаларини суғурталашга йўналтириш, солиқ имтиёзлари қўлланилиши мамлакатимиз суғурта институти томонидан дунё суғурта бозорини кашф этиш эҳтимоли қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Дунё суғурта бозорининг жорий ҳолатида суғуртанинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётган шароитда реал иқтисодиётимизни ҳам инновацион ривожлаштириш жараёнида суғурта фаолиятини истиқболини прогнозлаштириш ҳамда уни амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароит яратилиши муҳимдир.

2019-2021 йилларда хорижий экспертларнинг фикрига кўра, умумий суғурта маҳсулотларига талаб ошади. Умумий суғурта учун бирламчи суғурта мукофотларининг ўсиш суръати 2017 йилда 3,2 фоизни ташкил этган бўлса, истиқболда бу кўрсаткич 4-5 фоизга ўсиши мумкин.

Ривожланган бозорларда ўсишни эгилувчан нархлар ва иқтисодий ўсишнинг заифлиги туфайли ўртача ёки секинлашиши ҳам кузатилиши мумкин. Умуман, юқори ўсиш суръати агарда Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларда ўсиш кузатиладиган бўлса, унда Марказий ва Шарқий Европада 2014-2015 йиллардаги пасайишдан кейин 2021 йилларга бориб барқарор ўсиш йўлига ўтиш мумкин бўлади.

11.3. Халқаро суғурта бозори

Қайта суғурталаш бозорини жаҳон талабларига мос равишда ривожлантириш ва халқаро суғурта бозорида фаолият олиб бориш учун хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Халқаро суғурта бозорида дунёнинг йирик суғурта компаниялари биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурталаш операцияларини амалга ошириш учун бирлашади. Дунёнинг етакчи суғурта ва қайта суғурталаш

ҳамда рискларни диверсификация қилиш брокери “Аон бенифиелд” нинг сўнги таҳлил маълумотларига кўра ялпи қайта суғурталаш капитали дунё бўйича 2012 йилда 505 млрд АҚШ долларига етган ва ўтган йилга нисбатан 11 фоизга ошган. Инқироз даврини ҳисобга олмаганда барча йилларда қайта суғурташ мукофотларининг йилдан-йилга ўсиб бориши кузатилган. Ҳозирги кунга таҳлилчилар фикрига кўра жами суғурта мукофотларининг 35-40 фоизини қайта суғурталаш мукофотлари ташкил қилади.

Қайта суғурталашни Ўзбекистонда янада такомиллаштириш учун халқаро амалиётда қайта суғурта шартномаларини тартибга солишда умумэътироф этилган айрим шартларни ўрганиб чиқиш яхши самара беради. Халқаро облигатор қайта суғуртаси шартномаларида баъзи шартлар унчалик катта бўлмаган даражадаги ўзгаришлар билан қўлланилиши мумкин. Шартномада ишлатилувчи кичик шартлар мазмуни қайта суғуртанинг қанақа тури қўлланилишига қараб ўзгариши мумкин. Анъанавий кичик шартларда қайта суғурта тўловларининг миқдорини аниқлаш техникаси ва ҳисоб-китобини олиб бориш усулларининг ўзига хос хусусиятлари баён қилинади.

«Тақдир ва ҳисоб-китоб орқасидан бориш». Ушбу шартга мувофиқ, қайта суғуртачи фақат ташқи сабаб билан рўй берган зарарлар учун жавобгар ҳисобланади. Ташқи сабаб натижасида юз берган зарар турига тўғридан-тўғри суғуртачининг хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган омиллар таъсирида юзага келган зарарлар киради. Бу эса, тўғридан-тўғри суғуртачи юзма-юз тўқнашган мажбуриятларга қайта суғуртачи ҳам дуч келишини билдиради. Шу сабабли, қайта суғуртачи цедент томонидан амалга оширилаётган тўловларни эътибор билан кузатиб бориши лозим. "Тақдир орқасидан бориш" кичик шартига мувофиқ, суғуртачи ва қайта суғуртачи зарардаги ўз улушларини қабул қилиши зарур. Шу билан биргаликда, қайта суғуртачи ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, қайта суғурта шартномасига қатор шартлар

киритиши мумкин. Масалан, агар суғуртачи ўз ишини мукаммал билувчи ҳисобланса ва у ҳамма вақт қайта суғурта шартномасига эга бўлмаган суғуртачи сингари иш юритса, «Суғуртачи суғурта шартномасига ўзи зарур деб топган ўзгартиришларни киритиши мумкин» мазмунидаги қўшимча шарт қайта суғуртачи томонидан қайта суғурта шартномасига киритилиши мумкин. Ёки, қайта суғурта шартномасига «суғуртачи қайта суғуртачининг розилигисиз суғурта шартларига, андеррайтинг тамойилларига мустақил ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга эмас» мазмунидаги кичик шартни белгилаб қўйиши мумкин. Қайта суғуртачи қайта суғурта шартномаси бўйича олган мажбуриятни назорат қилиш учун қўшимча шартлар киритилиши зарур деб ҳисоблаганда, ушбу мазмундаги шартлар қайта суғурта шартномасига киритади. «Ҳисоб- китоб орқасидан бориш» тамойилини амалда қўлланилиши ва уни қўллашни чеклашлар бўйича инглиз суди қарорларидан мисол келтирамиз. 80-йилларнинг бошларида АҚШда фаолият олиб борган тўғридан-тўғри суғуртачилар асбест ишлаб чиқарувчиларнинг жавобгарлигини суғурталаш натижасида кўп миқдордаги зарарга дуч келдилар. Асбестдан фойдаланиш натижасида юзага келган зарарни қоплашда қайта суғуртачини иштирок этиши тўғрисида Англия суди қарор қабул қилган. Қўзғалган рискни судда кўриб чиқиш натижаси жаҳондаги йирик қайта суғуртачиларнинг фаолиятига ҳам жиддий таъсир қилди. 1984 йилда, Велингтон битимига асосан тўғридан-тўғри суғуртачилар гуруҳи ўз ресурсларини бирлаштирди. Бирлаштиришнинг асосий мақсадларидан бири, суд харажатлари миқдорини камайтириш эди. Суд харажатини камайтириш имконияти, битимни имзолаган ҳар бир тўғридан-тўғри суғуртачи учун пайдо бўлди. Чунки, битим аъзолари ҳар бир даъво бўйича пайдо бўлган мажбуриятлари биргалашиб бажариш зарур эди. 1991 йилда мажбурият билан бевосита боғлиқ бўлмаган суғуртачилардан бири ўзининг қайта суғуртачисидан тўловни амалга оширишни талаб қилиб кўрди. У ўз талабини қондиришни қайта суғурта шартномасида

белгиланган «ҳисоб- китоб орқасидан бориш» мажбуриятига асослади. Лондон Олий суди суғуртачига унинг суғурталанмаган объект учун қайта суғурта қопламаси олиш тўғрисидаги талабини рад қилди. Шундай қилиб, суд "ҳисоб-китоб орқасидан бориш" шартига асосланиб, қайта суғуртачи қайта суғуртага қабул қилмаган суғурта ҳодисаси натижасида юзага келган зарарни қоплаб бермаслиги тўғрисида қарор қабул қилди.

«Хатолар ва янглишишлар ҳақида кичик шарт». Бордерони тузишда, суғурта рискларини қайта суғурта шартномасига киритишда, улар билан боғлиқ қайта суғурта мукофотини ҳисоблашда, зарар миқдорини ва ундаги қайта суғуртачининг улушини ҳисоблашда суғуртачи томонидан билмасдан, атайлаб қилинмаган хатолар ушбу кичик шартга асосан, суғуртачининг қайта суғурта қопламаси олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бу ҳолатларда, хато ва янглишишларни топиш билан, суғуртачи томонидан қайта суғуртачи огоҳлантирилмоғи лозим.

«Текширишга (назоратга) ҳуқуқ». Юқори даражада виждонлилик тамойилидан келиб чиқиб, қайта суғуртага берилувчи риск миқдорини ҳисоблашда суғуртачи ўзаро келишилган андерайтинг тамойилларига тўлиқ амал қилиши лозим. Тўғридан-тўғри шартномани тузишда суғуртачи қайта суғурта шартномасига мувофиқ, эҳтиёткорлик ва батартиблик билан иш кўрмоғи лозим. Қайта суғурта шартномасига тааллуқли бўлган суғуртачининг китобларини, ҳисоб варақаларини ва бошқа шу каби ҳужжатларни текшириш ҳуқуқини қайта суғурта шартномасида белгилаш, юқорида келтирилган виждонлилик тамойилининг бузилмаслигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳуқуқ суғуртачининг ҳисоб варақаларидаги ёзувларни, бухгалтерия китобларини, тўғридан-тўғри шартномасини, зарарни тартибга солиш тўғрисидаги ҳужжат ва бошқа қайта суғурта шартномаси билан боғлиқ ҳужжатларни текширишга татбиқ қилинади. Амалиётда, қайта суғуртачилар уларга берилган мазкур

ҳуқуқдан кам фойдаланадилар. Шунга қарамасдан, тўғридан-тўғри суғурта шартномаларини тузишда ушбу ҳуқуқ, қайта суғуртачининг молиявий манфаатларига риоя қилинишини таъминловчи кафил бўлиб хизмат қилади. Баъзи ҳолларда, суғуртачи қайта суғуртачидан унинг бухгалтерия китобларини, ҳисоботларини текширишни талаб қилиши мумкин. Бухгалтерия ҳужжатларини текширишдан мақсад, қайта суғуртачига қайта суғурта шартномаси шартларига риоя қилинишини кўрсатишдир ёки тўғридан-тўғри суғурта ва қайта суғурта андеррайтингини соддалаштириш, яхшилаш юзасидан биргаликда қарорлар қабул қилишдир.

«Арбитр тайинлаш тўғрисида» ги кичик шарт. Деярли барча қайта суғурта шартномаларида, қайта суғурта шартномасининг бажарилиши бўйича юзага келган низоларни кўриб чиқиш махсус тайинланган арбитриар гуруҳига юкланади. Судларнинг умумий суд қилиш ҳуқуқига, одатда, фақат тасдиқланган қарздорликнинг тўлланмаслик ҳоллари билан боғлиқ низоларни ечиш ваколати берилади. Арбитриар таркиби уч кишидан иборат бўлади. Ҳар бир томон биттадан арбитр тайинлаши мумкин. Бош арбитрни шартнома томонлари биргаликда тайинлайди. Бош арбитрларни тайинлаш борасида томонлар келиша олмаса, холис бўлган учунчи томон бош арбитрни тайинлайди (масалан, суд, ёки савдо палатаси). Одатда, суғурта ва қайта суғурта жамиятларининг ходимлари ёки пенсияга чиққан ходимлари арбитр вазифасига тайинланади. Бундан ташқари, арбитриар гуруҳи мажлисни суғуртачи сенденнинг бош офиси жойлашган жойда ўтказишга келишиб олади. Кўп ҳолларда, шартаоманинг «Арбитриар тўғрисида»ги шартида арбитриар гуруҳининг қарори адолатлилик ва ўта виждонлилик тамойилларига асосланиши, иш фаолиятида шаклланган одат меъёрларига таянилиши белгиланади.

Юқорида келтирилган кичик шартлардан ташқари, нисбий облигатор қайта суғурта шартномаларида бошқа шартлар ҳам қўлланилиши мумкин, масалан: лидер тўғрисида ёки

қўлланилувчи ҳуқуқ тизими тўғрисидаги кичик шартлар. Қайта суғурта шартномасида иштирок этувчи қайта суғурталовчилар сони кўпчиликни ташкил қилган ҳолларда лидер тўғрисидаги кичик шарт қўлланилади. Ушбу кичик шартда лидер қайта суғуртачининг қарорларини бажариш бошқа қайта суғуртачилар учун мажбурийлиги белгиланади.

Юқорида келтирилган кичик шартларни нонисбий қайта суғурта шартномаларида қўллаш ўзига хос хусусиятларга эга. Нонисбий ва нисбий қайта суғурта ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, биринчи ҳолатда седент ва қайта суғуртачининг мукофотлари тубдан фарқ қилади. Одатда, нонисбий қайта суғурта шаклида тўғридан-тўғри суғуртачи паст миқдорда қайта суғурта мукофоти эвазига максимал, кенг бўлган қайта суғурта қопламасини олишга ҳаракат қилади. Қайта суғуртачи эса, ўз навбатида, қайта суғуртага қабул қилаётган рискка адекват бўлган қайта суғурта мукофоти олишга ва тўғридан-тўғри суғуртачи реал муҳтож бўлган қайта суғурта қопламаси билан таъминлашга ҳаракат қилади. “Зарарлар ва зарарлилик экссенденти асосларида” қайта суғурта шакли сендентнинг рискларини танлаш борасидаги андеррайтерлик сиёсатига салбий таъсир қилиши мумкин. Чунки йирик миқдордаги зарарлар юзага келган ҳолларда, сендентнинг жавобгарлиги меъёри қайта суғурта шартномасида белгиланган устунлик миқдорида чегараланади. Шунинг учун, "зарар экседенти асосида" қайта суғурта шаклида шартнома шартининг "тақдир орқасидан бориш" тамойили қўлланилмайди. «Хатолар ва янглишишлар» тўғрисидаги кичик шарт ҳам "зарар экссенденти" қайта суғурта шартномасининг ўзига хос хусусиятларини ва элементларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши мумкин.

Фақат нонисбий қайта суғурта шартномасида қўлланилувчи, махсус кичик шартлар жумласига қуйидагилар киради: "бутунлай нетто-зарар" тўғрисидаги кичик шарт; "вақт бўйича" кичик шарт; "мажбуриятлар ва ҳисоб-китобларни индекс қилиш" тўғрисидаги кичик шарт. Нонисбий қайта

суғурта шаклида суғуртачининг бутунлай нетто-зарарини қайта суғуртачи томонидан қоплаб берилиши учун шартномага "бутунлай нетто зарар" ҳақидаги кичик шарт киритилиши зарур. "Бутунлай нетто-зарар"— бу, барча қайтарилган суммалар чегирилгандан кейин суғуртачига тўланадиган зарардир. Қайтариладиган суммаларга мисол: қайта суғуртада иштирок этувчи қайта суғуртачидан регресс кўринишида қайтариладиган суммалар, облигатор ёки факультатив қайта суғурта шаклида суғуртачининг шахсий чегирмадан ушлаб қолинувчи суммалар ва суғуртачига бошқа тўланиши лозим бўлган суммалар. Битта суғурта воқеаси рўй бериши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган бир нечта суғурта ҳодисалари рискини суғурта қилиш шартномасини облигатор нисбийга қайта суғурталашда томонлар "соатли шарт"да келишиб оладилар. Аниқ белгиланган вақт муддатида содир бўлган барча алоҳида зарарлар битта умумий зарарлар йиғиндисига бирлаштирилади. Шартномада белгиланган вақт муддатининг давомийлиги рискнинг характерига боғлиқ. Одатда, ёнғин, ер қимирлаш, довул ёки сиёсий рискларга қарши суғурталарнинг қайта суғуртаси учун 72 соат, сув тошқини ва сув босиш рискларининг суғуртаси учун 168 соат вақт муддати белгиланади. Шартларда қуйидаги меъёрлар назарда тутилади:

1. Агар суғурта ҳодисасини квалификация қилиш мақсадида суғуртага қабул қилинган рисклар бирлаштирилса, у ҳолда албатта, ушбу шарт қанақа суғурта рискларига татбиқ қилиниши (масалан, ер қимирлаши натижасида юзага келган ёнғин, ер қимирлашининг ўзи; довул натижасида содир бўлган сув тошқини ва сув босиши ёки довулнинг ўзи) кўрсатилади.

2. Зарарни бирлаштириш учун ҳудудий чекланишлар борми? Агар, бўлса, улар қандай чекланишлар (масалан, сув тошқини ва сув босиши туманлар бўйича, дарёнинг туманларга яқинлигига қараб туманлар бўйича, фуқароларнинг бўйсунмаслик ҳаракати эса шаҳарларнинг аниқ чегараси бўйича чекланишлар).

Нисбий қайта суғуртада суғурта мукофоти ва зарарлари суғуртачи ва қайта суғуртачи ўртасида нисбий равишда тақсимланади. Инфлациянинг суғурта суммасига нисбатан зарар миқдорига кўпроқ таъсир кўрсатиши суғурта ҳодисаси билан боғлиқ тўловлар миқдорини кескин ошишига олиб келади. Инфлация таъсири натижасида суғурта тўловлари миқдорининг ошган қисми суғуртачи ва қайта суғуртачи манфаатларига бир хилда тақсимланади. "Зарар экссенденти" қайта суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларининг миқдорини ошиши кўпроқ қайта суғуртачи манфаатларига ўз таъсирини кўрсатади. Чунки, зарарнинг устунликдан ошадиган қисми ўсада, суғуртачининг портфели миқдори ўзгаришсиз қолади ёки устунликнинг реал миқдори камаяди.

Мол-мулк суғуртасида суғурта қилинган мол-мулк қийматининг реал баҳоси инфлациянинг таъсири натижасида ошади. Мос равишда, "эксендент зарари" қайта суғурта шартномасида белгиланган устунлик миқдори эса пасаяди. Шу сабабли, қайта суғуртачи устунлик миқдори ва суғурталанган манфаатнинг реал қийматини ўзгариши билан боғлиқ жавобгарлик чегараларига тузатиш киритишни талаб қилиши зарур. Инфлация таъсири натижасида зарарлар миқдорини ошиш муаммоси аҳамияти айниқса, транспорт воситалари эгдарининг жавобгарлигини ва умум фуқаролик жавобгарликларини суғурталаш соҳаларида ошмоқда. Чунки ушбу суғурта турларида зарарларни тартибга солиш учун муддат талаб қилинади. Зарар миқдорининг ўсишига инфлациядан ташқари, иш ҳақининг ошиши, зарарни тартибга солиш жараёнига таъсир қилувчи бошқа фаолият турларида юз берувчи ўзгаришлар (ҳуқуқий хизмат соҳаси, қонунчилик, тиббиёт хизматининг қийматини ошиши) ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин. Амалда актуар ҳисобларни қўллай туриб ҳам зарар миқдорининг бундай ўсиш меъёрини ҳисоблаш мумкин эмас.

"Эксендент зарари" қайта суғурта шартномаси бўйича зарар миқдорини ошиши қайта суғурта мукофотининг

миқдорига таъсир кўрсатмайди. Шартноманинг “тузатиш ёки индексация” тўғрисидаги кичик шартини киритиш орқали инфлация омилининг таъсири ҳисобга олинади. Ушбу кичик шарт ёрдамида устунлик ва қайта суғуртанинг мажбурияти миқдори ўртасидаги мутаносиблик доимий сақланади. Зарар миқдорининг ҳар қандай ўзгариши қайта суғурта шартномасининг томонлари ўртасидаги мажбуриятлар мутаносиблигига таъсир этмайди. Юқорида таъкидланганидек, кўп миллий қонунчиликларида қайта суғурта муносабатлари фуқаролик ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинмайди. Молиявий қайта суғуртанинг мураккаб таркиби, комплекс аппарат тушунчалари, турли хил мақсадлари, уни қонунчилик ёрдамида тартибга солишни янада, мураккаблаштиради.

Суғурта ҳуқуқи бўйича халқаро уюшма томонидан олиб борилган ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, дунёда кўплаб мамлакатларнинг қонун тизимида молиявий қайта суғурта муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар ўрин олмаган (Аргентина, Финландия, Исроил, Дания, Франция). Баъзи давлатларда (Словения, Салъвадор ва бошқа қатор мамлакатлар) қайта суғуртанинг бундай тури қўлланилмайди Молиявий қайта суғурта муносабатлари кенг тарқалаган давлатларнинг давлат суғурта назорати идораларининг қарорларини таҳлил қилиш натижасида молиявий қайта суғуртани ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги тенденцияларни аниқлашимиз мумкин. Австралияда имзоланувчи, суғуртачига яширин шаклда заём капиталини тақдим қилувчи молиявий қайта суғурта шартномалари суғурта назорати идораси билан келишилган бўлиши лозим. Францияда суғурта риски тақсимланишининг ҳар қандай шакли (тўғридан-тўғри суғурта ва қайта суғурта шартномалари ўртасида фарқ қилинмаган ҳолда) қайта суғурта деб юритилади.

Германияда суғурта ёки қайта суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган икки юридик шахс ўртасида тузилган қайта суғурта шартномаси молиявий қайта суғурта деб аталади.

Швецарияда молиявий қайта суғурта шартномалари ҳам оддий қайта суғурта шартномалари учун белгиланган талабларга жавоб бериши лозим. Молиявий қайта суғуртанинг мақсади молиявий натижани яхшилаш, бўш активлар билан таъминлаш, молиявий оқимни оптималлаш бўлса-да, оддий қайта суғурта мақсадидан кам фарқ қилади. Шу сабабли, суғуртачи ўз фаолияти давомида суғурта рисклари билан бир қаторда кредит, инвестиция, молиявий рискларга ҳам дуч келади.

Молиявий қайта суғурта шартномалари шу каби рискларнинг бир қисмини қайта суғуртачига беришга хизмат қилади. Назорат қилувчи идораларнинг "молиявий қайта суғурта қайта суғуртанинг моҳияти ва мақсадига мос келмайди" деб фикрлашига кўпчилик тадқиқотчилар қўшилмайдилар.

Буюк Британияда, суғурта назорати идораларининг молиявий қайта суғурта шартномасига қўйган талабларидан бири — бу, суғурта рискининг анча миқдордаги қисмини қайта суғуртачига беришдир. Ушбу келтирилган таърифда муаммога дуч келган нарса бу, рискнинг анча қисмини аниқлашдир. Фақат суғурта назорати идоралари томонидан қайта суғурта операцияларининг самараси баҳоланишига қарамасдан, агар молиявий қайта суғурта шартномаси суғуртачининг молиявий ҳолатини ва тўлов қобилиятини яхшиланишига ёрдам берса, бундай қайта суғурта шартномасини тузиш мақсадга мувофиқдир.

АҚШдаги кўплаб Штатларнинг фуқароликни тартибга солувчи қонунчиликларида қайта суғуртага тўғридан-тўғри таъриф берилмаган. "Қайта суғурта шартномаси" тушунчаси остида қайта суғурта белгисига эга бўлган ҳар қандай шартнома тушунилади. Бундан ташқари, 1992 йилда суғуртачининг бухгалтерия ҳисобида брутто-мажбуриятини акс эттириш бўйича янги тартиб ўрнатилди. Ушбу талабга асосан, тўланмаган зарардаги қайта суғуртачининг улуши ёки ишлаб топилмаган мукофот миқдори суғуртачининг брутто

мажбурияти таркибида ҳисобга олинади. Бу тартиб молиявий қайта суғурта операцияларининг самарасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Юқорида келтирилган молиявий қайта суғуртанинг ҳуқуқуй таърифи ва молиявий қайта суғурта шартномасида иштирок этувчи суғуртачи ва қайта суғуртачи фаолиятларини бундай тартибга солиш таҳрирга муҳтож. Суғурта ташкилотларининг рискларини бошқаришда молиявий қайта суғурта мутлақо янги тармоқлигини инобатга олишимиз зарур. Молиявий қайта суғуртанинг мақсади суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва суғуртачининг тўлов қобилиятини муста-ҳкамлаш ҳисобланади. Бу борада молиявий қайта суғуртанинг мақсади анъанавий қайта суғурта мақсади билан мос келади. Шу билан бирга, молиявий қайта суғурта ҳам анъанавий қайта суғурта каби тўғридан-тўғри суғуртачиларнинг суғурта операцияларини молиявий натижаларига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда пайдо бўлган анъанавий концепциялар алоҳида суғурта тури бўйича суғурта операцияларининг натижасини ёки маълум суғурта турлари йиғиндисига нисбатан татбиқ қилинувчи "зарарлилик экссенденти асосида" қайта суғурта шартномалари қайта суғурта тўғрисидаги тушунчаларни тубдан ўзгартиради. Анъанавий ва молиявий қайта суғуртанинг тўғридан-тўғри суғурта шартномаси бўйича рискларни қайта тақсимлаш билан боғлиқ иқтисодий моҳияти деярли фарқ қилмади. Бундан ташқари, қайта суғурта шартномаси шакллари, унинг субъектлари таркиби (суғуртачи ва қайта суғуртачи) ҳам мос келади. Умуман олганда, молиявий қайта суғуртанинг иқтисодий табиати анъанавий қайта суғуртанинг моҳиятига ва унинг мақсадларига қарама-қарши келмайди ва шунинг учун молиявий қайта суғурта келажакда кенг соҳаларда қўлланилиш истиқболига эга.

11.4. Суғурталаш ва қайта суғурталаш

Мамлакатга капитал олиб кириш ва олиб чиқишни фаоллаштирувчи омиллардан бири халқаро миқёсда ўтиб бораётган суғурталаш шу жумладан қайта суғурталаш муносабатлари ҳисобланади. Суғурталаш ва қайта суғурталаш манфаатларини ҳимоя қилиш ва давлатларни халқаро бозордаги ҳаракатини тезлаштиради. Суғурталаш бозорини жаҳон талабларига мос равишда ривожлантириш ва халқаро суғурта бозорида фаолият олиб бориш учун хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим роль ўйнайди. Халқаро суғурта бозорида дунёнинг йирик суғурта компаниялари биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурталаш операцияларини амалга ошириш учун бирлашадилар. Дунёнинг етакчи суғурта ва қайта суғурталаш ҳамда рискларни диверсификация қилиш брокери “Аон бенифиелд” нинг сўнги таҳлил маълумотларига кўра ялпи қайта суғурталаш капитали дунё бўйича 2012 йилда 505 млрд АҚШ долларига етган ва ўтган йилга нисбатан 11 фоизга ошган. Инқироз даврини ҳисобга олмаганда барча йилларда қайта суғурташ мукофотларининг йилдан-йилга ўсиб бориши кузатилган. Ҳозирги кунга таҳлилчилар фикрига кўра жами суғурта мукофотларининг 35-40 фоизини қайта суғурталаш мукофотлари ташкил қилади.

Қайта суғурталашни янада такомиллаштириш мақсадида халқаро амалиётда қайта суғурта битимларини тартибга солишда халқаро миқёсда эътироф этилган айрим шартлари амал қилади. Мисол учун, халқаро қайта суғурталаш битимларида унчалик катта бўлмаган даражадаги ўзгарувчи айрим шартлар билан қўлланилади. Битимда ишлатиладиган кичик шартлар қайта суғуртанинг қўлланиладиган турига қараб ўзгариши мумкин. Кичик шартларда қайта суғурта тўловларининг миқдорини аниқлаш техникаси ва ҳисоб-китобини олиб бориш усулларининг ўзига хос шартлари ва хусусиятлари баён қилинади. Масалан, қайта суғуртачи фақат ташқи сабаб билан рўй берган зарарлар учун жавобгар эканлиги эътироф этилади.

Бундай ташқи омил натижасида юз берган зарар турига, энг аввало, тўғридан-тўғри суғуртачининг хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган омиллар таъсирида юзага келган зарарлар киради. Бу эса, тўғридан-тўғри суғуртачи юзма-юз тўқнашган мажбуриятларга қайта суғуртачини дуч келишини ҳам билдиради. Шу сабабли, қайта суғуртачи седент томонидан амалга оширилаётган тўловларни диққат билан кузатиб туради. "Тақдир орқасидан бориш" кичик шартига мувофиқ, суғуртачи ва қайта суғуртачи зарар доирасида ўз улушларини қабул қилиши шарт бўлади. Шу билан биргаликда, қайта суғуртачи ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, қайта суғурта шартномасига қатор шартлар киритиши ҳам мумкин. Масалан, агар суғуртачи ўз вазифаларини мукаммал биладиган ҳисобланса ва ҳамма вақт қайта суғурта битимига эга бўлмаган суғуртачи сингари иш юритса, «Суғуртачи суғурта шартномасига ўзи зарур деб топган ўзгартиришларни киритиши мумкин» мазмунидаги қўшимча шарт қайта суғуртачи томонидан қайта суғурта битимига киритилиши мумкин. Ёки, қайта суғурта битимига «суғуртачи қайта суғуртачининг розилигисиз суғурта шартларига, андеррайтинг тамойилларига мустақил ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга эмас» мазмунидаги кичик шартни белгилаб қўйиши ҳам мумкин. Қайта суғуртачи қайта суғурта битими бўйича олган мажбуриятни назорат қилиш учун қўшимча шартлар киритилиши зарур деб ҳисоблаганда, ушбу мазмундаги шартлар қайта суғурта битимига киритади. Суғурталаш жараёнида капитал импорти ва экспорти ҳаракатини халқаро тус олишига халқаро маҳсулот деб аталиши маҳсулотларнинг яратилишига, сотилишига ва уларни ишлаб чиқишдан истеъмолчиларга бўлган масофани босиб ўтишни ҳимояланиш асосий омил бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда суғурталаш муносабатларини ривожлантириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Институтционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликни ривожлантириш ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестиция муҳитини яхшилашда суғурталаш муносабатлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий фаолиятни бошқаришда халқаро суғурталаш тизими алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда уч хил суғурталаш тизими амал қилмоқда. Улар мол-мулк, шахсий, жавобгарлик суғуртаси шаклида намоён бўлади. Бундай суғурталаш бутун дунёда амал қилиб келмоқда.

Мол-мулк суғуртасида кўпроқ қуйидаги суғурта турлари амалга оширилади:

– юкларни суғурталаш;
– ссудами суғурталаш;
– ҳаво транспортини суғурталаш;
– автомобилларни суғурталаш;
– экспорт кредитларини суғурталаш;
– корхона фаолиятининг тўхташи билан боғлиқ зарарларни суғурталаш;
– чет элда мавжуд мол-мулкни энгидан суғурталаш;
– норезидентларнинг мол-мулкини ёнғиндан ва бошка рисклардан суғурталаш;
– бошқа мол-мулк суғуртаси.

Инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ва ҳар бир одамнинг даромади шахсий суғурта объектига киради. Бу борада халқаро муносабатларни ривожлантиришда суғуртанинг роли ортиб бормоқда. Бозор иқгисодиёти халқаро туризм ва тадбиркорликнинг барча фаолият турлари комплекс суғурталанади.

Комплекс турдаги суғурталашда бир суғурта полисида бир неча суғурта турларининг қайд этилиши ҳамда мазкур ҳолатнинг халқаро иқтисодий алоқаларда қўлланилишидир. Масалан, қурувчи тадбиркорнинг қурилиш-монтаж ишларида содир бўладиган суғурта рискида ҳимоялаш бўйича бериладиган суғурта полиси. Бундай суғурта полислари қурилиш жараёнларида мулкларнинг йўқолиб кетиши ёки объектларнинг зарарланиши, шу билан бир қаторда, машиналарни

ўрнатиш ёки уларни демонтаж қилиш билан боғлиқ бўлган барча рисклар суғуртавий ҳимоя килинади.

Бу омил объектлар ишга туширилганидан кейинги даврда учинчи шахс томонидан етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг суғурта жавобгарлигини кафолатлайди. Суғурта қопламаси объектнинг экспорт шартномаси бўйича ишга тушириш билан боғлиқ бўлган барча харажатларини ўз ичига олади. Халқаро иқтисодий фаолият билан боғлиқ суғурта хизматларининг турлари қуйидагилардан иборат:

– экспорт шартномаларини комплекс суғурталаш «Харидор кредити» кўринишида;

– тижорат банкларининг экспорт шартномаларини «Харидорга кредит» кўринишида;

– экспорт шартномаларини бекор қилинишидан;

– чақиртириб олинмайдиган аккредитив ёки кафолат бўйича мажбуриятларни хорижий харидорнинг банки ёки кафили томонидан бажарилмаслигидан;

– хорижга чиқаётган шахсларнинг тиббий харажатларини суғурталашдан;

– касбий масъулиятни суғурталашдан;

– юк ташувчиларни жавобгарлигини суғурталашдан;

– хорижий инвестицияларнинг суғуртавий химоялашдан;

– ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини умумий рисклардан суғурталашдан;

– тадбиркорлик фаолиятини комплекс суғурталашдан;

– инвестицион лойиҳаларни суғурталашдан;

– банк фаолиятини комплекс суғурталашдан.

Давлатлар аро ишлар ва хизматлар йўналишида фаолият кўрсатаётган жамият аъзоларининг, чет эл фуқароларининг саломатликларини ҳимоя қилиш ва уларнинг мехнат фаолиятини яхшилашни назорат қилиб боришлик тиббий суғурта орқали амалга ошириш мумкин бўлмоқда.

Ҳозирда тиббий суғурта тараққий этган мамлакатлар (АҚШ, Франция, Германия, Австрия, Италия)да суғуртанинг кенгроқ тарқалган турлари қаторидан ўрин эгаллаб келмоқда.

Бундай суғурта турининг мақсади фуқароларнинг саломатликларига хавф соладиган ҳодиса содир бўлса, унга йиғилган маблағ ҳисобидан тиббий ёрдам беришни кафолатлаш бўлиб ҳисобланади. Тиббий суғурта тизимида фуқаролар тиббий суғурта компанияларини танлаш, тиббий ёрдам ва кўрилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Айтиш жоизки, ушбу суғурта тури мижозларга 50 минг АҚШ долларигача бўлгач, масъулият чегарасида тиббий харажатларни қоплаб беришни кафолатлайди. Ўзбекистонда бугунги кунда бундай суғурта турларини амалга ошириш «Ўзбекинвест» ЭИМСК га юклатилган. Ушбу компания ўз хизматларини сотиш учун компания икки йирик халқаро сафарларни суғурталаш жамиятлари ЭЛВИА (Швейцария) ва Корис (Франция) билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган. Компания томонидан ихтиёрий тиббий суғурта махсулоти компания томонидан 1998 йилда республика суғурта бозорига киритилди. Ушбу маҳсулотни сотиб олиш унинг эгасига республиканинг энг яхши шифохоналарида сифатли ва малакали тиббий ёрдам олишни кафолатлайди. Тақдим этилаётган хизматларни такомиллаштириш мақсадида ҳар бир мижознинг эҳтиёжи, имкониятларидан келиб чиқиб компания томонидан ихтиёрий тиббий суғурта бўйича дастурлар ишлаб чиқилган ва ушбу турдаги суғурта тури борасида Компания республиканинг қатор этакчи тиббий муассасалари билан битимлар тузган.Ҳозирда тиббий ёрдам хизматларини кўрсатиш доирасини кенгайтириш мақсадларида халқаро ассистанс гуруҳи (Интернешнл Ассистенс Гроуп)га кирувчи Глобал Воежр Ассистанс, «Белвнешстрах» унитар суғурта корхонаси «Асисм Украина» суғурта компанияси, Қирғизистон Республикаси Президенти Девонининг даволаш бирлашмаси билан Марказий Осиё ҳудуди бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланиб амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда суғурта муносабатлар доирасида ҳамкорликни кенг йўлга қўйилганлиги боис «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан ҳамкорлик тўғрисидаги бош

келишув ва битимнинг тузилганлиги эса Ўзбекистан Республикасига кириб келаётган туристларга компаниянинг комплекс сифатли суғурта ва ассистанс хизматларини кўрсатиш имконини бериши мумкин. Айтиш жоизки, ҳар бир суғурталанувчи фуқаронинг тиббий харажатларини суғурталашда ҳуқуқий ва моддий жавобгар ҳисобланади. Тиббий суғурта компанияларининг молиявий маблағлари, давлат бюджети маблағлари, жамоат ташкилотлари, корхона ва бошқа хўжалик субъектлари ва фуқароларининг шахсий маблағлари ҳисобидан ташкил топади. Улар ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишда тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини эркин танлаш, ихтиёрий тиббий суғурта бўйича суғурта бадали, тиббий хизмат бўйича таъриф миқдорларини белгилаш ҳамда тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ҳодимлари томонидан суғурталанувчиларга келтирган зарар юзасидан суд жараёнини қўзғаш ҳуқуқларига эга. Ўз фаолиятларини амалга оширишда тиббий суғурта компаниялари ўзларининг захира жамғармаларидан фойдаланишлари мумкин. Фаолият кўрсатадиган барча тиббий суғурта компаниялари мулкчилик шаклидан қатъи назар ўз лицензия ва аккредитацияларига эга бўлишлари шарт қилиб қўйилган. Лицензиялаш давлат бошқарув органлари томонидан амалга оширилиб, тиббий суғурта компанияларининг ёрдам кўрсатиш фаолиятлари қатъий белгиланади. Чет элга чиқаётган сайёҳлар учун ихтиёрий тиббий суғурта жорий қилинган бўлиб, бунда тиббий ёрдам кўрсатишнинг тезкор амалга оширилиши кўзда тутилган. Суғурта полиси бўлган сайёҳларга ривожланган мамлакатларда четга чиқиш учун рухсат берилади. Бунда сайёҳларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилинадиган харажатлар қопланилиши кўзда тутилади, яъни тиббий шифохонага ётқизиш; тез ёрдам хизматида етказиш; дори-дармон сотиб олиш; бахтсиз ҳодиса содир бўлганда ёки тўсатдан саломатлигини йўқотган ҳолларда қилинган харажатлар ва жасадни четдан ўзи яшаб турган давлатга ёки ҳудудга олиб келиш билан боғлиқ харажатлар. Айтиш жоизки,

тиббий суғурта ташкилотлари томонидан харажатлар сайёҳларнинг узлуксиз касалликларини даволаш учун қопланмайди (бу ҳолат суғурта гувоҳномасини олгунга қадар аниқланган бўлса). Кўпчилик суғурта компаниялари ўз мижозларига тиббий суғуртадан ташқари, бошқа суғурта турларини ҳам таклиф қилишлари мумкин. Ҳозирги шароитда, суғурта полиси бир қанча тиббий хизмат турлари билан таъминланиши мумкин. Халқаро иқтисодий фаолиятни амалга оширишдаги ҳисоб-китоб муносабатларида суғуртага боғлиқ бошқа рисклар ҳам мавжуд. Бундай рисклардан бири валюта риски бўлиб ҳисобланади. Суғурта хизматларидан яна бири жавобгарликни суғурта қилиш ҳисобланади. Унинг ташкил этишдаги асосий жиҳатлардан бири, суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарари тузилган шартномага мувофиқ, суғурталовчилар томонидан қопланишидир. Бунда тўланган суғурта қопламасини айбдордан ундириб олиш ҳуқуқи суғурталовчи ихтиёрига ўтиши мумкин. Ушбу ҳуқуқ регресс ҳуқуқи деб эътироф этилган ва битим шартларида кўрсатиб ўтилган. Суғурта ҳуқуқида жавобгарлик суғуртасини қуйидаги турлари мавжуд бўлиб, қуйидагилар қабул қилинган:

- фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.
- касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.
- шартнома бўйича мажбуриятини бажараолмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш.

Айтиш мумкинки, фуқаролик жавобгарлиги қонун ёки битимда назарда тутилган ёки жабр кўрган учинчи шахсларнинг бузилган ҳуқуқларни айбдор ҳисобидан қоплаш кўзда тутилади.У мулкий характерга эга бўлиб зарар етказган шахс зарар кўрган шахсга кўрилган зарар миқдорини тўлиқ қоплаши шарт. Фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилиш шартномаси бўйича жавобгарлик мажбурияти суғурта ташкилотига ўтказилади. Етказилган зарар учун айбдор шахс жиноий маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Аммо, учинчи шахсга етказилган мулкий зиён суғурта ташкилоти томонидан қоплаб

берилади. Ушбу суғурта тури бўйича суғурта объекти бўлиб суғурталовчининг қонун ёки шартнома мажбуриятлари бўйича учинчи шахсларга зарар етказиши ҳисобланади.

Жавобгарликни суғурта қилиш турларидан бири юк ёки йўловчилар ташувчиларнинг жавобгарлигини суғурта қилишдир.

Бунда транспорт ташкилоти, яъни юк ёки йўловчи ташилаётганда учинчи шахсларга зарар етказса етказилган зарар миқдори суғурта ташкилотлари томонидан қоплаб беради. Халқаро амалиётда авиация орқали ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурий тусга эга бўлиб нисбатан тараққий этган. Рим конвенциясига мувофиқ ҳаво кемаларининг, аниқроқ қилиб айтганда авиация орқали юк ёки йўловчи ташувчиларнинг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги суғурталаш бўйича шартнома мавжуд бўлмаса ҳаво кемаларини ишлатиш тақиқланади. Варшава конвенциясига мувофиқ ҳаво кемаси эгаси - ташувчи йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарар учун жавоб беради.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш дунёнинг кўпгина давлатларида мажбурий тусга эга. Одатда, ташувчининг фуқролик жавобгарлигини суғурталаш шартномаларида қуйидаги терминлар қўлланилади:

– суғурталанувчи – суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан суғурта шартномасини тузган фуқаро ёки юридик шахс;

– суғурталовчи – тижорат ташкилоти ҳисобланадиган ва тегишли турдаги суғурталашни амалга ошириш учун махсус рухсатномага эга юридик шахс (суғурталовчи ташкилот);

– суғурта мукофоти – суғурталанувчи суғурталовчига суғурта шартномасида кўзда тутилган тартибда ва муддатда тўлаши лозим бўлган, шартномада белигиланган тўлов;

– суғурта тарифлари – суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган ва у томондан суғурта шартномаси бўйича тўланиши

лозим бўлган суғурта мукофотини белгилашда қўлланиладиган таърифлар;

– суғурта суммаси – унинг доирасида суғурталовчи мулкий суғурталаш шартномаси бўйича тўлаши лозим бўлган ёки шахсий суғурталаш шартномаси бўйича уни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган сумма;

– суғурта ўрнини тўлдириш – суғурта воқеаси содир бўлганда суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси бўйича тўланадиган сумма;

– суғурта воқеаси – суғурта шартномаси ёки қонунда кўзда тутилан, у содир бўлганда суғурталовчининг суғурталанувчига, суғурта қилинган шахсга ёки фойдани олувчи шахсга суғурта тўловини тўлаш мажбурияти вужудга келадиган воқеа;

– суғурта таваккалчилиги – у содир бўлганда суғурталаш амалга ошириладиган тахмин қилинаётган воқеа;

– суғурта бадаллари – суғурталовчига суғурталанувчи томонидан суғурта шартномаси шартларига мувофиқ даврий равишда тўлаб бориладиган суғурта мукофоти;

– суғурта захиралари – суғурталовчи томонидан олинган суғурта бадаллари ҳисобидан ўз зиммасига олган суғурта мажбуриятларини бажариш мақсадида суғурта турлари бўйича шакллантириладиган махсус пул жамғармалари;

– фойдани олувчи – суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс; қайта суғурталаш - бошқа суғурталовчи билан тузилган шартнома асосида суғурта ўрнини қоплаш таваккалчилигини тўлиқ ёки қисман суғурталаш. Бунда қайта суғурталаш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи қайта суғурталаш шартномасида суғурталанувчи ҳисобланади;

– икки ёқлама суғурталаш – битта мулкни иккита ёки бир неча суғурталовчиларда суғурталаш;

– биргаликда суғурталаш – битта объектни битта шартнома бўйича бир неча суғурталовчилар билан бирга суғурталаш;

– франшиза – суғурталовчини муайян ҳажмдан ошмайдиган зиённи тўлашдан озод қилиш;

– жавобгарлик лимити – битта суғурта воқеаси бўйича суғурталовчи томонидан тўланадиган суғурта ўрнини қоплашнинг энг катта миқдори;

– ташувчи – мулкчилик ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларда темир йўл, сув, ҳаво, автомобилл транспортига эгалик қилувчи ҳамда Қирғизистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ йўловчиларни ва уларнинг мулкини ташиш ҳуқуқига эга жисмоний ёки юридик шахс;

– йўловчи – унинг номидан ёки ўзи томонидан тузилган ташиш шартномасини бажариш учун ташувчи томонидан ҳақ эвазига ташиладиган жисмоний шахс;

– жабрланувчи – ташиш пайтида ҳаётига, соғлигига ёки мулкига зарар етказилган йўловчи;

– юк – йўловчилардан алоҳида ташиладиган, йўловчи томонидан транспорт корхонасига топшириладиган ва одатда, йўловчи транспорт воситаларининг махсус юкхоналарида, юк автобус тиркамаларида ёки юк автомобилларида ташиладиган, шунингдек йўловчи томонидан автовокзалнинг (автостансиянинг) омонатхонасига топшириладиган буюмлар;

– қўл юки – йўловчи томонидан бепул ташиладиган, ташиш учун ўралган буюмлар;

– йўналиш – муайян пунктлар орасида транспорт воситаси учун белгиланган ҳаракатланиш йўли;

– рейс – йўналишнинг бошланғич нуқтасидан охирги нуқтасигача бўлган транспорт воситасининг йўли;

– ташиш учун таъриф – масофа ва вақт бирлиги бўйича йўловчиларни ташиш учун тўланадиган ҳақнинг ҳажми;

– транспорт воситаси – йўловчиларни ва юкларни ташишда фойдаланиладиган ҳар қандай транспорт воситаси;

– йўловчиларнинг ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарар – йўловчини ташиш пайтида у дуч келган суғурта ҳолати натижасида ўлими, жароҳатланиши ёки касалланиши;

– йўловчининг мулкига етказилган зарар – йўловчининг ёнида бўлган юк ва буюмларнинг (қўл юкининг) тўлиқ ҳалокати ёки қисман шикастланиши, шунингдек, ўғирланиши ёки йўқотилиши.

Ташувчининг йўловчилар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш объекти деб, суғурталовчининг ҳар бир давлат фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган йўловчиларни ташиш пайтида уларнинг ҳаётига, саломатлигига ва мол-мулкига етказилган зарарни қоплашга доир мажбуриятига тааллуқли мулкий манфаат тушунилади.

Маълумки, савдо муносабатларини ҳудудий ўзаро яқин жойлашган мамлакатлар ўртасида такомиллаштириш мақсадида юкларни етказиб беришда, автомобилл транспортидан фойдаланиш - жаҳон мамлакатлари иқтисодий муносабатларида характерли ҳол. Автотранспорт суғуртасида транспорт воситаларининг механизмлари ва бошқа қисмлари суғурта объекти сифатида иштирок этади. Ушбу суғуртада суғурталанувчи ўз мулки ёки ижарага олган транспорт воситасини суғурта қилиши назарда тутилади. Бунда суғурталанувчи мулкий манфаатлар нуқтаи назаридан транспорт воситасини суғурта қилади. Транспорт воситаларини суғурталаш амалиётида турли усуллар қўлланилади. Ҳар бир усулда суғурталовчининг мажбурияти ўзига хос кўринишда бўлади. Вариантлар бир-биридан суғурта шартномалари ва риск ҳажми билан фарқ қилади. Суғурта шартномасида кўзда тутилган турларига кўра кўрилган зарарлар, йўқотишлар қисман ёки тўла қопланади.

Шартномада кўрилган зарарни тўлиқ қоплаш кўрсатилган бўлиши мумкин, аммо ҳодиса техник ҳолатлар (шиналар ишдан чиқса ёки ишлаб чиқарувчи завод транспортни техник носозлик билан чиқарганлиги аниқланса) билан боғлик. бўлса,

у ҳолда кўрилган зарарлар тўлиқ қопланмайди. Суғурта шартномаларида табиий офат, ёнғин, портлаш, йўл транспорта ҳодисалари содир бўлганида, юк ўғирланса, деталлари олиб кетилган ҳолларда кўрилган зарар қисман қопланиши мумкин.

Автомобилл ва бошқа транспорт воситалари, уларнинг ҳақиқий баҳоси бўйича суғурталанади. Автотранспорт суғуртаси бўйича шартномалар бир неча гуруҳга бўлинади:

– автотранспорт воситаларининг алоҳида суғуртаси дунё мамлакатлари ўртасида кенг тарқалган бўлиб, «Каско суғуртаси» дея аталади. Ундан ташқари, транспорт воситаларида ташиладиган барча юкларни транспорт воситаларисиз суғурта килишнинг Карго суғуртаси ҳам мавжуд;

– баъзи ҳолларда бир вақтнинг ўзида икки хил суғурта турларидан фойдаланиш мумкин. Унда транспорт воситаси, юк ва ҳайдовчи биргаликда суғурта қилинади;

– транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахс томонидан келтирилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси.

Баъзан авария сабабчиси бўлган шахсни аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки авария атайлаб содир этилганида ва шу билан бирга суғурта шартномаси муддати тугаган бўлса, у ҳолда жабрланувчини ҳимоялаш учун Германияда махсус фонд ташкил этилган. Бу фонд ҳисобидан суғурта қопламаси берилади.

Транспорт воситаларини суғурталашдаги муҳим кўрсаткичлардан бири двигателл қувватига кўра белгиланган тариф ставкаларидир. Барча суғурта компаниялари суғурта тарифини белгилашда бир неча сабабларни ҳисобга оладилар. Масалан, техник ҳолати, цилиндр ҳажми, юк кўтариш даражаси, ўриндиқлар сони. Халқаро савдо муносабатлари ривожида автотранспорт воситаларининг ўрни беқиёс. Бу эса бугунги кунда автотранспорт суғурта тизимини халқаро талаблар даражасига олиб чиқишни тақозо этади. Автотранспорт воситаларини халқаро миқёсда суғурталаш тизими жорий этилган бўлиб, бу «Яшил карта» тизими деб номланади.

«Яшил карта» тизими 1953 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган.

Ўзбекистонда Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши ўз навбатида Ўзбекистоннинг бошқа хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантирмоқда. «Яшил карта» тизимида фаолият олиб бориш учун талаб этиладиган асосий шартлардан бири «мажбурий автофуқаролик жавобгарлигини суғурталаш» бўйича қонуннинг қабул қилиниши, «Яшил карта» тизимида иштирок этишни истаган давлатларнинг ҳар бирида Миллий бюро ташкил этилиши ва бунга барча четга чиқадиган автоуловли фуқаролар аъзо бўлишлари керак бўлади.

Ўз вақтида социалистик давлатларда мажбурий автофуқаролик жавобгарлигини суғурталаш амалга оширилган ва у «Кўк карта» номи билан фаолият олиб борган. Унинг фаолияти ҳам «Яшил карта» фаолиятига ўхшашади. Ҳозирги кунда Польша, Венгрия, Чехия, Словакия ва шунингдек Болтиқбўйи республикалари (Литвадан ташқари), Украина, Молдова «Яшил карта» нинг иштирокчиси.

«Яшил карта» шартномасида иштирок этаётган давлатларда автотранспорт воситаларининг суғурта жавобгарлиги суғурта полисида қайд этилганидек эҳтимолдаги ҳодиса учун жавобгарлик тенг олиб борилиши кўзда тутилган. «Яшил карта»нинг асосий элементи «Миллий бюро» ҳисобланади. Бу бюро орқали барча транспорт ҳаракатлари назорат қилиб турилади. Суғурта ҳодисалари рўй берганда «Миллий бюро» суғурта компаниялари билан ҳамкорликда муайян миқдорда суғурта қопламалари берилишини ташкил этади. Миллий бюро, ўз навбатида, халқаро бюрога бирлашган бўлиб, уларнинг қароргоҳи Лондонда жойлашган.

Денгизлар орқали юк ташиш ҳажми кенгайиб бораётганлиги сабабли кемаларни турли суғурта ҳодисаларидан суғурталаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, бундай суғуртада суғурта жавобгарлигининг қуйидаги турлари инобатга олинган: барча келтирилган зарар, шу жумладан,

йўловчилар ва кема экипажи аъзоларининг ҳаёти, саломатлигига келтирилган зарар ҳамда бошқа шахсларнинг мулклари бўйича суғурта жавобгарлиги. Денгиз суғуртаси кемалар, юклар ва фрахт суғуртаси, кема экипажларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлик суғуртаси шаклида амалга оширилади. «Фрахт» учинчи шахс олдидаги жавобгарлик маъносини англатади.

Европа мамлакатларида денгиз суғуртаси бўйича ўзига хос қоидалар мавжуд. Денгиз транспорти (кема)ни суғурталашда бир неча суғурта компаниялари бир вақтнинг ўзида қатнашишлари мумкин. Бунда асосан етакчилик қилаётган суғурта компанияси билан келишиб олинади. Бошқа суғурта компаниялари эса етакчи компания раҳбарлигида фаолият юритади.

Кема эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамкорликда суғурталашни амалга оширувчи клублар ташкил этилган. Суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарар суғурталовчи билан суғурталанувчи ўртасида имзоланган шартнома асосида амалга оширилади.

Бундай клублар кўпгина иқтисодий ривожланган давлатларда фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро суғурталаш компанияси 1720 йилда Лондонда ташкил этилган. Унга кўра, содир этилган зарарларни «Ўзаро суғурталаш» компанияси кафолатлайди. Ҳозирда дунёнинг 70 га яқин давлатларида кема эгаларининг ўзаро суғуртани амалга оширувчи клублари фаолият кўрсатмокда, Мазкур шохобчалар қароргоҳлари Буюк Британия, АҚШ, Швейцария, Норвегия, Япония каби давлатларда жойлашган.

Энг йирик ўзаро суғурта компанияларидан бири «Бермуд ассоциация»сидир. Бу ташкилотнинг фаолияти байналмилал кўринишда. Ташкилот кема эгалари миллатидан, кемаларининг ҳажмидан қатъи назар шартнома тузади. «Бермуд ассоциацияси» йўналиши бўйича «Ингосстрах» АСК фаолият олиб боради. Бу ташкилотларнинг суғурта фонди кема эгаларининг ўтказган суғурта мукофотлари ҳисобидан ташкил

этилади. Жамғарма ҳисобидан кема, юк бўйича содир бўладиган суғурта ҳодисаси қопланади. Суғурта ташкилотларининг молиявий асослари суғурта бадаллари ҳисобидан шаклланади. Тўланадиган мукофотлар кемаларнинг ҳажмига, ортилган юкларнинг миқдорига (тонна), масофасига, суғурта жавобгарлиги миқдорига ҳамда миллий қоидалар талабига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Суғурта рискларида юқорида кўриб ўтилган омиллардан ташқари, атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича ҳам суғурта жавобгарлиги амалга оширилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳозирда нефть маҳсулотларининг катта қисми денгиз сув йўллари орқали ташилмоқда. Баъзан нефть маҳсулотлари океан ва денгизга олиб кетиш ҳоллари содир бўлмоқда. Шу сабаб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролик жавобгарлиги бўйича халқаро конвенция (1969 йил Брюссел) қабул қилинган бўлиб, у 1975 йилдан тўлиқ кучга кирган. Бу конвенция талабига кўра 2 минг тоннадан ортиқ нефть маҳсулоти бўлган ҳар бир кемага тегишли сертификат ҳамда суғурта жавобгарлиги тўлиқ берилиши назарда тутилган. Бундай сертификатга эга бўлмаган кемалар, нефть ва нефть маҳсулотларини конвенцияга аъзо давлатлар ҳудудидан олиб ўтиш ҳудудига эга эмаслар.

Дунё миқёсида нефть ва нефть маҳсулотларини ташишга бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги боис танкерга эга бўлган ташкилотлар ўзаро халқаро келишувларга асосланиб фаолият кўрсатмоқдалар. Бундай ташкилотлар мақсади – сув сатҳининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланишининг олдини олишдир.

Шартнома шартларига асосан кема эгаси барча келтирган зарарни қоплаши керак. Бугунги кунда халқаро йўналишда хизмат кўрсатаётган танкерларни суғурталовчи халқаро суғурта ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда.

11.5. Европа суғурта бозорининг дунё суғурта бозоридаги ўрни

Маълумки, суғурта фаолияти жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг рисклар юз бериши оқибатида кўриши эҳтимоли бўлган зарарларини қоплашнинг зарурий воситаси сифатида пайдо бўлиб ривожланиб бормоқда. Шу сабабли, суғурта манфаатлари негизида суғурта муносабатлари юзага келмоқда. Суғурта муносабатлари, уларнинг ташкилий шакллари қандайлигидан катъи назар, суғурта фондини яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнида вужудга келади. Суғурта соҳасининг ҳуқуқий асослари республикамизда “Суғурта тўғрисида”ги Қонунда акс этган. Бугунги кунда ушбу қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори фаолияти тартибга солиниб келинмоқда.

Шу ўринда ривожланган мамлакатлар тажрибасида суғурта бозорининг иқтисодиётдаги аҳамиятини аниқлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу кўрсаткичлар барчаси бозор иқтисодиёти шароитида ушбу бозорнинг ривожланганлик даражаси суғурта мукофотлари ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши билан ифодалаш орқали амалга оширилади.

Марказий ва Шаркий Европа мамлакатларида суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2,2 фоизни, Ғарбий Европа давлатларида эса 7,7 фоизни ташкил этади. Шунингдек, ушбу кўрсаткич бутун жаҳон мамлакатларидаги суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ўртача улуши 6,1 фоизни, энг паст кўрсаткич 2,2 фоизни Марказий ва Шарқий Европа давлатларига тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари суғурта бозоридаги суғурта мукофотлари улушини орттириш учун бир қатор янги чора-тадбирларни ишлаб

чиқиши зарур. Шундагина унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш мумкин бўлади.

Шу сабабли, суғурта компаниялари суғурта бозорининг институционал таркиби асосини ташкил этган ҳолда унинг молиявий нуқтаи назардан суғурта жамғармасини ифодалаш шакли, суғурта жамғармасига қаратилган ресурслар эса узоқ муддатли кредитлар манбаи ҳисобланади. Масалан, АҚШда суғурта компанияларининг молиявий ресурслари, саноат ва савдо компанияларига берилган узоқ муддатли кредитларнинг тахминан 55 фоизига тўғри келади

Тараққий этган мамлакатларда суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотларини энг ривожланган 20 та суғурта компаниялари маълумотлари умумлаштирилган 11.2-жадвалга қаранг.

Жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, ривожланган давлатларда суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари 2015-2018 йиллар мобайнида маълум даражада ўзгарди. Жумладан, 2015 йилдагига қараганда 2018 йилда суғурта мукофотлари ҳажми маълум даражада ўзгариш тенденциясига эришилди. Бу давр оралиғида, Европа Иттифоқида 2018 йилда дунёнинг 20 та энг катта суғурта компаниялари томонидан тўпланган жами суғурта мукофотлари миқдори 1,053 трлн. АҚШ долларини ташкил этган ва бу кўрсаткич 2015 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 2,94 фоизга кўпайган.

Жадвал маълумотига кўра, 2018 йилда AXA(Франция)нинг тўплаган суғурта мукофотлари 4,82 фоизга қисқарганига қарамасдан, дунё бўйича етакчи суғурта компанияси бўлиб қолган. АҚШнинг UnitedHealth Group суғурта компаниясида 2018 йилда ўсиш суръати бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган бўлиб, суғурта мукофотлари 15,89 фоизга ва компаниянинг умумий фойдаси 9,17 фоиз ўсганлигини кўриш мумкин.

11.2-жадвал

2015-2018 йилларда дунёнинг энг йирик 20 та суғурта компанияси томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми (млн. АҚШ доллари, фоизда)[4].

№	Компаниялар	Суғурта мукофотлари			Умумий фойда		
		2018	2015	Ўсиш суръати	2018	2015	Ўсиш суръати
1.	Axa S.A. (Франция)	105388	110725	-4,82%	113157	118721	-4,69%
2.	UnitedHealth Group (АҚШ)	98975	85405	15,89%	102789	94155	9,17%
3.	Allianz SE (Германия)	90325	91063	-0,81%	135456	141346	-4,17%
4.	Assicurazioni Generali SpA (Италия)	93343	97179	-3,95%	108567	120536	-9,93%
5.	Nippon Life Insurance Co. (Япония)	65356	59244	10,32%	87678	82285	6,55%
6.	China Life Insurance (Group) Co. (Хитой)	52466	48212	8,82%	59676	58454	2,09%
7.	Aviva plc (Англия)	53477	56000	-4,51%	46679	48549	-3,85%
8.	Zurich Financial Services Ltd. (Швейцария)	497,7	47559	4,62%	55567	67857	-18,1%
9.	Dai-ichi Life Insurance Co. (Япония)	43342	45562	-4,87%	60789	65116	-6,64%
	Жами (ўртача)	**1053095**	**1022991**	**2,94%**	**1294565**	**1332193**	**-2,82%**

АҚШнинг UnitedHealth Group компанияси тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми бўйича Франциянинг Axa S.A. компаниясидан кейинги ўринда турган бўлса-да, 2018 йилда 99 млрд. АҚШ доллари миқдорида суғурта мукофотларини тўплаган.

Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, АҚШда йиғилган жами суғурта мукофотларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 2015 йилда 11,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 9,3 фоизга тушганини кўришимиз мумкин. Австралия ва Японияда эса 2018 йилда ўсиш кузатилган ва суғурта мукофотларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 8,2 фоизга етган. Бундан ташқари, 2018 йилда йиғилган жами суғурта мукофотлари мамлакат ЯИМдаги улуши Кореяда - 11,3 фоиз, Португалияда - 6,4 фоиз, Нидерландияда - 9,7 фоиз, ривожланган Европа давлатлари: Австрияда - 6,2 фоиз, Германияда - 7,2 фоиз, Италияда - 7,2 фоиз, Францияда - 9,3 фоиз, Швецияда - 13,8 фоиз бўлса ва Японияда эса - 8,0 фоизни ташкил этган [5].

Юқоридаги кўрсаткичларни таҳлил қилинган ҳолда маълумотларни Ўзбекистон Республикасидаги кўрсаткичлар билан солиштирилганда қуйидаги 11.2-жадвал маълумотлари аниқланди.

11.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори ривожланишининг асосий кўрсаткичлари [2]

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	2016	2017	2018
Суғурта компаниялари сони жами	33	35	34
Шу жумладан:			
- умумий суғурта тармоғида	32	34	33
- қайта суғурта тармоғида	1	1	1
Ихтисослаштирилган брокерлар	1	3	3
Актуар ташкилотлар	2	2	2
Суғурта мукофотлари, фоизда	135,0	134,9	136,0
Суғурта тўловлари, фоизда	101,0	102,5	103,0

Ўзбекистан Республикасида суғурта фаолиятининг 2016-2018 йилларда ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 11.2-жадвалда берилган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, энг кўп суғурта тўловлари 2018 йилда амалга оширилган. Ўзбекистонда суғурта бизнеси ривожланишининг бир нечта босқичларини босиб ўтиб, суғурта ва қайта суғурта бозорида хорижий капиталнинг иштироки тобора ортиб бормоқда. Суғурта бозорининг давлат назорати тизими такомиллашмоқда. Ўзбекистон суғурта ташкилотлари томонидан 2018 йилда юридик ва жисмоний шахсларга 51 млрд. сўм суғурта қопламалари тўланган ва ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,12 баробарга ошган.

2018 йилда Ўзбекистондаги суғурта компанияларнинг иккитаси ҳаётни суғурта қилиш, 33 таси умумий суғурта тармоғида ва биттаси фақат қайта суғурталаш фаолияти билан шуғулланган. Мавжуд суғурта бозорида учта суғурта брокери, иккита актуарий ташкилоти фаолият олиб борган. Ҳаёт суғуртаси тармоғида тўрт класс бўйича, умумий суғурта тармоғида 17 класс бўйича 150 дан ортиқ хизмат турлари таклиф килинган. Суғурта бозорида нодавлат суғурта компаниялари улуши даврий ўсиб бормоқда.

2018 йилда нодавлат суғурта ташкилотларининг суғурта бозоридаги улуши 60 фоизни ташкил этди. Бу эса Ўзбекистон суғурта бозори жаҳон тамойилларига мос равишда барқарор ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

– суғурта компаниялари томонидан тўпланадиган суғурта мукофотлари улушини янада ошириш;

– барча давлатларда суғурта фаолиятининг мақсади мамлакатнинг экспорт-импорт операциялари, туризм ва автотуризм, чет эл жисмоний ва юридик шахсларининг мамлакатдаги мол-мулк муносабатлари, уларнинг гаровлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш;

– суғурта бозори фаолиятини ривожланган давлатлар тажрибасидан кенгроқ фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш.

– суғурта бозори фаолиятини миллий иқтисодиётдаги улушини янада ошириш. Бунинг учун янги усул ва услублардан фойдаланиш.

11.6. Кредитларни суғурталаш бўйича давлат ташкилотлари

Халқаро кредитлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни суғурталаш муаммосининг мавжудлиги, энг аввало, кредитлаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган зарарларни олдини олиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Кредит муносабатлари доирасида халқаро капитал оқимлари сўзсиз қарздорлик муаммосини келтириб чиқаради. Бу эса кредитларни суғурталашга бўлган аҳамиятни оширади. Қолаверса халқаро молиявий институтларни кредит муносабатлари доирасида суғурталаш масаласини зарурият даражасига олиб чикди.

Халқаро кредитларни суғурталаш – бу мулкий суғуртанинг бир кўриниши бўлиб, у кредит рискини камайтирилиши ёки умуман йўқотилишига қаратилган.Х1Х асрнинг 10-йилларининг ўрталарида махсус суғурта компаниялари ташкил этилди. 1929-33 йиллардаги иқтисодий инқироз хусусий суғуртанинг самарасизлигини кўрсатди. Экспортни рағбатлантириш зарурлиги ва иқтисодий-сиёсий нобарқарорлик шароитида риск даражасини ортиши халқаро кредитлар асосан ўрта ва узоқ муддатли экспорт кредитларини давлат томонидан суғурталашни зарурият даражасига кўтарди. Бундай суғуртанинг асоси бўлиб суғурталовчи компания ҳақ тўлаш шарти асосида экспортни кредитловчиларни тижорат, сиёсий ва форс-мажор рисклардан суғурталаш ҳисобланади. Банк кредит риски қарздорнинг тўлов қобиллиги билан белгиланади. Халқаро кредитларни суғурталаш ўз ичига

валюта рискларини суғурталаш, товар баҳосини ишлаб чиқариш даврида ортишига қарши суғуртани ҳам қамраб олади. Сиёсий рисклар давлат фаолияти натижасида юзага келиши (конфискация, миллийлаштириш) мумкин. Суғурталанаётган объектлар, терроризм, намойишлар, фуқаро уришлари) ҳам суғурта объектига айланиши мумкин. Табиий офатлар билан боғлиқ форс-мажор рисклари ҳам суғурталаш объекти сифатида эътироф этилиши мумкин. Халқаро кредит субъектлари асосан бир-биридан узоқ масофада жойлашган мамлакатлар бўлгани учун, кредитор банкларни кредитларини ички бозордаги ҳолатига нисбатан ёмонроқ аҳволга олиб келиши мумкин, чунки бу банклар қарздорнинг молиявий аҳволидан тўлиқсиз (челанган) миқдорда хабардор бўладилар. Суғурта объекти сифатида чет эл капитали ёрдамида олиб борилаётган қурилишлар ҳам эътироф этилиши мумкин. Суғурталаш суғурталовчи билан суғурталанувчи ўртасида келишувни расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Бу ҳужжат суғурта полиси бўлиб ҳисобланади. Унда суғурта мукофоти суғурталанувчи суғурта фондига тўлайдиган бадаллари бўлиб ҳисобланади. Бу мукофот фоизи суғурталанаётган объект умумий суммасига ёки кредитнинг тўланмайдиган қисмига нисбатан фоизларда белгиланади. Шунингдек, бу фоизга импортёр ёки қарздор жойлашган ҳудуд, риск даражаси кредитни қайтариш муддати ва жадвали, товар ёки хизматлар тури ҳам таъсир қилади. Халқаро кредитни қайтарилмаслиги натижасида кўриладиган зарар суммаси суғурталовчи томонидан қопланган учун бу тўлов суғурта қопламаси деб юритилади. Экспорт кредити битимининг асосий шарти-тўлов муддатидир, чунки суғурталовчи мажбурияти маълум бир муддат келганида ёки кредит бўйича қарздор томоннинг тўловни амалга оширмаганлиги сабабларини аниқлаш учун ажратилган 60-90 кун муддат тугаганда кучга киради. Халқаро кредитни суғурта суммаси бир суғурталовчи компаниянинг молиявий потенциалидан катта бўлгани учун халқаро кредитларни суғурталашда

биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш усулларидан фойдаланилади. Биргаликда суғурталашда бир нечта суғурта компаниялар келишилган шартлар асосида иштирок этадилар, лекин суғурталовчи компания бошқасининг мажбуриятлари учун жавоб бермайди (бунга банкротлик ҳолати мисол бўла олади). Қайта суғурталашда – суғурта компанияси ўз мажбуриятларини бир қисмини бошқа компанияга ўтказади. Халқаро кредитларни суғурталаш ва кафолатлашни махсус ташкилотлар (давлат, тўлиқ бўлмаган нодавлат ва хусусий) амалга оширадилар. Катта рискли кредитларни давлат суғурталайди ва бир вақтнинг ўзида хусусий тадбикорларни максимал даражада рискдан озод қилади. Кредитни суғурталаш бозори юқори даражада монополлашганлиги билан ажралиб туради. Буюк Британияда экспорт кредитларни суғурталаш билан хусусий (Индемните, Ллойд) компаниялар (1919 йилда ташкил топган), экспорт кредитларини суғурталовчи давлат суғурта департаменти шуғулланади. Инглиз нусхасига ўхшаган ҳолда Норвегияда ГИЕК, Швецияда Экспорт кредити эмиден, Канадада Экспорт девелопмент корпорейшн суғурта компаниялари ҳам ташкил этилган. Францияда халқаро кредитларни суғурталаш билан тўлиқмас давлат КАФАСЕ компанияси ва 2 та хусусий компания шуғулланади. Италияда экспорт кредитларини суғурталаш билан 20 та компания ва давлатнинг ИНА компанияси шуғулланади. АҚШда экспорт кредитини суғурталаш билан ЭИБ ва Форин кредит иншуранс асосиэйшн (50 компания бирлашмаси) шуғулланади. Германияда суғурталаш билан 12 та суғурта ташкилоти шуғулланади, улар ичида йириклари Гермес ва Тройэрбейт бўлиб, улар давлат номидан ва унинг ҳисобига фаолият юргизишадилар. Нидерландия ва Ирландияда халқаро кредитларни суғурталаш билан фақат давлат компаниялари шуғулланади. Халқаро кредитни суғурталашни амалга оширувчи суғурта компаниялари асосан ҳужжатлаштириш, суғурта мукофотларини хисоб-китоб қилиш, зарар суммасини аниқлаш каби ишларни амалга

оширадилар. Улар бу ишларида дунёнинг кўпчилик экспортёр ва импортёрлари ҳақидаги маълумотлар банкига таянадилар. Аммо кафолат бериш ҳуқуқи фақат давлат қўмиталари ва комиссияларига берилган. Масалан, Гермес компаниясига экспортлардан, буюртмалар келса, унда бундай буюртмалар Немис Марказий банки бошлиғи ташқи ишлар, молия, иқтисоди вазирларидан иборат. Вазирликлараро қўмитага қарор қабул қилиш учун тақдим этилади. Буюк Британияда молиявий капитал иштирокчиларидан иборат экспорт капитали бўйича Маслаҳат Кенгаши иш олиб боради. Италияда суғурта шартларини экспорт кредитлари бўйича кузатув кўмитаси белгилаб беради. Бу ташкилотлар иш тартиби, йўналиши, услуби турлича бўлишига қарамай, уларни умумийлаштирувчи асосий белги-экспортни кредитлаш ва суғурталаш ўртасидаги алоқани кучайтиришга ўз фаолиятини қаратади. Одатда, экспортёр ёки импортёрга кредит бериш экспортни суғурталаш полисини талаб қилиши шарт бўлиб ҳисобланади. Суғурталаш кредит шартлари ва муддатларига таъсир қилади. Суғурта компанияси кафолат берган кредитлар узоқ муддатга имтиёзли шартлар асосида берилади. Ҳукумат халқаро кредитларни ўз бюджети ҳисо-бидан молиялаштириши ҳам мумкин. Бунда суғурталанаётган риск бир нечта ўнлаб турларга бўлиниши мумкин бўлади (Буюк Британияда 300га яқин). Ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга давлат кафолати бор тақдирда кредит бериши мумкин бўлади. Халқаро кредитнинг барча элементларига нисбатан суғурта турларининг юзага келиши билан кафолатнинг ҳам янги турлари юзага келади.

Улар ичида:

– экспорт товарларини ишлаб чиқариш даврида кредитларни суғурталаш;

– янги бозорга қилинаётган экспортга кафолатда давлат бозорни ўрганиш бўйича харажатлар (реклама ва ҳоказоларни ўз бўйнига олади).

– фабрикацион рискларни суғурталаш, яъни оғир жиҳозларни ишлаб чиқариш даврида харидор томонидан битимни бузилиш риски;

– гаров учун таклиф этилган товарларни қайтарилишининг кафолати. Бу ҳолат чет элдаги товар захираларини гарови ҳисобига банклар кредит беришга рози бўлмаган ҳолда юз беради;

– «Своп» битимини қўллаган ҳолда экспорт кредитлари бўйича агентлик ҳисобига чет эл харидорини кредитлаш.

Шундай қилиб, давлат ва хусусий суғурта объектига халқаро кредит, экспортёр-импортёр кредитлари, банкларнинг ташқи савдо кредитлари, валюта риски кредит валютасининг қийматини пасайиши киради. Экспорт кредитларини суғурталаш турлари 50 тадан ортиқдир. Экспорт кредитларини давлат ҳисобига суғурталашда бюджетдан суғурта компанияларининг чегараланган фондлари чиқарилади.

Кредитлар бўйича тўловларнинг кечикиши рискини суғурталаш бўйича суғурта хизматларни давлатларнинг тегишли суғурта компаниялари амалга оширади. Тўловнинг кечиктирилишини назарда тутувчи экспорт контрактлар бўйича сиёсий ва тижорат рисклардан суғурта қопламаси резидент ташкилотлари томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига биноан савдо тижорат рисклардан суғурта қилиш ва «ИНКОТЕРМС» халқаро қоидаларига мувофиқ суғурта қилиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари томонидан амалга оширилади. Тўловни кечиктириш шартларида амалга оширилаётган биринчи даражали банкларнинг тўлов мажбуриятлари билан таъминланмаган экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат рискларидан ҳимоялашни суғурталаш «Ўзбекинвест» ЭИМСКси, Россияда эса бундай хизматларни «Ингосстрах» АСК амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Суғурта компаниялари суғурталанувчилардан суғурта мукофотларини олганларидан кейин содир бўлиши мумкин

бўладиган суғурта рискларини ўрганиб чиқади ва барча суғурталанувчи экспортёрлар ҳамда импортёр контрагентлар билан суғурта шартномаларни имзолайди, унинг бажарилишида қуйидаги шароитлар инобатга олинади:

- суғурталовчи контрагентпинг тўлов кобилиятини ўрганиб чиқиб, суғурта суммасини белгилайди. Тўлов амалга ошган чоғда, мазкур сумма миқдорида суғурталовчининг суғурта жавобгарлиги назарда тутилади;
- суғурталовчига тақдим этиладиган суғурта қопламалари суғурта полисида қайд этилган миқдордан юқори бўлмайди;
- суғурталовчи томонидан товарни етказиб бериш ва кўрсатиладиган хизмат турлари бўйича барча шартномадаги мажбуриятлар бажарилганидан кейин ҳисоботлар тақдим этилади ҳамда тўлов кўрсатилган суғурта муддатларида амалга оширилади.

Суғурта шартларида кўзда тутилган тасодифлардан биронтаси содир бўлгандагина суғурталовчи шартномада келишилган суғурта суммасини тўлашга масъул. Баъзи ҳолларда суғурталовчи контрагент тўлов қобилиятининг пасайиши тўловнинг белгиланган муддатдан кечикишига сабаб бўлиши мумкин. Агарда:

- банкротлик тўғрисида иш очилганда ёки унинг етарли эмаслиги боис рад этилганда;
- қарз берувчи ва қарз олувчи томонлар ўртасида банкротликнинг олдини олиш мақсадида ўзаро келишувларга эришилганда,
- икки томон судга мурожаат қилмай қарзларни қисман қайтариш бўйича шартнома келишувига эришганда;
- суд қарори бўйича суғурталанувчидан қарз ундирилиши амалга оширилганда, тўловга ноқобиллик даври бошланади.

Халқаро иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳолларида чет эллик ҳамкорларнинг кредитни қайтармаслик риски содир бўлиши мумкин бўлади. Экспорт кредитларининг ўз вақтида

қайтармаслигини таъминловчи восита сифатида кафолатлар (олдиндан пул ўтказиш, ёки расмий тасдиқланган аккредитив) билан бир қаторда, суғурталаш ҳам кенг бўлиб ҳисобланади. Бундай суғуртада қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилинади:

- суғурта кредит риски юзага келишини акс эттиришга;
- кредит суғуртаси савдо операциясида фавқулодда рискларнинг юзага келишини ҳисобга олишга;
- риск суғуртасида экспорт қилувчи ўз хориж мижозининг тўловга қобиллиги билан ҳар доим ҳам қизиқмайди;
- суғурта, жамияти ёрдам берувчи ташкилот бўлиб, кафолатли векселларни сотишига ёрдам беради;
- суғурта қиймати риск миқдорига боғлиқ бўлади;
- экспорт килувчинииг муваффақиятсиз операциясидан кўрган зарар миқдори ҳисоблаб чиқилгандан сўнг тўланади.

Бунинг натижасида тижорат ва банк тузилмаси ёрдамида халқаро савдога таъсир этувчи кредитлар суғуртасини амалга оширувчи хусусий ва давлат ташкилотлари тизими барпо этилади. Суғурта ташкилотлари ишлаб чиқилган битимлар асосида суғурта операцияларини амалга оширадилар. Бугунги кунда «Ўзбекинвест» компанияси экспорт кредитлари ва инвестициялари халқаро уюшмаси (Брен иттифоқи) билан яқин ҳамкорликни амалга оширмоқда. 1998 йилдан бошлаб «Ўзбекинвест» Марказий экспорт кредит агентлиги Прага клубининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, унинг доирасида хорижий экспорт-кредит агентликлари билан экспорт кредитларини суғурталашни амалга ошириш йўлларини ўзлаштирмоқда.

Компания «Ингосстрах» ОТСАЖ, Франция ташки тижорат суғурта компанияси (КОФАСЕ), Венгрия экспорт - кредит агентлиги (МЕҲИБ), Болгария экспорт суғуртаси агентлиги (БАЕЗ), Словения экспорт корпорацияси (СЕК), Польша Республикаси экспорт кредит суғурта корпорацияси (КУКЕ), Ҳиндистон экспорт - импорт банки, ташки иқтисодий фаолият билан боғлиқ қалтисликларни суғурталаш унитар

суғурта корхонаси (Белвнеш-страх) ва бошқалар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. Имзоланган битимлар доирасида суғурта дастурларини ишяаб чиқиш ва амалга ошириш, ахборот алмашинуви, қўшма суғурталашда, параллел суғурталашда, қайта суғурталащда ва даъволарни тартибга солишда ёрдам кўрсатиш бўйича ўзаро ҳамкорлик борасида фаол иш олиб бормоқда.

Бунинг натижасида суғурта ва банк фаолияти уйғунлашиб бир томондан, кредит эҳтиёжлари учун капитални жалб этувчи ҳамда иккинчи томондан, бундай кредитларни суғурта қилувчи ихтисослашган ташкилотларнинг ва ассоциацияларининг шаклланишига сабаб бўлмокда.

Кредит суғуртаси экспорт қилувчилар ва импорт қилувчилар ўртасида тижорат ҳамда молиявий интизомни рағбатлантирувчи бўлиб ҳисобланади. Кредитни тўлай олмаслик риски ушбу суғуртанинг объекти бўлиб, кредит ёки ссуда олувчининг банк олдидаги кредитни ўз вақтида ва тўлалигича фоизи билан кайтариш жавобгарлиги бўлиб ҳисобланади.

Экспорт кредитини қайтариш жавобгарлиги бўйича суғурта қопламасини беришда қуйидагилар чегириб ташланиши назарда тутилади:

- қарз муддатининг ўтганлиги учун тўланган фоизлар, шартнома шартларини бажармаганлиги бўйича ундириладиган тўловлар, қоплаш учун қилинган харажатлар, суд харажатлари ҳамда валюта курси бўйича ҳосил бўлган фарқ;
- давлат ҳамда муниципал корхоиалар ва ташкилотлар ҳисоботига ўтказилиши лозим бўлган капитал суммаси;
- товарни қабул килиш ҳамда хизматлар билаи боғлиқ бўлган лицензияларнинг йўқлиги ёки жўиатилган экспорт товарлар, импорт қилинадиган мамлакатда тақиқланган ҳаракатлар туфайли кўрилган зарарлар;
- суғурталовчи томонидан уруш (ҳарбий келишмовчилик, қўзғолон, мусодара, товар ва валюта операцияларида давлатлар ўртасидаги чегараланиш)лар ва табиий офатдан кўрилган зарарларни.

Битим суғурта компанияси ва банклар ёки бошқа кредит муассасалари ўртасида тузилади. Бундай кредит суғуртасида суғурталанувчининг кредитни тўлаш қобилияти, яъни кредит риски даражаси ҳисобга олинади. Ҳозирда товарларнинг экспорт килиниши кўп ҳолларда тижорат қарзлари билан боғлиқ бўлмоқда. Шунинг учун ҳам тижорат йўлида олинган қарзлар айрим ҳолларда товарларнинг жаҳон бозорларида сотилиши эвазига қопланмаслиги, яъни қопланмаслик риски содир бўлиши мумкин.

Масалан, Ғарбий Европада ҳар йили кўплаб фирмалар банкрот бўлади. Бунинг асосий сабаби харажатларнинг кўпайиб кетиши, баҳонинг тушиши ва пировард натижада, фирмаларнинг фойда ололмаслигидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда экспорт қарзи ёки дебиторлик қарзларни суғурталаш амалга оширилади.

Бу турдаги суғурталашнинг мақсади товар экспорт қилувчиларнинг экспорт қилинган товарларга чет эл истеъмолчилари томонидан ўз вақтида ҳақ тўланишини кафолатлашдан иборатдир.

Экспортёрларни суғурталашнинг икки хил усули мавжуд:

– чет эллик харидор тўлов қобилиятининг мавжуд эмаслигидан, яъни (банкротлнк ҳолатидан);

– тўлов қобилиятини йўқотиш ҳолати вужудга келгунга қадар бўлган рискни суғурталаш.

Тижорат қарзлар суғурга объекти ҳисобланади. Экспортчи суғурталанувчи - импорт товарларни контрагент учун қабул қилувчи. Контрагент шартларига кўра тижорат қарзлар товар ёки хизмат кўринишида бўлиши мумкин.

Халқаро иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнининг аксарият ҳолларида чет эллик ҳамкорларнинг кредитни қайтармаслик риски содир бўлиб туради. Экспорт кредитларининг ўз вақтида қайтармаслигини таъминловчи восита сифатида кафолатлар(олдиндан пул ўтказиш ёки расмий тасдиқланган аккредитив) билан бир қаторда,

суғурталаш кенг қўлланилмоқда. Бундай суғуртада қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилинади:

– суғурта кредит риски юзага келишини акс эттириш лозим;

– кредит суғуртаси савдо операциясида фавқулодда рискларнинг юзага келишини ҳам ҳисобга олади;

– риск суғуртасида экспорт қилувчи ўз хориж мижозининг тўловга қобиллиги билан ҳар доим ҳам қизиқмайди;

– суғурта, жамияти ёрдам берувчи ташкилот бўлиб, кафолатли векселларни сотшига ёрдам беради;

– суғурта қиймати риск миқдорига боғлиқ бўлади;

– экспорт килувчинииг муваффакиятсиз операциясидан кўрган зарар миқдори хисоблаб чикилгандан сўнг тўланади.

Бунинг натижасида тижорат ва банк тузилмаси ёрдамида халқаро савдога таъсир этувчи кредитлар суғуртасини амалга оширувчи хусусий ва давлат ташкилотлари тизими барпо этилади. Суғурта ташкилотлари ишлаб чиқилган шартномалар асосида суғурта операцияларини амалга оширадилар. Кредит суғуртаси кейинги йилларда кредит рискининг камайтириш усулларидан бири сифатида ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда «Ўзбекинвест» компанияси экспорт кредитлари ва инвестициялари халқаро уюшмаси (Брен иттифоқи) билан яқин ҳамкорликни амалга оширмоқда. 1998 йилдан бошлаб «Ўзбекинвест» Марказий экспорт кредит агентлиги Прага клубининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, унинг доирасида хорижий экспорт-кредит агентликлари билан экспорт кредитларини суғурталашни амалга ошириш йўлларини ўзлаштирмоқда.

Компания «Ингосстрах», Франция ташки тижорат суғурта компанияси, Венгрия экспорт - кредит агентлиги, Болгария экспорт суғуртаси агентлиги, Словения экспорт корпорацияси, Польша Республикаси экспорт-кредит суғурта корпорацияси, Ҳиндистон экспорт - импорт банки, ташки иқтисодий фаолият билан боғлиқ қалтисликларни суғурталаш унитар суғурта корхонаси ва бошқалар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар

имзоланган. Имзоланган битимлар доирасида суғурта дастурларини ишяаб чиқиш ва амалга ошириш, ахборот алмашинуви, қўшма суғурталашда, параллел суғурталашда, қайта суғуртада ва даъволарни тартибга солишда ёрдам кўрсатиш бўйича ўзаро ҳамкорлик борасида фаол иш олиб бормоқда.

11.7. Миллий суғурта ассоциациялари ва суғурта компанияларининг инвестициялари

Ҳозирги давргача мамлакатимизда суғурта компаниялари кўпайиб, кўрсатилаётган хизматлар сони ва сифати йил сайин ортиб бормоқда. 2018 йил якунларига кўра, Ўзбекистон суғурта компанияларининг суғурта йиғимлари 2017 йилга нисбатан 6,2%га ошди. 2017 йилга қараганда суғурта йиғимлари миқдори 12,1%га, тўловлар миқдори 22,3%га ўсди. Ушбу йилда етакчи учликка “Ўзбекинвест”, “Ўзагросуғурта” ва Standard Insurance Group каби компаниялар кириб, улар умумий бозор улушининг 60,6%ини ташкил этмоқда. 2019 йил 1 январидаги маълумотларга кўра, мамлакатимизда 25 та суғурта компанияси мавжуд бўлиб, уларнинг фақатгина 1 таси ҳаётни суғурталаш билан шуғулланади. 2018 йил якунларига кўра, Ўзбекистон суғурта компанияларининг инвестицион активлари 2017 йилга нисбатан 9,6%га кўпайди.

Лекин шунга қарамасдан мамлакатимиз суғурта бозорининг ривожланиш даражаси иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардагидан анча паст. Маълумотлар кўрсатишича, иқтисодиётимиздаги хавфларнинг атиги 10% суғурталанмоқда (ривожланган мамлакатларда 90-95%), суғурта йиғимларининг мамлакатимиз ЯММдаги улуши сўнгги уч йилда ўзгармас равишда 0,3% (Англияда – 16%, Германия – 7%, Польша – 4%, Қозоғистон – 0,6%) бўлиб келмоқда.

Суғурта бозорининг етарлича ривожланмаслиги сабабларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– бу хизмат тури ҳақида аҳолининг етарлича ахборотга эга эмаслиги;

– суғурталанувчиларда суғурта компанияси молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги;

– суғурта амалиётидаги салбий оқибатлар;

– суғурта полисини сотиб олишга маблағ етишмаслиги;

– Ўзбекистонда суғуртага эҳтиёж йўқлиги.

Суғурта маркетинги, компаниянинг мижозлар билан ўзаро таъсирида самарали тизим экан, юқоридаги кўрсаткичлар, суғурта компанияларида ушбу тизимнинг етарлича ривожланмаганлиги, аҳоли ўртасида турли сабабларга кўра, суғурта маҳсулотларига талаб, суғурта маданияти пастлигидан далолат беради.

Ўзбекистон суғурта бозори янада ривожлантириш ва қайта шакллантириш босқичида турибди. Ҳукуматимиз суғурта бозорини такомиллаштириш ва модернизациялашга қаратилган чора-тадбирлари ижобий натижалар бермоқда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларини тўлиқ ва сифатли қондириш суғурта компаниялари олдидаги асосий масала бўлиб қолмоқда. Суғурта бозори ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий сабаблар – аҳоли даромадининг камлиги сабабли суғурта хизматига талаб пастлиги; аҳоли ўртасида суғурта маданияти, суғурта компанияларига ишонч, суғурта тўғрисидаги маълумотлар етарли даражада эмаслиги; суғурта компанияларида замонавий билимга эга малакали мутахассислар етишмаслигидир.

Юқорида баён қилинганларни эътиборга олган ҳолда қуйидагиларни эътиборга олиш муҳимдир:

– суғурта компанияларига талабларни ошириш, суғурта фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг халқаро стандартларини киритиш; суғурта фаолияти ва уни бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштиришни;

– суғурта бозорининг малакали (суғурта воситачилари, актуарий ва аудиторлар) ва бошқа қатнашчилари фаолиятини

янада фаоллаштириш, асосий ва қўшимча хизматлар сифатини яхшилашни;

– мижозларни жалб қилиш, суғурта маданиятини ошириш мақсадида суғурта компанияларида самарали маркетинг фаолиятини амалга оширишни;

– ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини яратиш ва уни аҳолининг кенг қатламига очиқлигини таъминлаш, интернетнинг ғаройиб технологияларини максимал даражада ишлатиб, истеъмолчиларни жалб қилиб, улар билан фаол ўзаро муносабатда бўлишни;

– реклама, жамоатчилик билан алоқа, истеъмолчиларни қўллаб-қувватлаш, сотишни ташкил қилиш ва рағбатлантириш, маркетинг тадқиқотларини ушбу тармоқ орқали амалга оширишни;

– суғурта тизимида малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида кадрларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни кўришни.

Ушбуларни эътиборга олиш орқали Ўзбекистонда ҳам суғурта фаолиятини жаҳон андозалари талаблари асосида йўлга қўйиш имкони юзага келади.

Шу боис ҳам бозор муносабатлари соҳасида дастлабки қадамларини қўяётган бизнинг мамлакатимиз учун жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари илғор тажрибасини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш, бу соҳада хато ва камчиликларга йўл қўймасликка, бозор механизмлари самараларидан тўлароқ, тежамли усулларда фойдаланишга имкон беради.

Суғурта муносабатлари ҳам инсониятнинг ўзи каби тарихан қадимий бўлиб, бу соҳадаги давлатлараро ҳамкорлик узоқ вақтлардан буён кўпгина ижобий тажрибалар тўпланган.

Суғурта масалаларига доир халқаро ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш, турли мамлакатлар миллий қонунчилигини мувофиқлаштириш, суғурта ташкилотлари ишини ўзаро уйғунлаштириш мақсадида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда уларнинг бажарилишини

таъминлаш, халқаро миқёсда иш юритувчи суғурта компанияларини рағбатлантириш мумкин бўлади.

Ҳозирги пайтда суғуртага оид муносабатларни халқаро миқёсда мувофиқлаштириш, бу соҳада мамлакатлар ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан шуғулланувчи ўнлаб универсал халқаро ташкилотлар иш олиб бормоқда.

Улардан бири бўлиб Ўзаро суғурталовчилар жамиятлари халқаро Ассоциацияси ҳисобланади. Ушбу ассоциация 1963 йилда асос солинган бўлиб, штаб квартираси Амстердам шаҳрида (Нидерландия), Бош котибияти эса Париж шаҳрида (Франция) жойлашган, 20 та мамлакатга мансуб бўлган 200 дан кўпроқ ўзаро суғурталовчилар жамиятларини бирлаштиради.

Суғурталовчилар жамиятлари Ассоциацияси ўз аъзолари манфаатларини халқаро ташкилотлар олдида (ЮНКТАД, Европа иқтисодий иттифоқи, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқалар) ифода этади, ҳаракатларни мувофиқлаштириб, тажриба алмашишни ташкил қилади.

Суғурталовчилар жамиятлари халқаро Ассоциациясининг Олий органи – ҳар 2 йилда бир марта чиқариладиган Ассоциация аъзолари умумий мажлиси саналади. Умумий мажлис ҳар бир аъзо мамлакатнинг 2 нафар вакиллари иштирокидаги комитетни сайлайди. Комитет томонидан эса кундалик тезкор бошқарув ишларини бажарувчи бошқарувнинг шахсий таркиби сайланади. Бошқарув қошида эса бош котиб ва котибият иш олиб боради.

Ўтган XX асрнинг ўрталарида Кредитларни суғурталаш бўйича халқаро Ассоциация ташкил топди. У 1946 йилда Цюрих шаҳрида ташкил этилди. 1928 йилда Париж шаҳрида ташкил этилган шу номдаги халқаро ташкилотнинг давомчисидир. Расмий ҳужжатларда у кредитларни суғурталаш бўйича 2-халқаро Ассоциация деб номланади ва унинг таркибига турли мамлакатларга мансуб бўлган 20 тадан ортиқ суғурта компаниялари киради. Улар орасида Австрия, Белгия,

Италия, Франция, Буюк Британия каби давлатларнинг вакиллари мавжуд.

Унинг Олий органи бўлиб умумий мажлис саналади ва у котибиятни ташкил этади. Мазкур халқаро ташкилот Низомига кўра, унинг мақсади – кредитларни суғурталашнинг долзарб масалаларини ўрганиш, ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва улар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Бу халқаро ташкилот кредитларни суғурталаш билан боғлиқ бўлган стандартлашган процедураларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Кредитлар ва инвестицияларни суғурталовчиларнинг халқаро иттифоқи Кредитларни суғурталаш бўйича халқаро Ассоциациядан фарқ қилиб, узоқ муддатли кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш билан шуғулланади.

“Берн иттифоқи” деб аталувчи Кредитларни суғурталаш бўйича халқаро Ассоциациядан фарқ қилиб, бу иттифоқ 1934 йилда Берн шаҳрида таъсис этилган. “Кредитларни тартибга солиш бўйича халқаро иттифоқи сифатида” – 1957 йилда унинг Низоми қайта кўриб чиқилган. Иттифоқнинг Берн шаҳрида рўйхатга олинган, котибияти Париж шаҳрида жойлашган. Иттифоқда 28 мамлакатдан 40 тага яқин ташкилот аъзо бўлган ҳамда у давлат ва ҳукуматлар назорати остидаги суғурта ташкилотларининг норасмий бирлашмаси саналади.

Иттифоқнинг олий органи умумий мажлис ҳисобланади. Унинг мақсади – аъзолари ўртасида халқаро савдога келишилган шартларда кредит берилишини, экспорт кредитлари кафолатланиши, ахборот ва тажриба алма-шинувини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида иқтисодиёт тармоқларида, шу жумладан, суғурта хизматлари бозорида ўзгартиришлар ва ислоҳотлар ўтказиш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз суғурта бозорининг барча субъектларидан ўз фаолият тармоқлари ва йўналишлари кесимида халқаро стандартларга жавоб берадиган инновацион суғурта маҳ-сулотларини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва аҳолининг суғурта тизимига бўлган талабига мос равишда ишончини ошириш ва бошқа кенг қамровли функционал фаолият самарадорлиги оширилишини таъминлаш йўлида миллий суғурта ассоциациялари ва суғурта компаниялари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон суғурта бозорида ҳозирги кунда турли мулкчилик шаклидаги 27 та суғурта компанияси фаолият кўрсатиб келмоқда, шундан 4 та суғурта компанияси ҳаёт суғурта соҳасида, қолган 23 та компания умумий суғурта тармоғида фаолият юритмоқда. Уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган 1283 та бўлинмасида 5,5 мингдан ортиқ ходим ва 7,1 минг нафар суғурта агентлари жисмоний ва юридик шахсларга 130 дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатиб келишмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон суғурта бозорида 3 та суғурта брокери, 21 та ассистанс, аджастер, сюрвейерлар, 4 та актуар ташкилоти, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси, ТВЭФЖМС бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси ҳам фаолият кўрсатиб, ўзларининг сифатли хизматларини тақдим этишга шай бўлиб турибдилар.

Замонавий шароитда Ўзбекистон суғурта бозори жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Мамлакатимиз суғурта бозорини янада муваффақиятли ривожлантириш ва глобаллашув жараёнида халқаро бозорга интеграцияси самарали амалга оширилиши борасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур:

– суғурта хизматлари учун талабни рағбатлантириш орқали аҳоли ва бизнеснинг суғурта саводхонлигини оширишга кўмаклашиш асосида суғурта (қайта суғурта)нинг қамрови, салоҳияти ва нуфузини ошириш;

– суғуртанинг мажбурий турлари умумий ҳажмининг улушини қисқартириш ва мажбурий суғурта тизимларининг самарадорлигини ошириш ҳисобига тизимли номутаносибликларни бартараф этиш, хусусан, суғурта бозори инфратузилмаси ва қайта суғурталаш бозорини ривожлантириш;

– суғурта фаолияти субъектлари рақобат ва ошкоралик асосида функционал даражадаги самарадорлигини ошириш, хусусан, суғурта қонунчилигини такомиллаштириш ва бизнес-жараёнларини ривожлантириш.

Халқаро кредитларнинг барча элементларига нисбатан суғурта турининг юзага келиши билан кафолатланиши боис инвестицияни суғурталаш ҳам кафолатланган суғурта тури бўлиб ҳисобланади. Унинг объекти бўлиб суғурталанувчи ва суғурталовчи эҳтимолидаги ёки учинчи шахс томонидан келтириладиган зарарлар миқдори кўзда тутилади. Бунда амалдаги қонун ёки битимда ўз аксини топган мажбуриятлар муаммонинг ечимини ўзида акс эттиради. Агар ушбуларда кўрсатилган ҳодисалардан бирортаси юз берса, у ҳолда суғурта компаниялари ўз зиммасига олган мажбурият асосида суғурта қопламасини суғурталанувчи субъектларига тақдим этишлари шарт бўлади.

Кўрилган зарар учинчи шахс томонидан содир этилмаганлигини исботловчи далиллар билан асосланилмаса (келтирилган зарар кутилмаган тасодифий кучлар таъсирида содир этилса ва ҳ.к.), жавобгарликдан озод этиш шарти сўзсиз амал қилади.

Келтирилган зарарларнинг қопланиши икки томонлама тасдиқланган битимларда назарда тутилган бандлар асосида амалга оширилади. Имзоланган битимлар асосида суғурталовчи барча суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида кўрилган зарарларнинг қопланиш мажбуриятини ўз зиммасига олади (ҳаёт, саломатлик, мулк).

Қуйидаги кўрилган зарарлар суғурта жавобгарлиги доирасида қопланади:

– мулкий зарар ҳаракатдаги ва кўчмас мулкларни тиклаш учун таъмирлаш харажатлари қиймати, бошқа харажатлар

(жўнатиш харажатлари, қарз олиш, фойдани ўзлаштириш ва ҳ.к);

– моддий зарар, даволаниш ва истеъмол харажатлари;

– маънавий зарар (азоб чекишни қоплаш);

– боқувчисини йўқотганлик сабабли кўрилган зарарнинг қопланиши. Компания хорижий банклар томонидан инвестицион лойиҳалар ва ташқи савдо битимларини молиялаштириш учун қулай шароит яратиш мақсадида ҳамда иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларнинг жалб этишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (23.11.1994 й, № 565-сон қарори билан) «Ўзбекинвест Интернатионал» сиёсий рискдан суғурталаш қўшма компанияси ташкил этилди.

«Ўзбекинвест Интернатионал» қўшма компанияси сиёсий рискларнинг қуйидаги турлари бўйича суғурта қопламаларини тақдим этиши кўзда тутилган:

– инвестицияларни суғурталаш;

– шартномани бекор қилишдан суғурталаш;

– кафолат бўйича мажбуриятларни бажаришни ноқонуний талаб қилишдан суғурталаш;

– ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятипи умумий рисклардан суғурталаш.

Инвестицияни бевоситасуғурталашда турли субъектлар билан зарурбитимлар тузилади.

Амалдаги қонуниятларга амал қилган ҳолда бевосита бериладиган инвестициялар билан боғлиқ риск объектлари гуруҳланади (11.5-чизма).

Мулкни суғурталашда асосий фондлари, кўчмас мулки, қурилмалари, омбордаги маҳсулотларни йўқотиш ёки бузилиши натижасида инвестицияни қабул қилувчи корхона кўрилган зарарларни қоплаши кўзда тутилади.

Бунинг учун мижознинг хоҳишига кўра суғурта ҳимояси алоҳида рисклар, шу жумладан инвестиция рисклари бўйича тақдим этилиши мумкин:

– асосий фондлар, кўчмас мулк ва қурилмаларни авариядан, бузиб ўғирлаб кетишдан, ёнғин, табиий офатдан суғурталаш;

– машина ва ускуналарни бузилишдан суғурталаш;

– ишлаб чиқаришда узилиш натижасида кўрилган зарарларни суғурталаш.

Турли технологик тавсифдаги рисклар эҳтимолини оширувчи кенг миқёсли замонавий илмий-техникавий тараққиёт шароитида техника рискларини суғурталаш тобора долзарблашиб бормоқда.



11.5-чизма. Инвестициялар билан боғлиқ рискларни суғурталаш объектларини гуруҳланиш тартиби.

Сиёсий риск бўйича кўриладиган зарарлар мулк суғуртаси бўйича суғурта битимида назарда тутилмаслиги мумкин. Шу билан бир қаторда, сиёсий риск ўзининг аниқ статистик базасига эга эмас. Инвестиция оқимлари бўйича зарарларнинг келиб чиқишини олдиндан аниқлаш мураккаб. Мазкур ҳолатларнинг келиб чикиши инвестор учун ҳалокатли характерга эга. Ана шунинг учун ҳам улардан юкори миқдорда компенсация суммаси талаб қилинади.

Бу каби шароитларда инвесторларни ҳимоя қилишда нафақат улар томонидан тақдим этиладиган инвестицияларни суғурталаш муҳим, балки давлат томонидан ҳимояланиши муҳим роль ўйнайди.

Давлат инвесторларга ўз сармояларини киритишда кафолат, ишончли ҳимоя вазифасини бажаради, айни пайтда шу билан инвесторлар фаолияти давлат томонидан ҳимояланган бўлади. Бунда давлатлар ўзларининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳам ёндашишлари шарт бўлиб ҳисобланади.

Масалан, чет эллик инвесторлар мамлакатнинг ўз инвесторлари билан тенг равишда ҳудудда қонуний амал қилаётган ҳар қандай суғурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланадилар. Чет эл инвестицияларини сиёсий ва бошқа рисклардан суғурта қилиш, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг экспорт-кредит агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, чет эл инвестицияси миллийлаштирилмаслиги, мусодара қилинмаслиги қайд этилган. Айтиш жоизки, ноқонуний олиб келинган инвестиция товар ёки товар кредит кўринишида амалга оширилган бўлса, бу ҳолатда инвестициялар мусодара қилиниши мумкин. Шунингдек, инвестицияни миллийлаштириш ёки реквизитлаштириш ҳолатлари жиноий тусга эга бўлмаса, у ҳолда инвесторнинг мусодара қилинган инвестиция миқдорини қайтариб олиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Дунё иқтисодиётини глобаллашуви шароитида чет эл инвестицияси кўринишидаги капитал оқимига берилгаи имкониятлар беқиёс каттадир. Инвестициянинг ўзига хос томони шундан иборатки, капитал эгаси ўз инвестициясини бошқа давлат иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтиради. Чет эл инвестициясининг бошқа давлатда жойлаштирилиши аксарият ҳолларда турли рискларни ҳисобга олишни тақозо этади. Шу сабабли, Ўзбекистан Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорлари билан ўзига хос рискларни суғурталашни таъминловчи йирик ихтисослашган ташкилотлар тузилган ва улар фаолият кўрсатиб келмоқда.

«Ўзбекинвест Интернационал» қўшма компанияси Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестицияларини сиёсий рисклардан суғурталаш мақсадида у сармояларни мусодара қилишдан, экспроприация (мулкни тортиб олиш)дан, мулкни миллийлаштиришдан, мулкдан маҳрум қилишдан, қўшимча равишда танловли дискриминатциядан, активлардан мажбуран маҳрум этилишидан, экспорт-импорт эмбаргоси (таъқиқлаш)дан, лицензиянинг бекор қилинишидан, уруш ва фуқаролар ғалаёнидан, ҳукумат шартномаси бекор қилинишидан, ҳукумат кафолатлари ноқонуний йўқ этилишидан, савдо битимини бекор қилинишидан суғурталайди.

Республикада инвестиция сиёсатининг олиб борилиши, барча соҳалар фаолиятига инвестицияларни жалб этиш учун кенг йўл очиб бериб, бу иқтисодиётни ривожлантиришда ижобий натижаларга олиб келмоқда.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг асоси Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун[142] и ҳисобланади. Бу қонунга кўра сармоялар пул маблағлари, мақсадли банк жамғармалари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, технология, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензия (фаолият юритиш учун

[142] Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. –Т.: 1998 й. 24 декабр.

рухсатнома)лар, кредитлар, турли мулклар ва мулкий ҳуқуқлар, ақлий бойлик кабилардан иборат бўлади.

Фойда ҳамда ижобий-ижтимоий самаралар олиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият учун йўналтирилган ақлий бойликлар (ихтиро, кашфиёт, «ноу-хау» ва бошқалар) ҳам инвестиция таркибига киритилади.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида компания инвестицион фаолияти йўналишларининг ишончлилигини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда захираларни фаол жойлаштириш имкониятларига эга. Компаниянинг инвестицион сиёсати суғурта захираларини жойлаштириш вазифасини тизим ва баҳо қалтисликларининг диверсификациясини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш бўлиб, бундай дастакларнинг юқори ликвидлигида инфляцияга нисбатан мусбат бўлган, сезиларли даромад олишга имкон берадиган молиявий манбалар асосида амалга оширишни назарда тутади.

Ҳозирда суғурта компанияларининг актив инвестиция фаолияти иқтисодиётда амал қилаётган инвестиция сиёсатига монанд олиб борилади.

Чет эл инвестицияларининг суғурта кафолатини ХТТБга аъзо бўлган халқаро агентлик амалга оширади. Халқаро агентликнинг вазифаси ривожланаётган давлатларга олиб кирилаёгган инвестицияларни турли йўллар билан суғурталаш ва рағбатлантиришдан иборат Инвестиция рискига қарши кафолатлаш қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топиши мумкин:

– валюталарни ўтказиш, уруш, ички тартибсизликларда давлит томонидан шартнома шартлари бузилганда;

– кенгаш хизматларининг агентлик аъзолари томонидан чет эл капитали тўғри жойланиши юзасидан маслаҳат хизматлари олиб боришда амал қилади.

Валюта ўтказиш билан боғлиқ бўлган суғурта риски инвесторни эҳтимолдаги зарардан ҳимоя қилади.

Халқаро агентлик (МИГА) томонидан капитални тўлиқ экспроприация қилганда суғурталанган инвестициянинг номинал қиймати тўланади.

Ссуда суғуртаси ва ссуда суғуртасини кафолатлашни «Халқаро суғуртавий изланиш ассоциацияси» (МАСИ) амалга оширади. Агарда кўрилган зарар тўғридан-тўғри уруш ва ички тартибсизликлар окибатида содир этилган бўлса, МИГА ҳамда МАСИ уларга аъзо бўлган ривожланаётган давлатлар учун қўшимча инвестицияларни суғурталашни амалга оширади.

Ривожланаётган давлатлар учун қўшимча инвестициялар қуйидаги йўналишларга, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизациялаш ёки корхоналарни хусусийлаштириш учун берилади.

Компания томонидан Европа ҳамжамияти, АҚШ, Россия ва Жанубий Шарқий Осиёнинг қатор йирик суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари, молиявий институтлари билан яқин алоқалар йўлга қўйилган.

Масалан, АҚШда чет эл инвестицияси билан шуғулланувчи корпорация ОПИК (OPIC–Overseas Private Investment Corporation) ихтисослашган агентлиги мав жуд бўлиб (1969 йилда ташкил этилган), бу ўз навбатида Америка Қўшма Штатлари инвестицияларини бошқа мамлакатларга жойлаштиришда суғуртавий ҳимояни амалга ошириш каби вазифаларни бажаради. «Ташқарига ёрдам» йўналиши бўйича эса ОПИК 140 та давлат билан алоқа ўрнатган. ОПИК инвесторларни қуйидаги дастур йўналиши бўйича ҳимоя қилади:

–мулк суғуртаси бўйича экспроприация ёки миллийлаштириш бўйича сиёсий риск, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, мулк шикастланиши, халқ қўзғолони туфайли кўрилган зарар, сиёсий режим ўзгаришидан;

–лойиҳдларни молиялаштириш ҳамда қисқа ва узоқ муддатли заёмларни тақдим этиш билан хусусий инвесторларни кредитлаш;

– инвесторлар учун инвестиция киритадиган мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий ҳолатига оид маслаҳат хизматларини амалга оширади.

Дастурда қайд этилишича, ОПИК суғурта компанияси АҚШ қонунчилиги асосида ҳуқуқий шахс суғурталанган капитал миқдорининг 95%ини суғурта қопламаси тариқасида олиш ҳуқуқига эгадир.

ОПИК суғурта компанияси қуйидаги инвестиция турлари бўйича суғурта объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– бевосита инвестиция (шу жумладан, қурилиш-монтаж ишлари, ишлаб чиқариш модернизацияси);

– акция ва қимматбаҳо қоғозлар (унда иштирок этиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда);

– савдони халқаро лизинг асосида лицензиялашга боғлиқ бўлган мулк ҳуқуқи;

– ссудалар ва қарзлар;

– бошқа хилдаги сармоялар.

ОПИК суғурталаш алоҳида хусусиятидан келиб чиқиб, давлатларнинг келишуви асосида капитал қўйилмалар бўйича амалга ошириладиган операциялар бўйича икки томон манфаатларини кўзловчи битимларни расмийлаштирувчиси ҳамдир.

ОПИК ва Ўзбекистон ўртасида 1998 йилдан бошлаб ўрнатилган ҳамкорлик муносабатларига мувофиқ Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хусусий инвесторларни сиёсий хавфдан ҳимоя қилиш имконияти вужудга келди.

Бу ташкилот билан суғурта битимлари узоқ муддатга, яъни 12 йилдан 20 йилгача имзоланиши мумкин. Битимларнинг суғурта суммасида битта лойиҳа 150 млн. АҚШ долларига тенг. Бунда суғурта суммаси лойиҳа қийматининг 90 фоизини ташкил этади. Қолган 10 фоизи суғурталовчининг ҳисобидан қопланади.

Халқаро валюта бозорида валюта алмаштириш бўйича суғурта риски содир бўлганида, яъни олинган фойда ва капитални аниқ, барқарор валютага алмаштириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда ўзгармас курс бўйича суғурта қопламаси берилиши шарт.

Инвестицияни экспроприация ва молиялаштириш рискидан суғурталашда суғурта ҳимоясининг амал қилиши давлатнинг мутасадди органлари томонидан юзага чиқариш имкони бўлмаган тақдирдагина амалга оширилади.

ОПИКнинг бутун фаолияти давомида чет элда фаолият кўрсатаётган АҚШ инвесторларининг 1 %ни суғурталанганлиги билан чегараланиб қолмоқда. ОПИКнинг бу фаолият турини янада кенгайтириш муҳим вазифалардан бири деб эътироф этиб келинмоқда.

12-БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАР

12.1. Халқаро иқтисодий интеграция, моҳияти, мақсади, вазифалари, афзаллик ва камчиликлари.

12.2. Иқтисодий интеграция босқичлари, ташкил топиши ва уларни бошқариш.

12.3. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда интеграцион жараёнлар.

12.4. Эркин иқтисодий зоналарда хорижий инвестициялар, валютавий операциялар ва солиқ имтиёзлари.

12.5 Эркин иқтисодий зона ташкилотларининг банк-молия тизими билан ўзаро алоқалари.

12.6. Ўзбекистондаги “Навоий” эркин иқтисодий зонасини ташкил топиши, мақсади ва мамлакат иқтисоди учун аҳамияти.

12.1. Халқаро иқтисодий интеграция, моҳияти, мақсади, вазифалари, афзаллик ва камчиликлари

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида иккита асосий тенденция амал қилмоқда. Бир томондан жаҳон хўжалигида глобаллашув жараёни кучаймоқда, бунинг натижасида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожланиши, халқаро савдонинг эркинлашуви ҳамда замонавий коммуникацион ахборот технологиялари тизимининг ривожланиши кузатилмоқда. Айниқса, бу жараён трансмиллий компаниялар (ТМК) фаолияти орқали намоён бўлмоқда.

Бошқа томондан эса, иқтисодий жиҳатдан бир-бирига яқинлашиш ва мамлакатларнинг минтақавий даражада ўзаро биргаликда фаолият кўрсатиши, шунингдек, йирик минтақавий интеграцион тузилмалар шаклланиши ҳамда уларни

жаҳон хўжалиги марказларида мустақил фаолият кўрсатиб, ривожланиб бориши содир бўлмоқда.

Халқаро иқтисодий интеграция миллий хўжаликлар ўртасида ўзаро барқарор алоқаларнинг ривожланиши ҳамда ўзаро барқарор алоқаларнинг ривожланиши ҳамда меҳнат тақсимоти негизида юзага келган мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий жиҳатдан бирлашуви бўлиб, ишлаб чиқариш тузилмаларининг турли даражада ва турли кўринишлардаги ўзаро алоқадорлигини намоён қилади.

Ҳалқаро иқтисодий муносабатларда интеграцион жараёнлар иккита асосий кўринишда, микро ва макро даражаларда намоён бўлади. Микро даражада бу жараён қўшни мамлакатлардаги алоҳида фирмаларнинг турли шакллардаги иқтисодий алоқаларни амалга ошириш орқали, шунингдек, хорижий мамлакатларда ўз филиалларини ташкил этиш ёрдамида юзага келади. Давлатлараро даражада интеграция мамлакатларнинг иқтисодий бирлашмаларини ташкил этиш ва миллий сиёсатларини мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади.

Бизга маълумки, фирмалар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида алоқаларнинг тез ривожланиши, товар алмашувида хизмат кўрсатиш, капитал ва ишчи кучларининг мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатини таъминлашга, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий, ташқи иқтисодий ва шунингдек, мудофаа сиёсатларини, молия- валюта соҳасидаги ҳаракатлар ягона сиёсатга келишишга қаратилган давлатлараро тартибга солиш заруриятини тақозо этади. Бунинг натижасида, ягона валюта, инфратузилма, молиявий фондлар, умумий мамлакатлараро бошқарув органларига эга бўлган иқтисодий мажмуалар ташкил топиши юз беради.

Халқаро иқтисодий интеграциядан қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

– бозорларни кенгайтириш имкониятларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кўламини ошириш ҳисобига ишлаб чиқаришдаги харажатларни камайтириш;

– мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш;

– халқаро иқтисодий интеграция жараёнларида иштирок этувчи мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини ошириш шулар жумласидандир.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– мамлакатлар ўртасида капитал ва ишлаб чиқаришнинг марказлашув ва жамланиш жараёни янада тезроқ кечади;

– маҳсулот (хизмат)лар, капитал ва ишчи кучлари билан жадал алмашинув жараёнлари юзага келади;

– бозорларнинг ҳажмига қараб маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтира олиш имкониятлари юзага келади;

– ижтимоий масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш имконияти пайдо бўлади;

– мамлакатлар ўртасидаги рақобатлашувнинг кучайиши содир бўлади, бу ҳолат, янада юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади;

– иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашувига эришилади;

– халқаро савдо муносабатларида қулай шароитлар яратилади;

– янги технологияларнинг кенг таркалишига ва жорий этилишига имкон яратади.

Иқтисодий интеграцияга таъсир кўрсатувчи омиллар жумласига, жаҳон хўжалигида тобора ривожланиб бораётган байналмилаллашув ва глобаллашув жараёнлари, халқаро савдо алоқаларининг ривожланиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, миллий иқтисодиётлар очиқлиқ даражасининг ортиб бориши кабилар киради.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг мақсади бўлиб, истиқболда маҳсулотлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракатланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг субъектлари жумласига халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-техник ҳамкорлик ҳамда айирбошлашни амалга оширувчи мамлакатлар киради. Унинг объектларига эса, ишлаб чиқариш, илмий-техник ҳамкорлик ва айирбошлаш предмети ҳисобланган маҳсулотлар, хизматлар, валюта ва ишчи кучларини киритиш мумкин.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг шарт-шароитлари сифатида интеграцияда иштирок этувчи мамлакатлар ички бозорининг ривожланиш даражаси, минтақавий жиҳатдан яқинлиги, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларининг умумийлиги кабиларни киритиш мумкин.

Халқаро иқтисодий интеграция шаклланишининг асосий шарт-шароитлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиши ва бозор муносабатларидаги ҳолатининг яқинлиги;

– интеграциялашаётган мамлакатларнинг минтақавий жиҳатдан ўзаро яқинлиги. Жаҳондаги интеграцион бирлашмаларнинг аксарияти минтақавий жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган, транспорт алоқаларига эга бўлган бир неча қўшни мамлакатлар гуруҳи орқали шаклланган;

– интеграцион ҳудуд доирасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларида мамлакатлардаги мавжуд муаммоларнинг умумийлиги.

Жаҳон иқтисодиётида шаклланган кўплаб интеграцион бирлашмалар деярли бир-бирига ўхшаш вазифаларни амалга оширишни мақсад қилади. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– кенг кўламдаги иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш. Иқтисодий интеграцион зона доирасида бозорлар ҳажмини кенгайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулотлар, хомашё ресурсларининг эркин ҳаракати учун шароит яратиш ва бошқалар. Бу ҳолат мамлакатлар иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни янада рағбатлантиради;

– қулай ташқи сиёсий муҳитни яратиш. Кўплаб интеграцион бирлашмаларнинг муҳим мақсади уларда иштирок этувчи мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда бир-бири билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишни назарда тутади;

– савдо муносабатларини ривожлантиришга доир чора-тадбирларни ҳамкорликда амалга ошириш;

– миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришга кўмаклашиш.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий интеграция иштирокчи мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг яхшиланиши, миллий иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланиши учун шароит яратади.

Глобаллашув жараёни алоҳида мамлакатларни эмас, балки географик жиҳатдан бир-бирига яқин мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши катта аҳамиятга эга. Халқаро иқтисодий интеграция бир неча мамлакатлар доирасида ишлаб чиқариш, савдо ва капитал байналмилаллашувидан иборат. Бу жараён мамлакатлар иқтисодий сиёсатини у ёки бу даражада мослаштириш, ривожланган интеграция бирлашмаларида давлатдан юқори турувчи органлар тузилиши ва миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги сезиларли даражада ортиши билан бирга содир бўлмоқда.

Охирги йилларда мамлакатлараро савдо блокларини кўпайиб бориши халқаро алоқалар ривожланишининг сезиларли тенденцияларидан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро савдо келишувлари доирасида жаҳон савдо операцияларининг учдан бир қисмидан кўпроғи амалга оширилмоқда. Деярли барча мамлакатлар ҳеч бўлмаганда битта интеграция гуруҳига аъзо ҳисобланади.

Агар 1948-1994 йиллар мобайнида ГАТТда ҳозирда 38 таси амалда бўлган бўлган 124 мамлакатнинг халқаро савдо келишуви (МСХК) ратификация қилинган бўлса, 1995 йил 1 январдан бошлаб 206 та янги келишув (улардан 142 таси ишламоқда) ратификация қилинган. 2005 йил июль ҳолатига

Жаҳон Савдо Ташкилотига 330 та МСХК ратификация қилинган. 2008 йилда амалда бўлган МСХК сони 300 тага етди. 30-40-йиллардан кейин бу келишувлар панминтақавий ва мамлакатлараро кенг миқёсли, кўп томонлама, узоқ муддатли келишувлар билан белгиланиши мумкин.

Халқаро ҳамкорликнинг турли шакллари мавжуд. Бироқ, уларнинг барчаси битта мақсадга – иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги савдода чеклашларни олиб ташлашга қаратилган. Бу, учинчи мамлакатларга нисбатан савдода дискриминацияни англатади. Энг оддий кўринишда бундай келишувлар давом эттирилиб, нотариф тўсиқларни ҳам қамраб олади ҳамда инвестициялар ва бошқа соҳаларда иқтисодий сиёсатга либерал ёндашувни талаб этади.

Чуқур ишлаб чиқилган келишувлар иқтисодий иттифоқ яратилишига қаратилган ва ягона ижроия, суд ва қонунчилик институтлари шакллантирилишини кўзда тутади.

Муваффақиятли келишувларга бир қанча мисоллар келтириш мумкин – НАФТАдан бошлаб, ЕИ келишувлари, Шарқий Осиёда ASEAN аъзо мамлакатларининг эркин савдо ҳудуди бўйича келишувларигача.

ASEAN Жануби-Шарқий Осиё (ЖШО) мамлакатлари ассоциацияси ривожланаётган мамлакатлардаги энг муваффақиятли гуруҳлардан бири бўлиб, Жануби-Шарқий Осиёдаги 10 давлатнинг барчасини бирлаштирган. Ҳозирги кунда ЖШО ҳақида сўз борганда, “Осиё мўъжизаси”, “Осиё қадриятлари” “Осиё инқирози” каби ибораларни ишлатишади. Бир неча ўн йил аввал Осиё ҳақида гап кетганда, фақат Хитой ва Япония ҳақида гапирилар эди, холос. Бугунги кунда Осиё мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини таъкидлашда, “ASEAN+3” гуруҳи тўғрисида гапирилмоқда, чунки, ЖШО мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги мақоми кучайиши Осиё минтақасида интеграцион бирлашмаси ЖШО ва Шимоли-Шарқий Осиё (ШШО) мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда эҳтиёж ортиши, шунингдек, ЖШО ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиётининг ЖШОдаги

ривожланган иқтисодиётлар билан минтақавий ҳамкорлиги асосида шаклланди. Бундан ташқари, Япония, Хитой, Жанубий Кореянинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳолати ўзгариши айнан ЖШО мамлакатларига тўғри хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантиради. ASEAN ишида сиёсий тамойиллар аста-секин иқтисодий тамойиллар томонидан сиқиб чиқарилади.

Осиё мамлакатлари иқтисодиёти глобал савдо учун очиқлиги ва тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши ҳисобига жаҳондаги энг тез ривожланаётган иқтисодиёт ҳисобланади. Саноати ривожланган мамлакатлар, айниқса, Европа Иттифоки (ЕИ) ёки Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди (НАФТА) каби интеграция бирлашмалари ЖШОдаги табиий ва демографик ресурсларга қизиқиш билан қарайдилар. Табиий бойликлар бўйича Осиё углеводород хомашёсининг ўзлаштирилмаган, муқобил манбасидир. Ғарб давлатларида талаб катта бўлган меҳнатталаб ишлаб чиқаришларнинг ташкил этилиши ЖШО мамлакатларида ишчи кучининг нисбатан арзонлигига асосланади. Ривожланган давлатлар томонидан омиллардан бундай фойдаланиш Осиё мамлакатлари иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва жаҳон майдонида ўз таъсирларини кучайтириш мақсадида интеграция бирлашувининг асосига айланди. Жаҳон майдонида ЖШО мамлакатлари, аввало, электроника, компьютерлар, офис жиҳозлари, алоқа воситалари каби қайта ишлаш саноат маҳсулотлари, шунингдек, автомобиль, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг экспорт қилувчилари ҳисобланишади.

Ҳозирда ЖШО учун иккита интеграция гуруҳи – ЕИ ва ОТИҲ билан ҳамкорлик устувор ҳисобланади. ОТИҲ институционал ҳамкорлиги доирасида ЖШО, ШШЎ ва ЕИга кирмайдиган мамлакатларнинг иқтисодий интеграцияси амалга ошмоқда. ЖШО бундан икки томонлама фойда кўради, чунки иқтисодий соҳада ўзаро ҳамкорлик бу ҳолатда бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишда амалга оширилади ва дунёдаги кўпгина мамлакатларни қамраб олади. ЖШО

мамлакатларининг ЕИ ва ОТИҲ билан ҳамкорлигидан мақсади эркин савдо капитали ҳудудини яратишдир. Унинг муддатлари бир хил: 2020-2025 йилларга мўлжалланган.

ASEAN эркин савдо зонаси (АФТА) Осиё мамлакатларининг энг бирлашган иқтисодий гуруҳидир. Унинг тузилиши ASEAN мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1992 йилда Сингапурда бўлиб ўтган 4-учрашувида эълон қилинган эди. Олдинига, унга Жануби-Шарқий Осиёнинг олтита мамлакати (Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин ва Бруней) аъзо бўлиб кирди. 1996 йилда АФТАга Вьетнам 1998 йилда Лаос ва Мьяма, 1999 йилда Камбоджа қўшилди.

АФТА минтақавий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг муҳим қадамига Европа Иттифоқи каби иқтисодий интеграция йўлидаги биринчи қадам сифатида қаралди (АФТАнинг асосий ташаббускорлари минтақада энг ривожланган савдо алоқаларига эга бўлган Сингапур ва Малайзия бўлган эди).

Эркин савдо ҳудудини ташкил қилар экан, ассоциация аъзолари ASEAN ичидаги товар ва хизматлар савдосини фаоллаштириш, субминтақавий товар айланмасини кенгайтириш, диверсификация қилиш, ўзаро савдо ўсиши шароитида ўз мамлакатлари иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни асосий мақсад қилган эдилар. АФТА, шунингдек, минтақа мамлакатларини сиёсий кучайтириш, иқтисодий ҳамкорликка ЖШОнинг нисбатан камроқ ривожланган мамлакатларини қўшиш учун ҳам ташкил этилган эди. 2003 йилга келиб, ягона товарлар бозорини яратиш, унда саноат маҳсулотларига қўйилган божларнинг 5 фоиздан ортмаслиги ёки 2006 йилгача тўлиқ бекор қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Эркин савдо ҳудуди тузиш ғоясини амалга оширишнинг асосий воситаси Умумий самарали преференциал бож тўғрисидаги келишув (ЧПБК) ҳисобланали. ЧПБК 1977 йилда тузилган ASEAN преференциал савдоси тўғрисидаги келишувнинг асосий қоидаларини ривожлантиради.

ASEAN турли мамлакатлар учун божлар камайтирилиши ёки бекор қилиниши муддатлари турлича белгиланади. ЧПБК олдинига 2003 йилга келиб, минтақа ичидаги савдода миллий импорт божларининг асосий қисми 0,5 фоизга камайтирилишини назарда тутган эди. Янги вазиятлар, жумладан, ASEAN таркибига янги аъзолар қабул қилиниши муносабати билан бу муддат бир неча маротаба ўзгартирилди.

АФТА аъзолари учун вужудга келаётган асосий муаммо ЖШО мамлакатлари иқтисодиётининг бир хил типдалиги, бунинг натижасида бир-бирига рақобатда бўладиган экспорт товарлари номенклатураси ҳисобланади, бундан фақат Сингапур мустасно.

Шарқий Осиё мамлакатларидаги 1997 йилги молиявий инқироз натижасида АФТА тузилишининг тўхтатилиши ёки орқага чекиниши мумкинлиги хавфига қарамасдан, охирги иккита саммит мобайнида АФТА бўйича келишувлар амалга оширилишини тезлаштириш учун бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди: ASEAN инвестициялар ҳудудини (АИА) тузиш тўғрисида келишув ва Саноат ҳамкорлиги схемаси (АИКО). Улар қаторида хизматлар, стандартларни тан олиш, товарлар транзитини енгиллаштириш каби бир қатор ҳужжатлар ҳам бор.

АИА тўғрисидаги келишувнинг имзоланишига 1997 йилдаги Осиё инқирози натижасида ЖШОдан сезиларли даражада хорижий капиталнинг чиқиб кетиши рағбатлантирувчи роль ўйнайди. Минтақада ҳеч бўлмаганда стратегик инвесторларни ушлаб қолиш учун ASEAN мамлакатлари хорижий инвестицияларни олдин улар учун ёпиқ бўлган иқтисодиёт тармоқларига киритишга қарор қилдилар.

АИА тўғрисидаги келашувга мувофиқ ассоциация иштирокчилари ассоциацияга аъзо мамлакатлар инвесторлари учун 2020 йилгача миллий саноатнинг асосий тармоқларини босқичма-босқич очиш мажбуриятини оладилар.

Шу билан бирга, ички бозорни ҳимоялаш учун ушбу келишувда хорижий инвестициялар учун ёпиб қўйилган

тармоқларнинг вақтинчалик рўйхати бўлиши назарда тутилган.

Иштирокчилар, шунингдек, аста-секин барча хорижий инвесторларга миллий тартиб бериш мажбуриятини олишди (2010 йилгача ASEAN инвесторларига, 2020 йилгача учинчи мамлакатлар инвесторларига). Қайта ишлаш саноатига инвестиция киритаётган мамлакатларга миллий тартиб тарзида берилади.

ASEAN давлатлари ривожланишининг турличалигини эътиборга олган ҳолда келишув олдинига вақтинчалик рўйхатни аста-секин қисқартириш ва ундан тўлиқ воз кечиш муддати Бруней, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур ва Таиланд учун 2010 йилгача, Вьетнам учун 2013 йилгача, Лаос ва Мьянма учун 2015 йилгача белгиланган эди. Бироқ, АИА Кенгаши биринчи кенгашдаёқ рўйхатни 2003 йилда тугатиш ҳақида қарор қабул қилди.

АФТА ҳамкор-мамлакатлари ўртасида консенсусни мустаҳкамлаш, мослашувчанлик, кучсизроқ аъзолар учун махсус ва дифференциал тартиб борасида енгилликлар қатъий сиёсий истак, эришилган натижалар вақти билан юқори даражада муҳокама қилишни ва мунозаралар йўқлиги ASEAN муваффақиятнинг асосидир. Интеграция жараёни қисқа муддатли коррекцион харажатларга олиб келган бўлса-да, узоқ муддатли самара бундай харажатларни сезиларли даражада ортиғи билан қоплайди, деган хулосага келинди. Минтақада ҳозирнинг ўзидаёқ, минтақа миқёсидаги савдо ва инвестициялар салмоғи барқарор равишда ортиб бормоқда.

Охирги пайтларда Жануби-Шарқий Осиё ва Шарқий Осиёдаги турли жараёнлар шундай ривожланмоқдаки, бу иккита макроминтақанинг аста-секин иқтисодий ва маданий-сиёсий яқинлашиши истиқболи намоён бўлаётганлиги тўғрисида кўп фикрлар билдирилмоқда. Бунга ASEAN мамлакатлари раҳбарларининг Сингапурда ўтган ноябрь саммити қарорлари ҳам маълум даражада тасдиқ бўлиши мумкин. Бу ерда ЖШО мамлакатлари етакчилари Хитой,

Япония ва Жанубий Корея раҳбарлари билан биргаликда нафақат ЖШО (АФТА) миқёсида, шунингдек, Токио, Пекин ва Сеулни ҳам қўшган ҳолда бутун “Катта Шарқий Осиё” миқёсида эркин савдо ҳуқуқини тузиш ниятини эълон қилдилар. Эркин савдо ҳудудини тузиш қарори, интеграция ташаббускорларининг сўзларига қараганда ҳам ЕН, НАФТА каби халқаро иқтисодий блокларга қарши туриш зарурияти, ҳам Шарқий Осиё мамлакатларининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга интилиши билан боғлиқ.

12.2. Иқтисодий интеграция босқичлари, ташкил топиши ва уларни бошқариш

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг замонавий босқичида турли шакллардаги интеграцион жараёнларни кўришимиз мумкин. Кундан-кунга хўжалик ҳаётда интеграцион жараёнлар чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда. Буни биз интеграцион жараёнлар боришини халқаро иқтисодий муносабатларда савдодан тортиб, илмий-ахборот, товар айирбошлашгача бўлган турли кўринишларини бир-бирига қўшилиб боришида кўришимиз мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий интеграцион бирлашмаларнинг бир нечта асосий шакллари мавжуд. Булар қуйидагилардан иборат:

– имтиёзли савдо ҳудуди;
– эркин савдо ҳудуди;
– ягона божхона иттифоқи;
– умумий бозор;
– иқтисодий иттифоқлар;
– тўлиқ иқтисодий интеграция.

Имтиёзли савдо битими, мазкур битим аъзо бўлган мамлакатларга савдода қулай имкониятлар яратиш мақсадида тузилади. Иқтисодий интеграциянинг мазкур шакли дастлабки даврларда имтиёзли савдо битими икки ёки ундан ортиқ

мамлакатлар ўртасида тузилиб, мамлакатнинг ҳар бир иштирокчиси учун барча товарлар импортига божхона тўловлари қисқартирилади. Бунда дунёнинг қолган мамлакатлари учун бирламчи савдо тарифлари сақлаб қолинади. Иқтисодий интеграциянинг бундай шаклига мисол сифатида 1932 йилда ташкил этилган "Британия Ҳамдўстлиги имтиёзлари тизими"ни киритиш мумкин.

Эркин савдо зонаси икки ва ундан ортиқ мамлакатларнинг ўзаро келишувига асосан, бу мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан ўзаро савдо қилишда божлар ва бошқа чекловчи чораларни бекор қилиш орқали ташкил этилган гуруҳидан иборат. Битимга аъзо бўлмаган мамлакатлар билан савдо алоқаларини амалга оширишга кирувчи ҳар бир давлат ўзининг мустақил савдо сиёсатини юритади.

Эркин савдо зоналарида яратилган шарт-шароитлар туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ташқари деярли барча маҳсулотлар савдоси амалга оширилади. Эркин савдо зонаси унга аъзо мамлакатлардан бирига жойлашган мамлакатлараро котибият томонидан тартибга солиниб турилади.

Эркин савдо зонасига асосан 1960 йилда ташкил этилган Европа эркин савдо ассоциацияси (EAST) киради. Унинг таркибида Австрия, Финляндия, Голландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швеция каби бир қатор мамлакатлар бор. Европа иқтисодий ҳудуди (1994 й.)да эса Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамда Исландия ва Лихтенштейнлар мавжуд.

Болтиқ бўйи эркин савдо зонаси (1993 й.)га Эстония, Латвия, Литва давлатлари киради.

Марказий Европа эркин савдо зонаси 1992 йилда тузилган бўлиб, унинг таркибига Чехия, Венгрия, Польша, Словакия мамлакатлари киради.

Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди (1994 й.) аъзолари бўлиб Канада, Мексика, АҚШ давлатлари ҳисобланади.

ASEAN мамлакатлари эркин савдо зонаси келишуви (1992 й.)Бруней, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Тайланд давлатларини бирлаштиради.

Иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви ҳақида Австралия ва Янги Зеландия савдо келишуви (1983 й) ташкил этилган.

Бангкок келишуви (1993 й.) Бангладеш, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Лаос, Шри-Ланка давлатларидан иборат. Божхона иттифоқи – икки ёки бир қанча давлатларнинг божлар бўйича ўзаро чегараларни бекор қилиш ва ягона бож таърифи жорий этиш юзасидан ўзаро келишувидир. Божхона иттифоқига кирувчи давлатлар орасидаги ўзаро савдода бож тўловлари ва йиғимлари ҳамда бошқа чекловчи тадбирлар олиб ташланади. Учинчи (Божхона иттифоқига кирмайдиган) давлатлар билан савдо муносабатларида бу давлатлар ягона божхона сиёсатини амалга оширадилар.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлатлараро тартибга солишнинг бу кўриниши божхона иттифоқи қатнашчилари ўртасида божсиз савдонигина эмас, балки унинг ташқи чегараларида мувофиқлаштирилган таъриф тизимини жорий қилишни ҳам назарда тутади. Божхона иттифоқининг эркин савдо зонасидан фарқи ҳам ана шундадир. Божхона иттифоқларини яратиш ва уларнинг шаклланишининг аниқ натижалари унга аъзо мамлакатларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида юз берадиган таркибий ўзгаришларда ўз аксини топади: талаб ва таклиф нисбий устунлик табиатига мос равишда ўзгаради. Бошқача қилиб айтганда, божхона иттифоқи савдонинг кенгайишига қараб аҳолининг турмуш фаровонлигини оширади, бироқ, айни бир пайтда ишлаб чиқарувчиларнинг арзон маҳсулотларидан қимматроқ товар ишлаб чиқаришга мослашишлари натижасида эса, фаровонликни бирмунча пасайтиради.

Божхона иттифоклари дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ривожланган. Улар қуйидагилар: Туркия билан Европа Иттифоқи ассоциацияси (1963 й.), унинг таркибига Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Туркия киради. Араб умумий

бозори (1964 й.) – Миср, Ирок, Иордания, Ливия, Мавритания, Сурия ва Яман. Марказий Америка умумий бозори (1961 й.) – Коста Рика, Салвадор, Гватемала, Гондурас, Никарагуа. Колумбия, Эквадор, Венесуэла мамлакатлари ўртасида тузилган эркин савдо ҳудуди (1992 й.) – Колумбия, Эквадор, Венесуэла. Шарқий Кариб ҳавзаси мамлакатлари ташкилоти (1991-й.) – Антигуа ва Барбуда, Доминика, Гренада, Монсеррат, Сент-Ките ва Невис, Сент-Люсия, Сент-Винсен ва Гренадиналар.

Умумий бозор интеграцион бирлашмаларнинг анча мураккаб тури бўлиб, у божхона иттифоқига ишчи кучи ва капитал ҳаракатига қўйилган чеклашларни бекор қилишни қўшиш ва иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш орқали ташкил этилади. Умумий бозорга интеграциялашган мамлакатлар нафақат товар ва хизматлар эркин ҳаракати ҳақида келишишади, балки ишлаб чиқариш омиллари давлатлар ўртасида капитал ва ишчи кучлар борасида ҳам алмашувлар қилишади.

Умумий бозорлар қаторига қуйидаги халқаро ташкилотларни киритиш мумкин:

– Жанубий конус мамлакатлари умумий бозори (MERKOSUR) – Аргентина, Бразилия, Венесуэла (2006 йил июлдан), Парагвай ва Уругвай каби давлатларни бирлаштирган;

– Марказий Америка умумий бозори – Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа ва Салвадор каби давлатларни бирлаштирган;

– Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозори (KOMESA), ўз таркибига Африканинг бир қатор ривожланаётган давлатларини бирлаштирган;

– Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (ASEAN) – Тинч ва Ҳинд океани қирғоқларида жойлашган 10 та (Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд, Филиппин) ривожланаётган мамлакатларни бирлаштирган;

– Форс кўрфазидаги араб мамлакатлари ҳамкорлиги (1981 й.) – Баҳрайн, Қувайт, Уммон, Қатар, Саудия Арабистони, БАА;

– Анд умумий бозори (1990 й.) – Боливия, Колумбия, Эквадор, Перу, Венесуэла;

– Лотин Америкаси интеграцион ассоциацияси – LAIA (1990 й.) – Аргентина, Боливия, Бразилия, Чили, Колумбия, Эквадор, Мексика, Перу, Уругвай, Венесуэла.

Божхона иттифоқини умумий бозорга айлантириш жараёни фақатгина савдони эмас, балки иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олувчи катта миқдордаги қонуний меъёрларни ўзаро уйғунлаштириш масалаларини ҳам ҳал этиш билан боғликдир. Ички божхона тўсиқлари ва бошқа чеклашларни бартараф этиш орқали учинчи дунё мамлакатлари билан савдода умумий тамойилларни ишлаб чиқиш зарурки, бунинг натижасида миллий чегаралар орқали товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўтишига шароит яратилади. Бундан ташқари, умумий бозорни шакллантириш мобайнида ижтимоий ва ҳудудий ривожланиш учун замонавий фондларни яратишга зарурият туғилади. Умумий бозорни халқаро иқтисодий иттифоққа айлантириш жараёнида бу фондларнинг аҳамияти жуда катта бўлади. Бунда миллатлараро мувофиқлаштирувчи ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи тажрибасидан маълумки, бундай ташкилотларни ташкил этмасдан туриб, миллий қонунчилик меъёрини соддалаштириш ва интеграцион бирлашма иштирокчиларининг умумий қарорлари бажарилишини назорат қилиш мумкин эмас.

Умумий бозорни иқтисодий иттифоққа айлантиришнинг замонавий босқичида Европа Иттифоқининг аҳамияти жуда қатта, чунки фақат шу ташкилот иқтисодий интеграцион жараёнларни ривожлантиришни таъминламоқда.

Иқтисодий иттифоқ юқоридаги кўриб чиқилган барча интеграцион тадбирларга қўшимча равишда қатнашувчи давлатлар томонидан ягона иқтисодий сиёсат ўтказилишини,

ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартиблаштиришнинг давлатлараро тизимини яратишни тақозо этади.Унда божхона таърифлари, товар ва ишлаб чиқариш факторлари, микроиқтисодий сиёсат координациялари, валюта, бюджет, пул соҳаларида қонунчиликнинг унификацияси кўриб чиқилади.

Иқтисодий иттифоқ шаклидаги интеграцион бирлашмаларга – Европа Иттифоқи, Бенилюкс иқтисодий иттифоқи (1948 й.) – Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) 1992 й. – Арманистон, Озарбайжон, Белорусь, Украина, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон. Мағриб Араб Иттифоқи (1989 й.) – Жазоир, Ливия, Мавритания, Маракко, Тунис. Лагос ҳаракат режаси (1973 й.) – Африка жанубидан Сахарагача бўлган мамлакатлар. Ману дарёси иттифоқи (1973 й.) – Гвинея, Либерия, Сверра-Леоне. Ғарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи (1994 й.) – Бенин, Буркина-Фасо, Кот-д Ивуар, Мали, Нигер, Сенегал, Того кабилар киради.

Тўлиқ иқтисодий интеграция – интеграция доирасида ягона иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқнинг шаклланиши, халқаро савдо, ташқи сиёсат ва бошқа ҳамкорлик соҳаларида умумий сиёсатнинг амалга оширилиши. Мазкур интеграцион мамлакат доирасида ҳуқуқий қонунчиликнинг унификациясини талаб қилади. Тўлиқ иқтисодий интеграция барча аъзо мамлакатлар учун ягона валюта сиёсатини талаб қилади. Валюта муносабатларида ягона валюта тизими ва валюта механизми амал қилади.

Савдо иқтисодий иттифоқларнинг замонавий турларига хос бўлган асосий хусусиятлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

12.1-жадвал

Иқтисодий иттифоқларнинг умумий хусусиятлари[143]

Интеграция шакли	Иттифоқ ичида эркин савдо	Учинчи мамлакатларга ягона тариф ва квоталар	Иттифоқ ичида ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракати	Иштирокчи мамлакатларнинг ягона иқтисодий ҳаракати
Эркин савдо ҳудуди	+	–	–	–
Божхона иттифоқи	+	+	–	–
Умумий бозор	+	+	+	–
Иқтисодий иттифоқ	+	+	+	–
Тўлиқ иқтисодий интеграция	+	+	+	+

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланиш жараёнини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин.

1951 йил апрель ойида таркибига олтита давлат кирувчи Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси ташкил топди. 1957 йилда шу давлатлар Европа иқтисодий ҳамжамияти ва атом энергетикаси бўйича Европа ҳамжамияти тузиш тўғрисида шартномага қўл қўйдилар. Ҳамжамият таркибига иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган давлатлар кирди.

Европа иттифоқининг ташкил топиш ва ривожланиш тарихи 1951 йиллардан бошланади.

[143] Михайлушкин А.И., Шимко П.Д. Международная экономика: теория и практика: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2008. С.235.

Биринчи босқич 50 йиллар охиридан 70 йиллар ўрталаригача давом этди. Бу давр Европа иқтисодий интеграцияси учун “олтин аср” бўлди. Европа иқтисодий ҳамжамиятини ёки “Умумий бозор”ни ташкил этишнинг аниқ мақсадлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат эди:

– аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдодаги барча чекловларни аста-секинлик билан бартараф этиш;

– учинчи мамлакатлар билан савдога умумий бож таърифларини ўрнатиш;

– “Инсонлар, капитал хизматлар”нинг эркин ҳаракати учун тўсиқларни тугатиш;

– қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳасида умумий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

– Валюта иттифоқини тузиш;

– Солиқ сиёсатини бирхиллаштириш;

– Қонунчиликни бир-бирига мослаштириш;

– Иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Ушбу юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун бошқарув тузилмаси ташкил этилди: булар Европа иқтисодий иттифоқи вазирлар кенгаши, Европаҳамжамияти комиссияси, Европа суди ҳамда Европа парламентидан иборат.

Европа иқтисодий иттифоқи (ЕИИ) аъзо-мамлакатларнинг маҳсулотлари, капиталлар, ишчи кучи ва хизматларининг умумий бозорини ташкил этиш масаласини ҳал қилишни ўз олдига биринчи галдаги мақсад қилиб қўйди. Бунинг учун эса Божхона иттифоқи ташкил қилинди. Ушбу Божхона иттифоқи Европа иқтисодий иттифоқи асосида туради. Божхона иттифоқи доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

– аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларидаги чекловлар бартараф этилди;

– учинчи мамлакатлар билан муносабатлар бўйича ягона божхона таърифлар ўрнатилди;

– капиталлар, кредитлар, пул ўтказмалари ҳамда хизматларнинг эркин ҳаракатига эришилди;

– ишчи кучи миграциясининг эркинлиги таъминланди.

Юқоридаги барча чоралар саноат интеграциясининг жадаллашишига имкон туғдирди.

Иккинчи босқич (70 йиллар ўрталаридан 80 йиллар ўрталаригача) Европа Иттифоқи тарихида турғун давр бўлиб ҳисобланади. Шундай бўлсада, бу даврда унга аъзо мамлакатлар Европа валюта ҳамкорлиги дастурини қабул қилишга, ташқи сиёсий маслаҳатлар механизмини ташкил этишга муваффақ бўлдилар, лекин баъзи салбий тенденцияларнинг юзага келиши оқибатида Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясини, "Евросклероз" номини олган жиддий инқирозга учрашига олиб келди. 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида. Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида ривожланиш даражасининг бузилиши кучайди. 1981 йилда Грециянинг Европа Иттифоқига кириши билан бу тенденция янада яққол намоён бўлди, унинг иқтисодиёти бошқа иттифоқ аъзолари билан солиштириш бўйича анча паст даражада эди.

Айтиш жоизки, учинчи босқич (80-йилларнинг иккинчи ярмидан 90-йиллар бошларига қадар) - иттифоқ таркибини келажакда кенгайтириш босқичи деб номланди. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг қўшилиши олдиндан давом этаётган давлатлар ўртасидаги номутаносибликнинг кучайишига олиб келди. Европа иқтисодий иттифоқига кириш вақтида Португалияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади тахминан Европа иқтисодий иттифоқи бўйича 2/3ни, Испанияда эса 3/4 атрофида бўлган. Янги аъзо мамлакатларда тахминан бештадан бир киши қишлоқ хўжалигида ишлаган, бу пайтда Европа иқтисодий иттифоқида ўн учтадан бирига тўғри келган. Шу билан биргаликда бу давр Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишида Ягона Европа Актининг (ЯЕА) қабул қилинганлигини ифода этади. Европа иқтисодий иттифоқи ривожланишида 1987 йилда қабул қилинган ЯЕА муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу акт умумий бозорни иқтисодий иттифоққа айлантириш йўналишларини белгилаб берди. Яъни савдо йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш, аъзо

мамлакатларда ички чегараларни очиш, товар айирбошлашни жадаллаштириш, ягона валюта тизимини жорий этиш ва барча фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглиги ҳамда ижтимоий кафолатланиш тадбирларини амалга оширишдан иборат эди. Мазкур акт қабул қилиниши билан Иттифоққа аъзо мамлакатларда микро ва макроиқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ, фан ва экология соҳаларида ҳамда ижтимоий муносабатларда интеграция жараёнлари кучайиб борди. 90-йиллар бошида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар амалиётда умумий бозор қоидаларини ташкил этишни тугатдилар ва валюта-иқтисодий ҳамда сиёсий иттифоқни шакллантиришга астойдил киришдилар.

Тўртинчи босқич (90-йиллар ўрталаридан XXI аср бошларига қадар). Ягона Европа Акти қоидаларига мувофиқ 1993 йил 1 январдан Иттифоқ чегаралари ичида маҳсулотларнинг эркин ҳаракатланиши киритилди. Бунга мувофиқ ҳамжамиятнинг ўн икки давлат раҳбарларидан иборат аъзоси одамлар, товарлар, капитал ва ахборотларнинг эркин ҳаракатланиши учун иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги чегараларни очиш тўғрисида Шенген битимини имзоладилар. Ҳақиқатда Иттифоқ доирасида ягона иқтисодий макон вужудга келди.

1992 йилда Европа Иттифоқи Маастрихт шартномаси имзоланиб, ушбу ҳужжатга кўра қуйидагилар таъсис этилди:

– Ягона Европа фуқаролиги;

– Сиёсий иттифоқлиги;

– Иқтисодий ва валюта итгифоқи.

Маастрихт шартномасига (1992 йил февраль) асосан Европа иқтисодий иттифоқи 1994 йил 1 январдан 15 та аъзо мамлакатни ўз ичига олган Европа Иттифоқига айлантирилди. Европа Иттифоқи доирасида тўлиқ ягона ички бозорни ташкил этиш амалга оширилди. Интеграцион ҳамкорликни ривожлантириш мақсадлари барча аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Булар ўз ичига ягона валюта еврони эмиссия қилувчи Европа банкини ташкил этиш ҳамда ички

чегараларсиз ягона Ғарбий Европа маконини яратишни ва бошқаларни оларди.

Юқоридаги маълумотлар асосида шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Ғарбий Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин иккита йирик интеграцион гуруҳнинг, яъни Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИҲ) ва Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА)нинг вужудга келиши натижасида интеграцион жараёнлар катта тезликда ривожланиб борган эди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб эса ЕИҲ деярли ЕЭСАни ўз таркибига қўшиб олди. ЕЭСА ўз таркибида фақатгина Исландия, Лихтенштейн, Норвегия ва Швейцария давлатларини сақлаб қолди, холос. Бу икки бирлашмани солиштирадиган бўлсак, ЕЭСА ўзининг тараққиётида божхона иттифоқини яратишдан у ёғига ўтмади, унинг тузилмаси миллатлараро ташкилотлар билан мустаҳкамланмади. 1990 йилда ва ўртасида Европа иқтисодий маконини яратиш тўғрисида келишиб олинди. Бу макон доирасида ЕЭСА аъзоларининг ишлаб чиқарувчилари Европа иттифоқи аъзолари компаниялари билан бир қаторда преференциал божхона режимидан фойдаланишади.

Шунингдек, Маастрихт шартномасида миллий валюталарни аста-секин муомаладан чиқариб ва ягона умумевропа пул бирлигини, яъни Еврони жорий этишдек мураккаб жараёнга илк қадам қўйилди ва ниҳоят, 1995 йилда Ҳамжамиятга яна учта давлатни (Австрия, Финляндия ва Швеция) кириши ва Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг Европа Иттифоқи деб номланишидан сўнг бу интеграцион бирлашма ўзининг ҳозирги замонавий кўринишига эга бўлди.

1970-1980 йилларда кўплаб ривожланаётган мамлакатлар билан 90-йилларда Европа эркин савдо Ассоциацияси (ЕЭСА) аъзолари билан, шунингдек, АҚШ ва Япония билан тузилган битимлар Европа иттифоқини жаҳон иқтисодиётининг йирик марказларидан бирига айлантирди. Европа Иттифоқи билан жаҳоннинг барча етакчи мамлакатлари ўзаро алоқаларни олиб боришади.

1960 йилда Бельгия, Голландия ва Люксембург мамлакатлари ўртасида имзоланган шартнома асосида иқтисодий иттифоқи юзага келди. Мазкур иттифоқ доирасида маҳсулотлар, хизматлар, капитал ва фуқароларнинг эркин ҳаракати таъминланиб, учинчи мамлакатларга нисбатан эса, ягона савдо ва иқтисодий сиёсат олиб борилади.

1960 йилда Венгрия, Польша, Чехия, Словакия ҳамда Словения мамлакатлари томонидан имзоланган шартнома асосида Марказий Европа эркин савдо ассоциацияси (МЕЭСА) вужудга келди. Сўнгра бу мамлакатлар Европа Иттифоқига аъзо бўлганлари туфайли МЕЭСА дан чиқишди, ҳозирда эса, унда Албания, Босния ва Герсеговина, Хорватия, Македония, Молдова, Сербия, Косово ҳамда Черногория каби мамлакатлар иштирокчи ҳисобланади.

Европа иттифоқининг мақсади Европа халқининг узвий алоқасини ташкил этиш, барқарор иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ички чегарасиз умумий маконни яратиш, ижтимоий соҳада ўзаро алоқаларни кучайтириш ҳисобланади.

Европа Иттифоқи фаолияти давомида аъзо мамлакатларнинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланишини қўллаб-қувватлашни ўз олдига энг муҳим мақсадлардан бири сифатида қўйган.

Ғарбий Европада иқтисодий интеграциянинг ривожланиш ютуқлари дунёнинг ривожланаётган минтақалари диққатини ўзига жалб этди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида бир нечта ўнлаб эркин савдо ҳудудлари, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар вужудга келди. Интеграция жараёнларининг сезиларли даражада ривожланишида Шимолий Америка эркин савдо ассоциациясининг (North American Free Trade Area – NAFTAёки ШФЭСА ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиш жараёни муҳим аҳамият касб этди. Мазкур интеграцион ҳудуд жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда иқтисодий аҳамияти жиҳатидан юқори ўринда туради. 1992 йилда АҚШ, Канада ва Мексика ўртасидаги Шимолий Америка эркин савдо ассоциациясини (ШАЭСА)

ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди ва у 1994 йилнинг 1 январидан ўз фаолиятини юрита бошлади. ШАЭСА АҚШ, Канада ва Мексика давлатларини ўз таркибига бирлаштирган. Ушбу интеграцион бирлашма 456,6 млн. аҳолини ўз ичига олган кенг ҳудудни қамраб олган бўлиб, кучли иқтисодий имкониятга эгадир. Бу мамлакатларда ҳар йилги ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар 7,0 трлн. АҚШ долларини ташкил этади. Бутун жаҳон савдоси ҳажмида уларнинг улуши 20% атрофида тўғри келади. ШАЭСА давлатлари келишувида асосан товар ва хизматлар савдосида чеклашларни олиб ташлаш, ўзаро келишмовчиликларни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш, бир бирига нисбатан инвестицион муҳитни эркинлаштириш масалалари назарда тутилган. ШАЭСАнинг Европа иттифоқига нисбатан ўзига хос хусусияти интеграцион жараёнларнинг симметрик эмаслигидир. Канада ва Мексика давлатлари интеграциялашув жараёнида АҚШ билан кўпроқ яқинлашишга интилишади, улар ўзаро кучсиз боғланишган.

Битимнинг асосий қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– АҚШ, Канада ва Мексика ўртасидаги савдо алоқаларида маҳсулотларга нисбатан божхона божларини бекор қилиш;

– Шимолий Америка бозорини ўзларининг товарларини Мексика орқали АҚШга реэкспорт қилиш йўли билан Америка божларини тўлашдан қочишга ҳаракат қилаётган Европа ва Осиё компаниялари экспансиясидан ҳимоялаш;

– Мексикада суғурта ва банк ишида Америка ва Канада компанияларининг рақобат ва капитал қўйилмаларига бўлган чекловларни бекор қилиш;

– атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун уч томонлама гуруҳларни ташкил этиш.

ШАЭСАга аъзо мамлакатлар томонидан имзоланган шартнома доирасида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

– эркин савдо ҳудудини шакллантириш орқали мамлакатлар ўртасида савдо ва инвестицияларни рағбатлантириш;

– мамлакатлардаги компаниялар учун келишилган тадбиркорлик фаолияти ишлаб чиқилиши;

– ўзаро иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш;

– интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.

Дастлабки икки йил ичида ШАЭСАнинг экспорт ҳажмини ошиши ҳисобига қўшимча иш жойларини ташкил этишдаги муносабатларда фаолият кўрсатиши ишончларни оқламади. Бундан ташқари, АҚШ билан Мексика савдосидаги ижобий савдо сальдоси йўқолиб, 1995 йилда унинг ўрнини дефицит эгаллади. Охир-оқибатда ШАЭСАни тузувчилар режаси бўйича тўла мукаммал Шимолий Америка умумий бозорини 2010 йилда ташкил этиш мумкин деб ҳисобланди. Ҳозирги вақтда Америка иқтисодчилари етарли даражада қудратли бўлган Америка савдо блокини ташкил этишнинг моделини ишлаб чиқмоқдалар.

Шимолий Америка интеграцион мажмуаси ўзининг тузилиш жиҳатлари билан Европа интеграция моделидан бирмунча фарқли томонларга эга. Асосий фарқ АҚШ, Канада ва Мексика ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг асимметриклигидадир. Бу интергацион мажмуанинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг иштирокчиларини турли хил шароитда эканликларидир. Агар Канада охирги ўн йиллик ичида макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича АҚШга анча яқинлашишга эришган бўлса, Мексика эса узоқ йиллардан бери юқори ташқи қарз билан иқтисодий ночор мамлакат ҳолатидадир.

Хўжалик алоқалари тизимида интеграциялашув жараёнларининг жадаллашуви, мамлакатлар миллий иқтисодиётлари ўзаро алоқаларининг кучайиши замонавий жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим хусусиятларидан бирига айланмоқда. Интеграция жараёни ишлаб чиқариш, ахборотлар алмашинуви, ташқи савдо, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш

соҳаларидаги мамлакатлараро алоқаларда намоён бўлмоқда. Бу соҳада ягона давлат сиёсати юритилиши Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молиявий институтлар, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда иқтисодий ва молиявий ҳамкорлиги янада ривожланишини таъминламоқда. Мамлакатнинг глобал даражада амалга оширувчи стратегик интеграцион вазифаси тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келувчи шарт-шароитларни яратиш асосида унинг халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилишини таъминлашдан иборат.

Жаҳон тажрибаси шуни тасдиқламоқдаки, ҳар бир мамлакатда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва меҳнатни тақсимлаш афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратувчи жаҳон хўжалик тизими билан яқин интеграциясиз ҳеч бир давлат жаҳон иқтисодиётининг юқори ривожланиш даражасига эришмаган. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз томонидан илгари сурилган мамлакатимизнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви жараёнида қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базалар ва малакали ходимлар билан таъминлаш ғояси ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнларини кучайтириш ва бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади сифатида Ўзбекистон манфаатини кўзлаш, Ўзбекистон жаҳон хўжалигига интеграциялашуви жараёнларининг ўзига хос хусусиятларига эга. Шу боис, мамлакатлар билан нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароит яратиш бўйича узоқни кўзловчи саъй-ҳаракатларни амалга ошириш Ўзбекистоннинг интеграция жараёнларини ривожлантириш борасидаги кўплаб таклифлари, шунингдек, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларнинг фаолияти шунга қаратилган бўлиши лозим.

12.3. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда интеграцион жараёнлар

Умумий тарихга, ягона маданий анъаналарга, ўхшаш турмуш тарзи ва менталитетга, шунингдек, улкан табиий ресурслар потенциалига: минерал хомашё ресурсларига, иқтисодий ишлаб чиқариш ва аҳоли потенциалига эга бўлган Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий иқтисодий интеграцияни ривожлантириш учун бор салоҳиятларидан фойдалана олмаётганлиги натижасида уларнинг миллий иқтисодиётлари барқарор ривожланмаяпти.

Охирги йилларда Евроосиё минтақасида МДҲ, ШҲТ, ЕвроОИҲ, КХШТ каби кўплаб давлатлар интеграцион тузилмалар ташкил этилишига қарамасдан, мазкур тузилмалар фаолиятида мамлакатларнинг умумий узоқ муддатли иқтисодий қизиқишлари тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар нобозор механизмлар орқали бошкарилаётганлиги, интеграция жараёнларида марказий ўринни эгаллаб турган Россия Федерацияси томонидан аъзо мамлакатларнинг миллий манфаатларини ҳисобга олмаган иқтисодий сиёсат юритилиши натижасида амалдаги интеграцион тузилмалар фаолияти кутилганидек самара бермаяпти.

Халқаро интеграцион тузилмалар фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан Евроосиё минтақасида шарқ ва ғарб ўртасидаги кенг кўламли трансконтинентал кооперация ядроси ҳисобланган Россия Федерациясининг тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келувчи ички ва ташқи сиёсати ҳамда иқтисодий ислоҳотларининг самарадорлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Халқаро иқтисодий интеграцияни ривожлантиришда дезинтеграцион омиллар сақланиб қолаётганлиги, амалдаги интеграцион тузилмаларнинг мақсад ва вазифаларини бошқа бирида такрорланиши ҳамда бюрократик муаммолар, минтақадаги айрим мамлакатларнинг интеграциядан нисбатан

узоқлашган ҳолда индивидуал тараққиёт йўлига мойиллиги, давлатлар экспорти ҳажми ортиб боришига қарамасдан, унда хомашё маҳсулотлари улуши юқорилиги, мамлакатда инфляция кўрсаткичи юқори даражада сақланиб қолаётганлиги, ташқи савдо ва инвестиция жалб қилиш кўрсаткичларида тафовутлар мавжудлиги Марказий Осиё минтақасида амалга оширилаётган интеграция, жараёнларини интенсификация қилишни талаб этмоқда.

Бундан ташқари, интеграцион тузилмаларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини янада ошириш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинғ ишончли йўлларини тадқиқ этиш ҳам амалий аҳамият касб этмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг хомашё экспортига йўналтирилган иқтисодиётдан инновацион иқтисодиётга ўтишини таъминлашда ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда, минтақадаги интеграцион тузилмалар фаолиятини чуқурлаштиришда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратга айланмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг кўплаб минтақавий интеграция ташкилотларига, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ)га аъзо бўлди.

Ўзбекистон минтақавий ва минтақалараро интеграцион тузилмаларга аъзо бўлиши ҳисобига қуйидаги иқтисодий манфаатларга эга бўлади:

– халкаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади;

– ишлаб чиқариш ҳажми ошиши ҳисобига самарадорлик ортади;

– бозор сиғими кенгаяди ва маҳаллий маҳсулотлар экспорти ҳажми ошади;

– минтақа миқёсида кучли рақобат юзага келади, натижада маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлиги ошади;

– истеъмолчилар учун маҳсулотлар ва хомашёларнинг турлари кўпаяди ва баҳоси пасаяди;

– минтақадаги давлатлар билан илмий-техник ҳамкорлик ривожланади;

– минтақада инфртузилма тизимини барпо қилиш осонлашади (молия, сув хўжалиги, транспорт, транзит ва бошқалар);

– минтақадаги давлатлар билан биргалашиб, жаҳон бозорида умумий минтақавий иқтисодий манфаатлар ҳимоя қилинади.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, давлатнинг минтақавий интеграция ташкилотларига аъзо бўлиши доим ҳам кутилгандек натижалар бермас экан. Аммо, глобаллашув жараёнининг ҳозирги босқичида мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига интеграциялашувини эътибордан четда қолдириш ҳам катта хато. Минтақавий интеграция эса, бу соҳада қўйилган муҳим қадамдир. Шунинг учун ҳам асосий муаммо халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда самарали минтакавий интеграциялашув йўналишларини излаб топишдир. Бунинг учун эса Марказий Осиё давлатлари орасидаги минтақавий интеграция чуқурлашиши ва бу жараёнларнинг Ўзбекистон миллий иқтисодиёти барқарор ривожланишини таъминлашга таъсирини илмий-амалий йўл билан исботлаш ва унга хос таклифлар ва ёндашувлар ишлаб чиқиш керак.

Минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши ва умумий бозорнинг вужудга келтирилиши минтақадаги давлатлар орасида маҳсулот айланмасини, капитал ва ишчи кучи ўзаро эркин кўчиб юришини таъминлаши зарур. Иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланишини кўрсатувчи бир қанча кўрсаткичлар мавжуд:

– минтақадаги давлатлар ЯММларида шу давлатлар ўртасидаги маҳсулот айланмасининг салмоғи;

– минтақада жойлашган давлатларда умумий хорижий тўғридан-тўғри сармоялар (ТТС)да шу давлатларга тегишли бўлган ТТСлар салмоғи;

– минтақада жойлашган давлатлардаги умумий қўшма корхоналарда шу давлатларга тегишли бўлган қўшма корхоналар салмоғи ва бошқалар.

Марказий Осиёда минтақавий интеграция ривожланиши учун барча имкониялар мавжуд. Минтақа мамлакатлари йирик хомашё ресурсларига эгалиги, ишчи кучи малакасининг юқорилиги, халқлар тарихи ва маданияти асрлар давомида бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб келгани, қолаверса, бу халқлар менталитети бир-бирига ўхшашлиги минтақада интеграция жараёнлари юқори даражада ўсиши мумкинлигини кўрсатувчи энг асосий омиллардир. Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб ўтилганидек, 2019-2025 йиллар шубҳасиз, халқаро муносабатларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман, бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликка асосий омил бўлади.

Давлатларнинг иқтисодий соҳадаги ўзаро алоқалари ривожланиши ва эркин савдо зоналари шаклланиши босқичма-босқич, яъни давлатлар ўртасида интеграциялашув даражасини кўтариш, иштирокчи-давлатлар ўртасида иқтисодиётни қайта шакллантириш борасидаги тадбирларда ўзаро келишган иқтисодий сиёсат мувофиқлигини таъминлаш орқали, иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги қонунларни унификациялаш орқали, умумий тан олинган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларини инобатга олиб ҳамда Европа Иттифоқи тажрибасига таяниб олиб борилиши ўта мақбул йўлдир.

Ҳозирги босқичда халқаро доирада иқтисодий интеграцияни фаол ривожлантиришнинг энг долзарб вазифаси реал амал қилаётган эркин савдо зоналарини яратиш ва товарлар, хизматлар, меҳнат кучлари ва капиталнинг эркин ҳаракати йўлида миллий чегараларни очиш йўли билан иқтисодий соҳада иштирокчи-давлатлар ўзаро ҳамкорликда ривожланишига эришишдир.

Бу борада ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 19 та стратегик лойиҳаларни охирги кўринишда 2008 йил сентябрь ойида Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида "МДҲнинг 2020 йилгача мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегияси" кабул қилинди[144]. Бу стратегия Молдованинг Кишинёв шаҳрида МДҲ давлатлари ҳукумат бошлиқлари Кенгаши мажлисида 2008 йил 14 ноябрда тасдиқланди.

МДҲ давлатлари қабул қилган ушбу стратегияда ҳамкорликда ривожланишнинг устуворлик берилган йўналишлари ичида куйидагилар асосий эътиборга лойиқдир:

– БСТ норма ва қоидаларига мувофик МДҲ доирасида эркин савдо зоналари ташкил топишини ва амал қилишини белгилаб олинган йил (2011 йил)гача тугатиш;

– биринчи навбатда қишлок хўжалиги маҳсулотлари баъзи турларининг умумий бозорини ривожлантириш, умумий иқтисодий муҳит учун замин яратиш;

– валюта-молия ҳамкорлиги борасида ўта самарали механизм яратиш, энергетика соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштириш ва энг асосийси, давлатлараро инновациявий муҳитни шакллантириш орқали 2020 йилга бориб, дунё бозорида баъзи юқори технологик маҳсулотлар бўйича юқори ўринларни эгаллаш, буларнинг ҳаммаси, албатта, МДҲ иштирокчи-давлатларининг илмий-техника ва ўкув соҳасидаги салоҳиятини тўлиқ сафарбар этишни талаб қилди.

[144]Главы СНГ на саммите в Бишкеке подписали 19 совместных документов.

Иқтисодиётнинг инновациявий режимда ривожланишини мўлжаллаш учун эътибор атом энергетикаси, муқобил ва қайта тикланадиган турдаги ёқилғи ва энергия ишлатилиши ҳамда юқори технологияли транспорт тизимини ривожлантиришга қаратилган янги инфратузилма лойиҳалари ишлаб чиқишга қаратилган. Ушбу стратегияни татбиқ этиш босқичлари қуйидагича белгиланган эди: биринчи босқич – 2009-2011 йилларга; иккинчи босқич – 2012-2015 йилларга ва ниҳоят, учинчи босқич – 2016-2020 йилларга.

Айтиш жоизки, ҳанузгача МДҲ доирасида қатор қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд. Улар айниқса, миллий конунчиликни унификация қилиш, ягона ахборот муҳити ва гуманитар муҳитни шакллантириш, ҳарбий-иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиш масалалари билан боғлиқ бўлмоқда. Шунинг учун ҳам қабул қилинган стратегияга асосан 2016-2020 йилларга белгиланган муддатларда бажарилиши шубҳа остида қолиб кетмаслиги лозим.

Қайд этиш зарурки, 2010 йил 1 январдан бошлаб МДҲ аъзоларидан Россия, Белорусь ва Қозоғистон давлатлари ўртасида Божхона иттифоқи тузилди. Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб товарлар, хизматлар ва ишларни чегара тўсиқларисиз ҳаракатланиш ва ягона таъриф билан расмийлаштириш тартиби тўлиқ кучга кирди. Ушбу иттифоқнинг тўлақонли аъзоси бўлиш учун бошқа МДҲ давлатлари ҳам ариза беришлари муҳимдир.

Шиддат билан содир бўлган ўзгаришлар, яъни товарлар, хизматлар ва ишларнинг тўсиқларсиз ҳаракатланаётган зонаси давлатимиз чегараларига келиб туташди. Бунга нисбатан ҳукуматимиз томонидан тегишли ижобий муносабатлар билдирилди. Бу эса келажакда салбий ҳолатлар (товарлар контрабандаси кенгайиши сингари ҳолатлар) келиб чиқишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиб боради.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу божхона иттифоқига тўлақонли аъзо бўлиб кириши бундай ҳолатларнинг олдини

олибгина қолмай, интеграцион жараёнлар кенгроқ ривожланишига имконият яратади, ички рақобатни кучайтириб, барча тармоқлар инновациявий модель билан ривожланишига кучли туртки бўлади.

ЕврАзЭС жамиятининг ўта мураккаб ва келгусидаги асосий вазифаларидан яна бири келажакда валюта интеграциясини тузишдан иборат. Россия Федерациясида 2008 йил июнь ойида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро иқтисодий форумда регионал валюта сифатида Россия рубли ишлатилиши мумкинлиги тўғрисида баёнот қабул қилинган эди.

ЕврАзЭС ҳамкорлигининг ривожланиши, унинг доирасида кичик ҳалқада бўлса ҳам Божхона иттифоқи шаклланиши, ягона иқтисодий маконни яратишга интилиш, МДҲ маконида Россия рублини бош минтақавий валюта захирасига айлантириш борасида Россия давлатини узоқ муддатли социал-иқтисодий ривожлантириш ҳамда бу борадаги ҳаракатлар нақадар муҳим, атрофлича ва барча мавжуд вазиятларни инобатга олиб, босқичма-босқич олиб борилмоқда. Қайд этилган масалаларда интеграцион жараёнларнинг кучайишигина барча Ҳамдўстлик давлатлари олдида турган асосий вазифа, яъни миллий иқтисодиётни инновациявий моделга ўтказишдаги ягона йўлдир. Бу, ўз навбатида, инновацион ривожланиш стратегияси бўйича янги қарорлар қабул қилинишини мунтазам талаб этиб бораверади.

МДҲ ва бошқа интеграцион бирлашма гуруҳларининг муваффақиятли ва мустаҳкам ривожланиши кўп жиҳатдан саноати ривожланган давлатга, унинг иқтисоди инновацион моделга қанчалик тез ўтиб, тараққий этишига боғлиқ. Шунинг учун давлатимизнинг асосий эътибори, стратегик ҳамкор сифатида ҳар тарафлама МДҲ билан барча соҳадаги иқтисодий, ташқи савдо ва молиявий алоқаларни кенгайтириб, миллий иқтисодиётимизни инновацион йўлга ўтказишда ва миллий инновацион тизимни барпо этишда улардаги илмий

марказларда яратилган ва яратилаётган лойиҳалардан ҳамда тажрибалардан унумли фойдаланишдан иборат.

Давлатлар орасидаги савдо айланмасининг ўзгариши ва унинг таркиби шу давлатлар орасидаги мамлакатлараро иқтисодий интеграция жараёнининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Давлатлар миллий иқтисодиётларининг шу минтақада жойлашган бошқа давлатлар иқтисодиёти билан боғлиқлик даражасини ва унинг келажакдаги равнақини аниқлаш учун, авваламбор, улар орасидаги ўзаро экспорт-импорт операциялари динамикаси ва таркибини таҳлил қилиш лозим.

Ўзбекистон қўшни давлатларга қилган экспортининг таркибини асосан ёнилғи маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари, қора металл, озиқ-овқат маҳсулотлари ва машина-ускуна маҳсулотлари ташкил этилишини ва улар орасида эса ёнилғи маҳсулотлари салмоғи катталигини эътиборга оладиган бўлсак, унда ўзаро операцияларни таҳлили муҳим тавсиялар ишлаб чиқишга замин яратади.

Умуман олганда, давлатлар орасидаги ўзаро савдо айланмасининг асосини хомашё маҳсулотлари ташкил этмоқда. Жаҳон бозорида хомашёга бўлган талабнинг эластиклик даражаси жуда пастлиги минтақадаги давлатлар миллий иқтисодиётлари барқарорлигига таҳдид солади. Бу эса давлатларга келаётган хорижлик сармоядорларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Яна бир хулоса шуки, Марказий Осиё давлатлари минтақавий иқтисодий интеграцияни ривожлантириш учун бор салоҳиятларидан фойдалана олмаяптилар. Улар катта эътибор бермаётган соҳалар қаторида машинасозлик, тўқимачилик, кимё, қишлоқ хўжалиги сингари тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш саноатини айтиб ўтиш мумкин.

Марказий Осиё минтақасида жойлашгаи давлатлар орасидаги маҳсулот айланмасининг тушиб боришига бир нечта иқтисодий омиллар таъсир кўрсатмоқда: биринчидан, давлатлар импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш сиёсатини қўлланиши, иккинчидан, уларнинг минтақада

жойлашмаган бошқа давлатлар билан ўзаро боғлиқлик даражаси ошиб бораётгани, учинчидан эса, давлатлар орасидаги солиқ, тариф ва валюта ссоҳасидаги келишмовчиликлар ва ташқи савдода божхона тўсиқлари ошиб бораётгани.

Ўзбекистон интеграция жараёнларида фаол иштирок этиши учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилишимиз зарур:

– экспорт таркибида тайёр маҳсулот ҳажмини ошириш керак. Бунинг учун эса миллий иқтисодиётимизга сармоя жойламоқчи бўлган маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга турли хилдаги енгилликлар яратиш зарур;

– экспортни молиялаш, кредитлаш ва суғурталаш сингари экпортёрларга ёрдам берувчи давлат рағбат тизимини ташкил қилиш лозим;

– божхона тизимидан камситувчи дискриминацион тўсиқларни олиб ташлаш орқали самарали савдо режимини ташкил этиш керак.

Халқаро савдо тўсиқларини бирданига олиб ташлаш яхши натижалар бермайди. Чунки, қисқа муддатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобат тез суръатларда ривожланиб кетиши, ишлаб чиқарилган маҳсулоти бозорларда ўтмай қолиши сингари турли муаммоларга дуч келишлари мумкин. Шунинг учун, авваламбор, давлатлар томонидан интеграциялашувининг аниқ режалари ишлаб чиқилиши керак.

Молиявий иқтисодий интеграциялашув жаҳон тараққиётининг янги босқичи сифатида аввалги босқичлардан ўз хусусиятлари билан фарқлана бошлади. Бундай фарқланиш қуйидагиларда намоён бўлди:

– трансмиллий корпорациялар (ТМК)га қўйилаётган бевосита чет эл инвестициялар ҳажмининг кенгайиши;

– трансмиллий банклар (ТМБ) ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятининг кўламлиги ҳамда диверси фикациялашуви;

– халқаро ликвид ресурслар ҳажмининг ва инвестиция муассасалари (институционалных инвесторов) миқдорининг кескин ортиши;

– молиявий тақчилликнинг ўсиши ва компенсацион молиялаштиришнинг кенгайиши;

– халқаро банк кредитлаштириш амалиётининг кенгайиши, шунингдек, халқаро қимматбаҳо қоғозлар бозорининг диверсификациялашуви ва кенгайиши;

– Евровалюта бозорининг кенгайиши;

– ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг шаклланиши ва ривожланиши;

– расмий ресурслар ҳажмининг нисбатан пасайиши ва расмий кредиторлар сиёсий ролининг ошиши;

– замонавий электрон технологиялар, коммуникация ва ахборот воситаларининг жорий қилиниши.

Молиявий интеграциялашув тараққиёти умумий глобаллашув жараёни доирасида халқаро молия бозорларининг кенгайиши ва хорижий бевосита инвестициялар оқимининг кўпайиши билан характерланди. Бу жараён халқаро молиянинг юқори мобиллигида, кўламининг ошиб боришида, диверсификациялашуви ва интеграциялашувида намоён бўлади.

Жаҳон Валюта Бозорининг (ЖВБ) кенгайиб бораётганлиги хорижий валютадаги банк депозитлари суммасининг, халқаро молия бозоридан жалб қилинган маблағлар ҳажмининг, инвестицион институтлар ресурслари ҳажмининг, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодиёт ривожланишида халқаро молия аҳамиятининг ортиб бораётганлигини ҳам молиявий глобаллашув тараққиёти жадаллашиб бораётганлигини исботлайди.

Фойда олишни максималлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган катта ҳажмдаги молиявий ресурслар молиявий глобаллашув тараққиётининг таъминоти бўлиб хизмат қилади. Суғурта, траст, фонд, инвестиция компаниялари, нафақа, ўзаро ёрдам, хежирлаш фондлари каби институционал инвесторлар молиявий ресурслари ҳажми ўсиб бормоқда (2005 йилда бу ресурслар ҳажми 53 трлн АҚШ долларини ташкил қилган). Бу ресурслар замонавий технологиялар ва коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда жаҳон бўйлаб эркин кўчиб юриш хусусиятига эга.

Иқтисодий интеграциялашув жараёни тараққиёти молиявий кўрсаткичлари капитал ва мамлакатдан ташқарида жамғарилган хорижий активлар ҳажмининг юзага келишини функциялашга хизмат қилиши мумкин.

Молиявий глобаллашув тараққиёти нотекис ривожланишнинг кучайишини ва молиявий ресурслар тақсимотини қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, жорий тўлов баланси актив ва пассив қолдиғининг кўпайиши, кўплаб мамлакатларда инвестицион қўйилмаларни амалга ошириш учун ўз ресурсларининг етишмаслиги, давлат бюджети тақчиллигини қоплаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўтқазиш, шунингдек, хусусийлаштириш, ички ва ташқи қарзлар бўйича мажбуриятларни бажариш, банклар ва ташкилотларнинг бирлашуви ва сингишини амалга ошириш, молия бозорларини эркинлаштириш каби жараёнлар ҳам молиявий интеграция жараёни тараққиётини рағбатлантирмоқда.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ЭИЗларни қуйидаги шакл ва турларга ҳам ажратиш мумкин (12.2-жадвалга қаралсин):

Юқорида билдирилган фикрларга шуни ҳам қўшимча равишда айтиш мумкинки, эркин иқтисодий зоналар сиёсати борасидаги йўналиши – бу мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш бўлиб ҳисобланади. Бу борада республикамизда жуда кўп қонунлар қабул қилинди. Қабул қилинган "Эркин иқтисодий зоналар" тўғрисидаги қонун (1196 йил апрель) иқтисодиётни эркинлаштиришни ҳар томонлама ишлаб чиқилган қонуний хўжалик тизимига интеграция жараёнларини жадаллаштиришда иқтисодий эркинлик, бу самарали ўтиш даврининг асосий ўзагини ташкил этди.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда турли турдаги эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бирор вилоят йўққи, у ерда ЭИЗ лар ташкил этилмаган бўлса. Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда ЭИЗларнинг энг оптимал тизимларини ташкил этиш, бир томондан барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир этса, иккинчи томондан халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрнини оширади.

12.2-жадвал

Жаҳонда ташкил этилган ЭИЗларнинг шакллари ва турлари

Шакллари											
	Савдо зоналари		Ишлаб чиқариш зоналари		Техник тадқиқот зоналари		Хизмат кўрсатиш зоналари		Мажмуавий зоналар		
Турлари											
Турлари	Эркин савдо зонаси	Турлари	Саноат ишлаб чиқариш зонаси	Турлари	Технопарк	Турлари	Эркин банк зонаси	Турлари	Махсус иқтисодий зона		
	Эркин божхона зонаси		Экспорт ишлаб чиқариш зонаси		Эркин илмий зона		Оффшор зона		Минтақавий зона		
	Эркин логистика зонаси		Кичик тадбиркорлик зонаси		Технополис		Туристик зона		Халқаро эркин иқтисодий зона		
	Эркин порт		Импорт зона		Илмий технологик зона		Эркин қайта ишлаш зонаси				
	Транзит зона		Эркин савдо ишлаб чиқариш зонаси		Эркин инновация зонаси		Эркин суғурта зонаси				
	Эркин ташқи савдо зонаси		Агрополис		Илмий-техник тижорат парки		Макиладорис				

Бундай ҳамкорлик асосида жаҳон иқтисодиётига хос бўлган байналмилаллашган молиявий муносабатлар ётади. Бу

муносабатларнинг шаклланиши, жаҳон иқтисодиёти жараёнлари интеграциялашувининг муҳим шартидир.

Ишлаб чиқариш, савдо иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатлар ўртасида шаклланиши ва ривожланиши, бозор иқтисодиёти механизмининг муҳим элементларидан биридир. Шундай экан, қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, эркин иқтисодий зоналар тузишнинг техник-иқтисодий асосланган ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш чуқур ҳар томонлама асосланган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишни талаб этади.



12.1-чизма. Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ЭИЗларнинг тури ва таркиби.

Жаҳон тажрибаларини таҳлил қилиб, ЭИЗларнинг мукаммал даражада ривожланишини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин. Бунда давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий

ривожланишида қайси турдаги зоналарнинг ўрни муҳимлиги акс эттирилган.

Ҳар қандай мамлакатда ҳам ЭИЗлар учун биринчи қўйиладиган талаб – бу мамлакатдаги иқтисодий-сиёсий барқарорликни ва халқаро интеграциялашувнинг таъминланганлиги (электр энергия, транспорт коммуникациялари билан) жараёнларни халқаро андозаларга мос келишидир.

ЭИЗларни ривожлантириш улар олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишни таъминлаш зарур бўлади (12.2-чизма).



12.2-чизма. ЭИЗларни янада ривожлантириш вазифалари.

Юқоридаги ЭИЗлар борасидаги тажрибаларидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. ЭИЗ – бу маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этишга тайёр махсус туман (майдон)лар деб эътироф этишдир.

2. ЭИЗларни аниқ мақсадга ва ихтисослигига қараб таснифлаш лозим. Барча зоналарни ЭИЗ деб эмас, балки фаолият йўналишига қараб ташкил этиш муҳимдир, яъни туризм эркин зонаси, эркин енгил саноат зонаси, эркин машинасозлик зонаси, эркин чорвачилик зонаси, эркин узумчилик зонаси ва ҳ.к.

ЭИЗларни ривожлантириш учун унинг ҳозиргача асосланган белгиларини мунтазам равишда кенгайтириб бориш талаб этилади. Уларга мавжуд сервис хизмати, консалтинг хизматлари ва бошқа кенгайтириш киритиш мумкин. Шунингдек, жаҳон бозорига кириб бориш учун ЭИЗлар сиёсатини олиб боришга эришишдир. Амалдаги ЭИЗлар ҳар бирини ўз концепцияси бўлиши ва уни халқаро андозаларга мос даражага етказиш орқали инвесторларни кенг жалб этиш лозим.

ЭИЗлар фаолиятини янада ривожлантиришда уларни жаҳон бозорига тезлик билан интеграциялашуви ва жалб этилган инвестицияларни рағбатлантиришнинг ўзига хос ҳамда бетакрор механизмини жорий қилишга эришиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

12.4. Эркин иқтисодий зоналарда хорижий инвестициялар, валютавий операциялар ва солиқ имтиёзлари

Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда, айниқса, эркин

иқтисодий зоналарни барпо этиш ижобий натижаларга олиб келиши тажрибадан маълум.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда дунёда 2000 га яқин эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)лар мавжуд. Илк маротаба ЭИЗ ўтган асрнинг 1934 йилда АҚШда эркин ташқи савдо ташкил этилган. Энг омадли тажриба ўтган асрнинг 1982 йилда Англияда қайд этилган бўлиб, 2000 гектар ер майдонида ташкил этилган ҳудудда 4000 га яқин янги ишчи ўринлари яратилиб, қарийб 1 млрд. фунт стерлинг хорижий инвестиция киритилган.

Шунингдек, ўтган асрнинг 1978-1987 йилларда Хитойда соҳил бўйи шаҳарларидан ташқи савдони ривожлантиришга ҳисса қўшувчи ҳамда солиқ ва божхона тўловларидан озод қилишни кўзда тутувчи 14 та ЭИЗ ташкил этилди. Унга 22 млрд. долларга яқин хорижий инвестициялар киритилди. Натижада, ўтган асрнинг 1990 йилига келиб, мамлакат ташқи савдо айланмасининг учдан икки қисми мамлакатлардан ўтадиган бўлди.

Бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатлари, хусусан, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Мексика, Руминия, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ҳудуднинг географик ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш анъанага айланган. Бундан асосий мақсад минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл инвестицияларини, истикболли технология ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали унинг саноат салоҳиятини, ишлаб чикариш, транспорт-транзит ва ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали замонавий бозор инфратузилмаларини ташкил этишдан иборат.

Сўнгги йилларда халқаро иқтисодиётни интеграциялашувнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги ўрни ва роли ортиб бормоқда. Халқаро савдо хўжалик фаолиятининг интернационаллашувига кўмаклашувчи, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқлигини кучайтиришига сабаб бўлмоқда. Жаҳон ялпи

ички маҳсулоти (ЯИМ) нинг ўртача йиллик ўсиш суръатига нисбатан халқаро товар айланмасининг ўртача йиллик ўсиш суръати доимий равишда ошиб бормоқда. Шундай бўлса-да, халқаро савдо глобаллашувнинг жадаллашувида халқаро валюта-кредит ва молиявий оқимларига нисбатан аҳамиятини йўқотиб бормоқда.

Умуман олганда, ўтган асрнинг 80-йилларидан XXI асрнинг иккинчи ўн йиллиги ўрталарига қадар жаҳон товар экспорти ва омилсиз хизмат ҳажми 4,5 марта ошган бўлса, унда чет эл инвестицияларининг четга чиқиши ўртача йиллик 36 мартага ошди. XX асрнинг ўрталарида жорий тўлов баланси тақчиллигини молиялаштиришнинг ўзига хос босқичи мамлакатлар иқтисодиётининг молияга қарамлигини ўсишига сабаб бўлди. Бу эса молиявий глобаллашув жараёни пайдо бўлишига илк замин яратди.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб молия бозори тизими глобал миқёсда амал қилиши саноати ривожланган давлатларнинг етакчи молия марказларини боғловчи жаҳон молия тармоғини юзага келтирди. Бу тармоқ Нью-Йорк ва бошқа етакчи молия марказларини, шу жумладан, Лондон, Токио ва Цюрихни ўзаро боғлиқ ҳолда молия бозорида ҳаракат этишларига ҳам имконият яратиб берди.

Лондон – етакчи Евровалюта маркази ҳисобланади. Токио қимматли облигациялар бозори Японияда жамғарма ҳажмининг юқорилиги ва капитал микдорининг ортиқчалиги туфайли сўнгги йилларда янада тараққий эта бошлади. Бу борада Цюрих ҳам хориж депозитларининг манфийлиги туфайли етакчи чет эл облигациялари бозори сифатида майдонга чиқди. Бошқа халқаро молия марказлари (Франкфурт, Амстердам, Париж, Гонконг, Багама ороллари, Кайман ороллари) ҳам дунё капитали оқими билан боғлиқ турли вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлдилар. Бундай марказлар ўртасидаги молиявий муносабатларнинг мустаҳкамланиши уч йўналишга эга бўлган молиявий инқилобни юзага келтирди. Бу:

– халқаро молия институтларининг глобал иштироки;

– халқаро молиявий интеграция;

– молиявий инновацияларнинг тезкорлик билан ривожланишидир.

Капитал оқимининг дунё миқёсида ўсиши давлатлар ўртасида молиявий рақобатни кучайтиради. Ушбу анъана ички бозор фаолиятига ва халқаро капитал ҳаракатининг эркинлашишига давлат аралашувининг қисқаришига кўмаклашган ҳолда, алоҳида давлат ҳукуматларига ўз босимини ўтказмоқда.

XX асрнинг 80-йиллари бошида АҚШда ривожланаётган қимматли қоғозлар бозори чет эл банклари ва брокерларини ўзига жалб қилган бўлса, бу вақтда Япония ва Буюк Британия чет эл валюта бозорини ва ички молия бозорини эркинлаштиришга киришганлиги туфайли уларда чет эл облигациялари бозори ва пул бозори сезиларли даражада ўсганлиги кузатилди. Айтиш жоизки, уларда капитал устидан назорат олиб боришга барҳам берилди. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўртасида (1986 йилнинг октябрида) акциялар бозорини Буюк Британияда ислоҳ қилиш бошланди ва бу "катта шок" билан кузатилди. Шунга қарамай, Буюк Британия молия бозорлари халқаро еврооб лигациялари бозори ва акциялар бозори фаолиятининг кенгайиб бориши ҳисобига сезиларли ўсиш тенденциясига эга бўлди.

Айтиш жоизки, халқаро молиявий интеграция – молия инқилобининг иккинчи йўналиши – ички ва халқаро молия бозорлари ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ушбу бозор секторлари ўртасидаги алоқанинг ривожланиши билан боғлиқ. Яъни молия капитали ҳеч қандай чеклашларсиз, эркин тарзда ички молия бозоридан жаҳон молия бозорига ва аксинча жойлаштирилиши мумкин. Интеграция жараёни шаклланаётган бир пайтда, молия институтларининг қарз олиш, кредитлаш, инвестиция қилиш билан боғлиқ операцияларни бажариш ҳамда бошқа молиявий хизматларни кўрсатиш натижасида етакчи молия марказларида ўз филиалларини ташкил қилишга киришдилар. Халқаро молиявий интеграция ҳам қарз олувчига, ҳам кредиторга тенг равишда фойда

келтира бошлади десак, муболаға бўлмайди. Аммо қарз олувчилар ва кредиторлар учун турли даражадаги рисклар (яъни бозор, фоиз, валюта ва сиёсий рисклар) мавжуд.

Охирги йилларда халқаро молиявий интеграция молия институтлари ва бозорнинг бошқа иштирокчилари олдига бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Биринчидан,инвестор учун халқаро капитал бозори фаолиятига тааллукли бўлган, ишончли маълумотлар олиш мураккаблашди, яъни молиявий операциялар (масалан, молиявий своплар балансдан ташқари моддаларга тегишли бўлиши) ҳисоботнинг одатдаги йўллари бўйича аниқ қайд қилинмайдиган ҳолат даражасига тушиб қолиши бунга мисол бўлди. Бу эса капитал бозорлари интеграцияси капитал қўйилиш жараёни бошланишининг соддалашувига сабаб ҳам бўлди. Пул-кредит муассасалари бошлиқлари юзага келган ҳолатни тартибга келтириш мақсадида беқарорлаштирувчи маблағлар оқимини ўз вақтида аниқлаш ёки прогноз қилишга киришдилар. Бундай ҳолатни тартибга келтириш оғир бўлишига қарамай, уни ҳал этиш замон талаби бўлиб қолди. Бу эса, бозор интеграциясининг молия бозори билан боғлиқлигини кучайтиради ва унинг фаолияти устидан назорат қилишмуаммосини мураккаб-лаштиради.

Молиявий инновациялар, яъни янги молиявий инструментлар ватехнологияларни ташкил этиш молиявий инқилобнинг учинчи йўналиши ҳисобланади. Молиявий инструментлар, яъни евродоллар депозит сертификатлари, ноллик купонли еврооблигациялар, евровалютадаги синдицирлашган кредитлар, фоиз ставкаси, валюта своплари ва ўзгарувчан фоизли қисқа муддатли мажбуриятлар халқаро молия бозорларида ҳозиргикунда кенг тарқалгандир. 1982 йилдан кейин евровалютадаги синдицирлашган кредитлар ҳажмининг камайиши секьюритизация жараёнини тезлаштирди[145]. Ушбу тамойилдан фойдаланган ҳолда қарз олувчи тўғридан-тўғри банк томонидан кредитлашга боғлиқликни камайтириши ва

[145] Кредит мавқеининг тушиши ҳисобига молия бозорларида қимматбаҳо қоғозлар аҳамиятининг ошиш жараёни.

бунинг ўрнига жойлаштирилиши тижорат ёки инвестицион банклар томонидан кафолатланадиган қисқа муддатли тижорат векселлари ёки қисқа муддатли облигациялар чиқа-риши мумкин. Бу инструментлар, агар узоқмуддатли қимматбаҳо қоғозлар бўлган тақдирда, даврий чиқарилиши ваиккиламчи бозорда қайта сотилиши мумкин.

Евроноталарни чиқариш дастури бундай секьюритизация жараёнига мисол бўла олади. Қимматли қоғозларни чиқариш 1983 йилда 10 млрд. АҚШ долларидан 1985 йилда 26 млрд. АҚШ долларигача тез суръатлар билан ўсди[146]. Технологик инновациялар эркинлаштириш жараёнини янада тезлаштирди ва кучайтирди. Асосан, алоқа воситалари халқаро операциялар ҳажми ва уларни амалга ошириш тезлигини оширди. Бу эса, ахборот ва капитал оқимини тезлик билан амалга оширади. Телекоммуникациялар банкларга бутун жаҳон депозит пуллардан (pool) омонатларни жалб қилишга ҳамда энг юқори даромад ва энг кам харажат шароитида қарз олувчиларга маблағлар йўналтиришга ёрдам беради.

Инвестицион банклар СВИФТ (Society for Worldwide Interbank Financial Telecommunications)лар орқали облигация ва хорижий валюталардаги битимларни тузадилар. Тижорат банклари ўз штаб квартираларидан хориждаги ваколатхоналарига тўловларнинг электрон тизими орқали аккре-дитивларни йўналтиришлари мумкин, маҳаллий экспорт ва импорт қилувчилар билан бундай алоқа компьютер орқали таъминланади. Чет мамлакатлар молия тизимининг ривожланиши билан янги молия инструментларидан фойдаланиш жараёни юзага чикди. 1990 йиллардан бошлаб, “молиявий инжиниринг” термини илмий адабиётларда қўлланила бошланди.

Молиявий инжиниринг деганда, молиявий муаммоларни ҳал этиш ва молиявий имкониятлардан фойдаланиш

[146] Morgan Guaranty Trust Company. Global Financial Charge // World Financial market (December 1986): 2.

мақсадида молиявий технологияларни қўллаш ва ривожлантириш тушунилади[147].

Молиявий технологиялар – кенг қамровли тушунча бўлиб, очиқ турдаги инвестицион фондларнинг маблағларни фақат пул бозорининг қисқа муддатли мажбуриятларига, банкоматларига[148], ҳосилавий қимматли қоғозларга ва бошқаларга қўйишларни англатади.

XX асрнинг 70-йилларида жаҳон иқтисодиёти ликвидлилиги ва баланслаштирилмаган жорий тўловлар ҳажмининг кескин ўсиши сабабли молиявий интеграциялашув тўлиқ шаклланди. Бу жараён олтин девиз стандартининг ва қатъий валюта курсларининг бекор қилиниши натижасида юз берди. Шунингдек, халқаро ликвидлиликнинг ўсиши, евровалюта бозорларининг "нефтдолларлари" ҳисобига тўлдирилиши ва халқаро банк кредитлаштириш ҳажмининг кенгайиши каби сабабларга кўра ҳам рўй берган.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу жумладан ЭИЗ ҳар бир мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли дунё мамлакатлари инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши юқори бўлишига алоҳида эътибор беради. Бу борада ЭИЗ учун қулай инвестициявий муҳитни яратиш бўйича керакли иқтисодий чораларни амалга оширади. Ушбу чоралардан бири, албатта соҳага оид ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлаб чиқилганлиги ва йўлга қўйилганлигидир. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда ҳам ЭИЗда хорижий инвести-цияларни жалб этиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик,

[147] The Journal of Financial Engineering (June 1992).

[148] Турли банк операцияларини бажарувчи автоматлар.

Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунларини қайд этиш мумкин. Бундай қонунлар мамлакатимиздаги ЭИЗда корхоналарнинг фаолиятини янада самарали бўлишига замин яратди.

Ислоҳотларимизнинг кейинги босқичида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонун, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва Солиқ Концепцияси ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси ЭИЗни ҳозирда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқоридаги чора-тадбирларнинг амалий тасдиғи сифатида, айтиш мумкинки, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан катта миқдорда инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди.

Бевосита жаҳон иқтисодиётининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларидаги ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилганимизда 2012 йилдан 2016 йилгача тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми камайганлигини кузатиш мумкин. Бунинг сабаби, инвесторларни ҳали ҳам давом этаётган макроиқтисодий нобарқарорлик ва сиёсий мавҳумлик хавотирга солмоқда. Шу билан биргаликда, глобал кўриниш ортида катта динамик ўзгаришлар ётганлигини, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тарихида илк бор кўзга ташланаётган кескин кўчишлар кузатилмоқда (1-диаграмма).

Жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий қисми эркин иқтисодий ҳудудлар, дунё мамлакатларининг реал сектори тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2013-2016 йилларда ИҲРТ-иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, G-20 давлатлари ва Европа Иттифоқи давлатлари томонидан жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзгариш тенденциясида катта фарқ йўқ. Аммо 2016 йилдан бошлаб

ЭИЗга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимида жаҳон миқёсида пасайиш тенденциясига йўл қўймаслик мақсадида уларни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЭИЗга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш билан бир қаторда, чекловлар қўйиш чора-тадбирлари ҳам фаол олиб борилди. Давлатлар ишлаб чиқаришга кўпроқ эътибор бериб, уни инвестиция орқали рағбатлантиришга, чекловларни эса трансчегаравий савдоларга қўйдилар. Бу бир тарафдан, мутахассисларнинг фикрича, "инвестицион протекционизм"га ҳаддан зиёд эътибор бериш, давлатлар бир-биридан чора-тадбирларни такрорлаши билан инвестициялар оқимининг ривожига салбий таъсир ўтказишлари мумкин.

12.3-жадвал

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг географик таркиби, жамига нисбатан % ҳисобида

Йиллар	Жами	ТТХИни жалб этиш		
		Ривожланган мамлакатлар	Ривожланаётган мамлакатлар	Жануби-Шарқий Европа ва МДҲ давлатлари
1980	100	86,1	13,9	0
1990	100	83,2	16,8	0
2000	100	80,8	18,8	0,4
2010	100	49,4	45,6	5,0
2011	100	48,2	42,6	5,6
2012	100	38,9	54,8	6,3
2013	100	39,0	53,6	7,4

Инвестициявий фаолликни оширишда мамлакатда ЭИЗни ташкил этишнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда мазкур зоналар аҳамиятини ўз вақтида тўғри баҳолаб, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш зарур. Айтиш жоизки, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига асосан Навоий вилоятининг Кармана туманида мамлакатимиздаги биринчи эркин иқтисодий зона – "Навоий" эркин иқтисодий зонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги қабул қилинган "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони асосида мамлакатимизнинг Тошкент вилояти ҳудудида "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелда қабул қилинган "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони асосида мамлакатимизнинг Тошкент вилояти ҳудудида "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги юқори меҳнат ресурси потенциали ҳамда бой хомашё захираларига эга минтақа ҳисобланган Жиззах вилоятида "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилиши ва ушбу эркин эркин иқтисодий зоналар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан "эркин иқтисодий зона"лар деб ташкилий-ҳуқуқий мақоми ўзгартирилди.

12.4-жадвал

Мамлакатда ташкил этилган ЭИЗлардаги инвесторлар учун берилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш механизми[149]

Инвестиция миқдори	Имтиёз муддати	Қўшимча имтиёзлар
300 минг АҚШ долл. – 3 млн. АҚШ долл.	3 йил	–
3-5 млн. АҚШ долл.	5 йил	–
5-10 млн. АҚШ долл.	7 йил	–
10 млн. АҚШ долл. ва ундан кўп	10 йил	5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилади

Ташкил этилган ушбу эркин иқтисодий зоналарга инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида солиқ ва мажбурий тўловлардан имтиёзларни жорий этишга алоҳида аҳамият берилди (12.5-жадвал).

“Навоий” ЭИЗда белгиланган имтиёзларнинг фақат 2010-2015 йилларда қўлланилишининг ижобий натижаси ўлароқ, инвестициялар, айниқса хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишни таъминлашга эришилди (12.5-жадвал)

[149] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 498-модда.

12.5-жадвал

“Навоий” ЭИЗнинг иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Киритилган инвестициялар (млн. сўм)	21357	38767	16584	23216	23216	41831
Киритилган хорижий инвестициялар (млн. сўм)	4227	4802	24232	3191	12478	20785
Хорижий инвестиция-ларнинг жами инвестициялар-даги улуши (фоиз)	20	12	146	14	54	50
Ишлаб чиқарилган маҳсулот (млн. сўм)	8	7588	57587	132077	132077	149925

Мамлакатимиздаги бошқа ЭИЗларга ҳам айнан шундай эътибор берилса, уларда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кўплаб инвестиция лойиҳаларини кириб келиши учун қулай замин яратилган бўлар эди.

12.5. Эркин иқтисодий зона ташкилотчиларининг банк-молия тизими билан ўзаро алоқалари

Айтиш жоизки, алоҳида валюта режими бўйича ЭИЗ доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш, республикамизнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ва

кўрсатилган хизматлар учун тўловни хорижий валютада тўлаш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун тўловларни ўзларига қулай бўлган валютада тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. ЭИЗда валюта муомалалари "Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида валюта режими фаолияти тартиби тўғрисида"ги Низом билан тартибга солинади.

12.6-жадвал

ЭИЗда валюта режимининг белгиланиши

Олдин		**Ҳозир**
"Навоий" ЭИИЗ	"Ангрен" ва "Жиззах" МИЗ	"Навоий", "Ангрен", "Жиззах", "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Хазарасп" ЭИЗ
Мавжуд	Мавжуд эмас	Мавжуд (бир хил)

Олдин фақат, "Навоий" ЭИИЗда валюта режими белгиланган. Аммо, "Ангрен" ва "Жиззах" МИЗда валюта режими мавжуд бўлмаган. Ҳозирда барча ЭИЗда валюта режими ягона кўринишда юқоридаги низомга асосан тартибга солинади.

ЭИЗда алоҳида валюта режими белгиланиб, валюта муомалалари амалга оширилар экан, валюта муомалаларини умумлаштириш ва улар тўғрисида ишончли ахборотларни шакллантиришда валюта муомалаларининг ҳисоби алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабдан, валюталарнинг ҳисоб-рақамларга келиб тушиши ва сарфланиши қонунчиликка асосан узлуксиз равишда ҳисобга олинади. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари валюта муомалалари ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир тартиб ва талабларни белгилайди.

ЭИЗлар қатнашчилари хизмат кўрсатиш учун ваколатли банкларни мустақил танлайди ва Ўзбекистон Республикасининг бир ёки бир неча ваколатли банкларида хорижий валютада ҳисоб рақам очиш имконияти яратилди. Шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чет элдаги банкларда ҳам ҳисобрақам очишлари мумкин. ЭИЗлар қатнашчиларининг хорижий валютадаги маблағлари ваколатли банкларнинг ҳисоб рақамларида сақланади ва улар томонидан қонунчилик доирасида фойдаланилади.

“Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида валюта режими фаолияти тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, ЭИЗлар қатнашчиларининг валюта ҳисоб рақамларига қуйидагилар натижасида валюта маблағлари келиб тушиши белгиланган:

– ташқи савдони амалга ошириш билан боғлиқ тўловлар бўйича;

– тузилган шартномалар ва контрактларга мувофиқ тўловлар бўйича;

– республика ҳудудида ваколатли банклар орқали сотиб олинган;

– қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда – эркин иқтисодий зоналар қатнашчилари томонидан олинган нақд хорижий валюта;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларининг устав фондига (устав капиталига) қўшилган улуш бўйича;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган кредитлар, хорижий инвестициялар ва қарзлар ҳамда уларни амалга ошириш билан боғлиқ тўловлар бўйича;

– пластик тўлов ва кредит карточкалари бўйича тўловлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда носавдо тусидаги тўловлар бўйича;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чет элдан беғараз ёрдам шаклда тушган;

– бошқа банкларда очилган ҳисобрақами эгасининг бошқа ҳисобрақамларидан ўтказилган;

– қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳолларда.

Биз томондан, ушбу низомга валюта ҳисобрақамларига келиб тушадиган маблағлар таркибида юридик шахслар устав фонди (устав капитали)га киритилган улуш бўйича келиб тушадиган дивидендларни ҳам киритиш таклиф этилди.

“Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида валюта режими фаолияти тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, ваколатли банкларда эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларининг валюта ҳисобрақамларидаги хорижий валютадаги маблағлар ҳисобрақами эгасининг фармойишига кўра қуйидаги ҳолларда чиқарилиши белгиланган:

– жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тўловлар бўйича ўтказилиши;

– тузилган шартномалар ва контрактларга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар қатнашчилари ҳисобрақамларига ўтказилиши;

– етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар – Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ҳисоб рақамларига юборилиши;

– белгиланган тартибда ваколатли банкнинг хорижий валютадаги операциялари бўйича воситачилик ҳақини тўлаш, ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш учун (шу жумладан накд тўлаш учун) фойдаланилиши;

– кредитлар, қарзлар, фоизларни қайтариш ҳисобига фойдаланилиши;

– қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш киритиш бўйича харажатларга ўтказилиши;

– республика ҳудудида хизмат кўрсатувчи банкка сотилиши;

– эркин иқтисодий зоналар қатнашчилари ходимлари - норезидентларнинг иш ҳақини тўлаш учун фойдаланилиши;

– ҳисобрақами эгасининг бошқа ваколатли банкларида очилган бошқа ҳисоб рақамларига ўтказилиши;

– қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда носавдо тусидаги тўловлар бўйича ўтказилиши;

– қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда фойдаланилиши мумкин.

Ички валюта бозорида хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш эркин иқтисодий зоналар қатнашчилари томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларининг экспорт ва импорт шартномалари мониторинги ташқи савдо муомалалари ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади. Экспорт қилувчилар қонунчиликда белгиланган тартибда етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар юзасидан ўз ҳисоб рақамларига ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушмаган валюта маблағлари бўйича жавобгар ҳисобланади.

Хорижий валютада ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг қиймати, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида сўмда қайта ҳисоблашда Марказий банкнинг жорий валюта курслари доирасида амалга оширилади. Бунда ҳисобида хорижий валюталар бўйича операцияларни айнан қайси санадаги курс бўйича ҳисобга олиш ва бошланғич ҳужжатларни расмийлаштириш санасидаги хорижий валюта курсидан келиб чиқиб сўм эквивалентида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади (12.7-жадвалга қаралсин)[150].

[150] Ўзбекистон Республикаси “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби” номли 22-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти.

12.7-жадвал

Хорижий валютада муомалаларни амалга ошириш саналарининг рўйхати

Хорижий валютадаги муомалалар	**Хорижий валютадаги моумала амалга оширилган сана бўлиб ҳисобланади**
Хорижий валюта счётлари бўйича банк операциялари	Пул маблағларини валюта счётига қайд этиш ёки уларни валюта счётидан ҳисобдан чиқариш санаси
Хорижий валютадаги касса муомалалари	Хорижий валютани кассага кирим қилиш ёки уни кассадан бериш санаси
Хорижий валютадаги даромадлар	Хорижий валютадаги даромадларни тан олиш санаси
Хорижий валютадаги харажатлар	Хорижий валютадаги харажатларни тан олиш санаси
Товар-моддий захиралар, бошқа мол-мулк ва хизматлар импорти	Божхона юк декларациясини тўлдириш санаси
Ҳисобдор суммалар бўйича хорижий валютадаги ходимларга қарзларни акс эттириш	Бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси
Хорижий валютадаги қарзларни сўндириш	Хорижий валютадаги қарзларни сўндириш санаси
Устав сармоясига улушлар бўйича муассислар қарзларининг ҳосил бўлиши	Юридик шахс мақомини олиш санаси
Устав сармоясини шакллантириш	Устав сармоясига муассислар улушларини киритиш санаси

Импорт қилинган товар-моддий захиралар ва бошқа активларнинг харид қиймати Божхона юк декларациясини тўлдириш ҳамда божхона божлари ва йиғимларини харид қилиш билан боғлиқ бошқа харажатларни тўлаш санасида Марказий банк курси бўйича белгиланган импорт қилинган товар-моддий захираларнинг шартнома қийматидан келиб чиқиб белгиланади[151].

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига кўра эркин иқтисодий зона қатнашчилари ҳар ойда баланснинг валюта моддаларини ҳисобот ойининг охирги кунига ва Марказий банк курси бўйича хўжалик операцияларини содир этиш санасига қайта баҳолашни амалга оширади. Қайта баҳолаш ва курс фарқини белгилаш мақсадида баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киритилади:

– кассадаги, банкнинг депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари;

– шу жумладан аккредитивлар;

– хорижий валютадаги пул ҳужжатлари;

– хорижий валютада ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар;

– хорижий валютада ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредит ва заёмлар.

Қуйидагилар қайта баҳоланмайди:

– эркин иқтисодий зона қатнашчисининг хорижий валютага харид қилинган асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган ускуналари, капитал қўйилмалари, товар-моддий захиралари;

– эркин иқтисодий зона қатнашчиси, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона устав сармоясининг миқдорлари ва муассислари (иштирокчилари) улушларининг нисбати.

---

[151] “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Товар-моддий захиралар”номли 4-сон ва “Асосий воситалар” номли 5-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.

Эътибор қаратадиган бўлсак, 22-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида асосан хорижий валютада ифодаланган пул маблағлари, дебитор ва кредиторлар, инвестицияларни жорий курслар бўйича узлуксиз акс эттириб бориш назарда тутилган[152].

Ҳосил бўлган курс фарқи бевосита киритиш йўли билан ёки жамғариш йўли билан молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилади. Бевосита киритиш усулида курс фарқлари юзага келишига қараб молиявий-хўжалик фаолият натижаларига киритилади. Курс фарқлари жамғариш усулида молиявий-хўжалик фаолият натижаларига киритилади, яъни қуйидаги-тартибда:

– хорижий валютадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича – уларни ҳисобдан чиқаришни боришига қараб;

– қолган ҳолларда – балансниг тегишли валюта моддалари билан биргаликда хўжалик операцияларини содир этишнинг боришига қараб.

ЭИЗ қатнашчисининг ҳисоб сиёсатида курс фарқини киритишнинг қўлланаётган усуллари акс эттирилади.

Айтиш жоизки, қонунда белгиланган тартибда жамғариш усулини юритилишида бевосита киритиш усулига ўтаётганда илгари баланснинг валюта моддаларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида жамғарилган курс фарқлари ҳисоб сиёсатида қабул қилинган тақвимий йилнинг охирига қадар ҳар ойда (тенг улушда) ЭИЗ қатнашчиси молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларига ҳисобдан чиқарилади. ЭИЗ қатнашчисининг молиявий натижаларига киритилган ижобий ёки салбий курс фарқи молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ёки харажатлар таркибида акс эттирилади.

ЭИЗ қатнашчиларининг устав фонди (капитал)нинг миқдори (хорижий валютада) ва ҳар бир муассис томонидан улушлар киритилиши пайтидаги курс бўйича амалга

[152] Ўзбекистон Республикаси “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби” номли 22-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти.

оширилади. ЭИЗ қатнашчисининг устав фонди (капитал)ни шакллантириш чоғида таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санаси ва устав фонди (капитал)га маблағларни ҳақиқатда киритиш санасидаги Марказий банк курслари ўртасидаги курс фарқи бухгалтерия ҳисобида қўшилган сармоя сифатида акс эттирилади.

ЭИЗ қатнашчилари фаолиятида валюта муомалалари ҳисоби доирасида ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд:

– ЭИЗлардаги аксарият корхоналар хорижий инвестициялар иштирокидаги мақомга эга бўлиб, фаолият юритаётган корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини чет эллик инвесторларга хорижий валютада ифодалаш орқали даврий тақдим этиш талаб этилиши;

– ЭИЗ қатнашчиларининг устав фонди (капитали)га хорижий инвесторлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатиладиган ускуналар, капитал қўйилмалар ва товар-моддий захиралар улуш сифатида киритилган. Хорижий инвесторлар хорижий валютада киритилган ресурсларни валюта курсларидаги тафовутлар натижасида йўқотиш ҳолатини юзага келишини истамайди. Бунда ушбу ресурслар тўғрисидаги хорижий валютада ифодаланган даврий ҳисоботлар қизиқтиради;

– хўжалик субъектлари қонунчилик талаблари асосида[153] молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини қўллаши мумкинлиги, белгиланган. Аммо, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари таркибида валюта муомалаларига оид стандарт мавжуд эмас. Унда биринчи ҳолатда аниқ тартиб амал қилмаса, унда иккинчи ҳолатда хорижий валютада ифодаланган ҳисоботларни тузиш бўйича миллий тартиб белгиланмаганлиги ўзига хос муаммоларнинг мавжудлигига сабаб бўлмоқда. ЭИЗлар қатнашчилари солиқ идораларига Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига кўра

[153] Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, 2016 йил 13 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган.

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни топшириш-лари белгиланганлиги бухгалтерия ҳисобининг қонун асосида ишлаб чиқилган миллий стандартларини қўллашни тақозо этади.

12.6. Ўзбекистондаги “Навоий” эркин индустриал зонасини ташкил топиши, мақсади ва мамлакат иқтисоди учун аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал- иқтисодий зона (ЭИИЗ)ташкил этиш тўғрисида”ги фармони ҳам бозор муносабатларида янги, янада самарали босқичга ўтишни назарда тутади. Ушбу ҳужжатга асосан, мазкур зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилга белгиланган бўлиб, бу муддат кейинчалик узайтирилиши ҳам мумкин.

Эркин иқтисодий зонада фаолият юритадиган инвесторларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонида махсус божхона, солиқ, валюта ва чет эл фуқароларнинг кириб-чиқиши соддалаштирилган режим тўғрисида бир қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 3 миллиондан 10 миллион еврогача бўлган тақдирда 7 йилгача, 10 миллиондан 30 миллион еврогача 10 йилга –кейинги беш йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми 50 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда, 30 миллион евродан ортиқ бўлганда эса 15 йилга кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми 50 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда, ер, мулк, даромад, ободончилик ва ижтимоий инфратузулмани ривожлантириш солиқлари, ягона солиқ тўлови, Республика йўл ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига мажбурий тўловлардан озод этилиш ҳам қайд этилган.

Фармонда шундай тартиб белгиланганки, унга кўра, ЗИИЗда рўйхатда олинган хўжалик юритувчи субектлар ЗИИЗ

фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувчи учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

Ҳозирги кунда бу зонада "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақасад – замонавий, яъни юқори унум билан ишлайдиган техника ва асбоб-ускуналар, линиялар, модуллар, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига жаҳон стандартларига жавоб берувчи ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришдир.

Мазкур зонада электротехника ва электрон маҳсулотларнинг кенг номенклатураси, машинасозлик, автомобиль саноати бутловчи қисмлари, озиқ- овқат, фармацефтика маҳсулотлари ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Эркин индустриал-иқтисодий зона учун Кармана туманидан 564 гектар ер ажратилган. Ушбу зона ҳудудида юзга яқин чет эл корхоналарини барпо этиш режалаштирилган. 120 гектар ерда тураржой мажмуаси барпо этилади. "Кореан Аир" авиакомпанияси бу ерда 17,2минг квадрат метрдан иборат майдонда уч блокли 90 та уй- жой қуришни режалаштирган. 2010 йилнинг август ойида тураржой мажмуасининг қурилиш ишлари якунланиши кўзда тутилган. Қисқа муддат ичида хорижий инвесторларнинг 37 та лойиҳасига ер участкаси ажратилди. Завод- фабрикалар қурилиши бошлаб юборилди. Бу ерда саноат корхоналари ташкил этиш бўйича умумий қиймати 187 миллион АҚШ долларидан зиёд 19 та битим имзоланган. Жанубий Корея, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Туркия сингари ҳамкорлар иштирокидаги мазкур лойиҳалар бўйича 2009 йилда катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар тўлиқ ишга

тушурилгач, йилига 375,5 миллион АҚШ долларилик маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилади ва унинг қарийб тенг ярми экспорт қилинади.

Ушбу зонада маъмурий бино, молия муассасаси маркази ва божхона хизмати бинолари аллақачон қад ростлади. Бу ишга жалб этилган ўнга яқин қурилиш ташкилоти томонидан 2009 йили 29 миллиард 445 миллион сўмлик қурилиш - монтаж ишлари бажарилди.

Инвесторлар томонидан дастлабки маҳсулот ишлаб чиқариш 2010 йилнинг 2010 йилда 50 та лойиҳа ўзлаштирилиши режалаштирилган .

Инвесторларнинг асосий қисмини жанубий кореялик ишбилармон ташкил этади. Бу бежиз эмас, чунки Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 2 млрд. АҚШ долларидан ошади. Айниқса, нефть–газ, кончилик, нефть кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида катта лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизида барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона бунга яхши мисолдир. Ушбу зонадаги қитъалараро интермодал логистика маркази МДҲ да ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан тушурилади ва ортилади, тақсимланади, махсус омборларга жайлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

Жаҳон андозаларига мос “Навоий” халқаро аэрапортида кўплаб хорижий мамлакатларга юк ва йўловчи ташувчи самолётлар парвози йўлга қўйилди. “Кореан Аир” авиакомпанияси ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг юк ташиш рейслари ҳафтасига 22тага етди. Шунингдек, мазкур эркин индустриал-иқтисодий зона Навоий шаҳар автомобиль магистралидан 800 метр, аэрапортнинг юк терминалидан 1,8 километр масофада жойлашгани халқаро

аҳамиятга молик темир йўл билан боғланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2009 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этиш доирасида узунлиги 2,2 км бўлган кириш йўли, 4,7 км темир йўл барпо этилди, узунлиги 2,2 км ташқи электр тармоғи, 6,3 км газ қувури ўтказилди, ишлаб чиқариш участкаларини қуриш учун техник ва меҳнат ресурсларини сафарбар этишга оид ишлар давом эттирилмоқда.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси Жанубий Кореядан лизинг асосида 2 та “А 300-600 Ғ ” юк самолиёти олиб логистика маркази ихтиёрига берди. Бу билан марказнинг салоҳияти юксалиб, дунёдаги барча юк бозорларига йўл очилди. 40 тоннагача юк кўтарадиган “А 300-600Ғ” самолиётлари 7000 км масофани тўхтамасдан босиб ўта олади.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага қизиқиш кичайиб бормоқда. Унда 20 дан ортиқ давлат ўз инвестиция лойиҳалари билан иштирок этиш истагини билдирди. Биргиба Жанубий Корея билан умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларидан ошадиган 35 та сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Араб мамлакатларининг йирик компаниялари ҳам ўз сармояларини ушбу зонага киритишга иштиёқманд эканликларини яширмаяптилар. Жумладан, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон давлатининг йирик компаниялари ушбу зонада инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш имконияти мавжудлигини билдиришди.

“Навоий” аэрапорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида барпо этилган аэродромни халқаро оператор – Кореянинг “Кореан Эйр” компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши туфайли олдимизда катта истиқболлар очилди. Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жанубий-Шарқий Осиёни Европа

билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини берди, айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни вилоятларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратди.

Миллий иқтисодиётимиз тарихида Навоий вилоятининиг алоҳида ажратилган зонада бундай қулай инвестициавий муҳит яратилиши тадбиркорлик ва бизнес фаоллашувига, унинг ривожига ҳуқуқий асос ва имкониятлар яратди. Мазкур зонада замонавий технологиялар негизида импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош, жаҳон бозорида ўз харидорига эга бўлган товарларни ишлаб чиқарадиган корхоналар қад кўтараётир. Бунинг натижасида 36 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши таъминланди.

Умуман олганда, Навоий вилоятида ташкил қилинаётган ЭИИЗ:

– республикага жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келишга ҳамда иқтисодиётнинг интеграциялашган тузулмасини яратишга ёрдам беради;

– иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали истиқболли технологиялар жорий этилишига пировардида маҳаллий хомашёлар асосида экс-портбоб маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига замин бўлади;

– зонанинг меҳнат (ишчи кучи) ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишга шароит яратади;

– янги корхоналарни барпо этиш қўшимча иш ўринлари яратилишига ва бандлик даражаси аҳамиятли равишда ошишига таъсир кўрсатади;

– лизинг муносабатларини такомиллаштириш ва ундан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратади;

– мамлакатда халқаро молиявий институтларнинг барқарор фаолият кўрсатишига олиб келади;

– чет эллик инвесторлар солиқлар, ижара ва бошқа тўловлар билан буюжет даромадларини ҳамда ҳажмини кўпайтириш орқали валюта тушумини кескин орттиради;

– республикада барқарор ўсиш суръатларининг ошишига таъсир кўрсатади, реал ЯИМ кўпаяди, аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланиб, фаровонлиги ортади ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга катта ёрдам беради.

Ташкил этилган ва ривожланиб келаётган индустриал - иқтисодий зона Навоий вилояти, хусусан, Навоий шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш, транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларни ўзлаштириш, хориж сармоясини жалб қилишда муҳим омил бўлаётир. У жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Бу каби ижобий ишларнинг амалга оширилиши миллий иқтисодиётни модернизация ва деверсификация қилишга, мулкчилик муносабатларини янада такомиллаштиришга катта ижобий таъсир кўрсатди ва Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси келажакда бутун Марказий Осиё минтақасини иқтисодий ривожлантириш моделига айланишига олиб келиши ҳам эхтимолдан йироқ эмас.Чунки, Ўзбекистон танлаган иқтисодий сиёсатнинг тўғрилигини бутун жаҳон тан олмоқда иқтисодиётнинг сиёсатдан устун қўйилиши ва амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистонда ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам юқори иқтисодий ўсишнинг таъминланиши буни ҳар томонлама тасдиқлаб турибди.

Жумладан, Ўзбекистон Ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2018 йилда 407.5 трлн сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 5.1 фоизга ўсди ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10.6 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯИМ тармоқлари

бўйича таркибидаги улуши ўтган йилга нисбатан 0.5 ф.п. га камайиб 16.7 фоизни ташкил этди. Хусусан, 2018-2019 йилларда умумий қиймати 6,4 триллион сўмлик инвестицияларни жалб этиш ҳисобига 553 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми ўсди. Энг муҳими уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар тўғри келди. Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити жорий йил ютуқларига асос бўлиши, яъни ЯИМ ва саноат маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, оширишга замин яратди, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ЯИМга нисбатан 30-35 фоизга етказиш учун яратилажак заминни янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Президентимиз Ш.М Мирзиёев таъкидлаганидек, эркин иқтисодий зоналарга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш инвестиция соҳасидаги долзарб йўналиш ҳисобланади.

Шу боис “Навоий” ЭИИЗ да бошланган 17 та лойиҳани амалга ошириш ва уларни тўлиқ қувватда ишлаши учун айни пайтда Корея Республикаси, Япония, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва технологик жиҳатдан юксак ривожланган бошқа мамлакатлардан инвестициялар жалб қилишга алохида эътибор қаратиш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилаётган янги эркин индустриал-иқтисодий зоналар мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада ошириш, саноатга хориж сармоясини жалб этишда катта имкониятлар яратиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шаро-итлар яратиш мақсадида юқорида айтиб

ўтилганидек, бирин-чилар қаторида 2008 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқти-содий зонаси, сўнг 2012 йилда “Ангрен” ва 2013 йилда “Жиззах” махсус индустриал зоналари ташкил этилган эди.

Бундай зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида инвестициялар ҳажми билан боғлиқ солиқ, мажбурий тўловлар ва божхона тўловлари бўйича табақалаштирилган имтиёз даврлари белгиланди. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида бошқа зоналардан фарқли ўлароқ, алоҳида валюта режими[154] белгиланиб, хорижий валюталар воситасида ҳисоб-китоб қилиш, қонунчилик доирасида хорижий валюталарни эркин тасарруф этиш белгилаб қўйилди.

Президентимизнинг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармони билан эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб этишни янада рағбатлантириш, улар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтириш мақсадида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари бирхиллаштирилиб “Навоий”, “Ангрен” ва “Жиззах” ЭИЗ деб номлаш ҳамда ушбу зоналарда хорижий инвесторларга инвестиция киритиш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида ягона ҳуқуқий режим белгиланди ва имтиёзлар бирхиллаштирилди.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари бўйича дастур қабул қилиниши ЭИЗ фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қила бошлади[155].

2017 йил 12 январда Президентнинг “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Хазарасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони билан ушбу эркин иқтисо-

---

[154]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 декабрдаги 341-сон Қарори билан тасдиқланган.

[155]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 декабрдаги 418-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

дий зоналар ташкил этилди. Унга мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигига оид низомлар ишлаб чиқилди ва фойдаланишга тақдим этилди. Эркиниқ-тисодий зоналар учун алоҳида валюта режими, солиқ ва бож-хона имтиёзлари, маъмурий имтиёзлар ва бошқалар белгилаб қўйилди.

“Жиззах” эркин иқтисодий зонасида “...шу пайтгача умумий қиймати 268 миллион АҚШ долларилик 25 та инвестиция лойиҳаси амалиётга татбиқ қилиш учун маъқулланди. 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 18 та инветиция лойиҳаси ишга туширилган. Мазкур лойиҳалар натижасида мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилгани, шундан 60 фоизи олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари улушига тўғри келгани эътиборга молик. 2017 йилда қиймати 150 миллион долларлик 5 та инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш режалаштирилди.

Шунингдек. “Ангрен”ЭИЗда жами 11 та корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. “...қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли қаттиқликдаги ва мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди”[156]. Умуман олганда, “Ангрен” махсус индустриал зонаси маъмурий кенгаши томонидан 23 та лойиҳа маъқулланган бўлиб, уларнинг қиймати қарийб 458 миллион АҚШ долларини ташкил қилади[157].

Ҳозирда глобал миқёсда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун жадал кечаётган рақобат жараёнида, Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун қуйида-

---

[156] Каримов И.А. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисдаги маъруза. “Халқ сўзи”, 17.01.2014 йил.

[157] А.Қоржавов. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналари ҳақида. www.xs.uz(“Халқ сўзи” газетасининг расмий веб-сайти , 2015 й.)

гиларни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин:

Биринчидан, жалб этилган инвестицияларнинг реализация жараёнларини фаоллаштириш учун “Aftercare service” (инвестиция киргандан сўнг) тизимини янада такомиллаштириш зарур. Яъни бу тизим фақатгина кириб келган хорижий инвесторлар билан шуғулланиб, у инвестицияни хориждан жалб этиш билан шуғулланмай, мавжуд бўлган корхоналарнинг муаммолари жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар билан, керак бўлса юқори турувчи ташкилотлар билан ечимини излайди. Ўрни келса, рағбатлантиради ва шу лойиҳани ишлаб кетишида кўмакдош бўлади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда бошқариш механизмидан кенг фойдаланиш зарур. Хитой ва Ҳиндистон давлатларининг тажрибасидан ижобий ҳолатларни ўрганган ҳолатда, “вақт омили” механизмидан фойдаланиш таклифи киритилмоқда. Яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бундан мустасно) “10 йиллик солиқ таътили” эълон қилиниши фикри олдинга сурилмоқда. Албатта, бу механизм иқтисодиётнинг маълум соҳаларига тегишли бўлмайди. Хорижий инвестор муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Бу икки механизм бир-бирига халақит бермайди, балки бир-бирини тўлдириб, миллий иқтисодиётимизни рақобатдош бўлишига ва ривожланишига олиб келади.

Учинчидан, ЭИЗда молиявий муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири – бюджетдан ташқари эркин иқтисодий зоналарнинг иқтисодий муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ихтисослаштирилган фондларни шакллантириш зарур. Бундай фондларни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги иккита йўналишда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир, яъни:

– ЭИЗда турли йўналишларга эга фондлар комплексини ташкил этиш;

– Ягона фонд доирасида турли хўжалик юритиш соҳалари бўйича шўба корхона – фондларни ривожлантириш.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда жаҳон тажрибаларини ўрганиш, улардан самарли фойдаланиш иқтисодиётнинг қайси тармоқ ва соҳаларига инвестиция киритиш ва уни рағбатлантириш лозимлигини тўғри аниқлаш талаб этилади.

13-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

13.1. Ўзбекистон Республикаси халқаро молия институтлари аъзоси сифатида.

13.2. Ўзбекистоннинг ХВФга аъзо бўлиши ва ҳамкорлик алоқалари.

13.3. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоқалари ва молиялаштирилаётган лойиҳалари.

13.4. ЕТТБ билан ҳамкорлик алоқалари ва молиялаштирилаётган лойиҳалари.

13.5. Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоқалари ва молиялаштирилаётган лойиҳалари.

13.1. Ўзбекистон Республикаси халқаро молия институтлари аъзоси сифатида

Бугунги кунда республикани барқарор ривожлантиришнинг зарур шарти, юқори даражадаги фаол инвестиция эканлиги аниқ-равшан бўлиб қолди. Бунга эса ички ва ташқи ресурсларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш туфайли эришилади.

Чет эл сармоясини жалб этиш турли шаклларининг афзаллик ва камчиликларини ўрганиш шуни кўрсатадики, чет эл инвестициясини тўғридан-тўғри жалб этиш анча мақбул бўлади, бу инвестиция қаратилган мамлакатга инвесторнинг узоқ қизиқишини уйғотади ва ташқи қарзга нисбатан анча самарали бўлади.

Чет эллик инвесторлар миллий корхоналарга ўз капиталларини, технологиялар, бошқарув тажрибаларини қўйибгина қолмай, балки жаҳон бозорига чиқишга йўл ҳам очадилар. Бу

ўтиш даври иқтисодиётида энг янги жаҳон илмий-техника ютуқлари, технологияларининг кириб келишидаги муҳим йўналиш сифатида зарурдир. Зеро, бу миллий хўжалик юритувчи субъектларнинг товар муносабатлари ривожига мослашиш даражасини оширади, улар ишлаб чиқариш фаолиятини жаҳон стандартларига мувофиқ тарзда самаралилаштиради.

Ўзбекистон чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича кафолот ва имтиёзларни кенгайтириши, рағбатлаштиришни кучайтириши лозим. Бунинг учун инвестиция фаолиятига қулай шароит вужудга келтириш зарур. Шундай қилиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда ўз бизнесига эга бўлишни истовчиларнинг барчаси учун янада жозибалироқ бўлсин.

Инвестиция бутун жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир ўтказади, айниқса, унинг асоси ҳисобланиши халқаро бизнесга. Амалда барча мамлакатлар тўғридан-тўғри инвестицияларни экспортчиси ёки импортчиси ҳисобланади. Агар капитал экспорт қилувчи энг йирик ўнта давлатни ажратиш лозим бўлса, бу рўйхатдан қуйидаги, жаҳон иқтисодиётида тан олинган, давлатлар ўрин эгаллаши аниқ. Булар: АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Франция, Канада, Италия.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги пайтда миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатбардошлигини, шунингдек эскпорт салоҳиятини ошириш, юқори технологияга асосланган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, модернизация қилиш жараёни соҳага йирик ҳажмдаги инвестицияларни жалб этишни талаб этади. Биринчи Президентимиз айтганидек, “Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди” [158] . Шундай экан, миллий иқтисодиётимизни

[158] Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга

янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштиришга талаб қилинадиган йирик миқдордаги инвестицияларни ташкил этишда хорижий инвестицияларнинг ўрни каттадир. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг жалб этиш учун мамлакатдаги инвестицион муҳит, чет эллик инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда мамлакатларда яратилган инвестицион муҳитни баҳоловчи бир қатор жаҳонда кенг тарқалган методологиялар мавжуд бўлиб, уларнинг қаторида БЕРИ (Business Enviromental Risk Intelligence (BERI)) индекси, Жаҳон банки ёндашуви, Россия ҳудудлари бўйича "Эксперт" ҳафтаномаси, Евровалюта (Euromoney) журнали услубиятлари, халқаро агентликлар томонидан мамлакатларга бериладиган "Суверен кредит рейтинги", Сиёсий риск хизматлари гуруҳи (Political Risk Services (PRS) Group) агентлигининг "Сиёсий риск хизматлари (PRS)" ва "Мамлакатларнинг халқаро риски бўйича қўлланма (International Country Risk Guide (ICRG))" асосидаги моделларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин".[159]

Эътироф этиш жоизки, Швейцария, Германия каби мамлакатларнинг нуфузли ахборот хизматлари давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳар бири "0"дан "12" балгача бўлган (0 – қониқарсиз, 12 – ўта қулай) шкала бўйича баҳоланадиган 15 та муҳим кўрсаткични ҳисобга олган "BERI" кўрсаткичидан фойдаланади. Қуйидаги 13.1-расмда "BERI" индекси инвестиция кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (12 балл) муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон банки ёндашувига кўра, мамлакат инвестицион муҳитига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси (http://www.press-service.uz/uz/)

[159] Вахабов А, Хожибоқиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар, ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2010 й. – 272 б. Кривчевский М.Л. Финансовые риски: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2012 – 248 с.

• иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий-меъёрий амалиётнинг ноаниқлиги;

• коррупция даражаси;

• суд тизимининг сифати;

• жиноятчилик даражаси;

• солиқ юки ва солиққа тортишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;

• молиявий ресурсларни олиш имконияти ва молиялаштиришнинг қиймати;

• электр билан таъминланганлик даражаси ва сифати;

• ишчилар малака даражаси ҳамда меҳнат қонунчилиги сифати[160].

2008-2015 йй. ICOR коэффициенти 3,1-3,7 ораликда ўзгариб турган, 2015 йилда Ўзбекистонга киритилган ҳар 3,1 бирлик инвестиция киримига 1 бирлик ЯИМ ўсишини таъминлаган бу ижобий ҳолат деб белгиланишига имконият яратиб берган[161].

Эътироф этиш жоизки, хорижий инвестициялар билан боғлиқ мамлакат риски ва суверен кредит риски ўртасида ўхшашликлар ва ўзига хос фарқли жиҳатлари мавжуд. Хусусан, мамлакат риски тушунчасида пул маблағларини трансчегаравий жойлашуви ва халқаро фаолият билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган иқтисодий операцияларни амалга оширишда юзага келувчи молиявий хавф-хатарлар ўз аксини топади. Мазкур риск мамлакатнинг жорий ва истиқболдаги молиявий иқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг мижозлар ёки контрагентларнинг халқаро мажбуриятларини бажаришига таъсир этиш даражаси орқали аниқланади. Суверен кредит риски эса, мамлакат рискига нисбатан тор тушунча бўлиб, унда молия-кредит ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган

---

[160] Маматов Б., Ачилов У., Инвестиция самарадорлиги даражасини оширишда қандай омиллар муҳим?//Бозор, пул, кредит 2017 йил 9 сон, 24-25 бетлар.

[161] Ўша ерда, 25 бет.

кредит ва қарз бериш, хорижий ҳамкорлар олдида молиявий мажбуриятларни бажара олиш, чет эл инвестицияларини молиялаштириш операцияларида ҳамда халқаро тўловга қобиллиги бўйича юзага келадиган молиявий хавф-хатарлар намоён бўлади.



13.1-чизма. Жаҳон мамлакатлари бўйича хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳолати (млрд. АҚШ долларида, 2014-2015 йиллар прогнози)[162].

Мамлакатнинг бир ёки бир нечта халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган, юқори баҳоланган суверен кредит рейтингига эга бўлиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга еврооблигацияларни эмиссия қилиш имкониятини тақдим этади, натижада миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларни молиялаштириш манбалари яна биттага кўпайиб,

[162] Манба: http://unctad.org/en/publicationslibrary/wir2013_en.pdf (давлатлар иқтисодиётининг ривожланиши кесимидаги прогноз кўрсаткичлари UNCTAD маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган)

мамлакат иқтисодиёнинг ўсиши тезлашади. Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни жалб этишда бир қатор имтиёзларни ҳам беради. Хусусан, маҳаллий эмитентлар томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозлари бўйича даромад даражаси, яъни фоиз ставкаси молия бозорида уларнинг ликвидлилиги юқори бўлганлиги боис катта бўлмайди, шунингдек, мазкур қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича андеррайтинг хизматини кўрсатувчи инвестицион банкни топиш ҳам нисбатан осон бўлади.

Бугунги кунда, саноати ривожланган мамлакатлардан суверен кредит рейтинги бўйича инвестицион даражага эга бўлган ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти қарор топаётган мамлакатларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кириб келиш ҳажмининг ортиб бориши мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига мос равишда давлатимизнинг суверен кредит рейтингини олиш заруратини янада оширади (13.2-расмга қаранг). Хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (UNCTAD)нинг 2013 йилги жаҳондаги инвестиция жараёни тўғрисидаги ҳисоботи (World Investment Report)да тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими йил сайин ортиб бориб, 2015 йилда 1,8 трлн. АҚШ долларини ташкил этиши, уларни жалб этишда ривожланаётган мамлакатларнинг етакчилиги сақланиб қолиши аниқлаб кўрсатилган.[163]

2012 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда етакчилик қилган ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг суверен кредит рейтинги мос равишда, яъни Хитой – АА, Гонг-Конг – ААА, Бразилия – ВВВ, Сингапур – ААА, Россия – ВВВ, Чили – АА, Ҳиндистон – ВВВ, Индонезия – ВВ, Колумбия – ВВВ, Қозоғистон – ВВВ бўлган. [164] МДҲ мамлакатларидан Россия, Қозоғистон,

[163] UNCTAD World Investment Report 2013, “Global value chains: investment and trade for development”. Copyright United Nations, 2013. All rights reserved. Printed in Switzerland. -236 p. http://unctad.org/en/...wir2013_en.pdf

[164] Maximillian M Mcgraw, New York. Alexander Petrov, London. Charlene C Wong,

Белоруссия, Озарбайжон давлатлари халқаро рейтинг агентликларининг суверен кредит рейтингига эга бўлиб, бу орқали улар халқаро молия бозоридан миллий иқтисодиётга инвестицион ресурсларни фаол жалб этмоқдалар.



13.2-расм. Мамлакатларнинг "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлиги томонидан аниқланган суверен рейтинг кўрсаткичлари (2014 йил 24 март ҳолати бўйича)[165]

Халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган рейтинглар муддатига кўра узоқ ва қисқа муддатли рейтинг-ларга бўлиниб, мамлакатга берилган узоқ муддатли рейтинг эмитент ўзининг қарз мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятини кўрсатади ва улар "A"дан "D" гача бўлган тоифаларга ажратилган. Тадқиқотларимизга асосланиб, халқаро рейтинг агентликлари томонидан мамлакатларга

Singapore. Ratings Direct "Sovereign Risk Indicators" March 24, 2014. -19 p

[165] Манба: https://ratings.standardandpoors.com/infographics/sovereign-risk

бериладиган суверен кредит рейтинги бўйича уларда яратилган инвестиция муҳитини 3 та асосий гуруҳга бўлиш мумкин, яъни улар қулай, спекулятив ва дефолт ҳолатидаги инвестиция муҳитларидир (13.1-жадвалга қаранг). Суверен кредит рейтинги бўлмаган мамлакатлардаги инвестиция муҳити спекулятив инвестиция муҳити билан тенглаштирилади. Шунингдек, "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлиги томонидан мамлакатнинг суверен кредит рейтингини келгуси 2 ёки 3 йил ичида ўзгаришнинг прогнози 4 кўрсаткич асосида аниқлаб кўрсатилади, яъни улар "Ижобий" – рейтинг ортиши мумкин, "Салбий" – рейтинг тушиши мумкин, "Барқарор" – рейтинги ўзгармас, "Ўзгарувчи" – ошиши ёки тушиши мумкин бўлган суверен кредит рейтингларидир.

Қайд этиш лозимки, мамлакат суверен кредит рейтингини аниқлашнинг асосий кўрсаткичлари сифатида ЯИМ, инфляция, аҳолининг иш билан бандлиги, ялпи ташқи қарз ва хорижий инвестицияларга хизмат кўрсатиш, давлат бюджети самарадорлиги, мамлакат тўлов баланси натижалари ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичлар бўйича мамлакатимизда охирги 10 йилликда ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг халқаро майдонда жаҳон капитал бозорининг иштирокчиси сифатидаги миллий мақомини ошириши, натижада хорижий инвестициялар кириб келишини янада рағбатлантириш ва хориждан жалб қилинган қарз маблағларини иқтисодиёт тармоқлари бўйича диверцификациялаш имкониятини кенгайтириши учун мамлакатнинг суверен кредит рейтингини олиш заруратини кўрсатади.

13.1-жадвал

Халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган рейтингларнинг умумий тавсифи[166]

Мамлакатнинг инвестиция муҳити баҳоси	Moody's		S&P		Fitch	
	Узоқ муддат (Long-term)	Қисқа муддат (Short-term)	Узоқ муддат (Long-term)	Қисқа муддат (Short-term)	Узоқ муддат (Long-term)	Қисқа муддат (Short-term)
Қулай инвестиция муҳити	"Aaa" дан "Baa3" гача	"P-1" дан "P-3" гача	"AAA" дан "BBB-" гача	"A-1+" дан "A-3" гача	"AAA" дан "BBB-" гача	"F1+" дан "F3" гача
Спекулятив инвестиция муҳити	"Ba1" дан "Caa2" гача	Not prime (қониқарсиз)	"BB+" дан "CCC" гача	"B" дан "C" гача	"BB+" дан "CCC" гача	"B" дан "C" гача
Дефолт ҳолатида	"Caa3" дан "C" гача	Not prime (қониқарсиз)	"CCC-" дан "D" гача	"C"	"CCC" дан "D" гача	"C"

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида юз бераётган замонавий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси етакчи халқаро рейтинг агентликларининг мамлакат (суверен) кредит рейтингини олишга қаратилган турли иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, бундай чора-тадбирлар мажмуаси маълум бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг

[166] Манба: Халқаро рейтинг ташкилотлари маълумотлари асосида тузилди.

устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори, 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли Фармонига асосан бажарилмоқда.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, жаҳон амалиётида умум қабул қилинган бизнесни юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш, халқаро рейтинг агентликларининг мамлакатимиз иқтисодиётига берадиган “қулай инвестиция муҳити” баҳосини олиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, яъни:

- *биринчидан,* аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланадиган ЯИМнинг қийматини камида 1100 АҚШ долларидан ёки йилига уни 10%дан, саноат ишлаб чиқаришидаги инқирозлар ҳисобига ЯИМ ҳажмини эса 20%дан пастга туширмаслик, охирги 10 йил давомида доимий ўсишини таъминлаш чораларини кўриб бориш;
- *иккинчидан,* миллий валютани халқаро пул сифатидаги мақоми (захира валюта (reserve currency) сифатида ХВФ асосидаги захира валюталарнинг камида 3%ни, ликвидлиги юқори валюта (actively traded currency) сифатида кунлик жаҳон валюта савдосининг 1%ни ташкил этиши,)ни халқаро ҳисобкитобларда фойдаланиш даражасини ошириш, Ялпи ташқи молиявий эҳтиёжларнинг халқаро молиявий тушумлар ва фойдаланиш мумкин бўлган валюта захиралари йиғиндисига нисбати (Gross external financing needs (% of CAR plus usable reserves)ни, шунингдек, тор доирадаги соф ташқи қарз (активлар)нинг халқаро молиявий тушумларга нисбати (Narrow net external debt/CAR (%))ни 100%дан, ташқи савдо баланси тақчиллигининг халқаро молиявий тушумларга нисбатини 10% оширмаслик зарур;

• *учинчидан,* умумий давлат қарзининг ЯИМга нисбатан салмоғини ўсиб боришини 4%-7%дан, давлатнинг соф қарзининг ЯИМга нисбати (Net debt/GDP (%))ни 80%дан, давлатнинг умумий даромадларига нисбатан фоиз харажатларини 15%дан оширмаслик, маҳаллий банк тизимининг давлат активларига таъсир этиш даражаси 20%дан кам бўлишини, 3 йил ичида сўндириладиган чет эл валютасидаги давлат қарзлари ялпи давлат қарзларининг 40%дан, норезидентлар томонидан давлат қарзларига эгалик қилишни, шунингдек, фонд бозори индекслари 60%га пасайганда, ишсизлик 15%га ошганда, ЯИМ 6%га тушганда давлат томонидан бериладиган турли шартли кафолатлар, яъни давлатнинг мажбуриятлари ҳажмини ЯИМга нисбатан 60%дан ортмаслигини таъминлаш;

• *тўртинчидан,* валютани тартибга солувчи монетар органлар томонидан қатъий белгиланган валюта курслари режимига қайтмаслик, уларнинг мамлакат пул муомаласини тартибга солишдаги мустақиллигини, унинг соҳага таъсир этиш механизми ва воситаларидаги ошкораликни, давлат аралашуви даражаси борасидаги сиёсатидаги аниқликни сақлаб қолиш, марказий банкнинг молия тизимидаги сўнги кредитор функцияларини чеклаб қўймаслик, монетар органлар томонидан эълон қилинадиган статистик маълумотлар тўғрилигини ёки ишончлилигини сақлаш, йиллик истеъмол нархлари индексини 10%дан оширмаслик лозим.

Мамлакатимизга глобал инвестиция бозоридан молиявий ресурсларни кенг жалб этиш мақсадида жаҳонда етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори даражадаги суверен кредит рейтинги баҳосини олиши, бозор ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш талаб этилади.

13.2. Ўзбекистоннинг ХВФга аъзо бўлиши ва ҳамкорлик алоқалари

Халқаро молия институтларини ривожланиши молиявий ва иқтисодий муносабатларни кучайишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида ХВФ фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Айтиш жоизки, Халқаро Валюта фонди, ХВФ (инг. International Monetary Fund, IMF) – БМТнинг ихтисослашган ташкилотларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг штаб - квартираси АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки ХВФ 1944 йил 22 июлда БМТнинг валюта - молия масалалари бўйича Бреттон – Вудсдаги конференциясида ХВФ битимининг асоси ишлаб чиқилган эди. ХВФ ташкил топган расмий сана – 1945 йил 27 декабрь бўлиб бунда, битимнинг охирги варианти 29та давлат томонидан имзоланган. ХВФ ўз фаолиятини 1947 йил 1 мартдан Бреттон – Вудс тизимининг бир қисми сифатида бошлади. Шу йили Франция биринчи кредитни олди. Ҳозирги кунда ХВФ 186 давлатни бирлаштириб, унинг тузилмасида 133 мамлакатдан 2500 мутахассис ишлайди.

ХВФ – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликларни олдини олишга қаратилган ташкилот бўлиб ҳисобланади ва чет эл валютасида қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилотдир.

ХВФ Келишувлар моддаларининг биринчи моддасига мувофиқ, унинг мақсадлари қаторига қуйидагилар киради:

– халқаро валютавий муаммоларни бартараф этиш борасида маслаҳатлар ва ҳамжиҳатлик механизмини таъминловчи доимий институт орқали халқаро валютавий ҳамкорликни рағбатлантириш;

– халқаро савдонинг кенгайиши ва мувозанатли ўсишини қўллаб-қувватлаш ва шу орқали бандлик ва реал

даромадларнинг етарлича юқори даражасини ушлаб туриш ва иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади сифатида барча аъзо давлатлар ресурсларининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиш;

– аъзо давлатлар ўртасида жорий битимларга доир кўп томонлама тўловлар тизимини ташкил этиш ва жаҳон савдоси ривожланишига тўсқинлик қилувчи валюта айирбошлашдаги чекловларни бекор қилишга кўмаклашиш;

– аъзоларнинг умумий ресурслари ҳисобидан етарлича хавфсиз асосда маблағ билан таъминлаш орқали уларнинг ишончини қозониш, ва шунинг асосида уларга тўлов баланси-даги номувофиқликлар(тартибсизликлар)ни миллий ёки халқаро тараққиётга ғов бўладиган чора-тадбирларсиз тўғрилаш имконини бериш;

– юқоридагиларга мувофиқ аъзо давлатларнинг халқаро тўловлар балансларидаги номувофиқлик (мувозанатсизлик)-ларнинг давомийлигини қисқартириш ва унинг даражасини пасайтириш.

ХВФ фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– жаҳон валюта тизимини назорат қилиш;

– пул сиёсатидаги халқаро хамкорликга ёрдам бериш;

– жаҳон савдосини кенгайтириш;

– ХВФ аъзоларини кредитлаш;

– валюта айирбошлаш курсларини барқарорлаштириш;

– дебитор мамлакатларга маслаҳатлар бериш;

– СДР чиқариш орқали ликвид маблағларни яратиш;

– иқтисодий сиёсат ва техник ёрдам соҳасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

– халқаро молия статистикаси стандартларини ишлаб чиқиш;

– халқаро молия статистикаси тўпламларини эълон қилиш.

Устав капитали тахминан 217 млрд. СДРни ташкил этади (2008 йил январда 1 СДР 1,5 АҚШ долларига тенг бўлган). У аъзо – мамлакатларнинг бўнаклари ҳисобига шаклланади,

одатда ўз квотасининг 25% СДРда ёки бошқа аъзоларнинг валютасида, қолган 75% ўзларининг миллий валютасида тўланади. Уларнинг квотаси ўлчамидан келиб чиқиб аъзо-мамлакатлар ўртасида овозлар тақсимланади.ХВФда юқори овоз миқдорини қуйидаги мамлакатлар эгаллаган (2011 йил ҳолати бўйича): АҚШ – 16,7%, Германия -5,82%, Япония – 6,24%, Буюк Британия – 4,30%, Франция – 4,30%, Саудия Арабистони – 2,81%, Хитой – 3,82%, Россия – 2,39%. Европа Иттифоқининг 27та аъзо мамлакатининг улуши – 32,07%, ХВФда 29 та саноати ривожланган давлатлар (ИҲТТга аъзо мамлакатлар) 60,35% миқдоридаги овозга эга.Фонд аъзолигини 84%дан ортиғини ташкил этувчи қолган мамлакатларнинг улуши атиги 39,65%га тўғри келади.

Айтиш жоизки, ҳозирда ҳам Халқаро Валюта Фондининг энг муҳим вазифаларидан бири аъзо мамлакатларнинг тўлов балансида қийинчиликлар юзага келганда кредитлар бериш орқали ёрдам кўрсатиш бўлиб ҳисобланади. Бу молиявий ёрдам мамлакатларга ўзининг халқаро захираларини тўлдиришга, миллий валютасини барқарорлаштиришга, импорт тўловларини амалга оширишни давом эттиришга ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш орқали фаол иқтисодий ўсиш учун шароитни тиклашга имкон яратади.

Мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда минтақавий ривожланиш ташкилотлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Минтақавий ривожланиш банклари ўз минтақаларига бошқа халқаро ташкилотларга нисбатан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уни ривожлантиришни назарда тутади. Бундай ривожланиш ташкилотларига Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Америкааро ривожланиш банки, Африка ривожланиш банки, Ислом тараққиёт банкларини киритишимиз мумкин.

XX асрнинг 60-йилларида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар ҳамкорлигини

кенгайтириш ва ушбу минтақалардаги ўзига хос муаммоларни ечиш учун минтақавий ривожланиш банклари ташкил этилди.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотларининг мақсади бўлиб, минтақа мамлакатларида ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, қашшоқлик ва қарздорлик даражасини камайтириш ҳамда хусусий сектор ривожланишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотларининг ресурслари халқаро капитал бозорларидан ўзлаштириш орқали жалб этилган маблағлардан, устав капиталларидан, шунингдек, техник ёрдам кўрсатиш ва имтиёзли кредитлаш учун асосан аъзо мамлакатлар бадаллари ҳисобига ташкил топган махсус фондлар маблағларидан ташкил топади.

Ушбу ташкилотларнинг операциялари иқтисодий ривожланишнинг барча йўналишларини молиявий қўллаб-қувватлашга мўлжалланган, лекин устувор йўналиш бўлиб иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмалар (энергетика, транспорт, коммуникация ва бошқ.) ривожланишини молиялаштириш ҳисобланади. Банклар ресурсларининг сезиларли қисми саноатни кредитлашга йўналтирилади.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– ривожланиш лойиҳалари ва инвестиция дастурларига ўз маблағларини қўйиш ҳамда кредитлар ажратиш. Экспорт-импорт ва тижорат ташкилотлари билан биргаликдаги лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш. Бунда кредитлашнинг турли усулларидан фойдаланилади: аниқ лойиҳаларни молиялаштириш учун қарзлар, тузилмавий қайта қуришни ўтказиш учун қарзлар, тиклаш қарзлари, кредит линиялари ва бошқалар.

– аъзо мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида хусусий инвестицияларни оширишни рағбатлантириш;

– ривожланиш лойиҳалари ва минтақавий дастурларни тайёрлашда, шунингдек ушбу дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда техник ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш.

13.3. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоқалари ва молиялаштирилаётган лойиҳалари

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) – Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ривожланиш лойиҳалари учун узоқ муддатга кредит ажратиш билан шуғулланадиган йирик давлатлараро молия институтларидан бири ҳисобланади. Осиё Тараққиёт Банки 1966 йилнинг 22 августида 15 та мамлакат томонидан шартнома имзоланиши билан ташкил этилган. Банк ўзининг ўз кредит фаолиятини 1966 йил 19 декабрда бошлади.

Осиё тараққиёт банкини тузишдан мақсад – Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беришдан иборат.

Бугунги кунда ОТБга 67 та аъзо давлат Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари, шунингдек, Европа ва Американинг саноати ривожланган 19 та давлати ҳисобланиб, ОТБ вакиллари ҳар йили ушбу ташкилотга аъзо ва фаол ривожланаётган давлатларнинг бирида ОТБ Бошқаруви, ушбу мамлакатнинг молия вазирлиги ва марказий банки раҳбарлари иштирокида учрашув ўтказади.

ОТБ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– инвестиция лойиҳаларини молиялашда узоқ муддатли ва имтиёзли шартлар билан 40 йилгача бўлган кредитларни йилига 1 % дан бериш; тижорат кредитларини 3 йиллик имтиёзли давр билан 15 йилгача бериш[167];

– ривожланаётган аъзо мамлакатларга уларнинг иқтисодий ривожланиш режаларини мувофиқлаштириш, шунингдек, молиялашга тайёрлаш ва лойиҳаларни ҳамда ривожланиш дастурини амалга оширишга ёрдам бериш;

[167] www.abd.org

– халқаро молиявий институтлар, миллий давлат ва хусусий ташкилотлар билан инвестицияларни биргаликда амалга оширишга тааллуқли масалаларда ҳамкорлик қилиш;

– минтақада иқтисодий ўсиш ва ҳамкорликни рағбатлантириш учун зарур эксперт хизмати ва маслаҳатларининг турли шаклларини ташкил этиш.

ОТБ қуйидаги соҳаларни ўз ичига олган лойиҳаларни молиялаштиради:

– қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш;

– автомобиль ва темир йўлларни таъмирлаш ва қайта қуриш;

– энергетика;

– таълим;

– транспорт ва алоқа тизими;

– тоғ-кон саноати;

– соғлиқни сақлаш ва экология;

– туризм инфратузилмасини ривожлантириш;

– истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

– банк тизимини ривожлантириш.

Осиё Тараққиёт Банкининг мақсад-вазифаси ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишини ва иқтисодий ўсишини, ҳам жамоавий ҳам мустақил рағбатлантириш ҳисобланади.

Кўпгина ривожланиш банклари каби Осиё тараққиёт банки ҳам кредитлашда балансни таъминлаш учун давлат секторига берилган кредитларнинг салмоғи жами лойиҳаларнинг 20%и дан ошмайди.

Осиё тараққиёт банки фаолиятининг хусусияти бўлиб, кредитларининг 30% ини имтиёзли шартларда махсус фонддан бериши ҳисобланади. ОТБ бу маблағларни Европа бозорларига йўналтириб, уларни ривожланаётган мамлакатларга 25-40 йилга мўлжалланган узоқ муддатли кредитларга айлантиради. Шунингдек, кредитлар тижорат шартларида ёки

юқори бозор фоиз ставкаси бўйича 10-25 йил муддатга оддий жамғармалардан ҳам берилади.

Осиё Тараққиёт Банкига аъзолик БМТ нинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Осиё-Тинч Океан Комиссияси аъзоларига, шунингдек бошқа минтақалар ривожланган мамлакатлари ва БМТга ҳамда унинг бирон бир бошқа махсус агентликларига аъзо мамлакатлар учун эркиндир.

Камбағал мамлакатларга Осиё ривожланиш махсус фонди ҳисобидан имтиёзли 1-3% ставкалар бўйича кредит маблағлар 40 йилгача муддатга берилиши кўзда тутилган.

Бошқа ривожланиш банклари каби ОТБда ҳам кредитлашда балансни таъминлаш мақсадида давлат секторига берилган кредитлар жами лойиҳаларининг 20%и дан ошмайди.

13.2-жадвал

ОТБ кредитларининг динамикаси[168]

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
1	Берилган кредитлар сони	31	31	35	60
2	Берилган кредитлар суммаси, млрд. долл.	5,1	5,8	7,4	10,1
3	Банк кредитлари ҳисобидан:				
4	Молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони	62	63	66	82
5	Молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар суммаси, млрд. долл.	3,8	4,4	6,1	8,2

Ушбу банк фаолиятининг хусусияти шундан иборатки, у ўз кредитларининг 30% ини имтиёзли шартларда махсус фонддан беради. У ушбу маблағларни Европа бозорларига

[168] Annual report of ADB 2013 y.(www.adb.org)

йўналтириб, уларни ривожланаётган мамлакатларга 25-40 йилга мўлжалланган узоқ муддатли кредитларга айлантиради. Бунда банк имтиёзли фоиз ставкаларини кўзда тутади. Кредитлар, шунингдек, тижорат шартларида ёки юқори бозор фоиз ставкаси бўйича 10-25 йил муддатга оддий жамғармалардан ҳам берилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, таҳлил даврида ОТБ томонидан берилган кредитлар ва молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, ушбу лойиҳалар сони 2009 йилда 31 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилда 60 тага етган. Шунингдек, берилган кредитлар ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш миқдори ҳам ошиб борган. Ушбу ҳолат, ОТБнинг мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

13.3-жадвал

ОТБ кредитларининг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши[169]

Т/р	Соҳалар	Маъқуллаиган кредитлар		Молиявий лойиҳалар сони
		Ҳажми, млн. долл.	Улуши, %	
1.	Ижтимоий	429,5	39,0	12
2.	инфратузилма	265,3	24,1	4
3.	Транспорт ва коммуникация	245,4	22,3	5
	Қишлоқ хўжалиги ва	90,7	8,2	3
4.	табиий ресурслар	70,0	6,4	1
5.	Молия тизими	1100,9	100,0	25
	Энергетика			

[169] Annual report of ADB 2013 y.(www.adb.org)

ОТБ томонидан берилган кредитларнинг асосий қисми транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш мақсадларига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келган.

Ушбу соҳаларга берилган кредитларнинг микдори 3,9 млрд. долларни ташкил қилди. Бу эса, ОТБ томонидан берилган кредитларнинг 39% ини ташкил қилади. Умуман, транспорт на коммуникация соҳасига 2013 йилда берилган кредитларнинг миқдори 2012 йилга нисбатан икки марта кўп бўлганлиги қайд этилган.

ОТБ томонидан давлат кафолатлари асосида 61 та лойиҳани молиялаштириш учун 9,2 млрд. доллар миқдорида кредитлар бундан ташқари, 2013 йилда ОТБ томонидан 672,7 млн. доллар миқдорида қайтариб олмаслик шарти билан молиявий ёрдам берилган. Бу эса, 2012 йилдагига нисбатан 25 фоизга кўпдир. Шунингдек, умумий суммаси 243,4 млн. доллар бўлган 242 та техник ёрдам лойиҳаси маъқулланган эди.

13.4. ЕТТБ билан ҳамкорлик алоқалари ва молиялаштирилаётган лойиҳалари

Халқаро молиявий институтлар таркибида ЕТТБнинг роли тобора ошиб бормоқда. Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ) 1990 йилда Лондонда ташкил қилинган. ЕТТБнинг асосий мақсади – Марказий ва Шарқий Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтишига ёрдам беришдан иборат бўлиб ҳисобланди. ЕТТБ фақатгина аниқ доирадаги лойиҳаларни кредитлайди. ЕТТБ ресурслари ХТТБга ўхшашлик бўйича шаклланади.

ЕТТБ ишлаб чиқаришни (лойиҳаларни молиялаштиришни ўз ичига олган ҳолда), инфратузилмани тараққий эттириш ва қайта тиклашга техник ёрдам кўрсатишни (экологик дастурларни ўз ичига олган ҳолда), акционерлик капиталига инвестициялари, айниқса хусусийлаштирилаётган

корхоналарни кредитлашга ихтисослашган. Шу билан биргаликда ЕТТБнинг асосий диққати кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган. ЕТТБ бошқа халқаро молия институтлари сингари ЕТТБ аниқ мақсадли инвестицияларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда маслаҳат бериш хизматини кўрсатади. ЕТТБнинг битта стратегик вазифаси – давлат корхоналарини хусусийлаштиришни қўллаб-қувватлаш, уларни модернизациялаш ва тузилмавий қайта қуриш, шунингдек, ушбу масалалар бўйича маслаҳатлар беришдан иборат.

ЕТТБнинг таъсисчилари бўлиб 40 мамлакат – Албаниядан ташқари ҳамма Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Мексика, Марокко, Миср, Исроил, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Корея, шунингдек, ЕИК ва Европа Инвестиция Банки ҳисобланади. Банк ўз аъзоларига, тузилмавий ва тармоқ иқтисодини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришни ислоҳ қилиш, бу билан мамлакатларни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига уйғунлашувига кўмаклашади.

ЕТТБ кредитларининг муддати одатда 5-10 йилни кредитнинг минимал миқдори эса 5 млн. еврони ташкил этади. Агар лойиҳа мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлса, банк камроқ миқдорда ҳам кредит бериши мумкин. Кредитлаш хоҳлаган эркин алмашинувчи валютада амалга оширилади, амалда кўпроқ АҚШ доллари ва евродан фойдаланилади. Лойиҳани молиялаштириш унинг қийматини 35%дан кўп бўлмаган миқдорини ташкил этади.

ЕТТБ тижорат асосида фаолият кўрсатади ва ўзининг кредитларини рискларни ҳисобга олган ҳолда бозор ставкалари бўйича беради. Тартибга кўра тижорат корхоналарини кредитлашда банк маблағларни қайтаришга доир ҳукумат кафолатини талаб этмайди, лекин бундай ҳолларда одатда лойиҳа активлари (масалан, гаровга оид асосий фондлар, гаровга оид мол-мулк ва бошқ.) билан кредитнинг гаров таъминоти қўлланилади. Кредитлар қатъий белгиланган ёки сузуб юрувчи ставкалар бўйича бўлиши

мумкин, шунингдек, хеджирлашнинг турли инструментларидан ҳам фойдаланилади.

ЕТТБ ўз фаолияти доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

– ривожланган мамлакатларда қабул қилинган банк иши стандартлари асосида мосланувчан кредитлаш учун турли хил инструментлардан фойдаланади;

– хусусий сектор ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган секторлар бўйича кўзда тутилган ва тутилмаган операциялар стратегиясидаги вазифаларни амалга оширишни ўзида мужассамлаштиради;

– хусусий инвесторлар, уларнинг маслаҳатчилари ва тижорат банклари билан ҳамкорлик қилади;

– ҳукумат билан ривожланишнинг узоқ муддатли режаларини амалга оширишда ҳамкорлик қилади;

– халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари билан ўзаро ҳаракатларни бажаради;

– давлатлараро ва минтақавий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ишлайди;

– атроф-муҳитни сақлашни ва яхшилашни таъминлашга ҳаракат қилади.

Европа Иттифоқи, Европа инвестиция банки аъзо мамлакатлари ва Европа Иттифоқининг ўзи ЕТТБ низом капиталида 51% квотасига эгадирлар, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари – 13%, қолган Европа мамлакатлари – 11%, ноевропа мамлакатлари –24%. Капиталда кўпроқ ҳисса билан АҚШ – 10%, Италия, ГФР, Франция, Буюк Британия ва Япония – 8,5%дан. Низом капиталининг ўлчами ҳар 5 йилда бир марта кўриб чиқилади[170].

Айтиш жоизки, ЕТТБ экспорт кредитлар бўйича кафолатлар бера олмайди ва суғурталаш билан шуғулланиш унинг вазифасига кирмайди. Бундан ташқари, ЕТТБ қуйидаги фаолият турларини молиялаштирмайди:

[170] www.ebrd.com

- мудофаа саноати;
- тамаки саноати;
- халқаро ҳуқуқий меъёрларда тақиқланган воситаларни ишлаб чиқариш;
- қимор бизнеси;
- атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва жараёнлар.

13.4-жадвал

ЕТТБ фаолиятининг молиявий натижалари, млрд. евро[171]

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2009	2010	2011	2012	2013
1	Устав капитали	5,2	5,2	5,2	5,2	5,2
2	Бошқарув қарори бўйича қилинадиган ажратмаларгача бўлган соф фойда (зарар)	0,4	1,5	2,4	1,9	0,6
3	Бошқарув кенгаши қарори бўйича қилинган ажратмалар	-	-	-	-	0,1
4	Захиралар ва тақсимланмаган фойда	1,7	4,7	7,0	8,7	6,6

Банк тақдим этадиган кредитининг энг кам миқдори 5 млн. еврони ташкил этади. Фоиз ставкалари асосий бозор ставкаси (одатда, ЛИБОР) ва маржадан ташкил топади. Кредитлар бўйича фоиз сузиб юрувчи (своп операцияларини қўллаган ҳолда) ёки катъий ставкаларда белгиланади. Маржа миқдори кредит шартларидан келиб чиқади.

ЕТТБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар сони 2009-2013 йилларда 265 тадан 302 тагача ортган. 2013 йилда

[171] Annual report of EBRD 2013 y.(www.ebrd.org)

ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 12,9 млрд.еврони ташкил этган.

13.5-жадвал

ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳалар динамикаси[172]

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2009	2010	2011	2012	2013
1	Лойиҳалар сони	265	276	301	353	302
2	Лойиҳаларнинг умумий қиймати, млрд. евро	13,0	9,8	12,0	13,8	12,9
3	ЕТТБ томонидан ажратилган маблағлар, млрд. евро	4,1	4,3	5,0	5,6	5,1
4	ЕТТБ томонидан жалб қилинган маблағлар, млрд. евро	8,8	5,9	7,7	8,6	8,4

2013 йилда ЕТТБ томонидан ажратилган маблағларнинг 39% и молия секторига, 26% и корпоратив секторга, 18% и инфратузилма соҳасига ва 17% и энергетика соҳасига йўналтирилган[173].

ЕТТБ кредит-молия сиёсатининг муҳим йўналишларидан молиявий сектор, энергетика, телекоммуникация инфратузилмаси, транспорт ва агробизнесни ажратиб кўрсатиш мумкин. Алоҳида ҳолда хусусийлаштириш соҳаси ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда ЕТТБ кредит линияларидан дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантиришда

[172] Annual report of EBRD 2013 y.(www.ebrd.org)
[173] Ўша манба.

фойдаланиб келмоқда. Ушбу ташкилот томонидан ажратилаётган маблағлар жаҳон иқтисодий ҳолатини яхшиланишига таъсир кўрсатмоқда.

13.5. Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоқалари ва молиялаштирилаётган лойиҳалари

2004-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон ИТБ билан жами 16 та лойиҳа амал оширилди, бунда жами лойиҳалар қиймати 863.8 млн, АҚШ долларига тенг бўлиб шундан 456,5 млн ни ИТБ томонидан молиялаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва ИТБнинг Баҳоловчи миссияси ўртасида ўтказилган музокалар натижасида Ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисида меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 майдаги "Ислом тараққиёт банки иштирокида "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 104-сонли қарори қабул қилинди ҳамда умумтаълим мактабларини қуриш учун имтиёзли кредит бўйиша Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Қарз битими имзоланди.

ИТБ билан ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишда кўмак сифатида, Ислом тараққиёт банки билан "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида "2004-2009 йилларда мактаб таълимини

ривожлантиришнинг умуммиллий Давлат Дастури"га киритилган умумий қуввати 5355 ўрин бўлган 15та янги умумтаълим мактаблари қурилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, кредит маблағларини мақсадли ва сарфлаш ҳамда лойиҳани самарали амалга ошириш мақсадида ижрочи агентлик сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги белгиланган эди.

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Республикамиз турли ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида янги замонавий мактаблар қуриш ва жиҳозлаш орқали таълим сифатини ошириш борасида олиб бораётган ишларига ўз ҳиссасини қўшиш бўлиб ҳисобланди.

13.6-жадвал

Ислом тараққиёт банки устав сармоясига Ўзбекистон Республикаси бадалларини 2007-2016 йиллардаги тўлаш ҳолати

Тўлов йиллари	**Тўланадиган сумма:**	
	ИД/СДРда тўғридан-тўғри тўловлар	**АҚШ долларига тенг миқдори**
2007	250000	347500
2008	250000	347500
2009	250000	347500
2010	250000	347500
2011	250000	347500
2012	250000	347500
2013	250000	347500
2014	250000	347500
2015	250000	347500
2016	250000	347500
Жами:	**2500000**	**3475000**

Унинг истиқбол режаси таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва жаҳон ҳамжамиятига олиб киришни таъминлашдан иборат бўлади. Лойиҳанинг 2 йил давомидаги фаолияти мактабларни жаҳон стандартларининг талабларига мос келадиган замонавий ўқув бинолар, компьютер технологиялар, жиҳоз ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлашдан, шу орқали таълим сифатини оширишдан иборат бўлди.

Лойиҳа компонентларини сотиб олиш жараёни ИТБнинг шартларига асосан ижрочи агентлик қошида ташкил этилган лойиҳани амалга ошириш гуруҳи томонидан амалга оширилди.

2012 йилда Ислом Тараққиёт Банки Саноат Қурилиш Банки ҳамда Ипак Йўли Банкига жами 11 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда қарз шартномасини имзолади.

ИТБга аъзо мамлакатлар ва мусулмон давлатларда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий юксалишни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган бўлса ҳам, у 56 та давлатни ўз аъзоси бўлишни таъминлади. Аъзоликнинг асосий шарти Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлишлилик ҳамда тегишли улуш учун банкка маблағ тўлаш бўлиб ҳисобланди. Банкнинг 31- йиллик йиғилишида унинг 1-даражали капитали 30 млрд. Ислом Динорига етказилган эди.

ИТБ таркибига кирувчи молиявий институтлар, яъни:

– Ислом Хусусий Секторни Ривожлантириш Корпорацияси;

– Ислом Инвестицияни суғурталаш ва экспортни Кредитлаш Корпорацияси;

– Ислом Илмий Изланиш ва Шуғулланиш институти;

– Ислом Халқаро Савдони Молиялаштириш Корпорацияси ҳамкорлигида ижтимоий-иқтисодий вазифаларни аъзо давлатлар доирасида амалга ошириб келмоқда.

Ислом тараққиёти банки инспекторлари кенгашининг ўттиз олтинчи йиғилишида (30 июнь куни Арабистоннинг Жидда шаҳрида) ўз ишига якун ясади. Айтиш жоизки, “Ал-

ҳаёт” газетасининг хабар беришича, бу йиғилиш чоршанба 29 июнь куни Арабистон қиролининг назорати остида Жидда шаҳрида бошланди ва 19-30 июнь куни ўз ишини тугатди.

Арабистон Молия вазири Иброҳим бин Абдулазиз бу йиғилишда Ислом тараққиёти банки Ислом умматига хизмат кўрсатиш ва мазкур банк билан иқтисодий, савдо-тижорат, инвестиция ва технология соҳаларида муштарак ҳамкорликларни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган фаолиятларига оид ҳисобот берди.

Тадбир иштирокчилари инвеститорлик ва экспорт кредитлари суғуртаси исломий ширкатининг сармояларини кенгайтириш масаласига розилик билдиришди ва йиғилиш давомида Ислом тараққиёт банкининг фаолиятлари жараёни борасида айрим қарорлар қабул қилинди.

Ушбу банкининг йиллик йигирма саккизинчи семинарини “Халқаро иқтисодий кризисдан сўнг банкка аъзо мамлакатларда ишсизлик муаммосига қарши кураш” мавзусида ўтказиш Жидда йиғилишининг кун дастуридаги масалалардан бири бўлиб ҳисобланди. Бу масалани муҳокама этиш жараёнида Арабистон Меҳнат вазири Одил бин Муҳаммад Фақиҳ ва Ислом тараққиёт банкининг масъуллари иштирок этишдилар.

Қозон халқаро саммитининг ташкилий қўмитаси вакиллари ва Ислом тараққиёт банкининг масъуллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Ислом тараққиёти банки гуруҳи бўлимида стратегик ҳамкорликлар олиб бориш бўйича келишиб олинди.

Қозон халқаро саммити (КАЗАНСУММИТ)нинг ташкилий қўмитаси ва Ислом тараққиёт банки масъулларининг мазкур учрашувида шунингдек ушбу банк Қозон халқаро саммитини қўллаб-қувватлашини ҳам билдиради. Учрашувда қатнашган Ислом тараққиёт банки гуруҳининг бошлиғи Аҳмад Муҳаммадали Маданий Қозон халқаро саммитининг фаолиятларини юксак баҳолаб, иккитомонлама ҳамкорликларни ривожлантириш ҳамда кенгайтиришнинг истиқболи хусусида

таъкидладики, Қозон халқаро саммитининг фаолиятлари натижасида Россия тижоратчилари ва тадбиркорларининг Исломий ўлкалар тижоратчилари билан алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

Хабарда айтилишича, Қозон тўртинчи халқаро саммити "Россия ва Ислом ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги" шиори остида жорий йилнинг 16-17 май кунлари Ислом ҳамкорлиги ташкилотига аъзо 57 та ўлканинг вакиллари иштирокида Қозон шаҳрида бўлиб ўтади.

Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ) Фан ва технологиялар учун ИХ ИТБ мукофотлари ҳақида эълон қилди.

Ҳар бири 100 000 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофотидан таркиб топган учта соврин ҳар йили Ислом Тараққиёт Банки томонидан ИТБга аъзо давлатлардаги фан ва технологиялар бўйича институтларга топширилади.

2004-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон Ислом Тараққиёти Банки билан жами 16 та лойиҳа амал оширилади бунда жами лойиҳалар қиймати 863.8 млн, АҚШ долларига тенг бўлиб шундан 456,5 млн ни ИТБ томонидан молиялаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Ислом тараққиёт банкининг Баҳоловчи миссияси ўртасида ўтказилган музокалар натижасида Ўзаро бир-бирини тушуниш тўғрисида меморандум имзоланди, деб хабар беради Ўзбекистон Республикаси Марказий банки матбуот-хизмати.

Ислом тараққиёт банки томонидан берилган 15 млн. АҚШ доллари миқдоридаги илк кредит линияси маблағлари ҳисобига молиялаштирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли қишлоқ хўжалиги, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш, тўқимачилик саноати сингари республика иқтисодиётининг муҳим соҳаларида молиявий ташкилотларни

қўллаб-қувватлаш мақсадида иккинчи кредит линиясини тақдим этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Лойиҳа ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжалиги ва саноат даражасига, янги иш ўринларини ташкил этишга ва хорижий валютадаги даромадлар оқиб келишига бевосита ёрдам беришини назарда тутиб келмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I.Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2013, 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель, 609-I-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 30 апрель, 611-I-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги (янги таҳрири) Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. I – 3. – Тошкент, 2004, 23-47-б.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 30-46-б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2017, 112 б.

1. Абулқосимов Х., Ҳасанов Р., Шомуродов Р. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. – Т.: Академия, 2007, 135 б.

2. Анализ инвестиционной привлекательности организации : научное издание / Д.А.Ендовицкий, В.А.Бабушкин, Н.А.Батурина и др. ; под ред. – Москва.: КНОРУС, 2010, 376 с.

3. Ансофф И. Стратегического управление / Пер. С англ. – М.: Экономика, 1989, 130 с.

4. Антонов В.А. Межрународные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник и практикум: учебник для бакалавров. – М.: Юрайт, 2014, 548 с.

5. Аньшин В.М. Инвестиционный анализ: Учеб.-практ. пособие.- 3-е изд., испр. – М.: Дело, 2004, 280 с.

6. Атаниязов Ж.Х., Алимардонов Э.Д. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2014, 433 б.

7. Бекмуродов А.Ш., Карриева Я.К., ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011, 192 б.

8. Боди Зви, Кейн Алекс, Маркус Алан. Принципы инвестиции, 4-е издание: пер. с англ. – М.: Вильямс, 2008, 984 с.

9. Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. – М.: Финансы и статистика, 1998, 160 с.

10.Ваҳобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Т.: “Молия”, - 2010. 328 б.

11.Гитман Л. Дж., Джонк М. Д. Основы инвестирования. Пер. с англ.- -М.: Дело, 1997, 1008 с.

12.Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. Тошкент: ЖИДУ, 2009 й, 56 б.

13.Тумусов Ф.С. «Инвестиционный потенциал региона». М.: «Экономика», 1999.

14.Инвестиции : учебник. - 2-е изд., перераб. и доп / Л.Л.Игонина. – Москва.: Магистр, 2008, 749 с.

15.Инвестиционные стратегии, руоводство. Как понимать рынки, риски, вознаграждение и повидение инвесторов / [Пер. с англ. С.А.Корнева]. – М.: ЗАО «Олимп -Бизнес», 2009, 384 с.: ил.

16.Инвестиционная стратегия: учебное пособие / Э.С.Хазанович, А.М.Ажлуни, А.В.Моисеев. – М.: КНОРУС, 2010, 304 с.

17.Инвестиции: источники и методы финансирования / Ивасенко А.Г., Никонова Я.И.. - 2-е изд., стер. – Москва : Омега-Л, 2007, 253 с.

18.Исломий молиялар ва банк тизими. Таржимон: Б.Жўраев. – Т.: Ўзбекистон, 2014, 464 б.

19.Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. Молия: корхоналар молияси. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2018, 268 б.

20.Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор

механизмларини жорий этиш масалалари. –Т.: Фан ва технология, 2007, 240 б

Интернет сайтлари

1. http://www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. http://www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот ҳизмати веб саҳифаси.
3. http://www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси.
4. http://www.gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.
5. http://www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти
6. http://www.investuzbekistan.uz– Ўзбекистон Республика инвестиция фаолияти расмий сайти.
7. http://www.ziyonet.uz – Ахборот таълим тармоғи.

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3

I БОБ. МИЛЛИЙ ХЎЖАЛИКНИ РИВОЖЛАНИШИДА ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Ўзбекистон халқаро муносабатларининг субъекти сифатида. Миллий хўжаликнинг ривожланишида халқаро молия муносабатларининг роли ва аҳамияти..... 7

1.2.Очиқ бозор тузилишини аҳамияти ва афзалликлари... 13

1.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро бозорга кириши ва иқтисодий потенциалининг ўзига хос хусусиятлари..... 22

1.4.Халқаро молиявий муносабатларни турлари ва уларнинг ривожланиши..... 31

II БОБ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ

2.1. Глобаллашув – жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги босқичи сифатида, унинг институционал тизими, келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш босқичлари..... 36

2.2. Трансмиллий корпорациялар ва банкларнинг глобаллашув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти..... 57

2.3. Жаҳон хўжалигида структуравий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари..... 72
2.4. Молиянинг глобаллашуви шароитида жаҳон қарзи иқтисодиёти ва тақчиллик..... 85
2.5. Молиявий оқимларнинг эркинлашуви ва халқаро капитал ҳаракати назариялари..... 107

3-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ФОНДЛАРИ

3.1. Халқаро молия ташкилотлари ва давлат фондларининг мақсад ва турлари..... 123
3.2. Жаҳон банки гуруҳи..... 128
3.3. Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг ташкил топиши ва ривожланиши, кредит фаолияти, махсус фондлари, унинг халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солишдаги роли..... 132
3.4. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)нинг тузилиши ва унинг асосий вазифалари..... 136

4-БОБ. ЖАҲОН ВАЛЮТА ТИЗИМИ ВА УНИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ

4.1. Валюта муносабатлари..... 140
4.2. Миллий валюта тизими ва валюта муносабатларининг иштирокчилари..... 143
4.3. Валюта муносабатларининг иштирокчилари..... 153

4.4. Париж, Генуя, Бреттон-Вуд, Ямайка жаҳон валюта тизимларининг ўзига хос хусусиятлари..... 162
4.5. Европа валюта тизими, унинг асосий элементлари ва ривожланиши..... 168
4.6. Валюта паритети, валюта интервенцияси ва халқаро валюта муносабатларида олтиннинг тутган ўрни..... 178

5-БОБ. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

5.1. Валюта операциялари ва уларнинг иқтисодий моҳияти..... 185
5.2. Валюта операцияларининг турлари..... 210
5.3. Валюта операцияларини амалга оширишга доир чекловлар ва валютани назорат қилувчи органлар..... 214
5.4. Жорий халқаро операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари.....
5.5. Муддатли валюта операциялари ва уларни амалга 225
ошириш турлари.....
5.6. Форвард, фьючерс ва опцион шартномаларининг 231
иқтисодий моҳияти.....
5.7. СВОП шартномаси..... 234
5.8. Валюта ва фоиз арбитражи..... 248

6-БОБ. ВАЛЮТА РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ 250

6.1. Валюта рисклар тушунчасининг иқтисодий моҳияти, турлари, юзага келиш сабаблари..... 255

6.2. Валюта риск турлари, уларни самарали бошқариш ва тартибга солиш..... 262
6.3. Очиқ валюта позицияси ва риск турлари..... 264
6.4. Валюта чекловлари..... 269
6.5. Валюта рискларини самарали бошқариш ва тартибга солишнинг замонавий йўллари..... 272
7-БОБ. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ-КИТОБ БАЛАНСЛАРИ
7.1.Халқаро тўлов баланси тушунчаси ва таркиби..... 273
7.2.Тўлов балансининг кўрсаткичлари ва унинг моддаларини таснифлаш услублари…….. 286
7.3.Тўлов баланси сальдосини ўлчаш услублари…… 304
7.4.Тўлов балансига таъсир этувчи омиллар……..... 310
7.5.Тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг асосий услублари..... 315
7.6.Тўлов балансларини муқобиллаштириш услублари.... 321
8-БОБ. ҲАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ
8.1. Халқаро валюта бозори..... 326
8.2. Валюталар ва валюта курси..... 332
8.3. Форвард курслари ва уларни ҳисоблаш йўллари. Форвард битимлари..... 335
8.4. Форвард курслари, валюта фьючерслари, своплар..... 338
8.5. Халқаро қарзли қимматли қоғозлар бозорлари. 344
8.6. Халқаро акциялар бозори..... 348
8.7. Форвард ва Фьючерс битимлари..... 351

8.8. Евровалюта бозори..... 355
8.9. Халқаро молия бозорларини тартибга солиш ва уни ривожлантириш борасидаги назариялар..... 357

9-БОБ. ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

9.1. Халқаро капитал ҳаракати. Чет эл инвестицияларининг моҳияти, зарурлиги ва аҳамияти..... 369
9.2. Миллий иқтисодиётни саноатлаштиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти..... 390
9.3. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ссуда капиталининг ҳаракат қилиш шакллари. 397
9.4. Тадбиркорлик капиталининг четга чиқарилиши. 398
9.5.Халқаро интеграцияда ҳамкорликдаги тадбиркорлик тушунчаси, унинг роли ва аҳамияти..... 399
9.6. Ўзбекистонда қўшма корхоналарнинг тузилиши ва ривожланиши. 405
9.7. Чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий соҳалари, уларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни..... 413
9.8.Кўчмас мулкка жалб қилинган хорижий сармоялар.... 417
9.9.Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳитнинг барпо қилиниши ва унинг муҳим омиллари..... 420

10-БОБ. ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ

10.1. Ички иқтисодиётда баҳолаш, солиқ имтиёзи қийматини ҳисоблаш, рискли ва рисксиз пул оқимларини қийматини ҳисоблаш..... 435
10.2. Рискли ва рисксиз пул оқимлари..... 456
10.3. Халқаро инвестицияларни амалга оширишдаги тўсиқлар ва ундан келадиган фойда..... 467
10.4. Капитални ўртача тортилган қиймати (WACC) ва молиявий активларни баҳолаш модели (CAPM)..... 478
10.5. Капиталнинг ўртача тортилган қиймати (WACC) орқали ички пул оқимларини қийматини ҳисоблаш ва тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар хусусияти..... 489

11-БОБ. ХАЛҚАРО СУҒУРТА БОЗОРИ ВА СУҒУРТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

11.1. Халқаро суғурта операцияларининг иқтисодий моҳияти ва халқаро бозордаги ўрни..... 497
11.2. Ўзбекистон суғурта бозорини дунё суғурта бозоридаги ўрни..... 511
11.3. Халқаро суғурта бозори..... 514
11.4. Суғурталаш ва қайта суғурталаш..... 525
11.5. Европа суғурта бозорининг дунё суғурта бозоридаги ўрни..... 540
11.6. Кредитларни суғурталаш бўйича давлат ташкилотлари..... 545

11.7. Миллий суғурта ассоциациялари ва суғурта компаниялари-нинг инвестициялари..... 555

12-БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАР

12.1. Халқаро иқтисодий интеграция, моҳияти, мақсади, вазифалари, афзаллик ва камчиликлари..... 570

12.2. Иқтисодий интеграция босқичлари, ташкил топиши ва уларни бошқариш..... 580

12.3. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда интеграцион жараёнлар..... 595

12.4. Эркин иқтисодий зоналарда хорижий инвестициялар, валютавий операциялар ва солиқ имтиёзлари..... 609

12.5 Эркин иқтисодий зона ташкилотларининг банк-молия тизими билан ўзаро алоқалари..... 620

12.6. Ўзбекистондаги “Навоий” эркин иқтисодий зонасини ташкил топиши, мақсади ва мамлакат иқтисоди учун аҳамияти..... 629

13-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

13.1. Ўзбекистон Республикаси халқаро молия институтлари аъзоси сифатида..... 640

13.2. Ўзбекистоннинг ХВФга аъзо бўлиши ва ҳамкорлик алоқалари..... 651

13.3. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоқалари ва молиялаштирилаётган лойиҳалари..... 653
13.4. ЕТТБ билан ҳамкорлик алоқалари ва молиялаштирилаётган лойиҳалари..... 657
13.5. Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоқалари ва молиялаштирилаётган лойиҳалари..... 664
Фойдаланилган адабиётлар..... 670

QAYDLAR UCHUN

Ж. Р. ЗАЙНАЛОВ, Д. Х. АСЛАНОВА, Т. Б. ИМОМҚУЛОВ

Ж.Р.Зайналов (Кириш, 1-боб, 2-боб, 2.1, 2.2, 2.3, 2.5, 3-боб, 3.1, 3.5, 3.7, 4-боб, 4.1, 4.2, 4.3, 4.4, 4.5, 5-боб, 5.1, 5.2, 5.4, 5.5, 5.6, 5.7, 6-боб 6.1, 7-боб, 7.2, 7.3, 7.5, 7.6, 8-боб, 8.1, 8.2, 8.3, 8.6, 8.7, 8.9, 9-боб, 9.1, 9.2, 9.5, 9.6, 9.8, 10-боб, 10.1, 10.4, 10.5, 11-боб, 11.1, 11.2, 11.3, 11.4, 12-боб, 12.1, 12.2, 12.3, 12.5, 12.6, 13-боб, 13.1), С.С.Алиева (2-боб, 2.4, 2.5, 3-боб, 3.3, 5-боб, 5.7, 6-боб, 6.5, 7-боб, 7.2, 8-боб, 8.2, 9-боб, 9.3, 9.4, 11-боб, 11.2, 11.4), Т.Б.Имомқулов (5-боб, 5.6, 8-боб, 8.5, 9-боб, 9.7), Б.Ш.Хусанов (3-боб, 3.4, 5-боб, 5.3, 5.6, 8-боб, 8.3, 8.4, 9-боб, 9.1, 11-боб, 11.5, 12-боб, 12.3), Ходжаев Э.Н. (5-боб, 5.8, 6-боб, 6.2, 8-боб, 8.1, 8.5, 8.8, 8.9), Р.М.Мусаев (7-боб, 7.4, 11-боб, 11.5, 11.7), Асланова Д.Х. (4-боб, 4.6), З.Ж.Расулов (3-боб, 3.4, 6-боб, 6.3, 6.4, 8-боб, 8.9, 10-боб, 10.2), Ш.М.Латипова (2-боб, 2.3, 3-боб, 3.6, 4-боб, 4.4), З.Ахроров (4-боб, 4.1, 6-боб, 6.2, 10.3, 12-боб, 12.4, 13-боб, 13.5), М.Хамроев (11-боб, 11.3, 11.6, 11.7), А.Ахмедова (3-боб, 3.7), Н.Э.Эрназаров (3-боб, 3.7, 8-боб, 8.1, 13-боб, 13.5), П.Усмонов (13-боб, 13.2, 13.3), Н.Х.Рузибаева (8-боб, 8.8, 9-боб, 9.1, 9.8, 9.9), А.А.Ходжимамедов (5-боб, 5.2, 8-боб, 8.2), Ж.М.Гадаев (13-боб, 13.3), Х.Қурбонов (7-боб, 7.1, 13-боб, 13.5), Р.Х.Карлибаева (4-боб, 4.2, 10-боб, 10.1), Ш.Исламов (2-боб, 2.2), Д.Ш.Хусанова (3-боб, 3.2, 4-боб, 4.1), Б.Низомиддинов (3-боб, 3.4, 8-боб, 8.3), Ш.И.Илхомов (4-боб, 4.4), А.Агзамов (7-боб, 7.3,), М.Бауетдинов (7-боб, 7.4), З.М.Мухаммедова (7-боб, 7.5), Н.Мурадова (8-боб, 8.6), Қ.Данияров (9-боб, 9.5), Ш.А.Машарипова (10-боб, 10.2), М.Пулатова (12-боб, 12.5), Х.Имомов (13-боб, 13.2), Д.Муталова (13-боб, 13.4), З.Сайидахмедова (13-боб, 13,4), +Расулов (6-боб, 6.5).

ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2021

Муҳаррир: М.Ҳайитова
Мусаввир: У.Ортиқов
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Миркосимова



E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Tel: 97-450-11-14, 93-381-22-07.
Босишга рухсат этилди 01.07.2021.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «Timez Uz» гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 23,50. Нашриёт босма табоғи 23,75.
Тиражи 300. Буюртма № 90.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22 б уй.

98000
65.9(5Ұ8)262.6

ISBN 978-9943-7799-4-5